

Учқун НАЗАРОВ

ПАЙМОНА

РОМАН

ИРОДА

ҚИССА

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2010

Назаров, Учқун.

Паймона: Роман. — Т.: «Шарқ», 2010, — 336 б.

ББК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-429-0

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2010.

Булар уч офа-ини. Тўнғичи Қудрат, кенжаси Жасур, ўртанчаси Ёдгор. Қизлари йўқ. Битта қиз кўрсам, ҳаш-паш дегунча пинжимга кириб, дастёр бўлиб қолармиди, дея-дея буларнинг онаси Зарифа хола орзусига етиша олмади. Қаторасига туғилган учала ўғли оқ-қорани танийдиган бўлиб қолишди, уларнинг олдида қорнини қаппайтириб юришдан орийат қилиб, қиз кўриш ниятидан ҳам айниди. Унинг устига эри тез-тез касалга чалинадиган, нимжон, тажанг бўлиб қолди. Катта ўғли Қудрат олим, ҳашаротлар билан шуғулланади, институтда дарс беради.

Зарифа холанинг учала ўғли, битта ота-онадан бунёд бўлишларига қарамай, бири бирига мутлақо ўхшашмайди. Қудрат ака тўнғич бўлса-да, жуссаси ушоқ, бўйи паст, калласи хандалак, бурни қирра, лаблари юпқа, нон тишласа, лунжи туртиб чиқади. Ҳамма хизмат менга тушган, дейди Қудрат ака жуссасидан ёзғириб, ҳовлига сув сепиш, кўмир ташиш, лой қориш, фишт тахлаш, ёнроқ қоқиш, бошга чамбарак кийиб, қулупнай солинган тоғорани бозорга олиб бориш, ўҳ-ў! — қайсинисини айтай? Укалари ёш эди-да. Кечалари дарс тайёрлар эди. Шунинг учун ўттиз ёшда кўзойнак тақди.

Бироқ Қудрат ака (институтда "Қудрат Умарович" дейишади) жуссаси шунақа бўлишига қарамай, ўзи вазмин, икки ўйлаб, бир гапиради. Илож бўлса, бир кунда икки марта ваннага тушади, кеча кийган кўйлагини бугун киймайди, ён чўнтагида иккита дазмол урилган дастрўмол, орқа чўнтагида пойабзал артиш учун бир парча бахмал бўлади, ўтириш зарур туюлмаса, шимининг тахи бузилмаслиги учун тик туради, овқатланганида бир қўлида албатта сочиқ бўлиши керак, ҳар гал оғзига таом юборганда, лабларини артиб туради; кўчада соя танлаб юради, терлашни ёқтирмайди, нечта водопровод жўмраги учраса, ҳар бирининг олдида тўхтаб, қўлини ювади, дастрўмолча билан қўл-бўйинини артгач, рўмолчани яна тахлаб чўнтагига солади. Одам кўп жойни унча хуш кўрмайди, мазмунсиз гурунган чарчайди, гап маъноли бўлса, вақтини аямайди, суҳбатдошнинг маърузасига қараб одамга баҳо беради, маъқул тушса, яна гаплашгиси келади, самимий кўринса, айниқса, табиат оламини ёқтирса — бас, у Қудрат ака учун яхши одам.

Ўзини тутиши, хулқи жиҳатидан иккала укаси Қудрат акани қониқтирмайди, онасиникига борганда учрашмаса, ҳафталаб, ойлаб уларни кўрмайди, "нарироқда юраверишсин", дейди. Ёдгорнинг ҳам, Жасурнинг ҳам беқарорлиги, пала-партишлиги,

ҳамон “думбуллиги”, “девоналиги”, бирон касбга боғланмагани Қудрат аканинг энсасини қотиради. Ёдгорнинг тайин иши йўқ, унинг устига этагини қоқиб, Дўрмонга жўнаворган. Ҳеч қанақа масъулият сезмайди, бирон жойда ярим йилдан кўп ишламайди, ҳамма билан “закон” сўқишади. Ким бунга тоқат қилади? Нуқул бировдан сўраб сигарет чекади. Энди кампирнинг пенсиясини яримта қилаяпти. Уйига келса, Қудрат аканинг юраги безиллаб туради, хотини оқиди мулзам бўлади. Доим бирон кори ҳол ишни қилиб кетади. Қайси бир гал келганида, тузатаман деб телевизорни бузишти, охирги марта балкондан иссиқ чой селган экан, кимнингдир устига тўкилипти — кўп жанжал кўтарилди, Қудрат ака аранг босди. Ўшандан бери Ёдгордан дом-дарак йўқ. Гумдон. Гап айтсанг, насихат қилсанг, маслаҳат берсанг, баладдан келади, ҳаммадан иллат қидиради, қулоқ солмайди, ўзиникини маъқуллайди, энсани қотиради. Гапирмасанг, юриш-туриши шунақа. Қачон худо инсоф беради? Қудрат ака каттаси бўлгани учун укаларининг қисмати хавотирга солмай иложи йўқ, ўйлайди, албатта, кечалари уйқуси қочиб кетади, бирон йўл, усул, чора ахтариб топа олмайди.

Институтга кириш учун шаҳарга кетиб, Қудратнинг қулоғи тинчиди, отасининг тутуруқсиз ҳаракатидан мулзам бўлиш, орият чекиш азоблари қишлоқда қолиб кетди. Институтни битириш арафасида Муяссар исмли мунчоқдек қизга уйланди, ичкүёв бўлиб Бодомзордаги хонадонга кирди, қайнона-қайнота, қайнука, қайнсингил, емиш-ичиш тайин, алоҳида хона, кийим-кечак ювилган, дазмолланган, осойишта ҳаёт — Қудрат ғала-ғовур бозордан қочиб осуда гўшага тушгандек бўлди. Кафедраси Қудратни институтда олиб қолди. Қудрат аввали ассистентлик қила бошлади, кейин мустақил дарс олиб бориш ҳуқуқига эга бўлди, илмий иш қилиш имконияти яралди. Муяссархон ўқишини тугатди, диплом олди, болалар тарбияси муассасасига йўланма олди, мудирликка кўтарилди. Бу орада қизи туғилди, уй нурга, чақалоқ чинқирғига тўлди, файз кирди.

Акасига эргашиб иккала ука ҳам шаҳарга келишди. Камтар, тортинчоқ, бир юмуш буюрсанг отилиб турадиган, дарров топшириқни бажаришга тайёр, камсуқум, қишлоқи болалар — Ёдгор ҳам, Жасур ҳам қандай беайб, мўлтиллаб турадиган гўдақдек покиза йигитчалар эди. Ёдгор ҳужжатларини ирригация институтига топширди. Жасур бадий-рассомлик билим юртига кириб келди. Қудрат қанча қистамасин, укалари кечки пайт ётоқларига жўнашди. Истиҳола қилишди: акаси ичкүёв бўлса-ю, уруғ-аймоғини судраб келса, қайнона-қайнотаси нима дейди? Акасига ҳам, укаларига ҳам ола қарайдиган бўлиб қолишади. Иззатни билиш керак. Биринчи курсдалигида Ёдгорни ҳарбийга чақиришди, икки ой ўқитишиб, Афғонистонга жўнатишди. Ёдгор икки йилдан кейин сонидан яраланиб, Афғонистондан қайтиб келди, яна институтига кирди, аммо ўқишга ҳафсаласи бўлмади,

ташқи бўлимга ўтди. Ишлашни маъқул кўрди. Аффон урушида қатнашгани, унинг устига ярадор бўлгани учун иш топиш қийин бўлмади.

2

Аффонистондан қайтгач, Ёдгор шифокорлар ўқийдиган қизлар билим юртига электрик бўлиб ишга кирди. Ҳарбий комендатура Ёдгорнинг ташқидан бўлса ҳам ГЭС факультетига ўқишини ҳисобга олиб, ўша ёққа йўлланма берган эди. Йигирмадан ошган Ёдгор бир йил мобайнида таралла-бедод қилиб яшади. Тайин жойи бўлмагани учун аввалига Дўрмондан қатнаб ишлади, кейин узоқлик қилиб, бир неча кун Қудратнинг уйида, икки-уч кеча институтда танишган ёру биродарлариникида, ҳатто Жасур яшайдиган ётоқда тунаб кун кечирди; Ёдгор меҳнат юзасидан қизлар орасида кўп бўлар, электр тузатгани ётоққа борса, у ерда ҳам техникумда учрайдиган қизларга дуч келар, бўлажак хотини Барно билан ўша ерда танишган эди. Барно чўғдек қиз бўлиб, исми жисмига мос эди. Сижжак қишлоғидан келган, ҳозир иккинчи курсни тугатиш арафасида, ҳар шанба куни дарслардан кейин қишлоғига кетиб, якшанба куни кечга томон шаҳарга қайтар, Ёдгор уни автобус бекатида кутиб олар, уйдагилари ҳар нарса солиб берган халта-сумкаларни кўтариб келишга кўмаклашар, кинога боришар эди. Ёдгор кузатиш баҳонасида баъзан Барнога ҳамроҳ бўлиб, Сижжаккача борар, шу автобус билан орқасига қайтар, Дўрмонда тушиб қолиб, гузардан унча-мунча харажат қилар, ўз уйида ётиб қолар, саҳар чоғи яна шаҳарга ошиқар эди.

Бирда Ёдгор китоб ахтариб, институти кутубхонасига борди ва биринчи курсда танишиб, ҳатто уч-тўрт марта унинг уйида ётиб қолган ва ота-онаси билан танишиб, маълум маънода қадрдонлашиб қолган дўсти Давронни зинада учратди. Кучоқлашиб кўришишди. Даврон ҳали институтни битирмаган, охирги курсида эди. Даврон дўстининг Аффон урушида қатнашиб, ногирон бўлиб келганини, муқим жойи йўқлигини билар эди, уйига таклиф қилди. Ёдгор Давронни уланган билиб, боришга ийманди, аммо Даврон қистади, Ёдгор рози бўлди. Икки оғайни қовун-тарвуз олиб, Давронникига кириб боришди. Ўртоғи яшайдиган уй данғиллама, дарвозахонада "Волга" ярқираб турар, гулзор атрофидаги йўлчаларга Давроннинг дадаси шлангдан сув сепар эди, Ёдгорни дарров таниди ва шлангни ташлаб, меҳмон билан кучоқлашиб кўришди. Ёдгорнинг ҳадиги аригандек бўлди.

— Об-ба Ёдгорбек-э! — деди Карим ака Ёдгорни кучоғидан бўшатиб. — Қойил! Ҳаммасидан хабарим бор, Даврон айтган. Қайтганингга бир йил бўпти, нега бир қорангни кўрсатмайсан? Фарзанддек бўп қолувдинг, шунақа бўладими? Даврон айтгандан кейин, нега олиб келмадинг, деб ўртоғингни койидим. Ё Аффонни ўтиб келдим деб бизни писанд қилмадингми?

— Йўф-э, Карим ака, — дея Ёдгор хижолат тортди. — Юмушга аралашиб қолдим.

— Майли, майли, — деди Карим ака Ёдгорни гулзор ўртасидаги шийпонга бошлаб.— Ҳаддим сиққанидан айтдим-да, жиян. Кўнглингга олма. Ўтир.

Учовлашиб омин қилишди. Карим ака уй томон қараб:

— Онаси, қочоқ ўғлинг келди, чиқ! — деди баланд овозда.

Лутфихон опа ичкаридан чиқиб зинада тўхтади ва Ёдгорни таниб, "бай-бай" лаганича меҳмон истиқболига йўрғалади, эгилган Ёдгорнинг елкасига кафтини кўйиб кўришди.

— Вой, Ёдгоржон, омонмисиз, болам? Нега бедарак бўлиб кетдингиз? Қайтибсиз, эшитдик. Худога шукур. Бардаммисиз, айланай? — сўради Лутфихон опа Ёдгорнинг ҳассасига кўз ташлаб. — Ойингиз, дадангиз соғ-саломат юришиптими?

Бир-икки пиёла чойдан кейин Карим ака:

— Қоронғи тушмасдан орқага ўт, Ёдгор, — деди. Бино ортида ҳам ер бўлиб, экин-тикин, мевали дарахтлар ўша томонда эди. — Кузда ўзинг кўмган анжир мевага кирган. Ўз кўлинг билан териб чиқ, оғзинг тегсин. Мен сувимни сепиб бўлай, — дея Карим ака пижамаси резинкасини чарс-чурс қорнига уриб, нари кетди.

Ёдгор Давронга эргашиб, унинг хонасига кирди ва иккала йигит уйбоп кийинишиб, боққа тушишди. Бу томон димроқ эди. Кулчасимон анжир доналари етилган, сап-сарик, баъзиларининг "кўзи"да асал томчиси йилтирар, мева аранг бандида осилиб турар, сал тегса, узилиб майсага тўкиладигандек оғир, ширага тўла ҳам эди. Қишлоқ боласи бўлгани учун Ёдгорни унча-мунча мева турлари билан ажаблантириб бўлмайди. Ёдгорнинг Дўрмондаги ҳовлисининг ҳам томорқаси бор, мевалар пишганда эплаб бўлмайди. Даврон ҳам бир неча марта борган, боғ айланишган, шафтолихўрлик қилишган.

— Вақтида териб олмасанг, тўп-тўп тўкилиб, таппи бўлиб қолади, — деган ўшанда Ёдгорнинг дадаси, таппи билан қиёс қилиши Давронга кулгили кўринган.

— Таппи?

— Ҳа-да. Бирпасда қораяди, таппига ўхшаб қолади...

Анжир ҳақиқатда тобига етган, ҳар донаси пиёладек, тўрттаси билан коса тўлади, шираси бўғади, биттасига одам тўяди.

Пижама резинкасини чирсиллатиб Карим ака пайдо бўлди. Сув сепиб бўлди, чоғи, Ёдгорнинг лунжини лўппа-лўппа тўлдириб, анжир ейишидан ҳавас қилар, боғдаги яна бошқа нарсаларни кўрсатгиси келиб тоқатсизланар, Дашнаободдан ўзи олиб келиб ўтқазган анор тупини ҳам тезроқ кўришини, Ёдгорнинг қойил қолишидан мамнун бўлишни истар эди. Ростдан ҳам анор мевалари мева деса, камситгандек, бошқача, салмоқлироқ сўз билан атагиси келар, тутган ҳосилининг энг кичиги чақалоқ калласидек, баъзилари хандалақдек, тўқ қизил, оғир, калтакка боғламаса, шохини эгиб синдиргудек эди.

— Қумга кўмса, июнгача етади, — деди Карим ака гурурини яшира олмай. — Пўсти қотмайди. Биттаси бир коса шарбат беради. Табиат мўъжизаси. Энди олмани кўр. Ўзим пайванда қилганман. Ўн икки хил.

Карим ака олма тупи олдига бориб тўхтади.

— Буни мўъжиза деса арзийди, — деди Ёдгор ҳайратланиб. Битта дарахт тупида неча нав шохлар бўлиб, бирида қизил қирмизи, иккинчисида сариқ, зарғалдоқ, яна бирида кўкимтир, қолганларида сепкилдор, тарам-тарам, узунчоқ, юмалоқ дукки олмалар — ҳаммаси ўз навига муносиб тусда тобланар, кўзни тортар эди. Бироқ тез орада қош қорая бошлагани учун Карим ака бошқа "ихтиро"ларини кўрсатишга кўзи қиймади: уларни одам қуёш шурида кўрмаса, муносиб баҳо бера олмайди.

— Қолганини эртага кўрасан, — дея Карим ака, ҳовли томон меҳмонни етаклади ва у ёққа чиққач, катта лампочкани ёқди. Ҳаммаёқ нурга тўлди, аммо ҳали осмон ёруғ, юлдуз йилтирай бошлаган эди.

Гулзор орасидаги стол атрофида оқ филофли стуллар турар, дастурхон нозу неъматлар, биллур қадаҳлар, бир шиша коньяк билан безатилган бўлиб, устига оппоқ дока ташланган, кечки салқин билан уйғонган гуллар анвойи ҳидлар тарқатар эди. "Жаннат", деб ўйлади Ёдгор ичида, ҳавас қилди.

— Катта бўлиб қолдиларинг, — дея Карим ака докани олиб ташлади. — Қиттак-қиттак қилсак, айб бўлмайди. Ўтирларинг. Ҳозир манти келади.

Карим ака коньякни очиб, қадаҳларга қуйиб чиқди, Ёдгорга бағишлаб, сўз айтди. Биринчи қадаҳ бўшади. Лутфихон опа манти келтирди, яна биттадан қадаҳ кўтарилди, бошқа ичишмади. Таомдан сўнг Даврон тарвуз сўйди. Ёдгор боядан бери ўртоғининг камгаплигини нимага йўйишни билмас, назарида Даврон бой отаси олдида ҳадиксирагандек, дабдабали уйи борлигидан иймангандек туюлар эди.

— Рустам аканг оиласи билан алоҳида бўлиб чиқиб кетишди, — деди Карим ака, катта ўғлини назарда тутиб. — Сожидани узатдик, болалик бўлган. Ҳувиллаб қолдик, уйлантирайлик, десак ўртоғинг ўқишни битирай", дейди. Сен Афғонга бориб келдинг, ишлаяпсан экан, уйланишни ўйла, ўғлим, — деди Карим ака Ёдгорга ўзини яқин тутиб.

— Қишлоққа тушишга ким рози бўлариди, амаки? — деди Ёдгор.

— Шаҳардан жой олиш керак, — деди Карим ака. — Уруш қатнашчисисан, ярадорсан. Сенга бермай, кимга беришади? Медаллар борми?

— Иккита, — деди Ёдгор ийманиб.

— Жуда соз. Эртагаёқ комендатурага бориш керак. Талаб қилмасанг, ўзлари беришармиди? Ҳаққинг бор. Уйланаман, де! Жой керак, инвалидман, уйлансам, хотиним қарайди, деб айт.

Каттароқ уй сўра. Ҳам уй-жойлик бўласан, ҳам уйланасан. Эътироз билдириша олмайди. Биронта кўз остига олиб қўйганинг борми? Бўлмаса ана кеннойнинг суриштиради.

Ёдгор қизариб кетди. Барно ҳақида айтгиси келди, аммо уй олиш масаласи олдида бу иккинчи даражали гапга ўхшаб кўринди. Индамай қўя қолди.

Қўшни томондан мусиқа товуши эшитилди.

— Даврон, тур, телевизорни қўй, — деди Карим ака ўғлини шошилтириб. — Зайнаб Полвонова айтаяпти. Тугаб қолмасин.

Даврон чопқиллаб бориб, дераза тоқчасига ўрнатилган телевизорнинг қулоғини буради, ташқарига қараган экрани жимирлаб, Зайнаб Полвонова "Самарқанд ушшоғи"ни айтаётган тасвири кўринди:

"Китобхона олам варақ-варақ жустам..."

Ашуланинг Карим ака яхши кўрадиган авжи эди.

— Эштайлик, — дея Карим ака огоҳлантириб, кўзларини юмди, қўшиқ жозибасига берилиб, чайқала бошлади.

Йигитлар одоб билан жимиб қолишди. Қўшиқ ҳақиқатда ёқимли, ашулачи ва машшоқларнинг ижроси маҳоратли, фақат байти форсча эди, бироқ жумланинг олтита сўздан бештаси — яъни: "китоб", "хона", "олам", "варақ-варақ" дегани тушунарли бўлиб, "жустам" нималигини ёшлар билишмас, шунинг учун банднинг маъноси тушунарсиз эди. "Китоб ҳақида бўлса керак", деб ўйлади Ёдгор, миясига озор бергиси келмай.

Карим аканинг ёдига тушиб, телевизор олдидан жилган Давронга боқди.

— Ўшатта туратур, — деди Карим ака шошилиб. — Ашула тамом бўлиши билан ўчирасан.

Даврон ортига қайтди. Карим ака ҳақиқатда шу куй шайдоси, бошқа оҳанг билан қўшиқ нашъасини бузгиси келмас эди. Ёдгор шундоқ тушунди. Ўзи қанақадир омборнинг мудури, юмуши "тушир", "орт-юкла"дан иборат Карим ака битта куйга шу қадар маҳлиё — жунун бўлиши, тўлганиши, изтиробга тушиши, — қандай фазилат. Агар шоир ёки бастакор бўлганида бу одамдан қанақа намоянда чиқиши мумкин эди.

"Хати ту гуйдаму гуфтам, ки мугдао инжост.

Закоти ҳусн агар, медуҳи барои ҳуго,

Биё ки Зебуннисо, ҳам чу ман гадо инжост".

Таронанинг охирги банди тугагач, Даврон телевизорни шартта ўчириб қўйди. Карим ака оғир хўрсиниб кўзини очди. Баҳра олгани, дили қаттиқ таъсирлангани сезилиб турар эди.

— Шу қўшиқни юз марталаб эшитганман, — деди Карим ака тилга кириб. — Яна минг марталаб эшитишга тайёрман. Радиода берилаётган бўлса, қаерда бўлмай, туриб қоламан. Нечта ҳофиз айтганини ҳам биламан. Лекин бу шунақа ашулаки, ҳамма ижро қилиши яхши эмас. Саодат опа, Зайнаб опалар айтишса, дўндириб

қўйишади. Эшитган одам энтикиб қолади, ҳаво етишмай. Сўзлари оҳангига мослиги-чи!

— Сўзларини тушунасизми, амаки? — сўради Ёдгор.

— Тушунмайман, ҳис қиламан, — деди Карим ака ва мафтун бўлгандек: — “Қадам зи майкада берун...” Қанақа сўзлар! — дея, ўрнидан туриб кетди, наридан резинкасининг чирсиллагани эшитила бошлади, кейин Карим ака ёдлаб олган шеър байтини ўзича қайтара-қайтара “Волга” турган дарвозахона томон йироқлашди. “Карашма теғу мижжа, ханжару нигоҳ алмос... Дашти Карбало инжост...”

Карим аканинг қалби жунбишга тушган, ҳаяжони қувончи эди. Қачон ётганини ҳам, қачон турганини ҳам йигитлар пайқашмади. Эрталаб қуёш тушиб, уйғонишга мажбур бўлишди. Карим ака алақачон ишга кетиб улгурган эди. Ёдгор билан Даврон бино орқасидаги майдонда бадантарбия қилишди, пишқириб ювинишди, артинишди, ҳусайни узумининг бошлари осилиб турган шийпонда қаймоқ билан нонушта қилишди.

3

Фарзандлар ичида энг каттаси Қудрат бўлгани учун ака сифатида маълум даражада масъулият сезар, унча-мунча маслаҳатли тадбир-чоралар чиқса иккала укаси ҳам, онаси ҳам, ўқтин-ўқтин дардга чалиниб турадиган дадаси ҳам Қудратнинг гапини кутишар, Қудрат у пайтлари ичкүёв бўлса-да, биринчи фарзанди туғилган, мустақил машғулотлар олиб борадиган ўқитувчи, “домла” эди. Бу гал ҳам, масала равшанлашгач, Ёдгор акасини истаб институтга йўл олди. Агар бир-икки гал укалари ўқтин-ўқтин боришса, Қудрат ака қайнона-қайнотаси олдида хижолат чекишини Ёдгор ҳам, Жасур ҳам билишар, уйига камроқ боришга ҳаракат қилишар, пул-муддан сиқилишса ёки зарур иш чиқса, Қудратга чопишар, акаси иложи борича ёрдамини аямас эди. Ака-укалар аҳил бўлишмаса, Тошкентдек жойда улар бири бирдан узоқлашиб кетишлари, бегоналашишлари мумкин эди.

— Уй беришаяпти, — деди Ёдгор акасига, одати бўйича тирноғини тишлаб.

Қудрат укасига тикилиб қолди.

— Қанақа уй?

— Квартира, — деди Ёдгор қувончини аранг эплаб.

— Квартира? — дея Қудрат укасининг қўлини ушлади. — Қанақа квартира?

— Уч хонали. Чилонзордан. Ҳаққим бор экан. Мана буни ташламаяпман, — дея Ёдгор ҳассасини полга дўқ этиб уриб қўйди. — Нафақа ҳам беришаяпти.

— Яхши! — деди Қудрат. Унинг кўзлари мамнун йилтирар эди. — Жуда яхши. Мана, жойинг бор, ватанлик бўлдинг,

ишинг, нафақанг тайин, бир хонасида Жасур ётиб юради. Энди Дўрмонга чиқиш керак, дадамиз омонат, тўй ҳаракатига тушишсин, қиз, ахтаришсин.

— Қиз бор, — деди Ёдгор, тирноғига қараб. — Сижжаклик. Техникумда ўқийди. Ҳозир таътилда. Одам қўйиш керак. Ойим билан сиз борсангиз, тузук бўлариди. Обрўли кишисиз. Ўзим олиб чиқаман.

— Исми нима? — деди Қудрат бир дам хаёлга ботиб.

— Барно.

— Чиройлими?

— Тузук, — деди Ёдгор, жилмайиб, милки кўриниб кетди.

Юрақдан урипти, деб ўйлади Қудрат.

— Ақли, одоби қалай? — сўради у. Тошкентга келган қизларнинг аксарияти шу ерда илиниб қолиш ниятида юришларини ўз институти талабалари мисолида билар эди.

— Тузук, — деди Ёдгор. — Ҳозир уйда. Борсангиз кўрасиз.

— Бир кўришда билиб бўлармиди? Бизникага олиб кела оласанми?

— Унамайди. Тортинчоқ. Уялади.

— Ҳай, бу ёғи бир гап бўлар, — деди Қудрат, тиззасини шапатилаб. — Уйингда биронта жиҳоз борми?

— Жиҳоз нима қилади? Ҳали калитини беришгани йўқ. Шу ҳафта ичи оламан.

Майли, уйни Ёдгор олсин аввал, ўйлади Қудрат, тўй тарадудида унча-мунча жиҳоз харид қилинар. Қуда томон рози бўлса келин ҳам бирон бисот билан тушар. Лекин сижжакликлар келинга қанақа сеп беришларини Қудрат ака билмас эди, қўй-мол қилишса, сотиб бисот олинар, деб ўйлади. Тошкентда қиз чиқарилса, келин сочиқдан тортиб, телевизоргача сепида келтиради, жиҳоз, холодильник, кўрпа-тўшак, чойшаб, идиш-товоқ, кийим-кечак, пойабзал — булар шарт. Ҳатто, отаси бақувватроқ бўлса, машина ҳам тортиқ қилишармиш. Ёдгорга унақа нарсалар ато қилиши маҳол. Тўйни дабдабасиз ими-жимиди ўтказишса, келинни Дўрмондаги ҳовлига тушириб, кейин шаҳарга кўчиришса ҳам бўлади. Ҳарқалай ҳовлига келин тушиши, тўй бўлиши, ноғора-сурнай, дегандек, хосияти бўлакча. Қудратнинг ўзи шаҳардан уйланди, тўй маросимлари ҳам келинникида бўлиб ўтди, Дўрмондаги ҳовлида фақат аёлларга дастурхон ёзилди, карнайнинг овози чиқмади, Қудратнинг ота-онаси мулзам бўлишди, дардлари ичида қолди. Эндиги тўйни ҳовлида ўтказиш лозим, онаси ҳам, отаси ҳам келин кўрдик, деб мамнун бўлишади, ўшатта невара туғилса, бошлари осмонга етади. Ақалли, келин бир йил туриб берар-ку. Зўр бўлса, қатнаб ўқийди-да. Унақалар қанча. Фақат рўзфорга тузукроқ қараша олмайди, саҳар кетиб, кеч қайтади, ҳомилалик бўлиб қолса вазият янада оғирлашади. Майли, онаси ҳали бардам, келин тушганда ҳам оила тўрт кишидан иборат

бўлади, рўзворга қараш онаси учун малол эмас. Келин ҳомила тортса, шаҳардаги уйда қолаверишади. Келин-куёв иноқ бўлса, қайнона-қайнота билан келин орасига совуқлик тушмаса — муҳими шу. Дадаси касалванд, онаси ҳушёр, мулоҳазали аёл, арзир-арзимас нарасага жанжал чиқарадиганлардан эмас. Бироқ ким билади? Қиз тоғда яшаган. У ерларнинг удуми, урф-одати таъсирида вояга етган, бу ердаги тартибга мослаша олармикин? Қилган иши, тутган турмуши онасига эриш туюлмасмикин? Ҳарҳолда онаси одам танлайди, бижилдоқ, ҳовликмаларни "жини" кўтармайди, қиз шаддодроқ, гап қайтарадиган чиқса, бахил ёки писмиқ бўлса — бу ҳам ёқмайди. Оналар ўз қизларида бор нуқсонни кўришмайди, айна шу нуқсонни келинларида пайқашади. Шўр ёки тузи паст овқат ҳам тумтайишга, жанжал чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Келин ёқмагандан кейин унинг яхши ҳаракатлари ҳам ёмондек кўринади. Зарифа хола ҳали келин кўрмаган, деса бўлади. Муяссархон номига келин, узокда, ўз уйдан нари кетмаган, бегона оилага тушмаган, қайнона-қайнота билан тўқнаш келмаган, уларнинг қўлидан "ем емаган", аччиқ-чучук нималигини ўз этида синаб кўрмаган. Ўн тўққиз йил мобайнида келин сифатида Дўрмонга атиги уч-тўрт марта борган, ётиб ҳам қолмаган. Қайнона-келин орасидаги бўладиган низо газак олиб улгурмаган, битиб кетган. Бироқ шу вазиятда ҳам миннат қилиш, ёзғириш, аразлашни ният қилишса, гап ҳам, сабаб ҳам топилади. Зарифа опа ойда-йилда бир марта келинни кига борса боради, борганида ҳам кўп турмайди, сиқилади, ўзининг ҳовлисидек кўрмайди, келди-кетди, ғала-вовур телевизор томоша қилишлар, ярим соатлаб телефонда гаплашишлар аёлнинг ғашига тегади, баъзан автобус бекатига чиқиб, Дўрмонга ўзи жўнаворади. Ҳаммаларининг, айниқса, Муяссархоннинг қайнонасига муносабати яхши, ўтқазишга жой топа олмайди, аммо Зарифа опа тажанг бўлаётганини яшира олмайди, Қудрат буни сезади, элтиб қўяй, деса ҳайдаётгандек бўлади, кампир пастга тушиб, ёнғоқ остига ўрнатилган сўри четида ярим соат-бир соат ўтиради, қўни-қўшнани танимайди, уйига қайтгиси келаверади. Чунки ҳаёт тарзи бир маромга тушиб қолган, янги одам зирапчадек бўлади, сиғиши қийин. Келин келин-ку, айниқса, Зарифа опадек аёлга узокроқ бўлгани тузук. Ойда бир-икки марта кўришишса кифоя, "кўза синмайди". Ҳамма оналар келин кўришни орзу қилишади. Орзунинг тагида битта ният — келиннинг янги хонадонда хизмат қилиши: каллаи саҳарда туриб сигир соғиши, қайнона-қайнотанинг таҳоратига илиқ сув ҳозирлаши, ҳовлига сув сепиб супуриши, таңдирга ўт ёқиб, тунда қориб қўйилган хамирдан нон ёпиши, нонуштага дастурхон тузаши, кампир-чоллар биқинига болиш ташлаши, чой узатиши, хўмраймаслиги, гурсиллаб юрмаслиги, идиш-товоқни тарақлатмаслиги, унинг устига майин табассум билан "яна нима керак", "енг-ичинг", деб

туриши, агар ҳали боласи бўлмаса, бирон жойда ишлаб, маошини қайнонасига оқизмай-томизмай келтириб туриши керак. Келиннинг кеч ётиши, кундузи ювган кирни дазмоллаши, боласи бўлса чўмилтириши, ухлатиши, ўзининг кўзи илиниши, кейин чала қолган ишларни саранжом қилиши ва яна бир талай вазифаларни эпақага солиши, боласи гингшиса кўкрак бериши, бешик кучоқлаб, ухлаб қолиши, оёқ-қўли увишиб, бадани жунжикиши мумкин. Аммо бу нарсалар эътиборга олинмайди, ҳисобга кирмайди, шу ҳам жасоратми? Ҳамма шунақа қилади. Бу табиий ҳол. Қилмаслик, ялқовлик, кунлик ишни барига улгурмаслик, эрталаб ухлаб қолиш — фавқулод. Буни оқловчи ҳеч қандай баҳона, сабаб, далил ҳисобга ўтмайди. Келин касал бўлиб қолса, ой кўрса — бу муғамбирлик. Дангасалик. Эринчоқлик. Ахир шу ҳеч нарсани тан олмайдиган қайноналар ҳам бир пайтларда келин бўлишган-ку, ўйлайди Қудрат, мазлум бўлишган, дунё-дунё ишларни бажаришган, эрларидан ҳам, қайнотасидан ҳам калтак ейишган, қайноналари зуғумидан кечалари қон йиғлашган, ҳатто ўзларини осиб қўйганлари бўлган, наҳот шуларни қайноналар унутишса? Бу ўша махфий қасос. Бошқалардан тортган азобни, аламни булардан олиш усули. Энг даҳшатлиси шундаки, ҳозирги келинлар ҳам келажакда шунақа бўлишади, шу амални қайтаришмаса, орзу рўёбга чиқмагандек кўринади, ёзғиришади, ўғилларига чақишади, нобакор келиннинг адабини бермагунча тиниб-тинчишмайди, келинни поймол қилиш, ўғлига ёмон кўрсатиш, жанжал чиқариш одат тусига кириб қолади, баъзи кезларда ўғилни келиндан айиришади, ажраттиришади, кейин иккинчи келин тушади, ҳамма усул бошидан бошланади, у ҳам "пуф сассиқ"қа чиқади, бир-икки бола дарбадар бўлади, хотининг ўғайлик қилаяпти, деб ўғлини қайрайди, уруш-жанжалдан ич-ичида шодланади, аввалгиси бу келин олдида паришта бўлиб кўринади, яна машмаша, бисот талашиш бошланади, қудалар ўртага тушишади, ориятлилари қизларига дашном беришади, ўжар-тажанглари инсофга чақириш ўрнига ўзлари можаро кўтаришади, қий-пичоқ, оила вайрон бўлади. Бунга ҳеч қанақа куч, тасалли барҳам бера олмайди. Келин янги иккита-учта чала етимни эргаштириб, отасининг ҳовлисига равона бўлади, у хонадонда ҳам осойишталик бузилади, ортиқча "оғизлар", ғала-говур, талашиш, ғавғо чиқади, агар у ерга ҳам келин тушган бўлса, етимчаларни сиғиштирмайди, эрига минғирлайди, йигит опасигадир, синглисигадир ёвуз қарайдиган бўлади ташқарига ўрнатилган холодильникни ичкарига киритади, овқат-тамаддиқ яширинча, она шўрлик албатта қизига ён босади, ўғил аросатда, ажраб чиқиб кетайлик деса тайин жой йўқ, ижара олишга иқтисод имкон бермайди. Ит-мушук бўлиб яшайверишади, ота-она дунёдан ўтса, жой талашиш-тортишиш бошланади, ҳовли қирқилади, қоқ ўртасидан девор олинади, шунда ҳам ғалва

тугамайди. "Ариқ сен томонда қолди", дейди бири, "Счётчик меникида", дейди иккинчиси, электр қувватини аямайсизлар, сахаргача ўчмайди, тўлашга келганда биздан кўрасизлар. Бизда холодильник ҳам йўқ, битта телевизор, хотининг дазмол қилгани қилган. Ўзинга счётчик ўрнатиб ол!" "Счётчикни мен ўрнатганман-ку, у меники", дейди акаси, "Счётчикни адам ўрнатганлар, дейди сингил, унда сенинг ҳаққинг йўқ". "Деворга бир тийин бермадинг, энди счётчик ҳам сеники бўладими?" "Бўлади! Хожласам ўчириб қўяман! Ўтирасан мегажининг билан шам ёқиб", бас келмайди сингиси, алақачон "сенсирашга" ўтиб. "Эринга айт, ўрнатиб берсин! Болалар уники, қарасин-да!" Иккита хотиндан айрилган, иккаласидан бешта фарзанд бор эр шўрлик аламидан ича бошлайди, болаларига қараш қаёқда.

— Келинни қаёққа туширамиз? — сўради Қудрат ака тирноғини чайнаётган Ёдгорнинг қўлига секин шапатилаб. — Ҳовлигами, ё янги уйингами?

— Ойимга маслаҳат солайликчи, нима десалар, шу-да, — деди Ёдгор нам тирноғини ишқалаб.

— Ҳассани ташловдинг чоғи, нега яна таяниб юрипсан? — деди Қудрат ака кўнглида бир қарорга кела олмай. Унга қолса, келин шаҳардаги квартирага тушгани маъқул. Онаси билан келиннинг жини бири бирига тўғри келмаса, бир ҳафтада можаро чиқади, орага совуқлик тушса, кейинги муросалари шу араз таъсирида ўтади. Бу мулоҳазани Қудрат ака укасига ҳозирча айтмасликни маъқул кўрди. Агар Ёдгор ҳам, онаси ҳам ҳовлига тушириш тарафига майл билдиришса, чиқиши мумкин бўлган тафовут олдини олиш учун фикрини айтиб ўтади. Энг маъқули, келинни удум йўлига ҳовлига тушириш-у, ҳафта ўтар-ўтмай, шаҳарга кўчириш. Баҳона топилади: техникумда ўқиш бошланиб қолди, келин қатнаши керак, узоқдан қатнаса кечикиб боради, гап тегади, дейилса, шаҳардаги янги уй қаровсиз қолганини, кимдир кириб олса гавғо чиқишини рўқач қилинса, ҳовлидагилар англашади, қўни-қўшни ҳам жиртак чалмайди.

— Оғрияптими оёғинг?

— Оғриғи йўқ, бир дўстимнинг дадаси, уй-пуй олмагунингча ҳассани ташламай тур, нафақа ҳам тайин қилишади, деди. Халақит бермайди-ю, техникум қизларидан тортинаман. Чўлоқ, дейишади. Барно мулзам бўлиши мумкин.

— Биладими Барно урушда бўлганингни?

— Айтганман, — деди Ёдгор, яна тирноғини тишига яқинлаштириб ва эсига тушиб, қўлини тортди. — Билади. Ҳассани кўргани йўқ. Ётоқдаги хонада яшириб қўйганман. Комендатура ёки ижроқўмга учраш тўғри келса таяниб бораман. Иш беради, — дея Ёдгор жилмайиб қўйди. — Тўйни айтсам ҳам қарашишади, — ўртоғимнинг адаси, шунақа маслаҳат берди. Кўрамиз-да.

— Пул-мулинг борми? — сўради Қудрат ака ийманиброқ, — Маош олаяпсан, нафақа тайин қилишипти.

— Бор. Тўйга етмайди-да.

— Қараб турмаймиз, — деди Қудрат ака. — Тўй шунақа нарса, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар бир томонини кўтаришади. Жойи чиқса, одамлар бир тийинсиз тўй бошлаб юборишади, тўйдан кейин, ҳатто икки-уч танга қолади ҳам.

Ёдгор қўлини қаерга қўярини билмай, бошини қашлади.

— Қиз яхши бўлса кифоя — муҳими шу, — деди Қудрат ака, укасига далда бериб. — Қишлоққа чиқайлик, ҳовлида маслаҳат қилайлик, шунга қараб, қуданикига бориб, огоҳ қилиб келасан, совчиликка ойимизни олиб борамиз. Юринг, дейишса, мен ҳам кираман, айтишмаса, машинадами, чойхонадами ўтириб турамиз. Барнога айтиш керак, она-отасини ўзи пиширади. Совчилик чўзилса, бир соатга боради. Нон синдирилиб, фотиҳа тортилса — бўлди, тўй кунини ҳам ўшанда келишилса бўлади. Шунинг учун биз ўшатга туришимиз керак. Кўп масалаларни ҳал қилиб, режалаб келамиз.

— Совчилар келади, деб хабар бериб кел, деяпсиз. Қишлоқ жой, Барнони қақиринглар, десам, эриш туюлмасмикин. У ерда ҳам йигитлар бор.

— Кузатиб борганман, дединг-ку.

— Боришга борганман-у, автобусдан тушмаганман-да, — деди Ёдгор хижолат тортиб ва беихтиёр яна тирноғини тишлай бошлади. — Таниш-тумушлар сезиб қолади деб, Барно мен билан ёнма-ён ўтирмайди ҳам. Имо-ишора билан автобусдан тушиб кетади, бир ўзим қоламан — то машина орқасига қайтгунча.

— Бола киргизасан, — деди Қудрат ака, ҳойнаҳой Барно онасига учини чиқарган бўлиши керак, ё ўзи чиқади, ё чақиртиради. Икки дақиқалик нарса, айтасану изингга қайтасан. Автобусинггаям улгурасан. Уйланиш ниятинг борлигини қизга айтганмисан?

— Айтганман-у, ўзи ҳам сезади. Сизгир қиз. Айтмасам, яқинлаштирмас эди.

— Қўл-пўлини ушлаганмисан? — сўради Қудрат ака, ўзини укасига яқин тутгандек, сирдошлик билан.

— Ушлаганман, — деди Ёдгор мулзамланиб. — Ҳаммаси бўлган.

— Текканмисан? — ҳадиксираб сўради Қудрат ака.

— Бўлган.

— Ие! Вой хумпарей! Қачон! — Қудрат ака ҳангу манг бўлиб қолди.

— Бир ойча бўлди.

— Бўйида бўлса-чи?

— Айтгани йўқ. Ўзиям билмайди, чоғи. Билсаям нима, дўх-тирлар бор.

— Болани йўқ қиладими? — даҳшатга тушиб сўради Қудрат ака.

— Қайдам.

— "Қайдам-пайдам", деган гаплар йўқ! — деди Қудрат ака

укасидан ранжиб. — Шу бугуноқ Дўрмонга борамиз. Бир пар дарсим бор, сен кетавер, мен ўзим етиб бораман. Ўшатга учрашамиз. Дарров тўй ҳозирлигини кўриш керак. Вақт ганимат. Қудаларга, дадамиз ногирон, тўй кўрсам, деган орзуси бор, шошилиш керак, деймиз. Ҳамма нарса ёпиқлигича қолади, сир очилмайди, қиз шўрлик ҳам, ота-онаси ҳам иснод чекишмайди. Мен машинада чиқаман, илож бўлса, эртагаёқ совчиликка борамиз, — дея Қудрат ака соатига қаради. — Ўн дақиқадан сўнг дарс бошланади. Сен жўнайвер. Ёки мени кут. Бир ярим соатда бўшайман. Бирга кетамиз.

Хаёлида Барно, укаси Ёдгор, тўй ташвиши, Қудрат ака қандай дарс ўтказганини ҳам билади. Бу ҳозирги қизлар қанақа ўзи? Тузукроқ танишмай-нетмай, суришгирмай, еталаса кетаверадими? Қизлик ғурури, андишаси бўлиши керак-ку. Ёдгор-ку, хайрият, тонмаяпти, уйланишга тайёр, "ҳамма нарса" ёпди бўлади, бошқаси учрагандачи? "Суюқ экан, дарров унади, уйланмайман", деб қайрилиб кетсачи? Қиз шўрлик нима бўлади? Қатган йигитни қидиради? Топганида ҳам қўлидан нима келади? Йиғлаб-қақшаб қолаверади. Ҳомила тортган бўлса, дўхтир қидиради, айбини ёпади. Ҳеч ким сезмайди ҳам. Бир марта панд еган қиз, иккинчи йигит учраса, у қанақа ошиқу беқарор бўлмасин, қиз чўчийди, ҳадиксирайди, номуси йўқолганини йигитга айта олмайди, айтса йигитнинг кўнгли қолади, "бировнинг сарқитига зорманми?" деб қўлини қоқади. Бу нарсани тўйдан кейин билишса — нима бўлиши аниқ; кўтар халта-тўрвангни, дейди. Шарманда бўлган қиз ўз уйига ҳам сиғмайди, дугоналари орасидан четга чиқиб қолади, иродаси етса, чидайди, етмаса бўлак институтгами, билим юртигами киради, ёки бирон ишга жойлашади, янги дўстлар орттиради. Иродаси етмаса, устига-устак бўйида бўлса, дўхтирга бориш учун кечиккан бўлса, ўзини ҳам, болани ҳам нобуд қилишга кучи етади. Ёки пана-панада кун кечириб, болани туғади, ҳамма нарсадан — ота-онадан, эрдан, дугоналардан маҳрум қизнинг ягона овунчоғи, эрмаги, бахти гўдағи бўлиб қолади. Тавба, хўрсиниб ўйлади Қудрат ака, нуфузли мамлакатларда қиз тажовузга учраса, йигитни жавобгарликка тортишади, озорланган қизга шафқат назари билан боқишади, ҳатто эъзозлашади. Бизда эса бутун айб қизга ағдарилади, калтак жабрланган, маломатда қолган қиз бошида синади. Энг даҳшатлиси шундаки, қаҳр-ғазабни бегоналаргина эмас, биринчи бўлиб ўз ота-онаси, ака-укалари ёғдиришади. Қизни оқловчи ҳеч қандай далил қабул қилинмайди. Ахир қиз нозик, заиф нарса, зўравоннинг қўлига тушиб қолса, қандай қаршилиқ қилади? Қандай қутулади? Жабрланиш етмаганидек, шўрлик қиз ўз ота-онаси томонидан хўрликка учрайди. Бир пайтлар зўравонликларни бойваччалар қилишган, қози кимнинг томонини оларди, албатта бойни ҳимоя қилган-да, камбағал қақшаб қолаверган. Айб қиз томонга юклангани сабабли қашшоқ

ота адолатга кўзи етмаган, шарманда бўлишдан чўчиб, ишни "босди-босди" қилган, ёпган, ўчини қиздан олган, номуси барбод бўлган қизининг "айб"ини яшириб эрга берса барибир "айб" очилади, яширмаса, бузуқ қизини ҳеч ким олмайди, олса ҳам қиз бир умр дакки еб, хўрланиб ўтади. "Айб, айб". Ахир бечора қизда нима айб? Ахир у бировнинг ҳирсига қурбон бўлди, ўзини ҳимоя қилишга кучи етмади, зўрланди, озорланди, хўрланди, яна айбдор бўлиб чиқди. Бу қанақа адолат ўзи? Наҳот қотиб қолган удумларга бўйсуниб ўтиш керак? Энди қонун бор, жабрланганни ҳимоя қилиши керак. Керак! Аммо ўша адлия курсиларида хўмрайиб ўтирганлар кимлар? Ўшалар ҳимоя қиладими? Биринчи бўлиб қизни айблашга тайёр-ку улар. Адолат эътиқоди тил учуда, расмиятчилик. Тили бошқа, дили бошқа. Удум, урфу одат посбонлари. Қўпоровчилар аслида ўшалар, қонунни ўшалар букади. Райкомларда ўтирганлар, ялтироқ машинада юради-ганларчи? Фирт мутаассиб. Келинни одам ўрнида кўришмайди, чўри, хизматчи, деб қарашади. Биронта зўравонлик, тажовузлик бўйича низо судга етиб бормади, содир бўлса, "босди-босди" қилишади. Нагижада, ўлка кўрсаткичи осойишта, фаровон, қониқарли тусда намоёиш этилади. Газак яширилади, аммо латта остидаги яра пасот боғлайди, ичидан чирий бошлайди. Чириган нарса қанақалигини ҳамма билади.

Қудрат ака, ҳам, Ёдгор ҳам Дўрмонга етгунларича чурқ этишмади. Қудрат ака ўзининг сустлигидан, нобакор укасига танбеҳ бермаганидан, тузукроқ койимаганидан дили зил кетди. Энди унга дашномни ҳам эҳтиёт бўлиб бериш керак: Афғон уруши қатнашчиси, ногирон, медаллари бор. Мана, нафақа олар эмиш, бутун-эрта уч хонали уй тегади, яна алақандай имтиёзлари бор. Гап ёқмаса, ғаши келади, ножўя сўз айтади, орага совуқлик, араз тушади. Нега дашном ейиши керак? Мундоқ олиб қараганда, тажовуз қилгани йўқ, қиздан тонмаяпти, уйланишга рози. Яхши кўрса керак-да. Қиз жанжал кўтармапти, демак, ўзида ҳам майл бор эканки, Ёдгорни итармапти, ёшлик, иккалови ҳам эҳтиросга берилиб, нима қилиб қўйишганини ўзлари ҳам охиригача англашмай қолишган. Табиат қонуни. Севиб-интиқиб бири-бирига етишиш — мўъжиза, борлиқ зийнати. Аслида-ку ўзи шундай бўлиши керак. Тўйгача чидаш, ЗАГС ҳужжатини олиш, паспортга тамға босдириш — буларнинг ҳаммаси одамлар кашф қилган тақик чоралари, одамни тизгинда сақлаб, қобил-мўмин қилиш, бўйсундириш, чўккалатиш, ҳайиқтириш, мажбурият юклаш, жавобгарлик ҳиссини жорий этиш усуллари, кўз кўрмайдиган минг хил занжирларнинг бири. Аввалига одам бу занжирлардан қутулишга тиришиб кўради, қурби етмагач, кўникади, кўниккач, эътиқод сифатида тан олади, тан олгач, унинг тарғиботчисига айланади, бўйсунмаганларни букиш, таслим қилиш, жазолаш йўларини ахтаради, топади, мазлум қилиш усули қонунга айланади, риоя қилмаганлар расмий равишда отилади,

осилади, ёндирилади, чўктирилади; норозилик кайфиятлари рўй берса, исён-ғалаён кўтарилса, аввал тиф-найза, болта-дор воситаси билан "инсофга чақиришади", ёнфин-гулханлар, жаллоду кушандалар, исканжалар билан қўрқитишади, дағ-дағ титраётган омма кўзида ўз усулларини "юмшатиш" сиёсати билан ўлимга маҳкум қилинганларни "кечиришади", зиндонга ташлашади, қаср-қамонлар бандиси қилишади, кишанлашади, қоп кийгизишади, оч қолдиришади, азоб беришади, қўлларини чопишади, кўзларини ўйишади, чўғ билан этларини куйдиришади, суякларини синдиришади, иқрор бўлмаса, тавба қилмаса, пўстини шилиб, сомон тиқишади, мақсадга эришгач, ғалаба нашъасини суришади. Ҳукмронлик қилиш мақсади шу қадар зўрки, оталар фарзандларини, фарзандлар оталарини аяшмайди. Бор усул-чора — тадбирдан ҳазар қилишмайди. Таслим қилиш, қулга айлантириш ва оқибатда амр бериш — олий мақсад. Бу "муқаддас" йўлда ким тўғаноқ бўлса, шафқатсиз равишда мажақланади. Бошқа тамойили йўқ, бўлса — у ожизлик, кўнгилчанлик, ҳеч ким раҳмат айтмайди. Зулм тортмагунча, одам миннатдор бўлмайди. Бировнинг айбини жабранган ўз қизига ағдариб, хўрлашдан нима фойда? Қанақа мантик бор бу жосуслиқда? Қачон бу кишанлар парчаланари? Қачон бу каби қабиҳ, жирканч ва зарарли қоидалар чангалидан чиқиб кетамиз? Чиқиб кета оламизми? Қачон бу нарса рўй беради? Рўй бериши учун нима қилиш зарур? Ахир бор-ку дунёда шу оғир, машаққатлар, давлатлар. Ўшалардан ибрат олсак, яхши фазилатли, хосиятли тажрибаларини ўргансак, ўзимизга фойда-ку. Улар хатосини қайтармаймиз. Ёки улар ўтган йўлни биз ҳам босиб ўтишимиз шартми? Биз бу йўлни босиб ўтгунча, улар қараб турмайди, узоқлашиб кетишади, яна ортда қолганимизни тан олмай, ўтмишда жасорат кўрсатган саркарда, алломалар номини рўкач қилиб, ўзимизни овутаверамизми? Тузук, бир неча асрлар аввал саркардалар, улуғ мутафаккирлар, шоирлар, намояндалар, алломалар етишиб чиқишган, оламшумул кашфиётлар ихтиро қилишган, демак, шундай заковатли шахслар шаклланиши учун маълум муҳит барпо қилинган, акс ҳолда ҳеч нарса яратилмас эди. Ўнлаб-юзлаб шаҳарларни, улкан қасрларни, мадрасаю маҷитларни, ҳаммому бозорларни, йўллару кўприкларни қуриш, тиклаш, олтин-кумуш безакларни, темир-мис асбобларни яшаш, шойи-атласлар тўқиш, ёғоч ўйиб, ганч чўқиб пештоқлар, меҳробу тоқчалар безатиш, қолаверса — энг муҳими шу дунёда энг ҳарир ва пухта қоғоз тайёрлаш маҳорати борлиги — ва янада муҳими — китоб дасталаш усули, демак, савод бўлган эканки, китобга, қоғозга эҳтиёж сезилган. Бироқ нега тез орада ҳамма амалиёт инқирозга тушди? Ривож-заковат йўлини ким, нима тўсди? Нега тушкунликка итарган, натижада халқни аянч аҳволга маҳкум қилган амаллар номини аниқламаймиз? Ўз номи билан атамаймиз? Унинг ўрнига беш-олтита алломалар номини маддоҳлардек

такрорлаймиз. Кенгроқ мулоҳаза қилиш, миллат қобигини ёришга интилиш лозиммикин? Акс ҳолда депсиниб қолаверамиз, ўз тегирмонимиздан нари кета олмай.

— Қудрат ака, — деди ниҳоят Ёдгор, диққинафас бўлиб, — лом-мим демайсиз, "ичимдан топ" сиз. Гаплашиб кетайлик.

— Сўра, гап бошла, — деди Қудрат ака ўйини ҳайдаб. Ҳақиқатда, ҳозирги дамда фалсафахонлик қилишга бало борми? Олдида шунча ташвиш, бажариладиган тадбирлар турипти-ю, бу бўлса миллат гамини ейди. Сенга нима, дея, Қудрат ака ичида ўзини койиди. Тўйга қанча нарса, пул керак! Ариқмас-ку, ҳатлаб ўтиб кетаверса.

Ҳали бирон марта, ўзининг уйланишидан ташқари, Қудрат ака тўй ўтказмаган, тўйларнинг ҳам энг зарурига боради, тажрибаси йўқлиги учун, бўлажак тўй маросимлари жуда чалкаш, серсарф, бесўнақай бир девдек кўриниб, андак гангиб қолди, сир бой бермайди. Маҳалла бор, чаққон-эпчил йигитлар, ташкилотчилар бор, тўй ўтказишми, аза маъракасими, тартиб доирасига кириб қолган юмушларни керакли одамларига топширишади, улар ўз вазифаларини яхши билишади, иш қочиб қутулмайди. Ҳай-хуй билан тўй ҳам ўтади-кетади. Саросимасиз бўлармиди? Ўлкада нечта вилоят бўлса, тўйлари ҳам шунча, ундан ҳам кўп. Турли. Ҳатто битта туманда ўнта қишлоқ бўлса, тўйлари ҳам ўн хил. Ҳар бир қишлоқ ўзиникини маъқул кўради, бошқаларникини менсимайди. Машҳур ўзбек палови ҳар минтақада ўзгача дамланади, ўз паловини еб ўрганган одам бошқа вилоят тўйига бориб қолса, биринчи гада паловини муҳокама қилади. Айниқса, тошкентликлар, буларнинг барча маъракалари ўта тартибли ўтадиган бўлгани учунми, бошқа вилоят тўйларини ёқтиришмайди, "бозор, ит эгасини танимайди, меҳмонга қарашмайди, ўткинчи ҳам кириб келаверади", деб таърифлашади. Умуман, тошкентликлар ўз урф-одатларини, олди-бердиларини, маросимларини мукамал, деб биладилар. Фарғона, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва бошқа ўнлаб маданий ўчоқлар борлиги, ҳар бирида ўз олови ёнаётганини тан олгилари келмайди. Шунинг учундир, қудачилик тутинса, тўй бўлса, кўп ҳолларда зиддият чиқади, айниқса, тили, хулқи, одати, ҳатто одоби ўзгача келинни чиқиштиришмайди, келинга эса уларнинг талаб-даъволари ошиқча, адолатсиз, ёвуз туюлади. Тарафлар ён босишмайди, муросага келиша олмайди, низо чиқади, аламзадалик бошланади, оила бузилади. Қайси қишлоқ марказга яқинроқ турса, ўзини четдагиларга нисбатан олийроқ, деб санайди, шарт-талаблари ҳам шундан чиқиб келади. Масалан, дўрмонлик одам тошкентликка бир муомила қилса, сижжакликка мутлақо бошқача гердаиброқ қарайди, агар урф-одатларида тафовут бўлса, фақат Дўрмонники эътиборга олинмиши керак, деб билади. Шунақа можаро чиқмасмикин, деб ўйлади Қудрат ака. Балки тўйни Тошкентнинг бирон кафесида ўтказишса, кўп кўнгилсиз, тасодиф, аммо албатта фош бўладиган

зиддиятларнинг олдини олган бўлишармиди? Ҳарқалай, маълум режани тайёрлаб қўйиш халал бермайди. Зарифа опа, албатта, ўз айтганида туриб олиши мумкин, сижжакликлар ҳам арқоннинг бир учини ўзлари томон тортишади, аммо битта омил бор — совчилар Тошкентдан деган ном ҳамманинг “ўжарлигига” сув пуркайди, “инсофга” келтиради.

Исमत аканинг хотини Меҳри холанинг эзмалиги учун Зарифа опа унча хуш кўрмаса-да, совчиликка бирга боришда ўшани танлади. Меҳри хола учта қиз чиқарган, иккита келин туширган, тўй кўрган, қуда-андалик нималигини биладиган аёл эди. “Кўп гапирмайсиз, деди Зарифа хола “дугонасини” аввалдан огоҳлантириб, гангиб қолишади. Топиб-топиб гапиринг”. “Нуқул оғзимни тўсасиз, айланай, деди Меҳри хола аразлаб, мум тишлаб ўтирсак, яхши бўладими? Гаплашиш ҳам зийнат-да, айланай”. “Қулоқ солиш ҳам зийнат, деди Зарифа хола, бўш келмай, сиз бошқага оғиз очирмайсиз”. “Жим ўтириш хунук, айланай, трамвайда ўтиргандек”. “Сизга бас келиш қийин, деди Зарифа хола, айтаман, деган гапинг ҳам ичингда қолади”.

— Уларнинг ҳам урф-одатлари бор, — деди Қудрат ака машинанинг орқасида ўтирган иккала аёлга, — ҳадеб ўз расм-русумларингизни рўқач қилаверманглар. Фашлари келади...

— Аммо лекин, айланай... — дея, Қудратнинг гапини охиригача эшитмай, аралашди Меҳри хола.

— Тўхтанг, олдин гапни эшитинг, Қудрат нимадир демоқчи. — Машина гувиллагани учунми, “дугонаси” яна маҳмадоналик қилгани учунми, Зарифа хола баланд овоз билан деди Меҳри холага. — Чакагингиз тинганига ҳаял ўтгани йўқ.

— Энди, дейман-да... — Меҳри хола яна илиб кетди.

— Ана, қаранг, тоғлар, арчазорлар, нега пайқамайсиз? — деди Зарифа хола, бироқ савол берганига пушаймон бўлди, чунки Меҳри хола шундоқ ҳам гапираверар, савол берилганда, умуман тўхтатиб бўлмас, унинг устига туртиб гапирар эди.

— Пайқадим, айланай, — дея, Меҳри хола яна гапга тушиб кетди. Зарифа хола намойишкорона юзини ўтириб олди, шунда ҳам Меҳри холанинг оғзи тинмади, сигири челақни тепиб, сутни ағдаргани ҳам, чуғурчуқлар узумини чўқилаб кетгани ҳам, қўшнисининг ўғли дарахтдан йиқилиб тушгани ҳам, иккала келини жикқамиш бўлгани ҳам қолмади. Сижжаккача “сайраб” борди, Қудрат аканинг ўйлари чалкашиб кетди, ёнида ўтирган Ёдгор икки марта ухлаб олди. “Совчиликка кетаётган одам ҳам шунақа беғам бўладими? — гаши келиб ўйлади Қудрат ака. — Ҳеч қанақа масъулият сезмай, мудраб ўтиришини қара”.

Меҳри хола тинмай чуғурлар экан, Қудрат ўқтин-ўқтин орқа томонни кўриш учун ўрнатилган ойна орқали бир Меҳри холанинг лаблари қимирлаётган юзига, бир қовоқлари уюлган онасига боқиб, тўй ўтказиш нияти дабдурустдан бошланган бўлишига қарамай, асосий вақтни Қудрат ака ҳам, Ёдгор ҳам очмади. Шундай

келишиб олишган эди. Ёдгорнинг янги уй олишини, Жасурнинг бошпанасизлигини, қолаверса, икковининг танҳолигини баҳона қилишди. Келин тушса, ёшларнинг иссиқ-совуғи тайин, кийим-кечак тоза бўлишини айтишди. Зарифа хола уйдалигида келинни суриштирувди Қудрат ака:

— Ёдгор танишипти, ойдек қиз, ўзим кўрдим, — деб, ёлғонни кўшиб ўтди. — Сижжаклик экан.

— Қишлоқими? — сўради Зарифа хола гумонсираб.

— Қишлоқи бўлса, нима қипти, биз ҳам қишлоқимиз, — деди Қудрат ака, — шаҳарликлар танноз бўлади, қишлоқини писанд қилишмайди.

Зарифа хола кўз олдига дарҳол Қудратнинг хотини Муяссархонни келтирди, Қудрат ака онасининг нигоҳидан буни пайқади, аммо хотинини истисно қилгандек, гапни унга тақамади. Фақат Ёдгор гапни бузиб қўйишига сал қолди:

— Агар кўз остига олиб қўйган биронта қиз қишлоқда бўлса... — деди Қудрат ака ялт этиб укасига қараб, гапни буриб юборди.

“Бу қанақа хумпар ўзи, — ўйлади Қудрат ака укаси ҳақида, — ўзи бировнинг қизини бузиб қўйиб, яна “қишлоқда қиз бўлса...” дейди. Онаси, бор, деса нима, рози бўладими? Барно четда қақшаб қолаверадими? Ахир ҳамма тадбир, ошиқиш шунинг учун бўлаяпти-ку. Қудрат ака укасини тандир панасига имлаб, хўб танбеҳини берди.

— Тутуриқсиз, хомкалла! Қишлоқдан қиз чиқса, уйланиб кетаверасанми? Тўй куни қорнини қаппайтириб Барно келса нима деган одам бўласан?

— Мунча Барнони ҳимоя қиласиз? — деди Ёдгор аразлаган-дек. — Сиз унга уйланаяпсизми?

— Диёнат бўлиши керак-да! Кеча нималар девдинг?

— Нима девдим?

— Гўлмисан ўзинг? — деди Қудрат ака тутақиб. — Барнони ўзинг айтдинг-ку. “Сиз уйланасизми?” дейсан тагин. Барноингни кўрганим ҳам йўқ-ку.

— Кўрдим, дедингиз-ку оймга.

— Дипломатия. Тезроқ ойимизни кўндириш учун. Фаросат қилиш керак.

— Нима қилиш керак?

— Ойим гумон қилди.

— Нимадан?

— Тўй тезлигидан.

— Ҳали совчиликка борилгани йўқ. Улар тўйга тайёрни, йўқми? Тўй, дейсан.

— Барно тезлатади. Пломбаси чатоқ-ку.

— Нимаси? — тушунмай сўради Қудрат ака.

— Пломбаси. Тормози бўшроқ экан.

Қудрат аканинг ҳам кулгиси келди, ҳам жаҳди чиқди.

— Қилар ишни ўзинг қилиб қўйиб, "пломбаси" дейсан.

Қудрат аканинг фиғони қайнаб кетди.

— "Пломба"! "Тормоз"! — Қудрат ака четга тупурди. — Бу қанақа сўзлар, беор?

Ёдгор нимадир демоқчи бўлувди, Қудрат ака укасидан яна бир ғализ сўз чиқишини истамай, қўл силтаб, уй томон кетди. Ҳожатхона томонидан дадасининг ғулдираши эшитилар, Зарифа хола сандиқ кавлар эди.

Манзилга етиб боргунга қадар сув омбори қирғоғи бўйлаб чўзилган йўл бурилса, машина ҳам бурилиб, шўнғиса машина ҳам шўнғиб, ниҳоят Сижжакка кириб борди. Сижжак бошқа қишлоқлар каби аввал икки тоғ тубида оқадиған сойнинг балаң-паст соҳилига қапишған бўлиб, қинғир кўчалари бўйлаб булоқ сувлари оқар, чайир дарахтлар кўплигидан лой томи уйлардан иборат қишлоқ ним қоронғи, ҳаво тозалигидан барғлар йилтирар, қуёш нурларини кеч сочиб, эрта йиғиштириб олганидан, кун қисқа, тун узоқ кўринар, пастроқдағилар кечки овқатга энди уннашганда Сижжақдағилар ётишга ҳозирланишар эди. Ҳозир у қишлоқ сув остида қолған, янғиси икки юз-уч юз қулоч балаңликка кўчиб чиққан бўлиб, йўлнинг икки четига жойлашған эди. Мозори ҳам, чойхонаси ҳам, мачити ҳам янғидан бунёд этилған, уйлари пастқам-пастқам бўлса-да, томларининг кўпи шифер, тунукалители ҳам учраб туради. Икки-уч йил аввал қишлоқ наридан-бери, шошилинч қурилгани пойдеворларнинг пастлиги, уй бурчакларининг қинғирлиги, сувалиб-сувалмай қолғанлиги, эшик-дарчалари учта-тўртта тахтадан апил-тапил қоқиб ўрнатилғанлиги, кўчатларнинг ниҳоллигидан билиниб турар, тезроқ томни ёпиб, уйга кириб олишга улғуриш сезилар эди. Ҳозир дарахтларнинг соясида ўтирса бўлади. Атроф улкан тоғлар билан ўралған, ҳаво сокин, одамлар чиллада ҳам иссиқ кийиниб юришади, кундузи ҳам кўрпа ёпинишади. Шаҳардағилар сояга чопишса, бу ердағилар соядан қочишади, аммо қуёш бир-пасда юзни қорайтиради.

Кечаги маслаҳатдан кейин Ёдгор бу ерга чиқиб, совчилар келишини айтиб кетған эди. Қудрат аканинг машинаси ўн қадамча нарида тўхташи билан дарча остонасида турған қизалоқ ичкарига отилди. Зарифа хола билан Меҳри хола Ёдгорнинг ишораси билан эшик томон юришди. Меҳри хола бегона назар билан атрофга аланғлар, жаврашдан тинмас эди. Улар эшик олдига бориб, бир зум туриб қолишди. Ёдгор, кираверинғлар, дегандек машинадан бир оёғини чиқариб, аёлларга имо қилди. Шу пайт ичкаридан рўмолини тузата-тузата духоба камзул кийған қирқ яшарлар атрофидаги аёл чиқди ва совчиларни кутмагандек, эловлаб кўришди. Аммо дарвоза олдига сув сепилған, кутишгани шундан аён. Эловлаш шунчаки, кўз кўрарга қилинадиган одатий жонсараклик. Сохта типирчилаш. Ҳамма шунақа қилади, шунинг учун ясама ҳаракатга эътибор беришмайди. Удум. Қайтага

шунақа қилмаса, одобсизликка киради, совчиларга кўз тикиб ўтиришгандек кўринади. Баъзида келажак келинни, яъни қизни, зарурат бўлмаса-да, бирон юмуш билан дўконга юборишган бўлади, ёки қиз нарироқдаги дугонасиникига кетади, совчилар кўрайлик, қўлидан бир пиёла чой ичайлик, дейишса қўшни-ниқидан чақириб чиқишади.

Аёл, ниҳоят, фаҳмлаб, совчиларни ҳовлига чорлади. Зарифа хола Мехри холанинг енгидан тортиб қўйди, бу алжилламанг, дегани эди.

Қудрат ака машинани буриб, ҳув нарида мажнунтолар панасига жойлашган чойхона томон ҳайдаб кетди. Бу чорполар қўйилган шинамгина жой бўлиб, тошлоқ ерига қуюқ сув сепилган, чорполардаги яйдоқ хонтахталар атрофига кўрпачалар тўшалган, костюм устидан оқ халат кийган чойхоначидан бўлак, иккита қария оёқ осилириб чорпоя четида ўтиришар, афтидан автобус кутишар эди. Машинадан тушган шаҳарлик меҳмонларни кўриб, иккала чол ўрнидан қўзғалишди, меҳмонлар билан қўл бериб кўришишди, чойхоначи томон қарашди. Чойхоначи кўлини сочиққа артиб, меҳмонлар олдига келди, одоб билан кўришди, жой кўрсатди. Булар ҳам гўё шаҳардан меҳмонлар келишини билгандек эди. Саришталик, куёшнинг чарақлаб туришига қарамай ҳавонинг салқинлиги, феруза осмонга чўзилган қорли чўққилар, одамлар ўз қўли билан бунёд қилган ложувард қўл, майда тўлқинларнинг мавжи, мажнунтоларнинг ер супураётган яшил новдалари, балиқ ҳиди, қушларнинг чуғур-чуғури, тун бўйи совиган нам ердан келатган салқинлик Қудрат аканинг дилига ҳам баҳра берди, ҳам негадир ўтай бола қисмати аянч уйғотувчи гашлик оралатди. Юракни орзиқтирувчи шундай масканда бу гашлик пайдо бўлгани, кечаги Ёдгорнинг келинга нисбатан беписандлигиданми, ёки чой устида чоллар билан бўлган суҳбат асоратими, Қудрат ака аниқ билмас, қандайдир тузатиб бўлмас хато юз бергандек туюлар эди. Кеча укаси билан гаплашгач, Қудрат аканинг таъби хиралашди, дилида ёт ҳислар туғилди. Майли, тўй ўтсин, укаси тинчиб-таяниб олсин, уларнинг ҳаётига аралашмайди ҳам, келди-кетдини ҳам чеклайди. Оғзидан нималар чиқишини билмайсан киши, нуқул чўчиб турсан. Муяссархон, Гулшан олдида шунақа "қовун тушурса" кўзингни қаёққа олиб қочишни билмайсан, ўсал бўласан. Дадаси дардман, онаси совчиликка келишга аранг рози бўлди, куёв мунақа. Қандай яшар экан келин билан? Агар онаси келиннинг "сирини" тўсатдан билиб қолса, Ёдгор оғзидан "гуллаб" қўйса, Барнонинг ҳоли вой — "ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ". Ёдгорга яна тайинлаш керак. Қуда-совчилар қанақа келишишар экан? Тўй ҳам Сижжақда, ҳам Дўрмонда ўтса анча оворагарчилик бўлади. Барнонинг ота-онаси қишлоқда тўй қилмай, қизини бериб юборишга рози бўлишармиди? Биринчи тўйи экан. Унинг устига Ёдгор шаҳарда ёру биродарларим, Афғонда бирга хизмат қилган ошналарим бор, зиёфатсиз ўтмайди, дейди. Майли, кўнгил амри.

Аммо харажатларни ўйламайди, акам кўтаради, деб ишонади чоғи. Шунча маблағни Қудрат ака қаердан олади? Унинг устига тўйни ўзи тезлаштирди, демак, тили қисик, четда тура олмайди. Ёдгорнинг бору йўғи минг сўмга ҳам етмас экан. Отаси ногиронлик нафақасини олади, онаси шундан ҳам маҳрум. Умр бўйи бирон ташкилотда ишлаган эмас. Бироқ тезда тўйни ўтказмаса ҳам бўлмайди, келиннинг аҳволи қалтис. Тўйни кечиктирилса, укаси ҳар кўчага кириб кетиши, агар Барнонинг бўйида бўлса, фош бўлиши, жанжал чиқиши мумкин. Жанжал чиқса, калтакнинг бир учи Қудрат акага бориб тегади, хотини, қизи олдида мулзам бўлади. Олдини олиш зарур. Нима, аранг етишган машинасини сотиб, исноддан қутулиши керакми? Қилар ишни қилибсан, шалтоғингни ўзинг тозала, деб қўлини қўлтиғига урса, Ёдгор албатта, қўл учида бўлса-да, бирон чорасини кўриши ёки қиздан тониши мумкин, оқибатини тахмин қилиш ҳам қийин, аммо ака-укалар "кўз кўрмас" бўлиб кетишлари аён эди. Чидаб бериш, нима бўлмасин, тўйни ўтказиш керак, у ёғи Худодан. Қудрат ака акалик бурчини адо этади, тинчийди. Агар масала машина сотилишига бориб тақалса, уйдагиларга нима важ кўрсатади? Квартира тегиб, аранг қайнота-қайнона қош-қовоғидан қутулиб, мустақил оила тебратишга эришувди, ҳатто машина ҳам олувди, яна трамвай-троллейбус кутишга, яна тирбаңд автобустга осилишга, тутмалар узилишига, ятиллатиб артилган туфлилари мажақ бўлишига қоладими? Қайнатаси нима дейди, ахир машинага камлик қилганида, ўша одам қарашиб юборган эди, сўрамаса ҳам, қарз — қарзда, ҳалигача қарздан қутулгани йўқ, қайнотаси кечмади. Энг аламлиси — шунча сарф кетганини укаси билармикин, тан олармикин, миннатдор бўлармикин? Қудрат ака машинани сотмай, қарз кўтарса, ким тўлайди? Укаси тонмаса ҳам, қарзни тан олмайди, тўёна деб билади. Ака бўлганидан кейин, Ёдгорнинг назарида, қилиши шарт-да. Ўзбекда шунақа, тўнғич фарзанд укаларига, онасига ҳомийлик қилади. Айниқса, ота дунёдан ўтган, тўнғич, ёки ночор-нотавон бўлса, бу масъулият янада ортади, тўнғич билан укалари орасидаги ёшнинг фарқи катта бўлса, ака ота вазифасини бажариши шарт. Қудрат ака билан Ёдгорнинг орасида олти ёш фарқ бор, Ёдгорнинг ўқишига ҳам, шаҳарга бориб, ирригация ва электрофикация институтига киришида ҳам Қудрат ака кўмак берган, фақат, афсус, иккинчи курсга ўтиши билан Ёдгорни аскарликка олиб кетишган. Ўқиши чала қолиши ҳам майли, уруш бўлаётган Афғонистонга жўнатилиши Қудрат акани ташвишга солган. Қанча йигитлар мажруҳ бўлиб келишди, қанчалари рух тобутларда "қайтишди", Қудратнинг талабаларининг баъзилари шундай бўлган, ўзи кўрган, мотамида қатнашган. Ёмон томони шундаки, жангдан қайтган йигитлар чала қолган ўқишларига шўнғиш, етиб олиш ўрнига, қўлтиқтаёқларини, медалларини рўқач қилиб, амал талаб қилишга, яхши, "ёғли" ишларга жойлашиш кўйига тушишди,

имтиёзларга эга бўлишди. Ҳатто қайта ўқишга кирганлари ҳам шуғулланмай-нетмай, ўша усул билан яхши баҳоларни олиш пайига тушишди ва бу ишнинг уддасидан чиқишди ҳам. Аспирантурани битираётганлари ҳам учрайди, аммо билим олмай етишган олим — қанақа олим? Ҳассасини столга уриб, муддаога эришиш билан ҳақиқий малакага эга бўла олмади, кафедра мудирлигига кўтарилганида ҳам, пуч нарса — пучда. Унақа "олим"нинг фойдасидан зарари кўп. Хайриятки, Ёдгорнинг даъвоси йўқ, ташқи бўлимга кириб олди, шуни аросат қилмай эгласа ҳам катта гап. Қунт билан шуғулланса, бунақалардан ҳам яхши мутахассис чиқиши мумкин, шунақалар бор, бироқ Ёдгор ҳавойи йигит, ўта масъулиятсиз, устига унча-мунча пул топадиган бўлиб қолди, ўқишга бўйни ёр берармикин? Институтга комендантлик қиламан, деяпти, инвалид, уруш қатнашчиси, медаллари бор, ким унинг мушугига кишт, дея олади? Комендант бўлиб олса, қанча мулк, моддий буюм-аслаҳалар, машиналар ихтиёрида бўлади. Ҳисоб-китобни билмайдиган ёш йигит шунча нарсани қандай эплайди, идора қилади? Талон-тарож бўлса, бунинг "афғон" эканига қарашмайди. Қамалади-кетади. Қамокдан чиққанидан кейин ким бунга иш беради? Ичишга ўрганса, ружу қилса, қайириб бўлмайди. Юради идорама-идора, медалларини пеш қилиб, закон сўқиб, одамларнинг кўзига ёмон кўриниб. Ичиб борса — буни ҳисобдан олиб ташлаш мумкин эмас — ким бунинг даъволарини эшитилади? Милицияга чақиривади, протокол тузишади, безорилиги учун яна қамокқа тушади, чора кўрилади...

Автобус келиб тўхтаганини кўриб, чойхонадаги иккита чол кўзгалишди. Хожикентда фотиҳагарчилик бор, тушиб чиқамиз, дея, меҳмонлар билан қуюқ хайрлашиб, бекат томон жилишди. Чойхоначи чойни янгилаб келди. Шу пайт совчилар кирган ҳовлидан ўн икки-ўн уч яшар бола чиқиб, чойхона томон кела бошлади.

— Ассалому алайкум, — дея, бола биринчи бўлиб қўл чўзди. — Кирар экансизлар, айтишди.

Қудрат ака билан сигарет тутатаётган Ёдгор бири-бирига қараб олишди. Демак, совчилик маълум ечувга келган, ўйлади Қудрат ака бола билан кўришиб. Энди муддат, тўй ўтказиш тартибини эркаклар ўзаро келишишади, шунга айттиришган.

— Киришлар, — деди чойхоначи ҳовлига имо қилиб. — Чақиривади.

— Юринг, сиз ҳам, — деди Қудрат ака, бир оз ийманиб.

— Чойхона одамсиз қолади, бўлмаса жоним билан, — деди чойхоначи, миннатдор тарзда қўлини кўксига қўйиб. — Ўғлим мактабдан келсин, ўтаман. Сизлар ҳозир бориб туришлар.

— Майли, ўтинг, — дея Қудрат ака чўнтак коловди, чойхоначи меҳмоннинг қўлини босди. — Қуллуқ, Гапимиз чала қолди, яна гурунг қилармиз.

— Албатта, домла, албатта, — деди чойхоначи қўл қовуштириб,

четга қаради. Ён кўчадан кўксига қашқаси бор от чиқди, чавандознинг ниқташига, жиловини тортишга бош бермай, ёни билан юриб, чойхона олдида аранг тўхтади, тўхтаганида ҳам жойида туёқларини уриб-депсиниб, хуркигандек ола кўзларини бежо ўйната-ўйната, яна ёнига сурилди. Бир-икки кун эгар урилмаган чоғи, деб ўйлади Қудрат ака ва саломга қўл чўзган кителли одамга қўл узатди, аммо от яна ёнига сурилди, кителли киши ўсал бўлиб, аранг Қудрат аканинг қўлини тутди. От ўйноқилавергач, тезроқ кетиб даф бўлиш ниятида, отлик киши қамчили қўлини кўксига қўйиб, Қудрат акага жилмайди, жиловини бўшатди, от тақалари билан тошларни қарс-қурс уриб, яна ёнлаб кетди.

Қудрат ака қўлини кўксига қўйиб, бир-икки одим ёни билан юргач, укасига ишора қилди, чақириб келган болага эргашиб, улар ҳовли томон кетишди ва эшикка етишганда, ичкаридан бармоқлари билан сочини тараб, Барнонинг дадаси чиқди, аввал Қудрат ака билан қучоқлашиб кўришди, Ёдгорнинг кўзига қарамай, қўлини сиқди, меҳмонларни ичкарига чорлади. Қудрат аканинг ҳадиғи аригандек бўлди. Меҳмонлар нок панасидаги айвонга қўйилган чорпояга чиқишди, омин қилишди. Барнонинг дадаси букланган дастурхон пешини очиб, меҳмонларга чой узатди. Чойдан кейин мастава тортилди. Ичкари хоналардан Меҳри холянинг товуши эшитилар, қанақадир аёл ўчоқ атрофида ивирсир, Барно кўринмас, чақиргани чиққан бола чой ташир эди.

— Саватни қара-чи, тушдимикин, — деди Барнонинг дадаси ўғлига.

Бола ҳовлининг паст томонига чопқиллаб кетди ва тераклар учи кўриниб турган нишобликка чўккандек, ғойиб бўлди. Тераклар ортидаги кўм-кўк қўлнинг мавжли сатҳи ағанаб кетгудек туюлар, узоқда оқ елкан капалақдек кўринар, сузиши сезилмас эди.

— Омборга сув тўлганда ҳовлининг этагини босади, баъзида экин сув тагида қолиб кетади, — деди Барнонинг дадаси ўғли ортидан тикилиб. — Бултур савзи экувдик, сув кетгандан кейин қарасак, ҳар биттаси жўвадек бўпти. Балиқни қўл билан тутиш мумкин. Сават ташлаб қўйганмиз, тўртта-бешта тушади. Баҳорда тўғон бекилади, омборга иккита дарё оқади, тўғон очилганда, сув пасаёди, ярим қулоч лойқаси қолади — ўғит керакмас. Ёлгондан эксангиз, ростан кўкаради. Бу томондаги ҳовлилар шунақа, этаги сувда. Йўлнинг нариги томондагилар бундан бебаҳра. Ўзлари танлашган-да. Энди аттанг қилишаяпти. Ярим қоп балиқни Хожикентга олиб тушишса, ун-мойга етади.

— Сув узоқми? — ҳайратланиб сўради Қудрат ака.

— Шетган тош отсангиз, сувга тушади, — деди Барнонинг дадаси. — Тахтадан супа қилиб қўйганмиз, калла ташлаш мумкин. Тушамизми?

Қудрат аканинг ҳам, Ёдгорнинг ҳам ўша томонга ўтгиси келиб,

бири-бирига қараб қўйишди. Тўй тадбири ҳам айна пайтда иккинчи даражали нарсага айланиб қолди. Бироқ улар бу ерга ҳордиқ чиқаришга келишмагани учун бир оз истиҳола қилишди, аммо қизиқиш балаңд келди. Шундай мўъжизани ўз кўзлари билан кўрмай кетиш кечириб бўлмайдиган гуноҳдек туюлди. Устига-устак, бир ойга бормаи, сув кетади, жозиба қолмайди, келаси йил келиш насиб этадими-йўқми, гумон.

— Саид! — айвондан бақирди Барнонинг дадаси меҳмонлар майлини пайқаб. — Шошмай тур! Ҳозир борамиз. Юринглар!

Саттор ака учун қўл ҳовлининг энг кўркем фазилати саналар, Саттор ака қўлни ўзиникидек билиб пинҳоний завқ олар, фахрланар, айниқса, шаҳардан чиққан меҳмонларга кўрсатмай, жавоб бермас эди. Бугунгилар шунчаки меҳмон эмас, бўлажак қудалар — биринчи қудалар! — Буларга қўлни кўрсатмаслик — хиёнат. Саттор ака қанча ўзини вазмин тутишга уринмасин, Қудрат акага серзавқ, шўх, ҳавасли одам кўринди, қизи ҳам эсидан чиқди. Сўзлари лўнда-лўнда, ҳар бирини айтганида, одамнинг назарида нарсаларнинг аниқ шакли-кўриниши гавдаланади, Саттор ака ибораларига қўшимча ифода ишлатмайди. Қудрат ака, насиб этса, яна келишни, Саттор аканинг гапларини эшитишни ният қилиб қўйди, ўн дақиқа ичида Саттор ака очилди-қўйди, Қудрат акага маъқул тушди, ёқди.

— Ёғ қизитиб қўйларинг, — деди Саттор ака айвон зинасидан ўчоқ бошига қараб, — балиқ қовурамиз. — Саттор ака қизига совчилар келганини унутдими ёки эътибор бермадими, ён деразага қараб: — Барно! — деди. — Балиқ қовуришга Барно пазанда, — деди Саттор ака меҳмонларга боқиб.

Дераза ёнидаги эшик очилиб, Барно кўринди. Бу оқбадан, йирик қора кўзлари ўйчан, икки юзи қизил, чеккасида туки бор тожиксимон, ихчам қиз бўлиб, балоғатга етгани бутун вужудидан уфурар, оппоқ, силлиқ томоғида бир қатор дур шодаси хира йилтирар эди.

Қудрат ака боя онасини кўрганда қизи ҳам суксургина бўлса керак, деб тусмол қилувди, отасини кўргач, бу тахмини аниқлашди, ўзини кўриб, иқрор бўлди, укасининг дидига қойил қолди. Мунақа малоҳатга ким қарамайди? Юргандир қанчадан-қанча йигитлар, ороми бузилиб. Ҳатто Қудрат аканинг юраги шувиллаб кетди.

— Ассалому алайкум, — деди Барно хийла қизарган ҳолда момиқ бармоқлари билан кўксини тўсиб. Ярим очиқ эшикни бир қўли билан ушлаб тураркан, бу ҳаракати, яъни кафтини кўксига қўйиши, салом пайтида қилинадиган қўл ҳаракатими, ёки эркаклар олдида кўзга яқин жойини беркитишими — англаш қийин эди, аммо негадир барибир Қудрат акага одоби ёқди ва шунинг билан Ёдгорга таслим бўлган пайти кўз ўнгига келди.

— Баалайкум ассалом, — деди Қудрат ака бир лаҳза эсанкираб, — яхшимисиз, синглим? — Қудрат ака нигоҳини аранг

олиб қочиб, укасига кўз қирини ташлади. Ёдгор ҳам таҳликада лол турар, тирногини чайнагиси келарди. Барно Ёдгор томон қарамади, одоб сақлади. Унинг елкаси ортидан осилиб тушган бир ўрам қора сочи арқондек йўғон, илондек оғир эди. "Қирқмапти, деб ўйлади Қудрат ака, шаҳарда турмакласа ажабмас". Қиз қишлоғича кийиниб олган бўлса-да, қиёфасига шаҳар туси ургани кўз илғамас нарсаларда сезилиб турар эди. Сохта уятчанлиги йўқлигими, тик қарашими — нималигини Қудрат ака ажрата олмади.

— Қозонга қара, қизим, — деди Саттор ака илтимос тарзида қизига юзланиб, — меҳмонлар балиқдан татишсин, — Саттор ака "қўлингдан", демоқчи бўлди, аммо тили учига келган сўзни қайтарди — бунақа сўз айтиш ҳали эрта кўринди. — Сочик бер, пастга тушамиз.

Барно дарҳол ичкарига кириб кетди.

Қудрат аканинг хаёлига айни пайтда бир фикр келди, биолог сифатида шунақа фикр келганидан ўзи уялди: севги, ишқ, муҳаббат тушунчалари шундай гўзал қизларга муносиб бўлиб, хунук, чиройсиз қизларга нисбатан айтилса, ўринсиз, вализдек, бундай ҳисларни кечишга фақат соҳибжамоллар лойиқдек туюлди. Ахир туйғу, жинсга интилиш, насл қолдириш — табиий хислат, хоҳиш гўзал қиёфали танда ҳам, бадбашара танада ҳам баравар руҳдон ураверади. Табиат гўзалликка бефарқ, унинг ягона ташвиши — урчиш, насл қолдириш вами. Барно севармикин Ёдгорни? Ақли қанақалиги ҳали қоронғи, аммо чиройи Ёдгорникидан аъло. Қандай шу қиз укасининг тузоғига илинди экан? Ахир қирчиллаган, ўзига бут, машиналарда юрадиган йигитлар қанча? Нега улар четда қолишди? Шундай малоикани пайқашмади? Балки Ёдгор биринчимасдир? Олдин бошқалар билан ҳам таниш бўлгандир? Ёдгорнинг гўллигини фаҳмлаб "сир"ини ёпмоқчидир? Чиройли қизлар ўзларининг гўзалликларини яхши билишади. Ёдгор шунчаки ниқобдир, номига тегиб, уй-жойни "арра" қилишга киришар? Хотинболасини ташлаб, мунақалар пайига тушадиган ошику беқарор шайдолар камми? Мундоқ қараганда, кўп ёшлар, шу жумладан қизлар ҳам, шаҳарга "илиниб" қолиш кўйида кимга бўлмасин тегишга тайёр. Ёдгорнинг нимаси кам? Ёш, бежирим, уйланмаган, этагидан тортадиган чурвақалари йўқ, она-отаси қишлоқда, ҳарбий хизматини адо этиб келган, ҳатто медаллари бор. Бир ҳафта ичида алоҳида квартира олади. Акаси ўзига мустақил, оиласи билан яшайди, битта укаси билим юртида ўқияпти, ётоқда туради, стипендия олади, Ёдгорга унча муҳтожлиги йўқ. Ёдгор ногиронлиги учун пенсия олади, ҳассасини ташласа, оқсамайди ҳам, институтда ишлаяпти, комендант бўлармиш, ҳамма ўқитувчилар таниш, сиртдан ўқир экан, баҳоларини қўйиб беришмайдими? Тўрт йил нима? Ўтади-кетди. Дипломлик бўлади. Ўзи шалдир-шулдир, гина қилмайди, кек сақла-

майди. Бир коса иссиқ овқати тайин бўлса, еб кетаверади. Пешанасига битган бўлса, машина олади. Уруш қатнашчиларига текин беришаётганмиш, Ёдгор нафақат қатнашчи — инвалиди-ку. Бунга бермай, кимга беришади? Илмни ушласа, бирон жойдан тешиб чиқади, ақалли фан номзоди бўлади. Яна нима керак? Хотини билан ўғлини (ё қизини) машинасига ўтқазиб, бу томонларга чиқиб туради. Номи куёв. Ўғилдек нарса. Барнонинг номусини Ёдгорнинг ўзи бузипти. Биолог бўлгани учун Қудрат ака бунга аҳамият бермайди. Бу нарсани биров қилганида ҳам нима? Катта гуноҳми? Ким адашмайди? Ёдгорнинг ўзи эътибор бермаса — вассалом. Қайси бир халқ қизлик пардасини бола гўдаклик пайтида бармоқ билан йўқ қилишар эмиш. Қанчадан-қанча фожиаларга сабаб бўладиган унсур бартараф қилинар эмиш. Нимаси ёмон? Йигит билан қиз бир-бирини севса, яшашга тайёр бўлса — бундан аъло иш борми? Қиз алдамоқчи бўлса, усуллари кўп, йигит билмайди ҳам. Докторларнинг кўлидан ҳозир ҳамма нарса келади. Қудрат ака ўз талабалари томонидан қилинган "ишлар"ни эшитган. Қўлма-қўл бўлган бир қиз турмушга чиққан экан, қиз чиқипти...

Улар тераклар зич экилган майсазор соҳилда туришар, кўлнинг тўлқини, денгизга ўхшагиси келиб, ясси қирғоққа урилар, тўлқин қайтгач, қирғоқ лабида ювинган кўкатлар қолар, тўлқин яна ёпирилар, бир қулоч тепароқдаги тераклар илдизига етиб-етмай, гўё яна куч тўплаб ҳамла қилиш учун ортига қайтар эди. Сув устига ташланган тўртта тахтанинг охири иккита харининг белдамчисига қоқилган бўлиб, у ерга одам тушса, сув кўкрагидан келар, тўлқин ҳар гал шалоплаб, тахталарга урилар, тахта охиридан қаралса, тиниқ сув остида катта-кичик қорамтир балиқлар кўринар эди. Қўшнилар ҳовлиларининг этаклари ҳам худди шунақа, чап томондаги соҳилда мажнунтоллар қуршовида шийпон кўринар, шийпон харисига қайиқ боғланган эди. Қудрат аканинг дили орзиқиб кетди. Қўл устида нариги томондаги Чотқолнинг қорли чўққилари чайқалиб кўринар, қўл бўлишига қарамай, соҳилдан ўн қулоч нарисига қорайиб тўлқинланар, одамни чўчитар эди. Атроф тоғ, ораси қўл, соҳиллари кўм-кўк майсазор, ҳавоси сўлим, дарахтлар сояси салқин, эт жунжикади, одам офтобга чиққиси келади — курортдан нимаси кам, — ўйлади Қудрат ака, ҳаваси келиб. — Муҳими — жимжит. Ҳар куни икки-уч соат ўтирса, диссертация битади. Майсага битта шолча ташлаб, ярим соат мизғиса, чарчоқдан нишона қолмайди.

— ... Кўчиринглар, дейишди, гўрни кўчириб бўладими? — деган Саттор аканинг товуши Қудрат аканинг ширин хаёлларини яна бузди. — Тепада янгисини очишди, эскиси сув тагида қолиб кетди. Сув қайтганда мачитнинг устунлари кўринади. Чиримапти. Ўтмишимиз, ота-боболар, нораства нобуд бўлган фарзандлар — ҳаммаси қолди сув остида. — Саттор аканинг овози бепарво туюлса-да, ички алами, изтироби, ҳасрати сезилиб турар эди.

Тавба, ўйлади Қудрат ака, Саттор аканинг жаннатдек уйи-ҳовлиси, соғлом-бардам, чиройли фарзандлари бўла туриб, сув остида қолиб кетган қишлоқни, қабристонни, ўтмишни ўкинч, қайғу билан эслаши... Омбор қурилишида алақандай шафқатсизлик содир бўлганини ғурбат билан ўйламаслик мумкин эмас эди. Тушунарли надомат. Саттор аканинг дилида ҳали анча гаплар бор, ҳозир фақат учини чиқарди. Яна бир келиб, бафуржа гаплашиш керак.

Саттор ака бирон ҳодисани гапирса, муносабатини сездирмайди, четдан туриб айтаётгандек бўлади, ҳеч нарсага ҳужм чиқармайди, қайси томонидалигини билиб олиш қийин, аммо айнан шу муаммо устида тўхтагани бежиз эмаслигидан тусмол қилиш мумкин.

— Ноябрьнинг ўрталарида бу ерларга совуқ туша бошлайди, — деди Саттор ака саватга тушган балиқларнинг майдасини кўлга итқитиб, — сув илиқ. Туман босади. Ҳеч нарса кўринмай қолади. Жанубга учаётган турналарнинг қур-қури эшитилади. Товуш қаёқдан келаётганини билмайсиз.

Қудрат ака оғиз очиб, Саттор аканинг гапига қулоқ солар экан, тасаввурида ўша манзара намоён бўлар, ўзини туманга бурканиб, кўл бўйида тургандек, турналар товушини эшитаётгандек ҳис қилар эди.

Саттор ака тўй ҳақида оғиз очмас, Қудрат акадан гап чиқишини кутарди чоғи. Қудрат ака ҳам, Саттор акани каттароқ билиб, сукут сақлар, Ёдгор эса, бўлажак тўйга ўзининг дахли йўқдек, сувдан кўзини узмас, Саид билан нималар ҳақидадир сўйлашар, сув остида қорайиб, товушсиз сузаётган балиқларга тикилар эди. Негадир шу топда укаси Қудратнинг кўзига аянчли, Барнодек қизга арзимайдигандек туюлди. Яхши кўрса кўра-дигандир, аммо ҳиссиёти чуқурмикин? Қадрига етармикин? Афғонни ўтаб келган бўлса-да, Ёдгор ҳамон “думбул”, пала-партиш, ҳовлиқмароқ, “санамай саккиз” дейиши, ўлчамай кесиши, ҳали ақли қуюлмаганидан, омонатлигидан дарак берар эди. Ёдгор ҳам Қудрат аканинг ўрнида бўлганида, тўнғич сифатида қанақадир масъулият сезганида бўлакча ўсармиди? Жасур ҳам шунақа тоифа. Рассом, ҳаёт икир-чикирларидан ўзини балаңд тутати, қишлоқда ўсганига қарамай, тежам нималигини билмайди, биров сўраса охирги чақасини беради, кейин эсламайди. Дадаси қўйлар учун ўт юлгани жўнатса, албатта альбомини олиб кетар, қинғир, майшиқ иддизлар, оқ-қизил, кўк-сарик қатламли тошлар топиб келар, иддизларни ювар, шилар, жилвир берар, алақандай шакл-қиёфа ҳосил қилар, тошларга лок сурқар, ўз тасавури бўйича токчага терар, соатлаб тикилар, баъзан бузиб ташлар, бошқатдан териб чиқар эди...

— ...Тепага чиққиси келмаган чоллар бульдозерга тош отишди, — Саттор аканинг ҳаяжонсиз овози Қудрат акани бемаврид хаёлини бузди, — ўзини тагига ташлашди. Мели-тегирмон отасининг гўрини қучоқлаб, ўзини пичоқлади, Асад-

қоровул айвонда ўзини осди, учта чол, сув тагида қоламиз, деб мачитга бекиниб олишди. Мелиса уларни боғлаб, тепага олиб чиқди, битгаси — Тойир-тош амаки, ўзини қоядан пастга ташлади. Ҳар куни битта-иккита одам ўларди. Бутун қишлоқ азахонага айланиб кетди. Тепадан ҳам, пастдан ҳам уввос янграр, кечалари ҳам тинмас, одам жинни бўлиб қолгудек эди. Сой бўйлаб нечта қишлоқ бўлса ҳаммаси фарёд қилди. Фаросатлилари апил-тапил кўчиб чиқиб, яхши, серсув жойларни эгаллаб олишди. Еримиз этагида кўл бор, сувга зормиз, бу ёққа чиқмайди. Йўлнинг нариги четидагилардан сув ортса бу ёққа бўғамиз, ортмаса челақлаб кўлдан ташиймиз. Газ олиб келамиз, водопровод қурамиз, дейишувди, биттаси ҳам бажарилмади. Хайрият, электр бор, бу ҳам бир ўчади, бир ёнади...

Қудрат ака мулзам бўлди: Саттор ака ҳикоясини тепароқдан бошлаган чоғи, Қудрат ака хаёлга берилиб, эшитмапти, Саттор ака пайқадими, йўқми, пайқаган бўлса — аттанг. Қудрат аканинг ўзи шунақа, ҳеч хаёлдан бўшай олмайди, мияси доим қанақадир ўй билан банд, қанчадан-қанча ҳодисаларни титкилагани-титкилаган; кўп ҳолларда гапга қулоқ солган туюлади-ку, аммо хаёли алақаяқларда изғийди. Кечалари ҳам тинмайди, тушлари алғов-далғов, чарчаб уйғонади. Ўйлайди, фараз қилади, таққослайди, фикр юритади, икки нарсани чўқиштириб, учинчи нарсани ҳосил қилади, қандайдир нарсаларни рад этади, тан олмайди, хато ҳисоблайди, баъзи нарсаларнинг мукамаллигига ҳайратланади.

— Сиз ҳам эслайсизми сув остида қолган уйингизни? — сўради Қудрат ака.

— Нуқул тушимга киради, — деди Саттор ака ийманиб. — Эски кийимдек, ўрганиш бўлиб кетувди.

Албатта ўрганиш бўлади-да, яна таҳлилга берилиб, ўйлай кетди Қудрат ака, бу табиий ҳол. Бола ўзи туғилган муҳитни ягона, деб билади, бошқа ҳаёт тарзи бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Ўсган сари қўшни болалар билан ўйнайди, уларниқига борганида ҳам деярли ўзиникидагига ўхшаш турмуш тарзини кўради: ўшанақа уй, тандир, ўчоқ, ўтириш-туриш, келин-қайнона, уларнинг муносабати, мол-қўй боқишлари, пичан ўришлари, намоз ўқишлари, тўй-азалари бир хил, кимдир татбиқ қилган расамад билан ўтиши айнан бўлмаса-да, жуда ўхшаб кетади, шу йўсин урф-одатлар, расм-русумлар, удумлар, яхши-ёмон, ҳаром-ҳалола, гуноҳ-савоб тушунчалари боланинг онгига сингиб боради; агар бола бошқача ҳаёт турини кўрмай ўсса, қиёс қилиш қобилияти ҳам ўта ривожланмайди, ўз удумлари ягона ва мутлақ кўринади. Бўлак, ўзиникига ўхшамас русумлар ғализ, нотўғри, хато, ёт кўринади, кўринибгина қолмай, одамлари ҳам бегона, ғаним туюла бошлайди, вояга етган бола табиатан шинаванда бўлса, таажжуб билан боқади, қизиқади, ўзиники билан таққослай бошлайди, биринчи галда нобоп туюлган амал

секин-аста табиий, баъзи ҳолларда ёқимли, ҳатто зарур кўрина бошлайди, ўзиники ғалати, бесўнақай тус олади. Онги чекланган, маълум ақидалар муҳотида шакланган бола бошқаларнинг турмуш услубини англай олмайди, тили ҳам, талаффузи ҳам, иборалари ҳам, кийим-кечаги ҳам, таоми ҳам, турқи ҳам — ҳаммаси унсур — бегона кўринади, ажратиш, четлаш, ирқ танлаш, ихчам миллатчилик, ўз удумларини аъло билиш, бошқаларникини ўзга ҳисоблаш, камситиш, ўз маслагини, натижада ўз миллатни юксак, деб тан олиш, бу маслакни эътиқодга кўтариш кайфияти иддиз отади. Бунақа “туйғулар” болани қизиқтирмайди, ўртоқларининг (агар ёнма-ён яшашса) турқи ҳам, бошқачароқ гапириши ҳам, кўзи қисқа-йириклиги ҳам, ранги ҳам бари бир, яхши дўст бўлса, бас. Миллатининг унга аҳамияти йўқ. Фарқига бориш, ажратиш, тафовут ахтариш, ёвуз ният туғиш кейин бошланади. Агар онги ошмаса, ақидаларга ўзини “содик” билса. Бунақа шахслар, энг яхши таом — палов, энг гўзал ўлка — юртим, энг юксак халқ — миллатим, деб ўйлайди, тарғиб қилади, маслакдошлар топилса, обрў орттиради, имтиёз кўради, қўшилмаганларни миллат душманига чиқаради. Бошқаларни ёт ҳисоблаб, уларнинг тажрибасини ўрганмайди, аммо машиналарида тирсак чиқариб юришни, самолётларида учишни маъқул кўради, ўзини ватанпарвар ҳисоблайди. Бунақа одам маданият вакили бўлса, сурнай карнайга айланади, эътиқод расмий тус олса, “юрт манфаати” дейилса, бу кайфиятдан четда юрганлар ҳам жўр бўлиш кўйига тушишади, негаки, шу усул билан амалга миниб, эътибор орттириш, фойда кўриш имконияти ошади. Юрт бошига кулфат тушса, омма балогардон бўлади: муҳофаза қилади, кон қазийди, ер чопади, иншоот қуради, солиқ тўлайди, хазинани тўлдиради, “ватанпарвар” сўзини тушунгани тушунади, тушунмагани индамай ишини бажараверади, ойлаб маошини олмаса ҳам, миқ этмайди...

Машина Чорвоқ томон тушиб келар экан, ботаётган қуёш нурларида дарё порлар, кўзни қамаштирар, йўл бир шўнғир, бир бурилар, пастдан кўтарилаётган машина имилаб-кучаниб чиқаётгандек туюлар, ёнидан Қудрат аканинг машинаси шув этиб ўтиб кетар эди.

Ёдгор машина радиосини буради, аммо вағирлаган товушдан бўлак нарса келмади, Меҳри холанинг жаврашини эшитиб кетишга мажбур бўлишди. Машина пастга тушиши билан қоронғи бошланди, Қудрат ака фараларни ёқди.

Тўйни бир ойдан кейин, яъни октябрь ойининг ўртасида ўтказишга қарор қилишди. Иккала хонадоннинг ораси узоқ бўлгани учун тўйни икки кун ичида — аввал келинникида, эртасига куёвникида ўтказадиган бўлишди.

Ҳовлига олиб киришнинг иложи бўлмагани учун Қудрат ака машинани кўчада қолдиришга кўзи қиймади, ярим соатча ўтиргач, эртага келаман, деб шаҳарга жўнади.

Бир ойдан кейин тўй ўтказилиши қайтага қулай, ўйлади Қудрат ака йўл-йўлакай, тайёргарлик кўришга фурсат бўлади. Унгача Ёдгор квартирасини олади, арзонгаров жиҳоз ўрнатилади — каравот, стол-стул, парда. Келиннинг сепи битта автобустга бемалол сиғади. Саттор ака қалин сўрамади, хотини ҳам индамади, бироқ куёв томон харажатнинг бир томонини кўтариши керак — келиннинг ҳурмати. Тўйдан бир кун бурун юбориладиган нарсаларни — битта қўчқор, бир қоп гуруч, бир челақ ёғ, икки-уч қути ширинлик, сарполарни юк машинага ортиб, жўнатиш керак. Келин томондан келадиган куда-янгаларни ўша кечаёқ қайтиб кетишга кўндириш керак, янга қолмагани маъқул.

Қизи ухлаб қолган бўлса, уйғотиб юбормаслик учун Қудрат ака уй эшигини ўз калити билан очиб кирганида, чироқ фақат балконда ёнар, Гулшаннинг кийимларига дазмол ураётган Муяссархон эшик очилганини эшитиб, коридорга чиқди. Мала тус сочи елкасигача қирқилган, чарчоқданми, уйқуданми йирик кўзлари сузилган Муяссархон тикмачоқдек, ҳушрўй жувон бўлиб, бўйи Қудрат ака билан тенг, бинафша атласдан тикилган халати тўпифига қадар тушар, оёғида пахмоқ шиппаги бор эди. Муяссархон қизил тирноқди бармоғини лабига босиб, ички хона эшигини зичроқ бекитди — чамаси, Гулшан эндигина ухлаган эди. Одатда, кеч келмайдиган Қудрат ака, эҳтиётлик билан пойабзалини ечиб, оёғига шиппагини илди, ювиниш учун ваннахонага кириб кетди, Муяссархон плита устидаги қозон остига газ ёқди.

Сентябрь ойининг ўрталари бўлгани учун кундузлари иссиқ, кечалари одам жунжикадиган совуқ эди, эр-хотин балкон деразасини қия очиб, алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди, тўй билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳақида маслаҳат қилишди. Муяссархон биринчи галда келин тўғрисида сўради. Эри жилмайди.

— Ҳм? — Андақ ҳафсаласи пир бўлди жувоннинг.

— Ёдгорни дейман, ҳовлиқма, бетайинроқ, деб ўйлардим, топган қизини кўриб, оғзим очилиб қолди.

— Кўримсиз эканми? — ҳадиқда сўради Муяссархон.

— Аксинча! — деди Қудрат ака шодлигини яшира олмай. — Қуйилгандек. Ҳаммаси жойида. Ҳусни ҳам, қомати ҳам, юз-кўзи чироқдек. Вой, Ёдгорей!

Эрининг гапи Муяссархонга ёқса-да, дилида алақандай ғашлик пайдо бўлди. Аёл-да, эри бошқани мақтаса, кўзлари бежо ёнса, кимга ҳам ёқар эди?

— Тоғлик-да, ҳаммаси чиройли, — деди Қудрат ака хотинининг турқида пайдо бўлган ҳадикни пайқаб. — Кўчасида нечта қиз учраган бўлса биттаям хунуги йўқ.

Қудрат ака тенгқур бўлгани учун учрашган пайтларида Муяссархон "Қудратжон" деб мурожаат қилар эди, тўйдан кейин "Қудрат ака" дейиш тилига ётмади, ўзини ёшроқ кўрсатгандек туюлди, ота-онаси олдида "куёвингиз", дейдиган,

кейинчалик "Қудрат Умарович", "домла", Гулшан туғилгач, "дадаси" дейишга ўтди. Қишлоқдан тушган, таг-тугинининг тайини йўқ, мусофир йигит учун ўзига тўқ хонадонга ичкуёв бўлиб кириши омадди кўринса-да, Қудрат ака ҳеч қачон ёзилиб яшамаган, қайнотасининг мулойим — қаттиқ нигоҳи ҳамиша йигитни одоб сақлашга, чегарадан чиқмасликка, тили қисиқ бўлишига мажбур қилган, ҳатто қайнота-қайнонаси олдида ўз хотинига тик қараб гапиришга ҳам Қудрат ийманар, кун оқармай уйдан чиқиб кетар, қош қорайганда кириб келар, кўп вақти институтда, кутубхоналарда ўтар, балки шунинг учун ўттизга кирмай, диссертация ёқлаган ёш, умидли олим ҳисобланар эди. Қудрат номзодлик ишини ўша ичкуёвлик пайтида удалади, олимлар озига тушди, унга тўрт хонали уй беришди, беш йил аввал бир яшар қизчаси хотини билан янги уйга кўчиб ўтишди, юк-тақ Муяссархоннинг уйдан келди, Қудрат унча харажат ҳам қилмади, ҳатто қайнотаси "кўмагида" машина ҳам олиш имконияти топилди, наслнинг муқум хусусиятларига оид мавзу бўйича докторлик ишини ёзишга киришди. Тема тасдиқ бўлса, у ёғи тез кетади — Қудрат ака дилида тутиб қўйган анча-мунча мулоҳазалари бор.

Аслида Муяссархоннинг отаси Музаффар акага қизининг қанақадир йигит билан "кўчада танишиши", йигит қишлоқчилиги, уйсиз-жойсиз ижарада яшаб юриши, зоти пастлиги аввалига мутлақо ёқмади. Музаффар ака бунақа тутинишни кескин рад қилди, ўзига ор билди, одамлар назарида ўз мавқеига путур етказадигандек, унга қолса тағли-туғли оила билан қудалик қилиш ниятини айтди, бироқ Муяссар, "тегсам, шунга тегаман", деб туриб олганида дилида ғалати шубҳалар ҳам туғилди, тезда рози бўлди. Барча тўй юкини ўзига олиб, Қудратни ичкуёв қилиб, уйдан жой берди. Аммо анча пайтгача ижирганиб, дами ичида юрди, куёвга рўйхуш бермади, тил учида "ҳурматини жойига қўйиб" кун кечира бошлашди. Фақат Гулшан туғилганда Музаффар ака эриди, "ўғлим", "Қудратжон", дея бошлади, диссертациясини ёқлаганида, "чакана эмас экан", деб, куёвига ҳурмати ошди, ҳатто ресторанда зиёфат қилиб берди, Қудрат тўрт хонали квартира текканида, уйини тўлдириб ташлади, ҳатто машина олишига улуш қўшди. Ҳозир биронта маросим, ўтириш куёвисиз ўтмайди, тансиқ овқат қилинса, ё чақиртиради, ё тоғорага ўратиб, ўғлини қизиникига югуртиради, илинади. "Қудратжоннинг оғзи тегсин, хасипни яхши кўради, дейди, иккалови ишда, нуқул кеча пиширилган овқатни ейишади".

Қудрат ака укаси билан Барно орасида бўлиб ўтган "ишни" хотинига айтмай қўя қолди. Ёдгор йигит нарса, тажрибасиз, биронта доғули-маккор жувоннинг тўрига тушиб қолса, тамом, бурнидан ип ўтказиб ўйнатади, уйига кириб олади, кейин ундан қутулиб бўлмайди. Барнонинг ота-онаси яхши, иймонли одамлар экан, боласи ҳам чакки бўлмаса керак, ўшаларнинг тарбиясини

олган-ку. Анову бўлган "иш" — тасодиф. Бировга қўлини ушламаган қиз ҳам тойиши мумкин. Келишган йигит бағрига қаттикроқ босса қиз ўзини йўқотиб қўйиши табиий. У ҳам тирик жон. Айни етилган пайти. Дод деса, ўзи шарманда бўлади. Орада ҳеч нарса ўтмаса-да, номи булғанади, бузуққа чиқади. Йигит ноинсоф бўлса, тонса, индамай, юм-юм йивлаб қолаверади. Бўйида бўлиб қолмаганига шукур қилади, бўлса — яширин доктор ахтаради, кейин бутун эркаклар зотига ғараз билан қарайдиган бўлиб қолади, ёки ёмон йўлга кириб кетади, кимнидир қўлга тушириш пайига ўтади.

3

Ёдгорнинг акасини Барно танимаса-да, ғойибдан билар, Ёдгор айтган эди. Ҳозир Қудрат ака дадаси билан гаплашиб турар, пастроқда бўлганлари учун фақат бошлари кўринар эди. Барно гилос томонга қараган деразани қия очиб, Ёдгорни имлади. Ёдгор бир атрофга аланглаб олиб, дераза ёнига келди ва қизнинг қўлини ушламоқчи бўлувди, Барно ўзини тортди.

— Айтмадингизми? — ғалати ҳадиксираб сўради Барно.
— Нимани? — Дарров англай олмай сўради Ёдгор.
— Нимани бўларди? — аразлагандек деди Барно.
— А-а. Йўқ, — деди Ёдгор. — Фақат акамга айтдим.
— Жиннимисиз? — эти увишиб деди Барно.
— Айтмасам, тўй кечикар эди, — деди Ёдгор. — Қорнинг қалай?

— Қорнимга нима қипти? — деди Барно хавотирда қорнига қараб.

— Ановунақа, дейман, бўлмадими? — деди Ёдгор ҳомилани очиқ айтишга тили бормай.

— Бир мартада бўладими?

— Қаттан биламан? Дўхтирликка ўқияпсан — биларсан.

— Буни дўхтирликка ўқимаган ҳам билаверади.

— А-а, — деди Ёдгор, тушунгандек, аммо нимани — "дўхтирликка ўқимаган ҳам билишими" ёки "ҳомила" йўқлиги-ми? — ўзи ҳам фарқига бормади.

— Акангиз энди менга қанақа қарайди? — барибир кўнгли безовталаниб сўради Барно.

— Қанақа қарариди?

— Секинроқ гапиринг!

— Қанақа қарариди? — атрофга кўз ташлаб деди Ёдгор паст овозда. — Тўйни тезлатди-ку, айбимизни яширди-ку. Яна нимани тилаш мумкин? Ўтган куни айтувдим, мана бутун совчи олиб келди. Фақат мени койиди. Ҳеч кимга айтма, деди. Мунақа одамни чироқ билан ҳам топа олмайсан. Раҳмат, дейишинг керак.

Барнонинг кўнгли ўрнига тушгандек бўлди, қиз фақат жилмайиб қўйди-да:

— Майли, боринг, кўриб қолишмасин, — дея деразани ёпди ва яна очиб: — Индинга душанба, шаҳарга тушаман, ўшатта гаплашамиз, — деди Барно. — Ҳозир балиқ қовураман.

Ёдгор ўтларни ҳатлаб нари кетди.

Барно ичкарилаб, нариги томондаги эшиқдан чиқди-да, ўчоқ томон югурди — ёғ қизий бошлаган эди.

Совчилар кетишга қўзғалишганда Саттор ака хотини билан кузатиб қолди, Барно чиқмади. Юк қулагандек бўлди. Саттор ака билан Қумри опа — эру хотин чорпоя четида бир неча дақиқа индамай ўтиришди.

Ичкари хонани совчилардан кейин йиғиштираётган Барно жим ўтирган ота-онасига қаради, аммо улар мамнунми, йўқми — тушунмайди. Мамнун бўлишса-да, янги ташвиш — тўй машаққати ўйлантириб қўйгани сезилиб турар, ўтган ҳодисага қайси томонидан ёндошишни, гапни нимадан бошлашни билишмас эди.

Эшикни شوхи билан итариб, подадан мол келди, гурс-гурс ер босиб, оғилхона томон ўтиб кетди. Саттор ака боғлаб чиқиш учун молнинг орқасига тушди, Қумри опа пояга кийдирилган челакни олиб, ичини латта билан артди. Шу заҳоти бир қучоқ ўтти орқалаб, Саид ҳовлига кирди, кирза этигини дўқир-дўқир босиб бориб, симёғочдаги михга ўроқни илди, молхона томон кетди.

Қумри опа сигир соғиб чиққунича қош қорая бошлади. Кўлнинг нариги қирғоғидаги Богистон қишлоғидаги кўз илғамас уйларда чироқлар милтиллади; тоғнинг белидан юқориси ҳали қуёш нурида чўмилар, эриб улгурмаган қор қизғиш товланар, ҳар куни шу пайтда учиб ўтадиган вертолёт дар-дар-дар товуш тарқатар, улкан тоғ бағрида чигирткадек кўринар, кўл юзида балиқлар бирин-кетин ирғир, ялт этар, қуёшни кузатар эди.

Барно онаси соғиб чиққан сутни олтига косага қуйиб, чамбаракларга илди. Шалдир-шулдир бўлишига қарамай Ёдгор ориятли йигит экан, ўйлади Барно қозон-товоқ юва туриб, ишим битди, деб қочиб қолмади. Қизларни алдаб кетадиганлар қанча! Ўзи ёқимтой Ёдгор, андишали ҳам экан. Квартира олармиш. Бир ҳафта-ўн кун Барно тушган жойида келин бўлиб, кейин шаҳарга кўчармиш. Майли. Техникум таътил бермаса, қатнаб ўқийди. Соат иккидан кейин ўқиш тугайди, ярим соатда уйида — янги уйида бўлади, қайнонасининг хизматини қилади. Бояги иккита совчи аёлнинг қайси бири Ёдгорнинг онасилигини Барно ажрата олмади, онасидан сўрашга уялди. Анову сергап аёл бўлса, ярим кун ҳам етарли, қулоқни қоқиб қўлга беради. Майли, чидайди, тажанглик қилмаса бас. Бир ҳафта ҳам гапми? Келинлар йиллаб чидашади. Муҳими Ёдгор лаллаймаса, яхши кўрса, менга осонгина берилдинг, бошқаси бўлса ҳам шунақа қилардинг, деб, баҳона кидирмаса бўлгани. Шу шумтакани ёқтирмасам, кўлидан ҳеч нарса келмас эди. Тўғри, “жазаваси” қўзғаганда айтсам, ушланг ўзингизни десам бўларди! Мени истасангиз, майли, аммо расмий томонини удаланг, ундан кейин мен сизники... Аммо мунақа

пайтда одам қандай тўрга тушиб қолганини ўзи билмай қолар экан-да. Севаман, сенсиз яшай олмайман, жонимни бераман, деб дунё кўзига кўринмай кетган бир алфозда кимнинг бардоши чидайди? Қиз ҳам ишонади-да. Унинг устига йигит ёқимтой бўлса! Итарсанг, кўнгли совиши, бунга паспортдаги тамга керак экан, деб ўйлаши мумкин. Умуман ҳис, ошиқлик, севги — нима ўзи? Нега бунақа кучли? Ҳеч нарса билан ҳисоблашмайди? Ҳеч қанақа тўсиқни тан олмайди? Англия қироли муҳаббати деб тахтидан воз кечипти. Нақадар юксак туйғу! Одамни ларзага солади. Қанчадан-қанча кишилар севгини қапишиш, ҳирсини қониқтириш, деб ўйлашади, ҳатто муҳаббат сўзини тилга олишга иснод қилишади. Севиш — бу бахт-ку. Демак, ҳақиқий севгига ҳамма ҳам эриша олмас экан-да. Тахтдан воз кечиб, севглисини танлаш учун қанақа жасорат, маданият, юксаклик, эътиқод керак! Баки инглиз қироли ягонадир? Аммо бор экан-ку. Бунақа олийлик ноёб бўлмаса, қадри қолмайди, шунинг учун дostonлар муҳаббатни кўкларга кўтаради, энг юксак чўққилар нечта? Иккита ё учта. Етарли. Чўққи кўп бўлса, чўққилиги билинмайди. Бу юксакликка ета олмагани учун инсон ундан юз ўтириши керак эмас, унга интилишининг ўзида поклик қарор топа бошлайди, ғубордан арийди, ўзига номуносиб таъналардан тозаланади. Нега бизда, яхши кўраман, деган нарсани бузуқлик билан адаштиришади? Яхши кўриш — нафрат эмас, мўъжиза энг улуғ хислат-ку. Табиатни инкор қилиб, одам нимага эришади? Муҳаббат одамга — фақат одамга инъом қилинган фазилат-ку. Қайси бир қиз отасига, мен фалончи йигитни севаман, дея олади? Бунда қанақа гуноҳ бор? Қанақа айб? Ҳатто куёвнинг юзини кўрмай, турмушга чиқса, бола туғса — бу майли, одобли саналади; севаман, дилим ёнмоқда, деса — бу ҳаёсизлик. Алдаш, яшириш, муғамбирлик — бу ҳаёсизлик эмас-ку, ҳаёсизлик — ҳаё. Бу ўзи қанақа одоб? Одоб, ҳаё, камтаринлик ниқоби билан самимийликни бўғиш эмасми?

Ўнинчи синфни битиргач, Барно ўша йилиёқ — бу саксонинчи йил эди чоғи, Тошкент медицина институтига ҳужжат топширди, бироқ конкурсдан ўта олмади. Бунақаларни медицина техникуми имтиҳонсиз қабул қилиши ҳақидаги эълонни Барно консултацияга бориб юрган пайтларида кўрган эди, ўша ёққа чопди ва бир кун ичида қабул қилингани ҳақида буйруқ чиқди, ҳатто ётоқ билан таъмин қилишди. Иккинчи курсни тугатиш арафасида Ёдгорни учратди. Ёдгор ёш йигит бўлишига қарамай, Афғон урушини ўтаб келган, билинар-билинмас оқсоқланар, ўта хушқақчақ, шаддо, беғам, нуқул ҳассасини қаердадир унутар, хоҳолаб кулар, қизларга шоколад улашар, ким илтимос қилса бажонидил бажарар, кўп қизларнинг ҳавасини келтирар эди. Ўзи электр бўйича мутахассис, институтда сиртдан ўқир экан. Қизлар ётоқхонаси бўлишига қарамай, унга шу ердан бир хона беришипти — ҳам устахона, ҳам ётоқ. Маълум даражада — пойлоқчи, ёмон ният билан келган шилқим йигитлар Ёдгор

борлигини билишса, оёқ тортишади. Ёдгор билан талашин, жанжал қилиш, унга қўл кўтаришдан чўчишади — Афғон ногирони, медаллари бор, ҳассаси билан урса, майиб қилади, айбисиз чиқади, чунки қизлар тарафини олиш, ҳимоя қилиш — марднинг иши.

Бир куни Барно автобус пойлаб ЦУМдаги бекатда турувди, кўчанинг нариги томонида Ёдгор кўринди. У ҳам Барнони пайқади шекилли, кўчанинг бу томонига ўта бошлади. Таниш бўлишгани учун дарров гапга тушишди. Кун иссиқ, автобус ҳадеганда келавермади.

— Шошилмаяпсизми? — деди Ёдгор.

— Йўқ, нимаиди? — сўради Барно негадир юраги шувиллаб.

— Юринг, морожна еймиз. Иссиқни қаранг, — деди Ёдгор баҳона ахтариб. — Сквер салқин.

— Сквер узоқ, — дея Барно мужмал жавоб берди, аммо бу — рад жавоби эмас эди. Ёдгор дарҳол буни сезди.

— Қўғирчоқ театри ёнидаги кафега борамиз, яқин, — деди Ёдгор ва бир қадам қўйди. — Кетдик.

Барно бир лаҳза иккиланиб туриб, Ёдгорнинг ҳассасига қаради. Бу — ногиронсиз, гапингизни икки қилиш яхши эмас, деган маънони билдириши керак эди, Ёдгор бошқача тушуниб, ҳассасини гулзорга улоқтирди.

— Вой, бу нима қилганингиз? — ҳанг-манг бўлиб, деди Барно.

— Жонга тегди, — дея Ёдгор, хижолатлигини яшириш учун, йўл бошлади. Орқасидан тушишдан Барнонинг бошқа иложи қолмади.

— Олиб келайми ҳассани? — деди Барно тўхтаб.

— Керак эмас, етарли матоҳ, — деди Ёдгор қўл силтаб. — Эътибор берманг.

Улар хиёбон бўйлаб кафе томон кетишди. Барно учун бунақа сайр биринчиси эди, у ҳадиксираб атрофдагиларга кўз ташлар, йўловчилар қизни таъқиб қилгандек туюлар, Барно ўзини ғалати сезар эди. Худди шуни пайқагандек, Ёдгор қизнинг таҳликасини тарқатиш учунми, ўзини бепарво тутишга, арзимас луқма ташлашга уринар эди.

Улар рангли соябон остидаги елим стол ёнига ўтиришди.

Кўланка бўлишига қарамай ҳаво дим эди.

Ёдгор икки қадах шампан, товук табака, минерал сув буюрди. Барно винога қўлини ҳам теккизгани йўқ, сув ичди, холос. Ёдгор музқаймоқ буюрди, ўзи шампан симириб ўтирди. Бунақа ўтиришларга ўрганмаган Барно ҳамон тортинар, атрофга аланглар, табакани қандай ейишни билмас, мулзам ҳолатини сув хўплаш билан яширмоқчи бўлар эди. Барно табакани бир-икки тишлаб, қўлини артди, таом чала қолди. Қадахда илий бошлаган Барнонинг виносини Ёдгор ярим қилди. Оқшом туша бошлади.

— Энди кинога борамиз, — деди Ёдгор, қоғоз билан лабини артиб. — Салқин бўлади. Скверда ёзги кинотеатр бор.

Барно йўқ дейишни эп кўрмади. Туришди. Улар кинотеатрга етиб боришганида, қош қорая бошлаган, ҳализамон кино қўйилиши керак, одамлар шошилишар эди. Ёдгор билан Барно ҳам кино бошланишига аранг улгуришди. Ёзги залнинг атрофи баланд дарахтлар билан ўралган, ҳамма жойлар банд, сув сепилган ердан илиқ ҳид тарқалар, салқин энди туша бошлаган эди.

Экранда хира тасвир пайдо бўлиши билан чироқлар ўчди, лекин қоронғи ҳали қуюқлашмаган эди, томошабинлар говури секин-аста тина бошлади. Экранга қараса-да, Ёдгор ҳеч нарсани кўрмас-англамас, хаёли қизда эди. Бир оз қоронғи тушгач, Ёдгор иккилана-иккилана кафтини Барнонинг билагига қўйди, қиз буни сезмагандек, қўлини тортиб олмади. Ёдгорнинг юраги алғов-далғов бўлиб кетди — биринчи марта қизнинг қўлини ушлаши эди. Барно ҳам, кўриниш бермаса-да, алланечук бўлди — бу нарса унинг учун ҳам биринчи, аммо ҳам ёқимли, ҳам кўрқинчли эди. У экрандан кўзини олмас, ўта диққат билан томоша қилгандек қотиб ўтирар, бироқ экрандаги тасвир чайқалар, жимирлар, хиралашар, қиз нима бўлаётганини ажрата олмас, дили энтикар эди. Кинодан кейин улар автобус бекатига йўл олишди. Хилват жойга келганда Ёдгор қизни бағрига тортди, Барно журъатсизгина қаршилиқ кўрсатди, аммо йигитнинг қучоғидан чиқа олмади. Ёдгор қизнинг томоғига бурнини босди, лабидан ўпди. Барно қалтиради, юзини олиб қочди, лабини артиб ташлади. Ёдгор, оғзидан ҳид келяпти, деб ўйлаб қўлларини бўшаштирди, бироқ Барно четга отилмади, афтидан қиз ҳам сеҳр тузоғида эди. Унинг чиройли қора кўзларида чироқлар мавжи йилтирар, янги, ҳали синалмаган, аммо эзгу дунёнинг эсанкиратувчи жозибаси очилгандек, мафтункор бўронида чирпирак бўлиш аччиқ ва лаззатли сурон эди. Бу нима ўзи, қанақа ғалаён, жунун, офат? Нега одамни зиркиратади, ларзага солади, ақлни парчалайди? Адоғи қаерда? Нега бунчалик фусункор? Бундан чўчиш керакми ёки пўртанасида фарқ бўлиш, наърасига қўшилиб учиш, парвоз қилиш керакми? Барно саросимада эди.

Турар жой битта бўлгани учун улар ётоққача пиёда кетишди; ҳаво тунда салқин, кўчалар кимсасиз эди. Ёдгор қизни қучар, кўтарар, ялаб-юлқар, лабларидан сўрар, тўймас эди...

— Барно, сени яхши кўрсам, майлими? — энтикиб сўради Ёдгор.

— Майли, — деди Барно Ёдгорнинг бўйнига осилиб. — Шу — яхши кўриш-да. — Барно "уйланасизми?" демоқчи эди, негадир ўзини тийди, бундай савол ўринсиз, сийқа бўлиб туюлди, айтмади.

Яхшиям айтмаган эканман, деб ўйлади Барно ҳозир, ўчоқ бошида туриб. Агар айтсам, албатта, уйланаман, дер эди, мунақа пайтда ҳамма шуңдай дейди. Кейин совчилар юборса ҳам, мажбуриятдан қилаяпти, деган гумон пайдо бўлариди. Энди эса ташаббус ўзидан чиқди, севар экан, демак. Тонса, қўлимдан нима келариди? Мардлик қилди, бундай йигит билан турмуш қурса

бўлади, алдаб кетмайди. Кўнгли совиса, айтади, бошқа қизни ёқтирса, яширмайди. Энг ёмони — алдаш.

Ушанда, анҳор бўйида ўтиришганида Ёдгор Барнонинг ўрилган сочини кўлига олиб:

— Қалин экан, — деди, оғир эмасми?

— Кестирмоқчиман, — деди Барно йигитга кўз ташлаб.

— Кўзинг қиядимми?

— Парвариши қийин, ювганимда бир тоғора бўлади.

— Причёская ярашса керак, чиройлисан.

— Сижжакка қандай кириб боришимни ўйлаяпман. Дадам, аям нима дейишарикин? Албатта маъқуллашмайди, ачинишади. Лекин шу аҳволда шаҳардаям юриб бўлмайди. Ҳамма қарайди. Сугчи деб ўйлашади. Кестираман.

— Қирқтираман, дегин. Кестириш ўғил болаларга нисбатан ишлатилади, — деди Ёдгор Барнонинг шу нарсани билмаганидан ҳайрон бўлиб. Барно кудди. — Ҳозир ҳамма нарса тескари бўлаяпти — эркаклар узун соч қўйишаяпти, аёллар қирқтиришаяпти. Укам бор. Бир-икки марта ётоққа ҳам келган. Рассом. Кўзинг тушгандир. Жасур. Сочи елкасигача тушган.

— Мўйлови ҳам бор-а? — сўради Барно. Ҳақиқатда кўрган эди. — Узун бўйли, чиройли ўспирин?

— Ҳа, бўйи мендан узун.

— Ярашса, ўстираверишсин.

— Сен шошмай тур, — деди бир маҳал ўйланиб Ёдгор. — Қирқтириш қочмайди.

Бу гапининг тагида яширин маъно борлигини Ёдгор очмади, аммо Барно тушунди, тушунди ҳам эмас, йигитнинг жиддий нияти борлигини тусмол қилди, балки шунинг учундир, Барно ўшанда "ўйланасизми?" деган саволни бермади. Тўғри бўлиб чиқди. Мана, бир кун аввал келиб, ўзи хабар бериб кетди, бутун совчилар келишди, ҳаммаси расамади билан бўлди. Энди тўйга тайёрланиш, бисотни кавлаш керак. Қумри опанинг қизига атаб, унча-мунча олиб қўйган нарсалари ҳам бор, баъзиларини, масалан, ойна ўрнатилган трюмо, чойнак-пиёла, духоба парда, кўрпа-кўрпача, эчки момиғи урилган иккита ёстик, гилоф, бир ўрам гилам ва яна қандайдир нарсаларни онаси Барнога кўрсатган эди. Баъзи аёллар бунақа ишларни яшириб қилишади, тўй харажатидан боши қотган эрлари, ғамланган нарсаларни кўриб, осмонга ирғишади, хотинларининг бу қадар тежамкорлигидан ҳайратга тушишади. Ақаси маъноли киши экан, Барнонинг дадаси билан анча гаплашишди. Дадаси Қудрат акани кўриб, кўнгли тинчичи, бундай оила инсофли, адолатли, фарзанди ҳам шунга яраша бўлади. Ёдгор, афтидан, сал бошқачароқ, биринчи миясига келган режадан ўтмайди, мулоҳаза-шубҳа, таҳлил қилмайди, оқибати хунук чиқса, қўл силтаб кетаверади, бош қотирмайди. Бунақа одамлар тезда ошиқ бўлишади, тезда совишади, Барнонинг психология муаллими шунақа деган. Аммо ҳамма нарсани

қаричлаб ўлчаб чиқадиған, тахмин-тахлика билан ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам азобга солувчи одам билан яшаш ҳам енгил эмас. Шартта кесишда ҳам қанақадир фазилат бор. Ёдгор шунақа. Балки бу Барнонинг тақдиридир. Бошқаси балки афзалдир, бироқ Барно унақасини учратмади, учратгиси ҳам йўқ. Кўз очиб кўргани шу. Аравасига тушди, ашуласини ҳам айтиши шарт. Йўловчини ўзгартириш мумкин, аравадан тушиб қолиш мумкин, аравакашни ўзгартириб бўлмайди. Барно, мана, йигирмага кирай, деб қолди. Авваллари бунақа нарсаларни мушоҳада қилмас, ҳаёт тажрибаси ҳам, онги ҳам, баъзан билими ҳам етишмас эди. Психология муаллими кўзини очди. Баъзан бир қарашда оддийгина кўринган нарсаларни бир-бирига қиёс қилиб, узвий боғлаб, шунақа хулосалар чиқарадики, оғзинг очилади. Ҳамма нарсадан мантиқ ахтаради, ижтимоий асос кидиради, далил топади, тасодиф бежиз эмаслигини исботлаб олади. Кўп талабалар муаллимнинг назариясини алжираш ҳисоблаб, дарсларида зерикишади, аммо Барно биронта машғулотини ўтказмайди, ҳаммасига боради, ҳатто кутади. Қизик, хотини қанақа экан, домланинг мулоҳазаларини тушунармикин? Бунақа одамга хотин бўлиш қийин. Агар хотини ҳам ўзига муносиб бўлса, ҳаётлари нақадар маънолидир.

Ана, ярим соатдан буён Барнонинг дадаси билан аяси айвонда ўтиришипти. Шубҳасиз, аяси эшитганларини эрига, эри Қудрат ака билан бўлган суҳбат таассуротларини хотинига гапириб бераяпти, тўй тадбирини муҳокама қилишаяпти. Жанжал чиқиб кетмаса қошки. Аслида улар орасида жанжал кам чиқади, аммо жанжал-можаросиз ҳам бўлмайди. Саттор ака мулоҳазали киши бўлгани учун дабдурустдан чўрт кесмайди, Қумри опа биладики, эрининг айтган ҳар сўзи — ўйлаб айтилган фикр, тез рози бўлади, режани бирга бажаришади. Масала шубҳали кўринса, Қумри опа ётиғи билан эътироз билдиради, Саттор ака туюқмайди, вазминлик билан қулоқ солади, хотинининг гапи асосли кўринса, ён беради, режасини ўзгартиради. Умуман, оила хўжалигига дахли бор барча юмуш-тадбирларни Саттор ака маслаҳатсиз, муҳокамасиз ўтказмайди. Мана, ҳозир ҳам "кенгаш" бўлмоқда. Кеча Ёдгор келиб хабар бериб кетгач, дарров савол-жавоб бошланган эди. Барно қуда томон ҳақида нима билса, ҳаммасини онасига айтди, ҳатто Ёдгорга кўнгли борлигини ҳам қистириб ўтди, фақат битта "сирни" яширди. Уни онасига айтиш мумкин эмас, онаси қаттиқ изтироб чекиши аниқ эди. Бироқ бу "сирни" техникумдаги бирон сирдошига айтибми, ёки ўзи акушер билан келишиб ҳал қилиши керакми, Барно ҳали билмас, асосли жумбоқ иш эди. Никоҳ кечаси янгалар қолишса, "сир" очилади, онасининг юзи шувут бўлади, тўйнинг эртасигаёқ мунозара чиқади, куёвнинг онаси инжиқ аёл бўлса, жанжал кўтаришдан тоймайди; "айб"ни Ёдгор ўзига олганида ҳам, яширипсизлар, деган даъво-таъна кўтарилади, ораларига совуқлик тушади, Ёдгорнинг онаси ҳеч қачон рўйхуш

бермайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун Ёдгорга ҳам билинтирмай акушер билан келишиши лозим. Қуда-янгаларга шу "белги" керак эканми — марҳамат.

Барно индинга, йўқ индинга эмас, эртага тушдан кейин шаҳарга жўнайди. ЗАГСга бир ой бурун ариза ташлаб қўйиш керак экан, акс ҳолда никоҳ ҳужжати берилмас эмиш. Дарслар бор, қайсидир касалхонага бориб, амалий машғулотга қатнашиши керак. Тўй муддати аниқ, никоҳ либоси ҳақида тажрибали курсдош дугоналари билан маслаҳатлашиши, яна бир дунё майда-чуйда юмушларни бажариши лозим. Аяси билан батафсил режалаб, ҳамма вазифаларни рўйхат қилиб чиқади.

Таътил бошланмасидан уч ой аввал — июнь ойи эди шекилли — Барно республика кўз касалликлари шифохонасида амалий тажриба ўтар, машғулотлардан кейин ётоққа қайта туриб, автобус бекатидаги скамейкада ўтирар, бекатда кўзи кўр ҳассали кишидан бошқа ҳеч ким йўқ, кун иссиқ эди.

— Дўхтирмисиз? — деди кўзи кўр киши Барно томонга юзини ўгириб. Барнодан балки дори ҳиди келар, қиз шундан бўлса керак деб ўйлади.

— Талабаман, амаки. Клиникада машғулот ўтамыз, — деди Барно нотаниш кишининг уст-бошига разм солиб. — Сиз шу ерда даволанаяпсизми, дейман?

— Йўқ, — деди кўр шилпик кўзларини пирпиратиб. — Кўзимни очилишига ишонмайман, туғмаман. Гаранг, кар одамни олинг, қулоғи очилса, ўлиб қолади. Ўрганмаган-да. Кўрлар ҳам шунақа. Кўзи очилса ҳам қўшимча қийинчилик туғилади. Ёшлиқда бўлса, бошқа гап. Элик йилдан бери кўрмайман, ёруғ дунё қанақалигини ҳам билмайман, қулайсизлик сезмайман. Кўзи очиқ одам кўр бўлиб қолса — азоб. Бизнинг кўзимиз қулоғимизда, ҳассада. — Кўр ғалати жилмайиб, нариги томонга қулоғи билан "қаради" — ҳақиқатда, у ёқдан автобус келар эди. — Етмиш биринчи. Товуши ўхшаяпти.

Автобусларнинг рақамини товушидан билиши — "кўзимиз қулоғимизда" дейишининг исботи эди. Болалар ҳам кўчадан ўтган машиналар турини товушидан аниқлашади.

Кўр киши ўрнидан туриб, ҳассасини ярим қулоч нарига қадади — ҳайдовчи кўрса, албатта, автобусни тўхтатади. Автобус тўхтагач, фик этиб эшиклари очилди, кўр биринчи эшик олдида турганини англаб, автобусга чиқди.

Демак, кўр одамлар кўзлари очилишини ўзлари истамас эканлар-да, ўйлади Барно таажжубланиб. Авваллари кўз очилиши, ёруғ дунёни кўриш қобилияти тикланиши бахт, деб ўйлар эди, ғалати тафовут. Ҳеч қачон ҳеч нарсани кўрмаган одам тўсатдан кўра бошласа, бу ҳақиқатда мушкул азоб. Кўзи ожиз одам учун кўрмаслик табиий ҳол. Балки севги билмай умр кечирганлар ҳам шунақадир? Севмасликни афзал билган, севгини айб ҳисоблаган одамлар қанча! Барно ҳам ўқимаса, шаҳарга тушмаса, мазмунли

суҳбат — маърузалар эшитмаса, шунақа бўлар эди. Биронта мол дўхтиригами, ҳисобчигами узатилар, ҳаёт шу экан-да, деб кўникиб кетаверар, севишти, ошиқ бўлишти, жазмани билан қочиб кетибди, деган овозаларга нафрат билан қарайдиган бўлар эди.

* * *

Ниҳоят янги уйнинг калити қўлига тегиши билан Ёдгор зиналар оша иккинчи қаватдаги квартирасини кўришга югурди. Уй икки хонадан иборат, ҳали бўёқ ҳиди келар, паркет поли йилтирар, хоналарнинг бири зал, иккинчиси ётадиган хона, чап томондаги ванна-туалет ва ошхона эди. Ёдгор кранларни очиб, иссиқ-совуқ сув борлигини текширди, балкониغا чиқди, битта ҳам лампочкаси бўлмаса-да, чироқларини ёқиб кўрди. Коридор полида телефон аппарати жим турар, ҳали-замон жиринглаб юборгудек эди. Хоналар бўм-бўш бўлгани учун уй ҳувиллаб кўринар, бировнинг бисотига ўхшар эди. Ёдгор дарҳол акасига телефон қоқди.

— Алё, — деди Ёдгор ҳаяжонини удалашга уриниб. Аёл кишининг овози эшитилди. Муяссархон билан Ёдгор авваллари ҳам телефон орқали гаплашгани учун дарров унинг овозини таниди. — Кеннойи, ассалом-алайкум, мен Ёдгорман. Яхшимисизлар?.. Акам уйдаими?.. Майли, кечроқ телефон қиларман... Менми?.. Квартирадан гапиряпман. Ҳм... Икки хоналик. Иккинчи қаватдан... Лаббай?.. Хўп, — дея Ёдгор телефон дастасини қўйди. Келинойисининг маслаҳати ўринли, хонадонга бирон нарса киритиб қўйиш керак, одам яшаётгани билинади, бегоналар кириб олмайди. Ёдгор пастга ошиқди. Қаерда мебель магизини бор? Ҳа, Бешёғочдаги Анҳор бўйида, етти қаватли бинонинг пастки қаватида, Ёдгор бир неча бор кирган, ялтироқ жиҳозларни кўриб, ҳаваси келган. Яқини ўша. Олмазордан икки бекат нарида. Беш дақиқада етади. Ташқарига тушгач, Ёдгорнинг миясига янги фикр келди: омборчидан илтимос қилса, керакли нарсалар унда топилади, вақтинча олиб турса бўлади-ку. Кўрпа-матрас, чойшаб-филоф, стол-стул, каравот-ойна, ҳатто чойнак-пиёлалар ҳам бор. Битта машинага ортса, ярим бўлмайди, бир соат ичида уй бўлади. Арзигулик нарсаларни шошмай олиш лозим, Барно билан бирга танлашса — яна яхши. Маслаҳатли маросим бузилмайди, деган гап бор. Йигитлар корпусидаги талабаларга айтса, юклаш-тушириш, хонадонга олиб чиқишга ёрдам бериб юборишади. Шундай қилиш керак. Бинобарин, комендантлик ўрини бўшаяпти, бир ҳафта ичида ўзи комендант бўлади, ҳамма нарса ўзининг ихтиёрига ўтади. Омборчи йўқ демайди, қайтага бўлажак хўжайинининг илтимосини бажонидил бажаради. Шунинг учун телефонда айтса Йўлдошвой ака ўзи нарсаларни жўнатади. Ёдгор ижроқўмга бориб, квартирани қабул қилгани ҳақидаги ҳужжатга имзо чекиши, ордер олиши керак. Бу — биринчи масала. Ордерсиз жиҳоз киритиш ҳам мумкин эмас. Қайтиш керак.

Ёдгор ижроқўмга бориб, расмий ишларни бажаргунга қадар икки соатдан кўп вақт ўтди, уйига қайтганида, пастда қақир-қуқирлар ортилган юк машинаси турар, тўртга талаба йигит зинада ўтиришар эди. Ёдгор улар билан қуюқ кўришиб, квартира эшигини очиш учун иккинчи қаватга чиқиб кетди, талабалар машина бортини очиб, юк ташишга киришиб кетишди — барча иш бир соатда битди. Бисот ўрнатилгани учун уй яшайдиган тусга кирди, Ёдгор, йўқ дейишларига қарамай, беш сўмдан пул берди, раҳмат айтди, чой-пой кўйиб бера олмагани учун узр сўради, йигитлар кетгач, оёқ излари қолган полни нам латта билан артиб чиқди. Шинамгина жой бўлди.

— Бир нарса кўрсатмоқчиман, — деди Ёдгор, ётоқхонага боргач, Барнони учратиб.

— Нима? — деди Барно.

— Юр, ўзинг кўрасан. Сюрприз.

Ярим соатда етиб боришди.

Ёдгор эшикни очиб, Барнога йўл бўшатди.

— Вой! — дея самимий завқланди Барно ва остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Икки ярим йилдан бери тўрт ўринли хонада яшаб келаётган қиз учун бу уй кошонадек кўринди. — Қачон тегди?

— Бугун! — деди Ёдгор тантанали тарзда.

— Жихозлари-чи?

— Жихозлари ҳам. Институт омборидан. Вақтинча.

Барно мароқли табассум билан Ёдгорга қаради. Ёдгор бир кўзини қисиб, сумкасидан шампан шишасини чиқарди.

— Ювиш керак! — деди Ёдгор ва қизнинг розилигини кутмай, икки пиёлага қуйди, тик туриб қадаҳларни уриштиришди — Барно ярим пиёла винони базўр ичди, Ёдгор тўла пиёлани симирди, нам лаблари билан қизнинг юзидан ўпди. Барно юзини олиб қочмади. Бу кун алоҳида кун бўлгани учун карашма ўринсиз эди. Ёдгор қизнинг лабидан ўпди, Барнонинг лаблари итоатли бўса берди, Ёдгор қўлидаги бўш пиёлани четга қўйиб, қизни белидан кучоқлади, қизнинг силлиқ билаги йигитнинг елкасига ётди. Ёдгор Барнони даст кўтариб каравот қўйилган хонага олиб кирди ва шошила-шошила қўйлагини ечишга киришди.

— Эшик очиқ-ку, — деди Барно қаршилик кўрсатмай. Ёдгор коридорга отилди ва ташқи томонда қолган калитни суғуриб, ичкаридан эшикни қулфлади, йўл-йўлакай кийимини ечиб, яна хонага кирди. Сочлари аралаш кўкрагини қўллари билан тўсиб, каравотда яланғоч қиз ётар, бу алфозда Ёдгор қизни биринчи кўриши эди — ҳанг-манг бўлиб қолди. Барно ҳам, албатта, машғулот пайтларида эркаклар баданини кўрган, бироқ улар бемор — бегона эдилар, Ёдгор эса бир ойдан кейин расмий тарзда эр бўладиган, мускуллари пишиқ, келишган йигит, қизнинг кўзи тиниб, юраги хапrika бошлади. Тепасига келиб, ҳаяжонда эсанкираб турган йигитга тикилиб, Барно қулочини ёзди, бу кел деган ижозат даъвати эди. Сохта тортиниш айни бир

пайтда Барнога риё бўлиб кўринди. Ҳақиқатда, биринчи жуфтликдан кейин, қаршилик кўрсатишдек юзаки ҳаракат ҳозирда нима аҳамият эга, бинобарин биринчи галдагиси қанақадир анҳор лабида, кўркўв-вахима билан ўтган, Барно оғриқ аралаш қандайдир аччиқ ҳаяжондан бўлак нарса сезмаган, ҳозир эса қонуний куёв, бир ойдан сўнг эр бўлади, аслида биринчи талпинишнинг олдини олиш керак эди, энди фироқнинг нима кераги бор? Ҳамма жиҳатдан бутун шодиёна кун, ичсин охиригача лаззат қосасини, минсин тантана аргумоғига, қондирсин чанқоғини!

Ёдгор қизнинг сочлари сочилган анордек кўкраklarини эзгилаб, томоғидан ўпди, лабларини сўрди, қалтироқ қўллари билан танасини пайпаслади. Қиз йигитнинг мускулдор этини кучди, чангаллади, тирнади, эловлаб чайқала бошлади. Ҳозир бутун дунёнинг ҳайқириғи, сурони қизнинг чайир кучоғида, ҳар бир хужайрасида бўлиб, бу асов пўртана метин қояларга урилар, қирғоқларни ағдарар-бузар, дарахтларни қулатар, чақмоқ ловулатар, наъра тортар эди... "Довул" тингач, иккала ёш совуқ полда чалқанча ётишар, бири-биридан уялмас, Ёдгор ҳансираб, Барнонинг соч толалари терли этига ёпишган, жўр курашдан ҳарорати кўтарилган бадани қизғиш-моматалок, палаҳса, қуюқ киприклари юмуқ, ўпишдан тўлишган лаблари ҳийла очик, тилининг учи кўринар, иккалови дарёнинг шаршара-тўлқинидан қутулган қочоқдек, ҳолсиз ётишар, ҳатто нималар бўлиб ўтганини англашга ҳам ожиздек эдилар. Барно аранг ёнига ўтирилиб, йигитнинг тери қота бошлаган кўкрагига кафтини қўйди. Бу ачинишми, шафқатми, миннатдорчиликми, Ёдгор англай олмади — ҳаммаси бўлса керак. Шу онда қиз тўсагдан ҳушёр тортгандек сапчиб ўрнидан турди, апил-тапил кийимини йиғиштириб, сарпойчан ваннахонага шарпадек кириб кетди. Ёдгор ўзини зўрлаб, кўзини очди, полда ётганини кўриб, таажжубланди: жазавада каравотдан бу ёққа тушишган бўлса керак. Сочи ҳўл Барно тўла кийиниб ваннадан чиққач, Ёдгор олдини пана қилиб, ваннага йўл олди.

4

Кеча тушдан кейин Ёдгор билан Зарифа хола янги уйни кўргани шаҳарга жўнашди. Ҳовлида Умар аканинг бир ўзи қолди. Худди шуни кутиб тургандек, кечга томон ҳаво айний бошлади, кечаси қаттиқ шамол кўтарилди, ёмғир ёғиб ўтди. Эрталабгача ёнғоқнинг шохи томнинг шиферига ишқаланиб, от поя егандек фарт-фарт товуш эшитилиб чиқди.

Ҳозир Умар ака хандалақдек бошини ичига тортиб, даҳлиз зинасида танҳо ўтирар, озғинликдан гувалага ўхшаб қолган тиззасини ориқ-ғижим бармоқлари билан силар, ҳовли саҳни ҳали нам, сариқ барглар лойқа аралаш ерга ёпишган, шамолда

қаердандир учиб келган елим лахтаги илон пўстидек эшилиб ётар, хилпирар, ёнғоқнинг думбул палласи ҳар ер-ҳар ерда кўкариб кўринар эди.

Сониға шиша боғланган, ҳожатта ҳам кам борадиган Умар ака, кучи етса, бир зумда ҳовлини шипириб чиқар эди, бироқ ҳозир дармонсиз, турса боши айланади, кўзи тинади, бир неча ойдан бери остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Қаердан бу дард ёпишди, нега мунча азоб чекиши керак? — ўзи ҳам билмас эди. Буйраги тўсилиб қолганмиш. Ранги заъфарон, эти суюгига ёпишган.

Хотини совчиликка бориб келиб:

— Бир ойдан кейин тўй бўлади, — деди. — Кўзингиз кўриб қолсин.

Катта ўғли Қудрат машинасида келиб, онаси билан Меҳри холани совчиликка олиб кетганини билар эди.

"Кўзингиз кўриб қолсин", демак, омонат эканман-да, ўйлади Умар ака, муҳлатимни ҳам белгилашипти, тўйдан кейин ўлиб кетавер, дегани. Аслида омонатлигини ўзи ҳам фаҳмлар, ҳатто ажалани кутар эди. Нотавон бўлганиндан кейин аҳвол шу-да. Кун бўйи хотини кириб туради, аммо малол келаётгани сезилади. Ёдгор сурункасига икки кун келса, деразадан салом беради. Кўргани кирган ёри биродарлари тезроқ кетиш пайтида бўлишади. Умар ака ўзини кераксиз сезади, тезроқ ўлмаётгани учун эзилади, мулазам бўлади. Қанақа шаддо, ҳовлиқма одам эди. Бир куни тўрт ёшли Ёдгор билан бозорга бориб, болани эсдан чиқариб келипти. Ваҳима бўлган. Аранг топиб келишган. Умар ака айтмай-нетмай, кимлар биландир бошқа вилоятларга кетиб қолар, икки-уч кун бедарак бўлиб кетар, ёнида бор пулни ишлатиб-совуриб келар, сўрашса, бобилаб берар эди.

Умар ака ётгиси келиб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо мажоли етмай, ўтирган жойидан жилмади. Тўй бўлармиш, келин тушармиш, ўйлади Умар ака, касалиги учун оладиган нафақасидан бўлак ҳемириси йўқ, қараша олмайди. Яхшиямки, фарзандлари ақли-хушли чиқишди — Қудрат доцент, топиш-тутиши тузук, қараб турмайди, ёрдами тегади. Ёдгорнинг ишлари ҳам чакки эмас, уй олипти, институтда комендант бўлармиш, ўзи ногирон, уйланиш баҳонаси билан ёрдам сўраса — беришади. Жасур ўзини эплайпти, оғирлиги тушмаяпти. Учалови шаҳарлик бўлиб кетди. Келин ҳам бир ҳафта-ўн кундан кейин кўчармиш. Фақат Зарифа ёлғиз, мен дунёдан ўтсам — хувиллаб қолади. Балки хувилламас, кўпчиликни ёқтирмайди, мендан кейин юмуши ҳам камаяди, китобларини мутолаа қилиб ўтираверади. Меҳри шақилдоқ чиқиб туради. Баъзан мазоримга бориб туришади. Умар аканинг ўзини ўлган тусда тасаввур қилиш одати пайдо бўлган: гўё у ўлган-ку, ҳеч нарса дея олмайди, нима бўлаётганини сезиб туради, аммо қимирлай олмайди. Жасадини ювишади, кафанга ўраб, тобутга солишади, номига йиғлаган бўлишади, шоша-пиша тобутни мачитга олиб боришади, жаноза ўқишади, гўр тайёр

турган бўлади — лаҳадга тиқишади, тупроқ тортишади, ҳаш-паш дегунча гўр пайдо бўлади, апил-тапил тиловат қилиб, қочиб қолишади, бир ўзим зулматда қоламан. Сонимдаги шишани ечиб ташлашармикин ёки шиша билан кўмишармикин? — ўйлади Умар ака, мудҳиш хаёллар ҳужумига берилиб ва сал ҳушёр тортиб, ўзини юпатди: шиша билан кўмадими, шишасизми? — менга нима ғам? Сасиб ётган чала мурдадан қутулишса, қайтага хурсанд бўлишади. Умар ака Зарифа опа билан уч фарзандли бўлди, болаларни чертмади, тили "хумпар"дан бўлак сўкишга ўтмади. Фақат улар бир оз, нима дейди, тошбағирроқ бўлиб чиқишди. Ўзаро улар аҳил, айниқса, Қудрат оқибатли, жонкуяр, ғамхўр, балки наридалиги учун ота-онасига унча меҳрибон эмас, ҳафталаб кўрмаса ҳам дили ўртанмайди. Келиб-кетиши зўраки, мажбурийга ўхшайди. Албатта, бошида уй-рўзғори бор, ўқийди-ўқитади, илмий иш қилади, кўп нарсага фурсати ҳам, имконияти ҳам етишмайди, шундай зарурат юзасидан келиб хабар олиб туради, қўли бўш келмайди — гўштми, гуручми, ёғми — қудрати етганича ташийди. Шунга ҳам раҳмат. Мана, тўй тараддуди бошланиб кетди — бир томонини албатта кўтаради. Ёдгор у куни бир даста пул ташлаб кетди, демак, унинг ҳам топиши асқота бошлади, тўйига ярайди.

Зарифа опа ўғли Қудрат билан унинг машинасида кечга яқин шаҳардан қайтиб келди. Зарифа опанинг қўлида келинга олинган сарпо ўралган саватдек бўхча, Қудратнинг қўлида ремонт қилинган эски телевизор билан ҳовлига киришди. Ҳовли супурилмаган, эгаси кўчиб кетган уйга ўхшар, Зарифа опанинг таъби айнади. Ичкарида ётган эридан бирров хабар олди-да, ҳовлига сув селиб, супуришга киришди. Қудрат дадаси ётган хонага телевизор ўрнатиш билан банд бўлди. Телевизордаги кўрсатув Умар аканинг кўнглини очди — хонадонда биринчи марта телевизор қўйилиши эди. Қудрат тўй ҳақида дадаси билан гап очмади, Умар ака иккинчи даражали нарсаларга тўхталиб, муҳимини эсдан чиқарар, бир неча марта гапини қайтарар, уни тийиб бўлмас, бирон нарса дейишга Қудратнинг тили бормас эди. Аммо бу гал айтган гапи аҳамиятли эди, шу фикр хаёлига келмаганидан Қудратнинг ўзи таажжубланди.

— Машшоқлар билан гаплашиб қўйдингми? — деди Умар ака. — Уларсиз тўй ўтмайди. Тўй куни қуданикига ҳам олиб чиқиш керак.

— Шунини қудалар билан келишиш эсдан чиқипти, — деди Қудрат. — Машшоқ юбориш бизда одат, уларда мунақамасдир?

— Бари бир куёвжўралар карнай-сурнай билан кириб бориши керак. Сурнайсиз тўй тўйми? — деди Умар ака андак жонланиб.

Ашулачи-машшоқлар, карнайчи-сурнайчи — вой-бў! — ташвиш билан ўйлади Қудрат боши қотиб. Шунда институтидаги ҳаваскор тўгараги иштирокчилари ёдига тушди. Яхши ансамбль.

Тўйларга ҳам бориб туришади, ўзи қайси бир тўйда кўрган. Ашулчилари хушовоз, малакали артистлардан қолишмайди, машшоқлари ҳам тузук. Шулар билан гаплашиш керак, ҳали тўйга бир ой бор, тўгарак раҳбари таниқли санъаткор, Қудратнинг илтимосини ерда қолдиришмаса керак. Албатта, баҳоли қудрат берадиганини беради, ҳам “қистиришсиз” бўлмайди, ундан ҳам мўмайгина тушади. Ҳаваскорлар Таваккал Қодиров эмас, пастроқ юришади, буюртма ҳам кам тушади, улар кўпроқ қишлоқларни “овлашади”. Дўрмон ҳам, Сижжак ҳам қишлоқ, бир кунлик тўй, ўтади-кетади. Эртадан қолдирмай гаплашиш керак, улар банд бўлишса, бошқа институтларда ҳам тўгараклар бор, балки раҳбарнинг ўзи топиб берар. Тўйнинг ҳамма ташвиш-тараддуди ҳозир Қудратнинг зиммасига тушгандек бўлди. Дадаси мунақа ётипти, куёв таралла-бедод қилиб юрипти, Жасурнинг тўй билан иши йўқ, бегонадек, қорасини кўрсатмайди. Онаси — аёл нараса, кўча-кўйда битадиган ишларга аралаша олмайди. Яхшиям тўй муддати сурилди, акс ҳолда барча юмушга Қудратнинг ўзи, тилини бир қарич осилтириб, балогардон бўлар эди. Машинаси борлиги қўл келади. Ташвишсиз тўй ўтармиди? Ўзи уйланганида деярли ҳамма ишларни қайнотаси уддалаган, тўй ўзидан-ўзи ўтиб кетгандек туюлган. Дарвоқе, тўйдан қайнотасини огоҳ қилиш керак, кеч айтибсизлар, деб тумтаймасин. Маслаҳат беради, юкнинг бир томонини кўтаради.

* * *

Тўй муносабати билан наридан-бери ясатилган хона ним қоронғи, кундузи ҳам чироқ ўчирилмас, келинсаломга чиққанини айтмаса, Барно ҳовлига чиқишга, одамларга, айниқса, қайнонасига юз келишдан ҳайиқар, юраги хаприқар, бироқ якка ўтиравериш ҳам малол келар, баъзида Қудрат аканинг хотини Муяссар опа кириб, бир оз ўтирар, чой ичишар, юмушни баҳона қилиб, яна чиқиб кетар, ташқаридан тозалаш-йиғиштириш тақир-туқири, аёлларнинг кулгиси, совчиликка чиққан аёлнинг бижиллаши эшитилар эди. Хайрият, куёвнинг онаси бошқача экан. Зарифа опа келиннинг бошига бир жўра саккизтепки атлас билан онасидан ёдгорлик қолган, ўзи турмушга чиққанида таққан билак-узукни Барнонинг хиноли кафтига қўйди. Бошига ташланган ҳарир рўмол орқали Барно қайнонасини яхши кўра олмади, аммо совчиликка чиқишганда айнан шу аёл қизга ёққан эди, Барно хайрият қилди, таманно сузилган кўзларини кўтариб, қайнонасига жилмайиб қўйди. Зарифа опа келиннинг бошини икки кафтига олиб, ҳарир орқали пешанасидан ўпди, негадир кўзи ёшланди. Кимдир гилам, кимдир шойи рўмол, кимдир рангли соябон қўйди, кимдир икки ип дур, кимдир пул суқди, бироқ янганнинг “Куёвнинг акасига сало-ом!” деб хитоб қилганида Қудрат акадан бошқасини танимасди, кейин хонага биринчи бўлиб, Муяссархон кирганида куёвнинг кеннойиси эканини билди. Саҳар чоғи

чиқиб кетган Ёдгорнинг шарпаси кун бўйи кўринмади, овози ҳам эшитилмади. Кеча томон гала-говур камайгач, қайнотани кўриш баҳонасида Муяссархон Барнони тоза супурилган ҳовлига олиб чиқди. Умар ака ёйма каравотда ётар, келинни олиб қираётганини айтишгач, бир оз қаддини ростлаб, каравотдан сарғиш оёғича туширди, кимдир соч-соқолини силаб, тугмаларини тўғрилаб қўйди. Келин остонадан бир қадам берида тўхтаб, Муяссархон кўмагида каравотда мўлтираб ўтирган қайнотасига салом бажо келтирди. Умар ака базўр жилмаяр, бундай пайтда нима дейишни билмас, бош силкир, тиззасини силар эди.

— Раҳмат, — деди аранг Умар ака ва ҳар галгидек одати бўйича, томдан тараша тушгандек: — Тўйдан хурсандмисиз, қизим? — деди. — Яхши ўтди-я? Султонали кўрган бўлса, ичи куйгандир.

Султонали ким, нега ичи куйиши керак, на Барно, на Муяссархон билмас, умуман келинсаломга Султонанининг нима дахли бор? — Муяссархон таажжубланиб Зарифа опага қаради. Зарифа опа дарҳол келиб аралашмаса, Умар ака қайси кўчага кириб кетиши номаълум эди. Зарифа опа эрининг қўлини босиб:

— Омин қилинг, — деди, Умар ака омин қилишни дўндира олмаслигини билиб, "ўзинг" деган маънода хотинига қаради. — Пойқадамингиз хосиятли бўлсин, — дея Зарифа опа фотиҳа учун қўлини жуфтлади, ердан кўзини узмай Барно ҳам, Муяссархон ҳам қўл очишди. — Бахтли бўлинг. Худо яхши фарзандлар ато қилсин. Мўл-кўл бўлинг. Бало кўрманг. Ниятингизга етинг. Омин, Олоҳу акбар.

Ҳаммалари фотиҳа тортишди. Барнонинг тез чиқиб кетгиси келди.

— Мана, дадангиздан кўрмана, — дея Зарифа опа студдан тахи бузилмаган дастурхон олиб, келинга узатди, яна фотиҳа тортишди. — Дадангиз толиқиб қолмасин, юринглар, — дея ташқарига йўл олди. Барнонинг дилидан юк тушгандек бўлди. Ҳовлида Қудрат ака билан Гулшаннинг овози эшитилди. Муяссархон енгил тортди, кеча тўй базмидан кейин ота-онаси, бола қийналади деб Гулшанни олиб кетишган эди, бугун Гулшан дадаси Қудрат ака билан келипти.

Умар ака ёнбошлаб, ўтган тўйни яна ўйлай бошлади. Кеча Умар ака ёлғиз қолмаслиги учун иккита жўрасини чақаришган, улар алламаҳалгача Умар ака билан ўтиришган, зиёфат ёйишган, телевизорда концерт кўришган эди.

— Султонали кўриндими? — сўради Умар ака ётган жойда биродарларидан.

— Қариялар билан ўтириб кетди, — деди телпак кийган Машраб амаки.

Умар ака сув талашиб, уч йил аввал Султонали билан айтишиб қолган, иккаловининг дилидан кек аримас, Султон-

алининг молхонасига ўт кетганида Умар ака "ажаб бўпти", деб хурсанд бўлган эди. Мана бутун Умар аканинг ҳовлисида тўй-тантана, радио карнайлари ҳаммаёқни тутган, ашула-қийқирик, чапак, қадаҳ сўзлари, шодиёна — атрофда эшитмаган одам қолмади. Султонали ҳовлиси ўртасига шийпон солган экан, мақтангани мақтанган, оғзидан шу тушмайди. Тўйнинг шовқинидан қулоғи қоматга келган бўлса керак. Ўғли ҳам ўзига ўхшаган, мотоциклни тариллатиб у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, чанг кўтаради, оғзидаги папиросини чайнагани чайнаган.

Умар аканинг наздида бунақа тўй бу атрофда бўлмаган. Ўзи кўрмаган бўлса ҳам, ташқаридан келган ҳайқирик-сурон шунақа эдики, бунақа дабдаба фақат катта тўйдан чиқади. Тумонат одам келди. Қай пайтгача базм бўлганини Умар ака яхши билмайди, жўралари чиқиб кетишгач, толиқиб уйкуга кетган, аммо тўй яхши ўтганига шубҳаси йўқ. Ҳеч ким жанжал кўтармади, пичоқвозлик бўлмади, тўй шунчалик бўлади-да. Яқинда Султонали мотоцикл ҳайдайдиган безорисини уйлантирар эмиш. Мунақа бебош учун келин ҳайф. Бир ҳафта ўтмай дод-бедод кўтарилади. Султоналининг хотини ҳам ўзига яраша, келинининг сарпосидан сепидан ўғирлайди, қизига яширади. Жанжал чиқади. Тўйи тўполонсиз ўтмайди, мушт кетди бўлади, қон тўкилади. Мелиса аралашади. Қайси шўринг қурмағур буларга қиз берар экан? Албатта оқибати вой бўлади. Умар ака рақибининг тўйини қанча фожиали кўрса, дили шунча яйрар, ўша машғум кун тезроқ келишини истар, Султоналининг ҳали ўтмаган тўйини ўзиники билан таққослаштирар, ўзиники аъло даражада ўтганидан ҳузур топар, жўралари тўй тафсилотларини айтиб, мақташларини кутар эди. Афсус, келинни кўришмади-да. Умар аканинг ҳарир орқали бўлса-да, келинга кўзи тушди. Гулдек экан. Ота-онасига раҳмат, шундай зотни етиштиришипти. Киприк ҳам шунақа қуюқ бўладими? Эти-чи, сутга ботириб олгандек. Бармоқлари, айниқса, жимжилоғи, хамирдек майин, жажжи балиқчадек. Мунақа хур қизни Ёдгор қайдан учрата қолипти? Омад-ку. Худонинг марҳамати-ку! Биринчи совчиликдаёқ рози бўлишипти. Балки Ёдгор тузоғига илинтиргандир? Чўкиб қўйгандир? Юрагида ўти бор йигит бунақа қизнинг ёнидан безарво ўтиб кета олмайди, энди кўз-қулоқ бўлиш керак. Йўлдан оздирувчилар кўп бўлади. Ёш нарса бировнинг макрига омонат, тойиши, панд ейтиши мумкин, бир марта дон еса тамом, кўнгли қўмсайверади, ким билиб ўтирипти? Ёдгорга айтиш керак, пайдан бўлсин, келин дурдек нарса, ҳамма тақиб кўргиси келади. Шундай қиз Ёдгордек йигитга жилов беришгани, демак, Ёдгор ҳам чакана эмас экан-да. Гаштингни сур, йигит! Аммо зийрак бўл, бола, бўш қўлдан қум тўкилади, қуш учиб кетиши, бошқа шохга қўниши мумкин. Исми Барно экан, исми жисмига мос. Ҳамма нарса хулқига боғлиқ. Насиб қилса, ҳасил ейди. Ёдгор ҳам келишган йигит, кўнглида кири йўқ, бир қоп ёнғоқ. Бундан зиёдини чироқ билан ахтариш

керак. Тошкентдек азим шаҳарда қарор топди, кўкарди, уй-жойлик бўлди. Топиш-тутиши ҳам яхши, қизни севади, расм-русумини бажариб уйланди. Яна қанақаси бўлиш керак? Устига-устак, бир ҳафтадан кейин шаҳарга кўчиб, ўша ерда яшармиш. Ўзига хон, ўзига бек, рўзгорига ҳеч ким аралашмайди. Ётганда ётади, турганда туради, қайнатага илиқ сув қилай, қайнонага чой дамлай, деб сахар сапчимамайди. Пўскаласини айтсак, жуда қулай турмушга тушди, мунақасини келинлар орзу қилишади. Лекин тандирга олов ёқиб, сув сепиб, ҳовлини тўлдириб юриши — ўҳ-ҳў! — мунга нима етсин. Келин ҳам хонадоннинг файзи, ато қилгани етишади.

Қоронғи тушганда бир тўрва совға-салом билан Ёдгор кириб келди, жимиб қолган тўйхона яна жонланди. Келин ҳовлига тушиб, куёвга салом қилди, Ёдгор талмовсираб, келиннинг қўлига қутича суқди, шўхлик йўлига келин томон эгилиб, "Миннат-дорчиликни тунда бажарасан", деди, Барно бу гапни эшитиш-мадимикин, деган ҳадиқда атрофдагиларга кўз қирини ташлади. Ёдгор ювиниш учун сочиқни олиб, кран томон ўтиб кетди.

Барно қутичани дархол очиб кўришга ботина олмай, сўридаги хонтахта четига қўйди, куёв учун тоза пиёла келтирди. Қутича ҳамон хонтахта четига турар, атрофда ўтирганларнинг диққатини ўзига тортар, қизиқиш уйғотар эди. Зарифа опага келиннинг индамай хонасига олиб кириб кетмагани қутичани, ҳатто очиб кўрмай, ўртага қўйгани маъқул тушди. Писмиқ эмас экан, деб ўйлади Зарифа опа. Муяссархон бунақа нарсага суллоҳ бўлмасад, қутича ичида нима борлигини кўргиси келди, қайнисининг ҳиммати, диди қанақалигини билиш қизиқ эди. Худди шуни кутиб тургандек, Зарифа опа:

— Оч-чи, — деди ўғлига, — кўрайлик.

— Ўзи очсин, — деди Қудрат ака онасига дашном бергандек. — Совға унга-ку. — Барно иссиқ чой келтиргач: — Очинг-чи, келин. Совгани биз ҳам кўрайлик. Майлими? — деди истиҳолада Қудрат ака.

— Ўзлари очсинлар, — деди Барно Ёдгорни назарда тутиб.

— Сизга берди-ку, очаверингда, — деди Қудрат ака келинга далда бериб. — Совға сизники. Тортинманг.

Барно, худди чақиб оладигандек, қутичани икки бармоғи билан ушлаб, қопқоғини очди ва ўзи кўп разм солмай, яна дастурхон четига қўйди. Қути ичида бир тийинлик тангадек сариқ тасма ўтказилган тилла соат ярқираб турар эди.

— Муборак бўлсин, — деди Қудрат ака табассум билан келинга боқиб.

— Буюрсин, — деди Муяссархон ҳам илиқ табассум билан.

— Қуллуқ, — дея Барно кўзларини сузиб, бошини эгди.

— Омин! — Зарифа опа қўлини очиб, фотиҳа ўқиди, етиб улгурган Ёдгор ҳам фотиҳага қўшилди.

Қудрат ака совғага керагидан ортиқ эътибор беришини

истамаса-да, укасининг ҳиммати ва айниқса, яширмай, ҳамманинг олдида совғасини қаллиғига топширишини дилида қайд қилди. Келини ҳам енгига яширмай қутичани ўртага қўйиши кўнглини ёзди.

— Раҳмат, — деди Қудрат ака Ёдгорга қараб, аммо совғани олган келин бу ёқда қолиб, акаси ташаккур билдирганини укаси тушунмади.

Қудрат ака хотини билан қизчасини олиб кетгач, келин-куёв ичкарида ёзилган дастурхонга киришди, ярим соатдан сўнг чироқ ўчди, келиннинг ивирсишидан тоқатсизланган Ёдгор Барнони тўшакка тортиди, кийимини юлқиди, кўрпага киришга ҳам сабри чидамади, келинга ёпириди...

* * *

Таллинда ёш рассомлар кенгаши ўтказиладиган бўлиб, Ўзбекистондан учта ёш рассом танланди, булар орасида Жасурнинг ҳам номи бор эди. Тўй ҳаракатлари бошланиб кетгани учун Жасур Таллинга боришдан бош тортмоқчи бўлувди, Қудрат ака маслаҳатга борган укасига:

— Ўйлаб кўр, — деди. — Тўй ҳам, шубҳасиз муҳим воқеа, лекин Таллинда ўтадиган учрашув ҳар куни бўладиган воқеа эмас. Катта рассомлар қатнашади, бошқа ўлкалардан борган ёш рассомлар билан танишасан, уларнинг ишларини кўрасан, улар сеникини кўришади. Албатта малаканг ошади, дунё рассомчилигида рўй бераётган жараёнларни ўз кўзинг билан кўриб келасан. Маслаҳатим шу. Тағин ўзинг биласан, агар бир кунда ўтиб кетадиган тўй сен учун аҳамиятлироқ бўлса, майли — қолавер. Аммо кейин, албатта, афсус қиласан. Тўй сенсиз ҳам ўтади-кетади. Бору йўқлигингни ҳеч ким пайқамайди ҳам.

— Ёдгор хафа бўлмасмикин? — деди Жасур иккиланиб. Бундай тадбир Жасурнинг ҳаётида рўй бераётган биринчи имконият бўлиб, ундан воз кечишнинг ўзи калтабинликка ўхшар, бироқ тўрт кундан кейин ўтадиган акасининг тўйини ташлаб кетиш ҳам оқибатсизликдек туюлар, иккала томон ҳам чақар, ҳам жозибали кўринар, Жасур бир қарорга кела олмай қийналар эди. Жасур икки-учта оғайниларига тўй бўлишини, базмларда қатнашишини айтиб қўйган, ҳатто келин-куёв ЗАГСдан ўтиш муносабати билан Ёдгорнинг янги уйида ўтказилган тор зиёфатда қатнашишган, қатнашибгина эмас, ўтиришнинг ташкилий томонини ўзи удалаган, то ҳатто ЗАГСга боришга ҳам қўли тегмаган эди. Келинни ҳам шу зиёфат пайтида кўрди. Кўрди-ю, анграйиб қолди. "Мадонна!" деб, ичида хитоб қилди. Бундай рухсор тасвирга муносиб эди. Жасур, албатта, расмини чизиш шаштини дилига тутди. Айни шу пайтда Таллин сафари кўндаланг тушди. Тўй завқи, "Мадонна" хаёлотини шу қадар жозибали эдики, биринчи галда Жасур дилида иккиланмай сафардан воз кечишга шубҳа ҳам қилмаган эди. Тўй! Ҳаётда бир марта

бўладиган воқеа! Акасининг шодиёнаси! Таллинга бало борми? Агар асарлари арзигулик бўлса, шу ердан туриб ҳам ном таратса бўлади. Бироқ акасининг мулоҳазалари Жасурни саросимага солиб қўйди. Рост-да, бу тадбирда иштирок этмаса, расмларини кўрсатмаса, кейин бунақа анжуманларга таклиф қилишмайди, Жасур бировнинг эсига ҳам тушмайди.

— Хафа бўладими, бўлмайдами — бу иккинчи даражали масала, — қатгий деди Қудрат ака укасининг гумонини чиппака чиқариб. — Сен учун биринчи масала — Таллинга бориш. Бошқа андиша бўлиши ҳам мумкин эмас. Қаттиқ ботса ҳам айтай, укам, сен ҳали мушукчасан, ўз йўналишинг шакланмаган, эътиқодинг йўқ, эътиқодсиз ижод ҳар йўсинга чалғитади, оғавермайсан.

Акасининг "мушукчасан" дегани Жасурга унча ёқмади, аммо ҳозир талашишининг мавриди эмас эди, қолаверса, маълум даражада акаси ҳақиқатдан узоқмас, тан олиш керак — Жасур ўзини қанақа фараз қилмасин, ҳали ижод йўлининг машаққатли, ўнқир-чўнқирлардан иборат ибтидосида эди. Қанчадан-қанча чакалакзор, ҳатто тиканзорларни ёриб ўтиши керак. Ёриб ўтишнинг битта омили — ўзини аямаслиги, тинмай машқ қилиши зарур. Бошқа омил йўқ. Бўлмайди ҳам. Ҳеч ким рассом бўлиб туғилмайди. Меҳнат, матонат, бардош ва эътиқод билан юзага келади муваффақият. Муваффақият ғойибдан, тасодифдан келмайди. Тасодифдан келса, у бир мавсумлик. Сароб. Ёки, аксан, ички йиғилган қувватнинг портлаши. Ҳеч нарсанинг урдасидан чиқмаган рассомлар, шоирлар, ҳатто олимлар битта асари — достони, кашфиёти билан кўзга кўринган. Гоген ҳам, Сервантес ҳам, Эйнштейн ҳам. Аммо шундоқ меҳнатга, битгалаб тошини ташиб, тоғни кўчиришга Жасур қодирмикин? Иродаси, чидами етармикин? Букилиб қолмасмикин? Майли, чатаноғи йирилса ҳам зўриқишдан бўлади-ку. Биров юкка бас келади, биров тагида қолади. Акаси эътиқод ҳақида гапирди. Эътиқод нима ўзи? Бу тушунча Жасур учун хира, мавҳум эди. Дидми? Мафкурами? Эътиқод қандай шаклланади? Шаклланиши учун нима қилиш керак? Устозларининг бири: ҳақиқат, дейди, яна бириси: қотиб қолган усулларга қарши чиқиш, ўз дунёқарашини тасдиқлаш, ўзига хосликдан тоймаслик, дейди. Ўзига хослик нима? Қандай уни илғаб олиш, одам ўзида урчитилиши мумкин? Ўқитувчилардан бири "исён", деса, иккинчиси "интуиция", яъни сезиш, ҳис қилиш, дейди. Масалан, бир асар негадир ёқади, кишини лол қолдиради, мафтун этади, аммо айнан нимаси эканини сўз билан ифода қилиш қийин бўлади. Ёқади — тамом! Яна бир асар қанча баландпарвоз иборалар билан мақтанишмасин, ёқмайди — тамом. Бунга ҳам далил топиш қийин. Балки дид шудир?..

— Ҳарбий хизматга қақаришса, Афғонга жўнатишса, Ёдгордек майиб бўлиб келасан, асбобинг — қўлинг, — деди Қудрат ака. — Ёдгор-ку, майиб бўлса ҳам, омон келди. Қанча йигитларни тобутда қайтаришяпти. Истеъдодинг бўлса, балки қақаришмас. Ҳарбий

хизматнинг сенга нима кераги бор? Соғ қолсанг ҳам, икки-уч йиллик умринг бекорга ўтади. Кейинчалик бошқа сафарларга ҳам юборишар. Дунё кўрган яхши-да. Италия, Испания, Франция — рассом учун, бастакор учун Маккадек нарса. Мўлжални юқори қўйиш керак.

Ҳақиқатда, ўйлади Жасур, хушёр тортиб, ҳарбий хизматга чақаришса, Афғонга юборишса, қайтаманми, йўқми? Қўлсиз қайтсамчи? Кўздан айрилсамчи? Кўр одам рассом бўла олмайди. Ҳарбийга чап бериш керак. Барча сарф-харажатларини тўлаб, давлат шундоқ сафарга жўнатса, нега бормаслик керак? Тамом. Иккиланиш ҳам керак эмас. Бориш ниятини шу бугуноқ бориб айтиши керак, акс ҳолда Жасурнинг ўрнига бошқа рассомни тиркашади. Мен борай деганлар қанча! Сафарга тайёргарлик кўриш керак. Олиб бориладиган асарлар сони тўрттадан ошмаслиги шартмиш, бунинг ҳам атиги иккитаси кўрғазмага қўйилар эмиш, олдиндан жўнатилиши учун бугундан кечикмаслиги керак эмиш. Майли, тўртта бўлса тўртта-да. Қолганларини чемоданга солса, ўнтаси сиғади. Фақат рамкасида ажратиш керак.

Жасурнинг расмга қизиқиши, ҳамма болаларники каби, табиий бошланган. Агар муסיқа билан ҳам шундай шуғулланганида, созанда бўлиши ҳам мумкин эди. Чизмадан дарс берадиган муаллими Жасурнинг расмларида ниманидир сезиб, болага эътибор бера бошлаган. Бироқ Жасур унча қунт қилмас, машғулотларига наридан-бери қарар, рассом бўлиш нияти ҳам йўқ эди. Қудрат акаси Жасур чизган тўртта-бешта расмларини кўриб, ўзига керак ҳашарот-қўнғизлар расмини ишлаб беришни илтимос қилувди, Жасур шу қадар уддалаб берди-ки, акаси ҳайратда қолди.

— Акварелда ҳам расм ишлай оласанми? — деди Қудрат.

— Ранглими?

— Ҳа. Бўёқ билан.

— Йўқ-да.

— Қилган хизматинг эвазига рангли бўёқни мен олиб бераман. Ёки пул бераман, ўзинг оласан, — деди акаси ва эртасигаёқ шаҳардан мўйқалам, бўёқ ва катта альбом келтириб берди.

Иккита бўёқни қориштира, учинчи ранг чиқишини, керакли тусни бўёқлар аралаштириш йўли билан эришишни муаллими айтиб, ўзи билганича амалда кўрсатди. Икки ой ҳам ўтмай, Жасур муаллимга бир расмини олиб борди. Рангда ишланган бу расм алақандай афсонавий қушнинг тасвири бўлиб, чизиклари пухта, ранглари жилоли, бир марта кўзи тушган одам яна қарагиси келар ва энг муҳими қуш афсонавий бўлишига қарамай, оддий қушни ўзгинаси эди. Муаллимнинг ўзи ҳам бу даражада расм чизишга қодир эмас эди.

— Сен афсонавий эмас, оддий нарсалар тасвирини сол, — деди муаллим шогирдига. — Рангларни жуда мос ишлатибсан. Атро-

финг тўла манзара, мавзу ахтариб афсонага берилма. Чойнак, дарахт, тоғ, ариқ, кўприк — вуй-бў! — қаёққа қарасанг, ҳаммаёқ натура. Чизавер. Ҳозирча қимирламайдиган нарсаларни сол.

— Нега?

Масалан, ит ё мушук расмини ишламоқчи бўлсанг, нарса жилиб кетиши мумкин, чизиб улгурмайсан. Одамни чизишинг мумкин, илтимос қилсанг, ўтиради. Нарсаларни ҳаракатда чизиш учун маҳорат керак. Маҳорат кейин келади. Ҳозирча буюмлар тасвирини чиз. Оқ-қора бўлса ҳам ёмон эмас, қўлинг ўрганади. Ранг, албатта, яхши нарса, аммо бунга малака керак. Аммо барибир ишлайвер — манзарами, ҳайвонми, одамми — фарқи йўқ. Конкурсга жўнатамиз.

— Кимга?

— Конкурсга, — деди муаллими, илҳомлиниб. — Ҳаваскор рассомлар танловига. Ҳа нима, катта рассомлар ҳам сендақа зумрашалардан чиққан-да. Балки сен ҳам улуғ рассом бўларсан. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Мана ҳозирнинг ўзида мендан яхши чизаяпсан. Ўсганинг шу-да.

Неъмат ака ўн икки яшар шогирдининг машқларидан нафақат фахрланар, ҳатто мактабнинг қизил бурчагида болалар амалий ижодининг маҳсулидан кўргазма уюштирар, бунда ёш ҳаваскорлар ўз қўллари билан ясаган сават, қўғирчоқ, самолёт макети, ганч ўймаси каби эътиборга арзигулик нарсаларни тўплар, безар ва энг муҳим экспонат деб, шубҳасиз, Жасурнинг расмларини ҳисоблар эди. Вилоят ёш ҳаваскорлари кўригида Неъмат ака раҳбарлик қилган мактаб вакиллари биринчи ўринни эгаллагач, маориф бўлими Неъмат акага район ҳаваскорлар ҳаракатини бошқариш вазифасини топширди, шунда ҳам Неъмат ака кўз очиб кўрган мактабини унутмади, Артеқда бўладиган танловга иккиланмай Жасурни тавсия қилди, Жасур "Лайлак", деб номланган расми учун учинчи даражали диплом олишга мушарраф бўлди, йигирма кундан ортиқ Қора денгизда чўмилиб қайтди, расм чизишга яна завқи ошди, кўриқларда қатнашиш иштиёқи ортди, кўп ишлай бошлади, ўнинчи синфни битиргач Неъмат акаси кўмагида Тошкентга келиб, Бадиий рассомлик билим юртига кирди. Мана, уч йилдирки ёш рассом ижод сирларини ўрганар, баъзи кўриқларда ўз асарлари билан қатнашар, аксарият ҳолларда голиб ўринлардан бирини эгаллар, йил якун-ҳисоботларида Жасур Умаровнинг номи албатта тилга олинар, нўноқ шарҳчиларнинг тили билан айтганда, "мўйқалам соҳиби" дейишга муносиб бўлиб қолган эди. Бироқ ҳеч ким рассом сифатида Жасурнинг ўзига хослигини нимадан иборат эканини айтмас, умумий чучук мақтовдан нарига ўтишмас эди. Ўзига ҳослик, эса шубҳасиз, Жасурнинг асарларида бор эди. Ёш рассомлар кўпроқ гулларни, учрашиш онларининг ширин лавҳаларини ифода қилишса, Жасур негадир, чоллар, кампирлар, уларнинг ҳаёт мобайнида олган зарбалари, қувончлари акс этган қиёфалари,

хира, маънос нигоҳларига кўпроқ эътибор берар ва томошабин ўзи сезмаган ҳолда унинг расмларига разм солишга, тасвирнинг муҳитига чуқурроқ чўмишга интилар, асарнинг нимасидир — ўкинчми, изтиробми, гуссами — алақандай сири кишини ўзига боғлар, бир марта кўрган одам яна қайтгиси келар эди. Таллин анжумани учун ҳам Жасур ўз асарлари ичидан "Оқшом хаёли", "Фарзанддан хат", "Тасалли", "Уйқусиз тун" каби ишларини ажратиб, жўнатишга топширди, "Эгасиз ҳовли", "Эски тегирмон", "Бемор" каби тасвирларини рамкадан ажратиб, чемоданига жойлади, тўйга тўрт кун қолганда Таллинга жўнади. Ўзбекистондан борган учта ёш рассом Таллин аэропортига қўнишганда ҳаво булут, ҳаммаёқ нам, эндигина ёмғир тўхтаган, аммо қуёш кўринмас, барглари сарғая бошлаган оқ қайинлар жунжикиб турар, баргларини шамол чирпиратар эди. Рассомлар аланглаб аэропорт залига киришлари билан динамиклардан аёл кишининг эълони янгради: "Ўзбекистондан келган рассомларни ташқарида фалон рақамли РАФ автомашинаси кутиб турипти, ўша жойга ўтишларингизни сўраймиз". Эълон галати талаффуз билан рус тилида яна қайтарилади. Рассомлар иссиқ курткаларини кийиб майдонга чиқишди ва ўттиз метрча нарида машиналар турган томон йўл олишди. РАФ автобусчасининг эшиги очилиб, пошнаси бир қарич келадиган қизил туфли кийган қиз нам асфальтга тушди ва сунъий табассум билан меҳмонлар томон икки-уч қадам юрди. Айни шу топда тўсатдан ёмғир қуя кетди, кўришиш учун қўлини чўзган малла қиз сочини ҳўл қилишдан кўрқиб, яна орқасига қайтди, қўли билан меҳмонларни машина ичига чақирди. Меҳмонлар ҳам чопиб машина ичига шўнғишди.

— Таллинга марҳабо, — деди рус тилида кўк кўз қиз, учала йигитга қўл узатиб. — Менинг исмим Элза. Ҳайдовчимиз Юрас. — Ҳайдовчи орқасига ўтирилиб, меҳмонларга салом берди. Меҳмонлар номларини айтишди: Исмоил, Тоҳир, Жасур. — Агар багажлар бўлса, патталарни беринглар, юкни Юрас олиб келади. — Учала йигит патталарини беришди, ҳайдовчи шошмай аэропорт биноси томон кетди.

— Бу сизга, — дея Жасур қовунни Элзага узатди.

— О-о! — Элза хитоб билан аранг қовунни кўтариб, ёнига қўйди. — Раҳмат! Бизда қовун ўсмайди! Мевалар Молдавиядан келтирилади, — узум ҳам, тарвуз ҳам.

Тоҳир ҳусайни солинган целлофан халтачани сумкасидан олиб Элзага узатди.

— Бунақасини ҳам татиб кўринг.

Элза қизариб кетди.

— Вой-бў! Шунча нарсани қандай олиб кетаман? — деди Элза халтачани қаерга қўйишни билмай. — Майли, ярмиси Юрасники бўлади.

— Юрасга ҳам топилади, — деди Исмоил, унинг тўрвасида ҳам нимадир бор эди.

— Кўргазма “Ёшлар саройи”да бўлади. Учрашув-анжуманлар ҳам ўша ерда ўтади. “Виру” меҳмонхонасида турасизлар. Таллинни кўрасизлар, Палангага борасизлар. Ҳаво очиқ кунлари чўмилса ҳам бўлади. Маданий программа бўйича Тарту шахрига бориш ҳам режалаштирилган. Мана план, — дея Элза барча машғулот ва тадбирлар чоп этилган варақаларни биттадан йигитларга бериб чиқди. — Ҳамма нарса дақиқасигача ёзилган. Шимолимиз — Фин кўрфази, Фарбда — Болтиқ денгизи, Жанубимиз — Латвия, Шарқимиз — Россия. Шимолда, Фарбда портлар кўп, дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларидан кемалар лангар ташлашади. Бозор бор, хорижий моллар сотилади — магнитофон, жинси шимлар, кўзойнақлар, ручкалар, бўёқлар...

Шу пайт учта чемоданни кичик аравачага ортиб Юрас кўринди.

Бир неча дақиқадан кейин машина шаҳар кўчалари бўйлаб елар, шаҳар қиёфаси ғирт европача бўлиб, бинолар асосан икки-уч қаватли, меъморчилик жиҳатидан бир-бирига ўхшамас, деворлар кўринмас, ҳар бир бинонинг олди гулзор — майсазор, яшил майсазорлар орасида битта-иккита оқ қайин сариқ тангадек баргларини ҳилпиратиб турар, ҳаммаёқ осуда, тиниқ, ғуборсиз эди. Бироқ кундузи бўлишига қарамай ҳавонинг хўмрайишига магазин ва кафеларнинг ранг-баранг нурлари, неон чироқлари жозиба берар, машиналарнинг қизил-сарик чўғлари липиллар, оқшомни эслатар эди.

Таассуротлари бой бўлсада, Жасур Таллиндан маъюс руҳда қайтди. Таллинда ўтган расмий учрашувларда учала рассомнинг баъзи ишларини тилга олишди, лекин биронта соврин тегмади. Шунга қарамай ёш рассомлар ўқинишмади — бошқа ўлкалардан келган рассомларнинг асарлари ҳақиқатда юксакроқ эди. Бу ҳам сабоқ, демак, малака оширишга, маҳоратга, ҳар бир мавзуни бошқа усулларга эргашмай ифода қилишга тиришиш керак. Зарур. Шарт.

Жасур юртидан узоқ, мутлақо бўлак тусга эга ўлкада неча кун бўлишига, нотаниш юрт — денгизи, тўрт асрлик қаср-қалъалари, халқининг совуқ такаллуфи қанча ўзига маҳдиё қилмасин — борган сари диёри йигитни қайта ўзига тортар-чақирар, ироқда бўлгани учун жозибали кўринар, Жасур тезроқ қайтгиси келар, жўнаш пайтини интизорлик билан кутар эди ва таажжуб — йигитнинг кўз олдида ёш келинчак жамоли, маъюс эмас, йўқ — жўшқин, лов этувчи чўғдек қиёфаси ўқтин-ўқтин намоён бўлар, йигитни чўчитар, ҳам ўзига чорлар, Жасур тезроқ етиб бориб, унинг жоду кўзларига тикилиш истагини енга олмас эди.

Мана тўй ўтганига уч кун бўлди, тўйнинг таровати ҳали аримаган, ҳойнаҳой ҳамма тўй ўтган ҳовлида бўлишса керак, деб Жасур аэропортдан тўғри Дўрмонга жўнади. Кун иссиқ, дарахт барглари чанг босган, ўт-ўлан сарғайиб, хашакка айланган,

ариқлар исқирт, Оврүподан келган одамга ҳавонинг губорлилиги дарҳол сезилар, мусофирни сиқар эди. Бироқ ўз иқлим-муҳитига тушган Жасурга Эстония тушдек узоқ ва мавҳум кўринар эди.

Жасур энтикиб Дўрмондаги ҳовлисига кириб борганида онаси билан Меҳри хола гилоснинг қуюқ соясидаги чорпояда чой ичиб ўтиришар эди, Меҳри холанинг гапи чала қолди, Зарифа опа ўғлини кўриб, оёғини пастга туширди. Жасур нарсаларини нарида қолдириб, онаси ва Меҳри хола билан кўришди, атрофга аланглади, ҳовлида бўлак ҳеч ким йўқ эди.

— Даданг билан кўришиб чиқ, — деди Зарифа опа ўғлига ва чой янгилаш учун ошхона томон кетди.

Жасур дадаси билан сўрашиб чиққач, чорпоя четига ўтирди, Меҳри хола нон ушатди.

— Сафар қабул бўлсин, — деди Меҳри хола дастурхонни тузатиб.

— Қуллуқ, — дея Жасур яна атрофга назар ташлади. — Тўй яхши ўтдимиз?

— Яхши ўтганда қандоқ! — деди Меҳри хола, тўйни ўзи ўтказгандек, фахрланиб. — Тумонат одам, бутун Дўрмонга донғи кетди. Эсиз, ўзинг бўлмадинг. Бўронов келди, раққоса қиз билан. Хўпам базм янгради. Ўйинга тушмаган, пул қистирмаган одам қолмади.

— Ёдгор қани? — мамнун бўлиб сўради Жасур, келинни сўрашга тили бормади, аммо уни ҳам назарда тутиб: — Улар шаҳарда бўлишса керак-а? — деди.

— Аканг ишда, — деди Зарифа опа дастурхон четига чойнак кўйиб. — Кечроқ келади. Келин ҳали кўчага чиққани йўқ. Шўтга. Чақиринг, — деди Зарифа опа Меҳри холага қараб. — Саломга чиқсин. — Меҳри хола, нимадир дея-дея, уй томон йўрғалади.

Жасурнинг дили алғов-далғов бўлиб кетди.

— Ҳозир чиқади, — деди Меҳри хола келиннинг хонасидан чиққач. — Юмуш қилаётган экан. Кийиниб нетсин.

Жасур сумкасини келтириб, дастурхондек келадиган тўр рўмолни онасининг тиззасига, пахмоқ сочиқни Меҳри хола олдига ташлади. Инъомни кутмаган Меҳри хола дарҳол қўлини фотиҳага очиб, узундан-узоқ дуо ўқиди.

Жасур дадасига келтирган қоғозга ўроғлиқ совғани кўрпача тагига қистириб қўйди.

— Келинга атаб бирон нарса олиб келдингми, айланай? — деди Меҳри хола одати бўйича маҳмадоналик қилиб. — Ҳозир саломга чиқади. Кўрманан бериш керак. Лозими шунақа-да, болам.

— Бир нарса бор, арзирмикин? — дея Жасур сумкасидан ихчам қути чиқариб, онасига кўрсатди.

— Оч-чи, — деди Зарифа опа.

Жасур қутини очди. Қути ичида кахрабо шодаси бўлиб, бу арзигулик совғами, йўқми, онаси ҳам, Меҳри хола ҳам айтишга ботина олишмас эди. — Бу нима экан, ўғлим?

— Денгиз кўз ёши, дейишар экан, — деди Жасур иккала аёл совғадан у қадар қувнамаганидан дили озор чекиб. — Бунақа нарса бизда бўлмайди. Ноёб нарса.

— Майли, болам, — деди Зарифа опа ўғлини ўнғайсизлиқдан кутқариш учун, — шунга қурбинг етиптими, шукур. Келинга ёқса бўлгани.

Ниҳоят келин туширилган хона эшиги фик этди.

Чикди, — деди Меҳри хола, ўша томон қараб. — Тур, болам. Юраги така-пука бўлиб, Жасур ўрнидан турди ва ўтирилди.

Уч пиллапояли зинада бошига ташланган ҳарир учини икки бармоғи билан чимдиб Барно турар, атлас кўйлаги этаги остидан жияк ҳошияли пушти лозими кўриниб турар, оёғида амиркон кавуши бор эди.

Жасур товусни кўргандек қотиб турар, ранги қув ўчган, саросимадан нима қилишни билмас эди.

Барно рўмолини икки учидан тутган ҳолда оҳиста одим босиб, пастга тушди ва қуюқ киприклари панасидаги шаҳдо кўзларини ердан узмай, унсиз бош эгди.

— Раҳмат, кеннойи, бахтли бўлинг, — аранг тили калимага келиб деди Жасур.

— Кўрманани бер, — яна шивирлади Меҳри хола.

Жасур кўрпачада ётган қутини пайпаслаб олди-да, ҳурковуч кийикка яқинлашгандек, иккинчи марта эгилаётган келин томон юрди ва чўчитиб юборишдан қўрқиб, қутини келинга узатди.

— Сизга атаб келтирдим, — деди Жасур дудуқланиб. — Кўпдек кўрасиз.

Келин ҳарирни кўйиб юбормай совғани қабул қилди ва яна бир марта салом бажо келтириб, юзини очди. Тухумдек тоза ва силиқ иккала юзи орасида кескин чизилган қизил лаблари журъатсиз табассум ўрмалар, қирра бурни остидаги тук орасида тер зарралари йилтирар, киприк ҳошиясидаги тим қора нам кўзларида нур жимирлар эди. Келинни ҳам, ўзини ҳам саросимага солмаслик учун Жасур ўзини мажбурлаб орқасига чекинди.

— Раҳмат, раҳмат, зиёда бўлинг, Мадонна. — Жасур яна нима дейиш кераклигини билмай аёллар томонига қаради.

Зарифа опа кўли билан ишора қилгач, Барно бир-икки қадам ортига тисарилиб, хонасига кириб кетди, вазият энгиллашди.

Шаҳар ҳаётига ўрганиб қолган Жасур иккита аёл ўртасида зерика бошлади. Совғасини топшириб, отаси билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди, отаси тетик тортиб, тўй ва кўчанинг охирида яшайдиган Султонали ака ҳақида гапирди. Султонали ака тўғрисидаги дадасининг ғаразли-гердайган сўзлари Жасурга ёқмади. Унинг ўғли Зокир билан Жасур биринчи синфдан ўқиган, яхши ошнаси, Султонали ака ҳам вазмин, мулоҳазали киши бўлиб, Жасур унинг оғзидан ёмон сўз эшитмаган, Жасурнинг отаси ҳақида умуман гийбат қилмаган эди. Жасурнинг дадаси айтган гапларни эшитибми, Зокир ҳам бу хонадонга кам

кирадиган, охир-оқибат қадам босмайдиган бўлиб кетди. Бир пайтлар у ҳам унча-мунча расм чизишга қизиқар, Жасурнинг машқларига ҳавас билан боқар, бирга копток тепишар, эшак қўшилган аравада ўт ўргани узоқ-узоқларга кетиб қолишар, Зокир машина филдираги ўрнатилган аравада тик турган ҳолда эшакни савалар, бурилишда иккалови аравадан кулаб, апил-тапил ўринларидан туришар, эгасиз узоқлашаётган арава ортидан қувишар, ета олмай, тут остида дам олишар, эшак ўзидан-ўзи тўхтагач чопишар, аравада чўзилишиб, эшакни ўз ҳолига қўйиб беришар, эшак илдам йўрғалаб, тоғ этагига борганда ўзи тўхтар, паккага етганларини билиб, иккала бола майсага сакрашар, ўт ўришга киришар эдилар. Кейин шалола бўйида сувга нон ботириб ейишар, чўмилишар, ўроқ учи билан балиқ овлашар, баъзан битта-иккита ўлжа билан қоронғи тушганда қишлоққа қайтишар эди. Араванинг филдираклари резинка бўлгани учун ўт ортилган арава силкинар, дўқири эшитилмас, эшак туёғининг бир маромдаги тақ-туқида илиқ ўтда чалқанча ётган Жасур чайқалар, юлдузларга термилар, кўзини юмса арава орқага кетаётгандек туюлар эди.

Бир замонлар оддий, жўн, кундалик кўринган шўхликлари, ўт ўришга эшак аравада чиқишлари, умбалоқ ошишлари, юлдузлар тўла осмонга тикилишлари, ҳатто ҳориб-чарчаб, толиқиб чорпоёда ухлаб қолишлари ҳозир Жасурга беғам-беғубор, осуда ва сокин туюлар, энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган ўтмиш кўриниб, ўкинч қўзғар, дилини нурга чулғар ва қўмсаш уйғотар, ҳаёти татсиз, эзгуликдан маҳрум бўлиб қолгандек кўринар эди. Тавба, ўйларди Жасур, ҳамманинг ҳам ёшлиги, айнан шундай кечмаса-да, ўз завқига эга. Одам бир умр тарала-бедодлик билан ўтмайди-ку. Янги уфқлар очилади, киши дунё кўра бошлайди, маълум йўналиш очилади, масъулият пайдо бўлади, ажралмас кўринган дўстлар ҳам — бировлар тақдир тақозоси билан, бировлар касб зарурати билан, бировлар амал тафовути билан, яна бировлар ҳасад ва адоват оқибатида — алоқа ипларини авайлаб қолиша олмайди, айрилишади, баъзида ашаддий душманга айланишади. Ҳаёт — шу. Яхшиямки Зокир рассомлик йўлидан кетмади, иккала йигитнинг ошналик муносабатига раҳна тушмади, учрашганда самимий кўришишади, бир-бирининг муваффақиятидан қувнашади, кулфатидан азият чекишади. Акс ҳолда ҳамма нарса тескари бўлар эди — бирининг омади иккинчисига озор берарди, бахтсизлиги чексиз роҳат бағишларди. Рақобат — юксалиш омили, дейишади. Бунда ҳам бир мантиқ, маъно бордир. Мана, Эстонияда Жасурнинг асарлари қатори ишларга соврин беришди. Шу адолатданми? Жасурнинг дилида нафратта ўхшаган туйғу уйғонди. Балки Жасур танлов қатнашчиси бўлмай четдан кузатганида, соврин Жасурга топширилганида, ҳайъат қарори унга адолатли бўлиб туюлармиди? Албатта. Меникидан қолишмайдиган асарларга соврин берилмади, деган фикр

Жасурнинг хаёлига ҳам келмас эди. Ҳатто Ўзбекистондан борган рассомларнинг бирига соврин берилган ҳолда ҳам, қарор Жасурни қувонтирмас, гашини келтирган бўлар эди. Шахсий манфаат ҳаминша худбинлик тусини аралаштиради, одил ёндашишга ҳалал беради. Ижодкор ўз асарига кўпроқ бино қўяди, арзигулик деб билади, бошқаларга менсимай қарайди, уларга соврин ё мукофот берилса, энг камида тасодиф, деб ҳисоблайди. Бадиатда қиёс чегаралари суйқаш, баҳо берувчининг дидига, малакасига, маданиятига, ҳатто шахсий муносабатига боғлиқ. Спортда, масалан, ҳакам қандай адоватда бўлмасин, югурувчи биринчи бўлиб маррага келса — ҳисоб, ғолиб деб тан олишга мажбур, иккинчини биринчи, дея олмайди — қанчадан-қанча электрон асбоблар бор, қани энди, ўйлашда давом этиб, фараз қилди Жасур, шунақа асбоблар бадийий ижод маҳсулига ҳам баҳо бера билса. Бўлиши мумкинми шунақа асбоб? Бўлганида ҳам — қанақа мукамал бўлмасин — унақа нарса туйғулар жунбушидан яралган асарни қандай таҳлил қила олади? Уддасидан фақат одам чиқиши мумкин. Одам эга, нақадар холисликка даъво қилмасин, у доим худбин. Ўз манфаатидан келиб чиқиб мулоҳаза билдиради, таъби кўтарганини мақтайди, таъби кўтармаганини қоралайди.

Жасур отасининг олдида қанча ўтирганини ҳам, ўзининг нохуш хаёлларига берилиб, унинг айтган сўзларини ҳам уқмади. Дадаси алжилаб ҳар кўчага кириб чиқар, дабдурустдан яна Султонали ака ҳақида сўйлашга тушар, ўзи билан ўзи гаплашар, хаёлий жангда рақибини енгар, "ғалаба"дан мароқланиб хохолар, нафаси тикилиб йўталар, толиқар, бир неча дақиқага жимиб қолар, кўзи илинар, соат бонгидек қўққисдан яна валдирашга тушар, яна Султонали ака билан даҳанаки жангга киришар, яна ўзини толиқтирар эди. Отасига Жасурнинг ҳам гаши, ҳам раҳми келди. Ҳали етмишга кирмаган Умар ака хасталиги туфайли ётиб қолган, дарди бир кучаяр, бир сустлашар, ўзи билан ўзи гаплашиш одати зинҳор камаймас, жазавага айланар, уйдагиларни безиллатиб қўйган, малолли туша бошлаган эди. Умар ака айниганини ўзи тан олмас, онги ёруғлашган кезларда чуқур изтиробга чўмар, ҳатто ўзини нобуд қилиш хаёлига ҳам борар, аммо ниятини бажариш учун мадори етишмас, бори-йўқ қуввати озгига тўпланар эди. Умар акани кўргани кирган ошналари, биринчи гал бўлмаса-да, тезда зерика бошлашар, бир-бирларига маънодор назар ташлаб, суҳбатга хотима бериш пайига тушишар эди. Чунки бу суҳбат суҳбат бўлмай, Умар ака ҳеч кимнинг гапини эшитмас, ўзи тинмай алжирар, толиқиб кўзи илинганда ҳол сўрагани кирганлар қочиб қолишар эди.

Жасур чеккиси келиб ташқарига чиқди. Тандирда олов ёнар, онаси хамир ёяр, кийимини ўзгартирган Барно кран остида пиёла ювар, Меҳри хола қиймага пиёз аралаштирар, лаблари тинмай нималардир дер, Зарифа опа гапга эътибор бермас эди. Жасур ташқарига чиқиб, диққинафасдан холи бўлгандек ўзини

ҳис қилди, бироқ келинли уйда ўзини қай йўсинда тутишни билмас, ножўя сўз айтиб, ноқулай вазият туғдиришдан чўчир ва шунинг учундир, ўзини қаерга кўйишни билмас, ортиқчадек сезар эди.

— Мантими? — деди Жасур, сигарет тутатар экан, чорпоя четига ўтириб.

— Сомса, — деди дарҳол Меҳри хола, ўзининг фаҳми етмаганига таажжубланмай. Ростдан ҳам, ўйлади Жасур, тандирда ўт ёқилса, ё нон ё сомса ёпилади, манти тандирда пиширилмайди-ку.

— Иккита ўтин ташлаб қўй, — дея онаси тандирни кўрсатди, — ўчиб қолмасин, туккунимизгача қизиб туради.

Жасур билақдек иккита гўлани тандирга ташлаб келди, онаси рўпарасида ўтириб манти, чучвара туккан пайтлари эсига тушди. Оилада кенжаси бўлгани учун Жасур ҳамма юмушларни, ҳатто қизлар қиладиган ишларни бажарар эди. Ҳовли супуриш ҳам, хамир қориш ҳам, ҳатто онаси йўқлигида сигир соғиш ҳам қўлидан келар, онаси қиз бўлиб туғилсанг, девдим деса кулар, тумтаймас, қиз бўлсанг, тушган жойингни ёлчитар эдинг, деса Жасур ёш бўлгани учун онасининг гапини рағбат деб билар, дили яйрар эди. Бу гапда қанақадир ўғил бола учун номуносиб тус борлигини кейинчалик фарқига бора бошлади — ҳовлига сув сепиш, молга ем бериш, тандирга ўт қалаш каби юмушларни бажарар, аммо супуриш, мол соғиш, хамир қориш кабиларни қилмай қўйган эди. Бир куни онаси қатиқ ивйтиш учун томизғи солишни буюрганида боланинг жаҳли чиқди:

— Дўппи тик ҳам дерсиз, ўсма эзиб бер ҳам дерсиз, ўғил боламан-ку, — деди Жасур ранжиб.

— Дўппи тиксанг нима бўпти? — деди онаси. — Энг яхши дўппиларни эркаклар тиккан. Энг яхши ошпаз эркакдан чиққан. Бунинг айби йўқ. Аёллар энди дала чопаяпти. Эркаклар ўтиришипти дўконларда жияк сотиб.

— Сотувга нима чиқса сотади-да, молнинг қиз-эркаги бўладими?

— Ишнинг ҳам қиз-эркаги бўлмайди, — деди онаси ўғлининг далилини ўзига қайириб. — Оғири ё энгили бўлади. Оғирни эркак бажарса, ўхшайди. Ҳозир тескари бўлиб қолган — энгили эркакка, оғири аёлга. Мошинада эркак юради, аёл чақалоғи билан — пиёда. Иснод қилишмайди.

Мана, Жасур Таллинг бориб келди, суҳбатларда қатнашди, ҳаммасида битта талаб — ўзига хослик, бошқаларга ўхшамасин, тақлид ижод учун фалокат. Ёмон хослик яхши тақлиддан афзал. Асл нухасини билмаган одам, дейди Жасурнинг бир муаллими, тақлидни ҳам маҳорат деб билади, тақлид усулини намуна даражасига кўтаради. Мунақа одам санъат мутасаддиси бўлиб қолса, попоцда тикилган безакни қўлда тикилганидан фарқ қила олмаса — тамом. Ижрочи ҳеч қачон ашулани бир хил айтмайди,

фақат тақлидчи, радиодагидек, бир хил айтади. Аммо яхши намуна жозибасидан қочиш ҳам мушкул, ҳайратга тушган ижодкор муридга айланади, тузоқдан чиқиб кета олмайди. Лекин бор кучи билан қутулишга интилган одам ҳам тузоқ ипини илаштирмаслик ниятида асл нусхани инкор қилишга, тан олмаслик пайига тушади. Ўзи арзигулик нарса ярата олмайди, аммо ҳамма нарсани кўр-кўрона рад қилиш кўйига тушади, обрў олдиди бош эгмаслик ниқоби билан гердаяди, имтиёзга даъво қила бошлайди.

Қани ўша мустақил, кўз илғамас услуб, йўл? Айтиш осон, топиш қийин.

Барно ювилган пиёлаларнинг бирига чой қуйиб, кўзини кўтармай Жасурга узатди. Келиннинг бежирим бармоқлари ҳаяжондан билинар-билинмас титрар, пиёладаги чой чайқалар эди. Жасур, ўрнидан қўзғалиб, иккала қўли билан келиннинг бармоқларига тегиб кетмаслик учун эҳтиёт тарзда пиёлани олди, раҳмат айтиб, чойдан ҳўплади, пиёлани қўйди. Барно Зарифа опа билан Меҳри холага ҳам чой тутди.

— Чойни аввал ойингизга узатинг, айланай, — деди Меҳри хола, одоб қондасини эслатиб.

— Хўп бўлади, — деди дарҳол келин қизариб. Меҳри хола-нинг лўқмаси тўғри бўлса-да, ўртага ноқулайлик туширгани Жасурга ёқмади, келин тарафини олиш учун бирон нарса дегиси келди, аммо вазиятни кескинлаштиришдан чўчиб, сўз қотмади.

Меҳри хола ўз қилмишини сезгирликка йўйиб, ийманмади ҳам, қайтага ҳаммага манзур тушди, деб ўйлаб, насиҳат тусидаги танбеҳини ўтказишдан тийинмади. У Жасурга разм солиб:

— Мунча сочинг узун, ўрса бўлади? — дея далда кутгандек Зарифа опага қаради. Зарифа опа ҳам ўғлига бир марта шу ҳақда оғиз очган эди, энди эшитмагандек хамир зувалашда давом этди. Жасур ялт этиб Барнога қараб олди — у ҳам ўзини эшитмаганга олди. Аммо барибир Жасур тутоқиб кетди: сочим билан нима иши бор? Бу хотин мунча талғаяди? Уйи тўла неваракелин, нега суриштиришмайди? Қачон қарама, шу ердан қадами узилмайди, тили тинмайди, оғзига келганини қайтармайди. Тегажўглик қилаверишидан уйдагилари ҳам безиллашган, гумдон бўлса, шукур қилишади.

— Аям ҳам сизларникига чиқиб, шунақа писанда қиладими? — деди Жасур жим қола олмай.

— Аянг шовқинни ёқтирмайди, шунинг учун кам чиқади, — деди Меҳри хола ўртоғини ҳимоя қилгандек бўлиб.

— Сиз ҳам ёқтирмайсизми? — деди Жасур Меҳри холага босиқ нафратда.

— Мен ҳам, — деди Меҳри хола Жасурнинг пичингини тушунмай.

— Ҳм, тушунарли, — деди Жасур заҳарҳанда билан.

— Жасур! — деди онаси Жасурга, жанжал исини сезиб, аммо Меҳри хола таҳлика нимадан иборат эканини ҳам тушунмади.

Жасур яна келинга қараб олди. Барно билинар-билимас жилмайиб кўйди — Меҳри хола совчиликка чиққан кезидан бошлаб ёқинқирамас, келин бўлиб тушгач ҳам у аёлниг ҳамма нарсага аралашидан ижирғанар эди. Мана уч кун ўтипти, қайнонаси остона ҳатлаб келиннинг хонасига орийт юзасидан қадам босмади, Меҳри хола эса бир кунда уч-тўрт марта ҳар нарсани баҳона қилиб, кириб чиқади, буни бундоқ қилинг деб, нукул насиҳат берган бўлади, ҳатто Ёдгор хонада пайтида ҳам тап тортмай кираверади. Одам ҳам шунақа суллоҳ бўладими? Зарифа опага Худо тўзим берсин, қандоқ чидайди бечора? Кун уззукун чакаги тинмайди бу хотиннинг. Уч кундан буён уйига ҳам чиққани йўқ, шу ерда ётиб қолди.

Жасур хуноб бўлиб шу заҳотиёқ шаҳарга тушиб кетгиси келди, ҳатто ўрнидан туриб, хайрлашмоқчи ҳам бўлди, бироқ тўйда қатнашмагани учун акасини кутмай кетворишни эп кўрмади. Аммо энди туш пайти бўлаяпти, Ёдгор қачон қайтади — аниқ эмас, ўзини қаерга қўйишини, нима билан ўзини овутишни билмай, боши қотди. Ярим кун бор, шаҳарга кетса, кечга томон қайтиб келишга улгуради — йигирма дақиқалик йўл. Қаёққа боради? Рассомлар уюшмасига борса, у ердагилар Жасурнинг Талинга кетганидан хабардор, ўзлари ҳужжат тайёрлашган, самолётга билет олиб беришган, совринсиз кириб бориш хунок. Ҳойнаҳой соврин тегмаганини эшитишган, балки шунинг учун ҳам кутиб олгани ҳеч ким чиқмади, расмлар жойланган қути аэропорт юкхонасида қолди. Ётоққа борай деса гап чувалашади. Жасур диққат бўлиб, ҳовли кеза бошлади, ариқда ётган тарвузни сўйиб ўртага қўйди, қиттак ичкиси келди. Онасининг орқасидан эгилиб шипшиди, онаси бошини буриб ўғлига тикилди: шу топгача Жасур ичганини онаси кўрмаган эди.

— Аканг келсин, болам, битта ўзинг ичасанми?

— Жичча, — деди Жасур эркалик қилиб. — Самолётда кўзим илинмади, бир оз ухламоқчиман.

Зарифа опа нарида турган келинига ишора қилди ва у яқинлашгач:

— Жигар қовуришни биласизми, Барнохон? — деди.

— Қотиб кетмасин, — деди Жасур келиннинг жавобини кутмай. — Пиёз билан қовурсангиз, юмшоқ бўлади.

— Хўп.

— Ошхона токчасини қаранг, сувга ивитиб қўйганман, усти берк, — деди сомса тугаётган Зарифа опа келинига. — Газ ёқишни биласизми?

— Ўзим кўрсатаман, — деди Жасур ва сигератини кулдонга эзиб, ўрнидан қўзғалди.

Бу гал Меҳри хола гапга аралашмади, бояги кичик можаро уни андак ҳушига келтирган, бироқ ўзини тийиб ўтириш аёл учун қийин, икки шахматчининг ўйинини четдан кўраётган одамдек, тоқатсизланар, ичидаги сўзлари овзидан отилгудек эди. Жигар

қовуриш ҳам иш эканми? Ёғи қизиб турган товага пиёз ташланади, пиёз хила "ўлгач", жигар ташланади, туз сепилади, икки-уч марта ковлаб, қопқоқ ёпилади, олов паст қилинади, лагани артгунча — жигар тайёр-да. Шунинг ҳам урдасидан чиқмайдиганлар бор. Гўштга ўхшаб қовуришади, жигар шўрлик тараша бўлиб пишади, масаллиқ ҳайф кетади, ҳеч ким маза кўрмайди. Меҳри хола сапчиб бориб, ўзи дўндириб келишга шайланди ҳам, аммо ўзини тутди. Бу қишлоқи қиз қанақа пишириб келиши олдиндан маълум, бир товоқ жизғанак бўлади. Жасур татимайди ҳам. Жигар зое кетади.

Бироқ жигар зое кетмади. Пиёзнинг сарғиш-майин толаларига аралашган жигар лўндалари ёғда тобланар, иштаҳани қитиқлаб хид таратар эди. Жасур ичкарига кириб, бир зумда қайтиб чиқди, унинг кўзлари мамнун йилтирар, кайфияти чоғ эди. У таклиф кутмай товоқдаги жигардан биттасини бармоқлари билан чимдиб, оғзига солди, кўзларини юмди, оловдек лаззатни тамшаб, Барнога қаради, қойил, деган маънода бош чайқади, уни ҳам даъват қилди. Ёқармикан, деган ҳадикда турган келин, енгил тортиб, табассум қилди. Бу сирли табассум янги қариндошлик ипларини улашга ҳам ўхшар, рағбатни ҳам эслатар, маълум гуруҳга мансуб яқдиллик нишонасини аңлатар, Жасурнинг бояги фигони, ҳозирги мамнунияти кичик ғалаба нашъасини берар, бир сафдамиз, деган унсиз аҳдга ўхшаб кетар эди. Барно келиб, хонтахта ёнидаги кўрпачага омонат ўтирди.

— Олинг, қўлингиз ширин экан, — дея Жасур онаси билан Меҳри холага қаради. — Олинглар. Мазза!

Меҳри хола бир тўғрам нонни жигар сўлига ботириб, оғзига солди, жигарга тегмади, — шу билан у таомни бунақа хилдан хазар қилиш намоишининг камтар ифодаси эди. Меҳри хола шу жирканиши билан бошқалар назарида ўзини устун сезиб, гап айтиш ҳуқуқига эга бўлгандек, Жасурга яна луқма ташлади:

— Келинимиз олдида бўлса ҳам айтай, болам...

Жасурнинг пешанаси тиришди.

— ...Акангни энди сен дема, Ёдгор энди оилалик одам...

Жасур намоишкорона ўтирилиб, яна ичкарига кириб кетди.

— Овқатни заҳар қилманг, — деди Зарифа опа юмшоқ қатъият билан. — Мунақа нарсани четда ўзига айтиш керак.

— Эсимга тушди-да, — деди Меҳри хола аразини сездирмай.

Барно бу гапга унча эътибор бермади, қанчадан-қанча ака-укалар бири-бири билан сансираб гаплашади, бунинг нима аҳамияти бор, айниқса, ака-укалар орасидаги ёш катта бўлмаса? Сохта ҳурматдан кўра самимий сансираш табиийроқ. Худони сансираймиз, акани сизсираймиз. Сизсираш ҳурмат белгиси бўлса, нега Худони сансираш керак? Ғалати одатларимиз бор-да. Онг қанча суст бўлса, урф-одатлар шунча шарт, мустаҳкам бўлади. Яхши-ёмонлиги. Зарар-фойдалигини муҳокама қилмаймиз, муҳокама қилишнинг ўзини гуноҳ деб биламиз, ҳамма нима қилса,

шуни бажарамиз, хатна қилинмаган боланинг қўли ҳаром деймиз, ақидага риоя қилмаган одамга эгри қараймиз, бошқа эътиқоди бор одамни кофир деймиз, фақат удумларимизни аъло деб биламиз, шу доира ичида қолаверамиз, кашфиётни ёқтирмаймиз, бошқа усул билан яшовчини ражиб ташлашга тайёрмиз, дазмол босиб кийим киядиган, совун билан қўлини ювадиган одамни ҳезалакка чиқарамиз, дўппи киймагани унсур ҳисоблаймиз, лекин галстук таққан киши амалдор бўлса, таъзим қиламиз, бошқалар коинотни забт қилган бир пайтда, биз мачит қураамиз, намоз ўқийдиган одамни қанақа бўлишидан қатъи назар, муаллимдан юқори қўямиз, севгини бузуқлик деб биламиз. Мана, Жасур. Замонавий йигит, ҳақиқатда сочи узун, бошини эгганда юзи атрофига тўкилади, қулоғи ҳам кўринмай қолади. Соқол қўйишти, бир оз сийрак, аммо ўзига ярашади. Бу шунчаки соқол эмас, ўша тор доирадан чиқиб кетиш шиддати, нишонаси, талпиниш. Унинг хаёл олами қаёқда-ю, дўппи кийишни шарт билган одамнинг талаби қаёқда.

Бир халта харажат билан ҳовлига Ёдгор кириб келганида куёш энди ботаётган, дарахт учлари ёлқин, сув сепиб супурилган ҳовли оқшом хиралигига чўмган, ҳатто Меҳри хола кўринмас, жимжит эди. Ёдгор атайин қаттиқ-қаттиқ йўталиб, ошхона томон ўтиб кетди, ҳовли чирогини ёқди.

— Ҳей! Бу ҳовлида ҳеч ким борми? — ҳазил тоифа қичқирди Ёдгор, бир зумда файз киргандек бўлди. Ичкаридан онасининг йўтали эшитилди. — Келин салом қани? — бўш ҳовлига сохта ўшқирди Ёдгор.

Шу заҳотиёқ апил-тапил кавшини оёғига илиб, зинада Барно кўринди ва ясама итоаткорлик қиёфага кириб, куёвга салом бажо келтира бошлади, нариги хонадан чиққан Зарифа опа, ҳазилни тушунмай, анграйиб қолди, бир ўғлига, бир келинига тикилди.

— Бас! — деди Ёдгор ясама важоҳат билан ва иккала ёш шу ондаёқ кулиб юборишди. Зарифа опа ҳазилни англади, жилмайди.

Ёдгор биринчи навбатда дадаси ҳузурига кириб саломлашди, ҳол-аҳвол сўради. Ичкари қоронғироқ бўлгани учун Умар ака ёловлаб, аввалига ўғлини танимади, танигач, нималардир деб ғулдирай бошлади. Ёдгор, бурчини адо этгандек, чироқни ёқиб, ташқарига чиқди. Боя гугурт ўтидек милитиллаган электр нури энди ҳаммаёққа тарала бошлаган, нур тушмаган жойлар панаси кескинроқ қоралашган эди. Тут тагига қўйилган темир каравотда ётган Жасур уйқу билан курашиб-жунжикиб наридан кўриндан.

— Ие! Жасур! — деди Ёдгор ҳайратланиб. — Шарпамисан?!

— Шарпаман! Ажинаман! — дея Жасур ҳазил йўлига бошини сарак-сарак қилди, сочлари тўзғиб кетди.

Ёдгор, отилиб бориб, укасини кучоқлади.

— Муборак бўлсин, — деди Жасур акасининг қулоғига. — Қалай?

— Иккинчи марта қиз чиқди, — деди Ёдгор ва Жасурни бир

кўтариб ташлади. Уйқу исканжасидан аримаган Жасур акасининг ҳазилини тушунмади.

— Жасурга салом қилдингми? — дея Ёдгор Барнога қаради, гўё Жасур энди кириб келаётган.

— Қилди, — деди лаган артаётган Зарифа опа.

— Яна қилсин! — деди Ёдгор ва Барнога юзланиб. — Қил, салом бер, — деди.

Барно дарҳол Жасурга ҳам салом қилди.

— Баракалла, — деди Ёдгор ва ювиниш учун шу ердаёқ ечина бошлади. — Сочиқ бер. Қозонда нима пишаяпти?

— Ҳозир гуруч соламан, — деди Барно ва сочиқ учун хонага кириб кетди.

— Жуда соз, шампан олиб келдим. Жасур, ювин сен ҳам, уйқинг тарқайди.

Ёдгор пишқириб ювинишга киришди, Барно сочиқни дарахт шохига илиб, ўчоқ томон кетди, Зарифа опа молхонага кириб, сигир соғиб чиқди, сутни сепаратордан ўтказиш учун қўшни-никига чиқиб кетди. Шу орада ҳамшира келиб, одати бўйича Умар акага укол қилди, қисташса ҳам овқатга қолмади. Тез салқин тушди. Ош дамлангач, ҳаммалари биринчи марта бегонасиз хонтахта агрофига ўтиришди. Тераклар учуда ой кўринди. Ёдгор пақиллатиб шампан шишасини очди, пиёлаларга куйди, онаси ҳам четда қолмади. Жасур акасига совға узатди — ичи кўк духоба қутичада кумуш ҳошияли каҳрабо муштук бор эди.

— Раҳмат, — деди Ёдгор совғага маҳлиё бўлиб ва Барнога қаради. Унинг бўйнида икки қатор, ҳар донаси нўхатдек келадиган каҳрабо шодаси жимирлаб турар эди. Ёдгор келиннинг олдида ўзига совға топширилишини ноқулай сезувди, хайрият — унга ҳам келтирипти, мамнун бўлди: — Ярашипти, буюрсин, — деди ва пиёласини кўтарди. — Омон бўлайлик.

Алламаҳалгача чақчақлашиб ўтиришди. Бояги коньяк таъсири ҳали аримагани учун шампан виноси Жасурнинг кайфиятини яна оширди, яна ухлағис келди. Зарифа опа ичкарига жой тўшаб берди, келин-куёв ўз хонасига кириб кетишди.

Ёдгор мукка тушиб ётар, сочи ёстиққа ёйилган, кўзлари юмук, Барно эса кафтини Ёдгорнинг курагига қўйган ҳолда, индамай ётар, кўзлари қоронғида милтирар эди.

— Ёдгор ака.

— Ҳм?

Барно, сўз ахтарибми, бир зум тутилиб қолди.

— Ҳм? — кўзини очмай, Ёдгор яна саволини қайтарди.

— Мадонна нима дегани?

— Нима?

— Мадонна.

— Қанақа сўзларни топиб юрасан, — ғаразсиз оҳангда тўн-филлади Ёдгор. — Ярим тунда Мадоннага бало борми? Мен, бошим қоронғи, деган гапни кутувдим.

— Фалатисиз-а, — деди Барно нозланиб, — уч кунда бош-қоронғи бўладими?

— Уч кун? — деди Ёдгор ғўлдираб. — Олдингиси-чи? У хисобмасми?

— Апил-тапилда бўлган иш, — деди Барно ва энсаси қотгандек: — Энди бир умр писанда қилиб ўтасиз, — деди.

— Айбингни яширдим-ку, писанда дейсан.

— Кимнинг айбини?

— Ие! — повиллаб кетди Барно. — Ўзингиз аврадингиз-ку, қанақа ваъдалар бермадингиз. Энди мен айбодормишман.

— Ваъдани бажардим-ку, тан олмасам — нима қилардинг?

Барно эрининг елкасини бир шাপатилаб, ўгирилиб олди.

— Йиғлаяпсанми? — деди Ёдгор бир оз вақт ўтгач, Барнонинг юзини ўзи томон буриб. — Мадонна нималигини эртага айтаман. Институтдаги домлалардан сўрай-чи. Дадамнинг уколларини ўзинг қилиб тур.

Барно индамади. Эри битта гапида учта мавзуга сакради.

— Қўй олиб қўйдим, — деди Ёдгор тўртинчи мавзуга ўтиб.

— Қўй? — тушунмай сўради Барно.

— Ҳа. Давронниқида. Ўтиришни ҳам ўшатта ўтказамиз.

— Қанақа Даврон? Қанақа ўтириш?

— Даврон — ўртоғим. Дадаси, бизниқида ўтказ, деди.

— Нимани? — Барно мутлақо адашиб кетди.

— Об-бо! Нимани бўлариди? Ўтиришни-да, яъни зиёфатни.

— Қанақа зиёфат?

— Узоқлик қилиб, баъзилар тўйга келиша олмади, шаҳарда ис чиқар, дейишяпти. Ўзимда ҳам шунақа мўлжал бор эди. Янги уйни ҳам ювиш керак. Диван олиб, ўрнатиб қўйдим. Очилар экан.

— Уф-ф! — Хуноб бўлди Барно, — диван, қўй, янги уй, Даврон, зиёфат... — Янги уйни бировнинг уйида ювиш-ғалати эмасми?

— Квартирамиз икки хонали, тор-да, — деди Ёдгор Барнонинг мулоҳазасидан ўйланиб. — Гап Карим акадан чиқди, йўқ дея олмадим.

— Карим ака ким? — баттар адашиб сўради Барно.

— Давроннинг дадаси.

Барно Давронни тўй пайтида кўрган эди, яхши дўст экан, анча ишларга қарашган, бош бўлган, ЗАГСда ҳам Ёдгорнинг ёнида турган, кейин шу муносабат билан янги уйда уюштирилган зиёфатда қатнашган, қадаҳ кўтарган, аммо унинг дадаси ким эканини Барно билмас эди. Ҳойнаҳой Ёдгор уларниқида бориб туриши, улар қадрдон бўлиб қолишгани аниқ эди, шунинг учун Ёдгор Карим аканинг сазасини қайтара олмаган. Бироқ янги уйни "ювиш" тадбири бировнинг хонадонига ўтиши ҳам эриш туюлар, биронта кафедра ўтказилса ҳам йўриғи бўлак эди.

— Акам ҳам келинчақирик қилмоқчи, — деди Ёдгор ётган жойида сигарет туташтириб.

— Вўй-бў! — Барно бу гапга хурсанд бўлишни ҳам, норози бўлишни ҳам билмади. — Шунча даҳмаза, оворагарчилик. Нима кераги бор?

— Қоидаси шунақадир-да. Ота-онангни ҳам айтишар эмиш.

— Олдин шахарга кўчиб борайлик, — деди Барно бу таклифга унча эътибор бермай, — кейин бир гап бўлар.

— Дадам ўлиб қолса, азалик бўлиб қоламиз, — деди Ёдгор ўзига ўзи гапиргандек.

Ҳақиқатда, масаланинг бу томонини эсдан чиқариб бўлмас, тўй муносабати билан тетиклашиб турган Умар ака кун сайин мажолсизланар, гапириб туриб уйкуга кетиб қолар, алаҳлаб уйғонар, инжиқлик қилар, гап қулоғига кирмас, оч қолдим, деб хархаша қилар, овқат берса, титкилар, егиси келмас, еса қорни шишар эди.

Сигарет тутунини ҳайдаш учун Барно ўрнидан туриб, дераза табақасини ташқарига очди, ичкарига салқин ҳаво кирди. Қоронғида Барнонинг бадани оқиш кўринар, Ёдгорнинг дилини қитиқлар, пийпалашга Ёдгор мажолсиз эди. Барно ёстиқ остидаги тунги кўйлагини топиб кийди-да, бир неча дақиқа тўшақда мўлтираб ўтирди. Ҳовли чироғи ҳали ўчирилмаган, қайнонасининг ивирсиши, итларнинг узоқ-яқин ҳуриши, тунги шамолда дарахтнинг шохи бўвотга ишқалангани эшитилар эди.

— Нимани ўйлаяпсан? — деди Ёдгор лунжини ёстиқдан кўтармай.

— Ҳовли тўйи, келинчақириқ, зиёфат дейсиз, — Барно тирсагини ёстиққа тираб, шарпа бўлиб ётган Ёдгорга қаради. — Шуларни ўтказиш шартми?

— Шарт эмас, — деди Ёдгор бир зум ўйга толиб, — шунчаки ҳаёт зийнати-да. Ўтказмасак, биров айбга буюрмайди...

— Шунча харажат, исрофгарчилик, — деди Барно, эри гапини тугатмай туриб. — Дадам, аям келишса, қатта ётишади? Эрталабгача автобус бекатида ўтириб чиқишадими?

— Нега автобус бекати? — таажжубда сўради Ёдгор. — Мана уй бор-ку. Чалларинг ўтсин, кейин бир гап бўлар.

Ёдгор ўгирилиб, Барнонинг кўйлаги остидан хотинининг силлиқ баданини силай бошлади...

* * *

Тўй ўтгандан кейин Қудрат аканинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. Энди кафедра ишларини бафуржа бажаришга вақти бор, тўхтаб қолган лаборатория ишларини давом эттириши мумкин. Тўй арафаси анча мушкул бўлди, таклифнома тарқатишнинг ўзига қанча вақт кетди, минг километрдан зиёд йўл юрди, ташкилий масалаларни келишиш учун бир неча марта Сижжакка бориб келди — бунақа ишларга куёвни аралаштириб бўлмас эмиш, ўзи югурди-кезди. Жасур айни долзарб пайтда Таллинга жўнаворди, ҳамма юмуш ўзига қолди. Албатта, шахардаги анча югур-ел

Ёдгорнинг ўзига тушди, институтидан юк машина беришди, яхши асқотди — стол-стуллар, идиш-товоқлар шаҳардан олиб борилди, тўй ўтгач олиб келинди, қудаларникига юбориладиган қўй, сарпо, қоп-қоп гуруч, савзи-пиёз, ширинлик, ёғ, келинникидан келадиган сандиқ, қақир-қуқур — ҳаммасига шу машина балогардон бўлди. Ҳайдовчи инсофли йигит экан, Сижжак қайдасан, деб ўзи қатнади, тўн кийиб келди. Энди келинчаллар қолди, оғир маърака эмас, аёлларнинг ўзи бажараверади, керакли масаллиқ олиб берилса, пишир-куйдирни ўзлик-ўзлари қилаверишади, Сижжакка чиқиб-тушиш учун машина топиш зарур, топилмаса Қудрат ака машинасида олиб бориб келади. Келиннинг дадаси дилкаш киши экан, гурунглашиб қайтади. Тогора-бўхчалар машинанинг юкхонасига жойланади, сиғмаса томига жойлайди. Ҳойнаҳой Муяссархон ҳам боради — ўзидан ташқари тўрт аёл — онаси, Меҳри хола, келин орқада, Муяссархон ёнида — бемалол сиғишади. Келин чақириқни ҳам ўн кун ичида ўтказиб олиши керак, дадаси омонат, бирон нарса бўлиб қолса, қувончли тадбирларни аза чиқмагунча ўтказиб бўлмайди. Ёдгор, иссиғида ўтириш ўтказаман, деб юрипти, уни кўчиб тушишгандан кейин қилса ҳам бўлаверади. Яқин-орада пахтага олиб кетиш бошланади, талабалар жўнашса, бўш вақт кўпаяди, фақат Ёдгорнинг иши кўпаяди — талабаларга каравот, кўрпа-ёстиқ, озиқ-овқат ташишига тўғри келади. Ҳар йилгидек уларнинг институтини Далварзинга жўнатишса керак. Бориб келишни бир кун кетади. Қўли тегмай қолади. Демак, шаҳарга кўчишни ҳам, ўтириш ўтказишни ҳам жадаллаштириш керак. Келин чаққонгина, фаросатли экан. Тез киришиб кетди. Ивирсимай, юмушларни ўзи билиб қилапти. Ҳусни-чи? Ҳовлига бир ярашди-қўйди. Байрамдек бўлиб қолди. Учинчи курсда экан, балки пахтага олиб кетишмас. Янги келинни ҳам олиб кетишадими? Аслида бир ойлик тўй сафарига бориб келишса яхши бўлар эди. Руслар "медовый месяц" дейишади, ўзбекларда мунақа одат бўлмагани учун номи ҳам йўқ. Аммо одатга киритишса, анъанага айланиб қолади. Бу тадбирнинг яхшилиги шундаки, ҳамма учун, энг аввал, келин-куёв учун бир умр хотирада қоладиган воқеа, тўйдан кейин бажариш шарт бўлган ноқулай ўнғайсиз маъракалар ўтказилмайди, одамлар дам олишади — ҳамма учун қулай, маъқул. Ҳар қанча орзу-ҳавас ими-жимиди кейин ўтказилаверади. Умуман халқимиз дам олишни билмайди, тўйиб овқат ейишни, ухлашни дам олиш, деб ўйлайди. Қудрат акага қолса, таътил пайтида ишлаш мумкин эмас, деган фармон чиқарган бўлар эди. Албатта, ободонлаштириш ишлари яхши, фаровонлик аломати, аммо умр битта-ку, нариги дунёда дам олиш масканлари йўқ-ку. Ўлгандан кейин фароғатга етишишнинг ўзи, очиқ айтганда, пуч ният. Қудрат ака биолог сифатида бу нималигини тушунади. Чарчаган жисм, тана дам олиши, қувватни тиклаши шарт. Акс ҳолда узилади, исроб бўлади.

Қудрат ака эрталаб уйғонганида Муяссархон катта хонада Гулшаннинг кўйлагига дазмол урар, газда чойнак пиқирлар, буг пуркар эди. Қудрат ака чой дамлаб, кичик хонада ётган Гулшанни уйғотди, ўзи бадантарбия қилиш учун балконга чиқди, ҳар кунги машғулоти. Йигирма дақиқа бадантарбиядан сўнг Қудрат ака ваннага кириб душга тушади, соқол олади, шу орада Гулшан онаси билан нонушта қилаётган бўлади. Нонушадан кейин эр-хотин Гулшанни олиб пастга тушишади, Қудрат ака темир гараждан машинани ўт олдириб ҳайдаб чиқади, йўл-йўлакай Гулшанни болалар боғчасига топшириб, аввал хотинини ижрокўмда қолдиради, сўнгра ўзи институтга жўнайди. Ҳар кунги тартиб шунақа. Қайтишда машқ тескарисига бажарилади. Лекциялари бўлмаган кунлари ҳам Қудрат ака шу йўлни босади — Гулшанни боғчасига, хотинини ишига олиб бориши керак. Одатга кирган машғулоти. Ҳатто якшанба кунлари ҳам эрта уйғонишади. Қудрат ака бадантарбиясини қилади, душга тушади, Муяссархон чала ишларини бажаришга киришади, фақат Гулшанни уйғотишмайди.

Тартиб бугун бузилди — каллаи саҳар телефон жиринглади. Қудрат аканинг юраги шувиллаб кетди.

— Алё, — деди Қудрат ака ҳадиксираб. Телефондан Ёдгорнинг товуши эшитилди. — Ҳм. Шунақами?... Бўпти, ҳозир борамиз.

Қудрат ака телефон дастасини қўйиб, хотини ётган хонага кирди.

— Тинчликми? — сўради Муяссархон бошини кўтариб.

— Тинчлик, — деди Қудрат ака негадир енгил тортиб. — Дадам узилипти.

— Вой, шўрим, — дея Муяссархон шоша-пиша ўрнидан турди, апил-тапил каравотини саранжомлай бошлади. — Қачон?

— Аям кирса, нафаси йўқмиш, — деди Қудрат ака ва сочини қашиди: энди аза бошланади, мўлжал қилиб қўйишган барча тадбирлари тўхтади, гал маъракаларга ўтади — жаноза, дафн, етгиси, йигирма, қирқи... Ҳамма расм-русуми билан аза бир йилга чўзилади. Бироқ ҳозир замон бошқача. Қайси бир оилада тўй кунини тайин қилиб, одамлар айтилган экан, куёвнинг бувиси ўлиб қолипти, аммо тўйни тўхтатишмапти, эртасига овоза қилишипти. Қудрат аканинг дадаси тўй кўрди, саломга келин кирганида фотиҳа торғди, ризқ-насибаси узилипти, мана, бандаликни бажо келтирди. Ўзи ҳам қутулди, шўрлик шунча қийналган эди. Бошқалар ҳам тинчийди. Қудрат ака биолог бўлгани учун бунақа нарсаларга ҳушёр қарайди: ўз вазифасини бажарган ҳар бир жинс — одамми, ҳайвонми, ўсимликми — сўниши шарт. Табиат кераксиз юкни кўтармайди, қонуни шунақа. Бундай ҳодисалар офат эмас, аксинча — каромат. Мувозанат. Адолат. Ёдгорнинг саҳар палла кўнғироқ қилгани маъқул бўлди, маҳалла мўйсафидлари билан маслаҳат қилиб, илож бўлса, пешинга чиқариш керак, тўй ўтган хонадонда мурдани узоқ сақлаш ярамайди; туман маркази

яқин — ҳамма ташкилотлар Қибрайда, керакли ҳужжатларни бир соатнинг ичида расмийлаштириш мумкин. Узоқ-яқин қариндошлар ҳам асосан шу атрофда, улар кўпчилик эмас, тўй муносабати билан айтиш учун боришганда, ярим соатда улгуришган. Кимдир эсан чиқса — ҳечқиси йўқ, эшитса кейин фотиҳага келиб кетади.

— Отланинг, — деди Қудрат ака вазмин тарзда хотинига.

— Хўп. — Муяссархон дазмолнинг симини суғурди, қолган кийимларни чойшабага ўраб, бурчакка ташлади. Апил-тапил кийимини ўзгартиришга тушди. Қудрат ака дастлаб қайнотасиникига, кейин институтга қўнғироқ қилди, бироқ вақт эрта бўлгани учун институтда ҳеч ким телефонга келмади. Қудрат ака ректорнинг муовинига қўнғироқ қилиб, вазиятни айтди.

— Гулшанни нима қиламиз, ухляяпти, — деди Муяссархон сочини турмаклар экан.

— Уйғотинг, ойингизга ташлаб ўтамыз.

— Боғчасидан қоладими?

— Бир кунга қолади, — деди Қудрат ака босиқлик билан. — Олишга улгурмаслигимиз мумкин. Ким боғчада уни ушлаб ўтиради?

— Майли.

Гулшан аввалига хархаша қилди, боғчага бормаслигини билиб, бир зумда тинчланди, ҳатто ўзи ҳожатхонага кириб чиқди, киёна бошлади.

Муяссархон ойна олдида тик турган ҳолда пардозини қилар, қаҳди-қомаги келишган, энди тўлиша бошлаган, истараси иссиқ, "даҳага" кирган жувон бўлиб, эри билан иноқ яшар, "қистаб қолган" пайтларда, агар касал кунлари бўлмаса, Қудратжоннинг истагини рад қилмас эди. Олдин ичқуёв бўлиб қайнотасиникида яшашганда "шўхлик" қилиш мумкинмас, ҳар қанча хоҳишини ими-жимиди бажариши лозим эди. Муяссархон андишага бориб, ҳатто ота-онасининг олдида эри билан гаплашмасликка, энг зарур, расмий жумлалар билан мулоқот қилади, қизчаси эса шунчаки, тасодиф оқибатида дунёга келган унсур, келин-куёвга дахли йўқдек эди. Муяссархон Гулшанни қанча севиб ардоқламасин, дадасининг олдида бирон марта қучоқлаб ўпмаган, орият қилган — эҳтирос маҳсули-да. Эҳтиросни ошкор қилиш — бузуқлик аломати, одобсизлик, бунақа нарсага ўзини лоқайд кўрсатиш ифбатли саналади. Аммо кўздан четда, яширин вазиятда нималар бўлишини, қанақа "жанглор" бўлишини ҳамма билади. Ҳатто телевизорда бериладиган кинода ўпишиш саҳнаси бўлса ўчириб қўйишади. Кўриш ҳам мумкин эмас, миллатни бузади. Умуман бу каби кўрсатувларни ман қилиш керак. Риёкорлик одоб деб ҳисобланган жамиятда бунақа талаблар табиий кўринади. Кулишимиз ясама, азада йиғлашимиз сохта, ҳурмат-мулозаматимиз — тама, тўйимиз хўжакўрсин, ҳатто мусибатимиз қалбаки. Ҳали, нега кўзингдан ёш чиқмади, деб Қудрат акага писанда қилишади, Муяссархон муғамбирлик

билан ўзини мажбурлаб, йиғлаган кўрсатиши керак, кўзни сўқир қилиб четда туриш яхши эмас, ахир келин-ку. Янги келин нима қилади? Ҳали тўй либосини ечгани йўқ, у ҳам "вой отам"-лаб хўнграши керакми? Шўрлик "отани" тузук-куруқ танимайди ҳам, қандай қилиб "вой жигарим" дейди? Қандай қилиб ёш нарса ёлғондакам куйинади? Ясама айюҳанносдан кўра жим мотам тутган афзал эмасми? Ота-онадан, фарзанддан жудо бўлиш — мусибат, албатта. Алам-изтироби ҳам самимий. Жўжабирдек жон етим қолган оилаларга ўз вақтида одамлар мурувват қилишган, ажалдан асрашган, болаларни ҳалфа-шоғирдликка олишган, гадой-соққа бўлиб кетишларидан сақлашган. Йиғи, фарёд, нолиш маълум имтиёз келтирган, бу ҳам одаг тусига кириб қолган, аммо ҳозир-чи, ҳозир? Айниқса, бегона аёлларнинг оммавий йиғиси, зикр тушиши-чи? Қудрат ака ўзи неча марта кўрган: ҳозиргина рўмолча тутиб увилаган аёл, лаҳза ўтмай, борган тўйини бошқа аёлга мақтаб ўтирган, кўзи нам ҳам бўлмаган. Яхшиям рўмолча бор, найрангни яширади. Майли, мотам экан, кел, таъзия билдир, аммо майнавозчиликка бало борми? Ахир, ҳаммаси ёлғон — ясама-ку. Бир соатдан сўнг бу азани эсламайсан ҳам, баъзида бошқанинг бошига тушган кулфатдан ичингда қувнайсан, кимдир тўй қилса, рашкинг келади, ҳасад қиласан. Сохталик қонимизга сингиб кетган, самимий одам ҳамиша ўзини ноқулай сезади, ола кўринади, ўзини қандай тутишни билмайди.

Қудрат ака баъзан хушёр тортиб, ақлдан озмаяпманмикин, деб ўйлайди. Нега мияси ҳеч қачон бўш қолмайди, деярли дам олмайди, кечаю кундуз — ишда бўладими, кўчада юрадими — банд? Ҳатто ҳордиқ чиқараётган, ухлаётган пайтларида ҳам хаёли тўхтамайди, воқеаларни қиёслайди, мулоҳаза қилади, мантиқини қидиради, кўп нарсалар тасодиф эмаслигига асос излайди, ҳамма нарсни ДНК белгиси, яъни насл ахбороти билан боғлайди, ҳеч ким зотидан йироқлаша олмайди, дейди. Ота-она қанақа уруғ сепса, шунақа ҳосил олади. Қора тан кишидан оқ эт бола туғилмайди, ҳамма фарзандлар бир хил шароитда барабар ривожланишади. Оқ тан бола ақлли, қора тан бола аҳмоқ туғилади, деган гаплар уйдирма. Тўғри, насл ахборотида чекилган ҳад — худбинлик бўлади, буни майллик дейилади: биров мусиқага, биров спортга, биров ҳисобга, яна биров шеърят ёки тасвирчиликка кўпроқ мойил бўлади, яхши шароит яратиб берилса, улар заковатини албатта фош қилишади. Аммо мутлақ шароит йўқ, кўплар (ҳамма, деса ҳам бўлади) ижтимоий вазиятда шаклланади. Бола хом ашё бўлиб дунёга келади, яҳудий ёки мусулмон бўлиб туғилмайди, ижтимоий ҳаёт таъсирида вояга етади, жамият қолақ бўлса, у ҳам шунга мос ўсади, ривожланган жамиятда, агар бола соғлом туғилса, унинг ҳам тафаккури шунга яраша бўлади. Нега бир жамият ривожланган-у бошқаси қолақ? Бу эътиқод, ақидага боғлиқ. Мусулмон оиласида дунёга келган бола албатта мусулмон,

дейиш мунозарали тушунча. Дин ишонч, эътиқод самараси бўлса, эътиқод онгли равишда шаклланади, мурғак болада эътиқод бўлиши мумкин эмас. Қулоғига азон айтган билан у мусулмон бўлиб қолмайди, бола ўсиши, етилиши, унинг онгида динни эътироф этиш (ёки этмаслик) зарурати туғилиши керак, бунинг учун бола (қиз) лоақал ўн беш ёшга кирган бўлиши лозим, ўшанда уни маслакли диндор дейиш мумкин. Диннинг моҳиятини тушунмаган диндордан нима фойда? Кўр-кўрона сажда қилаверади, вассалом. Қудрат ака бу ҳақда кўп ўйлайди: ибтидо даврда одамлар табиий ҳодисаларни қай йўсинда келиб чиқишини — қуёш чиқишини, ой тутилишини, фасл ўзгаришини, ёмғир ёғишини, ўт ёнишини, хуллас, мавжудот сирлари ва сабабларини билишмаган, бу ҳодисаларни кимдир бошқаради, деб ўйлашган, илоҳий кучга йўйишган ва ўзлари унга сизгина бошлашган, дин, мазҳаблар пайдо бўлган. Мўмин-қобиллар сафи оша борган, уларни йўлга солиш, меҳнатидан фойдаланиш омили, саждачиликни маълум тартиб-тузумга солиш зарурати туғилган, энг зукколари Яратувчи номидан башорат, ваъз қилган, авлиёга айланган. Садақалар кўлами борган сайин ошган, айнан шу динни тарғиб қилиш усули билан сафни янада кенгайтириш, демак, бойликни янада кўпайтириш амали қўллана бошлаган. Ўзга мазҳабдагиларни оғдириш қийин кечса, имтиёз ваъда қилишган, имтиёз ҳам самара бермаса, қилич билан қон тўкиб, таслим қилишган. Таслим, муслим — маъноси бир сўзлар. Айтайлик, агар араб истилоси бўлмаганда юртимиз қандай ривожланар эди, хомхаёлга берилиб ўйлади Қудрат ака, хотинини ёнига ўтқизиб, машинасини ҳайдаб кетар экан. Қўшонлар мамлакати, дўнғпешона, йирик кўз, оқ эт қўшонлар. Икки минг йил аввал тиллодан ясалган зебу зийнат тақинчоқлари шу қадар нафис, жозибалики, одам кўзини ола олмайди, ҳатто ҳозирги заргарлар ҳам лол қолишади. Китоблар, хумлар — кўзалар, либослар, эгар-жабдуқлар, осориатиқалар — бундай даражага ўша замонларда эришган эл яна қанақа чўққиларга чиқишга қодир эди. Зардуштлар. Кимлардир араб истилосида ижобий тараққиёт белгиларини ахтаради. Бунақа таъкид билан муроса қилиш қийин. Эркили халқни букишди, муслим қилишди, кўзига парда тортишди, қизиқмайдиган, савол бермайдиган, бировнинг гапига кирадиган, ўз фикрини айтишдан чўчийдиган, ҳадиксирайдиган, зодагон-амалдорга ёқадиган сўз ахтарувчи, тилёглама, манфур, риёкор ниқобини кийишга, қалбини қуфлашга мажбур қилишди, миллий маънавиятини парчалашди. Қандай қилиб бу ҳаракатни ижобий деб бўлади? Шубҳасиз ўз қобиғида яшашга интилган миллат тараққиётдан қолади, элатлар бошқа халқлар ривожидан, тажрибасидан фойдаланса, янада ривожланади, лекин турмуш тарзи қароқчиликка мўлжалланган араб-бадавийлар, айниқса, ўша пайтдаги аҳволи билан нима келтиришлари мумкин эди? Ахир юнонлар ҳам бостириб келишди-ку, бироқ уларнинг маданияти,

демократияси нақадар юксак эди. Арабни юнон билан солиштириб бўладими? Зулқарнайн тез ўлмаганида, у эккан уруғ илдиз отиб улгурган бўлармиди? Мудофаа кучимиз мустақкамлашарди, босқинчиларни йўлатмас эдик. Кейин бўрон бўлиб Чингизхон келди, ҳамма нарсани янчди, парчалади, вайрон қилди, миллатимизни бузди; қисик кўз, пачоқ калла, чалпак башара, — улрдан қолган нарса шу.

— Янги одат чиқарибсиз, а, дадаси? — деди Муяссархон эрига.

— Янги одат? — ўзига кела олмай сўради. Қудрат ака паршонликни ҳайдашга уриниб. — Қанақа?

— Ўзингиз билан гаплашадиган одат чиқарибсиз. Кимлар билан тортишасиз?

— Кимлар билан? — гангиб сўради Қудрат ака ҳамон хаёлидан қутула олмай. — Студентлар билан. Лекция мавзусини чамалаяпман, — деди Қудрат ака ҳушёр торта бошлаб.

— Бўладиган ишни ўйланг, дадаси, бутун оғир кун, бошингизда шунча ташвиш: аза, дафн маросими, гўристон, жаноза, қанча машмаша. Сиз нуқул Зулқарнайн, Чингизхон, дейсиз. Ё восвос бўлиб қолаяпсизми? Уйқунгиз ҳам нотинч. Нималарнидир уқтирасиз, тажанг бўласиз. Ўқитиб ташлайликми?

— Қайдам, — деди Қудрат ака иккиланиб. Бунақа феълени ўзи ҳам анчадан бери сезар, ақлдан озаётгандек бўлар, чарчар, ҳатто уйқудан ҳам толиқиб уйғонар, дили хуноблигини тарқата олмас, ҳеч нарсадан қувнамас, қувонч учун сабаб бўлса-да, шодликни ҳадик билан кечирар, нохушликни кутар, таралла-бедод нималигини билмас, ҳатто омаддан ҳайиқар, таъби хира юрар, зўраки жилмаяр эди. Қудрат ака кўрс бўлмаса-да, талабалар унинг олдида сергак туришар, ўзаро "ўжар домла" дейишар, кўплари биринчи имтиҳондан қулаб чиқишар, ҳеч қанақа баҳона, ёлборишлар унга кор қилмас, лекин яхши жавоб берган талабани қучоқлашга тайёр, рағбатлантирар, бирга музқаймоқ ер, пулини ўзи тўлар, аммо баҳони "тўртдан" оширмас, аъло баҳога ўзим ҳам билмайман дер, баҳс қилувчи талабаларни ёқтирар эди. Қайсидир талаба, генлар фаолиятини кимдир, нимадир яратган, назорат қилади, тартибга солиб туради, акс ҳолда хаос бўлади, деганида яна бир талаба, Эргаш Носиров эди чоғи, тартиб ҳам, назорат ҳам ген таркибида мавжуд, деганида Қудрат ака Эргашнинг андак такаббурлигига қарамай, аъло қўйган. Негаки, бу йигитда ҳодисани таҳлил қилиш, мустақил талқин чиқариш қобилияти бўлиб, "аъло" баҳо билимига эрудициясига эмас, мушоҳада қилиш хусусиятини тан олиш, ҳамда бу хусусиятни ўстиришга бўлган рағбат белгиси эди. Иккинчи талаба — Маҳмуд Рўзиев, ген ватандек нарса, ҳамма нарсани беради, аммо ўзини ҳимоя қила олмайди, деган даъвоси мунозарали бўлса-да, унга ҳам "аъло" қўйган. Битта имтиҳонда иккита "аъло" чиқиши — бунақаси бўлмаган, ҳамма лол қолган эди. "Ватан ўзини ҳимоя қила олмайди, уни фуқаро асраши керак, деди Эргаш. Аммо генда кўрқиш, ўзини

авайлаш, ҳатто ёвуз унсурни енгиш, зарур бўлса, рақибни яқсон қилиш информацияси бор, чунки насл қолдириш инстинкти шу қадар кучлики, у таслим бўлишга ҳаққи йўқ, чунки келажак насл олдида "жавобгар", масъулиятли. Бу нарса онгсиз равишда юз беради..." Имтиҳон баҳс-мунозарага айланиб кетди. Қудрат ака ўз ҳиссаси борлигига маҳлиё бўлмаса-да, дили ёришди, шунақа зукко талабалар, оз бўлса ҳам, борлигидан кўнгли таскин топди, ҳатто Муяссархонга ҳаяжонланиб гапириб берди, шу талабани судрайман, ундан фавқулодда олим чиқиши мумкин, деди. Қудрат акани мамнун қилган ҳодиса бу ҳам эмас эди. Эргаш бир куни мунозара чоғида рус олими Лисенко олға сурган назарияни чипакка чиқаришга тушди. Лисенко немис олими Вейсманнинг "Насл бирлиги ҳаёт таъсири остида ўзгармайди, уни четдан аралашиб, тартибини бузмаса, инфекция натижасида зарарлантормаса, ўз ҳолича қолаверади", деган кашфиётини танқид қилган, аксини таъкидлаган ва ўз пайтида унинг таълимоти расмий равишда эътироф этилиб, Вейсманнинг назарияси аксил таълимот ҳисобланган, бу расмий қўлланма бўлиб, олимлар эътироз билдиришга ботина олишмас эди. Қудрат ака анчадан буён шу муаммо атрофида бош қотириб юрар, докторлик диссертацияси учун мавзу ахтарар, жўн масалани танлагиси келмас, Вейсман назариясини салмоқли ва инкор қилиб бўлмас таълимот ҳисоблар, бироқ расмий тан олинган назарияга, нотўғри бўлса-да, "шак" келтиришдан чўчир, иккиланар эди. Лўнда қилиб айтилса, Лисенконинг таъкиди бўйича, агар бирон жонликни, масалан, итнинг қулогини кесиб ташланса, боласи ҳам қулоқсиз тугилади, деган субутсиз гап эди. Тўғри, ўсимлик ҳам, жонзот ҳам табиий таъсирида тусини ўзгартириши мумкин (масалан, оқ тан одам қуёш нурида қораяди), ҳатто кераксиз, хизмат қилмайдиган аъзосини (масалан, бир неча миллион йил аввал одамнинг думи бўлган) йўқотиши, қутулиши, халос бўлиши мумкин, бироқ хоссасидан ажрай олмайди, хосса унинг ҳаёт таянчи. Умуман табиатда зарарли, фойдали деган аъмолни тан олмайди, мавжудотга ҳамма тенг, тўғрироғи, лоқайд қарайди, унинг учун эркатой, ёки пуфсассиқ нарсалар йўқ. Одам учун зарарли ҳисобланган каламуш, ёки ҳамма нарсани еб ташлайдиган чигиртка унсур эмас, мувозанат посонгиси. Нима, каламуш урчимаслиги, чигиртка очидан ўлиши керакми? Уларни яшаши, қирилиб кетмаслиги учун табиат зарур мослама, ирода билан таъмин қилган. Ким кўпроқ зарарли — одамми, каламушми? Буни ҳам аниқлаш керак. Ҳарқалай, каламуш ўзи яшайдиган муҳит-шароитни, сайёрани портлатмайди, бошқа мавжудотларни қирмайди. Одамзод ҳар куни икки миллион сигирни сўйиб ўлдирад эмиш. Йиртқичлар келтирган зарар одамники олдида зарра ҳам эмас. Селекционер гуллар турини қанақа турфаларини кимёвий усул билан кашф қилмасин, уруғи барибир аввалигича қолаверади. Генни, яъни насл хоссасини инкор этиш, мавжудот

ҳавосиз яшайди, дейиш билан баробар беҳуда гап. Ҳозирга келганда Дарвиннинг "Одам маймундан тарқаган" деган назарияси ҳам шубҳа остига олинмоқда. Примати бир бўлса, демак, одам яна маймунга айланиши мумкин экан-да. Лисенко шу таълимга асосланиб, ўз назариясини рўқач қилган. Жараён ҳақиқатда шундай кечса, нега бўри итга, эшак отга, маймун одамга айланмаяпти? Ё жараён тўхтаган, ё назария хато. Жараён тўхташи мумкин эмас, демак иллат назарияда. Қудрат ака докторлик диссертациясини шу чалкаш, қутбий муаммоларга қаратди. Манбалар етарли, аммо расмий тўсиқлар муайян бўлгани учун, Қудрат ака мавзу номини ўзгартириши, масалан, "Эволюция турлари" деб атаб, комиссияни шамғалат қилиши лозим эди. Қудрат ака шу нуқтада тўхташи учун, шубҳасиз, Эргашга ўхшаган йигитларнинг "бош кўтариши", ўзлари айтишича — "инкоризация" (инкор сўзидан), исбот-далилсиз ҳеч нарсага ишонмаслик кўйи, принципи туртки бўлди. Эргашлар сони тобора ортиб бормоқда, Қудрат ака диссертациясини битиргунича, улар бирмунча илдиз отиб, сафлари ҳам жипслашади, уларни шу йўсинда мушоҳада қилишга буккан Қудрат акани "оломон"дан сақлашади, "чўқишларга" лоқайд қараб ўтиришмайди. Вейсман, Морган, Мендель — уларнинг далили, қуроли. Тўғри, умуртқа бир, насл ахборотида ҳам муштараклик кўп, от билан эшакдан хачир туғилади, бироқ хачирни примат деб бўлмайди, чунки хачир урчимайди, ундан зурриёт қолмайди. Қизиқ, бўри билан итни қовуштирилса, нима туғилишини айтиш қийин эмас. Қайсисининг хромосоми насл катагини тезроқ банд қилса, туғилган зот ўшанга тортади: бўриники улгурса — ваҳший, йиртқич, итники улгурса — ёвуз ит бўлади, қандай шароитда яшамасин, аслига тортади, йиртқичлик хоссаси бир кунмас-бир кун уйғонади...

Қудрат ака Муяссархон билан Дўрмонга етиб боришганда куз кўёши кўтарила бошлаган, дарвоза атрофига сув сепилиб, иккита скамейка қўйилган, скамейкада Султонали ака ўтирар, ичкаридан овоз чиқмас, жим-жит эди.

— Бандалик, худо раҳмат қилсин, — деди Султонали ака Қудрат ака билан кўриша туриб ва маҳалладан уч мўйсафид кириб кетганини айтди: — Пешинга чиқарилади. Ёдгорни Қибрайга жўнатишди, ҳужжатларни олиб келади. Мозорга одам юбордик, гўр пешинга тайёр бўлади.

— Раҳмат, — дея Қудрат ака, қўлини кўксидан олмай, ортига жилди ва ҳовлига кирди.

Сентябрь ойининг охири бўлишига қарамай, эрталабки ҳаво анча салқин, кўкатларда шудринг товланар, Жасур аёллар тарафини ажратиш учун ҳовли ўртасидан арқон тортар, Муяссархон қайнонаси билан тандир олдида нималарнидир маслаҳат қилар, Барно ҳали янги келин бўлгани учунми, Умар ака вафотида ўзини гуноҳкор сезгандек, яхмалақда турган кийикдек атрофга жўлдирад, кимдир иш буюрса, дарҳол чопқиллашга

тайёрдек эди. Қудрат акани кўриб, келин багтар саросимага тушди: қоида бўйича салом бериш керакми, йўқми, билмас эди.

Қудрат ака ҳовлига худди ҳеч нарса рўй бермагандек кирди, ҳатто Барнога салом бергандек бўлди, келинни ўнғайсизликдан қутқарди, аммо кутмаган эди шекилли, Жасурни кўриб, жонланди, андак хурсанд бўлди. Саросима ариди. Зарифа опа ўғли томон юрди, елкасига кафтини қўйиб кўришди.

— Бир пиёла иссиқ чой берасизми? — дея Қудрат ака Барнога юзланди.

— Ҳозир! — Танглиқдан қутулган Барно ичкарига отилди.

Жасур акаси билан қучоқлашиб кўришди.

— Қачон келдинг Таллиндан? — сўради Қудрат ака, овозидан мамнунлиги сезилиб турар эди.

— Кеча, — деди Жасур ва жунжикиб, ўзини қучоқлади.

— Нега телефон қилмадинг?

— Бу ёққа шошилдим.

— Ишлар қалай? — Қудрат ака соврин олган-олмаганини сўрамади. Ўсал бўлиши мумкин. Соврин олмагани турқидан билиниб турар эди.

— Тузук, — деди Жасур мавҳум жилмайиб.

Зарифа опа ўғлига имо қилди, Қудрат ака зарур нарса эсидан чиқиб қолгандек, тетикланиб, мурда ётган хона томон жилди. Ияги танғилган дадасининг юмуқ кўзлари чўккан, юзидаги қирилмаган оқ жун тик турар, афтига машғум тус берар, бошига боғич устидан кийдириб қўйилган янги дўппи заъфарон пешанасига сурилиб кетган, ноўрин такаббурликни эслатар эди.

Ташқаридан Ёдгорнинг товуши эшитилди. Қудрат ака ҳовлига чиқди.

— Духовой оркестр келадиган бўлди, — деди Ёдгор акаси билан қучоқлашиб кўришар экан.

— Нима? — тушунмагандек бўлиб сўради Қудрат ака.

— Уруш ветеранларини шунақа кўмишар эмиш, — деди Ёдгор ўзининг айбсизлигини кўрсатиш учун.

— Оббо! — Қудрат ака чорпояга ўтириб қолди.

— Гулчамбарлар олиб келишармиш, ўзлари шунақа дейишди.

— Чойингиз совиб қолди, — деди Барно ийманиб.

Қудрат ака хонтахтада турган пиёлага қаради — билинар-билинемас ҳовур кўтарилар эди. Ишга кечикаётган одамдек ҳовлига Меҳри хола кириб келди ва мотамсаро қиёфага кириб, ҳамма билан кўришди.

— Ветеранлар келишармиш, ижроқўмнининг котиби ҳам қатнашар эмиш, — деди Ёдгор сигарет тутатиб. — Намунали маросим ўтказишар эмиш. Қоида шунақа экан.

— Кўргазмали тадбирга айлантиришмоқчи, — деди ғаши келиб Қудрат ака. — Тириклигида қаёқда эди улар, пашша кўришга одам йўқ эди. Духовой оркестр! — заҳарҳанда қайтарди Қудрат ака. — Юр, бекор қилиб келамиз, майнавозчилик-ку.

— Чопон кийиб олинглар, — деди Зарифа опа, — дўппи, кийиқча.

— Қайтиб келиб киямиз, — дея Қудрат ака ўрнидан кўзгалди.

— Мол дўхгири нима қилади азада? — деди улар кетгач Меҳри хола Муяссархонга қараб.

— Ветеринар эмас, хола, — Муяссархон аранг кулгисини босиб, — ветеран — уруш қатнашчилари.

— Бултур Вали абзий ўлганида шунақа бўлувди, — деди Меҳри хола Муяссархонга қараб. — Аза тўйга айланиб кетди. Хў-ўп ғат-ғут бўлди, карнай ўрнатиб, гап гапиришди. Пионерлар қотиб туришди. Ёмғир ёққани чатоқ бўлди.

Муяссархоннинг ортида Меҳри холага тикилиб Барно турар, гап нима ҳақда кетмасин, аёл ўйламай-нетмай суқилишидан, билиб-билмай аралашидан ҳайратланар, қайнонасининг чидамига қойил қолар эди.

— Биздаям шунақа бўлсинми? — деди Муяссархон базўр мулойим товущда.

— Қайдам, айтдим қўйдим-да, — деди Меҳри хола ва шу ондаёқ мавзуни унутиб Зарифа опага қаради: — Парда тортиш керак. Хотин-халаж келади, зикр тушишади, — деди.

— Олдин анови ғат-ғутини бир ёқлик қилиб келишсин, — деди Зарифа опа, — кейин кўрамиз — зикр керакми, йўқми. Сепараторга чиқа олмадим, сутни қайнатиб қўйиш керак.

— Ҳозир қайнатаман, — дея Барно ўчоқ томон ошиқди.

— Марҳумнинг кийимларини деворга осиш эсдан чиқмасин, — деди Меҳри хола писандага парво қилмагандек.

— Эркакларникини кўрган эмасман, аёлларники осилади, — деди Зарифа опа.

— Айтдим-қўйдим-да, — деди Меҳри хола. — Ювғичига пул билан тугун тайёрлаб қўйиш керак. Қачон келади?

— Машина жўнатиш керак, Ёдгор боради.

— Рўмолча, пешанабоғ-чи? Бисотингизда борми? Тобут-кашларга мозорда улашилади.

— Дўқондан олдирамиз. Ҳамма латта-путта тўйда кетди.

— Тўрт кун бурун тўй эди, бугун аза. Кўргилик-да. — Меҳри хола яна атворига мотамсаролик тортди. — Муяссархон, қизим, қора кийининг, келин бўласиз, айланай. Барнохон ҳам шойи-атласини алмаштирсин. Уят бўлади. Жаноза қатта ўқилар эмиш?

— Қабристон ёнидаги мачитда, — деди Зарифа опа афти-ангорини ўзгартирмай. — Чоллар шунақа дейишди.

— Узоқ-яқиндан келадиганлар улгуришармикин? — ўзини тия олмай яна сўради Меҳри хола. Унинг гапларида муайян тартиб бўлмай, эсига нима тушса, шуни сўрар, ўз саволига ўзи жавоб берар, оғзи тинчимас эди. — Улгуришгани келади, улгуришмагани кейин йўқлайди. Азалик уй. Ҳали етгиси, пайшанбалиги, худойиси бор.

Муяссархон ичкарига кириб кетди.

Зарифа опа мурда ётган хонани яна йиғиштириш учун супурги олиб ичкарида ғойиб бўлди.

Жасур дўппи кийиб, белига қийиқча боғлади, ташқарига чиқиб, Султонали ака ёнига ўтирди. Бу фаросатли киши, дўстининг дадаси бўлиб, Жасур унинг ўтитларини кўп эшитган, йигит бу одамни маъноли одам ҳисоблар, иззат қилар эди. Ҳозир маросимга алоқаси йўқ гап ўринсиз туюлиб, улар анчагача индамай ўтиришди, дадаси ҳақида оғиз очишмади. Дадаси Султонали акага гараз билан қарашини Жасур билар эди.

Ҳали чилласи чиқмаган келин мотам муносабати билан қай йўсинда кийинишни Муяссархондан сўради:

— Оддийроқ кийиниб олинг, менимча, қора кийиш сиз учун шарт эмас, — деди Муяссархон.

— Изза қилишмасмикин, опа? — сўради Барно иккиланиб.

— Ойимдан сўрайлик-чи, — деди Муяссархон.

— Четроқда сўраб беринг, — деди Барно шивирлаб, — анову хола эшитмасин, аралашади.

Меҳри хола дастурхондаги нон ушоқларини кафтига сидирар, ўз-ўзи билан гаплашар, кимлардандир ёзғирар эди.

Марҳум ҳужжатлари тайёр бўлгунича Ёдгор акаси билан керакки идораларга кириб чиқишди, ветеранлар “ташаббуси”ни тўхтатишди, улар тўғридан-тўғри келиб кетадиган бўлишди.

— Дадамиз икки-уч кун ўлмайдурса бўлар эди, — деди Ёдгор. Қудрат ака тушунмай, укасига тикилди: фурсати етгач, ажал кутармиди?

— Нега? — деди Қудрат ака укасидан ножўя гап чиқишини кутиб.

— Индинга чалларга бориб келиши керак эди, — деди Ёдгор тажанглашиб. — Қуда томон тайёргарлик кўришяпти.

— Айтишдимми?

— Айтишса-айтишмаса, удуми шунақа экан-да.

— Кечиктириш керак, — деди Қудрат ака. — бир ҳафта кейин ўтказилса, гуноҳ бўлмас.

— Дарвоқе, дадам ўлганини уларга хабар бермадик-ку, — деди Ёдгор ҳадиксираб. — Энди улар ҳам қариндошимиз, айтмасак, кўнгилларига келади. Бориб келамизми?

— Вақт кетади-да, — деди Қудрат ака иккиланиб, — ҳали қанча иш чала. Ким бажаради?

— Ўша ёққа қатнайдиган автобус ҳайдовчисига айтиб юборсак, ҳисобга ўтармикин?

— Тушунунади. Бир парча хат ёзиб юбор. Шу автобус билан келишса, дафнга улгуришади. Чаллар кунини ҳам шу ерда келишилади.

— Яхши айтдингиз, — деди Ёдгор тетик тортиб. — Сиз ҳужжатлардан бохабар бўлинг, мен бекатда автобус пойлайман.

— Тўғри борадиган автобус ўтадимми?

— Илтимос қиламан, Ғазалкент станциясидан кетадиган автобус ҳайдовчисига айтса, йўқ демайди, узрли воқеа.

— Бўпти, югур.

Ёдгор серқатнов кўчанинг иккала томониға аланглаб, нариги бетиға ўтиб кетди. Қудрат ака соатига қаради, ўлим гувоҳномасини бир соатдан кейин тайёр бўлади, дейишувди, яна йигирма дақиқача вақт бор, кутишға тўғри келади. Қудрат ака машинасидан чиқиб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади ва “Қудрат ака, сизмисиз?” деган овозни эшитиб, ўтирилди. Кул ранг спорт кийимида сочи оқара бошлаган одам икки қадам нарида турар эди, Қудрат ака кўққисдан уни танимади.

— Ассалому алайкум, Қудрат ака, — дея нотаниш киши, ўзининг ёши тўрт-беш йил улуг бўлса-да, сизлашиб, андак хижолатда қўл чўзди. Қудрат ака шунда таниди. Бу киши шаҳардаги рўпара уйда яшар, жамоа чойхонада баъзан-баъзан учрашиб, Қудрат ака у билан салом-алик қилиб турар, ёзувчилигини билмас, аммо унинг расмидан таниб, битта асарини ўқиган, асар қисса бўлиб, Қудрат акаға маъқул тушган, учрашишганда қисса ҳақидаги таассуротини Қудрат ака ёзувчиға айтган эди.

— Ие, ие! — деди Қудрат ака мулзам бўлиб. — Кечирасиз, дарров танимапман. Бу ёқларда нима қилиб юрипсиз?

— Сиёҳим тугаб қолди, шунга чиқувдим.

— Бу атрофда ҳовлингиз борми?

— Ҳовлимас, ёзувчилар уйи бор. Ижодий уй.

— Биламан-биламан, — деди Қудрат ака дарҳол, — ёшлигимизда ўт юлгани келардик. Шайхзодани ўшатта кўрганман.

— Шу ерликмисиз?

— Ҳа, Дўрмонданмиз. ЗАГСға гувоҳнома олиш учун келувдим, — деди Қудрат ака, зина билан чиқиладиган бир қаватли биноға ишора қилиб, — кутаяпман.

— Тўй тайёргарлигими, дейман? — сўради ёзувчи жилмайиб.

— Йўқ, дадамиз қазо қилди. Пешинга чиқарамиз. Гувоҳномасиз гўрков кўммас эмиш.

— Ие, шунақами? — деди ёзувчи ва қўлини юзига тортди. — Худо раҳмат қилсин. Баңдалик.

Қудрат ака ҳам дуо қилди. Ўртаға ўнғайсизлик тушгандек бўлди. Шу пайт, саросимани тарқатиш учун чиққандек, зинада атлас кўйлак кийган жувон кўриңди.

— Умаров! Келинг, — дея, у қўли билан ишора қилиб, Қудрат акани чақирди.

— Кечирасиз, — деди Қудрат ака шошиб, — мен бир зумга...

— Бемалол, бемалол, — дея ёзувчи икки одим ортиға жилди ва Қудрат ака маҳқамаға кириб кетгач, нима қиларини билмай қолди. “Бир зумга...” дегани, албатта, “кетмай туринг”ни англатар, ҳаялламаса, кутгани маъқул, қолаверса, таниш одам, кўшни, саломалиги бор, отасининг маросимиға билиб туриб бормаслик

одобдан эмас, бироқ устида спорт кийими, азага бунақа тусда бориб бўлмайди. Кута бошлади. Қудрат ака ҳақиқатда тезда қайтиб чиқди.

— Куттириб қўймадимми? — деди Қудрат ака гувоҳномани икки буклаб ич чўнтагига солар экан.

— Йўқ, йўқ, — деди ёзувчи дарҳол.

— Ўтиринг, ташлаб ўтаман, — дея, Қудрат ака машинасига чиқиб, ён эшикни очди.

— Овора бўлманг, Қудрат ака, ўзим етиб оламан, — деди ёзувчи эшикни ушлаб. — Ҳовли қаерда, шуни айтсангиз, ўзим ўтар эдим.

— Йўлда айтаман, ўтиринг, — қатъий деди Қудрат ака.

Ёзувчи ўзини ноқулай сезиб, машинага ўтиришга мажбур бўлди ва бир ярим чақирим юргач:

— Бурилманг, ораси яқин, етиб оламан, — деди. — Пиёда юриш мароқди. Ўйлаб кетасан киши. Сиз тезроқ уйга боринг, юмушингиз кўп.

Қудрат ака машинани йўл четида тўхтатди, ёзувчи мулозамат билан тушиб қолди.

Қудрат ака машинасини ҳайдаб кетар экан, тўсатдан ўйлай бошлади — ёзувчини машинага ўтқазди, сиёҳ олдимми, йўқми, билмас эди, қистаганидан мулзам бўлди, таъби айнади. Унинг устига Ёдгорни кутмай, жўнаворгани ҳам ғалати бўлди. Энди у ҳайдовчи билан гаплашиб келган бўлса, акаси ҳам, машина ҳам йўқ. Аланглаб тургандир балки. Қудрат ака машинасини буриб, йўлидан қайтди, Қибрай томон елди. Аммо бояги жойда Ёдгор кўринмади. Қудрат ака ножўя ҳаракати учун баттар хуноб бўлди. Бир оз кутди, укаси келавермагач, яна йўлга тушиб, Дўрмонга жўнади. Бироқ уйига етгач, эшик ёнидаги скамейкада Султонали ака билан учта қария чой ҳўплаб ўтиришар, пиёлаларидан ҳовур кўтарилар эди.

— Ёдгор келдимми? — дарҳол сўради Қудрат ака, чоллар билан кўришгач, Султонали акадан.

— Ўзингиз билан кетди-ку, — деди воқеадан беҳабар Султонали ака.

— Адашиб кетдик, — дея Қудрат ака ичида ўзини койиди. — Майли, келиб қолар.

Зарурат бўлмаса-да, Қудрат ака шошилиб ҳовлига кирди.

Тўн кийиб қийиқча боғлаб олган Жасур ҳурпайган сочи устидан янги дўппини ўқтин-ўқтин босар, дўппи ўрнашмас, унинг бўйнигача тушган сочи бу вазиятда ғализ кўринар, Қудрат аканинг ғашини келтирар, унинг устига бир қўли билан дўппини босиб, тортилган арғамчига иккинчи қўли билан дастурхон ёзар эди. Маҳалла кўмитасининг раиси Турдивой ака пардани эгиб Зарифа опа билан нимадир ҳақида гаплашар, нариги томондан тоғора-жомнинг даранг-дурунги эшитилар эди.

Маҳалла раиси Қудрат акани пайқаб, Зарифа опага маъқул,

деган маънода бош ирғади ва пардани қўйиб юборди. Икковлари кўришдилар. Эллик беш ёшли қотмадан келган Турдивой ака олазарак одам бўлиб, ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмас, оқ аралаш мўйлови учбурчак сомсага ўхшаш соқоли билан туташган, икки лаби орасидан сўйлоқ тиши кўриниб турар, кўзойнагида қуёш ёлқинлар эди. Одат бўйича бунақа пайтда айтиладиган таъзияли сўзлардан кейин Турдивой ака, эшик томон юратуриб, Қудрат акага гап қистирди:

— Йигирмани еттинчи октябрга мўлжалладик. Рози бўлсангиз, мозорда эълон қиламиз.

— Розиман албатта, — деди Қудрат ака раисга эргашиб. — Ёмғир ёғмаса бўлгани.

— Ақалли ўн беш кун ўтиши керак, — деди Турдивой ака гўё ёмғир ёғиши-ёғмаслиги унинг ихтиёридадек. — Куз ҳавоси, ёғса, маҳаллада брезент бор, ёпамиз. Бир соатлик маросим, ўтади-кетди. Фақат ҳовлида хизмат қилувчиларга қийин бўлади-да. Илож қанча? Мунақа ҳодисани олдиндан билиш қийин. Тайин қилинган бўлса, одамлар жалада тўй ўтказяпти. Насиб қилгани бўлади. Жадвалга қараб ёғса, бир нав эди.

— Тўғри, — деди Қудрат ака айни шунақа кунни кўз олдига келтириб.

— Ҳали-замон одам йиғила бошлайди, — деди Турдивой ака. — Тўн, дўппи кийиб, бел боғлаб олинг, Қудрат ака, — деди раис илтимос оҳангида. — Азаликсиз.

— Хўп бўлади, ҳозир, — деди Қудрат ака дарҳол ва орқасига бурилди.

— Ювғичини опкелиш керак, — деди Турдивой ака Қудрат аканинг кетидан. — Уйда пойлаб ўтирипти. Соат бирга маййит тайёр бўлиши керак. Одамлар бир яримда намоздан чиқишади.

— Ҳозир чиқаман, ўзим бориб келаман.

Қудрат ака тўн, дўппи кийиб, белни боғлаб чиққанида, кўча эшикнинг икки томонига қўйилган скамейкада ўндан ортиқ ҳар хил ёшли одамлар ўтирар, пичирлаб гаплашишар, тунги салқин аринагани учун юпун кийинганлари қуёш тушаётган жойни танашиган эди. Қудрат ака Султонали ака ёнига ўтирди. Маҳалла раиси кўринмади, идорасига кетган чоғи.

Кўча бошида Ёдгор кўринди. У шошилиб келар, бир оз оқсоқланар эди. Қудрат ака укасини кутмай кетворганидан дили яна вазланди. Ёдгор скамейкада ўтирган одамлар олдидан таъзим билан ўтиб, акаси олдида тўхтади, унга нималарнидир ўқтириб, ичкарига кириб кетди.

Шошилган пайтда вақт тез ўтади. Тайин вазифаси бўлмагани учун Ёдгор бир ҳовлига отилар, бир кўчага чиқар, зарур нарсани унутгандек аланглар, тирноғини ғажир, қаттиқ акса урар, Жасур эса, ҳеч ким у билан гаплашмагани учун ўзини бегона ҳис қилар, ўқтин-ўқтин дўпписини бостирар, вақт унга секин ўтаётгандек туюлар, тинмай чекар эди. Қудрат ака машинасида ювғичини

уйдан олиб келди. Маҳалла йигитлари эшик рўпарасига тобут ўрната бошлашди. Ҳассали, ҳассасиз ветеранлар бир тўда бўлиб келишди, уларнинг орасида руслар, татарлар ҳам бор эди. Ҳаммасининг кўксига сийқаси чиқиб кетган орден-медаллари шилдирар, кўзойнаклари офтобда ялт-юлт порлар, баъзиларининг орзидан арақ ҳиди келар эди. Чипта шляпа кийган киши ҳал бўёқ билан сўзлар ёзилган лентали, сунъий гуллардан иборат чамбарни тобут ортидаги пойдеворга суяб қўйди ва чанг нарсани ушлагандек, кафтини қоқиб, сафдошлари ёнига ўтирди. У жуда муҳим вазифани бажарган кишидек ўта жиддий эди. Демак, қабр устида митинг бўлар экан, деб ўйлади Қудрат ака — ўзи шундан чўчиб турувди. Кимдир сўз айтмоқчи бўлса ким унга эътироз билдиради? Бир ёқдан жаноза — дуо, иккинчи ёқдан нутқ, дадасининг рус шериклари кўп эди, албатта сўзга чиқишади. Яхшиям духовой оркестр олиб келишмапти. Улар тобут орқасидан улгура олишмайди, автобус топиш ёки Ёдгорнинг ишхонасидан келган юк машинасига скамейка ўрнатиш керак бўлади.

— Ҳасса таяниб тобут олдига тушишимиз шартми? — деди Қудрат ака маҳалла раисининг қулоғига.

— Ўзингизга эриш туюлаётган бўлса, шартмас, қаторда кетаверасиз. Тобут кўтаришингиз ҳам мумкин — отангиз-ку, — деди Турдивой ака. — Укаларингиз тобут олдига тушишса — майли.

— Вой отам, дейишсинми?

Турдивой ака жилмайди — бу маъқул деганими, ёки бу каби удумга нисбатан билдирган танқидий муносабатими, Қудрат ака тушунмади.

— Фарзандлари, ихтиёр ўзларида. Индамай кетаверишса ҳам айб эмас. Дарвоқе, — деди Турдивой ака нимадир эсига тушиб, — эртага туман газетасида таъзия босилади. Ўқиганлар келиши мумкин. Шу ерда бўлганингиз маъқул.

Уч кун мобайнида одамлар таъзияга келишини Қудрат ака билар, аммо иши жадаллиги туфайли қолган маросимларни Ёдгорнинг ўзи ўтказар, деб ўйловди, демак, ақалли яна бир кун ўзи ҳам туриб бериши керакка ўхшайди.

— Албатта бўламан, — деди Қудрат ака ва бир гуруҳ келаётган одамларни кўриб, ўрнидан турди. Одамлар ортида эрталаб учрашган ёзувчи ҳам шошмай келар, ҳозир унинг устида костюм-шим, бошида дўппи бор эди. Қудрат ака уни ҳеч қачон дўппида кўрмаган эди, энди у Қудрат ака назарида ҳамма қатори бўлиб қолгандек туюлди. Ёшлар жой беришди, янги келган одамлар билан бирга ёзувчи ҳам скамейкага ўтирди. Шаҳардаги қўни-қўшнилари ёзувчини "домла" дейишар, шунинг учундир Қудрат ака, ўқиган бўлса-да, унинг исмини унутган, "домла" деб мурожаат қилар эди.

Одамлар сони кўпая бошлади, тик турганлар сафи чўзилиб кетди. Шунча одам қачон хабар топди, Қудрат ака билмас, дафнга

шу қадар омма қатнашади, деб ўйламаган эди, кўнгли кўтарилди. Шубҳасиз, боя Турдивой ака маҳалла идорасига кетганида, хойнаҳой бошқа маҳаллаларни ҳам огоҳ қилган. Иш куни, кўплар узоқ-яқинда, бунча одам тўпланиши ўз-ўзидан бўлмади. Турдивой акага баракалла. Газетага ҳам хабар берипти. Шунақа сезгир, фаросатли одамлар борлиги яхши, маросимлар тартибли ўтади. Тўйда ҳам бош-қош бўлди, мақоми бузилмади, хизматга қўйилган ёш-яланглар вазифаларини ҳовлиқмай аниқ бажаришди, жанжал чиқмади. Турдивой ака тўй охирлаганда кетишга ижозат сўради, Қудрат ака тўйдан атаб, елкасига тўн ташлади, Турдивой ака қўл очиб, келин-куёвга бахт-саодат тилади, мулозамат билан хайрлашди.

Соат бирда тобут кўтарилди. Тор кўча мазорга борувчилар билан тўлган, ҳеч кимнинг овози чиқмас, жимликда қадам товуши эшитилар, айниқса, йигитлар тобут талашисар, шошилишар, тобут лапанглар, четдан қараган кишига одамлар бошидан сузиб кетаётгандек кўринар эди.

* * *

— Уйқу қанақа мўъжиза, — ўйлади Қудрат ака ваннага тушиб чиққач, илиқ кўрпа орасига киргач ва ўзи истамаган ҳолда мудроқ аралаш эртанги тадбирни чамалай бошлади: саҳар чоғи Муяссархон билан яна Дўрмонга жўнаши керак. Ишга кетаётган одамлар йўл-йўлакай фотиҳага киришади, жой тайёрлаш, дастурхон тузаш лозим. Қайта туриб Қудрат ака онасига ҳам, укаларига ҳам эрта туришни, сув сепиб жой ҳозирлашни тайинлаган, Ёдгор албатта бу ишларни, бажаради, Жасур ҳам бекор турмайди. Тобут кўтарилишидан ярим соат бурун етиб келишган Барнонинг ота-онаси кечга томон кун ёруғлигида Сижжакка қайтиб кетишди, бугун балки яна туришар. Аза ташвиши билан бўлиб, Қудрат ака Саттор ака билан бафуржа гаплаша олмади, шунчаки бир-икки офиз сўроқлашишди. Саттор ака ўрмон хўжалигида агроном бўлиб ишлашни Қудрат ака биринчи борганида эшитган эди, ҳозир ишлар қизиган пайти эмиш. Писта-ёнғоқ, олма-дўлана пишган, давлатга топшириш режаси бор, чиқиндиларни қоқи қилиш, пичан ғамлаш, ўрмончилар қароргоҳларини қиш мавсумига тайёрлаш, чўккан томларини таъмирлаш, янги шифер ёпиш, қўриқларини бўри-айиқдан тўсиш керакмиш. Саттор ака баъзан машинада, баъзан отда ҳамма қўриқлардан хабар олиб туриши, кун бўйи тоғма-тоғ санғиши, ҳафтааб ўша ёқларда қолиб кетишга мажбур эмиш. Агар илож топса, эртага ҳам келиб кетади, Қудрат ака бориши зарур, шарт, фақат барвақт уйғониши керак. Уйғона олармикин? Ҳозир эса мудраппти, аммо уйқу келмаяпти. Қаттиқ чарчаган одам, одатда, тез ухлай олмайди, хаёллар уйқу бермаяпти. Қайнотаси эсига тушди. Бугун қабристондан қайтгач, таъзияга келувчилар кети узилмади. Ора-чорада Қудрат ака ёзувчи, қайнотаси ва

Саттор ака билан суҳбат қурди, гап қизиганда албатта кимдир келади, Қуръон ўқилади, суҳбат чала қолади. Кейин кимдир гап бошлайди, мавзу ўзгаради, яна гап чала қолади.

— Райкомда танишим бор, — деди Қудрат акага қайнотаси сирли оҳангда, — гаплашиб бераман. — Бу боя бошланган мавзунинг давоми эди.

— Ҳожати йўқ, — деди Қудрат ака ҳам гаши келиб, ҳам хижолат чекиб. — Рози бўлсам, қабул қилишади.

— Рози бўлинг, — деди қайнотаси, — нега рози бўлмайсиз? Замон талаби шунақа бўлгандан кейин кўниш керак-да. Аллақачон докторлик темангиз тасдиқ бўлар эди.

Қудрат ака нохуш жилмайди.

— Нега куласиз? — деди қайнотаси кўевининг ўжарлигини тушунмай. Унинг назарида Қудрат ака ўз фойдасини билмайдиган гўдроқ одамни эслатар, анойилигидан кўп имтиёзлардан бебахра қолиб келаётгандек эди.

— Аравасига тушсам, ашуласини ҳам айтишим керак бўлади, — деди Қудрат ака.

— Айтинг, сиздан нима кетипти? Уларни соғиб ичиш керак.

Қудрат ака чуқур хўрсинди — аслида қайнотаси Қудрат аканинг феълига мутлақо ёт одам эди.

Докторлик мавзуси илмий кенгаш томонидан тасдиқ қилинган бўлса-да, Қудрат ака ишини бошлаб юборган, Мичурин — Лисенко таълимоти тарафдорлари илмий кенгашда мутлақо кўпчиликни ташкил этишар, Қудрат аканинг диссертацияси битган чоғда ҳам, қарши чиқишлари аввалдан аниқ эди, чунки уларнинг аксарияти партия аъзолари бўлиб, расмий тан олинган назарияни, улар ҳеч қачон инкор қилишмас, қайтага ортиқча ташаббус билан эътироф этишар, шу йўсин имтиёзларга эга бўлишар, ҳар турли унвон, мукофот ва раъбатлар орттиришар, инкор қилиш эса мартабалардан маҳрум бўлиш деган гап эди. Бир сафда бориш, ҳақиқий нуқтаи назаридан шубҳали таълимотни бир овоздан ҳимоя қилиш улар учун илмий жипсликни, ягона назарияга содиқлик тимсоли эди. Бир йўсинда фикрлаш, яқдил бўлиш, ажралмаслик, подадан қочмаслик, лаббай деб жавоб бериш олий ҳосият ҳисобланар эди. Шунинг учун йилт этган янги нарса аҳиллик билан ўчирилар, ўчирилгач, тантана қилинар, анчагача йилт этиш йўллари бўғилар эди. Тенглик, бир мақомга тушиш ҳеч кимни ижиргантирмас, аксинча, ҳурофий яқдиллик анъанасида суяги қотган халқ вакиллари партия сафига урилишар, аъзоликни омад деб билишар, шараф билан рўкач қилишар, энди бунақа аъзони осонликча рўйхатдан ўчириб бўлмас, олимми, шоирми, амалдорми, прокурорми — ўлжа йиғиш авжига чиқар эди. Хўп, бажарамиз, деса бас, албатта, ижроси ҳам бўлиши шарт. Партия битта бўлгач, мафкура ҳам ягона. Бошқачаси бўлиши мумкин эмас. Партиянинг раҳбари нима демасин, мулоҳаза қилиниши гуноҳ, фақат маъқуллаш, тасанно айтиш керак. Миллионлаб одамлар

олқишлашади. Оддий фикр масалан, "олтин қўллар" ибораси шиорга айланади. Жўр бўлмаган одам четда қолади, имтиёзлардан маҳрум бўлади. Четда қолмаслик учун ҳамма томоғини қириб ўкиради. Бу шарафли йўлда бўғилиб қолиш ҳам шараф. Натижада, ношуд олим академик бўлади, бебурд асар классик намунага айланади, юз минглаб нусхада чоп этилади, оммавий муҳокама — олқишлар уюштирилади. Совуқ-намликка қарамай минг-минглаб талабаларни ўқиш жараёнидан юлиб пахта теримга юборилади, қанчадан-қанча қизлар туғмас бўлиб қайтади, айнаи кўкракда олтин юлдуз чақнай бошлайди, ғалабадан илҳомланган шоирлар ғазаллар, бастакорлар кўшиқлар битишади, ҳофизлар кекиртак қизартириб... Шу пайтда кимнидир ҳибсга олишаётган ёки сўроқ қилишаётган бўлишади. Қудрат ака партияга қарши бўлса, қайтага яхши, эътиқод ўз аъмоли билан ҳамма нарсдан — тўқликдан, фаровонликдан, суллоҳликдан, ҳирсдан юксак туради, юксак туриши керак, бироқ фирқа аъзолиги амал, бойлик, ўзга фикрни бўғиш, бўлак мулоҳазани яқинлаштирмаслик воситаси сифатида ишлатилса, мутлақликка даъво қилса, бу қанақа партия? Қанақа эътиқод? Қалбаки, сохта эканини ҳамма билади-ку. Сохта нарса омонат бўлади, ҳалокатга дош бера олмайди, қуламаслик учун пўписа воситасидан, пўписагина эмас, жазо усулидан фойдаланади, чунки ўзи кўрқади, йиқилса тура олмаслигини билади, шунинг учун шоввозларга таянади, уларга амал, унвон беради, рағбатлантиради. Қалбаки маддоҳларнинг носамимийлигини билса-да, барибир суяк ташлайди. Қудрат ака ёшлигида уч-тўртта шериги билан рамазон айтгани ҳуфтон пайтида эшикма-эшик санғишар, "Рамазон айтиб келдим эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешигингизга", деб айтадиган наърада тамадан бўлак ҳеч нарса йўқлигини билар, бир бурда нон чиқса, талашишар эди. Шоввоз-маддоҳларнинг ҳайқириви ўша "рамазон айтиб келдим"нинг бир кўриниши эмасми? Рамазон айтувчига остонанинг нариги томонида ким бор — ўғримиз, каллакесарми, мўмин бандами, — фарқи йўқ, садақа, иона қилса бас. Агар борди-ю, ўша усти метин кўринган қоя қуласа, маддоҳлар нима қилишади, қанақа алёр айтишади? Қанақа бўлар эди? Ёд олинган байтни айттаверишади, битта-иккита сўзини, масалан — "партия" ўрнига "ватан" ёки замонга мос сўз қўйилса — вассалом. Оҳанг, зарб ўша, мақсад битта — ундириш, юлиш, назардан четда қолмаслик, имтиёзлардан бебаҳра бўлмаслик. Тузум қанақа бўлади — иккинчи даражали нарса, муҳими мослашиб олиш керак. Қонимизда бор хусусият. Улуғ аллома, шоиру шуароларимиз шунақа қилишмаганми? Тахтда ўтирган султонни куюшга қиёс қилишган, Оллоҳнинг сояси дейишган. Тахтга бошқа султон келгач, таъриф янги султонга нисбатан ишлатилган. Исноддан ҳазар қилганлари, жирканганлари кўп ҳолларда уйдирма айб билан жазога ҳам маҳкум қилинадилар...

Одат бўлиб қолгани учун Қудрат ака барибир саҳарда уйғонди. Ошхонадан хотинининг телефон орқали гаплашиши эшитилар эди, узук-юлуқ сўзларидан онаси билан гаплашаётгани аниқ бўлди. Гулшанни келтириб, боғчасида қолдириш керак, Муяссархон ишли одам, бутун Дўрмонга чиқмаса ҳам бўлади, узрли. Қудрат ака бир ўзи бориб, бел боғлаб турса кифоя. Бу уйда ҳам дастурхон тузаб қўйиш лозим, Дўрмонга бора олмаган одамлар таъзияга келишади.

Қудрат ака бадантарбия қилгани балконга чиқди. Дерзани Муяссархон очган бўлса керак, ҳаво тиниқ, салқин, рўпарадаги уйнинг юқори қавати тонгги қуёш нурида сомондек ёлқинланар, паст ғира-шира, дарахтлар орасидан машинанинг пишқириши эшитилар эди.

— Гулшанни олиб келаман, — деди Қудрат ака ваннага тушиб чиққач ошхонада чой дамлаётган Муяссархонга, — боғчасида бўлсин. Сиз уйда қолинг, одамлар келиши мумкин.

— Эркак кишисиз қандоқ бўлади? — деди Муяссархон андак ўнғайсизланиб. — Келадиганлар ҳам эркаклар бўлишади-ку.

— Жасурни жўнатаман, жон деб келади, — деди Қудрат ака. — Подага сифмаяпти.

— Подага? — Тушунмай сўради хотини. — Қанақа пода?

— Турқини қаранг, товуклар ичидаги товусга ўхшайди.

— Қўйинг, фотиҳа пайтида ҳам чекади, — деди Муяссархон аранг ботиниб. — Қодир акани чақираман, Қуръон ўқиш қўлидан келади.

— Майли, Жасурни барибир юбораман, чой-пойга қараб туради.

Қудрат ака Дўрмонга етиб борганида эшик олдига қўйилган стол ёнида Ёдгор дийдираб турар, бўлак ҳеч ким кўринмас, пиёладаги чойдан ҳовур кўтарилар эди.

— Жасур қани? — деди Қудрат ака Ёдгор билан кўришгач.

— Ҳали тургани йўқ, — деди Ёдгор, у ўқиндими, укасини ҳимоя қилдим, Қудрат ака англай олмади. — Кеч ётди-да. Бир уйғонсам, ҳовлидан овози келаяпти.

— Ичдими? — хавотирланиб сўради Қудрат ака.

— Қайдам, — деди Ёдгор бепарво тусда. — Ичмаса сайрамас эди. Икки орада Барно хижолат.

— Барно нега хижолат бўлади?

— Жасур гапга тутди-да, унга ҳам пиёла суқди, аям аранг уйга киргазиб юборди.

— Сен-чи?

— Нима мен?

— Сен ҳам торттингми?

— Қиттак, Жасур қистади.

— Дадамизнинг тўшаги совумай, ича бошлапсизлар, баракалла, — деди Қудрат ака истехзо билан ва таъби айниб, ичкарига кириб кетди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас, арқонга ташланган

чойшаб пардалар елкандек елпинар, кўшни томондан эчкининг маъраши, мактаб-боғчага боргиси келмаган болаларнинг хархашаси эшитилар эди. Ўчоқбоши атрофига қоқилган шифер остидан онасининг калиш кийган оёғи кўринди. Зарифа опа ҳолвайтар пишираётган бўлса керак, Қудрат ака кўчада турганидаёқ ҳиди димоғига урган эди. Мен келдим, деган маънода Қудрат ака қаттиқ йўталиб, чорпоядаги хонтахта ёнига бориб ўтирди. Ушатишган нон бурдалари устига сочиқ ёпиб қўйишган эди, демак, нонушта қилишипти, аммо нега шу тобгача Меҳри хола кўринмайди, Қудрат ака учун гумон эди. Айни шу пайтда, худди Қудрат аканинг йўқлашини кутиб тургандек, кўча эшиқда Меҳри хола пайдо бўлди. Қудрат ака анграйиб қолди. Меҳри хола келиннинг хонаси олдидаги курсига ўтириб, у ёқ-бу ёғини тузатди, қўлига рўмолча олиб, дабдурустдан йиғлашга тушди. Аёл юзига рўмолча тутиб, дийдиё ўқир, йиғи аралаш сўзларини англаб бўлмас, кўзлари қуруқ эди. "Йиғлаб" бўлгач, Меҳри хола бошини эгиб, тиловат қилди, юзига фотиҳа тортди ва ҳеч нарса бўлмагандек, ўрнидан туриб, чорпоя томон йўрғалади, кафтини Қудрат ака елкасига қўйиб, кўришди.

— Азахонадан йиғи чиқмаса, уят бўлади-да, айланай, — дея Меҳри хола Қудрат ака рўпарасига ўтирди. — Удуми шунақа. Келин қани? Ётган бўлса, уйғотиш керак. Хотинлар келишса, танноз дейишади. Уят бўлади.

— Мен шеттаман, хола, уйғонганим қачон эди, — деган келиннинг аразли товуши уй муъолишидан келди. Қудрат ака ўша томон қаради. Барно дока орқали сатилга сут қуяр, сочи ёнидан осилиб тебранар, лозим жияги тўпигигача тушган, яланг оёғида амиркон кавш йилтирар эди. — Чой-пой ичиб ўтиринглар, ҳозир ҳолвайтар олиб келаман. Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, — деди Меҳри хола, — ниятингизга етинг, айланай, аммо лекин биринчи бўлиб салом айтилади, бошқа гап кейин бўлади. Удуми шунақа, жон қизим, қўнглингизга олманг.

— Удум удуммас, сизга дум, — дея Зарифа опа тўрт ликопда ҳолвайтар келтириб қўйди, ўғли билан кўришди.

— Овсин, нима десангиз денг, аммо ҳай-ҳуй деб турмасам, кофирдан фарқ қилмай қоласизлар-да. Йиғи товуши чиқмади, зикр туширтгирмадингиз, айланай, ўлик шўрлик умидвор бўлиб ётгандир.

— Қанақа умид, опа? — деди Зарифа опа аёлниги гапига парво қилмай. — Шаталоқ отиб кунни ўтди, қариб қуюлмади. Хонасига келин кирса, тутдек тўкилиб тураман, қўл чўзмасмикин, деб.

— Қўл чўзишга бало борми, пиёлани ушлай олмайдиган бўлиб қолувди-ку. — Меҳри хола албатта нимадир деб жавоб қайтариши керак.

Қудрат ака мийиғида кулиб қўйди.

— Билмайсиз-да, опа. Бултур лўли келувди, ёпишипти. Аранг пул бериб юпатганман.

Қудрат ака онасининг гапига яна кулди.

Меҳри хола нон бурдасини ҳолвайтарга ботириб тамшанди.

— Ис чиқариб, яхши қилипсиз, савоб бўлади, — деди Меҳри хола мамнун тарзда.

Қудрат ака эсини танибдики, шу аёлни билади. Ён қўшни, яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам яраган. Яна шуниси тузукки, аразчи эмас. Яхши гапга қувнайди, ёмонини юқтирмайди. Балки шунинг учун маълум даражада жиззаки онаси бу аёлнинг ўта маҳмадоналигига, кўп ҳолларда тутуриқсиз гапларига чидар, балки ўрганиб қолган эди. Меҳри хола такаллуфсиз, урф-удумларга ёпишиб олган бўлса-да, аслида ғаразсиз аёл эди. Зарифа хола неча марталаб унинг оғзини тийган, "чаққан", бошқа одам алақачон узил-кесил бўлиб кетар эди, бироқ Меҳри хола пинагини ҳам бузмайди ёки койиш кор қилмайди, ёки териси қалин, ёки фаросати етмайди. Зарифа опа жаҳл устида ҳайдаб юборган пайтлари ҳам бўлган, аммо ярим кун ўтар-ўтмай Меҳри хола худди ҳеч нарса бўлмагандек, яна кириб келаверган. Оила аъзосидек бўлиб қолган. Хоҳ Қудрат ака, хоҳ Ёдгор, ҳатто марҳум Умар ака ҳам Зарифа опага совға олиб келишса, Меҳри холани ҳам эсдан чиқаришмайди. Ўз уйига сиймай қолгани рост. Келинлари у ёқда турсин, то ҳатто ўғиллари ҳам тап тортмай онасини жеркиб ташлашади, сиғдиришмайди, кунлаб уйига чиқмаса ҳам, йўқлашмайди, суриштиришмайди, бу ердан бўлак жойга кетмаслигини билишади. Эри ҳаёт пайтида Меҳри хола чоли билан овунар эди, вафот этгач, аросат бўлиб қолди, кечгача уйда бўлган чоғларида ҳам биронта келини чой дамлаб бермайди, овқат пиширишса, қозон тагида қолдиришади — ўзинг сузиб ол, дегани, тоби қочиб, ётиб қолса ўғиллари бири бирига солади, дори олиб келиш ҳам малол туюлади, Зарифа опа хабар олади. Бир йил бурун қаттиқ шамоллаб ётиб қолганида Меҳри холани Зарифа опа уйига олиб чиқиб қаради. Бемор бир ҳафта ётди, уйдан ҳеч ким чиқмади. Ёзғирса, Зарифа опа айб ўзингизда, ҳаммаларининг ишига аралашсиз, бешиб қолишган, сизсиз қулоқлари тинчийди, дейди, Меҳри хола индамай қолади, ютади.

— Келинлар орасига тушган одам ўзи панда ейди, талаша-веришсин, суқилиб нима қиласиз? — дейди Зарифа опа Меҳри холани койиб.

— Салима кир ювадиган машинасини бермапти, шунга Жамила жанжал чиқарди. Машинаси ер юггурни берса, ейилиб қоладими? — дейди Меҳри хола тутоқиб. — Унга ўчакишиб, телевизор кўргани борган болаларни Жамила ҳайдапти, жанжал кўтарибди. Ҳар кuni жиққамушт, бир нарсадан баҳона бошланади. Велосипед келди-ю, машмаша яна авжига чиқди. Болалари боғчада пайтда ҳам Салима матоҳини бермайди, ичкарига бекитиб қўяди, Жамиланинг зумрашалари хархаша қилишади. Ҳовлини бўлиб оларинг, тинчийсанлар, дедим. Шундан ҳам жанжал бошланди, ярим қарич ер деб ака-укалар юзкўрмас бўлиб

кегишди. Унинг эшиги у ёқда, буники бу ёқда, ойлаб дуч келишмайди. Ўртада сўпайиб мен қолдим. Неваралар бегона, мени кўрса эшигини ёпиб олади.

Таъзияга келганлар кўчадан нари дуо-фотиҳасини бажариб кетишди, ҳовлига ҳам жой қилинган эди, лекин ҳеч ким қирмади. Ярим автобус бўлиб Ёдгорнинг институтидан одамлар келди. Ҳовлига ўндан ортиқ хотин-халаж тўпланди, йиғи очилди ҳам.

— Барнонинг онаси чаллардан оғиз очди, — деди Зарифа опа Қудрат акани четга имлаб. — Нима дейсан?

— Қайдам, — деди Қудрат ака.

— Турдивой ака шетга бўлса, сўраб кўр. Агар шариат кўтарса... Мен бормайман, албатта. Барно Меҳри холани ҳам истамаса керак. Ёшроқ жувонлар топилар.

— Салима билан Жамилалар бор-ку, кўшнингиз, — деди Қудрат ака.

— Бири юрган кўчадан иккинчиси юрмайди-ку, битта машинага тушишармиди. Биттасини айтсанг, иккинчиси тумтаяди. Бошқасини чақирамиз. Сен раис олдидан ўт-чи, ўшанга қараб иш кўрамыз.

Қудрат ака кўчага чиқди. Ясатилган дастурхонли стол атрофида Турдивой ака, Султонали ака ва Ёдгор ўтирар, боя уйғонган Жасур нарироқда сигарет тутатиб турар, бошидаги дўппини босиб кўяр, Ёдгор ўқтин-ўқтин акса урар, тирноғини тишлар эди.

— Агар қуда томон тайёргарлик кўриб қўйган бўлса, — деди Турдивой ака Қудрат аканинг мулоҳазасини эшитгач, — қолдириш керак эмас. Зарифа опа бормасалар, майли, азалик аёл. Чақириқ бошқа жойда ўтади-ку, айб эмас. Аза бир йиллик нарса, тугагунча кутса, келин ҳомиладор бўлиб қолиши мумкин, чалларга чақалоқ кўтариб борадими? Ўтказаверишсин. Ким билиб ўтирипти? Билишса нима? Ўлик чиққан уйда эртасига тўй ҳам қилишаяпти одамлар. Қачон борилади?

— Уларга хабар етказишимиз керакмиш.

— Етказаверинглар, бир кунлик тадбир, ўтади-кетди, йўл очилади.

Қудрат ака маҳалла раиси идрокли одам эканига яна бир бор икром бўлиб, Турдивой акага ташаккур изҳор қилди, гап натижасини онасига етказди. Зарифа опа ҳам шундай бўлишини билгандек хабарни вазмин кутиб олди, хабарни қудасига айтди, чарлар шанба кунига тайин қилинди.

— Шанба кунига яна икки кун бор, — деди Ёдгор, — улгурасизларми?

— Улгурмаган иш борми? — деди Зарифа опа. — Масалликларни олиб келсанг бўлгани, биз улгурамыз.

— Нималар пиширасизлар? — сўради Ёдгор.

— Ҳасип, норин, чакчак, сомса, патир. Келин сарпосидан ташқари беш тоғора нарса пиширилади. Юк машинанг ярим бўлади.

Барно четда туриб, бир қайнонасига, бир эрига қарар, тадбирга дахли йўқдек кўринар, бўлажак чарлар эри билан қайнонасига шунча оворагарчилик, сарф-чиқим келтириши мумкинлигидан ҳам хижолат чекар, ҳам қувнар эди. Энди Барно ўз уйига бировнинг келинидек, омонатроқ кириб боради, кейинчалик қатнаганида ҳам ўзини бегонадек сезади, тезроқ қайтиш пайига тушади. Агар чарларга тоғора-тоғора нарсалар билан борса, бунга муносиб даражада жавоб қайтаришга ота-онасининг қурби етармикин? Бундай тўқис, тўқин-сочин юбориқлар уларда урф эмас, эсанкираб қолишмасмикин? Ахир тоғоралар бўш қайтиши мумкин эмас, уларнинг тайёргарлиги бормикин, ўсал бўлиб қолишмасмикин? Агар остона ҳатлаб кўчага чиқиш мумкин бўлганида, Барно ақалли автобус ҳайдовчисига бир парча қоғоз ёзиб юборган, ота-онасини исноддан қутқарган бўлар эди. Чарлар Барнонинг дилида гулгула уйғота бошлади.

— Ёдгор ака, — деди Барно кечаси чироқ ўчирилганидан кейин, — мен кўчага чиқа олмайман, Сижжакка хат жўнатиш керак.

— Қанақа хат? — Эловлагандек сўради Ёдгор хотинининг мударасидан беҳабар.

— Шунча тоғора борар экан, бунақа расм-русум йўқ, аямни огоҳ қилиб қўймасак, хижолатпазлик чиқади. Вақт оз қолапти, улар улгуришлари керак. Ёки олиб бориладиган нарсалар сонини қисқартириш керак. Бир тоғора сомса етарли, улар ёзғиришмайди.

— Қандай қилиб бу ишларга мен аралашаман? Хотинларнинг иши-ку.

— Хат ёзиб бераман, ҳайдовчидан бериб юборасиз, — деди Барно жиддий оҳангда. — Тоғоралар бўш қайтса, бу ерда гап чиқади.

— Оббо! — дея Ёдгор гугурт қақиб, сигарет туташтирди.

— Ҳар эҳтимолга қарши-да. Аза пайтида бунақа дабдаба ярашмайди, — деди Барно алақаёқдан тушаётган нур орқали шифтда липилаётган барг аксига тикилиб.

* * *

Отасининг ўлими баҳонасида Жасур бир ҳафтагача билим юртига ҳам, ётоқхонага ҳам бормади. Ёдгорнинг янги уйида тунаб юрди. Таллидан совринсиз қайтганидан ор қилиб, рассомлар уюшмасида бўлиб турадиган кўрғазмаларга ҳам бормади қўйди, кўп чекадиган, ўзича ижирғанадиган, бирон нарса чизишга киришса, охирига етказмайдиган, хомакиларни йиртиб ташлайдиган, ўзи ҳали арзигулик асар яратмай туриб, бошқа рассомларни оёқ учиди кўрсатадиган бўлиб қолди. Ҳатто бир пайтлар унинг учун чўққи бўлиб туюлган Тансиқбоевнинг асарларини ҳам "челуха", "фоторасм", "изтиробсиз манзаралар", дейишга ўтди, ҳамма нарса беҳуда, субутсиз кўриниб, ўзининг мақталган ишлари ҳам маъносиз, саёз, майда туюла бошлади, агар асарлари қўл остида

бўлганида Жасур уларни ёқиб ташлашга ҳам тайёр эди. Бу “ҳамма нарсани инкор қилиш”, лоқайд, тирғисиз-танг кайфиятни аритиш учун Жасур янги асар яратиши, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган кескин, дағал, “ғаш” келтирувчи мавзу топиб, бўёқларни безорича чаплаб, одамларни жигига тегиши ва шу йўсин билан шов-шув кўтариши кераклигини фаҳмлади, бироқ қани ўша “тиконли”, “фавқулодда” “дағал” мавзу?

— Зеҳни ўткир рассом учун ҳамма нарса мавзу, — деди Жасурнинг тушкун аҳволини пайқаган муаллими Убай ака. — Шоҳ асарлар, “теша тегмаган” мавзу билан “фавқулодда” мавзу орасида катта фарқ бор. Зўраки кучаниш билан фавқулодда нарса яратиб бўлмайди. Авангард асар ички эҳтиёждан чиқса, самара бериши мумкин. Акс ҳолда майнавозчиликка ўхшаб қолади.

— Яъни, асар ғоясиз бўлиши керак, демоқчимисиз? — деди иккинчи ўқитувчи. Улар, Ашраф ака билан Убай ака ҳаммиша “ғоя” масаласида баҳс қилишар, Ашраф ака “асарнинг йўналиш моҳияти аниқ бўлиши керак”, деса Убай ака тескарисини айтар, улар ҳеч қачон муросага келиша олишмас эди.

— Ғоясиз асар бўлмайди, — деди Убай ака. — Курсини чизсангиз ҳам ғояси бор.

— Курсида қанақа ғоя бўлиши мумкин? — деди бўш келмай Ашраф ака.

— У рассомнинг назарига боғлиқ. Ғоясиз нарса яратиш мақсадининг ўзида ғоя бор. Чизиш учун нарса танлашда, ном кўйишининг ўзида ғоя бор.

Ўқитувчисининг фикри янги эмас эди, албатта, Жасур бунақа ўғитларни кўп эшитган, бир пайтлар жуда содда ва одил туюлган бу гаплар бора-бора аҳамиятсиз, жўн ҳақиқатга айланиб, баъзи такаббур рассомлар бу таълимдан бир қадар ийманадиган, очикдан-очик менсимай, тескарисини қўллаш йўлига ўтишган. Ҳатто уларнинг бундай “инкорпараст”лигини эътироф қилувчилар, рағбатлантирувчилар, уларни “ғазабли”, “исёнкор” атаб, ижодкорлар орасида асабий муҳит туғдирганлар ҳам бўлган. Агар бунақа “оқим” ташаббускорлари орасида ном чиқарган санъатшунос бўлса, унинг овози, фикри мутлақ ҳисобланган. Бунақа санъатшуносларнинг баъзиларини Жасур танийди.

Ёдгор укасини талаба билиб, имкони борича Жасурни танг қолдирмасликка тиришар, кунора харажат қилиб, гўшт, тухум, сарёғ, колбаса, мева-чевалар билан холодильник токчаларини тўлдирар, ҳатто қулдон тагига ўн сўм-ўн беш сўм қистириб кетар — “сигаретга” дер, Жасур ижодкор сифатида ўзини бир қадар юқори тутар, акасининг сарф-харажатларини писанда қилмас, табиий нарса деб қарар, ахлатни ҳам чиқариб ташламас, Ёдгор хоналарни бир зумда ўзи йиғиштириб чиқар, хотини келиб қолса, уйни исқирт ҳолда кўришини истамас эди.

— Қачон бу жойга кўчиб тушасизлар? — деди Жасур

пишқириб пол артаётган акасига. Жасурга қолса, улар умуман кўчиб тушмасликлари маъқул, ётоқхонадан бу уй ҳар жиҳатдан афзал эди — хоҳласа ётади, хоҳласа туради, истаган пайтида ижод қилади, хомакилар чизади, кўнгли кўтарган таом пишириб ейди, чекади, ичади — ҳеч ким суриштирмайди...

— Дадамиз яқинда ўлди, — деди Ёдгор қаддини ростлаб. — Йигирмаси ўтсин, бир гап бўлар. Кўчиб тушсак Барнога ҳам, менга ҳам қулай. Лекин ойимиз... ҳайҳотдай ҳовлида бир ўзи қандай яшаркин? Кўчиб кетишимиз қанақа бўларикин? Акамиз оилали, институт, диссертация — ўзидан ошмайди. Мен эса, ҳассани ташлаб, иш бошлаганимга ярим йил бўлгани йўқ. Барно техникумини тугатиши керак. Сен ҳам охирги курсдасан, рассомсан... Дўрмондаги ҳовлини сотиб, шаҳардан кичикроқ жой олайлик, десам ойим кўнмаяпти, "келин бўлиб тушганман, учаловинг шу уйда туғилгансанлар, отанг шу ерда жон берди, сотишни гапирма ҳам", дейди. Кўчиб тушсак ҳам, бир оёғимиз у ёқда, бир оёғимиз бу ёқда бўлади — сарсончилик. Барно оғироёқ бўлиб қолса, аҳвол баттар оғирлашади. Қудрат акамни ишга солайми, деб турипман, ойим гапини қайтаролмайди. Шаҳарда турсак сен бирга бўлар эдинг, ўша жойга келин туширардик, бир-биримиздан узоқлашмас эдик... — Ёдгор ошхона столидаги кулдонда тутаётган сигаретини икки марта тортиб, ўчирди, — шанба куни ўшатта бўл, чарларга борамиз.

— Чалларга келин боради-ку, — деди Жасур таажжубланиб. — Эркаклар нима қилади?

— Кувчақирикни кўшиб ўтказишмоқчи қуда томон, — деди Ёдгор, ўзининг бу ишга дахли йўқдек, иккала кафтини ёйиб. — Давронни ҳам айтдим. Тўрт эркак бўлиб борамиз — акам, сен, Даврон, мен.

— Келин-чи?

— Чаллар келинсиз ўтармиди? Боради, албатта. Ойим, Меҳри хола, бир-иккита жувон. Хуллас, ўнга яқин одам, "РАФ" тўлади. Машинани гаплашиб қўйдим.

— Ойим унармикин? Тўрттовимиз ҳам азаликмиз...

— Ойимни ўзидан чиқди бу гап, — деди Ёдгор андак онаси учун фахрлангандек. — "Ўлик ўлик билан, тирик тирик билан", деди. Даданг ёшини яшади, ошини ошади, домангир бўлмайди, руҳи келса, ўзим жавобини бераман. Кайфи тетик кулади, кайфи сўлиқ ўлади. Ўлганни кетидан қозонни сувга ташлаб қўйиш керакми? Ҳаёт фанимат, ялла қилганга палла!" Келган одам ҳам диконглаб кетди. Барно ханг-манг бўлиб қолди, нуқул: молодес ойимиз, дейди! Ойимиз шунча матал билар экан, серрайиб қолдик. "Ўлганга ўлана, тирикка дўлана", "Кўрга маслаҳатдан битта ҳасса афзал..." Жим юрадиган, камгап бўлгани учун ойимдан шунча гап чиққанига Меҳри хола қийқириб юборди.

Онасининг бу каби дадил, одамларнинг норози висир-висиридан чўчимамай, айтган гаплари, ҳатто ўзини моддийончи

ҳисоблаган Қудрат аканинг дилида ҳам ҳадик, ҳам алақандай шавқ уйғотди. Муяссархон бу тадбирда қанақадир шак борлигини фараз қилиб, Сижжакка боришдан умуман бош тортди.

— Овсинсиз, бормасангиз тўғатмагандек бўлади, — деди Қудрат ака. — Чиройли жой, ўзим кўрганман, баҳрингиз очилади.

Ҳақиқатда, неча киши борган бўлса, ҳаммалари табиат кўркидан таъсирланиб қайтишди. Узоқдаги тоғлар чўққисиди ёз бўйи эриб улгурмаган қор лахтак-лахтак бўлиб ётар, беғубор осмон кўм-кўк, қуёш чарақласа-да, сояда одамнинг эти жунжиқар, қизил-сарик барглар пирпирар, алақандай буталар алвондек ловулар, шудрингда ювинган майсазор яшил бахмалдек товланар, биринчи бўлиб баргини тўкадиган тераклар фоз туришар, беҳига тирмашган узумнинг қирмизи доналари барглар орасидан йирик маржон шодасидек ял-ялланиб кўринар, нур теккан чоғи барглар панасида чироқдек порлар, кўлнинг нариги қирғоғидаги уйлар қизил, яшил, нафармон, сариқ гулбаргларга буркангандек сокин ва беозор мудрар, қайсидир чорбоғдан бинафша ранг тутун барглар тўзонига айқашиб елар, дераза табақаси елпинар, қуёш нури тушганда ялт-юлт ёнар, кўзни қамаштирар эди. Меҳмонлар дўлана, наъматак теришди, тўкилган ёнроқларни чақиб ейишди, чақалоқ калласидек келадиган анор доналарини ҳовучлаб тамшашди.

— Қаёққа қараманг манзара, — деди Жасур, расмият йўлига бир оз “келин” бўлиб ўтиргач, мезбонлик вазифасини бажаришга киришган Барнога. — Афсус, бўёқларимни олиб келсам, бирон нарса ишлаб кетардим.

— Яна келинг, автобусда бир ярим соатлик йўл, — деди Барно. — Дадам билан Чотқолга борасиз. Тоғлар, дарёлар, қинғир дарахтлар, бир зумда ёмғир ёғади, бир зумда қуёш чарақлайди. Тўймайсиз.

— Келаман, — деди Жасур сеҳрланиб, — сиз ҳам келсангиз, шу манзарада расмингизни чизардим. Келасизми?

— Келаман, албатта, — деди Барно расмонни рағбатлантириб ва айни бир чоғда, гўё бу мафтункор жойлар ўзига қарашлидек, гурурланиб. — Акангиз рухсат берса, — деб қўшиб кўйди.

— Нега рухсат бермайди? Уйингиз, туғилиб ўсган жойларингиз.

— Акангиз бебошлигини биласиз-ку, — деди Барно Жасурнинг “Мадонна” деганини эслаб ва майсазорда укаси билан копток тепишаётган Ёдгор томон кўз ташлади: — Қаранг, футбол ўйнапти.

— Футбол ўйнаса, нима қипти? — тушунмай сўради Жасур.

— Куёв деган сал одоб сақлаши керак-да.

Барно эрининг “шаддир-шуддирлигидан” уялаётганини Жасур пайқади.

— Айтинг, ўзингни тут, денг.

— Айтсам, жеркиб беради, мулзам қилади.

— Майли, ўйнайверсин, — деди Жасур ва такроран: — Расмингизни чизмоқчиман, — деди.

— Сочимни қирқтирай, кейин.

— Йўқ, — деди Жасур чўчиб. — Қирқтирмай туринг. Қиёфангиз ўзгариб кетади.

— Баҳорда келамиз, — деди Барно рози бўлгандек. Негаки, сочини қирқтиришга ўзининг ҳам кўзи қиймас, бироқ сочи қирқилган дугоналари орасида бир ўзи узун соч билан қолиб, ўзини ғалати сезар, “қишлоқи” деган писандадан орият қилар, сочининг баҳридан ўтишга қарор қилиб қўйган эди. — Унгача юраманми зилдек сочимни оқидтириб. Турмакласам, сифмайди, ташлаб қўйсам, бошимни оғритади.

— Нега баҳорда?

— Баҳор баҳор-да, — деди Барно. — Уйғониш. Ҳаммаёқ гуркирайди.

— Мен кузни ёқтираман. Қанақади маъюслик бўлади.

Барно сирка билан мурчга “ўлдирилган” пиёзниғимлаб, ликопларга солди.

— Ҳиди келаяпти, кабоб тайёр бўлганга ўхшайди, — деди Барно ва ним ранг тутун таратаётган қўра устида туриб, алланималар ҳақида гаплашаётган дадаси билан Қудрат ака томон қаради, — қўра ёнига қўйилган курсида анор-узум, писта-бодом, яғни узилган нон ва чала ичилган коньяк шишаси, пиёлалар турар эди. Барно икки ликоп пиёз олиб: — Юринг, — деди. Жасур эргашди.

— Ичкарига кирамизми? — деди Саттор ака меҳмонга юзланиб.

— Шу ер гаштли эмасми? — деди Қудрат ака тортиниб.

— Бир ликопини шу ерга қўй, — деди Саттор ака қизига. — Унисини аёлларга олиб кир. Биз шу ерда тамаддиқ қиламиз. Ўтиринг, — дея, Саттор ака Жасурга стул сурди ва қизига: — Куёвни чақир, — деди.

Барно бир ликоп пиёзни столга қўйиб, копток тепишаётганларга қаради.

— Ҳей, куёв! — дея Барно ҳазил қилиб Ёдгорни чақирди. Ёдгор ўйиндан тўхтаб, бу томон юзланувди, Барно қўли билан “Келинг” ишорасини қилди. Келиннинг “шўхлигига” Қудрат ака беихтиёр кулиб қўйди.

Қизининг қалтис ҳазилидан мулзам бўлган Саттор ака, зўраки жилмайиб, хафа бўлмадимикин, деган гумонда куёвигатикилди. Ёдгор ҳазилни эшитмагандек копток тепар, ағанар, қийқиради эди.

— Қудрат Умарович, бир дақиқага кириб кета оласизми? — деди кадрлар бўлимининг ходими, дўмбоққина жувон Қудрат ака ўтиб кетаётган институт коридорига эшикдан мўралаб. Қудрат ака, хаёлга берилганиданми, ёки коридор нисбатан осойишта бўлгани учунми, чўчиб тушди, овоз келган томонга ўтирилди, энди ўргана бошлаган кўзойнагини олиб, тикилди — эшикни қия очиб, лабида расмий табассум билан дўндиқ жувон турар, у Қудрат ака тўхтаб, ортига қараши билан бир қадам жилиб, эшикни кенгроқ очди. Жувоннинг миллати қанақа эканини Қудрат ака билмас, ҳамма уни Эльмира деб чақирар, Эльмира рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам яхши гапирар, ходимларга бир хил муомала қилар, “шахсий дело” папкалари шу жувоннинг сейфида сақланар, хорижий сафар ёки саёҳатга борувчилар ўз ҳужжатларини шу бўлим орқали расмийшлаштиришар, деярли ҳамма “сафарчиларнинг “иши” Эльмиранинг қўлида бўлгани учун уларнинг бориш-бормасликлари ҳам шу жувоннинг хоҳишига боғлиқ эди. Эльмира кимни мувофиқ деб ҳисобласа, тасдиқ учун юқорига ўшанинг ҳужжатларини олиб чиқар, Эльмира хоҳламаган номзоднинг “делоси” сейфда қолаверар, номзод сўраса, Эльмира “ўтмадингиз, тасдиқ қилишмади”, дер, бошини чайқар — бу номзоднинг омонат, ғализ эканига ишора бўлиб, у эндиликда доим ҳадиқда юришга мажбур эди. Бу Эльмира нечта папка олиб чиқса, ҳаммаси тасдиқдан ўтаверади, деган маънони билдирмайди, албатта. Бешта папка олиб чиқса, кўп деганда, учтаси тасдиқдан ўтади, иккитаси қайтади, Эльмира баъзан бунинг сабабини тушуниб ҳам етмайди — демак, Эльмирандан ҳам махфий тутиладиган сирлар бўлиши мумкин. Эльмира, албатта, нималигини фараз қилади — талабаларни пахта теримига чиқишлари натижасида олаётган билимлари чалалиги, теримчиларга яратилган шароит оғир экани, айниқса, қизлар учун бу уқубатлар кўнгилсиз оқибатларга олиб боришини айтувчи ўқитувчилар бўлиши мумкин. Бунақа гапларни Қудрат ака ҳам айтиб юрар, ҳатто терим компаниясига бағишланган мажлисда қиз-талабаларни пахтадан озод қилиш масаласини кўтарган эди, балки шунинг учун икки йил аввал махсус таклиф бўлишига қарамай, Қудрат акани Амстердамда (Бельгия) бўладиган генетиклар конференциясига бориш учун рухсат берилмаган эди. Қудрат ака конференцияга боришига амин эди — барча харажатни у томон ўз зиммасига олган, қолаверса, шундай нуфузли анжуманга ўзбек олимини таклиф қилинишининг ўзи эътиборга молик бўлиб, тадбир тайин эканлигига Қудрат ака шубҳа ҳам қилмаган, “тасдиқ қилинмадингиз”, деган хабарни эшитгач, Қудрат ака саросимага тушиб қолган эди. Халқаро миқёсда ўтадиган анжуманда қатнашиш, биологияда рўй бераётган янги ихтиролар, маълумотлардан бевосита хабардор бўлиш ва энг муҳими — таклиф улар томонидан келиши жиддий аҳамиятга эга эканини

бу ердагилар тушунмаганидан Қудрат ака асабийлашди, фиғони чикди. Қудрат ака, ҳатто юқори ташкилотларга чиқиб, жанжал қилмоқчи бўлди, бироқ ҳамкасбларидан бири Қудрат акани ҳовуридан туширди. "Улар билан ўчакишсангиз, баттар бўлади, йўлингизни беркитиб қўйишади, ҳеч қаёққа чиқа олмайсиз, деди, улар билан тортишиб бўладими?"

Қудрат аканинг оғзидаги оғзида қолди, бир қур аламини ичкиликдан олишга тушди. Хўжжагларни расмийлаштиришда Эльмиранинг иштироки бевосита бўлгани сабабли, ўшандан бери Қудрат ака Эльмирага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди, коридорда дуч келса, Қудрат ака жувон билан саломлашмас, ўзини кўрмаганга олиб ўтар, аммо бир зум ўтгач, қилган иши учун пушаймон бўлар, Эльмира аксига олса, душманга айланиши, панд бериши мумкин эди. Шунинг учун Қудрат ака тил учуда бўлса ҳам Эльмирага хушомад қилар, аслида эса ундан чўчир, ёқтирмас эди. Ҳозир ҳам унга кўзи тушиши билан Қудрат аканинг юраги орқасига тортиб, қайсидир томири узилиб кетгандек бўлди. Тўғри, ўша "тасдиқ" бўлмаган пайтда, Эльмира азият чеккандек кўринди, аммо бу "изтироб"и қанчалик рост, "азият"и қанчалик самимий эканини Қудрат ака билмас эди. Ахир "тасдиқ" қилмаган амалдор ўз қарорини маълум далил билан исбот қилиши, исбот қилмас-да, эътирози сабабларини Эльмира олдида келтириши керак бўлган, демак, Эльмира Қудрат аканинг "нозик" томонини, яъни керак пайтда шу хусусиятини гуноҳга айланттириб, айбно-ма сифатида рўқач қилиши, хоинлик, жосус тусини бериши мумкин.

— Қудрат Умарович, танишинг, — деди Эльмира Қудрат ака хонага киргач ва қўлини орқасида чалиштириб у ёқ-бу ёққа юрган, қора сочи силлиқ таралган қотма кишини кўрсатди. — Холтой Чориевич.

Холтой Чориевич ясама табассум билан қўл чўзди:

— Саломатмисиз, Қудрат Умарович?

— Раҳмат, яхшимисиз? Кечирасиз, шошиб турипман, — дея Қудрат ака Эльмира томон юзланди. Эльмира жилмайиб, бир қўли билан "хайр" ишорасини қилди ва шу ондаёқ хонадан чиқиб, эшикни ёпиб қўйди.

Ним қоронғи хонада Холтой Чориевич билан Қудрат ака якка қолишди. Қудрат ака бу кишини авваллари ҳам бир неча бор кўрган, бирон кафедра ёки хўжалик бўлимида ишлайди, деб ўйлар, ҳамма қатори бу киши билан ҳам саломлашиб ўтар, "анови" даргоҳнинг ходими эканини фараз ҳам қилмас, ҳозир ҳам бу киши бирон талабанинг отаси бўлса керак, ўғли имтиҳондан йиқилиб чиққан, отаси Эльмира орқали ўғлининг иши ҳақида илтимос қилса керак, деган тахминга борди.

— Марҳамат, Қудрат Умарович, ўтиринг, — деди Холтой Чориевич ва стулга ишора қилди. Қудрат ака ўтиргач, Холтой Чориевич ҳам кичик стол рўпарасидаги стулга ўтириб, камтар

табассум билан Қудрат акага тикилди. — Тинчлик-омонликми, Қудрат Умарович? Ишлар яхшими?

— Раҳмат, — деди Қудрат ака, бу киши қандайдир талабанинг отаси эмаслигига амин бўла бошлаб. Холтой Чориевичнинг муомаласи ўта майин, одобли экани учун Қудрат ака кўрс жавоб бермасликка қарор қилди; суҳбат ҳали мавҳум, одатда, қўлланадиган "соғ-саломатмисиз"дан иборат бўлиб, Қудрат ака ҳозирча бу киши кимлигини фақат тахмин қилар, орган одами, дейиш учун ҳали етарли "далил" йўқ эди.

— Биз яқин таниш бўлмасак ҳам, — деди Холтой Чориевич иймангандек жилмайиб, — мен сизни орқаворотдан танийман, илмий муваффақиятларингиздан хабардорман. Биз, энди, одми одамлармиз, соҳангиз сирларини билмаймиз — тушунмаймиз, бироқ барибир хурсанд бўлиб юрамиз...

— Раҳмат, — деди яна Қудрат ака нима деб жавоб беришни билмай. Лекин Холтой Чориевичнинг бу қадар ширин дебчасидан кейин албатта асосий мақсадга ўтиши тайинлигини Қудрат ака фараз қилар, муудоасини аввалдан пайқашга, пайқаса, ҳимоя чораларини тайёрлаб қўйишни кўзлар, аммо "меҳмоннинг" сўзлари Қудрат аканинг зийраклигини чалгитар, аврар, Қудрат ака суҳбатга қай томондан ёндошишини билмас, саросимага тушар, тоқатсизланар эди.

— Жиянлар бардамми, Қудрат Умарович? — сўради Холтой Чориевич, бунақа "суҳбатлар"ни ўтказавериб моҳир бўлиб кетган бўлса-да, асосий муудоаони бошлаш учун "туртки" излаб. — Фарзандлар нечта? Тўнғичингиз неча ёшда?

"Қанақа тўнғич? Таажжубланди Қудрат ака, фарзандларингиз, дейди. Наҳот нечта фарзандим борлигини билмаса? Ёки бу одат бўйича ўсмоқчилаб бериладиган саволми? Разгон олиш усулими? Авра-астаримгача биледи-ку".

— Фарзанд битта, қизча, — деди Қудрат ака гангигандек, — олти ёшда.

— Майли, омон бўлсин, — деди Холтой Чориевич тетик овозда. — Битгасини берган Худо яна беради.

— Иншоолло, — деди Қудрат ака жўр бўлгандек. — Энди менга рухсат, зарур юмушларим бор.

— Майли, Қудрат Умарович, шошаётган бўлсангиз, ушламайман, — деди "меҳмон" дарҳол рози бўлиб ва камтар жилмайди. — Бир суҳбатингизни олмоқчи эдим, узр, айбга буюрмайсиз. Мавриди келганда гаплашармиз.

"Мавриди" деган сўзи Қудрат акани талмовсиратиб қўйди: қанақа маврид? Яна суҳбат бўладими? Қудрат ака Холтой Чориевичнинг "узр"ида қанақадир гина аломатини пайқаб, хижолатланди — чиқиб кетишни ҳам, ўтиришни ҳам билмай қолди. Одатда, Холтой Чориевич кимни "суҳбатга" чорламасин, у, яъни "суҳбатдоши" албатта ниманидир баҳона қилиб, даф бўлиш чорасини излайди; бунақа ходим билан учрашишдан ор

қилади, чунки ҳеч қанақа ваъда бермаса-да, одамлар бунга шубҳа билан қарайдиган, дуч келганда, четлаб ўтадиган бўлиб қолишади. Номи, "ғаламис"га чиқади. Одамларнинг бу каби ҳурковичлигини Холтой Чориевич билади, шунинг учун "суҳбатдошига" нисбатан ўта мулойим, ҳатто дилкаш бўлиб кўринишга тиришади, баъзи камчиликларни, масалан, тўхташ жойига автобус кечикиб келгани ёки магазин беш дақиқа кеч очилганидан ёзғиради, шу усул билан "суҳбатдошни" ўзи томон буқади, "суҳбатдоши" "пишгач", асосий муддаога ўтади. "Камчиликсиз биронта жамият бўлмайди, дейди, бизда жузъий камчиликлар тўлиб ётипти, аммо гап ўша камчиликларга қандоқ қарашда. Биров эътибор бермайди, биров қўлидан келганча бартараф қилади, тузатади, аммо биров шу арзимаган нуқсонни кўпиртиради, ғаламислик қилади, адоват уйғотишга тиришади, ёвуз ниятини бошқаларга юқтиришга уринади, ҳамма нарсага ёмон тус беради. Бор шунақа унсурлар, тўқ бўлсанг — кўра олмайди, оч бўлсанг — бера олмайди, халқни бузади, бузмасликлари учун олдини олиш, инсофга чақириш, тарбиявий иш олиб бориш керак. Бу ҳам самара бермаса бошқа чора қўллаш, масалан, унақа одамни жамиятдан четлатиш мумкин. Ахир кўзи ожиз одам ҳам кўраяпти — турмушимиз кун сайин тўкис, фаровон бўлаяпти. Шунини кўрмаслик, ғараз тошини олиш ёки ҳар панادا висир-висир қилиш, норози ижирганиш — ҳаётимизга доғ уриш, ўзи сув ичадиган қудуққа тупуриш, барча ютуқ-муваффақиятларимизни кўрмаслик, тўғрироғи — кўролмаслик эмасми? Ахир қарияларимизни қаранг, йўлда тош ётса, четга олиб қўйишади, чунки кимдир қоқилишини исташмайди, савоб иш қилишади. Жамиятимизга сиз ҳам ёрдам беришни истасангиз, ўша "тошни" четроққа суришга қарашиб юборсангиз, акажон (укажон), ахир савоблиги муқаррар-ку..." Ва ҳоказо.

Баъзи ҳолларда бу каби "илтижо" самара беради ҳам, "тарғибот сеҳрида" қолган киши лаққа тушганини ўзи ҳам билмайди. "Тўрга" тушган шубҳали унсурлар исканжага олинади, қайралади, "тарбия" берилади, кўп ҳолларда уларни ҳам омач орасига қўйиб юборишади. Илмоққа тушган кимса ҳеч қачон елгақдан қутула олмайди, ялқовлик қилса, ойлаб "хабар" итказмаса, "никталанади" ёки қўшимча имтиёз эвазига фаолроқ хизмат қила бошлайди. Ораларида бунақа махфий "ватанпарвар" борлигини ҳеч ким пайқамайди, кўплар аврашга берилиб, кўнглидагини айтади-қўяди, ҳафта ўтмай керакли идорага чақиртирилганда, кўзи очилади, фараз қила бошлайди, аммо шунда ҳам "хабарчи" ким эканини била олмайди. Булар умуман бири бирини шунақа "фаолият" билан машғул эканини билишмайди. "Тарбиячилар" уларнинг номини фош қилишмайди. Бошқа усуллари ҳам бор — масалан, "бочка" усули. Мўлжалга урадиган усул. Бу усулни қўллаган ходим, "ўлжани" албатта қармоққа илтирилади. Кимдир, жабр кўрган ёки омади келмай юрган бўлса

ёки мўлжаллаб юрган амал, унвон, мукофот бошқа одамга тегса, алам қилади, қаҳри келади, ҳамма нарсага ғараз, салбий назар билан қарайди, юқори идораларни нохолис, тамагирликда айблайди, аввал эътибор бермаган нуқсонларни бўрттиради, тузум иллатига чиқаради, кимларгадир "ёрилади", "ичини бўшатади", бу гап ўша куниёқ керакли жойга етиб боришини фараз қилмайди ҳам. Яна бир тоифа бўлади — латифа айтувчилар. Латифани одам ичида сақлай олмайди, қанча одамлар келса, латифачи шунча авжига чиқади. Латифалар халқ турмушида рўй бераётган ижтимоий, сиёсий, маиший беқарорликни акс эттириб, биринчи гада мамлакат бошлиқларининг найрангларини фош қилар, бу эса юртда норозилик борлигидан далолат берар, маълум маънода тарғибот вазифасини бажарар эди. Бунақа латифачини ушлаш қийин эмас, айбини исботлаш қийин. Латифачи бозорда эшитдим, дейди — қутулади, ҳатто иккита-учта латифани ходимларга ҳам айтиб беради, кулдиради, бинобарин ходимларнинг ўзлари ҳам ўзаро тап тортмай латифа айтишади, аммо муддао айбдорни тутиш, чора кўриш, жазо қўллаш керак бўлгани учун "тарғиботчи" тамғаси билан уч-тўрт йилга қамашади, ёки уни қайраб, жамоа ичига ташлашади, у "маълумот" таший бошлайди, "стукач" номини олсада, шу йўсин билан жазодан қутулиб қолади, "бочка" усули шу.

Холтой Чориевич Қудрат аканинг саросимасини дарров пайқади — "гинаси" шунчаки ранжиш эмас, жуда тўғри мўлжалга олинган, бир неча бор синалган усул эди — Қудрат аканинг рангидан қон қочди, каловлаб қолди.

— Гапимиз узоққа чўзилмаса, майли, суҳбатлашайлик, мавриди қачон келади? — деди Қудрат ака қўлидаги журнални тиззасига қўйиб. — Иш тутармиди? Бирон илтимос бўлса... хизмат.

Холтой Чориевич шу керак эди, "илинди", деб ўйлади у. Энди аста-секин чувалаштирса бўлаверади.

— Йўғ-э, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич, хижолат тортгандек бўлиб, — сиздек одамга хизмат буюриш одобдан бўладими? Шунчаки, нима десам экан, маслаҳатми, йўл-йўриқми... Сизга ўхшаган онгли, маданиятли кишининг ўтити, ёрдами зарар қилмайди-да...

— Марҳамат, — деди Қудрат ака ходимнинг асосий муддаога ўтаётганини фаҳмлаб, — қўлдан келса, жон устига.

— Аслида тайин бир мақсад ҳам йўқ, шунчаки ҳозирги вазиятга муносабатингиз қанақалигини билсак, балки нуқтаи назаримиз бир ердан чиқармикин, деб ўйловдим.

— Қанақа вазият? — Қудрат ака "меҳмоннинг" мақсадини англаса-да, муқаррар бир ибора эшитишни истар эди. — Мен илм билан машғул одамман, бошқа муаммолар мени унча қизиқтирмайди. Газеталарни кам ўқийман, радиодан фақат концерт эшитаман, телевизор кўришга фурсатим йўқ. Вазият деб шуни назарда тутаётган бўлсангиз, фойдам тегмайди, Холтой...

— Чориевич.

— ...Холтой Чориевич. Сиёсат умуман мени қизиқтирмайди. Менинг сиёсатим ҳужайра, насл белгиси ва ҳоказо. Шундан сўранг, ярим соатлик маъруза қилиб бераман. Оғзингиз очилиб қолади.

"Муғамбирлик қилаяпти, деб ўйлади Холтой Чориевич, чап бермоқчи". Асабий кулди.

— Албатта, Қудрат Умарович, илмга берилган одамлар мутаассиб бўлишади. Бошқа нарсани кўришни ишташмайди ҳам. Тўғри-да, фақат шунақа ихлосмандлик оқибатида бирон нарсага эришиш, кашф қилиш мумкин. Бироқ ҳаётдан юз ўтириш ҳам яхши эмас. Ҳаёт — ҳаёт-да, тундан-кундан иборат, қора билан оқ, бахт билан офат ёнма-ён юради, бунақа нарсаларни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Албатта, турмушимизни нуқсонсиз, деб бўлмайди. Шу нуқсонларни енгишда ҳам адашиш, қоқилиш ҳолатлари учраб туради. Қоқилса ҳам, адашса ҳам — нияти пок-ку. Унга қўл чўзиш ўрнига, мазах қилиш, баъзан баттар итариб ташлаш инсофданми?

— Тўғри, — деди Қудрат ака, бу "атрофлича", мавҳум мулоҳазаларнинг оқибатини англай олмай.

— Баали, — деди Холтой Чориевич руҳлангандек жонланиб. — Афғонистон масаласининг ўзи бир дунё муаммо. Аскарларимиз жасаdlари рух тобутларда келаяпти. Мусибат. Бироқ нима бўлса бўлар, деб ташлаб қўйилса, давлат идораси қанақади мазҳабчилар қўлига ўтади, аҳолисининг аҳволи баттар оғирлашади. Маблағ, қурол-аслаҳа билан кимлар уларни таъмин қилиши маълум, эртаиндин чегарани бузишдан ҳам тойишмайди, хатар туғилади. Қараб туриш керакми? Баъзилар, тўртта-бешта тобут келганини эшитиб, кўр-кўрона аюҳаннос кўтаришяпти, бурчак-бурчақда фитна-фасод уюштиришяпти. Ахир кимдир "ҳай!" дейиши, инсофга чақириши керак-ку. Бунинг ўрнига ўзи қўшилиб, жўр бўлаяпти. Ҳукумат кимга таянади? Уларга жазо беравериш — бу ҳам чора эмас. Онг ошиши керак, ватанпарварлик ҳисси уйғониши лозим. Юртимиз учун ҳаммамиз масъулият сезишимиз керак. Шундай эмасми, Қудрат ака?

— Тўғри, — деди Қудрат ака, ҳозиргина "Қудрат Умарович" деб турган "меҳмон" "Қудрат ака" дейишга ўтишини нимага йўйишни билмай. Ўзини нақадар яқин тутишиданми? Ёки шунақа қилиб кўрсатмоқчимиз?

— Яна шуниси бор-ки, "унақа" шахсларнинг гапи биринчи қарашда тўғри бўлиб кўринади, кимнингдир дилидагисини айтаётгандек туюлади, эшитган одам дарров рози бўлади, ўзи ҳам айтадиганини айтади, кўрибсиз-ки бирпасда маслақдош бўлиб қолишади, даъво-таъналарини бошқаларга ҳам айтади, уларнинг кўзида адолатпарвар, қаҳрамон бўлиб кўринади, фитна уланиб кетаверади. Яра газак олмаслик учун олдини олиш зарур, акс ҳолда тежаб бўлмайди.

- Яра-чи? — деди Қудрат ака.
- Нима "яра?"
- Олдини олмаса, яра газак олиб кетиши мумкин, — деди Қудрат ака дадилсиз оҳангда.
- Мен шунни айтмоқчиман-да, Қудрат ака, — деди Холтой Чориевич куйингадек.
- Мен бўлак нарсани назарда тутдим, — деди Қудрат ака сўқир тикилиб.
- Кечирасиз, нимани?
- Нимани бўларди, ярани-да. Ярани яширса, газак олади.
- Тўғри.
- Яъни, сиз айтмоқчисизки, жузъий нуқсонларни яширсақ, илдиз отиб кетади.
- Ҳақ гап, Қудрат ака, — дарҳол рози бўлиб деди Холтой Чориевич. — Айтсин, йўлини кўрсатсин, газетада чиқсин, ёрдам берсин.
- Қудрат ака, бошини чайқаб, мийиғида илжайиб қўйди.
- Нега куласиз? — асабий жилмайиб сўради "меҳмон".
- Бунақа гапларни газета босармиди? — деди Қудрат ака четта қараб.
- Қанақа гапларни?
- Қанақа гапларни назарда тутган бўлсангиз, ўшанақа гапларни-да.

Холтой Чориевич наздида суҳбат кераксиз тус олаётгандек бўлди, боя "илинди", деб ўйлаган майингина биолог у қадар мулойим эмаслиги, анчайин чайир, ўз фикрига эга экани ва бу эътиқодини ҳимоя қилишга қодирлиги аёнлаша бошлади. Унга бас келиш, бошқа усул қўллаш, компроматни, яъни тилини қисадиган далилларни келтириш, бурчакка сиқиш, эсанкиратиш, саросимага солиш, каловлатиш, чўчитиш керак эди. Бунинг учун қўл келадиган далиллар, айбномалар бор, уларни ишга солиш пайти келди. Ҳозир Қудрат ака ўзи айтган гапларни Холтой Чориевич бошқалардан чиққан қилиб рўкач қилади. Бу гап ўзидан чиққанини Қудрат ака дарров англайди, типирчилаб қолади. "Кўрамиз, қанақа адолатпарвар, жасур одамигини" кек билан ўйлади "меҳмон" ва аста-секин, мулойимлик билан хужумга ўтди.

— Масалан, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич жилмайиб, — терим компаниясини олайлик. Тўғри, колхозларда ёрдамчилар учун кўнгидагидек шароит яратиб берилаётгани йўқ. Аммо бунга уриниш бор. Ўзингиз биласиз, ўн йил аввалги шароит билан бутунгисини таққослаб бўлмайди. Ҳаммамиз молхоналар шиптирида ётиб пахта терганмиз. Сиз ҳам бундан истисно бўлмасангиз керак. Бироқ кимдир юз кило пахта терадими-йўқми, у ундоқ-бу бундоқ, ярамас, деб жар солса, қизларни умуман пахта теримидан озод қилиш керак, деб ҳайқирса, сиз нима деган бўлар

эдингиз? А? Не-не машаққат билан деҳқонларимиз етиштирган ҳосил ёмғирда, қорда қолиб чириб кетаверсинми? Ё бошқа республикалардан теримчиларни жалб қилиш керакми? Иснодку. Ахир пахта — ташвиқотга ўхшаса ҳам айтай — миллий фахримиз, фаровонлик манбаи-ку. Пахтани кам ёки сифатсиз етиштирсак, даромадимиз ҳам камаяди, турмушимиз ёмонлашади, ана унда шоввоз ҳайқирувчилар халқни боқишадими? Йўқ, боқишмайди. Жирттак чалишади.

— Пахтани ким эккан бўлса, ўзи териб олиши керак-да. Талабалар чаласавод чиқишяпти. Оддий нарсани билишмайди. Нуқул пахта теримида бўлишганини рўқач қилишади. Бунақада бошқа миллатлар олдида бебурд бўламиз. Ўнта қиздан учта-сининг бачадони касал. Ахир улар келажак оналар, майибмажруҳ болалар туғишса — туға олишса — унақа мажруҳлардан нима фойда? Ҳаққоний гапирган одамни ҳибсга олаверсанглар, пўписа қилаверсанглар, ким журъат қилиб гапиради? Бонг уради? Ҳа, қизларни теримдан озод қилиш масаласини мен ҳам кўтарганман! Гапимдан тонмайман! Мен планни эмас, миллатни ўйлайман. Гапларим нотўғри бўлса, далил келтиринг. Айтган гапларингиз мунозарали, қониқтирмади. Мен биологман. Ярани яширса, одамни ўлдиради. Қанча одамлар самолётдан сочилган дефолиант дорилардан ўлиб кетаяпти. Уларга, ҳатто тўғри диагноз қўйишга ижозат беришмас эмиш. Жигари чириб адо бўлган мурдага инфаркт, инсульт деган диагноз белгилаб, асл заҳарланиш сабабини яширишаётган эмиш. Наҳот ўз халқимизни ўзимиз қирсак? Нима эвазига? Қандай улуғ, олий мақсадлар учун шунча қурбон беришимиз керак? Ким бунга жавоб беради? Тагин сиз мени айғоқчи қилмоқчи бўласиз! Мен энди ҳақиқатни дангал гапиришга мажбур бўлган одам устидан маълумот ташишим, қаматишим керакми? Сиз мени шу қадар анқов, бир ниқтасам, чоғиб кетаверади, деб ўйладингизми?

— Қизишманг, Қудрат Умарович, мен жазони, қамоқни кўзда тутганим йўқ, тарбия қилиш, инсофга чақириш, яхши йўлга солиш чоралари ҳақида сиз билан кенгашдим, — деди Холтой Чориевич ичида янги, инкор қилиб бўлмайдиган амални мўлжаллаб. — Мен сизни айғоқчи ҳам қилмоқчи эмасман.

— Нега ундай бўлса бу ерда гап талашиб ўтирипсиз? — деди Қудрат ака ғазабини яшира олмай. — Мақсадингиз нима? Мени тарбияламоқчимисиз? Инсофга чақирмоқчимисиз?

— Тарбиялаш ҳам эмас, Қудрат ака, инсофга чақириш ҳам эмас. Бизга йўл бўлсин. Шунчаки бирон хизмат бўлса, оғирингизни енгил қилармикинман, деб ўйловдим. Сиз мени нотўғри тушундингиз, — деди Холтой Чориевич сипоришлаб. Бироқ бу шунчаки муғамбирлик, баҳона ахтариш усули эканини Қудрат ака пайқади. — Ёрдам бериш айб эмас-ку.

— Қанақа ёрдам? Мен сиздан ёрдам сўрадимми? Мен сизни умуман танимайман. Биринчи кўриб туришим.

— Масалан, докторлик ишини бошлабсиз, — деди Холтой Чориевич ётиғи билан, шу йўсин орқали Қудрат аканинг “этини ўлдириш” мақсадида. — Мушкул иш. Биронта турткими, мададми — керақдир-ку. Очигини айта қолай, Қудрат Умарович, ҳали ҳам партия аъзолигига ўтмапсиз. Бусиз ишингиз унмаслиги мумкин.

— Партия аъзолиги, Холтой Чориевич, эътиқод билан боғлиқ, кўнглили тадбир. Ўзимни мувофиқ билганимда кираман. Агар қабул қилишса. Докторлик диссертациясига келсак, бу ҳам бир эзгулик. Уддасидан чиқсам қиламан, чиқмасам майли, кўникиб кетавераман. Менинг диссертациямсиз фан катта талафотга учрамайди.

— Қудрат Умарович, бир жиҳатдан қайсарлигингиз менга ёқади, аммо кўрслигингиз учун кейин пушаймон бўласиз. Майли, Худо кечирсин. Ҳар қалай битта чўқишда ағанаб берадиган ҳаддан ортиқ “ташаббусли” бизнинг панамизда ўз рақибларидан ўч оладиган “ватанпарвар”дан сизнинг ўжарлигингиз тузук.

“Пушаймон бўласиз”, деган “меҳмоннинг” писандасида Қудрат ака яна пўписа англаб “авжга” чиқмоқчи бўлди, бироқ унинг кейинги жумласи — “бизнинг панамизда ўз рақибларидан ўч оладиган “ватанпарвар”дан сизнинг ўжарлигингиз тузук”, дегани Қудрат акани шаштидан қайтарди. Бу одам Қудрат аканинг назарида, албатта, “шунчаки айғоқчи ёллайдиган” ходим эмас, ўзини ушлаши, ақли-одоби, ўзига хос қуйинчаклиги, далил-мантиқи маълум жиҳатдан унинг мулоҳазаларини “пойгақдан” инкор қилишга имкон бермас, у билан мунозара йўсини билан бўлса-да, ҳисоблашишга, эътироз билдириш учун маълум малака, тайёргарлик талаб қилар эди. Қудрат ака эса кейин эмас, ҳозирнинг ўзида пушаймон бўла бошлади; баҳс-мунозарани, ўз эътиқодларини рўқач қилмай ҳимояга ўтиши, зиёли эканини унутмай, маданий-дипломатик суҳбат олиб бориши лозим эди. Бўлар иш бўлди. Энди сипаришлаш, “меҳмон”нинг дилига етказган озорни бир йўл билан ювиши, тарқатиши кўнглида адоват қолдирмаслик чорасини ахтариши керак. Бунақа одам душманликка ўтса, кўз очиртирмайди, нуқул гов бўлаверади, гаразни ўзи қилмаса-да, бошқа усул топиши, кимларнидир қайраб, Қудрат акага гижгижлаши мумкин. Бироқ ҳозирги вазиятда нима деб унинг кўнглини бўшатади? Керакли сўзларни топса-да, дарров тусини ўзгартириши баттар шубҳа уйғотади, чекинганини фаҳмлаб, у дарҳол тузоқ ташлайди, кейин унинг юганидан қутулиб бўлмайди, хоҳлаган томонига бураверади.

— Холтой Чориевич, агар сўзим қўпол кўринган бўлса, кечиринг, — деди Қудрат ака ўзини мажбурлаб, — аммо жосусликка мен ярамайман. Битта ҳушёр, нуқсонни кўра билган, танқид-мулоҳазали одам, ўнта офаринчидан афзал. Офарин бор жойда ривож бўлмайди. Офаринчи фақат ўз манфаатини кўзлайди, ҳушёр одам нуқсонни бартараф қилади. Балки хато

қилаётгандирман, лекин маслагим шунақа. Ўзимни ўзгартира олмайман, ўзгартиришни хоҳламайман ҳам. Шунақа рўдапоман. Инқилоб, босмачилик ҳаракати, ўтгизинчи-қирқинчи йиллар репрессияси, уруш қирғини — ҳаммаси халқни бездириб қўйган, энди унинг оғзига қулф солиш билан нимага ҳам эришиб бўларди, ҳали ҳам оғзи юмуқ, фақат хўп, бажарамиз, деган сўздан бошқасини билмайди. Сал кўксига шамол ҳам тегсин-да.

— Сиз мендан халқни ҳимоя қилмоқчисиз чоғи, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич. — Менимча, битта масалага икки томондан ёндашаяпмиз, мақсадимиз бирга ўхшайди.

"Яна чалғитапти, ўйлади Қудрат ака. Хавфсизлик комитети ҳам ҳарбий ташкилотга киради. Қанақа унвони борикин? Капитандан кам бўлмаса керак. Ўз соҳасида қадрлидир, гапга чечан..."

— Кошки эди, — деди Қудрат ака "меҳмоннинг" "мақсадимиз бирга ўхшайди" фикрига қўшилгиси келмай.

— Барибир ётсираяпсиз, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич жилмайиб. Бироқ унинг бу жилмайишида аллақандай, дилни алғов-далғов қилувчи таҳдид бор эди. Ҳарқалай, Қудрат акага шундай туюлди. — Барибир йўлатмаяпсиз. Афсус.

— Қўнглимдагини чўчимай-нетмай тўкиб солдим-ку, яна қанақа ётсираш, йўлатиш бўлади? — деди Қудрат ака шунча маърузалари садосиз қолганидан ўпкаланиб. — Гунг бўлиб ўтирсам, нима қилардингиз?

— Тушунмадингиз, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич баҳона излаб. — Раҳмат, ўз мулоҳазаларингизни ҳақиқатда тўкиб солдингиз. Тан оламан. Орган одами, деб талмовсирамадингиз. Бунинг учун ҳам раҳмат. Аммо биламан, ичингизда менга нисбатан қанақадир рашлик деймизми, адоватми — борга ўхшайди.

— Очиғини айтайми, Холтой Чориевич? — деди Қудрат ака "меҳмоннинг" гумонларига тасдиқ излаб. — Сизларни... сизлардан ҳамма кўрқади. Ҳадик билан гаплашади, илож бўлса гаплашмайди. Кўрққан одам самимий сўйламайди.

— Сиз сўйладингиз-ку, — дея Холтой Чориевич эътироз билдирдим, ёки Қудрат акани рағбатлантирдим — англаб бўлмади, унинг рағбатида ҳам фарз бўлиши мумкин эди. — Ё сиз ҳам носамимий дедингизми? Агар шундай бўлса, гапларингиз шунчаки олди-қочди экан-да?

Қудрат аканинг назидида ўзининг мулоҳазалари самимий эканига Холтой Чориевич шубҳа ҳам туғдирмаган эди, шунинг учун Қудрат ака бўлак баҳсга берилмади.

— Қудрат Умарович, агар ният қора бўлса, ҳамма нарсага керакли тус бериш мумкин, бунинг учун керакли далиллар ҳам топилади. Гумон билан одамни чўчитиш энг оддий усул. Бизга буниси тўғри келмайди. Аммо нияти ёвуз одамни ҳам тинч қўймаймиз, халқ кечирмайди.

"Яна сафсата, деб ўйлади Қудрат ака, халқ қаёқда-ку, булар қаёқда".

Қудрат ака бош чайқади, бу розилик аломатими, эъгирозми — ҳар қандай тушуниш мумкин эди. Қудрат ака чарчаган эди. "Нега келиб-келиб Эльмира бунга мени рўпара қилди? Мендан бўлак одам қуриб қолувдими? Демак, мени юмшоқ, иродасиз, авраса, қайирса, эгилаверади, деб ўйлаган-да. Наҳот мен шунақа таассурот қолдирман?.. Қизик, коллективимизда бунақа айғоқчилар қанча экан? Ўқитувчи-домлар орасида ҳам бордир? Кимлар экан ўшалар? Бор бўлишига бор, албатта. Шунча пайт мобайнида биронтасини пайқамабман ҳам. Демак, улар уста-муғамбир, сир беришмайди, кунора устимиздан маълумотлар етказиб туришади. Кимлар бор орамизда, деб сўрасам "меҳмон" айтмайди барибир. Ахир улар махфий ходимлар-ку... Яхшиям боя Эльмира бу хонага чақирганида, терим пайти бўлгани учун коридорда одам кам кўринди. Бу "меҳмон" билан гаплашиб ўтирганимга бировнинг кўзи тушса, ҳойнаҳой мени айғоқчи, деб ўйлайди, қандай доғни юваман? Қай йўсин билан ўзимни "уларга" дахлим йўқлигини ишонтира оламан? Бир умр ҳадиксираб ўтишга тўғри келар эди. Аммо "қармоққа илинмай" чиққанимни ким билади? Коридорда одам кам бўлса-да, бу хонага кираётганимни кимлардир кўрди-ку. Улар кимлар? Балки пойлаб туришгандир ёки ярим соатдан буён бу махсус бўлимда ўтирганим ҳақида шивир-шивир гаплар тарқатишаётгандир? Нима деб ўзимни оқлайман? Қанча уринсам, шубҳа шунча ортади. Шу хонага кирмаслик керак эди. Нега кирдим? Ахир қўлимдан тортишгани йўқ-ку, нега дарров фаросатим етмади? Кириб қўйдим, энди ҳамма мени четлаб ўтишга уринади..." Шу каби хаёллар бир зумда Қудрат ака миясидан тилиб ўтди, усиз ҳам танг аҳволини баттар абгор қилди, дунё кўзига хунук кўрина бошлади. Энди бу хонадан чиқиш йўлини ўйлаши керак, коридорда яна кимлардир бўлади, чиқаётганини кўради. Ҳеч ким, албатта, нега бу хонага кирдинг, демайди, аммо дилида гумон уйғонади. Қудрат ака қай йўсин билан ваҳимасини боссин экан? Лабораторияга кирса ҳам қўли ишга бормади, миясидаги зиралча кўз очирмайди, хаёлини чулғайди. Бўкиб ичсинмикан? Йўқ, Қудрат ака ичкиликни кўтара олмайди, эртасига бетоб бўлади, кўнгли айниydi, боши оғрийди, бутун дунё дўзах бўлиб кўринади. Бу — чора эмас. Қудрат ака бир оз ўзини йиғиштириб олиши, хаёлини шу тангликдан айириши, машғулотларини давом эттириши керак. "Агар уларнинг муддаоси мени издан чиқариш бўлса, маълум даражада мақсадларига эришдилар, гул-ғулага тушишимнинг ўзи биринчи исбот. Қанча типирчиласам, ботқоққа шунча тез ботаман. Бирон нарсага ёпишим керак. Кар, кўр бўлишим, тажрибаларимни ўйлашим шарт. Диссертациям мавзуи ҳали тасдиқлангани йўқ, комиссия ҳайъатини кўндириш учун қанча далил, матонат керак. Агар ҳозирги аҳволимдан қутула

билмасам, бардошим етмайди, синаман. Уларга шу керак, мендан арқон эшишади, истаган темасини, масалан, ҳозир вильт долзарб мавзу, ҳамма ўзини шунга урган, аммо пахта кундан сайин баттар зарарланмоқда; бу офатга қарши курашувчилар вильтга қўшилиб, ўзлари ҳам ўлиб кетишяпти. Майли, кўндира олмасин, зараркунандалар билан шуғулланаман. Бу ҳам илм”.

Қудрат ака қолган вақтини гангиб ўтказди — хаёлидан Холтой Чориевич билан бўлган суҳбат губори аримас, унга айтган гаплари субутсиз кўринар, бошқача баҳона келтириб, масалан, мен удалай олмайман, айғоқчилигимни сездириб қўяман, деб шамғалат қилса бўлармиди? Шайтон оздирса шунақа, ўлжа ўзи тузоққа урилади. Қатъийроқ турса Эльмира этагидан тортармиди? Ҳеч ким у бўлимга кирди, дея олмас эди. Умуман куни омадсиз бошланди — эрталаб машинаси негадир ўт олмади, троллейбусга ўтириб, ўз бекатидан ўтиб кетди, ҳушига келиб қараса, алла-қаяқда, нотаниш жойларга бориб қолипти. Троллейбусдан тушиб, орқага қайтишга тўғри келди, бир соат вақти бекор ўтди. Эрталаб қайнатиш учун газга қўйган сути тошиб кетди. Ботинкасининг ипи чигалиб қолипти, ечишга қанча овора бўлди; кимнингдир машинаси ариқда тиқилиб қолган экан, Қудрат ака ёрдам бераман деб шимини лой қилди, уйга қайтиб алмаштиришга мажбур бўлди. Ҳаммаси ҳам майли-ку, Эльмирани кўргани, унинг таклифига лаққа тушгани, Холтой Чориевич билан можароси — чўққиси бўлди. Мана энди, хаёли паришон, қўли ишга бормаяпти, нимага тегса қулаяпти, ағанаяпти, синаяпти. Ўзи шунақа, одам қўлидан сирпанган нарсани тутишда албатта бошқа нарсани ҳам туртиб, чил-парчин қилади. Бутун яна қанақа кори ҳол юз берар экан? Қудрат ака нима қилмасин, оқибати хунук бўлиб чиқаяпти. Бутунги кун ўзи шунақа, Қудрат ака учун хосиятсиз кун экан, чоғи. Баъзан ҳар нарсага суқилаверишдан кўра жим ўтирган афзал. Қилмиши яхши самара бермайди, белгиси салбий бўлса, чап беришга қанақа интиланг, натижаси кўнгилсиз якунланади. Аммо қандай қилиб қўлини қовуштириб ўтиради? Балки омадсиз палла бир кунлик эмасдир? Икки кунга, бир ҳафтага чўзилар. Ўтириш керакми, қачон ўтиб кетаркин, деб? Бинобарин, Қудрат ака тақдир, пешана, қисмат, азрўйи-азал, деган нарсаларга унча ишонмайди. Шунақа белгиларга ишонувчан иримчилар учун ҳар бир нарса нишона бўлиб туюлади. Унақалар белги-башоратсиз яшай олмайдилар, шамолда очилиб кетган эшикнинг ғийқиллашидан то тушга кирган бақагача улар учун алланиминингдир огоҳи, шарпаси, ишораси, аломати. Бу аломат офат белгиси ҳам, фароғат белгиси ҳам бўлиши мумкин, одам ўзини ўшанга мувофиқ тайёрлаши керак. Офат юз берса, тоқат қилади, фароғат намоеън бўлса, эсанкирамайди. Бахт ҳам, толесизлик ҳам одамнинг ўз қўлида, деб ўйлайдиган Қудрат ака бутунги тасодифлардан кейин андак шубҳага туша бошлади. Ростдан ҳам одам ихтиёрига бўйсунмайдиган ҳодисалар бордир?.. Табиатан камсуқум Қудрат

ака охирги пайтда иши бароридан келмаётгани сабабларини — докторлик диссертацияси жилмаётганини, айниқса, бугунги кунгилсиз учрашув ғубор қолдирганини устидан қандайдир атайин уюштирилган фитна оқибати деб фараз қилгиси келди. Гўё ариқ бошида кимдир қасдлик ниятида сувни лойқала-таётгандек, қилган ғаразидан ўзи баҳра олаётгандек эди. Бироқ Қудрат ака кимга хусумат қилди, кимга ҳалал берди, кимнинг тақдирига раҳна солди? Бундоқ олиб қараганда, Қудрат ака ҳеч кимга душманлик қилмади чоғи, душманлик қилиш хаёлига ҳам келгани йўқ, бировнинг насибасига кўз олайтиргани йўқ, нега бундай маломатлар азобини тортиши керак?

Шунақа тоифа одамлар борки, бошига қанақа бемаврид синов, муваффақиятсизлик тушмасин, сабабини ўзидан эмас, албатта кимлардандир кўради. Давлатлар ҳам тангликка юз тутса, дарҳол назоратни кучайтиради, жазо қўллайди, қўрқитиш йўли билан тинчлик ўрнатмоқчи бўлади ва жазо чораларини биринчи галда ўз фуқароларига қаратади.

Қудрат аканинг дилида ночорлик сабабларини бировга тўнқаш нияти бўлмаса-да, кўп тарқоқ тасодифлар тўпланиб, шу паллага келганидан, шакланганидан, маълум тарзда таҳлика сола бошлаганидан саросимага тушар, ўзини қандайдир иллар билан боғланаётгандек, бу иллар шира-шилик бўлиб ҳаракатларини тияр, оғирлаштирар, оёқ-қўли бўш кўринса-да, онги зил, дили карахт, ичидаги нур ўчаётгандек эди. Ким қилмасин бу ғаразликни, бир даража мақсадига эришди, деб ўйлади Қудрат ака, бир оёғим ботқоқда, иккинчисини боссам у ҳам ботади. “Босмаслик чорасини ахтариш керак, акс ҳолда чиқа олмайман, чиқсам ҳам ўнгланишим малол бўлади. Бироқ қани ўша чора? Нима қилишим ёки қилмаслигим керак? Балки яхши ҳодисаларни эсласам, хаёлимни чалғитсам, аҳволимга ҳаддан ортиқ тикилмасам, тушкунликка берилмасам, иш билан банд бўлсам, руҳий танглиқдан фориғ бўларман...”

Қудрат ака кечгача деярли ҳеч ким билан гаплашмади, ким биландир гаплашган бўлса-да, эсида қолмади. Ҳолати мавҳум-лигига қарамай, Қудрат ака аҳён-аҳён тетиклашар, бундай пайтда кундалик юмушлари — тезроқ машинасини тузатиш, отасининг Дўрмонда бўладиган “йигирмасини” ўтказиш тадбирини ўйлар, ўша ташвишларга аралашса, руҳи чоғланар деб ният қилар эди.

— Саломатмисиз, Қудрат ака? — деган овозни эшитиб Қудрат ака тўхтади, аланглади. Чинор тагига қўйилган скамейкада рўпара уйда яшайдиган ёзувчи киши сигарет тутатиб ўтирар, Қудрат аканинг кўзи тушиши билан ёзувчи шошмай ўрнидан туриб, Қудрат ака томон кела бошлади. Қудрат ака ҳам ҳушини йиғиб, қарши юрди. Улар мулозамат билан кўришишди.

— Мен сизни излаб Ёзувчилар боғига ўтмоқчи эдим, хайрият, шу ерда экансиз, — деди Қудрат ака ёзувчининг исмини эслай олмай.

— Ҳа, иссиқ кийимимни олиб кетай деб шаҳарга тушувдим, — деди ёзувчи. — Бирон хизмат борми?

— Отамизнинг йигирмасига айтмоқчи эдим, — деди Қудрат ака. — Шанба кун, наҳорга. Дўрмондаги ҳовлида ўтади. Бирга бўласиз.

— Раҳмат, — деди ёзувчи сигарет қолдиғини четга улоқтириб. — Дарров йигирма бўлибти-да.

— Йигирма кун ўтиши шарт эмас экан, маҳалладагилар шунақа дейишди, бир ҳафта аввал ўтказса ҳам бўлар эмиш.

— Одат шунақа, — деди ёзувчи Қудрат аканинг гапини тасдиқлаб.

— Бировни кутаяпсизми? — деди Қудрат ака бир лаҳза сукут сақлагач.

— Йўқ, Янгангиз ёғ қизитган экан, ҳиддан қочиб чиқдим, — дея ёзувчи ўзининг балқонига бир қараб олди. Қудрат ака ёзувчининг гапини эшитмагандек, четга қараб, хўрсинди. — Чарчаган кўринасиз, — деди ёзувчи бир оз Қудрат аканинг ҳорғин кўзларига тикилиб.

— Ўтирайлик, — дея Қудрат ака скамейка томонга қаради.

— Майли.

Улар бориб скамейкага ўтиришди. Чинор барглари шохлар орасида шитирлаб, бирин-кетин ерга тўкилар, ҳар бирининг банди оғир бўлгани учун "тақ" эта ерга урилар, худди навбат кутгандек, иккинчи барг ерга шўнғир, баъзилари пирпирар, майда соябонни эслатар, сарғая бошлаган барг ботаётган қуёш нурига дуч келганида бир лаҳза ловуллаб, алангадек ёлқинланар эди.

Қудрат ака бутунги воқеани ёзувчига айттаймикин, деган хаёлга борди, кўнглини бўшаттиси келди, аммо қанақадир гумонга бориб, айниди. Бу одам ҳам айғоқчи бўлса, ўйлади Қудрат ака, ҳасратимни шунга очаманми? Бу унақа бўлмаса керак, турқидан сезилиб турипти. Аммо буларнинг ичида ҳам бор ўшанақалари. Олимлар орасида қанақа адоват бўлса, буларда ҳам кўра олмаслик, ҳасад бор. Бирон бир ёзувчи, шоир муваффақиятта эришса, албатта уни қопиш, руҳий жароҳат етказиш, лоақал бадном қилиш пайига тушадилар: асаридан нуқсон ахтарадилар, салбий тақриз уюштирадилар, "офатнинг олдини оладилар", хуллас, бирон дардга йўлиқтирмагунларича тиниб-тинчимайдилар. Бунақа шахслар, одатда, заковати паст, аммо нафси-даъвоси балаңд кишилар бўлиб, уддасидан чиққанлари матбуот таркибига жойлашиб оладилар, расмий идеологиянинг мудофаачиси ниқоби остида иш кўрадилар. Пролетар санъати гоёлари, соцреализм, халқчилик каби ибораларни рўкач қиладилар, уларнинг гапига эътироз билдиришга ҳеч ким журъат қила олмайди. Очиқ беллашишга кўзи етмаганлари айғоқчилик йўли билан ўч оладилар. Шак-шубҳасиз, шунақалар бор буларнинг орасида ҳам. Қудрат ака, гўё уйғонгандек, ёзувчининг қиёфасига яна бир бор разм солиб чиқди, хаёлига келган гумондан ўзи мулзам бўлди.

Энди Қудрат ака ким билан мулоқот қилмасин, шубҳа билан қарайди, дилини очиб ташлашдан ийманади, чўчийди, баттар одамови бўлиб қолади.

Қудрат аканинг ўзи ўтиришга даъват қилгани учун ёзувчи ундан гап кутди, лекин Қудрат акадан ҳа деганда садо чиқавермади, ичида носаранжомлик борлиги сезилиб турар эди. Ҳар куни машинада қайтадиган Қудрат ака бутун пиёда келгани бежиз эмаслиги, шу сабаб сиқилаяпти, деб ўйлади ёзувчи. Унинг устига Қудрат ака гаражи томон қараб кўяр, чанг бўлмаса-да, шимининг пойини қоқар, бир нарсага қараса, узоқ тикилиб қолар, хаёлида кимлар биландир мунозара қилгандек туюлар эди. Машинаси бузилган бўлса тузатишни, ёки отасининг йигирмасини ўтказиш билан боғлиқ оворагарчиликлар ҳақида бош қотираяпти, деб ўйлади ёзувчи, балки молиявий муаммолар чиқиб қолгандир? Бироқ ўзи очилмаса, қандай суқилиш мумкин? Ёзувчи яна сигарет тутатди.

— Қудрат ака, — деди ниҳоят ёзувчи, — йигирма ҳам катта маърака, агар ёрдам керак бўлса, тортинманг...

— Раҳмат, — деди Қудрат ака хушига келиб. — Ҳамма юмуш Ёдгорга топширилган. Тагида юк машинаси бор, улгуради. Маҳалла, кўни-кўшни ҳам қараб туришмайди. — Қудрат ака мулозамат йўлига жилмайди. У ёзувчининг гапида моддий ёрдам маъноси борлигини пайқамади. Ҳозироқ Дўрмонга жўнаоргиси келди, ammo машинаси бузуқлиги учун шаштидан қайтди. Бир кўнгли таксида боргиси келди — онаси, укалари, келинчак ўша ерда, борса, хурсанд бўлишади, "анови" ўйлар сал нари кетади, юракни тирнамайди. Ҳам тараддуд қанақа кетаётганидан хабар олиб қайтади. Қайтмаса ҳам ҳечқиси йўқ, талабалар теримда, келдинг-келмадинг, деб ҳеч ким суриштирмайди. Ёзилиб келади.

— Менга рухсат, — деди Қудрат ака ёнидаги папкани қўлига олиб, — Дўрмонга чиқмоқчи эдим, қоронғи тушмай етиб олай. Шанба куни наҳорга ўтиш эсингиздан чиқмасин. Омон бўлинг.

— Мен ҳам тураман, — деди ёзувчи ўрнидан жилмай. — Ҳид тарқагандир.

"Кўнглидагини очмади, — ўйлади ёзувчи Қудрат аканинг ортидан тикилиб. — Ётсираяпти". Эндигина андак паришон, андак тажанг кўринган Қудрат ака қадамини тезлаштирар, намози қаңда бўлишини истамаган мулладек йўрғалар эди. Афтидан Қудрат ака Дўрмонга бориш баҳонаси топилмаганидан беҳад хурсанд, аслида эса шаҳар муҳитидан қочиш, яшириниш, ақалли икки-уч кун мобайнида қишлоқда қолиш, институтдагиларни кўрмаслик, улардан нарироқда бўлиш эди. Важи бор — дадасининг маъракаси. Тансиқ таом буюради, ёки укалари билан бирга ўзи тайёрлайди, қиттак-қиттак қилишади, шахмат ўйнашади, телевизорда концертми, футболми кўради, дадаси ётиб юрган хонадаги шолчага жой солдиради, мириқиб ухлайди, ҳеч қаёққа шошилмайди, эртасига соат ўнларда уйғонади, пишқириб ювинади,

эрталабки сутдан чиқарилган қаймоққа иссиқ нон бўктириб нонушта қилади, асабийлашмайди, ғам-ташвишни унутади.

Қудрат ака пастдан балконга қаради — ичкаридан Муяссархоннинг шарпаси кўринар, Гулшаннинг овози эшитилар эди, юраги шувиллаб кетди — ҳар куни ишдан машинада қайта туриб, қизчани болалар боғчасидан олиб келар эди, бугун машинаси бўлмагани учун мутлақо хаёлидан кўтарилипти. Демак, Муяссархоннинг ўзи қизчасини олиб келибди. Қудрат ака нима деб баҳона кўрсатади? Хотини тумтаймасмикан? Койимасмикан? Гулшан боғчанинг катта гуруҳига қатнайди, ўзи бориб келса ҳам бўлаверади, бироқ трамвай-троллейбус қатнайдиган катта кўчадан ўтиши керак, хотини ишонмайди, дадаси бормагунча Гулшан боғчасида кутиб ўтираверади, у билан тарбиячиси ҳам қолишга мажбур бўлади, ёзфирмаслиги учун Қудрат ака қизчасини доим эртароқ олиб келади. Агар ушланиб қолса, албатта хотинининг ишхонасига телефон қилиб огоҳлантириб кўяр эди, аммо қизчасини мутлақо эсдан чиқариши — бунақаси бўлмаган эди. Ҳақиқатда, бугунги кун хосиятсиз келди — ҳамма нарса тескари чиқаяпти. Энди уйга кирса, хотини ғиди-биди қилади, жанжал кўтарилади: яна битта хунук воқеа.

Қудрат ака уйга киришга юраги дов бермай бир неча вақт жойида туриб қолди. Гараж томон ўтиш керак, ўйлай бошлади Қудрат ака, бўлак чора ахтариб. Ўндан ортиқ гараж бор, кимдир албатта машинасини титкилаётган бўлади, илтимос қилса, қараб бериши мумкин. Агар машинаси тузалмаса бугунги кун ҳақиқатда чора, омадсиз эканига амин бўлади, бошқа ишга қўл урмайди — яна бир чатоқлик чиқиши мумкин. Бироқ гаражлар олдида битта ҳам бузуқ машина кўринмади, яна битта хосиятсиз белги. Бузуқ машина бўлмаса, демак, бошқалар учун кун чатоқ келмаган. "Ҳамма нарса нисбий, ўйлади Қудрат ака, менга тескари келган кун бошқаларга рўшнолик келтирган бўлиши ажаб эмас. Шу бугуннинг ўзида қанчадан-қанча болалар туғилди, ота-оналари бахтиёр. Биров ўлади, биров туғилади — ҳаёт шу-да..."

Қудрат ака гаражини очиб, машинасига ўтирди, калитни буради, бир бурашда мотор ўт олди. Қудрат ака, ўчиб қолмасин деб газ берди, мотор вағиллаб ишлай кетди, ўчмади. "Тавба, ҳайратланди Қудрат ака, олдин икки-уч бурашда ўт олар эди, энди бир бурашда олди. Фантастика!.." Қудрат ака куннинг чап келиши тугапти, ғурбат арипти чоғи, деб ўйлади ва машинанинг ўт олишини яхши хосият белгисига йўйди, машинасини олиб чиқиб, балкони рўпарасига қўйди, андак хадик билан уйига йўл олди. Агар хотини жанжал кўтармаса, омадсиз палла ҳақиқатда ўтганига амин бўлади. Агар Дўрмонга боришга Муяссархон ҳам рози бўлса, бу ёғи жуда соз!

Қудрат ака ўз калити билан эшикни очиб, уйга кирди. Ошхонадан жаз-бузнинг товуши келар, Муяссархон эри кирганини эшитмади ҳам. Қудрат ака, атайин қаттиқ йўталиб,

ювиниш учун ваннага кириб кетди ва шу заҳотиёқ хотинининг "Келдингизми, дадаси?" деганини эшитди. Муяссархоннинг овозида асабийлик сезилмади.

— Келдим, — деди Қудрат ака ваннахонадан, хотини эшитиши учун бақириб. — Эрталаб машина ўт олмади, троллейбусда кетдим.

— Шунақа деб ўйладим, Гулшанни ўзим олиб келдим, — жаз-жуз орасидан эшитилди Муяссархоннинг овози.

Хайрият, деб ўйлади Қудрат ака кўнгли ўрнига тушган бўлиб, бу Гулшаннинг боғчадан олиб келганлигиданми ёки хотинининг тажанг эмаслигиданми, ўзи ҳам англамай.

Қудрат ака ваннадан артиниб чиқиб, катта хонага кўз ташлади. Гулшан диванга қўғирчоқларини ўтқазиб, уларга "тарбия" берар эди, дадасини пайқамади.

— Оловни ўчиринг, Дўрмонга борамиз, — деди Қудрат ака ошхона бўсағасида тўхтаб. — Сижжақдан қайтганимиздан бери бормадик, уч кундан кейин маърака, ўшатта овқатланамиз.

— Кеч бўлиб қолди-ку, — деди Муяссархон меровланиб. — Бугун қайтамизми?

"Қайтамизми?" дейишининг ўзида боришга розилиги борлигини фаҳмлаб, Қудрат ака тетиклашди. Энди хотинини кўндиришга важ ахтармаса ҳам бўлади. Бироқ хотини Дўрмонга боришдан бош тортса ҳам Қудрат ака эътироз билдирмас эди, ҳатто шунақа бўлишини маълум даражада истар эди ҳам, чунки боришса, қайтиб келишлари шарт — Гулшан боғчасига, хотини ишига бориши керак, демак, Қудрат ака ича олмайди. Нияти — бугун ёзилиш эди.

— Бугун қайта олмасак керак, — деди Қудрат ака бепарво тусда: хотини борадими, йўқми, унга барибир. — Эрталаб қайтамиз. Тонгда.

— Гулшан уйқуга тўймайди, хархаша қилади-да... — деди хотини очик эътироз билдиришга ийманиб.

— Ўзим бориб келаман.

— Машина ўт олмади, дедингиз-ку.

— Тузатдим. Ана, пастда турипти.

— Ихтиёрингиз, — деди Муяссархон эрининг жаҳли чиқи-шидан ҳадиксираб.

Қудрат ака, боришга оёғи тортмаётгандек, бир зум коридорда иккиланиб тургач (кўнглида отилиб чиқиб кетишга тайёр), хотинининг бормаганидан ранжиган тусда, индамай ташқарига чиқиб кетди, гўё иссиқ кунда одамлар тирбанд троллейбусдан тушиб қолгандек ҳис қилди. Пиллапоядан сакраб-диконглаб тушди, ҳовлига чиққач, яна вазмин тусга кирди. Машина бир бурашда ўт олди, Гулшан эсидан чиққанига хотини жанжал кўтармади, ҳатто Дўрмонга бора олмаслиги учун мулзам бўлди (зиёфатта эмас, маърака муносабати билан бориши, эрининг ёнида туриши, юмуш бажармаса-да, ўзининг бегона эмаслигини кўрсатиш керак эди-да), ачиниб айбдордек мўлтираб қолди. Бу

тадбир Қудрат акага кўнгилли бўлиб кўринса-да, таркибида қандайдир нопокликка ўхшаган фирром бордек, галаба, деб аташга тил бормас эди. Мағлубият бўлмаса, галаба, деган гап эмас, ўйлади Қудрат ака ва яна дили қоникмай, машинаси томон кетди.

6

Маърака ўтгандан сўнг марҳум Умар аканинг оила аъзолари, сайловга бориб келгандек, енгил тортишди. Барно кунора шаҳарга тушиб, техникумдаги чала қолган ишларини давом эттиришга киришди. Тўй муносабати билан техникум маъмурияти Барнони пахта теримидан (техникумда тугатувчи курс талабаларини ҳам юборишар эди) озода қилган, ҳатто тўртта-бешта яқин дугоналарига тўй маросимида қатнашиш учун бир ҳафтага рухсат берган, устига устак куёв, яъни Ёдгор техникум ётоқхонасининг коменданти бўлгач, шунча имтиёз яратиб бериш табиий эди. Фақат шаҳарга қатнаш Барно учун бирмунча ноқулай эди — тўрт соатга яқин вақти йўлга кетар эди. Бунинг устига Барно бир-икки соат фурсат топиб, шаҳардаги квартирасини супуриб-сидирар, Жасурдан қолган идиш-товокларни ювар, полни артиб чиқар, кеч кирса-да, Дўрмонга жўнар эди. Ёдгорнинг қистови билан Қудрат ака қишлоқдаги ҳовлини сотиб, шаҳардан жўнроқ жой олиш масаласига Зарифа опа кўнмади, шаҳарга ўргана олмайман, сизлар тураверларинг, мен тушмайман, деди.

— Ҳовлини сотиш ақдан эмас, — деди ўшаанда Қудрат ака ҳам дарров рози бўлиб. — Ойимиздан тез-тез хабар олиб турамыз. Бу ерда сигир бор. Ўнта товуқ, тухум қилиб турипти. Ҳаммасини барбод қиламизми? Ундан кўра қўшилишиб, шаҳардан кичкина ҳовли олайлик. Жасурга жой керак, ҳадемай тўй-пўй бўлади. Келинни ўша ҳовлига туширамыз. Луначарск мавзеидан олсак, ҳамма учун қулай — ойим йигирма дақиқада етади, бизга ҳам яқин, йўл-йўлакай, Дўрмонга кетатуриб, кириб ўтиш мумкин. Эскироқ бўлса, таъмир қиламиз, қиммат тушмайди.

Қудрат аканинг гапи ҳаммага маъқул келди.

— Мен ўша маҳалларга кириб суриштираман, сен ҳам Ёдгор, кириб ўт, сотиладиган жой чиқиб қолади. Қўлларингга тушган пулни бебилиска сарф қилмаларинг.

Шу қарорда тўхташди. Бир ҳафта ўтар-ўтмай жой ҳам топилди — катта йўлдан чамаси ярим чақирим ичкарироқда, канал бўйидаги ҳовли шинамгина бўлиб, ҳеч қаери нурамаган, икки хона бир дахлизли хом ёштдан қурилган, томи шифер билан ёпилган, бежирим оқланган уй бўлиб, мевали дарахтлар экилган жажжи боғ уй олдидаги цемент ётқизилган олти қулочли саҳндан бошланар, ҳозирда баргларининг кўпи тўкилган, сарвайиб-қизариб қолганлари қуроқ кўрпани эслатар, битта-иккита дарахтнинг олмаси, ҳали териб олинмагани учун, яйдоқ бўлиб

қолган, тўкилишга тайёр эди. Ҳовлининг эгаси етмиш яшар татар кампир бўлиб, шишган оёқларини аранг босар, афтидан уйда ўздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. “Қизим Украинада, ўғлим Москвада — иккалови оилали, чолим ярим ой бурун дунёдан ўтди, ёлғизман, деди аёл ўлиб қолсам, болаларим етиб келгунларича, ётаман шишиб-кўпиб. Ҳовлимга катта тўлов керак эмас, куним битса, мусулмонча кўмсаларинг бас. Уйимни хат қилиб бераман, болаларим даъво қилишмайди, қайтага миннатдор бўлишади. Газ, водопровод бор, сув иситса бўлади. Голланд печкага ҳам газ ўтказилган, кўмир, демайсиз. Уйнинг ёнида мўрча бор, чолим ўзи қурган. Неча жонсизлар?”

— Битта, укамиз, — деди Қудрат ака соядан қуёшга чиқиб. — Келаси йили уйлантирмоқчимиз.

— Унгача ўламан, — деди кампир иккиланмай жой бўшайди, деган маънода.

— Унақа деманг, — деди Қудрат ака хижолат тортиб.

Кампир Қудрат аканинг гапига эътибор бермади.

— Уй жиҳозлари ҳам, ҳазар қилмасанглар, сизларга қолади. Стол, шкаф, каравот, гилам, холодильник. Рўзғор-да. Кўрасизми?

Кампирнинг сўзларидан кейин уйни синчиклаб кўришга Қудрат ака ийманди. Эркак киши бўлмаса-да, хонадон қаровсиз жойга ўхшамас, ичкарилари ҳам шунақадир, деб ўйлади Қудрат ака ва нарҳини сўрашга ҳам тили бормади. Қудрат аканинг тортинишини кампир, иккиланаяпти, деб ўйлади.

— Каналда доим сув бор, экин-тикин қилсангиз, сув бемалол. Канал бўйида ёзин-қишин ўт ўсади, қўй боқсангиз ҳам бўлади. — Кампир пешанасидаги пахмоқ рўмолни орқасига тортиб, боғ этагига қаради. — Бизда сигир-қўй ҳам, ўрдак-ғоз ҳам бор эди, чолимдан кейин қарай олмайдиган бўлиб қолдим. Харидорлар олиб кетишди. Гўнги бир дунё, ҳали ҳам ётипти. Тўксангиз, ер қутиради. Хазина.

Кампирнинг гапларида муболаға йўқлигига Қудрат ака шубҳа ҳам келтирмади, гаров учун кампирнинг қўлига беш юз сўм ушлаптиб, деди:

— Аний, эртага, ойим билан укаларимни олиб келаман. Укам яшайди, кўрсин, бўптими?

— Укангиз нима иш қилади?

— Рассом. Ўқийди.

— Ичмайдимми?

— Ичмайди, талаба, — деди Қудрат ака ва келтирган далили омонат эканини ўзи ҳам англади. — Ойим ҳам, биз ҳам келиб турамиз, — деди Қудрат ака, бу олдинги далилга тиргович эди.

— Битта бўлса яхши, ғала-ғовурга йўқман. Қўшнимизнинг болалари чиқса, қулоғим шанғиллайди, бошим оғрийди.

Қудрат ака катта йўлга чиққач, машинасини Дўрмонга бурди, укалари уйда бўлишса, шу бугуноқ онаси билан уларни олиб келиб, ҳовлини кўрсатади. Маъқул келса, аввал Жасурни

ичмасликка ундайди, кўндиришга уриниб кўради. Кўнмаса, ёки хўп, деб алдаса, Қудрат ака зарда қилади, энди ишингга аралашмайман, билганингни қил, деб аразлайди, Жасур бўйсунмишга мажбур бўлади, тил учуда бўлса ҳам сўз беради, сўз бергандан кейин маълум даражада ўзини тияди. Бу ҳам кам эмас. Ақалли ярим йил чидаб берса ҳам кошки. Қудрат ака "ярим йил" деб ўйлаганида кампирнинг бояги "совуқ" гапи хаёлига келди, хаёлига келганидан ўзи истиҳола қилди.

— Бир хонада Жасур яшайди, иккинчисида кампир, — деди Қудрат ака оила аъзолари тўпланишганда, худди жойни ўзи сотаётгандек таъриф ахтариб. — Уй ёлғиз қолди, деб хавотир бўлмаймиз. Кампир ҳам пойлоқчи бўлади, ҳам ҳовлига қарайди — супуради, сув сепади, харажатини қилиб берамиз, овқат-повқат қилиб туради. Жойга қаралса, жаннат бўлиб кетади — сув бор, гўн бор. Битта одам эплай олади, ер катта эмас. Нима дейсиз, ойи?

— Ажалимни кутишяпти, деб ўйлармикин кампир? — деди Зарифа опа андишага бориб.

— Ким ажалини ўйлайди, тайёр қоровул бўлади-ку? — деди Ёдгор акасининг гапларини қувватлаб. — Бизга қолса, ўлмасин деймиз.

— Сен нима дейсан, Жасур? Шаҳардан битта автобусда борилади. Ҳавосини айтмайсанми?

— Менга барибир, — деди Жасур мижрволаниб. — Ишлашимга устахона бўлса бас.

— Дахлизини устахона қилиш мумкин. Кенг, ёруғ, — деди Қудрат ака укасини кўндириш учун. — Агар дахлиз ярамаса, қурилиш қиламиз.

— Майли, бориб кўрайликчи? — деди Жасур ва бориб жойни кўрганидан кейин айтди: — Ҳовлини ўз раъйимга қараб ўзгартираман.

— Нимасини ўзгартирасан? — тушунмай сўради Қудрат ака.

— Чакалакзорни боғ деяпсизлар, дарахтларни кўпориб ташлайман. Газон экаман, шамшод, иккита мажнунтол ўтқазаман, ўртага кичикроқ фонтан қурдираман, майсазор атрофида гул ўстираман. Шунга қаршилиқ кўрсатмасангиз, туришга рози бўламан.

Қудрат ака онаси билан Ёдгорга бир қараб олди.

— Жой сеники. Ихтиёринг. Аммо чоли эккан дарахтларини кўпориб ташлатсанг, кампир чирқирамасмикин?

— Кампирни ўзим унатаман. Бир мавсумда ҳовлининг туси ўзгаради. Иккита-учта жойга майса, орасига мрамар ҳайкал синиқларидан ташлаб қўяман.

— Синиқларидан? — сўради Ёдгор. — Бутунлари-чи?

— Бутунлари керак эмас, — қатъий деди Жасур. — Калла, оёк, қўл, Афродитанинг кўкраги, хум... Эстетикаси шунақа. Ҳовли этагига бассейн қурдираман. Агар ишни ҳозир бошласак, баҳорга чиқиб манзара мутлақо бошқача бўлади. Ўрдак-роз, сигир,

гўнг — бунақа нарсалар керак эмас. Битта зотли ит боқаман. Атрофдаги деворлар кўринмаслиги учун қирқ оғайни гул эктираман. Сўз билан таърифлаш қийин, уни кўз билан кўриш керак.

* * *

Олди-сотди тутагач, Қудрат ака онасини машинасига ўтқазиб Дўрмонга кетди. Ёдгор билан Жасур автобусда шаҳарга жўнашди. Барно техникумда бўлса Жасур Дўрмондаги ҳовлида тургиси келмас, диплом иши учун Барнонинг портретини чизишни мўлжаллаб қўйган, бироқ Барно апил-тапил квартирани йиғиштирар, расмини чиздиришга фурсати бўлмас, Дўрмонга ошиқар эди. Бугун юмуш бажариш учун квартирага кирса — шанба кун, машғулот иккида тутади, кириши мумкин — ақалли бир соат вақтини берса, Жасур Барнонинг умумий кўринишини матога туширишга улгуриши мумкин, қолган штрихларини кейин ишласа ҳам бўлаверади. Муҳими — аёлнинг феъл-атворини, ички гўзаллигини пайқаш, илғаш, ушлаб олиш ва ифода қилиш. Барно эса тутқич бермаяпти, тутқич бермаган сари Жасурда айнан Барнонинг тасвирини яратиш иштиёқи кучаяр, бошқа ҳеч нарсани кўришни ҳам, хаёлига келтиришни ҳам истамас, соҳибжамол ёш рассомнинг буткул ҳушини банд қилган, Жасур нуқул ичида "Мадонна!" дер, уни кўргиси келаверар, у бўлмаса, ўзини қаёққа қўйишни билмас ва айни чоғда пайига тушиш, унга интилиш кайфияти, шайдолиги ахлоқсизлик, акасига нисбатан хоинлик эканини онги билан тушунса-да, дили, ҳиси, тугёни бу андишадан баланд келар, йиғитни қалтсликка етаклар, йиғит заифлигини қудрат деб билар, бу эҳтиросли қудратни енгишга иродаси етмас, Жасур хаёлида намоён бўлган гирдобга фарқ бўлишни, баҳра олишни, изтироб чекишни, азоб-ланишни олий лаззат, фалак инъоми, деб ҳис қилар, бу ёпишқоқ куйқумда булғанар, ички назари билан нозанинни эркалантирар, суяр, ялаб-юлқар, этини сийпалар, эзғилар, ҳуружи авжига чиқар, сеvimлисини ҳар алпозда кўрар, тўймас эди.

Жасур бир оз ишлаш нияти борлигини баҳона қилиб, квартирага жўнади, Ёдгор институтига кетди. Яқинда талабалар пахта теримидан қайтишган, ноябрь байрами тайёргарликлари бошланган, юмуши кўп эди, квартирага ўта олмайман, кеч бўшайман, Дўрмонга қайтаман, деди.

Жасур ҳозир уйга бориб, вақтинча устахонага айлантирилган балконни бир оз тозалаши, яратадиган асари устида ишлаши, аслида эса Барнони пойлаши керак эди. Барно келса, ярим соат вақтини беришини сўрайди, ўгинади, кўндиришга уринади, келмаса рассомнинг композициясини ўйлайди, хаёлида чизиб чиқади, келажак асар миясида "пишади", иш унумли бўлади. Ўзини бирон нарса билан банд қилиши мумкин, масалан, янги ҳовлининг қиёфасини ўзгартиришни бафуржа ҳисоблаб чиқади. Эрталаб

қўққис келган режаларини акасига айтди, бироқ яхши ўйласа, бошқа режа хаёлига келар. Ҳозирча ҳовли, майдонининг келажак кўриниши тасаввурига келмоқда, битса, эски иморат ҳовли қиёфасига ярашмай қолади, қўнқайиб кўринади. Ишни балки уйдан бошлаш керакдир? Унинг учун ҳозиргисини таг-тути билан бузиш, эскиз асосида янгисини қуриш керак. Қиш кириб келаяпти, кампир қаёққа боради, бир хона сизники, деб ваъда беришди. Бошқа жой топишса ҳам масалан, Дўрмондаги ҳовлига кўчирилса — рози бўлмайди. Шу ерда жон бериш, чолининг ёнидан жой олиш — орзуси. Қизи Украинага олиб кетмоқчи бўлган экан, кампир унамапти, чолининг гўри шу ерда, кўзи қиймапти. "Шўрлик ёлғиз қоладими? Ким бошига бориб, тиловат қилади?" Демак, иморатни бузишни ўйлаш ҳам керак эмас. Жасур эса хаёлига эрк берар, келажак иморатни аллақандай қиёфада — бир форсимон шаклда, бир зинадор, дахлизига биллиард ўрнатилган, ертўласи тошдан терилган нимқоронғи, кўк, қизил чироқли бар қиёфасида кўрар, мўлжали тезроқ амалга ошишини истар, битгач, бу ерда рассомлар, режиссёрлар, артистлар, шоирлар бўлишини, уларнинг қўлида қадаҳ билан шавқланишини орзу қилар, йиғилганлар орасида қора шифондан либос кийиб, ҳаммага табассум билан боқаётган Барнони кўрар, дили хапrikaр эди. Бир томондан Барнонинг маҳдиё қилувчи сеҳри, иккинчи томондан майсазордаги харсангларга суялган мойбўёқда ишланган расмлар, жилдираётган фаввора, у ер-бу ерда яширинган сутчи-роқлар шугъласи Жасурга ором бермас, хаёли уни ҳар кўйга солар, йигит эзгуси ушалиши учун кўпроқ ишлашни, расмларини сотишни, кўпроқ маблағ топишни ҳам режалаштирар эди.

Жасур қаламни столга ташлаб, сигарет тутатди, деразанинг бир табақасини очиб, сигарети тутагунча пастга қараб турди. Эллик қадамча нарида новвойхонадан кўкимтир тутун таралар, орт томонидаги ҳовличада бир туп дарахт бўлиб, ярми қирмизи, ярми сариқ япроқлари ҳали тўкилмаган, шамолда чайқалар, тутун ёпирилганда алангаланаётган гулханга ўхшар эди. Барнонинг тасвирини яйдоклашаётган дарахтлар фониди ишлаш керак, деган хаёл Жасурнинг миясига келди. Ҳазон тутатиб, пешана-чеккасидаги соч кокилларини шамолда тўзғиётган пайтини тушириш керак — экспрессия ҳосил бўлади. Ҳозирча хوماки тайёрлаш лозим. Хوماки қанча кўп бўлса, шунча яхши, ҳар томонидан расмини чизса, биронтаси портрет учун асос бўлади. Қулай ракурс топиш керак. Назар нуқтаси муҳим омил. Курсига ўтқазиб расмини ишласа ҳам бўлаверади, аммо унда қанақадир тугён, изтироб, ички интилиш, бесаранжомлик, қаноатсизлик сезилмайди. Бўёқ ҳам шунга яраша узук-юлуқ, фадир тушиши керак. Бу — бир ёндошиш. Яна бири — тинч, сокин, осуда, ўйчан, маҳзун бўлиши мумкин. Бу усулнинг ҳам ўз фазилати бор. Бошқача ёндашиш мумкин. Ишлаётган пайти, масалан. Хамир қораяпти, таңдирга олов қалаяпти, кашта тикаяпти, ўсма қўяпти,

олма қоқаяпти, китоб ўқияпти, бола эмизаяпти, ўх-ҳў! Нухсалари кўп. Аммо Барнога қайсиниси мос тушади, қайсиниси ички дунёсини кўпроқ очади — гап шунда. Ҳамма нарса маҳоратга боғлиқ. Маҳорат бўлса, ухлаётган одамнинг расмини чизиб ҳам томашабинни лол қолдириш мумкин, битта кампир ё чолнинг кўлини ишлаб, бир дунё маъно яратса бўлади. Жасур дилида келажак асарига иштиёқ уйғотар, тезроқ чизгиси келар, кўли қичир, қайси бир ҳолатини ўйламасин, кўз ўнгига Барнонинг рухсори келар, унинг қиёфасидан йигит қутула олмас, ҳамиша, доим, муттасил унинг ёнида бўлгиси, самимий, жарангдор кулгисини, овозини эшитгиси, баъзан ҳушчақчақ, баъзан ҳазин, баъзан ўйноқи, баъзан таманно жамолини кўргиси, кўргисигина эмас — татигиси келар, ўзидан уни арита олмас, аритигини истамас, ҳатто эрига ҳам рашк қилар, қизганар, ҳасаданар, эрхотиннинг қўшилишини тасаввур қилиб, гаши келар, акаси кўзига бало бўлиб кўринар эди. Нима бўлаяпти? Нега бунақа? Нима учун хаёлим Барнодан бўшамайди? Ошиқ бўлиб қолдиммикан? Шу ҳолатимнинг сабаби севгими? Мубталоликми? Муҳаббатми? Муҳаббат айб эмас-ку! Севиш нафратдан афзал-ку! Нега бундан ор қилиш керак? Тўғри, маълум маънода худбинлик бор, аммо худбинликсиз ишқ ишқми? Лоқайд, эҳтироссиз севги севгими? Ёдгор учун Барно шунчаки жуфтлик воситаси, у ҳақиқий севги нималигини билмайди ҳам. Чиройликкина қиз экан, оёғи остидан чиқиб қолди — вассалом. Барнонинг ўрнида бошқаси учраса, илиб кетаверар эди. Ўзи ҳовлиқма, пала-партиш, беқарор одам, унда ҳақиқий туйғу нима қилсин? Унақа одамга Барнодек зот хайф. Қадрига ҳам етмайди. Барно менинг майлимни сезаяптимикан? Сезаяпти, албатта. Аёллар бунақа нарсага сезгир бўлишади. Нега унда ўзини олиб қочмайди? Нега шу ерда эканлигимни билса-да, келишини тўхтатмайди? Менинг қарашларим, шама қилишларим гашини келтирса, ё гумонини Ёдгорга айтган бўлар эди. Ёдгор бебош йигит, суриштирмай-нетмай гафво кўтаришдан тоймас эди, жанжал чиқарар эди. Демак, ҳали Барно айтмаган, энди айтиши мумкин. Балки жанжал чиқишидан чўчиб, индамагандир. Индашни истамагандир. Кўнглида нимадир борки, индамай келаяпти. Таваккал қилиш керак, агар қаршилик кўрсатса, Жасур ёлворади, ўтинади, оёғига йиқилади, севишини, чидай олмаётганини айтади, ўзимни ўлдираман, уволимга қоласан дейди, сенсиз дунё менга қоронғи, севишим гуноҳми каби вазларни келтиради, аёл нарса шаштидан тушади, таслим бўлади. Қишлоқ қизи учун “севаман”, деган сўзни эшитишнинг ўзи ларзадек нарса, бардош бера олмайди. Жасур қучади, оёқларини ўпади, жазовага тушади, йиғлайди, зорланади, эсанкиратади, ҳушини алғов-далғов қилади, аврайди, қиз жоду сеҳридан қутула олмайди... У ёғи нима бўлади — тақдир билади. Муҳими висолга эришиш, ўз майлига оғдириш, эзгу булоқдан тўйиб ичиш, ташналикни қондириш. Қолгани аҳамиятсиз. Қанча

уқубат, бадномлик, изтироб рўй бермасин. Жасур чидашга тайёр. Қачон келаркин? Қачон?

Шу пайт уйнинг эшиги очилиб ёпилгани эшитилди. Бу Ёдгор эмас, Ёдгор кирганида тарақ-туруқ эшитилади. Бу — Барно. Туфлисини ечса, юргани ҳам эшитилмайди. Фақат идиш-товоқ ювса, йиғиштирса, шарпаси келади. Бу — албатта Барно. Хайрият, келди-я! Доди Худога етди!..

Икки соатдан кейин Барно кўчага чиқди. Номусдан юзи ловулар, ичкарида бўлган ҳодисани бегоналар пайқагандек туюлар, Барно одамлардан кўзини олиб қочар, қаёққа боришини билмай гангир, йўлдан озганини, бир лаҳзали сурур жозибасига берилганидан, иродасизлик қилганидан, чап бера олмаганидан пушаймон бўлар, эзилар, ўзини койир, пасткаш, нопок, чиркин ҳис қилар эди. Қаёққа боради энди? Дўрмонга борса, эрининг кўзига қандай қарайди? Ўзини тута билмаса, ҳойнаҳой сирини сездириб қўяди. Қайнонаси ҳушёр аёл, пайқашни, ҳеч бўлмаганда гумонга бориши мумкин. Сижжакка жўнаш керак, боргунича икки соат вақт ўтади, Барно ҳаяжонини босиб олишга улгуради. Бироқ индамай кетса, хавотир бўлишади, қидиришга тушишади. Эри албатта шаҳарга қайтади, Жасурга учрайди, Жасур квартирага кирганини айтади, у ҳам ҳадиксираб, оғзидан гуллаб қўйиши мумкин. Ана унда иш қийпичоқ билан тугайди, ҳамма нарса расво, барбод бўлади. Барно ўзини қўлга олиб, бирров бўлса-да, Дўрмондаги уйига кириб, бирон баҳона кўрсатиши, кейин Сижжакка жўнаши мумкин. Шошилса эри ҳали ишдан қайтмаган, бўлади, ўзи ҳам охириги автобустга улгуради. Бугун шанба, эртага якшанба, Сижжақда икки кун туриб, ҳафтанинг бошида шаҳарга қайтса ҳам бўлади. Онасининг дилини така-пука қилмаслик учун унга ҳам бирон ваз ўйлаб қўйиши керак. Вақт бемалол, йўл-йўлакай бирон баҳона топилади. Қайнонасига “ойим бетобмиш” деб, ярим соат ўтар-ўтмас, уйдан чиқиб кетади.

Автобус Чорвоқдан ўтиб баландликка ўрмалай бошлаганда, пастдаги посёлкаларга оқшом тушган, тераклар ортидан чироқлар милтилар, лип-лип этар, тепалар ҳали қуёш нурида яллигланар, тоғ чўққиларига қор тушган, қорамтир-кўк осмонда кемтик ой автобус билан пойга ўйнагандек сузар, тарвақа булутлар чўққиларда чувалашишар, кўлнинг нариги соҳилидаги сарғиш дарахтлар орасидан кўкимтир тутун ялқов тарқалар эди.

Барно бўлиб ўтган ҳодисани нечоғли ҳайдамасин, ёпирилиб келаверар, кўнглига ором бермас, ўзи ўша муҳитга тушиб қолганини оқлагиси келар, бир зум ақлини йўқотганини, кўзи тинганини Жасурдан кўрар, агар Жасурнинг ўзи ғайрат қилмаса, қий ёққаш Барнонинг хаёлида ҳам йўқ эди. Тўғри, ҳар гал Жасур кўз тикқанда, Барно бир лаҳза эсанкирар, юраги шувиллаб кетар, аммо бундай кўз қараш йигитлар томонидан беихтиёр жўшиб кетувчи ҳолат белгиси, кўчада ҳам, троллейбусда ҳам бунга ўхшаш боқишга дуч келиш мумкин, деб Жасурнинг нигоҳидаги

ютоқишни табиий махлиёликка йўяр, аҳамият бермай келар, тубида нашъали, тотли нияти борлигини пайқаса-да, ёшларда бўладиган бир дақиқали ҳаяжон деб ғараз қидирмас, ғаши келмас қайтага кимнингдир дилига чўғ ташлаб жунбишга келтира олганидан маълум даражада мароқланар эди.

Барно ҳар гал шаҳар уйига бирон нарса — биллур вазами, кумуш қошиқми, чиройли сочиқми — харид қилиб келар, бу гал эса ҳарир дарпарда олиб келди, эшикни очиб кириши билан уйда Жасур борлигини пайқади, коридордан туриб Жасур билан саломлашди, йигитнинг ишига ҳалал бермаслик учун одмироқ кийиниб, ўз юмушига киришиб кетди: қўшнидан нарвон олиб чиқиб, дераза тепасида Ёдгор ўрнатган гардишга парда ила бошлади.

Интиқиб кутаверган Жасур, чидай олмай, қўлида альбом билан бу хонага ўзи чиқди, нарвондаги Барнонинг суратини тез-тез қорозга тушира бошлади. Кейин альбомини диванга ташлади, келиб нарвонни ушлади. Нарвон сезилар-сезилмай қалтирай бошлади. "Қўллари титраяпти", деб ўйлади Барно ва тепадан Жасурга қаради. Йигитнинг кўзлари бежо, юзи қизарган эди. Барно тасалли бергандек, жилмайиб қўйди, буни Жасур рағбатлантириш аломати, деб тушунди, чоғи, Барнонинг яланг болдирларини маҳкам кучиб, шиддат билан ўпа кетди. Барнонинг қўллари банд бўлгани, оёқлари Жасурнинг чайир кучоғида, унинг устига нарвон йигитнинг пала-партиш ҳаракатлари натижасида лопиллагани учун йиқилиб тушишдан қўрқиб, нуқул "Вой, вой!" деган хитоб қилди. Жасур Барнонинг оёқларини жазавада ялаб-юлқаб, силаб-эзфилаб, нарвон зиналаридан тепага кўтарила бошлади, унинг қўллари қизнинг сонларигача сирғалиб борди... "Яхши кўраман! Севаман! Тоқатим тоқ бўлди, чидай олмайман! Раҳм қилинг! Адо бўлдим!" Барнонинг ҳам дили алғов-далғов бўлиб кетди, аммо тинчителиш мақсадида парда аралаш қўли билан йигит бошини итарди, бироқ бу итариш у қадар кескин бўлмай, қаршилиқдан кўра кўпроқ майлни билдиргандек йигитга туюлди, йигит баттар қутира бошлади... Барно ҳарчанд уринса-да, Жасурнинг эҳтиросли чангалидан қутула олмас, оёқ ости омонат бўлгани учунми, чидашга, ҳатто йигитнинг ҳаракатларини журъатсиз қабул қилишга тайёр эди. Лекин Жасур борган сайин авжга чиқар, қизни кўтармоқчи бўлар, тортар, Барно эса кулашдан ҳайиқиб, бир-икки пой паст тушар, буни йигит розилик аломати, деб, баттар тортқилар эди. Ниҳоят мувозанатни йўқотиб, қапишган ҳолда пардага ўралашиб, иккови гиламга кулади, Жасур суллоҳлик билан Барнони "талай" бошлади — кўйлагини юлди, йиртиб ташлади, қизнинг яланғоч этини кўриб, ҳайратга тушди. Лол қолди. Нуқул "Ё тавба! Ё алҳазар! Наҳот шу сенсан?! Етишганим ростми?!" — дейди эловлагандек, алаҳлайди, қизнинг этига ястанади, ўпади, сўради, сурканади, тўймайди. Бу алфозда Барно нима қилсин? Дод, десинми? Ким эшитади?

Эшитганда ҳам ким ишонади? Икки ёш уйнинг ичидан қулфлаб олгач, нималар бўлмайди? Балки қизнинг ўзи кўз сузгандир? Энди тухмат қилаётгандир?

— Бўлди, Жасур, акангиз келиб қолади, — деди Барно ҳансираётган Жасурнинг қулоғига шивирлаб.

— Келмайди.

Барча хусуматни қанча вазиятга тўнкамасин, Жасур яратган гирдобга фарқ бўлишга, тўфонда чирпирашга ва лаззат олиш онларини синашга Барно мажбур бўлди, ҳам шижоатли тўлқинга ўзини қўйиб берди, пўртана ҳужумида қийқирди, ҳайқириққа жўр бўлди, мароқланди. Аслида бир неча дақиқали уввос авжида парвоз қилди, ингради, жазавага кирди, дунё кўзига кўринмади. Табиатни алдаб бўлмайди, ўз зуғумини ўтказади, унга чап бериш маҳол...

— Энди акангизга нима деймиз? — сўради Барно баданини беркитмай.

— Ҳеч нарса демаймиз.

— Сезиб қолсачи?

— Никоҳимга ўтасан. Унга хотин бўлишинг хато. Мен сени унга бермайман.

— Ёдгор акангиз-ку.

— Рақибим. Мен сени ундан қизғанаман. Сенга тегса ғажиб ташлагим келади. Сен бўлмасанг — бошқаси. Унга барибир.

— Сизга-чи?

— Менга барибир эмас. Сенсиз яшаш мен учун хиёнат.

— Акангизга нисбатан хиёнат эмасми?

— Севиш хиёнат эмас.

Барно ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ҳатто Ёдгордан ҳам бунақа шафқатсиз, аммо юксак сўзларни эшитмаган. Шу сўзлар билан Жасур маъшуқасини жуда ҳам баланд аснога кўтарди. Шундай иқтидорли, салоҳиятли инсоннинг санамига айланиш, тилак маъбудаси бўлиш, фироқ ва ситам чироғи сифатида порлаш бу қишлоқ қизи учун олий мурувват бўлиб кўринди. Шубҳасиз, бу таъби нозик, инжиқ, диди латиф йигитни бебош, шаталоқ эри билан таққослаб бўлмасди ҳам. Бироқ Ёдгор қонуний эри-ку. Шармандалиқдан сақлади, совчи қўйди, уйланди, ардоқлади. Дили пок, ғарази йўқ. Яна қанақа одам бўлиши керак? Барнонинг боши гангимаяптимикиан? Бу андишасиз қилмишдан Ёдгор хабар топса, сезиб қолса, ушлаб олса қанақа фожиа рўй бериши мумкин! Энди Жасур ҳойнаҳой тийилмайди, биринчи "ғалабасидан" кейин дадилроқ, қатъийроқ "ишга" киришади, Барнонинг тили қисқлигидан фойдаланиб, ҳар мақомга эргаштиради, ўзиникини талаб қилади. Барно юз ўтурса, ёки қаршилик кўрсатса, фитнага ўтишдан ҳам тоймайди. Демак, энди Барно — бир қўли эрида, бир қўли укасида — хомталаш бўлиши, кечаси акасини, кундузи укасини "хурсанд" қилиши керакми? Бунақа "рўшнолик" қачонгача давом этади?

Барно уйдан чиқиб кетаётганида Жасур уни кучиб:

— Шу топдан бошлаб кўзим йўлингда бўлади, — деди. — Интизор қилма. Эртага кутаман.

— Эртага якшанба, акангиз уйда бўлади, қандай чиқиб кета оламан? — деди Барно Жасурнинг илтимосини рад қилишга тили бормай.

— Бирон важ топ. Парда иламан де.

— Акангиз бирга тушса-чи?

— Шамғалат қил, Сижжакка чиқаман, де, баҳона ахтар. Ўзинг бу ёққа кел. Ёдгор қаттан билади?

— Менсиз уйда ўтира олмайди, — деди Барно бир амаллаб чап беришга уриниб. — Бу ёққа тушса, устимиздан чиқади. Керакми шу жанжал?

— Керак, — деди Жасур қатъий.

— Сизга керак бўлса, менга керак эмас, — деди Барно ижирганиб. — Укасига ўйнаш бўлиб, чавақланиб кетиш менга тўғри келмайди. Йўлдан урганингиздан кейин, асранг-да мени.

— Келмасанг, орқангдан бораман. Ҳамма нарса фош бўлади.

— Пўписа билан ниятингизга эришмоқчимисиз? — ёзғирди Барно.

— Пўписа эмас. Бошқа чора миямга келмаяпти. Севаман сени, қандоқ қилай?

— Севган киши авайлайди. Сиз халитдан пичоқ қайраясиз.

— Севмайсанми? — деди Жасур Барнонинг таънасига жавоб топа олмай.

— Кимни?

— Мени.

Барно ҳадиксираб қолди: севмайман, деса, Жасур кўнмайди, нега алоқа қилишга рози бўлдинг, дейди, барибир жанжал кўтаради, севаман деса, тилидан тугилади. Қанақа жавоб бериш керак экан?

— Қўйинг мунақа гапни, — деди Барно ҳушёрлик билан. — Бир марта тойдик, етарли. Иродам етмади. Энди буни унутиш керак.

— Тойдик? — фигони қайнаб деди Жасур.

— Ҳа. Хато бўлди. Бекор бошимни айлантирдингиз. Мени тинч қўймасангиз, уйдан бошимни олиб чиқиб кетаман.

— Агар қайтмасанг, ўзимни осаман.

Барно Жасурнинг кўзларига разм солди — ростдан ҳам шунақа қилишга қодирми Жасур ёки чўчитмоқчимиз?

Жасурнинг кўзи ёшланди. Барнонинг дили орзиқиб кетди. "Астаффирилло! Наҳот сўзлари самимий? Наҳот шунчалик севади? Бунақа ишқ учун жонни фидо қилса арзийди-ку!" Барно иккала қўли билан Жасурни бўйнидан кучоқлаб, бағрига босди, ўпкаси тўлиб кетди.

— Раҳмат, — деди Барно энтикиш аралаш пичирлаб. — Фақат

мен севги нималигини билмайман-да. Мен муҳаббатингизга арзитайман. Ҳиссиётим ожиз. Соддаман.

— Қанақалигингни ўзинг билмайсан, — деди Жасур қизнинг юмшоқ қучоғида аранг ҳаяжонини босиб. — Сен парийсан. Малаксан. Сени севмаслик увол. Гуноҳ. — Жасурнинг овози қалтирар эди.

Барно яланг елкасига томчилаган ёшни сезди.

— Нега биринчи бўлиб сени мен учратмадим? Тўйдан ақалли бир ҳафта бурун кўрсам, чиппа ёпишиб олардим. Ёдгордан айнитардим.

Иши битди, энди тонмаса ҳам, шунчаки овунчок, эрмак йўлига мени илгақлаб юради, деб ўйловди Барно боя, бироқ масала анча жиддийга ўхшайди. Энди бу чигални қандай ечиш мумкин? Ёдгорнинг кўзига қандай қарайди? У шўрлиқда нима айб? Рост, у Жасурчалик сезгир, такалуфли эмас, жайдари. "Иши битиши" билан тескари ўгирилиб олади, у ёқ-бу ёқдан сўраб-суриштирмайди, кам гаплашади, нуқул қаёққадир шошилади. Ахир аёл суҳбатлашгиси, эркалангиси, нозлангиси келади — ётади бечора алламаҳалгача эрининг ҳуррагини эшитиб. Жасур нафси тўйгандан кейин ҳам совимади, муҳаббатини нақадар гўзал сўзлар билан изҳор қилди, ҳатто йиғлади. Шундай йигитни қандай кўкрагидан итариб бўлади? Файрати қанақа жўшқин? Оловдек. Барнонинг оёғи учидан пешанасигача ўпиб чиқди. Ёндирди.

Барно эри билан Жасурни таққослаганидан ўзи уялиб кетди. Жасурнинг хулқини оқлашнинг ўзида қанақадир иллат, бузуқлик бордек, ўзини мунофиқ, жирканч ҳис қилди. Шубҳасиз, Жасур ўзининг туйғу довули билан Барнонинг дилига довулдек кириб келди, бу тўфондан омон чиқиш мушкул, Барно бу синовга тайёр эмас эди...

Қош қорая бошлаган пайтда Барно онасиникига кириб борди. Ҳали чироқлар ёқилмаган, ҳовлида ҳеч ким кўринмас эди, Барнонинг юраги орқасига уриб кетди. Туриб қолди. Шу пайт офилхонадан челақ кўтарган укаси чиқди ва Барнони кўргач, челақни қўйиб, опаси томон югурди.

— Сигир соғдингми? — деди Барно Саидни қучоқлаб ўпгач.

— Ҳм.

— Ойимчи? — сўради Барно хавотирланиб.

— Касал, — деди укаси бепарво. — Қусаяпти. Дўхтир келди.

Барнонинг дили шувиллаб кетди. Боя қайнонасига "ойим бетобмиш, Сижжақли дугонам айтди, кўриб келаман", деб баҳона келтирувди, шайтон омин, деган экан — худди шундай бўлиб чиқди. Барно ичкарига ошиқди, "Қилган нопок ишимнинг касри онамга урипти", деб ўйлади. Сочлари тўзгиган онаси чалқанча ётар, ўқтин-ўқтин ўқчир, ёнидаги тоғорага эгилар эди, қизини кўргач, мажолсиз кўзлари таҳликали тикилди — нега Барно кечки пайт, тўсатдан келди экан? Чалларга келиб кетганига бир ой ўтгани йўқ, нима бўлди экан?

Барно онасини қучоқлаб, ёнига ўтирди.

— Тинчликми, қизим? — мадорсиз оҳангда сўради онаси гумонсираб. — Нега келдинг?

— Тинчлик-тинчлик, — деди Барно дадил овоз билан. — Кўнглим сезди, келдим. Ўзингизга нима бўлди?

— Худойидан сомса чиқувди, — деди онаси толиққан овозда, — даданг ҳам, уканг ҳам еди, уларга ҳеч нарса бўлмади, битта сомса мени шу кўйга солди. Ичим узилиб кетди. Дўхтир қатик буюрди. Ичганим қайтаятти. Ёдгоржон қани? Уям келдими?

— Ишда. Ўзим келдим. Ҳозир ёвғон хўрда қилиб бераман.

Барно туриб чироқни ёқди.

— Ёқма, кўзимга тушаяпти, — деди онаси бошини четга буриб. Барно чироқни ўчирди ва плашчини ечиб, ташқарига чиқар экан:

— Дадам қачон келаркин? — дея соатига қаради — бешдан энди ошган эди. Укаси сутни сепаратордан ўтказиш учун қўшниникига чиқиб кетган бўлса керак, шу ғира-шира пайтда ҳовлиси ютиб юборадигандек ёт, хунук кўринди; бу хўмрайган манзарага лаққа чўғдек товланиб турган узоқдаги тоғнинг қорли чўққиси ҳам файз кўшмас, қайтага ёвуз, адоватли тус қўшар, пана жойларда алланималар яшириниб ётгандек, Барнони кузатаётгандек туюлди. Ҳаво совуқ бўлгани учун ҳам ин-инларига кириб кетган, фақат узоқ-яқиндан итларнинг хуриши, қарғаларнинг қағиллаши эшитилар эди. Айни шу дамда шаҳар чароғон, кўчалар гавжум, магазинлар, театрлар, хиёбонлар электр нурида жўш урар, тотли дамлар бошланган пайти эди. Барно ўн етти ёшига қадар Чорвоқдан бўлак жойни кўрмаган, отаси билан биринчи гал Тошкентга тушишганида шаҳар ўзининг улканлиги, трамвай-троллейбуслари-ю, минглаб машиналар ва кўпқаватли бинолари билан Барнони эсанкиратиб қўйган, айниқса, метрога тушишганида, пешанабоғ ўраган, лозим кийган қиз шавқдан антикиб кетган эди. Ҳозир узун ўрилган сочини демаса, Барнонинг шаҳарликлардан фарқи қолмаган — кийиниши ҳам, ўзини тутиши ҳам боп, ҳатто биринчи марта қишлоқдан келган меров одамларни кўрса, ўзини бир карра кибор фараз қилади.

Агар Барно шунга ўхшаган бегона қишлоққа тушиб қолса, бир дақиқа ҳам турмаган, дуч келган машинада жўнаб қолган бўлар эди. Бироқ ҳозир ҳовлиси қанақа кўринмасин, шаҳар қанча ўзига тортмасин, қолишга мажбур — онаси бетоб, дадаси ҳали хизматдан қайтмаган, кимдир бош-қош бўлиши керак. Ҳовли чироғини ёқади, ўчоққа ўт қалайди, жаз-буз қилади, бир зумда ҳовлисига файз киради-қолади. Эртага автобус бекатига чиқиб, шаҳарга кетаётган биронта танишига Жасурнинг телефонини беради, онаси касаллигини, шаҳарга туша олмаслиги ҳақида хабар бериб қўйишини илтимос қилади. Акс ҳолда эртага бормаса, Жасур албатта қидириб Дўрмонга келади, гап очилиб кетади; ҳойнаҳой Барнони тилга олишса, Жасур Барнони қочиб кетди, деб ўйлайди, алам устида дейдиганини дейди, жанжал кўтарилади,

ҳамма нарса барбод бўлади, Жасур, ҳатто бу ёққа ҳам келиши мумкин. Ярим кечаси кириб келса-я? Ана шармандалик! Барно нима деб ота-онасига уқтиради, қанақа важ келтира олади? Ҳаёсизга чиқади, ўзини бир нарса қилиб қўйишдан тоймайди — яна гусса, яна ғурбат яна нам. Нега иродасизлик (беномуслик) қилди Барно? Ахир Жасурни итариб ташлашга, чангалидан кутулишга бир амаллаб бас келиши мумкин эди-ку. Нега андиша қилмади? Нега оқибатини ўйламади? Нега? Шунчалар нафси бузукми? Олчоқми? Бошида эри бор, ўзини тийиши, бир лаҳзали гаштга, мароққа берилмаслиги, ҳушёр бўлиши, ақалли қўрқиши лозим эди-ку.

Барнонинг дили яна ғулғулага тушди; онасининг дарди ҳам хиралашди; ҳали-замон дадаси ишидан қайтса, нега келдинг, деб саволга тутади. Ҳаммаси майли, бирон баҳонани важ қилади, ота-онасини кўргани келиш ҳам гуноҳми? Соғинади-ку. Жасур ҳовлиқиб келиб қолмаса бас. Пастда улар тинчмикин? Ала-тўпалон бошланмаганмикин? Бошланган бўлса, бошимдан нари — ўзаро жиққамиш бўлаверишсин, мен қочиб ўтиришман. Ўртада талаш бўлганми камми? Ёзғирсам, мен ёзғиришим керак.

Ўзига тасалли бериш учун ахтарган баҳоналари Барнонинг юрагига далда бермагандек бўлди, далиллари тутуруқсиз, шувут туюлди, баттар хуноб бўлди. Айни шу чоғда нима чора кўриш мумкин? Нима чора ҳам кўрар эди? Балки ҳеч нарса рўй бермагандир, Барно подадан олдин чанг кўтарса, сир очилиб кетади, ўзи бебурд бўлиб қолади. Индамай кутгани маъқулдир?..

Алоқа бўлими кеча-кундуз ишлайди, бировга тайинлаганидан кўра, ўзи телефон қоқса, ҳамма нарса аён бўлади. Сижжақда эканини, онаси бетоблигини эшитиб, бу ёққа учганини, эртага шаҳарга туша олмаслигини айтади, Жасурни термултирмайди. Борди-ю, телефон жавоб бермаса, демак, Жасур Дўрмонга кетган бўлади. Қайнонасининг гапи қондирса — ҳай-ҳай, қондирмаса — келади судралиб. Унда нима бўлади? Нима бўларди? Онаси баттар оғирлашади, отаси бошини муштлайди, қўшмозор бўлларинг, деб ҳайдайди, оқ қилади, ланбатлайди... Барибир телефон қилиш керак. Бугун бўлмаса, эртага Жасур изғишга тушади, ҳали олдини олиш мумкин.

Ичкаридан онасининг ўхчиши эшитилди. Барно ёвфонни ко-сага сузиб, уйга ошиқди. Онасининг тўзғиган сочларини тузатиб, косани тутди. Кейин, укаси келгач, алоқа бўлимига югурди.

Биринчи хавфли, қалтис таваккали муваффақият билан яқунланган Жасур Барнонинг телефон орқали айтган гапидан тасалли топмади. Маъшуқасини бугун келмаслигини Жасур яхши билар, бироқ дастлабки ғалабадан кейин йигит қизни ўзининг измида фараз қилиб, ҳар қанча хоҳиш-инжиқликларини кўтаради, энди тили қисик, юганини қаёққа бурса ўша томонга бурилаверади, деб ўйлар, кундузги талабига кўра, эртага албатта

келишини кутар, келишга Барно қатъий сўз бермаган бўлса-да, ваъдага ўхшаш майли борлигини Жасур сезган, шунинг учун ваъдани бажармасликка юраги дов бермаса керак, деб тахмин қилган ва эртанги учрашув дилини қамраб олган, бўлак хаёл миъасига кирмас, кирса-да қарор топмас, ўйи, нишабга оққан сувдек, онгига хуруж қилар, Жасурни бир лаҳза ҳам тогли панжасидан бўшатмас, хаёлотини жозибали рангларда қутуртирар, тутқунликда сақлар эди. Ҳамма ниятлари эртанги учрашувга жамланган бўлиб, Барнонинг гапидан кейин барбод бўлди. "Эртага келмас экан, онаси бетоб бўлса, индинга келиши ҳам гумон, бунча мuddатни қандай ўтказаман? Нима қиламан? Ўзимни қаерга ураман? Икки-уч кун — аср-ку. Бу муаллақ-мавҳум ҳолатга қанча чидаш мумкин?" Бўёқ-қаламларини олиб Сижжакка ўзи борса-чи? Рассом бўлганидан кейин манзара ахтариши табиий ҳол. "Олдинги сафар келганимда шу ерлардан таассуротланувдим, мана, келдим, қаёққа қараманг — манзара, бири биридан гўзал, бунақа жойларни тасвирга туширмаслик гуноҳ", дейди. Суриштириб ўтиришармиди, қайтага мамнун бўлишади. Эртага — яқшанба. Саттор ака уйда бўлиши керак, унинг ҳам расмини чизаман, боши осмонга етади. Онасидан ҳол сўрайман. Ишқилиб, Барно овзидан гуллаб қўймаган бўлсин. Гулламаган, албатта, ботина олмайди. Ҳазон тутатиб, расмини чизаман. Балки энг яхши асарим бўлар...

Жасур Сижжакка етиб борганида вақт тушга яқинлашиб қолган, қуёш чарақлашига қарамай, ҳаво салқин, кирза этик ва қулоқчин кийган Саттор ака қўшни девор томонидаги узум новдаларини қирқиб ерга ётқизар эди, аввалига танимагандек Жасурга тикилиб қолди, кейин таниб, қўлини қоқди ва меҳмон томон юрди.

— Ие! Ие! Жасурбек! — дея Саттор ака кафтини эски чопонига артиб, қўлини меҳмонга чўзди. — Нечук? Келинг, оғайни! Омонмисиз? — Саттор ака Жасурнинг кўзларига синовчан тикилди. — Тинчликми?

— Тинчлик, Саттор ака, тинчлик, — деди Жасур Саттор аканинг қиёфасида ҳадик сезиб. — Итни оёғи боқади, дегандек, мана, — дея Жасур Саттор акани тинчлатиш учун бўёқ, қоғоз солинган сепойлик этюднигини кўрсатди, — санғиб кепқолдим.

— Жуда соз-да, Жасурбек, кўнгилдаги иш бўпти, — деди Саттор ака ва уй томонга қараб, чақирди: — Саид! Барно! — Саттор ака меҳмонни чорпоя қўйилган очиқ дахлиз томон бошлади.

Сочи устидан камзул кийган Барно кираверишдаги уй зинасида серрайиб қолди ва Жасур билан дадасининг назари тушиши билан ясама жилмайиб:

— Ассалом, — деди, бошқа бирон нарса айтишга қурби етмади. Дарҳол ранги гезарди, юраги ура бошлади, оёқ-қўли бўшашиди, ўзини чалғитиш учун "Саид!" деб укасини чақирди, садо келмади.

— Нега қаққайиб қолдинг, чой-пой қил, дастурхон ёз, шу ерда ўтираминиз, — деди Саттор ака тетик оҳангда. — Офтоб ғанимат.

— Хўп, ҳозир, — дея Барно ичкарига кириб кетди.

— Саттор ака, сизни ишдан қўйдим, узр, — деди Жасур мулзам бўлиб.

— Ие, Жасурбек, иш тугармиди, унақа деманг, — деди Саттор ака чорпоядаги кўрпачаларни тўғрилаб.

Жасур этюднигининг тасмасини елкадан олиб, устун тагига қўйди, чорпоя четига ўтирди. Омин қилишди.

— Ойимиз бетобмишлар, ҳозир қалай?

— Бугун тузук, сал кўзи очилиб қолди, — деди Саттор ака парво қилмагандек. — Сомсадан бўпти. Дори-пори беришди.

Кийимини ўзгартирган Барно патнисда асал, хандон-писта, анор, ёнроқ, қаймоқ олиб чиқиб, дастурхонга қўйди, кейин чой келтирди, нон ушатди. Отасида шубҳа қўзғамаслик учун Жасур кўзини Барнонинг юзидан олиб, четга қарар, ўзини ҳатто нотанишдек тутишга, ҳаяжонини яширишга уринар эди.

— Мана, — деди Жасур ўзини чалғитиб ва сумкасидан пакет чиқариб, Барнога тутди. — Лимон.

— Лимон? — сохта шодланиб деди Барно, олгита лимон солинган қовоз пакетни олиб. — Хаёлимдан ўтувди. Раҳмат. Ҳозир ойимга бераман, кўнгил очади, меъдани тозалайди.

Барно пакетни олиб, ичкарига кириб кетди. Жасур бекорга келмагани, бирон ишқал чиқариши мумкинлигини Барно тахмин қилди, дили гулгуладан бўшамай қолди. Нима қиларкин? Нима деркин? Кечаги гапларини айтса иш расво бўлади. Бироқ ҳозир ўтиришидан унақа нияти борга ўхшамайди, ҳатто тик қарамади, гапга ҳам солмади. Балки пайт пойлаётгандир? Қандай олдини ола бўларкин? Аммо нима дейди Барно? Қандай айтади? Четга имлаб бўлмаса. Қачон кетаркин? Тезроқ кета қолса эди!

Чойдан кейин чала қолган ишни охирига етказиш учун Саттор ака яна ток кўмишга киришди, Жасур этюднигининг уч оёғига ўрнатиб, Саттор аканинг ҳар алфоздаги тасвирини чиза бошлади. Барно баллонда келтирилган газни ёқиб овқат тайёрлашга уннаб кетди, шу орада Саиджон кириб келди, Жасур билан кўришиб, расм чизишини томоша қилди, оппоқ қовозда дадасининг тасвири бир зумда пайдо бўлишидан ҳайратланди. Жасур Саиджоннинг ҳам расмини чизди. Барно бирров келиб, расмларга ҳавас билан тикилар, бояги саросимаси аригандек бўлар, дили хаприқар, яна қозон бошига чопқиллар эди.

Саттор ака эртасига уйқудан турганида, ҳали кун ёришмаган, қоп-қоронғи эди. Саҳар туриш Саттор акага одат бўлиб қолган, тайин бир юмуши бўлмаса-да, саҳар уйғонар, баъзида нонушта қилиб-қилмай, отини эгарлар, аввалдан чамалаб қўйган жойларига жўнар, қуролсиз юрмас, кўриқнинг бир қаноти Наманган ерлари билан иккинчиси Қирғизистоннинг жануби билан туташган, у участкаларга бир кунда бориб келишга улгурмас, кўпинча тунаб

қолар, отда кетиб, машинада ёки машинада кетиб отда қайтар, айна пайтда Саттор ака қаерда эканини ҳеч ким тайин айта олмас, телефон алоқаси тез-тез бузилиб тургани учун чет-чет шохобчаларга Саттор ака отда жўнар, ишнинг кетишини ўз кўзи билан кўрар, керакли топшириқ бериб, бошқа участкага йўл олар эди.

Саттор ака бугун ҳам эрта турди. Тўшақда ётган Жасурни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида қўшни хонага чиқди, кийимини ўша ерда кийди, ташқаридан ювиниб қайтганида, Барно нонушта тайёрлаб, онаси ётган хонада кутиб ўтирар эди. Саттор ака хотинидан ҳол-аҳвол сўраб, тик турганича бир пиёла чой ичди.

— Меҳмон бемалол ухласин, мен эртароқ қайтишга ҳаракат қиламан. Ҳозир соат беш. Еттида Саидни уйғотинглар, мактабига кеч қолмасин, — дея Саттор ака хонадан чиқиб кетди.

Ҳали вақт анча эрта, Барно яна ётишини ҳам, ўзини бирон юмуш билан банд қилишни ҳам билмас, ётса ухлаб қолиб, Саидни ўз вақтида уйғота олмас, юмуш қилса, тарақ-туруқдан уйдаги ухлаётганлар уйғониб кетиши мумкин эди. Онасининг кўзи эндигина уйқуга кетди, укол қилиш, дори бериш пайтига яна уч соат вақт бор, машғулот бажарай деса, дафтар-конспектлари анави хонада, кирса, Жасур уйғониб, тегажоялик қилиши мумкин, чап бериб бўлмайди. Унинг муддаоси ҳам шу, шунинг учун келган, барибир пайт пойлайди, Саид мактабига кетгач, албатта хонасига судрайди, ниятига етмагунча тиним бермайди. Ундан кўра, онаси уйқудалиги пайтда, ўзи кирсинмикан? Нафси қониқса, балки кетар, гумдон бўлар? Йўқ, кетмайди. Кеча, расмингни чизаман, деган режасини бажармагунча қорасини ўчирмайди.

Барно дадасининг чопонини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Совуқ шамол кўзга кўринмас дарахтлар шохида гувиллар, новдаларини чайқалтирар, хазонни шитирлатар эди. Барно кўча эшикни тамбалаб қайтди, жунжикиб уйга ошиқди, Жасур ётган хона эшиги олдида бир дам иккиланиб тургач, тутқични ушлади. Юраги қинидан чиққудек типирчилар, Барно бирон қарорга кела олмас, эти ловулар эди. Ниҳоят, эшикни шарпасиз очиб, ичкарига кирди...

Аввалги учрашувдан кейин бир ой ҳам ўтмай, Қудрат ака Холтой Чориевич билан яна дуч келди, тўғрироғи Қудрат акани яна кадрлар бўлимига "таклиф" қилишди. Олдинги "сухбат" губори ҳали ҳам дилидан аримаган Қудрат ака яна саросимага тушди. Холтой Чориевич бу гал қанақа даъво рўкач қиларкин? Қудрат ака яна қандай хатога йўл қўйди экан? Бундоқ қараганда, Қудрат ака "у мавзу" юзасидан ҳеч ким билан сирдош бўлгани йўқ, учрашув ҳақида ҳеч кимга ёрилмади ҳам, одамлар дилида шубҳа уйғотмаслик учун бу сирни яширди, ҳатто хотинига ҳам айтмади, бир қадар эҳтиёт бўлиб қолди. Қудрат ака рўй берган, аммо ўзига мутлақо дахли йўқ воқеаларни хаёлидан ўтказа бошлади, гап "вейсманизм" таълимотига бориб тақалса керак, деб

фараз қилди. Бу соҳада маълум зиддият бўлишига қарамай, яқинда Қудрат аканинг докторлик диссертацияси темаси тасдиқланган, Қудрат ака “муайян доираларда” “юмшаш” тарзи бошланипти, деб бир карра мамнун бўлган эди, демак, хулоса ясашга шошилипти, докторлик ишини ҳар пайт бекор қилишлари мумкин.

Холтой Чориевич, юзаки бўлса-да, Қудрат акани мулозамат билан кутиб олди, Қудрат ака билан қадрдондек қўлларини сиқиб кўришди, ҳатто қанақадир ҳазил ҳам қилди. Шу ҳазил туфайли Қудрат акани бўғиб турган юк фаромиш бўлгандек туюлди, енгил торти.

— Акамдек бўлиб қолдингиз, Қудрат Умарович, — деди Холтой Чориевич. — Шунинг учун хатарли қадамдан сизни асрагим келади. Аммо сиз олимсиз-да, ака, баъзи нарсаларга эътибор бермайсиз, парво ҳам қилмайсиз, оқибати хунук бўлишини хаёлингизга ҳам келтирмайсиз.

Холтой Чориевичнинг даб-дурустан ёзғиришида аллақандай хавф борлигини сезиб, Қудрат ака каловланиб қолди, тили калимага ҳам келмади. Айни шу кунларда институтда вазият қалтис эди.

— Нима бўпти? — деди Қудрат ака аранг.

— Борибсиз, ҳатто нутқ сўзлабсиз, — деди ёзғиргандек Холтой Чориевич.

— Қаёққа? — талмовсираб сўради Қудрат ака.

— Албатта, бориш-бормаслик ихтиёрий нарса, аммо вазиятни ҳисобга ҳам олиш керак-да, Қудрат Умарович.

— Тушунмаяпман, нимани назарда тутаяпсиз?

— Талабангиз дафн маросимини, — деди Холтой Чориевич, назарида Қудрат ака ўзини билмаганга олиб, муғомбирлик қилаяпти, деб билиб.

Қудрат ака дарров англади ва йигирма кун бурунги воқеани эслади. Пахта теримига кетган талабалар орасидан учтаси — бир қиз, икки йигит — сувдан заҳарлангани, улар касалхонага етмай, ўлгани, эртасига талабалар далага чиқишдан бош торганлари, марҳумларнинг дафн маросимига боришга маъмурият рухсат бермагани, талабалар катта йўлга чиқиб, ўткинчи машиналарда шаҳарга етиб бориб, дафн маросимлари аввал институтда кейин уйларида чиқарилишини талаб қилганликлари, уларнинг талаблари қондирилмаганлиги, пироварди — охир маросимлар гўристонда бўлиб, намоишга айлангани, бошқалар қатори Қудрат ака ҳам қабр устида нутқ сўзлаб, анча-мунча аччиқ, танқидий сўзлар айтгани эсига тушди. Ҳаво совуқ, ер зах, сув заҳарланган, пахтазор дефолиация қилинган, талабалар ётадиган жойлар шиптир, қоронғи, деразалар ўрнига қоп тутилган, деворларида чаёнлар ўрмалаб юрипти; овқат очикда, чангда, шамолда тайёрланади, идиш-товоқлар ювилмайди, талабалар ерда ўтириб овқатланишади, ҳаммом-душ умуман йўқ — фирт антисанитария, деган. Тагин ҳам одамларимиз чиниққан экан,

деган Қудрат ака қабр тепасида, аслида бунақа шароитда қурбонлар яна ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Тошкент шахрининг ўзидан қанча техникум, институт, муассасалар ҳар йили пахта теримига чиқади, ҳаммасида энг камида битта одам ўлади. Пахта теримига чиқиш тадбири ҳали-бери камайдиганга ўхшамайди. Шундай экан, ёрдамчилар учун махсус бинолар қуриб қўйиш, энг зарур шароит яратиш мумкинди-ку. Нега қилишмайди? Пахта учун олиб борилаётган жонбозликни кимдир жангга қиёслапти, бу "қурбонсиз бўлмайди" дегани, бу ўз маъсулиятини бажармаслик. Қишлоқларда қанчадан-қанча ҳамюртларимиз — энг даҳшатлиси — ёшлар заҳарланыпти. Ўнта одамдан олтитасининг жигари касал. Гепатит! Пахта деб, ўз халқимизни ўзимиз нобуд қиламизми? Нега шунча пахта экиш керак? Пахта экилмаган фақат том билан супа қолипти. Агар аҳвол шундай кетаверса, меҳнатта яроқли фуқароларнинг ярмидан кўпи ногирон бўлади. Унда ким пахта етиштиради? Шу ҳосил деб, ҳаддан ташқари қурбон бераяпмиз. Биттаси мана, тобутда ётипти. Ҳали рўшнолик кўрмаган, энди-энди ҳаётга қадам қўяётган ақли, қобилиятли талабамиз, укамиз, ўғлимиз, дўстимиз, курсдошимиз кимнингдир манфаати учун жонини берди. Ҳозир бирон-бир бурчақда бир қиз юм-юм йиғлаётгандир...

Учта талаба нобуд бўлишидан бир ҳафта бурун бир ҳодиса рўй берди: кечқурун даладан қайтган талабалар гулхан ёқиб базм қурдилар, ўйин-кулги авжига кўтарилганда, бир оз ичиб олган талабалар орасида жанжал чиқди, муштлашиш бошланди — аранг ажратишди. Ярим кечаси туман марказидан милиция бригадаси келиб еттита "безорини" ухлаб ётган жойидан турғазиб, олиб кетишди. Бу шунчаки эҳтиёт чора бўлиб, бир ҳафта қамоқда ушлаб туриб, кейин чиқариб юбориш кўзда тутилган эди, бироқ учта талаба — битта қиз, иккита йигит заҳарланиши натижасида уюштирилган намоийшдан кейин, "безориларни" нафақат озод қилишмади, қайтага бўлган "тартибсизликлар" — яъни далага чиқмаслик, нобуд бўлган талабалар дафнига қатнашиш учун оммавий равишда шаҳарга жўнаганлари сабабини ўша "безориларга" афдармоқчи бўлишди, бироқ уларнинг қилмишлари фожиадан аввал рўй бергани учун "безориларга" кейинги воқеалар юзасидан айб қўя билишмас, республика раҳбарияти тартибни сақлаш органларидан "безориларга" чора қўллашни талаб қилар эди. Талабалар пахта теримига қайтишгач, эртасигаёқ "безориларни" ажратган йигитларни ҳам ҳибсга олишди, чунки уларнинг орасида кейинчалик намоийш уюштиришда фаол қатнашган Собир Юнусов ҳам бор эди. Собир Юнусов ва унинг учта-тўртта тарафдорларини жавобгарликка тортиш, уларга жазо бериш шарт, аммо ҳодисага сиёсий тус бермай, интизом бузувчиларга қўлланадиган модда билан айб қўйиб, маълум муҳлатга кесиш керак ва шу "тадбир" билан келажакда рўй бериши мумкин бўлган намоийшларнинг олдини олиш чораси,

ибрат усули эди. Бироқ "безорилик" учун белгиланган жазо муддати бир-икки йил билан чегараланган бўлиб, бу муҳлат республиканинг зийрак амалдорларини қониқтирмас, жазо чорасини қўлламаслик сиёсий ожизликни билдириб, қатор раҳбарлар ўз амалларидан маҳрум бўлишлари мумкин, шубҳасиз чора билан ўлда рўй берган нотинчликка барҳам бериш зарур эди. Бироқ оддий муштлашиш билан ғалаёнга ўхшаш намоёишни қандай тенглаб бўлади? Демак намоёиш илҳомчиларига бериладиган жазо муҳлатини муштлашган безориларга нисбатан ҳам қўллаш керак, бундан чиқади, "безорилар"нинг ҳаракатига ҳам жиноий айб қўйиб, бири бирига алоқаси йўқ ҳодисаларнинг қатнашчиларига бир хил жазо бериш лозим эди. Лекин Собир Юнусов ва унинг тарафдорлари безори эмасликларини ҳамма билади — бу ҳуқуқий акт. Талаба оммаси ёш, ҳали панд емаган, жабр нималигини билмайди, намоёишга чиқишлари мумкин, агар бошқа институт фаоллари билан бирлашишса, катта сиёсий тартибсизлик рўй бериши муқаррар эди. Айни шу пайтда бу чигал муаммони ҳал қилишга республиканинг ҳуқуқий идоралари киришган, раҳбарлар "тавсиясини" кутишар, вазият чалкаш ва қалтис эди. Офат, хатар, фожа каби воқеалар ҳар йили пахта териш мавсумида рўй бериб туради, биронта институт ёки техникум "қурбонсиз" қайтмайди, лекин одамлар кўзининг олдида бўлган" мудҳиш ҳодисаларга мутлақо бошқа тус бериб, кўп ҳолларда айбни жабрланувчиларнинг ўзларига юклаш усуллари — масалан, нега ариқ сувини ичди? Нега юпун кийинди? Нега ўз вақтида докторга мурожаат қилмади? Нега ичди, муштлашди? деган даъволар билан маъмурият жавобгарликдан қочгани кўпларнинг ғазабини кўзгар эди. Муштлашганларнинг ажратувчиларини жанжал уюштиришди, деб жиноий иш кўзга, ўт ўчирувчини ёнғинда айблашдек тутуруқсиз даъво бўлса-да, бу асосий муаммодан одамларни чалғитиш, "безорилик" тамғаси билан аслида жиддий ҳуқуқий талабни бўғиш, юртда ҳамма нарса осойишта, фаровон, деган таассурот ўрнатиш бўлиб, бу сиёсий жанжал марказга етиб борса, "чора кўрилди, кўнгилсиз можаро бартараф қилинди", деган ҳисобот жўнатилар эди. Мазкур ҳодиса ҳам ҳар йили рўй берадиган фожиалар тоифасидан бўлиб, мутасаддидоралар бу каби можароларни бир хил ниқоб билан ёпиб келишар, албатта "айбдорларини" топишар, жазо қўллашар, "ташаббускорларни" қамашар, содир бўлган ҳодисага йўл қўйган муаллим-раҳбарларни ишдан четлатишар, "можарони ёпишар", одамлар ҳам шу "чорага" ўрганиб кетишган, эътироз ва норозилик қилишдан ҳайиқишар эди.

Ёшини аниқ айтиш қийин одамлар бўлади, ўттиз ёшда дейиш ҳам, қирқ ёшда, дейиш ҳам мумкин. Холтой Чориевич шунақа тоифадан бўлиб, бир қараганда, Қудрат акадан ёш, бир қараганда каттароқ кўринар, жилмайганида қоплама тиши йилтирар, тепа лабининг астари кўринар, кўзи ўзгармас, нам пайтида таралган

сочининг шакли ҳеч қачон бузилмас, қунт билан қирилган юзи доим силлиқ, нур тушса, акс кўринар эди. Бу одам ўз соҳасида неча йил хизмат қилганикин, ўйларди Қудрат ака унинг гапини чала тинглаб, унвони қанақа экан? Генерал бўлишига қанча қолган экан?

Холтой Чориевич билан Қудрат ака ярим соатча гаплашиб ўтиришди, аммо "суҳбат" қовушмади. Қудрат ака ўчакишибми, гашлиқ қилибми Холтой Чориевичнинг гапларига қисқа, тўмтоқ жавоб берар, "ташрифидан" норози эканини яширмас, чўғ тегса ловулаб кетиши мумкинлиги сезилиб турар эди. Айни шу топда, эшик қия очилиб, аллақайси ўқитувчининг калласи кўринди.

— Ҳозир, — деди Холтой Чориевич узр оҳангида ўқитувчига юзланиб. — Бир дақиқа.

Буни ҳам қақирипти, фараз қилди Қудрат ака, у мени кўрди, энди айғоқчи деб ўйлайди. Суқилиб киришидан ўзи айғоқчи бўлса керак.

— Ҳеч ким уларни, — деди Холтой Чориевич талабаларни назарда тутиб, — бузғунчи, ёвуз, ашадий, демоқчи эмас, Қудрат Умарович. Улар адашган.

— Адашган бўлсалар, қамаш керакми? — ижирганиб деди Қудрат ака.

— Профилатика, — дарҳол жавоб берди Холтой Чориевич. — Тарбиявий чора. Бошқаларга ибрат усули.

— Ибрат, деб, жиноий айб ҳам қўйиш, кесиш ҳам мумкин.

— Мен бу имкониятни рад қила олмайман, — деди Холтой Чориевич. — Агар бир ҳафта ҳибсда ушлаб туриб, чиқариб юборилса, бошқалар нима деб ўйлайди? Бунақа "безориликни" қилавериш мумкин экан, деб ўйлайди, баттар иш кўради.

— Безориликни бошқалар бошлашибди-ку, Юнусов фақат ажратган, раҳмат айтиш ўрнига уни қамоққа олишипти. Бунда қанақа мантиқ бор? Бу одамларнинг жиғига тегиш эмасми?

— Бор-йўқлигини тергов кўрсатади, — қатъий деди Холтой Чориевич. — Жиғига тегишга келсак — рост, қабр устида туриб ваъзхонлик қилишингиз — бу нима, жиғига тегиш, гиж-гижлаш эмасми?

— Айтганларим нотўғрими? — деди Қудрат ака ўчакишиб.

— Бошқа ҳеч ким гапирмапти-ку, яккаланиб қолибсиз-ку.

— Қўрқибди, журъат қила олишмади, баъзилар, ҳатто гўр устидан кетиб қолишди, — деди Қудрат ака. Бу гапи эътироз сифатидами ёки Қудрат аканинг ношаръий нутқига бўлган салбий муносабатни тасдиқлашми, Холтой Чориевич англай олмади.

— Ана, ўзингиз айтаяпсиз, демак, яккаланиб қолганингиз рост.

— Талабалар гапга чиқишди, — деди Қудрат ака далил излаб.

— Сиз нутқ сўзламаганингизда талабалар авжга чиқишмас эди, — деди Холтой Чориевич ва азият чеккандек: — Энди уларнинг қисмати нима бўлади? Шунини ўйладингизми?

— Улар ростини айтишди.

— Гап бунда эмас, — деди Холтой Чориевич бўш келмай. — Ростини айтаман деб валдирайвериш...

— ...валдирайвериш эмас! — деди Қудрат ака гапни бўлиб ва яна нимадир айтгиси келди, бироқ ўзининг аҳволи танг эканини эслаб индамади. Холтой Чориевич тап тортмай, бўлган воқеалар сабабини Қудрат акага қўяпти, демак, уларда Қудрат акага ҳам айб юклаш мўлжали бор, Холтой Чориевичнинг жигига тегаверса, иш расво бўлади. Холтой Чориевич ким ўзи? Қанақа одам? Агар нияти ёвуз бўлганида биринчи "суҳбатдан" кейиноқ Қудрат аканинг "онасини Учқўрғондан кўрсатган" бўлар эди. Битта одамнинг тақдири булар учун нима? Имо қилса манамен дегани асфаласофилин бўлади. Нега у Қудрат аканинг "инжиқ-тажанглигига" дош бериб келаяпти? Қудрат ака ким унга? Нега Холтой Чориевич чидаб келаяпти? Балки арқонни узун ташлаётгандир? Яна бошқаларни қўлга тушириш учун Қудрат ака оғзидан гуллаб қўйишини кутаётгандир? Яна қанақа "гуллаш" мумкин? Қудрат ака айтадиганини айтиб бўлди-ку. Қўлга олишса модда топилади. Ҳеч ким финг эта олмайди. Улар айбни тикка қўймасликларини ҳам Қудрат ака билади. Шубҳали унсурга ҳеч қачон сиёсий айб қўйишмайди. Сиёсий айб қўйиш, мамлакатда онгли норозилик борлигини тан олиш, қамаш усули билан шу иснодни ошкор қилишни англатар, шунинг учун ҳибсга олинган одамга мутлақо бошқа айб юкланиб, муҳлат берилар эди — бунинг учун далил топиш қийин эмас, масалан, ишга кеч бориш ҳам, хаёлпаршонлик натижасида трамвайда чипта олмаслик ҳам, кўчада ширакайф юриш ҳам сабаб бўлиши мумкин. "Нобон" одамнинг адабини бериб қўйиш усуллари кўп — одам хавфлироқ туюлса, можаро уюштирилади, шубҳадаги одам албатта ташаббускор бўлиб чиқади, чорани маҳкамроқ қилиш учун чўнтагига данақдек қора дори солиб қўйишади, "гиёҳванд модда тарқатувчи" айби билан хоҳлаган муддатга кесиб юборишади. Ҳозирги талабалар устидан қўзғатилган жиноий даъволар ҳам шу йўсиндаги тадбирнинг бир кўриниши бўлиб, улар турли муддатга кесилиши аниқ, лекин айбни белгилувчи омил ақл бовар қилмайдиган шаҳодатларга тузилганидан, ишнинг чоки кўриниб турар, раҳбарлар муносабати қай тарзда ифодаланишини кутишар эди. "Жиддий қаранглар", деган "кўрсатма" тушса, ўшанга қараб "мурват буралар", "парво қилишмаса", бир ҳафта-ўн кун ушлаб туриб, пўписа-дашном билан чекланишар, чиқариб юборишар эди. Талабаларнинг ҳаракати "яккаҳол" безорилик бўлмай, оммавий тусга эга бўлгани учун "жиддий тамойил" ҳисобланар, муносиб жазо белгилашни тақозо қилар эди.

Холтой Чориевичга ўхшаган ходимларнинг "човлисига тушганлар" қўйилган шартларни бажаришдан бош тортсалар-да, бунақа ходимлардан ҳайиқишар, кейин учратиб қолишса, четлаб

ўтишар, ўзларини танимаганга олишар эди — одамлар орасида саломлашиш алоқа бор, деган гумонни уйғотиши мумкин эди.

Қудрат ака афтидан майин, кўнгилян, бир пўписи билан гаҳ деса қўлга қўнадиган кўринувди, бироқ синовда тескариси бўлиб чиқди: ўжар, бош бермайдиган, асов эди. Баъзи ҳолларда баланд ҳам келди, ўйлаганини тап тортмай айтди. Одатда, кўплар бунақа вазиятда ўзларини гўл кўрсатадилар, эътироз-эътиқодларини очмайдилар. Қудрат ака ё ўзининг фойдасини билмайдиган меров, ёки таваккалчи, довюрак одам, ўйлади ўшандаёқ Холтой Чориевич, меров эмас, албатта. Мулоҳазалари аниқ, шакланган. Холтой Чориевич ўзини енгилган сезмаса-да, Қудрат аканинг "чайирлигини" тан олмай иложи йўқ эди. Ҳатто маълум даражада Холтой Чориевич Қудрат ака билан чўчиброқ гаплашар, унинг гапларини даб-дурустан қайириб ташлашга истиҳола қилар, бу одамнинг самимий вазабига ҳаваси келар, "исроф" қилишни истамас эди.

— Агар илож топсангиз, — деди Холтой Чориевич важоҳатини ўзгартирмай, — уч-тўрт ойга илмий ишингиз бўйича йўланма олиб, Москвагами, Ленинградгами жўнанг. Бу ердаги можародан нарироқ бўлганингиз маъқул. Акс ҳолда нима бўлишини ўзингиз биласиз, мен сини асрай олмайман, қайтага... — Холтой Чориевич тухмат ёзиб беришини айтгиси келмади. — Гап шу. Бўшсиз. Одам кутиб қолди.

Қудрат ака иш бунақа тугашини кутмаган, ҳатто шу ернинг ўзидан олиб кетишади, деган ҳадикда эди. Бу Холтой Чориевич нима қилаяпти ўзи? Ҳозирги аснода Қудрат акага нафақат мадад бериш — кўришиш хавфли-ку. Дарров маслакдошлиқда айблашади. Холтой Чориевичнинг ўзи панд ейиши мумкин. "Мен унга кимман? Тоға-амакиси бўлмасам, нима қилади ўзини таҳликага қўйиб? Ёки шунчаки усулмикин? Муғомбирликмикин?"

Қудрат ака кадрлар бўлимидан карахт бўлиб чиқиб кетди. Бояги бош суққан одам коридорнинг нариги томонидаги деразадан ташқарига қараб турар, Қудрат акага кўзи тушса мулзам бўлишини истамагандек ёки ўзини кўрсатишдан истиҳола қилгандек кўринар эди. "Бу одам мотам маросимларида кўринмади, чоғи, Холтой Чориевич нима мақсадда чақирган экан? Нима мақсадда чақирганини фаҳмлаш қийин эмас, нимага бўларди — айғоқчилик учун-да. Боя бошини суқиб киришидан билинган эди — ғаламис активист. Ўзи ёлланган. Рақиби устидан фитна келтирган. Балки қишлоқда рўй берган ғалвада бунинг ҳам қўли бордир? Балки бу одам ҳам иғво қурбонидир? Ўша ерда бўла туриб, талабалар хуружига бепарво қарагандир? Демак, бу шўрлик ҳам жавоб бериши керак. Мен бўлсам, иғвочига чиқариб ўтирипман. Мени у шак-шубҳасиз ғаламис, деб ўйлайди. Орада бўлган можарони билмаса-да, албатта айғоқчига чиқаради. Бу доғни қандай ювиш мумкин? Барибир ишонмайди".

Қудрат ака бири-бирига зид фикрлардан қутула олмас,

фараз қилган нарсалари ҳам ҳақиқатга, ҳам уйдирмага ўхшар эди. Холтой Чориевичнинг Москва, Ленинград ҳақидаги маслаҳатини нимага йўйишни билмас, йўлланма билан кетишини қочиш билан баробар билар эди. "Айби бор эканки, қочиб қолди", дейишади, борган жойида тутишади, айби кучаяди, Қудрат аканинг ўзи тафтиш-тергов қўзғаган бўлиб чиқади. Қанақа бўлмасин, бир томондан Қудрат аканинг кўзига дунё тор кўринар, бўлар-бўлмасга ижирғанар, жаҳли чиқса ўзини тия олмас, чорраҳадаги светофорнинг қизил чироғи узоқ ёнса тоқатсизланар, хуноб бўлар, магазин вақтида очилмаса сўкинар, ҳатто икки-уч соатга иссиқ сув берилмаса ёки сут тошиб кетса айбдор ахтарар, иккинчи томондан талабалари шундай ҳаракатга қодир эканидан ичида ғурурланар, талабалик пайтларида ўзи шунақа бўлмаганидан афсусланар, мулзам тортар эди.

7

Бир ой аввал ёққан ёмғирнинг захри ҳали ҳам билинар, қуёш терак учидан бир қулоч кўтарилар, намни қурита олмас, кўланкалар узун, молхонадан буғ чиқар, халқобни муз тортган, кўкатдаги шудринг эриб улгурмас эди.

Сотиб олинганидан буён бир марта ҳам хабар олмаган Жасур келганида янги ҳовли қуюқ туманга беланиб ётар, қуёш қайси томондалиги билинмас, буғланаётган каналнинг нариги қирроғи кўринмас, қинғир толнинг жилғасимон пўсти нам, қорамтир эди.

Жасур об-ҳавонинг шунақа ўзгаришларини яхши кўради. Дўрмондалигида ҳам ўт юлгани чиқиб, неча марта адашган, қаёққа кетаётганини билмайсан киши. Соқолини силкитаётган эчки тўсатдан чиқиб қолади, ғарт-ғурти эшитилади, бир зум ўтмай пешанаси қашқа от пайдо бўлади, одамларнинг ҳайқиришлари ичидан келаётгандек бўғиқ таралади.

Ўшанда, хонага Барно кирганида, ҳали қоронғи, осмонда юлдузлар кўринар эди, кейин Жасур яна уйқуга кетди, уйғонганида ҳаммаёққа туман тушган, новдалар хира, дока орқали кўрингандек туюлар эди.

— Қачон тарқайди?

— Шамол бўлса, бир соатга бормаиди, — деди мактабга кетишга тараддуд кўраётган Саид.

Ўшанда шамол йўқ эди, бу дегани, туман ҳали-бери тарқаб кетмайди — улгуриш керак.

— Барно, тез бўлинг, ярим соатда тугатаман, — деди Жасур ҳовлиқиб. — Асосий конгурларини тушириб олсам бўлгани.

Барно бошқа юмушларини ташлаб, Жасур кўрсатган жойга турди, энди Жасурнинг барча дегани амалга оширилиши шарт, Барнонинг ўзи хонасига суйкалиб кирди, тили қисик. Унинг устига расми тезроқ битса, тезроқ гумдон бўлади.

Жасур апил-тапил бўёқ тахтасини, чўтка-мўйқаламларини ҳозирлаб, сепойга ўхшаган уч оёқли дастгоҳдаги ромга тортилган биринчи чизиқларни тушира бошлади.

Шамолнинг хуружидан туман бир сийраклашди, бир қуоқлашди, икки соатда расм битди. Аслида Барнонинг тасвирини ишлаш Жасурнинг мўлжалидаги ният эди, Сижжакка чиқиб келишининг асосий омили бўлиб, келганидаёқ мақсадини айтган эди. Шу куни агар туман бўлмаса, Барнонинг расмини чизган бўлар эди. Туман режасига ўзгариш киритди. Бу ўзгариш муваффақият хоссасини таъминлади. Албатта, об-ҳаво бўлакча, масалан, чароғон ёки булутли бўлса, расмнинг "кайфияти" ҳам ўшанга мос чиқар эди, барибир асар маълум ҳолатни ифода қилган бўлар эди, лекин бу рутубатли чангда аллақандай ўкинч, соғинч, изтироб каби туйғулар яширина олмагандек, аянчлироқ жилваланиб, чизиқлар пахмоқ, кўз аранг илғайдиган билинар-билинемас доғ, елпиниш, майин шабаданинг журъатсиз хуружидек бир лаҳзали, омонат, унумсиз, мўрт, беҳудадек намоён бўлди. Барнонинг рухсори эса яққол кўринмай, кўпроқ пайқаш, илғаш уқувига қаратилган эди. Асар ҳақиқатда яхши, энг муҳими анъана қоидаларига унсиз исён сифатида яратилган бўлиб, ёнидан бепарво ўтиб кетиб бўлмас, одам албатта тикилгиси келар эди. Бироқ портрет Барнонинг ўзига ёқмади. Тўғрироғи, нимасидир ёқди, лекин унинг тасаввуридаги қиёфага мос келмагани учун қиз асарни дарров ҳазм қила олмади, қоникмади. Асар битиши билан Барно расмга қараб, ҳафсаласи пир бўлди. "Бу қанақа расм? Нимаси расм? Бўёқлари суркалиб кетган, шуни энди асар, деб бировга кўрсатасизми?" — деди самимий куйиниб.

— Бирон жойинг жиз этмадими? — меровланиб сўради Жасур.

— Этишга этти-ку, лекин...

— Ана шу — таассуротда! Муҳими шу! — Жасур жон-жаҳди билан тушунтиришга уринар, бироқ Барно қайсарлик қилгандек, асарни тан олгиси келмас эди. Барнонинг қайсарлиги Жасурга "нозу карашма, танноз-таманнолик" бўлиб туюлди. Жасурнинг ўзи асарига гумон билан қарай бошлади, қайси бир дафъа суркаб ташлагиси ҳам келди. — Импрессионизм, дейилади.

— Гапимга эътибор берманг, мен қишлоқиман, асар "импрессионизмни" тушуниш бизга чикор? — деди Барно, аммо бу чекиниш аввалги гапи қолдирган доғни ювмади.

Жасур ранжиди, тил учуда хайрлашиб, кўчага чиқиб кетди, ҳали автобус келмаган бўлса-да, чойхонада кута бошлади.

Бир зум ўтгач чангдан чиққандек Жасурнинг рўпарасида Барно пайдо бўлди. Кўзлари йилтирар, киприклари нам, йиғлаган кўринар эди.

— Туман тарқамагунча, автобус келмайди, — деди Барно ўзини тетик тутишга уриниб. Пешанаси аралаш тивит рўмол танғиб олгани учун Барно сутчи қизга ўхшар, ачиниш уйғотар, қора калиш оёқларида торлик қилиб, оёғининг юзи оппоқ, лўппи эди.

Чиройлик нарса, нима кийса ярашади, ўйлади Жасур, аразидан қайтгандек бўлиб. — Юринг уйга, холвайтар қилиб қўйдим, — деди Барно ўжар тикилиб.

— Сиқилаяпман, — деди Жасур елкасидаги тасмани тўғри-лаб. — Кетмасам, жанжал чиқиши мумкин.

— Нега жанжал?.. Ҳамма нарса кўнглингиздагидек бўлди-ку? — деди Барно ёзгириб. "Кўнглингиздагидек" деган луқмасида писанда бордек туюлди, яъни "ўзим олдингизга кирдим, сиз яна фироқ қиласизми?" дегандек эди. — Расмингиз бўлса, айтдим-ку: мен қишлоқиман, ёқмаса...

— Мен ҳам қишлоқиман, — зарда қилмасликка уриниб, деди Жасур. — Дарров асарни чиппакка чиқариш яхшимас-да. Қанақа эҳтирос билан ёздим. Яна бунақа...

Жасурнинг гапи оғзида қолди. Туман ичидан аввал тожикча сўзлаган аёлнинг овози, сўнг кемада сузиб чиққандек икки жувоннинг гавдаси кўринди. Иккала жувон Барно билан кўришишди, аммо уларнинг тилини Жасур тушунмади. Барно ўз тилида қандоқ гапирса, тожик тилида ҳам шундоқ гапирар эди. Барнодан керакли хабар олган иккала жувон қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлишди.

— Юринг, — дея Барно ҳам туманда эриб кетди. Жасур унга эргашди.

Айни шу пайтда туман Жасурнинг жонига теккан, диққинафас бўлар, ёмон тушдан қутула олмагандек, ўзини ночор сезар, милтиқ отиб, туманни ҳайдагиси келар эди.

— Ичкарига кирамиз, — деди Барно даҳлиздаги курсидан бир даста коса олиб, — туман борлиги сезилмайди.

Ичкарида Барнонинг онаси каравотдан оёғини тушириб ўтирар эди, Жасур кириши билан этагини тўғрилади.

— Келинг, Жасурбек, — деди Барнонинг онаси тетик гапиришга уриниб, — сиз келганингизда бу аҳволга тушиб ўтиришимдан уялаяпман, — деди у ўкиниб. — Айбга буюрмайсиз, иним.

— Дабдурустдан кириб келдим, сиз мени кечиринг, — деди Жасур ийманиб. Кечирим сўрагани Барнога ёқди. Жасур кечадан бери бу хонага иккинчи марта кириши эди, хаста одамни писанда қилмаслик саналади, бу ерда йигит ўзини бегона тутса.

Барно мамнун бўлгандек холвайтар сузгани ўчоқ бошига кетди. Холвайтардан кейин, сигарет чекаман деб Жасур ҳовлига чиқди. Туман бир оз сийраклашган бўлса-да, икки қулоқ наридаги нарса ҳамон кўринмас, вақтнинг қай пайтлигини аниқлаш ҳам қийин эди.

— Қулоқ солиб турипман, — деган Барнонинг овози ўчоқ томондан келди, — автобус ҳалиям келгани йўқ.

Ўзи иқроп бўлиши учун Жасур кўча эшик томон бориб, чойхонага қаради, бироқ ҳеч нарса кўринмади, фақат ғойиб одамларнинг овози ўрадан келгандек эшитилар, ўзлари кўринишмагани учун шарпага, сирли руҳга ўхшар эдилар.

Жасур қайтиб келиб дахлиздаги чорпоя четига ўтирди. Наридан Барнонинг идиш ювгани эшитилар эди. Жасур яна чекди. Пиёда йўлга тушгиси келди — асфальт ўзи олиб тушади. Фақат қош қорая бошламаса бўлгани. Қош қорайса, йўл четидаги биронта хонадонга кириб тунайди, янги таниш-билиш орттиради. Шошилиб ҳам нима қилади? Боради-да, бугун бўлмаса эртага ўша шаҳарига. Шаҳарни ҳам туман босганмикин?

Барно ювилган косаларни келтириб, дахлиздаги Жасур ўтирган чорпояга қўйди ва битталаб арта бошлади. Унга қолса, Жасур тезроқ кета қолса маъқул эди, аммо бу туманда қаёққа боради?

Жасур Барнонинг чопони остидан қўлини ўтқазиб, белини кучди.

— Вой, жиннимисиз? — ўзини тортиб деди Барно ва атрофга аланглади.

— Ким кўради? — деди Жасур тегажовлик қилишга ботина олмай. — Ҳозир бировнинг ҳовлисига кириб қизини ўпиб кетсанг ҳам ҳеч ким пайқамайди. Туманни қара, тукка ўхшайди.

— Шамол турса, бирпасда ёришади.

— Саид қачон мактабидан келади?

— Соат иккида, — деди Барно Жасурнинг саволидан ичи хавотирланиб.

— Ярим соат қолипти.

— Баъзан эртароқ ҳам келади, — ўқитувчи касал бўлса.

Жасур индамади, яна чекди.

— Тожикчани қаттан биласан? — сўради Жасур.

— Ҳамма билади, — деди Барно бепарволик билан. — Олдин ўзбекча мактаб ҳам, тожикча мактаб ҳам бир бинода эди. Биринчи синфдан бошлаб эшитаверсангиз, ўрганмай иложингиз қанча? Энди мактаб ажради. Ҳозирги болалар тожикчани бизчалик билишмайди.

— Бояги аёллар билан нимани гаплашдинг?

— Автобус бормикан, деб келишган экан, — деди Барно. — Улар томонда ҳам қатнов йўқмиш. Қайтиб кетишди.

— Ярим соат ичида туман тарқамаса, пиёда жўнайман, — деди Жасур ўз хаёлига берилиб.

— Чорвоқчача бир соатлик йўл, — деди Барно Жасурнинг шаштини қайтармай. — Неча марталаб пиёда қатнаганмиз. Унда йўл ўнқир-чўнқир, автобус юрмас эди.

— Юр, кетамиз, — деди Жасур қизиқиб.

— Ойимни ташлаб, а?

— Саид келади-ку, — деди Жасур баҳона излаб.

— Йўқ, — деди Барно қатъий, — дадам тоғда тунаб қолса, она-бола ваҳимага тушишади.

Ярим соат ҳам ўтди, туман сийраклашмади.

Жасур хайрлашиб, йўлга тушди. Чорвоқчача беш чақирим экан. Шу ҳам масофами? Бояги тожик аёллар пиёда жўнашганида

ҳозир етиб олишган бўлишар эди. Жасур болалигида бунга икки-уч баробар келадиган масофага ўртоқлари билан сафар қилишар эди, Оқтошга бир неча марта пиёда бориб қайтишган, йигирма чақиримдан кам эмас, саёхатга бир кун кетар эди. Аммо қандай мароқли, гаштли бўлар эди. Ҳориб-чарчаб, тинкалари қуриб қайтишар, оёқлари зирқирар, овқатни охиригача еб улгурмай, уйқуга кетишар, қотиб ухлашар, эртасига тушга яқин уйғонишар, товонлари безиллар, нақадар бахтли онлар эди.

Жасур дили абгор, аҳволи танг, қўлидан иши тушиб кетадиган ночор чоғларида ўша бегубор дамларни эслайди; оғир ўйлар чекинади, дили ёришади, вақт ўтади. Шунақа хотиралар ҳам борки, унақаларни Жасур эсламагани маъқул; тўққиз-ўн яшар бир оқсоқ қизча мактабдан қайта туриб, баъзан Жасур яшайдиган кўчадан ўтар эди. Бу кўча олисроқ бўлса-да, қизча шум болаларга дуч келмаслик учун шу кўчадан ўтар, наздида уларга чап берган бўлар, аммо болалар кўриб қолишса, бу кўчада ҳам қизчага зугум ўтказишар эди. Бир кунни тушдан кейин бошланадиган дарсларига бориш учун кўчага чиқиб, Жасур ўша қизни учратиб қолди, йўлини тўсди: оқсоқланмай юриб ўт, — деди ўн икки ёшли Жасур мўлтираб турган оқсоқ қизчага, — бўлмаса ураман!

Қизча оёқ учини ерга тияб, “оқсоқланмай” ўтиб кетди, Жасур анчагача мароқ билан қизчанинг орқасидан қараб қолди.

Жасур ҳозир ўша ҳодисани эсласа эти жунжикиб кетади, юзи ловуллаш бошлайди, Жасур хотирани ҳайдашга уринади. Бечора қизча. Ўзи-ку табиатдан нуқсон орттирган, бу иллоти камдек, болалар оқсоқлигини рўқач қилишса, қийнашса, қизча шўрлик шунча таҳқирга чидаса-ютса... Айби нима? Оқсоқ бўлиб тувилганими? Ахир унақаларга шафқат қилиш керак-ку. Бечора қизчага кўчага чиқиш, мактабга қатнаш қандай уқубатли экан? Шўрлик кечалари кўрпага ўраниб юм-юм йиғласа керак... Кимга дардини айтсин? Айтганда ҳам ким оро киради?.. Ҳозир ўша қизча катта бўлиб қолгандир? Чиройликкинадир? Ўшанда ҳам жияқдек ихчам, сухсур эди. Балки турмушга чиққандир, туққандир. Туққан бўлса-да, биринчи хаёли — чақалоқ нуқсонсизмикин, деган ҳадиқда бўлгандир, боласи нуқсонсизлигига иқроп бўлмагунча, кўнгли ўрнига тушмагандир. Нуқсон билан дунёга келган бўлса-чи? Тақдирга тан беради. Она нуқсони бор болани ҳам севаверади, балки нуқсони борлиги учун қаттиқроқ севади, онанинг қисмати шунақа.

Жасур ҳар гал, бирон иши юришмаса, омади чопмаса, фавқулодда фалокат рўй берса — албатта бир оёқ учини ерга қадаб, оқсоқланмай юришга тиришаётган ўша кўзлари ўкинч ва адоватга тўла, мунчоқдек қизча назарига келади, ёзғиргандек бўлади. “Қарғаган мени, — ўйлайди Жасур ўзини ўзи койиб, — норасида нарсанинг ўчи ижобатга ўтади. Нега шундай қилдим, а? Нима баҳра олдим, бир ногирон қизчани диконглабим? Ўзини Худо майиб қилгани каммиди?.. Кучимиз етса қийнаймиз, азоб

берамиз, кучимиз етмаса ялинамиз. Бир тўп мушук боласини қопга солиб ёқамиз, қушлар уясини қирон қиламиз, миниб юрган отимизни сўйиб еймиз, бошқа диндаги одамни кофир, деймиз, фақат ўз ҳаёт гарзимизни олий, деб биламиз..."

Жасур канал устига ташланган якка оёқ кўприқдан ўтиб борар экан, ўша машғум, оқсоқ қизча билан боғлиқ хотирани аллақандай изтироб билан эслар, негадир ўша ҳодисани ҳайдагиси келмас, ўқтин-ўқтин ёдлаб турса, виждони азоб исқанжасида бир қадар синовдан ўтгандек, гуноҳи юмшагандек бўлар эди. Туйғу қай кўчаларга судрамайди? Бу ўзи нима? Туйғуми, худбинликми? Нега акасининг қонуний хотинини, икки ойлик келинни нарвон аралаш кучоқлаб, бағрига босди? Йўлдан оздирди? Ахлоқий нуқтаи назардан Жасурнинг қилмиши нима? Тажовузми? Тажовуз бўлса, Барно қаршилик кўрсатиши керак эди, номигагина тихирлик қилди, демак, унинг ҳам кўнглида бор экан, шунақа "ният". Албатта, айбни Барнога юклаш билан Жасур ўзининг қабихлигини маълум даражада оқлайди, далил сифатида, ҳатто туйғуси чин ва зўр эканини айтади, бироқ ўз акасининг икки ойлик қаллиғига ҳужум қилиши, уни ўз майлига бўйсундириши одоб, виждон, инсоф доирасига сиғармикин? Ҳар қандай ҳамлага тўн кийдириш мумкин, ёвузлик камайиб қолмади-ку. Балки Жасурнинг туйғуси ҳақиқатда пок ва юксақдир? Нима қилиши керак, бурчак-бурчакда тўлғаниб юриши лозимми? Бир қарашда Жасурнинг қилмиши худбинликка, бебурд хиёнаткорликка ўхшаши мумкин, бироқ ҳаёт битта-ку, нега ҳаёт мазмунига айланган нозанинни биров кучоғига — акаси бўладими, бегонами, топшириб қўйиши керак?! Бунинг эвази нима? Нимага эришади? Эришадиган нарсаси Барно билан тенгми? Қиёс ахтаришнинг ўзи бемаънилик. Ҳиссиёт самарасини нима биландир ўлчайдиганлар учун ажралиш катта талафот эмас, зарар қопланса, кифоя. Аммо Жасур мол эмас-ку. Кўнгили жарчиси, қандай дил турғенини нимагадир алмашади?..

8

Туман қуюқлигидан каналнинг нариги қирғоғи кўринмас, Жасурнинг кўзи ўнгида сув юзи буғланар, буғ эшилиб-буралиб эрир, туманга айланар эди.

Жасур ҳовлига кирганида занжирнинг шарақ-шуруғи эшитилди, ит ҳам туманда безовталанар эди. Гишт йўлка Жасурни ойнабанд дахлизга олиб борди. Оренбург рўмолини бошига ташлаган кампир чойнакка филоф тикар эди, Жасур ойнани чертганидан кейин бу ёқ томон ўгирилди ва Жасурни дарров таний олмай, бир зум талмовсирагандек тикилиб қолди.

— Мен Жасурман, аний, — деди Жасур ташқаридан. — Харидорингизман.

Кампир таниди чоғи, кулимсираб ишора қилди.

Куёш тафти бир соатдан кейин туманни тарқатди. Экинзордаги кўкат, дарахтлар танаси, тошлар, узилмай қолган япроқлар, хазон орасидаги ошқовоқ палласи, итнинг уясида тўкилиб турган занжир, ер тишлаган чинни парчаси — ҳамма нарса йилтирай бошлади, кун хасталиқдан фориф бўлгандек, қолган-қутган фазилатларини кўз-кўз қилишга тушгандек эди. Жасур шу жой олинганлиги маъқул эканига энди иқрор бўлгиси келди. Кампирнинг қизидан телеграмма келипти, янги йилгача кампирни Украинага олиб кетар эмиш. Аввалги гал кетмайман, чолимдан ким хабар олади, ўлсам, ёнига бораман, девди, бу гал йилгади, холос, қизининг гапини икки қила олмайди, чоғи. Афсус. Кампир шу ерда бўлса ҳовли қаровсиз қолмас эди, жой ўзиники-ку. Кунинасибаси битса, барча маросимларини бажаришар, чолининг ёнига кўмишар эди.

— Аний, агар сиқилсангиз, қайтиб келинг, бажонидил кутиб оламиз, ўз уйингизга келасиз. Жой бемалол. Қарамимда бўласиз. Қизингизни соғинсангиз, бориб келасиз ёки чақиртирамиз — ўзи келади.

— Тош заказ қилгон эдим, — деди кампир ўкиниб. — Гранитдан. Бир ҳафтадан сўнг тайёр бўлади. Қизим келса, улгурармикинман, янги йилга икки ҳафта қолди.

— Майли, — деди Жасур кўниккандек, — қизингиз ҳам ёзғирмасин, боринг, лекин баҳорда келинг, тошни биргалашиб ўрнатамиз.

— Келаман, албатта, — деди дарҳол кампир. — Кўзим йўлда бўлади. Шу ерда ўламан, майлими?

— Майли бўлганда қандоқ! Конечно, майли! — шодланиб деди Жасур, аммо кампирнинг ўлимига шодланаётгандек бўлганидан музамланди: — Умрингиз узоқ бўлсин, албатта, аммо бу дунёда ҳамма омонат, масалан, эртага нима бўлишимни ўзим билмайман. Айтмоқчиманки, агар... нима десам экан... хуллас, фарзандингиздек...

— Агар, майли, десанг, ижара ҳақи тўлаб тураман...

— Ие! Ие! Аний! Қандай шу гапга тилингиз борди, а?

— Орада гап қолмасин, дедим-да.

— Яхшимас, аний. Дилим оғриди. Мен кўнглимни очсам, сиз шунақа дейсиз. Настроениям бузилди.

— Афу эт.

— Эҳ, аний, аний!

* * *

Янги йилга бир ҳафта қолганда кампирнинг қизи Украинадан учиб келиб, эртасига онасини олиб кетди. "Болаларимни қўшнига топшириб келдим, тез қайтишимиз керак", деди қизи. Гранит тош ҳам ўрнатилмади. Демак, яна келиши муқаррар. Бир парча қоғоз билан калитни қўшнига омонат топшириб, ўзлари учиб кетишипти. Жасур бу хабарни янги йилга уч кун қолганида билди. "Сизни

кутишга фурсат бўлмади, — деб русча ёзилган эди қорозда. — Шу конвертдаги пул гранит тошга ажратилган. Марҳамат, малол келмаса, тошни олиб қўйинг, баҳорда ўрнатамиз.

Зайтуна".

Зайтуна ким, анийнинг қизимикан ёки ўзими? Жасур кампирнинг исмини билмас эди. Майли, бир жиҳатдан улар кетгани қайтага яши бўлди; Жасур янги йил бошиданоқ уйни буздиршига киришади. Кампир бу ерда бўлганида уйни буздиршига ботина олмас эди, энди — агар қиш илиқроқ кирса — кампир келгунга қадар анча-мунча ишни биткизиб қўяди. Ҳозирги уйни цемент, ганч, тахта, бўёқ, шифер — қурилиш ускуналари учун сақлаб туради, гиштни ҳовлига тахлатса ҳам бўлади. Уйда қурувчилар яшашса, иш ҳам тез битади. Фақат ҳар куни келиб, уларга овқат пишириб бериш ёки қўшни аёлдан илтимос қилиш керак — қурувчиларнинг чой-пойидан хабар олиб туради, ўзлари уннашса иш қолиб кетади. Бригадирига планни бериб қўйиш, ҳар уч-тўрт кунда келиб, иш кетишини назорат қилиб туриш керак.

Қайси бир куни Жасур заргарлик дўконига кирди — Барнога атаб арзигулик бир нарса олишни мўлжаллаб қўйган эди, учта асари сотилгач, қўлига мўмайгина пул тушди, қиммат зебга қурби етади, янги йил баҳонаси билан расмий тарзда Барнога топширади, ҳеч кимда шубҳа туғилмайди, Ёдгорнинг кўнгли тоғдек кўтарилади, умрида бунақа нарсани, ҳатто ушлаб кўрмаган Барно кафтида чўғ тутгандек совгадан энтикиб қолади.

— Ҳамма нарса бор, — деди қора ласдан халат кийган чиройли жувон. Жасурнинг гапига у қадар эътибор бермай — ёш йигитларда қиммат матоҳ олиш учун пул қаёқда, шунчаки сўрашади-қўйишади. — Мана турипти, яшириб сотмаймиз. Ёққанини айтинг, кўрсатаман. Кимга олмоқчисиз?

— Ўзингиз тушунасиз, — деди Жасур ийманиб.

— Ҳм, шунақами? — Чиройли жувоннинг қиёфаси дарҳол ўзгарди. — Зиракми, узукми, бўйинга осиб учунми, балдоқми?

— Ўзингиз нимани маслаҳат кўрасиз?

— Ҳойнаҳой ёш бўлса керак, — деди жувон ўсмоқчилаб, — узукни барибир олиб берасиз. Зирак маъқул.

— Майли, — деди Жасур дарров рози бўлиб.

— Неча пуллик бўлсин? Юз сўмликми, юз эллик сўмликми? Имкониятингизга боғлиқ.

— Беш юз сўмдан кам бўлмасин, — қатъий деди Жасур ва чиройли жувоннинг чиройли кўзларига тикилди.

— Лаббай? — тушунса-да, жувон қайтадан сўради. Жасур жилмайиб қўйди. — Шунақами? — эсанкирагандекми, гумон-сирагандекми деди жувон. — Мана, гавҳар кўзлиси бор. Бироқ биласизми, ёш нарса тилла тиш қўйдирса, мунақа зирак тақса, нима десам экан?.. қанақадир ножўя, бачкана намойишга

ўхшаган бир қилиқни эслатади. Ёш нарса қанча камтар безанса шунча жозибали кўринади. Аммо таъбингиз кўтарса — марҳамат, бизга қолса, қайтага яхши, кассага пул тушади. Сиз учун мулк бўлиб қолади. Келин аҳён-аҳёнда тақса, қадри ошади. Бор-йўқ матоҳини бирини бирига мосламай тақиб олиш — ёмон дид. Вақт, борадиган жой, кийинилган либос — ҳаммаси мос бўлиши керак. Зийнат билан алоқа қилиш ҳам маданиятга киради.

Жасур анграйиб қолди. Биринчи кўрганида бу чиройли жувон биронта база мудирининг хотини бўлса керак, ўтиришларга ҳамма ялтироқ нарсаларини тақиб борадиган мешчан аёл, деб билувди, ҳозир гапларини эшитиб, Жасур жувонни, ҳатто яхши кўриб кетгандек бўлди. Оғзида тилла тиши ҳам йўқ!

— Раҳмат, опа, — деди Жасур қойил қолиб. — Ҳеч ким менга мунақа танбеҳ бермаган эди.

— Танбеҳ эмас, укам, — деди жувон хижолат чекиб. — Танбеҳ беришга нима ҳаққим бор? Шунчаки айтдим-да. Бир йил ишласа ҳам одам битта тақинчоққа қурби етмаслиги мумкин, фаросати бўлиши керак, дейман-да. Биласизми, укам, бунақа номуносиблик кўпинча қашшоқликдан чиққан удабурон одамларда учрайди. Машинада юриш, уй-жой қуриш, тақинчоқларини кўз-кўз қилиш, тўй-маъракаларда исроф нималигини билмаслик — мен ҳам одам бўлдим, унча-мунча нарса менга чўт эмас, деб халқнинг кўзида ўз мавқеини ўрнатиш йўллари. Ҳақиқий бадавлат одам сочиб ташламайди, камтар бўлади, кеккаймайди.

Жасур энди бирон нарса танлашга боши қотиб қолди. Чиройли жувоннинг диди баланд экан, нима деса шунга Жасур рози бўлади. Жувоннинг панди Жасурнинг ўзига қаратилгандек туюлди. Тўғри-да, Жасур ҳам қишлоқни, қашшоқликдан чиққан, ўша синф, ўша тоифа вакили. Қўлига мўмайроқ пул тушса, тарақлаб кетади, юрар-турарини билмай қолади, албатта фойдасиз нарсага сарф қилади — таниган-танимаган одамани ресторанга чақиради, тўй-маросимларда ховадор қилади, официант чўнтагига ҳовучлаб пул суқади, эртасига сигаретга ҳам чақа топа олмай, шумшайиб ўтиради, ўзини кемиради, койийди, пушаймон бўлади. Ер бетида қолган чувалчангдек яна намлик қидиради, яна лой ютади, заҳматга тушади. Чархпалак айланиб, яна аввалги таралла-бедод қайтарилади, яна япроқсиз қолган новдадек аёзга учрайди, яна барг отади, яшнайди. Шунақа кунлар учун яшаш арзийди, ўйлайди Жасур, изтиробларини унутиб.

Сотувчи жувон олти томчилик тиллога чўктирилган ёқут, дур ва анор донасидек Бадахшон лаъли яширинган тўғноғични кўрсатди. Биринчи қарашда тақинчоқ ярқ этиб кўзга ташланмас, ўзи ҳам ўргимчақдан катта бўлмай, фақат тикилиб қараганда сеҳри очилар, бунақа ноёб нарсаларни фақат қадрига етадиган одам харид қилиши мумкин эди. Матоҳ кичкиналигидан Барно қадрига етармикан, деган гумонга борди Жасур, унақаларга асл нарсадан мундароқ бўлса-да, ҳажми каттароқ, бир боқишда кўз

қамаштирадигани маъқулроқ экани аён эди. Жасур ўшанақа нарса талаб қилишга ботина олмади. Ўзим рассом бўлсам, совға қилган нарсам ялт этса-да, ўзи жўн тановар чиқса, нима деган одамман? Шунинг билан бирга ҳақиқий, асл нарсани Барно писанд қилмаса — бу ҳам ғалати вазият.

— Бир қизни олиб келаман, бояги сўзларингизни у ҳам эшитсин, — дея нарса олишни кечиктириб, деди Жасур. — Сабоғингиз учун раҳмат. Албатта келамиз.

Чиқаверишда Жасур Зафар Малик билан дуч келиб қолди ва салом бериб, четга чекинди.

— Э, Жасурбек, саломатмисиз? — дея, Зафар Малик кўришиш учун Жасурга қўл чўзди.

— Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз? — Шундай обрўли одам Жасурнинг номини айтиб кўришганидан кўнгли кўтарилди. Зафар Малик санъатшунослар орасида энг зуккоси ҳисобланар, унинг танқидига учраган рассом анчагача ўзига кела олмас, мақтагани эса дарров тилга тушар, кеча ҳеч ким танимайдиган рассом бугун машҳурлар қаторидан ўрин эгаллар, Зафар Малик мақтага ҳам, танқидий фикр билдирса ҳам ўз мулоҳазаларини исбот қилувчи далиллар асосида қураар, унинг деганини ҳеч ким инкор қила олмас, Зафар Малик муносабат билдирган асарнинг муаллифи устоз шарҳчининг мулоҳазасини ҳам шараф деб билар, ҳам танқидига дучор бўлишдан чўчир эди.

— Заргархонада нима қилиб юрибсиз? — деди Зафар Малик ва таниш бўлса керак, сотувчи жувон билан саломлашди. — Йигитча заргархонага кирдим, демак, тўйдан нишона. Шунақами, Жасурбек?

Жасурбек ийманиб жилмайди.

— Майли, бахтли бўлинг, бизни тўйга айтиш эсдан чиқмасин, — дея, кулиб Зафар Малик Жасурнинг қўлини қўйиб юборди. — Мен, десангиз, олишга қурбим етмаса-да, баъзан... нима дейди... фусункор нарсаларни томоша қилиш учун кираман. Орзу-да. Эзгуликка айб йўқ. — “Фусункор нарсалар” дейиши билан Зафар Малик нимани назарда тутди — тақинчоқларними, сотувчи жувонними — Жасур англамади.

— Демак, фарқига борар экансиз-да? — журъат қилиб сўради Жасур.

— Борганда қандоқ! — деди сотувчи жувон бу иккала одам бирибири билан таниш эканини фаҳмлаб. Жасур ҳам Зафар Малик ҳам чиройли жувонга қарашди. — Иккиланаётган эдингиз, ана, акангиз мунақа нарсаларнинг пири.

— Муболаға! Муболаға! — сохта эътироз билдириб, деди Зафар Малик. — Лекин унча-мунча ақлимиз етади. Нима олмоқчи эдингиз?

— Мана буни кўрсатувдим, — дея сотувчи жувон бояги олти томчили тақинчоқнинг қутичесини очмай ойнага қўйди. Зафар Малик қутича очилмаса-да, ичида нима борлигини билар эди.

— Қурбингиз етса, шуни олганингиз маъқул, — деди Зафар Малик ва қутичани очиб, нарсага тикилиб қолди. — Ҳеч қачон қиммати тушмайди.

— Укангиз кичкина деб ийманияптилар, — деди сотувчи жувон Жасурга назар ташлаб.

— Гап ҳажмда эмас, — деди Зафар Малик ва қутичани жойига қўйди. — Нарса қиммат-да, шундан ийманаётгандир Жасурбек? — Зафар Малик йигитга қаради. — Етмаётган бўлса, мен бериб тураман. — Энди оқ оралай бошлаган сочини бармоқлари билан таради.

— Йўқ, раҳмат. Пул бор, — деди Жасур мижғовланиб ва шу ондаёқ қўлини чўнтагига суқиб, пул чиқарди. — Беринг. Оламан.

Ярим соатдан кейин Зафар Малик Жасур билан хайрлашар экан, деди:

— Эртага театр ва рассомлик институтига асарингизни олиб келинг, бир кўрайлик-чи.

9

Янги асар яратган ҳар бир ижодкор теракнинг баргидек титраб кун ўтказади. Ижодкор ўзини нақадар тетик, бепарво кўрсатмасин, токи асари ҳақида бир фикр баён қилинмагунча, дили тутдек тўкилиб тураверади.

Жасур туманда Барно тасвири туширилган асарига "Ўкинч" деб ном берди, аммо нима учун "Ўкинч"? — бу саволга ўзи ҳам жавоб бера олмас, асарга "Туман", "Соғинч", "Кўнгиш" ва яна шунга ўхшаш юзлаб номнинг бирини қўйса-да, моҳияти ўзгармас, ҳамма ном тахминий, омонат, рамзли бўлиб кўринар, биронтаси ҳам асар қаҳрамонининг дил азобини, ғурбатини, изтиробини ифода қилишга қодир эмас, балки асарга "Изтироб" номи берилганда мувофиқроқ бўлар эди. Асарга ном қўйишнинг ўзида фикр йўналишига тамға босишдек теңденция бор — фақат шу йўсинда асарни талқин қилиш мумкин, деган кўрсатма бордек туюлади. Бу жиҳатдан энг яхши ном — "Туман". Ном тайин бўлишига қарамай, асарнинг ўзида туман мавжуд, шундоққина нозанин малоикани — "Мадоннани" — қамраб турипти. Бундан ташқари, "туман" деганда, томошабиннинг диди бўлса — яна анча-мунча рамзий нарсаларни, бўёқ билан ифода қилинмаган, аммо муқаррар-мавҳум туйғулар сингдирилган оламини пайқаш мумкин. Жасур асарини Зафар Маликка беришидан аввал мато орқасига қалам билан ёзилган "Ўкинч" сўзини ўчириб ташлади ва назарида тўғри қилди. Зафар Малик асарни кўриши биланоқ ғалати бўлиб кетди — томоғига нимадир қадалгандек, бир неча дақиқа гунг бўлиб қолди, ниҳоят: "Тузук, — деди сир бой бермай. — Бунақа асардан уялмаса бўлади". Жасур учун Зафар Маликнинг бу гапи камлик қилар, асари ҳақида кўпроқ, илож бўлса, мақтовлардан иборат эътирофни кутар эди, аммо Зафар Малик

тайин бир нарса демай дарсига кириб кетди. Икки кундан кейин билим юртига келиб, Жасурни топди.

— Асар қани? — талмовсирагандек сўради Зафар Малик.

— Уйда, — деди Жасур устознинг асабини тушунмай.

— Хайрият, — деди Зафар Малик ва скамейкага ўтириб, сигарет тутатди.

Жасур унинг олдида нима қилишини билмай қаққайиб турар, билим юрти талабалари, ҳатто муаллимлари Зафар Малик каби атоқли одамга яқинлашишдан ҳайиқишар, нари-беридан кузатишар, Зафар Малик — энди оқ аралаша бошлаган тўлқинсимон бир тўп сочи пешанаси оша юзини тўсган — босиб-босиб сигарет тортар, Жасурга нима дейишини билмас, гап ахтарар эди.

— Нега хайрият? Тушунмадим.

— Мен асарни яна кўришим керак, — деди Зафар Малик ўрнидан туриб. — Рецензия ёзаяпман. Юринг.

— Қаёққа?

— Уйингизга, асарни яна бир бор кўрамиз.

Улар кўчага чиқишди, йўлнинг нариги томонида Зафар Маликнинг "Жигули" машинаси турар эди.

— Расмдаги тасвир кимдан олинган? — деди Зафар Малик кетатуриб, кўзини йўлдан олмай.

— Опам, — деди Жасур андак ўзини йўқота ёзиб. — Тўғрироғи — кеннойим.

Зафар Малик ялт этиб Жасурга қаради. Унинг нигоҳида завқми, ҳасадми, ёзғиришми — нима борлигини Жасур пайқай олмади, балки ҳаммаси биракайига бор эди.

— Кеннойим? — ишонмагандек деди Зафар Малик. — Жуда ёш-ку.

— Йигирма бирда, — деди негадир Жасур ҳам ҳаяжонланиб. — Мен билан тенг. Акамнинг хотини.

Зафар Малик ҳафсаласи пир бўлгандек бош чайқади. Зафар Маликнинг ҳафсаласи пир бўлганини Жасур пайқади ва энди асарига беписанд қарайди, деб ўйлади.

— Крамскойнинг асарини эслатади, — деди Зафар Малик чорраҳа олдида машинасини тўхтатиб. Жасур машҳур Крамскойнинг "Нотаниш аёли" назарда тутилганини дарров билди. — Жозибаси шунақа демоқчиман. Сиз, албатта, ўз усулингиз билан ифода қилгансиз, маҳоратингиз ҳам ўзингизга яраша, аммо таъсир кучи яшинга ўхшайди. Биринчи кўрган одам гангиб қолади, сеҳридан бўшай олмайди. Асарда қанақадир махфий, аммо покиза ҳирс бор. Ғализ тушунманг, матода нозаниннинг кўкси билан бош қисми бўлса-да, секс шундоқ уфуриб турипти. Агар хато қилсам кечирарсиз, малоикага бўлган ўз эҳтиросингизни яшира олмапсиз. Шунақами?

Жасур дарров жавоб бермади, сукути йигитнинг ички

туғенини беркита олмас, сукут унинг иқрори, унсиз жавоби эди, Зафар Малик тахмини тўғри чиққанидан, ҳатто шодланиб кетди.

— Коље ҳам ўшанга аталган бўлса керак, а?

— Коље? — тушунмай сўради Жасур.

— Ҳа, тақинчок, — деди Зафар Малик.

Жасур яна жавоб бермади.

— Дилингизда ғусса бор, — деди Зафар Малик. — Бу яхши. Ғуссасиз асар пуч ёнғоққа ўхшайди. Ҳамма гап талқинда.

Бир ҳафтадан кейин Зафар Маликнинг мақоласи газетада босилиб чиқди ва шов-шувга сабаб бўлди, мақолани ўқиганлар ҳам, мақоладаги мулоҳазаларни эшитганлар ҳам Жасурнинг асарини ўз кўзи билан кўргиси келди, аммо асар қаердалигини ҳеч ким билмас, асар эса сотиб олинган уйнинг бир нимқоронғи хонасида пайтини пойлаб ётар эди.

— Асарни дарров кўрсатманг, — деган Зафар Малик, шов-шув бўлсин, кейин кўясиз. Шошманг.

Тасвирнинг расми туширилган мақолани Жасур Барнога кўрсатди, Барно дарҳол ўз қиёфасини таниди, мақола матнига эътибор бермади ҳам.

— Мақтаптимми? — деди Барно газетани Жасурга қайтариб.

— Янги ҳовли олдик, — деди Жасур Барнонинг гапини эшитмагандек.

— Эшитдик, — деди Барно таннозлик қилиб. Бир ой бурун сотиб олинган ҳовлини ҳамон унга кўрсатишмаган эди. — Буздирдингизми?

— Ҳали буздирганим йўқ, — деди Жасур, гўдак билан гаплашгандек, тоқат сақлаб. — Юр, кўриб келамиз. Туман бўлади.

— Туман жонимга теккан, — деди Барно Сижжақдаги ҳовлисини эслаб.

— Балки бугун туман йўқдир.

Улар кўз касалликлари клиникасидан кўчага чиқиб, ўткинчи машина тўхтатишди ва йигирма дақиқада каналнинг бу томонида машинадан тушишди. Каналнинг тепаси буғдан димиқиб турар, аммо атроф мусаффо эди.

Биринчи кўришда ҳовли Барнога ёқмади, турқи совуқ кўринди.

— Ичкари иссиқ, эрталаб ёқиб кетганман, ҳеч ким йўқ, — деди Жасур итни тўсиб.

— Кампирчи?

— Қизи олиб кетди.

— Ҳеч ким йўқми?

— Йўқ.

— Кирмайман бировнинг уйига.

— Нега бировники? Энди ўзимизники. Сотиб олдик-ку.

— Барибир, ҳиди келади.

Жасур кўча эшикни ичкаридан қулфлади ва индамай уй томон

кетди. Барно ҳам, итдан чўчибми, ўша тарафга юрди. Даҳлиздаги холодильникнинг нури юзига тушди. Жасур шишани оғзига ағдарди, нимадир ғажиб, тамшанди, дарҳол сигарет тутатди, Барнони ундамади. Ўзи кириб келишига шубҳаси йўқ эди. Барно даҳлиз зинасида бирпас тургач, совқотди шекилли, ичкарига кирди.

Жасур индамай бояги шишадан икки қулт қуйиб, қадаҳни бирини Барнога тутди.

— Вой, бу нимаси, ичмайман, — деди Барно орқасидаги эшик томон чекиниб.

— Бугун менинг байрамим, — деди Жасур вазмин ҳолда. — Сенинг ҳам байраминг. — Жасур чарм курткеси ёнидан газета олиб Барнонинг томоғига суқди. — Ичасан.

Барно бир зум сўқир кўз билан Жасурга тикилиб турди-да, қадаҳни олиб, шартта ичиб юборди.

— Қойил! — деди Жасур кўзига ишонмай ва шу жойнинг ўзида қизнинг кийимларини жазави билан еча бошлади, қип-яланғоч ҳолда кўтариб, ичкарига олиб кирди, каравотга ташлади. Қиз гўзал эди. Жасур ўзини қизга ташлаб, маҳкам қучди ва ўкириб юборди.

— Нега шунақа?!

— Нима "шунақа"?

— Нега меники эмассан?

— Сизникиман-ку! Бўлмаса ёнингизда бўлармидим?!

— Йўқ! Нуқул ўпганимда кўз олдимга Ёдгор келади. Ўзимни жирканч сезаман, кимнингдир ҳаққига кўз олайтираётгандек бўламан. Ҳатто Зафар Малик ҳам кўзимга ит бўлиб кўринди.

— Ким у?

— О! У доҳий одам, ҳеч ким унинг гапини икки қила олмайди. Дегани деган. Биронта одам унга эътироз билдириб кўрсин, ғажиб ташлайди. Нуқул "талқин" дейди.

— Хўш? Бизга нима алоқаси бор у одамнинг? — тутоқиб сўради Барно.

— Бир ҳафта бурун шу уйга келган эди; расми кўриб, сендан кўзини уза олмаган. Агар шу ерда бўлганимда, ютиб юборишдан тоймас эди. Мана шу мақолани ўша занғар ёзган.

— Хотини бузуқми?

— Қаттан биламан хотини бузуқ-музуқлигини?

— Заниғар, дедингиз-ку.

— Нима бўпти, деган бўлсам?

— Тожикчасига "хотини ғар" дегани бўлади, — деди Барно танбеҳ бергандек бўлиб. — Оғзингизга қарамай, гапириб юбораверасиз. "Хотиним фарлигини исботлаб бер", деса нима важ келтирасиз. Акангиз ҳам шунақа, икки гапнинг бирида "куспуруш", дейди. Ҳатто ёш қизчини ҳам шу сўз билан эркалайди. Аслида, биласизми, бу нима дегани?

— Йўқ, шунчаки заҳри йўқ сўкиниш-да...

— Бу жуда ёмон сўкиниш, жуда гализ ибора. — Барно йигитнинг қулоғига нималарнидир шипшиди.

— Йўғ-э! — фалаги учиб, деди Жасур. — Ростдан-а?!

— Рост, рост, ишонаверинг, — деди Барно Жасурга тасалли бергандек, бироқ бояги мавзу қизиқтирди, чоғи, Барно йигитнинг жунли билагига кафтини қўйиб: — Мен ҳақимда нималар ёзипти? — деди.

— Мақолада сен ҳақингда ҳеч нарса йўқ, оғзаки айтди, холос.

— Нима деди?

— Малоика, ҳур қиз, парийваш — шунга ўхшаган бир тўда сўзлар билан таърифлади, — деди Жасур.

— Қизганаяпсизми?

— Ҳа, — қатъий деди Жасур Барнонинг тахминини тасдиқлаб. — Агар сени кўз остига олгудек бўлса, жанжал чиқади. У чангалидагини қўйиб юборадиган одам эмас. Биз душманга айлансак — тамом, иш чатоқ.

— Энди ўша одамнинг ўжарлиги, иштаҳасига қараб яшаймизми? — деди Барно Зафар Маликни кўрмай туриб дилига адоват тутиб. — Миқ этиб кўрсин, кавшини тўғрилаб қўяман.

— Миқ эта олмайсан, — деди Жасур ёстиқни муштлаб. — Жодугар. Кўз очирмайди.

— Бу қанақа одам ўзи, нега ҳаммаларинг ундан кўрқасизлар? Кимдир унга қарши чиқса бўлмайдимиз?

— Мавқеи шунақа. Мағлубиятни ҳам ғалабага айлантиради. Жасур бир ҳафта бурун "Жигули"сида кела туриб Зафар Малик айтган сўзлари ёдига тушди.

— Менинг рухсатимсиз асарни ҳеч кимга кўрсатмайсиз, — деди ўшанда Зафар Малик. Чекиш учун у ойнани туширган, урилаётган шамол оқ аралаша бошлаган сочини тортқилар, дўнг пешанаси, чайир қовоғи, ўқдек узоқларга қадалган ўжар нигоҳи ширра бурни, тўмтоқ ияги ва бўйни аралаш ташлаб олган қарфининг ҳилпираши — бутун метин қиёфаси тасвир қилиниши кераклигини даъват этар, агар шундоқ одам вақтини берса, Жасур бажонидил расмини чизган бўлар эди. — Асар ҳақида шов-шув кўтариб, одамларнинг иштаҳасини кўзғаш керак. Аммо асар одамларнинг қулоғига қуйилган даражада чиқмаса, хафсаласи пир бўлади. Бироқ синалган усул ҳам бор. Ҳамма гап талқинда. Ҳамма гап талқинга боғлиқ. Бир қўлида Қуръон, бир қўлида қилич билан араблар келиб, зулм эвазига бизни таслим қилишди, қанчадан-қанча бойликларимизни ташиб кетишди — ҳаммаси диний зарурат, жиҳод, улуғ тадбир, муқаддас бурч, иттиҳод дейишди. Кейин мўғуллар келиб, қолган-қутганимизни вайрон қилишди. Биронта канал очишмади, барини бузишди. Булар босиб олиш сиёсатини оқлаш учун тайин мафқурани ҳам олға суриша олмади — уларнинг далили қиличида эди. Ҳозир энди ўша юришларни озодликка чиқариш вазифаси эди, деб тус

беришяпти. Юртини ҳимоя қилиш мақсадида давлат урушга қўзғалса — сўз йўқ, бу ҳатто улуғ юриш, ватанни мудофаа қилиш — юксак вазифа, аммо бошқа ўлкага босиб кириш, талаш, банд қилиш — буни нима билан оқлаб бўлади? Дарвоқе, баъда тушунчаси банд сўзидан, яъни кишан қилинган, қул дегани. Ҳаммасига талқин, важ ўйлаб топишган. Ким зўр бўлса, ҳақиқат ўшанинг томонига эгилган.

— Асл адолатчи? — деди Жасур устознинг фалсафасига ҳам қойил қолиб, ҳам кўникмай.

— Осмондан дур ёрса-да, сизнинг ҳовлингизга бир дона ҳам тушмаса, сиз учун — адолатсизлик, ҳовлисига бир ҳовуч дур тушган кўшнингиз учун — улуғ адолат. Тор-мор қилиш билан тор-мор бўлишда фарқ бор, аммо бу — жангнинг икки қирраси. Бири галаба, иккинчиси мағлубият. Фақат меҳнатда эришилган галаба асл, қолган ҳаммаси сохта. Мен ёш ижодкорларни қирғийлар чангалидан асрайман, аввалги кезларда бирини икки қилиб кўрсатаман, ҳатто моддий ёрдам бераман. Аммо харажатимни казо-казолардан ундириб оламан. Ҳа, шунақаман. Нега менинг мақолам бадалига у обрў орттирса-да, шу даражага кўтарилишида асосий туртки бўлган мен ҳеммирисиз четда қолишим керак? Ойлаб битта тақризимга зор бўлиб юришади. Ана шунда талқин воситасига мурожаат қилишга тўғри келади, яъни мағлубиятини галабага айлантириб бериш керак бўлади. Бу, албатта, оғзингга келган гапни гапириб юбориш эмас, ҳар бир мулоҳазанг далилланган, мустаҳкам, исботли бўлиши керак, бўлмаса ит ҳуришидек бир акиллашга ўхшаб қолаверади.

Зафар Малик ҳақида гап очиб, Жасур ўзи истамаган ҳолда Барнонинг дилида қизиқиш уйғотди.

— Сехри кучли, — деди Жасур ҳамон Зафар Маликнинг таъсиридан қутула олмай. — Атвори, важоҳати шунақаки, бирон театрга бадий раҳбар, ёки кинорежиссёр бўлса, ҳайбати билан кўпларни талмовсиратиб кўяр эди. Милиционер ҳам машинасини тўхтатса, саловатини кўриб, гулдираб қолади. Ўзим гувоҳи бўлдим. Қора кўзойнак тақса — тамом, битта ўқ отмай енгади. Сен, кавшини тўғрилаб қўяман, дейсан. Кўзига дуч келмаслик керак, дуч келган аёл, чиройли бўлса, албатта илинади. Завқа бир ҳафтадан ошмайди, муддаосига етишганидан сўнг тезда совийди. Шунақа тоифа. Лекин ёзишга келганда, шунақа таърифлар топадики, гап сенинг асаринг ҳақида кетаётганига лол қолсан киши.

— Менга уни сотмоқчимисиз? — дилида ғойибдан пайдо бўла бошлаган аллақандай тусмолни тўғатмасликка уриниб, деди Барно.

— Нега сотар эканман? — довдираб деди Жасур.

— Нега нуқул мақтайсиз? Башанг йигитлар камми? Учраганининг олдида гангийвериш керакми?

— Кўксидан итарсанг, душманга айланади, савағичи менга тегади.

— Демак, кўз сузса, йўрғала, демоқчисиз, шундайми?

— Нима демоқчилигимни ўзим ҳам билмайман, Барно, — деди тўшак устида чалқанча ётар экан Жасур сигарет туташтириб. — Бошим қотиб қолди.

— Гапимни инкор ҳам қилмаяпсиз, муңдан чиқди, сиз мени унга қўшмоқчисиз. Мақоласи мана, унга миннатдорчилик билдиришнинг бир усули — мени тортиқ қилиш. “Олинг-олинг, тортинманг, марҳамат”. Дайюс, деган сўкиш бор. Сиз дайюссиз.

Барно ўзини ушлай олмай қақшаб йиғлай бошлади. Жасур юпатиш учун ҳаракат қилувди, Барно унинг иккала қўлини шапаталяб, итариб ташлади, ирғиб туриб, дахлизга отилди.

— Уч ойлик тойдек эрим бошимда туриб, мен сенинг макрингга учдим, фарлик, фоҳишалик қилдим. Шу иснодим каммиди?! — аламда ўкирди Барно. — Сенга ўйнаш бўлдим! Энди тўйдинг! Бошқаларга ҳам тутиниш керак! Дайюс! Занғар! Чайқовчи!

— Ёлғон! — ўшқириб деди Жасур ички хонадан отилиб чиқиб. — Булғама ҳиссиётимизни! Яхши кўраман сени! Сенсиз яшай олмайман! Эртагаёқ ойим, акаларим олдида айтаман ҳаммасини! Орани очиқ қиламан! Аммо сендан кечмайман! Менга тухмат ёғдирма, сен мендан кечма, кечсанг, ичкиликка берилиб кетаман, ўлигим бирон жарда қолади. Кечир! Кечир! Ўйламай айтвордим, кечир.

Жасур тиззасига чўкиб, Барнонинг оёқ-сонлариниғижимлаб, жазавада ўпа кетди: Барно юзини ҳовучлаган ҳолда Жасурнинг ҳаракатидан чайқалар, тебранар, йигитнинг чайир панжалари унинг кийимини юлар, тортқилар эди. Ниҳоят Жасур Барнони маҳкам қучоқлаб, бағрига босди, шу алфоз улар анча туриб қолишди.

10

Кеча Ёдгор телефонда акасини сўровди Муяссархон мужмал жавоб қилди, “Телефонда айтадиган гап эмас”, деди, Қудрат акаси телефон дастасини олмади ҳам. Ёдгор ганг бўлди. Нега овози паришон, ғамгин? Акаси бирон касалга чалиндимикин? Ишидан четлатишганикин? Ҳарқалай нимадир рўй берган, келинаеси, ҳатто “келинг” ҳам демади. Шу саросимали фурсатда тўппа-тўғри кириб боришни Ёдгор ўзига эп кўрмади, “эртага учрарман” деган хаёл билан Дўрмонга жўнади — хойнаҳой уйдагилар овқатни сузмай, Ёдгорни кутишаётгандир. Кунлар қисқарган, тезда шом тушади, қайнона-келин ўтиришгандир шумшайиб — термилиб, кўчадаги шарпага қулоқ солиб.

Ёдгор ҳовлига кириб борганида Барно эндигина шаҳардан

чиққан экан, ҳали кийим-бошини ўзгартиришга ҳам улгурмабди чиройли кўзлари бежо, боши пахмоқ рўмол билан танғилган. Хотини бунақа рўмол ўрамас эди, кун ҳам у қадар совуқ эмас. Ёдгор ажабланди, кийимини алмаштира бошлади. Барно амиркон сумкасини ёнига қимтиб эрининг ортидан ўтди ва сумкани тездагина дераза тоқчасига ташлаб, пардани суриб қўйди. Ёдгор хотинининг ҳаракатини кўзининг қири билан пайқади, яна таажжубланди. Нега пахмоқ рўмолга бурканиб олган, нега сумкасини яширади? Нега умуман бугун хотини пала-партиш, асабийроқ кўринади?

— Тинчликми? — сўради Ёдгор хотинига ёни билан тикилиб. — Нега физғизонсан?

— Физғизон? Нима деганингиз?

— Ғалати роқсан. Бирон нарса бўлди ми?

— Ҳм. Бўлди.

— Нима?

— Ойингиз одиларига чиқишга юрагим дов бермаяпти, — деди Барно ва унинг юзидан қон қочганини Ёдгор сизди.

— Нега? Бирон чатоқ иш қилиб қўйдингми? — деди Ёдгор фулгулада

— Сочимни қирқтирдим, — деди Барно эрига синовчан тикилиб. — Ойимга эриш туюлмасмикин? Ғашлари келса, нима дейман?

Ёдгор енгил тортгандек, чуқур хўрсинди ва хотинининг томоғи аралаш танғилган пахмоқ рўмолни секин еча бошлади.

— Ўзим, причёскам бузилади, — дея Барно бир қадам чекиниб, рўмолни ечди ва ҳадиксираб, эрининг ҳукмини кутди.

— Чиройли одам жулдур кийса ҳам ярашаверади, — деди Ёдгор жилмайиб. — Сен чиройлисан, қолганини қайчилаб ташласанг ҳам ҳуснингга путур етмайди. Очилибсан.

Барно Ёдгорнинг бўйнидан қучоқлаб, юзини унинг кўксига босди, миннатдорчилик ва мамнунлигини билдирди.

— Ойингизга ўзингиз ётиғи билан тушунтиринг, хўпми? — деди Барно эрининг кўзига мўлтираб. — Мен айтдим, қистадим, денг.

— Сочинг қани, сумкангдами?

— Салонда қолди, — деди Барно эрини қўйиб юбормай. — Кўзим тушганда, ичим ачишмасин, деб олмадим.

— Сумқада нима бор? Нега яширдинг?

Барно учун энг қийин масала шу эди: сумкасида Жасур ҳада қилган совға бўлиб, бир кунмас бир кун Ёдгор совгани кўриши муқаррар, шунинг учун бисотида унинг пайдо бўлишини ишонарли далил билан оқлаш керак эди. Совға Жасурнинг тортғи бўлса, бу нарса шубҳа уйғотиши мумкин — тақинчоқ қиммат матоҳ, стипендиядан орттириб бунақа нарсани олиб бўлмайди. Барно Жасурга: "Буни нима важ билан ошкор қиламан? Осмондан ёғилмайди-ку", деди, Жасур "бир баҳона ахтар, деди,

юрагинг дов берса, Жасур берди де. Ё алкашдан арзон-гаровга олдим де. Ким уни суриштирар эди".

— Айтгандек, ўзим сизга кўрсатмоқчи эдим, — дея Барно эрининг кучоғидан чиқиб, дераза пардаси орқасидаги сумкасини титкилаб, бежирим қутича олди. — Мана, кўринг.

Қутичанинг қора духоба астариди инжу чекилган, ўртасига анорнинг донасидек лаъл қадалган тилла тақинчоқ ётар, шом бўлишига қарамай ёқут доналари жимирлар ўргимчакни эслатар эди.

— Бу нима? — деди Ёдгор ҳайратланиб.

— Кўраяпсиз-ку.

— Қаттан олдинг? Ким берди?

— Қорбобо, — деди Барно таманно жилмайиб. — Янги йил совфаси.

Ёдгор бу қимматбаҳо матоҳни кимдир хотинига берганига, Барнонинг ўзи сотиб олишга қурби етмаслигига амин эди.

— Қорбобо ким? Исми борми? — сўради у севинишни ҳам, газабланишни ҳам билмай.

— Қорбобонинг исми бўлмайди; Қорбобо — Қорбобо-да. — Барно тутуриқли баҳона ахтарар, бироқ ишонарли важ ҳамон унинг миясига келмас, жувон баттар адашар эди. Жасурни айтса, шубҳа уйғонади, дадасини рўкач қилса — эри ишонмайди: бунақа ҳаё қилишга уларнинг қўли калта, урдасидан чиқишса ҳам тўй муносабати билан қилишлари керак эди.

— Укангиз, берди, — деди Барно юраги така-пука бўлиб.

— Жасур?

— Расмимни ишловди, яхши чиқипти, газетада мақола босилипти, — деди Барно, аммо бу баҳона ўзини ҳимоя қилишми, Жасурни оқлашми — Ёдгор англай олмади. — Асарига тузук пул тўлашипти, сизнинг ҳам улушингиз бор, тўйга арзигулик нарса қила оладим, деб укангиз шуни тутқазди. Ҳали таққаним йўк, ножўя кўринаётган бўлса, қайтариб бераман. Бунақа йилтироқли матоҳсиз ҳам яшайвераман, ўрганмаганман.

Совға Ёдгорга ножўя эмас, ғалати туюлди. Эр бўлатуриб, бунақа нарсани ўзи беролмаса-да, бегона киши уч ойли хушбичим хотинига тортиқ қилса — ҳақиқатда ғализ ботди, ҳатто шаънини камситгандек бўлди. Албатта, Жасур — укаси, келинаясига ҳаё қилса, акаси фахрланиши керак. Унинг устига Жасур — рассом, романтик, хаёллар парвози билан яшайди, пулнинг қадрини билмайди, ўзини келинаясига яқин тутиб, сахийлик қилса қилипти-да. Шундан ўян ахтариш керакми? Бироқ... кўнгли хира бўлди, дилида ғуборга ўхшаган нарса қолди.

— Яхши, — деди Ёдгор ўзини мажбурлаб, — табриклайман. Қайтарма, ранжийди.

— Ойингизга "ўзим олиб бердим", денг, ғашлари келмасин, хўпми?

— Барибир очилади, ёлгончи бўлиб чиқаман, деди Ёдгор, мулоҳаза қилиб. — Ҳозирча тақмай тур, Жасур айтса, кўрсатарсан. Сочингни қирқтирипсан, устига бу тақинчоқ, ойимни эсанкиратиб қўясан.

11

Бугун, ҳақиқатда, Ёдгор учун галати кун кечди: Муяссархон телефонда мужмал гапириб, йигитнинг кўнглига таҳлика солиб қўйди; Барно сочини қирқтириб, пахмоқ рўмолга ўралиб келди; тагин — қимматбаҳо тақинчоқ... Ҳаммаси-ю майли, у-бу важ келтириб, кўникиб кетиш мумкин, лекин акасига нима бўлганикин? Нега келинойиси дудмал жавоб қилди, "Телефонда айтадиган гап эмас", деди? Акаси муаммолари ҳақида оғиз очмовди, нима маломатларга қолдийкин? Фитнамикин? Ёки бирон бедаво дардга чалиндимикин? Эртага шанба, акаси ишда бўлса ҳам келинойиси ишга бормайди, "Телефонда айтиб бўлмайдиган" гапни айтади, балки акаси ийманган мулоҳазани хотинидан эшитар. Балки ёрдам зарурдир, акаси андиша қилаётгандир?

Эртасига келинойисидан эшитган хабар Ёдгорга жўн кўринди — Қудрат ака докторлик диссертацияси учун керакли материаллар танқислигидан махсус кутубхоналарда ишлаш важи билан Москвага кетибди.

Ёдгорнинг ҳадиги тушди, кўнгли бир оз тинчиди, фақат акасининг ҳеч кимга айтмай тўсатдан сафарга жўнаши нотабий туюлди — ҳатто икки кунга бўлса ҳам акаси ота-онаси, укалари билан хайрлашиб кетар эди. Нега бу гал одатига амал қилмади? Дабдурустан, ҳатто махфий жўнаворишти. Нега бу қадар шошилишч, зудлик? Москвага бир-икки кун кеч борса ҳам кутубхона қочиб кетмас эди-ку. Нега?

Бу гумонлар Ёдгор келинойиси билан хайрлашиб кўчага чиққач миясига кела бошлади, Ёдгор Муяссархондан батафсилроқ суриштирмаганига пушаймон бўлди. Балки келинойиси шу айтганидан ортиқ нарсани билмас — акаси ҳамма нарса ҳақида алжирайверадиган одам эмас — айтмагандир.

Ёдгор йўл устидаги бозорчадан олма-нок харид қилиб — ишхонада халга кўтариб юрмаслик учун — квартирасига кириб чиқишини ўйлаб, шофёрга машинани буришни айтди ва "тезда қайтиб чиқаман", деб уйи томон ошиқди.

Ёдгор ўз калити билан квартираси эшигини очар экан, ичкаридан полга урилган ялангоёқ товуши қулоғига чалинди.

— Барно, уйдамансан? — туфлисини еча туриб Ёдгор жимиб қолган хоналар томон овоз таратди ва ҳақиқатда, сарпойчан Барно товушсиз юриб, ошхонадан чиқди. Унинг юзи палахса қизарган, кеча қирқтирилган сочи бир оз тўзғиб, пешанасидаги кўнғир кокили қош-кўзини тўсар, ним қоронғи йўлақда болдирлари балиқнинг қорнидек оппоқ кўринар эди. — Ма, — дея Ёдгор мева

солинган халтани хотинига узатди. — Қизариб кетипсан, кир юваяпсанми?

— Ҳозир кирдим уйга, — деди Барно ортига қайта туриб ва халақит бераётган пешанасидаги сочини орқага сидирди.

— Жасур йўқми?

— Айвонда, ухлаётгандир, — деди Барно ошхонадан овоз бериб.

Ёдгор балконга чиқиб, укасининг уйқусига халал бергиси келмай, хотинининг ортидан ошхонага бурилди.

Барно халтадаги меваларни холодильникка жойлар, сочи қирқилмаган пайтда қуёш тегмаган бўйни оқиш-кўкимтир, уйда киядиган кўйлаги остидаги қадди шундоқ сезилиб турар эди. Ёдгор Барнонинг орқасидан келиб, иккала қўлини хотинининг қўлтиғи остидан суқиб, кафтларини кўксига босди — қўли тўлди. Барнонинг сийнабанди йўқ эди. Қачон ечиниб улгурди — агар яқинда уйга кирган бўлса? — домангирланиб ўйлади Ёдгор. Барно, ваши келибми, эрининг қучоғида ўтирилди. Ёдгор қўлини олмай, кафтини хотинининг танаси бўйлаб пастга сирғалтирди — Барнонинг кўйлаги остида ҳеч нарса йўқ эди.

— Қитиғим келяпти! — деди Барно нозланиб ва эрининг қучоғидан чиқиб кетиш учун талпинувди Ёдгор қўйиб юборди. Ёдгор бир зум жойида қотиб қолди. Кейин хотини томон қарамай, айвонга йўл олди. Жасур кўрпачага ўралиб ётар, ухлаяптими, йўқми, билиб бўлмас, курсида чала ичилган коньяк шишаси, ёнида тишланган олма ва иккита рюмка турар, бири бўш, иккинчиси чала ичилган, Барнонинг сийнабанди йиғма каравот остида ётар эди. Ёдгор қайтиб коридорга чиқди, туфлисини кия бошлади. Барно эрининг тиқир-тиқирини эшитиб, ошхонадан бир қадам ўтиб, таҳликада эшик томон эрига тикилди — Ёдгор мутлақо осойишта, ранги хийла оқарган эди. У хотини чиққанини пайқади, аммо у томон қарамади ҳам, чўнтагидан халқага ўтказилган бир шода калитлар орасидан яқиндагина эшикни очган калитни чиқариб, Барно турган бўсага томон ташлади.

Барно лол бўлиб турар, тили калимага келмас эди.

— Қачон келасиз? — аранг деди Барно эрининг кейинги ҳаракати нима бўлишини билмай.

— Ҳеч қачон, — деди Ёдгор эшик дастасини тутиб. Осойишта кўринса-да, Ёдгорнинг овози қатъий эди.

Барно бошқа сўрамади, айвон томон кўз ташлади — Жасур эшик панасида вазиятни кузатар эди.

— Кийим-кечакларингни Дўрмондан опкелиб бераман, ўзинг у ёққа қадам босма, — деди Ёдгор асабий мулоимлик билан.

Барно индамади, агар бир офиз сўз қотса, эри қутуриб кетиши мумкинлигидан ҳайиқди.

Ташқи эшик қарс ёпилди, зинада Ёдгорнинг қадам товушлари ниҳоят тинди.

Айвон эшиги панасида писиб турган Жасур бир ирғишлади: "Есть!"

Бўлиб ўтган воқеа Ёдгорга даҳшатли тушдек туюлди, йигит хушига кела бошлади. Воқеа шу қадар ақл бовар қилмайдиган, тўфондек эди, тафти вужудини куйдирар, чидаш, бардош беришга Ёдгорнинг иродаси етмас эди. У кунбўйи ўзини иш билан алаҳситмоқчи бўлди, лекин алами дилини ёндирар, рашк ва изтиробдан қутула олмас, ёнар-қоврилар, дунё кўзига разил, жирканч ва қабиҳ кўринар эди. Йигитнинг кўксигаги чўғ ҳам гуркирар, ҳам дили тўсатдан бўм-бўш бўлиб қолгандек туюлар, Ёдгор ўзига жой топа билмас, тўлганар, дод дегиси келар эди. Севимли рафиқаси энди унинг тақдиридан тушиб қолди, гап яхши кўришида ҳам эмас, бу ерда севгининг аҳамияти йўқ, энди Ёдгор уйига — Барно турган уйга қайтмайди, Барнони ҳам Дўрмондаги ҳовлисига йўлатмайди, тамом, Ёдгор суянган арқон узилди, ҳақиқатда осуда, деб фараз қилган кунлари, дамлари омонат бўлиб чиқди, синовга бардош бера олмади, кўп мева қилган дарахтнинг шохидек айрилди-синди, надомат қилиш ўринсиз. Кимга ҳам дардини ёза олади? Жасурни инсофга чақириш, имонсиз, дейиш — ўзини хўрлаш, Жасур тавба-тазарру қилса ҳам, яра битмайди. Барно билан қайта турмуш қилиш — бемаънилик. Шубҳасиз, уни Жасур йўлдан урган, чалғитган, биринчи шамасини Барно қайирмаган, қистовини ошкор қилишдан чўчиган, Жасурнинг тузоғига илинган, бу ёғи енгил кечаверган. Ким айбдор? Ёдгорнинг ўзи-да: икки ёш нарсага ўзи шароит яратиб берди — бири эҳтирос лаззати қанақа эканини энди англай бошлаган, аммо бундай нашъага тайёр, балоғатга етган ожиза — Барно, иккинчиси — кўзига қон тўлган, суллоҳ, орият нималигини билмайдиган, аёл зотини кўрса занжирини узишга тайёр, ютоқиб юрган така — Жасур бўлса... Буларнинг орасида чақмоқ чиқмаслик — нотабий ҳол, ҳатто фавқулод! Бир парча гўштни ликопи билан туйнукка қўйиб, йўқолса, мушукни айблаш билан баробар. Сичқонни тутмаган мушук — қанақа мушук? Ёзгиришнинг ўзи девоналик, Ёдгор ўзи-ўзини ёмон кўриб кетди, койинди, куйинди, бироқ пушаймон бўлишдан бўлак чораси қолмади. "Қорбобонинг совғаси" бежиз эмас экан, кеча Барно тақинчоқни кўрсатганида ийманиши, сумкасини парда ортига қўйиши, Жасурнинг номини тўғри айтишга ботина олмай, "Қорбобо" дейиши, "Совғани ўзим олиб бердим, денг", дейиши, ҳадиғу гуноҳини яшириш ниятида қўлланган эпсиз чоралар экан-да. Ёдгорнинг юраги бекорга жиз этмовди, ўйлади Ёдгор гумон-тахминлар ихтиёрига берилиб. Туңда Барно шарм-ҳаёни ҳам йиғиштириб, роса "тарала-бедодга" берилди, одатда, "ташаббусни" эрига топшириб қўядиган хотини, негадир, бу кеча шаҳват дулдулига миңди, жазава пўртанасида ҳайқирди... Албатта, жуфтлик мусобақасида жиловини қўйиб юбориш керак, аммо Ёдгор хотинининг бу қадар моҳирона "ташабуси" олдида ўзини

ҳаваскордек суст сизди, жўрликда бир парда авжига чиқа олмайгандек, кўмакчидек кўринди, ҳатто баралла ҳайқирариши онаси томон етиб боришидан ҳайқиди. "Пойга" тугагач, Барно Ёдгорнинг ёнига шилқ этиб тушди, тунги ҳаририни ҳам киймай ухлаб қолди. Барно бу ҳаракати билан эрига бўлган садоқатини ифодалашми ёки дилидаги асабий дард тўлқиними, туғеними ёки эрининг дилига ўрмалаган тахминларни тарқатиш муддаосими — Ёдгор англамади. Ҳаммаси бўлиши мумкин, деб ўйлади бутун, Дўрмон томон кетар экан Ёдгор — Жасурнинг тузовига илинган, ундан қутулиш, аммо қутула олмаслик алами-андишаси. Жасур учун нима, нафсини қондирди — вассалом, ўзини ҳамма нарсага ҳақли, деб ўйлайди. Худбин, осмону фалақда парвоз қиладиган рассом. Иснод, ҳаё унинг учун мавҳум нарсалар. Қандай қарайди? Ёдгор онасига, Қудрат акасига, Муяссархонга нима дейди, қанақа важ кўрсатади? Укам хотинимни тортиб олди, йўлдан урди, дейдими? Ёт-бегона бир унсур шу ишни қилса бир нав эди, Ёдгор бузғунчи билан қий-пичоқ бўлган, хотинининг думини тутиб юборар эди, ёт-ёт-да, аммо бузғунчи — ўзининг укаси, агар Барно билан яшаб кетса — бунга Ёдгор амин эмас — бир кунмас-бир юз кўришишга тўғри келади-ку. Унда ака-ука ўзини қандай тутади? Барно қайси кўз билан оила аъзоларига, ҳатто ўзининг ота-оналарига қарайди? Албатта бу маломатда Барнонинг айби деярли йўқ, чунки у қиз нарса, чап бера олмаган, айби бўлмаса ҳам айбдор ҳисобланаверади. Бироқ Жасур... наҳот шу қилмиши билинмай, махфий ўтиб кетади, бир-икки ой эрмак қиламан, кейин хотини акамнинг ўзига қолаверади, деб ўйлаган бўлса? Ахир Ёдгор устидан чиқмаганида, ҳақиқатда бу ҳаром иш очилмай қолиши ҳам мумкин эди. Аслида Ёдгор "ишнинг" устидан чиққани ҳам йўқ. У ўз калити билан қулфни очиб, уйга кирганида, хотини ошхонада... Жасур эса айвонда ухлаб ётар эди. Мундоқ олиб қараганда, даъвога ўрин йўқ. Барнонинг кўйлаги остида ҳеч нарсаси йўқлиги Ёдгорнинг гумон-тахминига сабаб бўлди, холос. Барнонинг кўйлаги остида ҳеч нарсаси бўлмаса, нима қилипти? Жувон ўз уйида, қандай юрса юраверади-да. Балки ювиш учун ечгандир. Шундан ўян ахтариб, ҳамма нарсани барбод қилиш-адолатданми? Ёдгор, ўзи истамаган ҳолда, хотинини оқловчи далиллар истай бошлади, расмий жиҳатдан Барно айбсиз кўрина бошлади. Агар Ёдгор хотини билан Жасурни чақишиб ётгани устидан чиқса, инкор қилиб бўлмайдиган далил бўлар эди, аммо Барно ювиш учун ечган бўлса, бошқасини кийиб олиши мумкин эди, уйда ёт эркак бор, бу аҳволда унинг олдида юриши тасодифми? Сийнабанди ҳам йўқ, Жасур ухлаётган йиғма кароват остида ётипти. Нега бегона йигит бор жойда Барнонинг ўзгалардан яширадиган буюм-тақинчоғи Жасурнинг каровати остида ётиши керак? Бу нима, тасодифми, бетамизликми ё шошилинчда ечиб, ташланган, йиғиштириб олишга улгура олинмаган нарсами? Ахир Ёдгор калитни

улоқтириб, бу уйга қайтмаслигини айтганида Барно чурқ этмади-ку, "Нега қайтмайсиз?" демади-ку. Бу айбини инкор қила олмаганлиги, икром бўлганлиги. Албатта, Барно шаллақи бўлганида, ҳамма нарсани инкор қилган, айбни ўзига олмаган, далил сушт кўринса, "Нега ёш йигитни бу хонадонга олиб кирдингиз? Нега мени аямадингиз, қизғанмадингиз? Қилар ишни укангиз қилса-ю, мени айблашга қандай тилингиз борди? Шунақа бўлишини ўзингиз мўлжаллагансиз — мендан қутулиш, бошқа мўмингина хотинга уйланиш учун! Демак, айб ўзингизда!" деб, даъвочини айбдорга айлантирган бўлар эди. Қилмади. Виждонли экан. Мўлтираб қолди, холос. Ожизлигидан, Жасурнинг зуғумидан ўзини асрай олмагани учун мулзам бўлаяпти, ўзини маълун сезаяпти — заҳар ичиб қўйиши мумкин...

Нафрати қай даражада кучли бўлмасин, хотинини узил-кесил айблашга Ёдгорнинг кўнгли бормас, иллатни ўзидан, укасидан кўрар, бунақа қулай шароитда Жасурнинг ўрнида ўзи бўлса — ўлжа деярли панжасида, синовга бардош бера олишига кўзи етмас эди. Демак, ҳеч кимда айб йўқ, вазият самараси. Кундузи калитни улоқтириб, Ёдгор тўғри қилдими? Балки бу воқеа ҳали ошкор бўлмай туриб, ҳамма нарсани босди-босди қилгани маъқулдир? Ҳозир Ёдгор уйига қайтиб, Барнони ҳам, Жасурни ҳам кечирса, иккалови жанжалсиз қутулгани учун қайтага шукур қилишади, Ёдгорнинг оёғига йиқилиб, узр сўрашади; ҳамма нарса ёпиқлигича қолади; Жасур бу уйга йўламайдиган бўлиб кетади. Фақат орага тушган совуқлик аримайди, ҳатто юзкўрмас бўлиб кетишади, Ёдгорнинг Барнога нисбатан муносабати ҳам аввалгидек жўшқин, тиниқ кечмайди. Нима бўпти? Қайтага яхши, Барнонинг тили қисик юради, Ёдгор эса аксинча, тили узун бўлади, писанда қилмаса-да, дилида кек-алам борлиги унутилмайди. Ҳақиқатда, тойган битта одамга — битта эмас, иккита одамга — қўл чўзиш, қулашдан асраш — хайрли иш, савоб. Одамлар иккита боласи бор жувонларга ҳам уйланишади, бир умр иноқ яшаб кетишади. Барно кўз очиб кўрган ўзининг хотини-ку, шароит таъсирида тойипти. Ким адашмайди? Жасур, ҳойнаҳой, Барно билан узоқ яшамайди, яна битта нозанин йўлиқса, шайдо бўлиб, бошқа нарсаларни унутади, янгисига илакишади — Барно шумшайиб қолаверади, қўлма-қўл бўлиб кетади. Бундай қисматдан асраш — мурувват, қусурдан баланд туриш, ҳиммат.

Сир бир кунмас-бир кун очилишини Барно англар, Жасурнинг пайдан, эҳтирос гирдобидан қутулиб кетишга кўзи етар, агар шу нияти ечилса, урдасидан чиқса, излар босилиб кетар, деб ўйларди, бироқ ҳадик билан кутаётган хавфи жуда тезда рўй берди. Эри ҳар қанча ҳовлиқма бўлмасин — қойил қолиш керак — совуққонлик қилди, жанжал кўтармади, ўзини тийди. Ёки воқеа шу қадар қўққисдан содир бўлдики, буни кутмаган Ёдгор карахт, ханг-манг бўлиб қолди, миясига келган ягона чора — калит,

улоқтирди — кетди. Ёки шунақа гўлки, ўз уйида яшаб юрган укаси янги келинчакка шилқимлик қилиши мумкин ёки мумкин эмаслигини фараз қилмаса? Ёдгор ҳушёр тортиб, ўзига келса, қилган осойишталиги ожизлик туюлиб, жунбишга миниши мумкин. Ана унда ҳеч кимни аямайди, ҳамма нарсени яксон қилади. Қон тўкилиши ҳам ажабмас. Лекин бунақа қилиқ жўн одамлардан чиқади, идрокли одам, қанча ғазаби қутурмасин, ўзини қўлда ушлайди, мулоҳаза қилади. Биринчи ҳаяжонга Ёдгор берилмади, ақлидан озмади, қайтага ўта вазмин, ҳатто ҳазар қилгандек ўзини тутди, демак, гўл, чўрт кесар, жиззаки одам эмас экан-да, мен бўлсам уни ҳовлиқма, деб мулзам чекиб юришман... Қайтага, Жасурни шунақа деса бўлади — оғзига келганини қайтармайди, кўнгли нимани қўмсаса, шуни қилади, ўзини тийиш, андишага бориш Жасур учун пуч нарсалар. Аввал мен тотишим керак, ҳаққим бор, деб, ўйлайди, менга қилган шилқимлик ҳам шу такаббурлигидан. Аслида у қўрқоқ, ожиз. Ҳамма гердаиши — ниқоб, нуқсонини яшириш усуллари. Бунақалар синовга чидашмайди, биринчи хавф аломати кўриниши билан каловлаб қолишади. Нега чизган расми билан фахрланади? Биронта жойи аниқ эмас. Хира, чанг, туман, ғуборли. Нарироқдан қараш керак эмиш, қиёфа ўшанда яққол-яхлит кўринар эмиш. Зафар Малик юқори баҳологанмиш. Бўлса бордир. Зафар Малик билимдон, мутахассис. У пайқаган нарсаларни бошқалар сезмас. Мени кўрмоқчи эмиш. Кўрсин. Қанақа каромат кўрсатарикин? "Агар акси шунақа бўлса, ўзи қанақайкин? Асл нусхаси қийқириқдир!" депти. Асл нусхасини Жасур чўқиб қўйганини билмайди-да, билса, бунчалик ютоқмас эди. Тўғри, бадбашара эмасман, ҳусним бор, худо берган нарса, аҳмоқ ҳам эмасман, қишлоқиман фақат. Зафар Малик тўр ташлаб кўради, ўлжа бўлади, деб ўйлайди. Унинг устига Жасур "олинг-олинг, совимасин", дейишга тайёр. Эгаси суяк ташласа, ит тумшугини ўтирадимми? Ҳавода илади. Миннатдорчилик учун Жасурнинг яна битта расмига мақола ёзади — мақтаб-эъзозлаб...

Бу хаёллар Барнога тасалли бермади, Барно қайтага баҳона-важ ахтариб, ўзини чалғитмоқчи бўлганидан ўзи норози бўлди, ҳатто ғаши келди. Ахир фавқулодда воқеа рўй берди, ҳаёти тахлика остида — эри калитни улоқтириб кетворди, "Қайтмайман, Дўрмондаги ҳовлига қадам босма, кийимларингни опкелиб бераман", деди. У айтганини қилади. Барнонинг тақдири нима кечади? Яна ўйлай бошлади. Жасур ҳар қанча "куйдим-пишдим, меники бўласан", демасин, барибир ваъдалари омонат. Акасига хиёнат қилиб, қандай яшайди? Онаси, Қудрат акаси, ҳатто Ёдгор, қон-қариндошлари, улардан кеча олмайди, гуноҳи қай даражада бўлмасин, вақт ўтгач, улар барибир кўникишади, кечиришади, фақат Барно ёмонотлиқ бўлиб қолади, энди ҳеч қачон улар орасига кира олмайди, "пуф-сассиққа" чиқади. Умуман, Барно қандай уларнинг юзига қарайди? Қарай олмайди. Жасурнинг тарақлаши

ярим йилга, боринг бир йилга етар, у ҳам совий бошлайди. Онаси муттасил писанда қилаверса, бир кунмас-бир кун айнийди-да. Ёш, талантли рассом, одамлар оғзига тушди, бунақа келишган йигитни ким орзу қилмайди? Энди уни қўлдан чиқармаслик, этагини тутиш керак. Ахир ҳамма нарса ўшанинг айби билан бўлди, Барно даъво қилишга ҳаққи бор. Лекин очикдан-очик талаб қилиш, инсофга чақирриш, яхшимас, булар шунақа тоифаки, мажбурласанг, тескарисини қилишади, зада бўлишади. Тезроқ сендан холи бўлиб олиш кўйига тушишади. Ҳамиятини оғритмай, авраб, тизгинда ушлаб туриш, раъйига қараш керак. Акс ҳолда ҳамма нарсадан маҳрум бўлиш мумкин: уй Ёдгорники, Жасур ноз қилса, жонимга тегдинг, деса, Барнонинг қўлидан нима келарди? Рўкач қилишга ҳеч қанақа важи йўқ. Ҳатто ҳомиладор ҳам эмас. Дарвоқе, ҳомиладорлик... Ахир бу — катта баҳона далил-ку. Шуни рўкач қилиб, ҳамманинг тилини қисиш мумкин. Бироқ хавфли. Ёдгор ҳам, Жасур ҳам тан олмайди, бир-биридан кўради, тан олганида ҳам гумон билан яшайди. Отаси кимлигини қандай исботлаш мумкин, кимлигини Барнонинг ўзи ҳам аниқ билмаса? Балки ҳомила бўлмай тургани қайтага маъқулдир. Нима қилади шу чалкаш вазиятга яна биттасини қўшиб?

Бўлиб ўтган воқеа, разил кўринмасин, довулдек ҳамма нарсани фошлаб кетди, маълум маънода шу вазиятга дахлдорларни — Қудрат ака, Муяссархон ва Зарифа холадан ташқари — ўз ўрнига қўйиб, муносабат нуқтаи назаридан аниқлаб кетди. Ҳарқалай энди учалови — Барно ҳам, Ёдгор ҳам, Жасур ҳам — ким эканликлари аён. Учалови вазият қурбони. Ёки қаҳрамони. Гап, Зафар Малик айтганидек, талқинда, муносабатда. Ёдгор ўзини ҳам алданган, ҳам айбдор сезади. Барно йўл қўйган хатоси учун ўзини гуноҳкор, Жасурнинг қистовига бас кела олмаганидан заиф-ожиза, ҳамма илат Жасурдан деб билади, бироқ Жасур айбдор бўлса, нега бузгунчилик ҳақида эрига шикоят қилмади? Нима учун уни тўхтатмади? Нимадан андиша қилди, чўчиди? Жанжал чиқишиданми? Барибир жанжал чиқди-ку, чиқмай иложи йўқлигини олдиндан англаши мумкин эди-ку. Бунақа ҳодиса бир кунмас-бир кун албатта очилади, унда айби неча карра ортиши, атайлаб яшириб келгансан, чунки ўзинг йигитни оғдиргансан, деган даъво қўйилиши муқаррар эканини фараз қилиш табиий-ку. Унда айб ўзингга тушади, номинг фарга чиқади. Ота-онанг иснодга чидай олишмайди, сени оқ қилишади. Шунақа бўлишига фаросатинг етмадими?

Барно ўзини оқлаш учун ҳеч қандай важ келтира олмас, баттар тўлганар, ўзини ўзи ер, кўзига дунё қоронғи кўринар, ўзини нобуд қилиш йўларини ҳам ахтарар, гап ота-онаси қулоғига етса, ўзини қандай тутишни, қандай баҳона рўкач қилишни билмас эди. Ёдгор жаҳл устида Барнонинг кийим-кечакларини олиб келса киради-ку уйга, албатта, тўқнашув бўлади. Жанжал кўтарилади. Кўтарилса, оқибати нима билан тугайди? Яхшиямки Ёдгор

Жасур билан Барно "иноқ" пайтида устидан чиқиб қолмади, ўз кўзи билан кўрмади. Аслида-ку устидан чиқди, фақат эшик қулфи тиқир-тиқир қилгани эшитилиши биланоқ Барно апил-тапил кўйлагини кийиб, ошхонага югурди. Эри кириб келганида, вазият деярли тинч, осойишта, гумон туғдирадиган "жиноят" белгиси кўзга ташланмас эди. Фақат Барнонинг кўйлаги остида ҳеч нарсаи йўқ эди, холос, агар Ёдгор хотинига ёпишмаганида, буни пайқамасди ҳам. Гумонга ҳам бормасмиди? Бироқ бўлар иш бўлди — кўприк қулади. Юзи баттар шувит бўлмаслиги учун омонат бўлса-да, Барно ўша гумонга таяниб иш тутиши керак. Эри кўзи билан кўриб, қўли билан ушламади-ку. Барнонинг лозимчаси йўқ экан — нима бўпти? Айблаш учун бу ҳали далил эмаску. Ўз уйи, эшик қулф, истаса яланғоч юриши мумкин. Лозимчасини, сийнабандини ювиш учун ечгандир. Лекин уйда бегона йигит бор-ку, унинг олдида шу йўсинда юришни қандай баҳолаш керак? Дарров шубҳа туғилиши табиий. Агар эри бирон нарса деб гумонини айтса, балки Барно ваз ваз ахтариб кўрармиди? Ёдгор индамади. Унинг вазминлиги Барнони қарахт қилиб қўйди. Муқаррар айб қўйилмагач, эътироз билдиришга, ўзини оқлашга, ҳимоя қилишга ҳам зарурат йўқдек кўринди. Барнонинг қарахтлиги айтилмаган айбга иқдор бўлгандек кўринди. Балки шу ноаниқ, мавҳум вазият қулайдир? Агар Барно бидирлаб, ўзини оқлашга киришганида, эри далилни дарров топган бўлар эди: сийнабанди қаравот остида ётипти, Жасур ўраниб ётган кўрпани очса, лозимчаси чиқади, Жасур ҳам қип-яланғоч, буларни инкор қилиб бўладими? Жасурку, думи тегиб, кўзани синдирган кучукдек, ўзини мутлақо холис сезаяпти. Мулзам бўлиш у ёқда турсин, андишага ҳам бормади. Исноддан хижолат тортиш ўрнига тантана қилмоқда. Акасининг қадам товуши тинмай туриб, яна Барнога ёпишди, узилиб қолган "ишини" дарҳол бошлади. Нуқул севгисини рўқач қилади. Балки ҳақиқатда севар? "Айтаман, ошкор қиламан", деди-ку. Туйғуси самимий бўлса, номусимни ҳимоя қила олса — майли, ўзи айтмоқчи — тутаб яшашдан ёниб яшаш афзал. Лекин алангаси қанчага етаркин? Ҳозир, мана, жазавасидан толиқиб ухлаб ётипти, ичган, нима рўй берганини тайин англамайди, англашни истамайди ҳам. Дунёни сув олса, тўпирга чиқмайди. Нимаики бўлмасин, парво қилмайди, қайтага шундай бўлгани маъқул, дейди, тартибсизликнинг ўз тартиби бор, уни тузатишга уриниш бефойда, баттар бузилади. Фақат унинг мувоzanатини бузмаса — бас. Бузганида ҳам Жасур ўзиникидан тоймайди. Енгилса ҳам ўзиникини таъкидлайди. Ҳеч қанақа исбот, далил уни қониқтирмайди, кўниқтирмайди. Кимки эътироз билдирса — душманига айланади. Маъқулласа, носамимий мақтаса, атайлаб кўқларга кўтарса, ҳатто ёвузлик ниятида чалғитса, йўқ фазилатларини бор қилиб кўрсатса — марҳамат, дўст тутинишга ҳам тайёр. Ҳақиқий маслақдоши йўқ, борларини ҳам, агар улар чин кўнгилдан камчилик-нуқсонини юзига солган,

хатардан асраш, кўмак бериш ниятида айтган бўлсалар — тириқтирган. Ҳатто Зафар Малик айтган танқидий мулоҳазаларни ҳам ижирғаниб ҳазм қилади. Зафар Маликка бас кела олмайди, унинг гапини икки қилиш ўз-ўзига гўр қазिश билан баробар. Жасурнинг ўзи Барнога айтган. Жасур ундан чўчийди, сал кеккайсин, қанақа мафтункор асар яратган бўлмасин Зафар Малик битта мақоласи билан чил-парчин қилиб ташлайди. Қанчалар шунақа бўлишини кутиб юришипти, тантана қилишади. Зафар Маликнинг ёш рассомга майли бор эканми, Жасур шундан фойдаланиб қолиши керак. Қанақадир принципларини рўкач қилишдан нима фойда? Ким бўлипти Жасур, айниқса, Зафар Малик олдида? Ямламай ютиб юборади. Кекирмайди ҳам. Зафар Маликнинг айтганларини шак келтирмай эътироф қилувчилар қанча? Барнонинг ўзи кўрган — юришипти тўда-тўда бўлиб — ёш, чиройли, ўзини билимдон ҳисоблайдиган танноз ойимчалар — Жасурнинг кўргазма залига қўйилган девордаги асарига бир яқинлашиб, бир тисарилиб, узун-қайрилма киприкли кўзларини қисиб. Яна биттаси — лағмон хамиридек сочлари елкасигача тушган, қизартирилган узун тирноқли бармоқлари орасида сигарет қистирилган, яланг тиззасини кўз-кўз қилгандек креслода оёқ чалиштириб ўтирипти. Унақалар олдида Барно нима бўлпти? Қишлоқи, техникумни битириш олдида турган жўнгина қиз. Анови ойимчаларга ўхшаб, санъат ҳақида баҳс юрита олмаса, лоақал ўзига қараш, пардоз қилиш, упа-эликни ҳам удалаб ишлатиш қўлидан келмаса, кийим-кечаги ҳам уларникидек эмас, фақат ҳусни бор, мана энди сочини қирқтирди... Бир кунмас-бир кун Жасурнинг кўнглига тегади, бошқа таманнолар билан солиштира бошлайди, Барнони "ўчириб ташлайди". Бу ўзининг ибораси.

* * *

Дўрмонга қайтгач, Ёдгор бўлган воқеани онасига айтмади. Тўғрироғи, лойқа бир оз тинмагунча, айтмасликка қарор қилди. Аввало, бўлган воқеа ҳақиқатда тайин, чин нарсамми, ё Ёдгорнинг шубҳасими — ҳали аниқ эмас эди. Балки, умуман ҳеч нарса бўлмагандир? Вазият шунақа йўсинда кўрингандир? Агар ростдан ҳам ҳеч нарса уларнинг орасида ўтмаган бўлса, Ёдгор билмай-нетмай шовқин кўтарса, ҳам ўз шаънига, ҳам укаси билан ёш хотини номусига ифво қилган ва энг муҳими, учаловининг тақдирига путур етказган бўлиб чиқади. Онаси ҳам, Қудрат акаси ҳам иснодга қолишади. Қолаверса, ёш хотини ва айниқса, ўз укаси шунақа разил ишга қодир эканига ҳеч ким ишонмайди. Ишонса, шарманда бўлишади.

Жасур ўз укаси бўлмаганида ҳам бир нав эди. Ҳамма айбни аллақандай ёт-бегона бир муттаҳам кирдикоридан кўриб, орани очик қилар, Барно даф бўлар эди. Иллатни укасига қўйиш — бутун

зотиға маломат юклаш, Жасур билан бир умр юзкўрмас бўлиш, уни оиладан бадарға қилишни англатар эди. Онаси шунга рози бўладими? Боласи-ку, рози бўлмайди, албатта. Воқеа тасдиқланса, Жасур билан Ёдгорга бир оилада бўлиш мутлақо мумкин эмас. Ака-ука бири-бирининг юзига қандай қарайди? Бу — истисно. Ё Жасур оила алоқаларидан воз кечиши, ё Ёдгор бошини олиб чиқиб кетиши, янги турмуш қуриши керак бўлади. Ёдгор-ку оиладан кечмайди — нега, қанақа айби учун қувғин бўлиши керак? Унда, демак, Жасур четга чиқиши зарур. Барнонинг баҳридан кечган тақдирида ҳам укаси билан оилада яшаш ҳеч қанақа қоидага тўғри келмайди.

Рўй берган воқеа тасдиқланиши учун бир-икки кун ўтиши керак. Иллат Жасурда бўлса, ўзи келиб узр сўрайди, келмаса ҳам, Ёдгорни шаҳардан топиб, ўзига айтади. Кечириш-кечирмаслик — Ёдгорнинг ихтиёрида. Фақат Жасур тавба қилса бас, ҳамма нарса ими-жимиди бўлади. Ёдгор аламини ютиб, кўникиб кетади. Кўника олармикин? Ҳозир-ку Ёдгор маломатдан чўчиб, кўникишга майли бор, бироқ кейинчалик нима бўлади? Хотини укаси билан илиқишганини била туриб, қандай кўникиб кетади? Ҳар гал Ёдгор хотинига яқинлашганида, Барнони Жасурнинг кучоғида кўраверади. Ёдгор қандай ўзини билмаганга олади? Чидайди? Ҳаёти дўзахга айланади-қолади. Балки бир йил, ярим йил тоқат қилар, кейин ажрашиб кетар?..

Ёдгор Дўрмондаги уйига кириб борганида, қоронғи туша бошлаган, ҳовли эгаси кўчиб кетгандек бефайз эди. Бироқ тўкилиб бўлган дарахтларнинг яйдоқ шохлари қинғир, кўлмакчалар юзини муз тортган, ҳовли чироғи ёқилмаган, фақат Зарифа холанинг хонасидан нур тушиб турар, шамолдан нималардир шитирлар, совуқ эди.

Ёдгор онасининг эшигини қия очиб, салом берди-да, ичкарига кирмай, ўз хонасига йўл олди, ечинмай туриб, катта пиёлада арақ ичди, ҳеч нарса тамшамади, фақат сигарет чеқди.

Зарифа хола ҳовлига тушди. Одатда, Ёдгор ишдан қайтатуриб, Барнони ҳам ола келар, улар икковлашиб Зарифа хола билан саломлашишар, олиб келган нарсаларини холодильникка жойлашар, сўнг бошқа юмушга уннарар эди. Бугун Барнонинг шарпаси кўринмади, ўғли ҳам қуруққина саломлашиб, уйига кириб кетди. Мана, ярим соатдан ошди, хонасида чироқ ёқилмади, ўзи ҳам кўринай демайди. Нима бўлди экан? Зарифа хола безовта бўла бошлади. Нега келини бирга келмади? Нега Ёдгор уйидан чиқмайди? Чировини ёқмайди? Шалдир-шуддир ўғли, одатда, бунақа қилмас, кириб келиши билан ҳовли тўлар, ҳаммаёқ ёришиб кетар эди.

Зарифа хола ўғлининг эшигини тортиб, ичкарига разм солди — Ёдгор ечинмай каравотда ухлаб ётар, келини йўқ эди.

Боя саломлашгани мўралаганида сезилмовди — кайфи бор экан-да, шунинг учун тез ғойиб бўлди, Барнони олиб келмаганини

ҳам айтмади, аразлашиб қолишган кўринади. Мана, ёлғиз ётипти, кийимини ҳам ечмапти. Уч ойлик келин билан айтишиб қолипти, акс ҳолда Барно бирга келган бўлар эди. Қандай чатоқлик ўтдйкин? Энди тумтайиб юришади. Албатта, бир-бирларига ўрганишгунгача бундай можаро бўлиб туриши табиий. Лекин нимадан ўян топишдйкин? Балки келини соч қирқтирганидан ўғлининг ваши келдими, Ёдгор шундан иллат тоқдими? Ё бошқа важ бормикин? Қанақа важ бўлиши мумкин? Балки Жасур келинаясига тўғноғич совға қилгани ёқмадими? Ҳар қалай, бир сабаби чиққан, Ёдгор зикна йигит эмас, унақа-мунақа нарсага эътибор бермайди. Балки келини минғир-минғир қилдими, Дўрмонда турмаймиз, дедими? Ҳозирги замон келинлари қайнона-қайнота билан туришни, уларнинг хизматини қилишни хоҳлашмайди, ўз уйим, ўз рўзгорим бўлсин, истаганимда тураман, истамаганимда ётаман, эримдан бўлак ҳеч ким менга хўжайин бўлмасин, дейишади. Тўғри, албатта, мен ҳам шунақани истаганман келинлигимда. Бироқ Ёдгор онасини ёлғиз ташлаб қўйишга кўнгли ёр бермайди-да. Агар Зарифа холанинг қизи бўлганида, бирорта боласини ўзи боқиб берар эди, невараси танҳоликни билинтирмас эди. Бироқ Зарифа хола қиз кўрмади, учала фарзанди ўғил бўлиб туғилди. Қиз онасига ўз боласини ишониб топширади, ишлайдиган бўлса, қайтага хурсанд бўлади, келин қизғанади, қайнонаси болага нотўғри тарбия бераяпти, деб гайирлик қилади. Зарифа холанинг уч фарзандидан фақат Қудратда бола бор, у ҳам битта, ер-кўкка ишонишмайди. Мевани қайноқ сувда чайиб беришади, эрталаб пиширилган овқатни кечқурун едиришмайди, бола чучурса, ваҳимага тушиб қолишади. Иккинчи ўғли энди оилалик бўлди, қачон фарзанд пайдо бўлади, маълум эмас. Тувилса ҳам, бола оқ-қорани танигунича 6—7 йил ўтиши керак. Зарифа холанинг эса ёши бир жойга бориб қолди, Ёдгорнинг фарзандини кўрадими-йўқми, худо билади. Жасур эса энди йигирма бирга кирди, қачон уйланади, қачон болалик бўлади — у ҳам номаълум. Жасур инжиқ, тантиқ, ҳаммадан ўян топади, биронта қизни ёқтирадими, ёқтирса яшаб кета оладими — бу ҳам жумбоқ.

Зарифа хола хаёллари етагида хонасига қайтди: телевизор ўчирилмаган, диктор бу йил пахта плани бажарилмаганини табиат инжиқликларига йўяр, синалган баҳоналарни пеш қилар эди. Зарифа хола хамир қоришга киришди, эрталабгача етилади, сахар туриб тандирга олов қалайди, ўнтгача зувалани муштлагунича тандир қизийди, ҳаш-паш дегунча кулчалар қизаради: Ёдгор овқатланмай ухлаб қолди, эрталаб иссиқ кулчани бурдалаб қаймоққа булайди, лунжини тўлдириб еб олади. Пешингача қорни очмайди. Нега ёлғиз келди, нега хотини шаҳарда қолди? Нега? Нима учун? Қандай можаро бўлди? Тоби йўқмикин? Тоби йўқ бўлганида, Ёдгор боя айтган бўларди. Индамади. Гап чува-лашишини ҳам истамади чоғи. Ахир булар, агар зарурат

туғилмаса, бир-бирларидан узоқлашмасликлари керак. Ёдгор, ҳатто пахтага кетган талабаларга ул-бул нарса етказиш учун қанақа олис жойларга бормасин, ярим кеча бўлса ҳам етиб келар, хотини ёнида ётар эди. Онаси бетоб бўлгани сабабли Барно икки-уч кун Сижжакка кетишга мажбур бўлди. Ўшанда Ёдгор ўзига жой топа олмади, тўлғонганини билинтирмасликка уринса-да, бари-бир сезилди. Сезилмай қоладими? Бетоб қайнонасини кўриш баҳонаси билан бориб, хотинини ўзи олиб келди... Бугун ёлғиз ётиши бежиз эмас. Нимадир бўлган. Нима? Қанақа мушук ораларидан ўтди? Қачон тонг отаркин? Зарифа хола ҳарқанча босиқ-вазмин бўлмасин, бу ноаниқ таҳлика ором бермас, ҳар чандон ўзини чалғитишга, парво қилмасликка уринса-да, фулғула онанинг дилидан аримас, сиқар эди.

Зарифа хола алламаҳалгача ивирсиб, ниҳоят ётди, анчагача кўзи илинмади, уйронганида, алақачон тонг отган, Ёдгор кетиб бўлган эди. Зарифа хола ухлаб қолипти, ўғлининг тақир-туқирини ҳам эшитмапти. Энди Ёдгор кеч қайтади, кун бўйи Зарифа хола хавотирда юради. Ўғли хотинини олиб келармикин?

* * *

Жасур елкасига пахмоқ жемперини ташлаб, айвондаги каравотда чекиб ўтирар, сочлари ҳурпайган, қовоғи солиқ эди, бўсағада Барнони кўриб хўрсинди. Афтидан, бўлиб ўтган воқеа шунча кун ўтгач, ниҳоят, уни ҳам ўйлантриб қўйган эди.

— Канал бўйидаги ҳовлига борамиз, — дея Жасур сигаретасини кулдонга эзгилаб, тиззасидаги кўрпани суриб ташлади.

— Хоналар музлаб ётгандир, — деди Барно Жасурнинг тараддудини нимага йўйишни билмай.

— Печка ёқамиз, — деди Жасур шимини кия туриб. — Бир-пасда исийди. Ўтин кўп. — Жасурнинг овозида сергаклик аломати сезилар эди. Ўзини ҳар қанча бепарво тутмасин, дилининг тагида алақандай таҳлика бордек кўринар эди. — Ёдгор кийимингни олиб келса, жиқиллашишга тўғри келади.

— Орани очиқ қиламиз, дедингиз-ку. Айни пайти, — деди Барно Жасурни синаш мақсадида.

— Ўзи кўрди-ку, яна қанақа тасдиқ керак? Тўқнашмаган маъқул.

— Қўрқяпсиз, а?

— Сени аяяпман, — деди Жасур Барнога қарамай.

Барно ҳам Ёдгорнинг қайтиб келишидан чўчир, шунинг учун Жасурнинг гапи унга далда бўлиб кўринди.

Шундай бўлса-да, иснод юкини кўтариб юришга Барнонинг сабр-тоқати, бардоши чидамас, Барно содир бўлган вазиятда учалови орасидаги муносабат тезроқ аниқ тус олишини истар, аниқланса, изтиробни тугар, кўнгли тасалли топар, деб ўйлар эди. Бироқ Жасур ҳали ёш, ўзи билан тенг, ҳаёт тажрибаси кам, ўжар

кўрингани билан омонат, беқарор йигит. Унга таяниб бўлармикин? Байбайлаб қолмасмикин? Афсус чекмасмикин? Койинмасмикин?

Уйдан чиқиб кетиш олдида Барно кўксидаги ўргимчаксимон тўғноғични ечиб, пальто чўнтагига солиб қўйди.

Буни Жасур пайқади. Тақиб юришдан истиҳола қиляптими? Нега? Тўғноғични шу топта, пальто остидан ким кўради? Кўрса ҳам Жасур берганини билмайди-ку. Ё Жасурнинг нарчасини тақишдан оғринаяптими? Ойиси, акаси кўришипти, хурсанд бўлишипти, энди яширишдан нима фойда? Шу нарса Жасурга эриш туюлди.

— Қачонгача қочиб, яшириниб юрамиз? — деди Барно канал бўйидаги ҳовлига етиб боришгач. Бугун Барнонинг Дўрмонга чиқмаслиги аён эди. Қандай чиқади ҳам — эри “қадам босма”, деб кетди-ку. Бора олмайди. Тамом. Нега? Жасур ҳам бормайдими? Агар Барнодан тоймаса, ўз гапида туриб, расмий равишда муносабатларини расаматлаштира — иложи қанча, янги эрига эргашиб, Барно ҳам бораверади. Аввалига ғайир туюлади, бировнинг калишини кийиб, олгандек бўлади, кейин кўникиб кетишади. Агар Ёдгор бошқа қизга уйланиб олса, ора очилади, хусумат арийди, ҳатто шундай бўлиши қайтага зийнатлироқ кўриниб кетади. Балки овсини билан иноқлашиб ҳам олади. Даргумон. Ака-ука ўртасида талаш бўлган жувонга янги келин ҳеч қачон тишининг оқини кўрсатмайди. Барно ҳам эрига хотин бўлиб тушган қизга рўйхуш бермайди, барибир қиззанади. Танглик ораларидан ҳеч қачон кўтарилмайди.

— Ёдгорнинг ўзи гап кўзғасин, ҳаммасини айтаман, — деди Жасур ўйлаб-чамалаб қўйган режасини.

— Гап кўзғамаса-чи? — Барно тезроқ билишни, Жасур бир қарорга келишини кутар, қий-чув чиқмаса-да, ораларида аниқлик ўрнатилишини истар эди.

Жасур жавоб бермай холодильник эшигини очди.

— Ичманг, — деди Барно қатъий овозда. Гапи Жасурга ёқмади. — Ёдгор келиб қолса, хушёр туринг.

Холодильник ичидаги чироқ нури нарсаларни кўз-кўз қилгандек бўлди. Жасур чала ичилган ароқ шишасини олди, шиша бир зумда хиралашди. Ичиб ўзини чалғитмаса, ҳадигини босмаса, жой топа олмайдигандек эди — икки қадаҳга ароқ қуйиб, бирини ютди, нимадир тамшаниб, сигарет тутатди, бориб креслога ўтирди.

Печкага ёқилган олов шуъласи кичкина тирқишдан ёлқинланар, хонага иссиқ таралар эди.

Бир қадаҳ ароқ Жасурнинг кўксига ором бергандек, танаси бўйлаб илиқ тўлқин тарқалди. Бояги ғашлик, таҳлика секин-аста чекина бошлади.

Бироқ бояги хуноблик батамом аримади, чалғиш йўли билан бир лаҳза сусайган андиша, тиш оғриғидек, йигитнинг дилини

ўртар, ароқ ҳам, зўраки тетиклик ҳам унча тасалли бермас, Жасур ҳам ора тезроқ очиқ бўла қолишини истар, "аламини" ароқдан олиш ўзи-ўзини алдашдан бошқа нарса эмаслигини, қайтага зиддиятни багтар чалкаштиришдек туюларди. "Нега чалкаштириш бўлар экан?" ўйлади Жасур айна шу "айбини" қалқон қилиш усули унга далилдек кўриниб. "Томоғимдан олишса, — ўйида давом этди Жасур, ярқ эта келган илинжидан руҳланиб, — кайфим баланд эди, маст эдим, нима қилганимни билмайман", дейди — кутулади! Жасур миясига келган нажот шуъласидан энгикиб кетди, шишани чангаллаб, "раҳмат сенга!" дея ўпди ва қадаҳга яна ароқ қуйиб, оғзига тўқди.

— Топдим! — дея Жасур бармоғини бигиз қилиб, қўлини кўтарди. Унинг қиёфасида қўққисдан пайдо бўлган телба шодликни Барно навбатдаги кайф алжирашига йўйиб, гумон билан Жасурга қаради. — Гениал ғоя! Шундоққина оёқ остида ётган экан, биз ваҳимага тушиб ўтирипмиз!

Лаби қуримай туриб, Жасур яна ароқ қуйиб ичиб юборди.

— Мана уларга важ! — голибона кўтаринкилик билан деди Жасур мўлтайиб ўтирган маъшуқасига. — Мана далил!

— Қанақа далил! — сўради Барно бирдан тетикланиб кетган Жасурдан кўзини узмай. Барно ўзи тушиб қолган қалтис вазиятга ҳамон баҳона ахтарар, ҳеч қандай важ йўсин бермас, барча исботлари заиф, субутсиз кўринар, шунинг учун Жасурнинг, ясама туюлса-да, хитобли тасдиғи Барнога далда берди. Барно Жасурнинг фаросатига у қадав ишонмаса-да, унинг гапидан илинжига ўхшаш нажот топгиси келди. — Аниқроқ айтинг, қанақа важ?

Жасур йўқни бор ёки борни йўқ қилиб кўрсатиш мақсадида "ихтиро" этган тадбир усулини Барнога айтди:

— Мастлик мен учун рўкач, — деди Жасур ва Барнонинг суст, майлсиз қиёфасидан ҳадиксираб, далилини ҳаяжон билан шарҳлай кетди: — Сен учун далил!.. Одам мастликда нима номаъқулчиликларни қилмайди! Айбни менга ағдаравер.

Орага ғалати сукунат чўқди. Барнонинг авзойида хайрихоҳлик аломати кўринмади.

— Тонмоқчимисиз? Дарров-а? Қани шижоатингиз? Аҳду паймонларингиз?

— Ахир акаларим, ойим бор, улар бўғзимиздан олишса, нимадир дейиш керак-ку, — деди Жасур қизишиб. — Ҳушёр одам бунақа иш қилса, гуноҳга киради. Менинг мастлигим сендан айбни олади, мундоқ қараганда сен жабрланувчи бўлиб чиқасан, ҳатто қадринг ошади. Яна нима керак?

— Нима, сизча мен жабрланувчи эмасманми? Пушаймон чекар экансиз, нега ёпишдингиз?

— Бу, Барно, бошқа гап, — деди Жасур, кафтини кўтариб. — Бу шунчаки сувдан қуруқ чиқиш учун ўйлаб топилган бир важ. Баҳона. Аслида икковимизнинг бири-биримизга кўнглимиз бор

экан, шундоқ эмасми? Ачом-ачомлашганимизда эшилиб кетдинг-ку. Ҳатто қийқириб юборган пайтларинг ҳам бўлди. Ростми? Демак, сен ҳам мени хоҳлабсан-да!

— Бунақа нарсага акангиз ҳам чакки эмас, — дея Барно теран луқма ташлади. — Мен сизнинг ҳирсингизга муҳтож эмас эдим. Дод десам, қўшниллар чиқарди, номим булғанар эди. Сиз мени қишлоқи қиз, индашдан орият қилади, камайиб қолармиди, акамга ҳам етади, менга ҳам, деб ўйлагансиз. Севаман, сенсиз яшай олмайман, деб эс-ҳушимни ағдар-тўнтар қилиб юбордингиз. Бундай пайтда кўз тинади, ақл кетади, шайтон оздиради. Шуни сиз билгансиз, биринчи синовда қайрилса эгилаверади, деб ўйлагансиз. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Оқибатда қонуний эрим қалитни итқитиб чиқиб кетди, сиз чекинаясиз! Мен нима бўламан энди? Дардимни кимга айтаман? Ҳатто қишлоғимга бориб, нафсингизни қондириб келдингиз. Бетоб онамдан ҳам орият қилмадингиз. Сиз такасиз, ўз лаззатингиздан бўлак нарса билан ишингиз йўқ. Номим булғанишидан ор қилмай шикоят қилганимда жабрланганим учун бошимни силашар эди, тажовуз қилганингиз учун сиз жавобгарликка тортилар эдингиз...

— Тажовуз? — тутоқиб деди Жасур. — Қанақа тажовуз? Мен сенга тажовуз қилдимми?

— Ёпишиб тортқилаганингиз, кўйлагимни йиртганингиз, нарвондан судраб ағанатганингиз — нима бу — тажовузмасми? Ё кўрпангизга мен суқулиб кирдимми? Хўш?

— Ёш жувон бўлганингдан кейин унча-мунча қаршилиқ кўрсатдинг, деб ўйладим-да. Ҳамма ҳам олдинига шунақа қилади. Ноз-да. Агар ўзинг ёнимга кирсанг, бунинг нима гашти бўларди? Қизиги шунда-да, таслим қилишда, ўз кучингга бўйсундиришда. Табиатда ҳам булбулларнинг хўрози сайрайди.

Барнонинг кўзларига ёш келди. Жасур сал сурилиб, маъшуқасини қучди, бу унинг узрими ёки барибир “Жилов менинг қўлимда, йўриғимдан чиқа олмайсан”, деганими, Барно англай олмади. Жасур журнал курсисидаги ароқ қуйилган қадаҳни олиб, Барнонинг лабига босди.

— Бир ҳўплам ич, — деди Жасур унинг товушида хушода оҳанги сезилди. Барно синовчан нигоҳ билан йигитга тикилди. — Ол, бир қултум. Дилинг ёзилади. Илтимос.

Барно иккиланиб қолди. Жасур унинг йиғидан сал шилинқираган лабларини, ёш суркалган юзини ўпа бошлади, бундан кўниккач, яна қадаҳ тўлдирди, сигарет тутатди, хўрсинди. Ҳали-бери на акасиникига, на Дўрмондаги ўз уйига боришга унинг кўзи етмас, чунки Барно билан бўлган ҳодисадан кейин улар Жасурни қулоч ёзиб кутиб олишлари у ёқда турсин — остоналарига ҳам қадам бостиртирмасликлари аён эди. Жасурнинг тахминича, акаси Ёдгор, ўз кўзи билан кўрмаган бўлсада, ҳамма воқеани, оқизмай-томизмай, Қудрат акасига ҳам, онасига ҳам етказган, ҳатто бирга ўрни кўшиб дўндирган бўлса ажаб эмас. Энди Жасур учун Дўрмоннинг йўли ҳам, Қудрат акасининг уйи

ҳам берк. Агар сўрашса, Жасур, албатта, бирон ваз, масалан, маст бўлганини, нима қилиб қўйганини ўзи ҳам билмаслигини, ҳамма нарса — майли, жирканч хатти-ҳаракат бўлса-да — кайф оқибатида рўй берди, бадалига ҳамма саросимада, деб афсусини билдирар эди, жила қурса, юзи шувут эканидан ўзи пушаймонлигини айтиб, вазиятни бир оз юмшатармиди, бу ҳам кор қилмаса, “Майли, талоқ берсин Ёдгор, Барнони ўз никоҳимга оламан”, дермиди. Ҳозирча ҳаммаёқ берк, муаллақ, ҳадикда. Қачонгача беркиниб-писиб юради Жасур? Мана, ўзи сотиб олган уйда ҳам, маъшуқаси ёнида ўтиришга ҳам тоқат қила олмапти. Аламини фақат ичкилик билан босиши мумкин. Қанча, қачонгача ичади? Бунақада алкоголик бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Расм чизай, деса, қўли ишга бормаяпти. Нимани ҳам чизади? Ҳадеб манзарани чизавериш ҳам аҳволни тузатмайди. Манзарани ҳам маълум эътиқод турткиси билан чизиш керак, бўлмаса шунчаки фотонусхадан фарқи қолмайди.

— Барно, тур, иссиқроқ кийин, сув бўйига чиқамиз, — дея Жасур Барнонинг жавобини ҳам кутмай ўзи кийина бошлади.

— Совуқ-ку, нима қиламиз сув бўйида? — деди Барно ва беихтиёр кийина бошлади.

— Тоғ қизисан, сенга совуқ нима экан! — деди Жасур Барнони рағбатлантириш ниятида ва қадаҳ тўлдириб ҳўплади.

— Шишанинг тагига етмасангиз бўлмайми? — ҳасратомуз писанда қилди Барно Жасурга тик қараб.

— Битга шиша ҳам гап эканми? — ширакайф тусини ўзгартиришга уриниб деди Жасур. — Ярим кундан буён битга шишани тугата олмапман. Шерик бўлсанг, бўшайди.

— Мен, бўшагинг, демоқчи эмасман, — туюқиб деди Барно. — Эртага ҳам кун бор. Топганингиз шу куйдиргига сарф бўлаяпти. Яна ҳовли-жойни бошқаттан қурдираман, дейсиз! Ҳовли ўлда-жўлда бўлади, мени айтди, дерсиз!

— Бир йилда битмаса, икки йилда битади, — деди Жасур талтайгандек. — Шуям ота гўри — қозихонами? Дарвоқе... чиқ ташқарига, миямга бир фикр келди, канал бўйида айтаман, — дея Жасур Барнони эшик томон ҳийла итарди. Барно пальто тугмаларини тақиб, ҳовлига тушди, ортидан Жасур чиқиб, эшикни ёпиб қўйди. Улар ҳовли саҳнида тўхтаб, атрофга назар ташлашди — гўё ҳордиқ чиқариш учун чиққанларидан кейин албатта атрофни томоша қилишлари шартдек. Ҳаво у қадар совуқ бўлмаса-да, қорамтир яйдоқ дарахт поя-шоҳлари қақшаб кўринар, остидаги маъсум майсалар гиламида уйқута кетган дарахт таналари ётдек кўринар, қуёш мўралаганда бу тафовут, айниқса, кўзга ташланар, ғуборсиз кўк осмондаги оқ булутлар от-аравага ортилган пахта ғарамини эслатар, қуёшни тўсганлари учун орият қилгандек, тезроқ тарқалиш ниятида вазмин тўнтарилишар, бир-бирларидан узила олишмас, энди бири қуёш юзини очгач, иккинчиси ёпирилиб келар эди.

Жасурнинг тўсатдан сув бўйига қисташи Барнога негадир шубҳали туюлди, "мясига қанақа "фикр" келганикин? Юраги хаприқиб ўйлади Барно, — каналга итариб юбориш бўлсачи? Бироқ шу ондаёқ Барно гумонидан қайтди, шундай хаёлга борганидан ичида мулзам ҳам бўлди, лекин бир оралаб ўтган шум тахмин мясида из қолдириб кетди, Барно ҳарчанд бу эҳтимолни ҳайдамасин, у яна келиб идрокини тирнар, ўйини олиб қочар, огоҳ бўлишга ундар эди. "Нега Жасур мендан қутулмоқчи, мени чўктиришдан унга нима фойда? Хиёнат барибир очилади, ўзи жиноятчига чиқади. Муддаоси нима?"

— Юр, канал бўйига чиқамиз, — деди Жасур яна Барнонинг тирсагидан олиб, Барно чўчиб тушди. — Йе! Нега ҳуркийсан? — таажжуб бўлиб сўради Жасур. — Асабинг чатоқ кўринади, қарат. Рангинг ҳам ўчибди.

Барнонинг бир кўнгли — каналга чиқмайман, деб қайсарлик қилиш хаёли мясига келди, бироқ шу ондаёқ бу шаштидан қайтди: нияти ёмон бўлса, разиллигини уйда ҳам қилаверади, қайтага жиноят яширин кечади, ҳеч ким кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам. Каналга чиқишса, у ерда биронта одам кўриши мумкин. Кўрмаса Барно бақиради, атрофдаги қўшниларининг бири додини эшитади, югуриб чиқади. Канал маъқул.

Барно пальтосининг пахмоқ ёқасини кўтариб одим ташлади, Жасур — ширакайфданми, асабданми, Барно англамади — алақандай оҳангни хиргойи қилиб, Барнонинг ортидан юрди. Агар нияти ёвуз бўлса, бундай пайтда ғараз режалаган одамнинг кўзлари бежо бўлади, назарини олиб қочади, деган тахмин билан Барно ёнида хиргойи айтиб келаётган Жасур томон бурилиб, кўзларига тикилди. Йигитнинг нигоҳида унақа аломат сезилмас, фақат хиргойиси дилида кечаётган алақандай безовталиқдан дарак берар, ичиши, ўзини ўта бепарво тусга солиши ички турғини босишга, тасалли топишга бўлган ожиз бир интилиши эди, холос.

— Хўш? — дея Барно асабий табассум билан Жасурга юзланди. — Мана, сув бўйига чиқдик, қанақа "фикр" миянгизга келди? Энди айтарсиз? — деди Барно аранг сезиларли истеҳзо оҳангида.

— Барно... — дея Жасур хаёлини тўплаш учун икки бармоғи орасидаги сигаретни сувга отиб, чуқур хўрсинди. — Энди Ёдгор акамнинг уйида яшама.

"Шумиди айтадиган гапинг! Юрагимни ёрай дединг-ку, йигитвачча! Яна бир лаҳза индамасанг дод, деб қочардим! Унда нима деган одам бўлар эдик?! Яхшиям, ваҳимага берилиб, дод солмадим, хўп изза бўлар эдим". Барнонинг эти бўшашиб кетди, иложи бўлса, у ҳозир йигитни кучиб, бир зум нафасини ростлар эди, аммо ўзини тутиши фавқулодда нарса рўй бермагандек бир оз лоқайд қиёфани сақлаши шарт эди.

— Қатта яшай? Ётоқхонадами?

— Истеҳзо қилма, — деди Жасур бегараз оҳангда. — Мана уй, шетта яшаймиз. Уй ўзимники, хотин ҳам ўзимники бўлиши керак.

Жасурнинг гапи, эндигина дилидан ўтган хавфсирашни олганда, Барнога маъқул тушиши керак, бироқ Барно негадир у қадар шодланмади, қайтага эри ва ўзи орасидаги хунук муносабатни, яъни энди чатилган оиласи барбод бўлиши муқаррар экани Барнонинг онгига муҳрдек, қоққан миҳдек урилди. Демак, Барно ҳақиқатда тойганини, аниқроғи — Жасурнинг нафақат Барнога, кўпроқ акаси Ёдгорга нисбатан қилган беандиша ҳаракатининг қурбони бўлиб турипти.

Энди Барно қанча доду бедод қилмасин, ҳатто Жасурнинг нопок, жирканч тажовузини рўкач сифатида келтирмасин, ўзини оқлай олмайди, барибир номи булғанади, айбдор ўзи бўлиб чиқади, энди Барно шу тамға билан яшашга мажбур. Ҳеч қанақа тиришиш, далил эътиборга олинмайди: қайнанасидан тортиб ўз ота-онасигача — ҳамма Барнони бузуққа чиқаришади. То, ҳатто бу оилани тарк этиб, бошқа турмуш қуриш имкони яралса ҳам, айбли тамға доғи Барнодан аримайди, тахминий, бўлак эр ҳам бир кунмас бир кун шу воқеани писанда қилади, ҳар ҳаракатини, гапини, кўз қарашини, ҳатто нозини ҳам шу хулқига йўяди.

"Аттанг, ўкинч билан ўйлади Барно, нега бояги гумони, тахмини адаш чиқди? Сувга итарадим, уйда бўғизлайдим, Жасур бирон қабиҳлик қилса, балки тузук бўлармиди?"

Шундан кейин Барно ўқтин-ўқтин шум хаёлларга бериладиган, берилганда ҳам ўзини изтиробга чўктиришдан маълум ҳузур, ҳатто завқ оладиган бўлиб қолди. Бундай хаёлиёт жувонни ўз гирдобига аврар, кўп ҳолларда машғум қиёфаси жозибали тус олар, аччиқ, дилрабо лаззат бағишлар, аримас, ихтиёрини кишанлар эди. Лекин икки ҳафтадан кейин аён бўлган бир ҳолат Барнони ҳам сергаклантирди, ҳам чўчитди.

Қайси бир кеча ёнма-ён ётганларида Барно синовчан назар билан Жасурга тикилди — йигит сезармикан, деб ўйлади.

— Ҳм, нега мўлтирайсан? — сўради ҳеч нарсадан хабари йўқ Жасур.

Барно жавоб ўрнига Жасурнинг қўлидан ушлаб, кафтини қорнига қўйди. Жасур яна тушунмади: — Иситманг борми?

— Йўқ, — деди Барно жилмайиб. — Сезмадингизми?

— Нимани? — деди Жасур дилини фулғула босиб.

Барно тухфа инъом этгувчи табассум билан Жасурнинг қулоғига бир жуфт сўз шивирлади ва саросимали шодлик билан унинг изҳорини кутди.

— Шунақами? — деди Жасур тўсатдан эшитган хабарга қандай муносабат билдиришни билмай. — Она бўлар экансан-да, табриклайман, — дея Жасур эшитгани ростлигини синаб кўриш учунми, беихтиёрми — яна кафтини Барнонинг қорнига қўйди, иқрор бўлиш учундир, бир зум жимиб қолди, ҳеч нарса

пайқамаса-да, жувоннинг қорнини силаб қўйди. Буни мамнун аломатига йўйди Барно ва уятчан жилмайди. — Энди ўзингни эҳтиёт қил, она бўласан.

— Сиз... — дея Барно тутилиб қолди. — Сиз ҳам. Ато қилса.

— Менга нима, мен ҳомиладор эмасман-ку, — деди Жасур беписанд.

— Сиз ҳам, деганим... — деди Барно эркалик қилгиси келиб, — ота бўласиз, деганим. Йигирма бир ёшли дада. — Барно ҳаяжондан энтиқди, ютинди, нимадир бўғзига қадалгандек бўлди, кўзи ёшдан йилтирай бошлади. — Сизни ҳам қутлайман, — деди Барно аранг тугёнини босиб.

Бу сохта эркаланиши ҳам, Барнонинг энтикиши, кўзёши ҳам Жасурга эриш туюлди.

— Йиғи нимаси? — деди Жасур. — Қўрқяпсанми?

— Йўқ, бу йиғи эмас, туйғу, — дея Барно чалқанча ётиб, шифтга тикилди ва бир неча дақиқа индамай ётгач, деди: — Сиз унча...

— Нима "унча"?

— Айтганимдан дилингиз унча ёришмади, чоғи.

— Нега? Ёришди. Тўсатдан бўлганидан сал эсанкираб қолдим. — Жасур наздида қанақадир номуносиб сўзлар айтаётгандек тўлғанди. — Умуман шу ёшда ота бўлишим... галати эмасми? Мен ҳам, сен ҳам ҳали ўқишни тугатганимиз йўқ... Фарзанд, она, ота... кулгили.

— Олдириб ташла, демоқчимисиз? — эловлангандек сўради Барно.

— Йўғ-э!

— Нега бўлмаса мижғовлик қиласиз?

— Мижғовликмиш! Балки...

— Хўш, нима? Нега тутиляпсиз? — деди Барно чўчинқираб. — Нима "балки"?

— Балки бола меникимасдир? — ҳадиксираб деди Жасур. — Ҳозир, — дея ўрнидан туриб, ичиб келди ва тик турган ҳолда сочларини панжаси билан тарай бошлади. Барнонинг томоғидаги қон томири дук-дук ура кетди: Жасур ҳозир биронта дағал, қалтис нарса дейди, деб ўйлади. Аслида Жасурдан қанақа гап чиқишини Барно авваддан тахмин қилган эди, тахмини хато чиқмади, Жасур сигарет туташгириб, икки марта чуқур-чуқур тутун тортди. Унинг кўзларида нохуш нур изғир эди. — Қаттан биласан?

— Сездим, — деди Барно бир сўз билан.

— Қандай сиздинг? Бола Ёдгорники бўлса-чи? — деди Жасур, Ёдгорни ака дейишга тили бормай.

— Аёл сезади. Зоти шунақа.

— Ёдгор билан тўрт ой яшадинг, биз бир ой ҳам яшамадик, — қатъий деди Жасур. — Чўпчагингни аммангга айт!

Барно ҳеч нарса дея олмади — бола кимдан бўлганини ўзи ҳам тайин билмас, Ёдгорникилиги тайинроқ эди.

— Нима бўпти? Бола акангизникидир. Қони битта-ку, — дея Барно ҳам хужумга ўта бошлади. — Хотини ҳалол, боласи ҳаромми? Онасини тортиб олган йигит боласига ҳам чидайди!

Жасур ноҳўя сўз айтиб, вазиятни баттар кескинлаштиришдан ўзини тийди. Нима ҳам дерди? Қилар ишни қилди: кеннойисини йўлдан урди, акаси калитни итқитиб уйдан чиқиб кетди, бир ойдан бери қорасини кўрсатмайди, фақат расмий ажралиши қолди; деярли ҳар куни Барно билан жиқиллашади. Биттаси ён бермайди; ҳатто уйга келишга Жасурнинг оёғи тортмайдиган пайтлари ҳам бўлаяпти; юзи "қора", онасиникига ҳам бора олмайди, борса балога қолади; мана энди Барно Ёдгордан бўлган, ҳали туғилмаган боласини ёпиштираяпти, ёпиштирибгина эмас, ҳатто даъво қилаяпти, "чидайсиз" эмиш...

— Энди менга яқинлашманг, — ҳиссиз ва қатъий деди Барно Жасурга қарамай.

— Нега? Ҳомиладор бўлганинг учунми? — вазиятни юмшатиш учун деди Жасур мулойим оҳангда: — Мумкин эмасми?

— Сизга мумкин эмас! — дея Барно гапни чўрт кесиб ўрнидан сапчиб турди, апил-тапил кийина бошлади.

Жасур тик турар, лом-мим дейишга ожиз эди.

Унинг ортида эшик қарс этиб ёпилди.

"Тамом, — ўйлади Жасур, — ярим тунга қарамай чиқиб кетди, бу "қадам босмайман", дегани. Қанақа режаларим бориди! Ҳаммаси барбод бўлди. Энди келмайди. "Барно унақа одам эмас, ялинмайди. Кечирмайди ҳам".

Жасур турган жойида яна бир неча дақиқа серрайиб қолди-да, шарт бурилиб, айвонга отилди, холодильник эшигини очди, қадаҳга қуймай, шишани тўнкариб оғзига тўқди — аламини олди.

Тиқ этса Зарифа хола эшикка қарайди. Учала ўғли гўё онасини батамом унутиб юборгандек, биронтаси хабар олай, демайди. Қудрат тўйдан кейин умуман қорасини кўрсатмайди. Тўғри, ўз оиласи бор, иши кўп, ўзи билан банд, важи бор. Икки ҳафтадан ошди, ўзи туғилган, киндик қони тўкилган уйига келмайди. Одам шунақа тошбағир бўладими? Ёдгор-чи? Рост, унинг ҳам иши кўп. Институт талабалари билан аллақайси туманга пахта теримига кетди, ҳар ҳафта қатнаб, озуқа, кўрпа-ёстиқ, яна нима балолар ташиди. Пахта териш тугади-ку, нега турқини кўрсатмайди. Шаҳардан уй беришгани чатоқ бўлди, шу уй, деб на ўзи, на укаси, на хотини — қадам босмай қўйишди. "Насибам битса, ётади танам ириб-чириб, ўлигимни ҳам кўра олишмайди, ёзгиради Зарифа хола. Истаб борай, деса болалари турадиган жойни ҳам билмайди, адреслари ҳам йўқ, қаёққа боради? Бир-икки марта Қудратникига борган, у ҳам тўй муносабати билан, унда ҳам ўзи келиб машинасида олиб кетган, келтириб қўйган, Зарифа хола маҳаласи номини ҳам билмайди. Ҳай, Қудрат ўз ишлари, оиласидан ортмайди, Ёдгорнинг ташвиши кўп, келин

талаба, имтиҳон топшириб, гувоҳнома оладиган бир пайт, уларники ҳам узрли, аммо Жасур, севимли кенжаси — нега у гумдон бўлиб кетди, ахир онасини икки кун кўрмаса чидай олмас эди-ку, нега у зим-зиё бўлиб кетди экан?

Зарифа хола аввалига ўқинди, ёзғирди, тумтайди, кейин вақт ўтган сайин, гулғулага тушадиган, хавотир оладиган бўлиб қолди: тинчмикин улар ахир? Нега биронтасидан дом-дарак йўқ? Узоғи билан ярим соатлик йўл, битта автобус олиб келади, бирров учраб, соғ-саломатмиз, деб кетишса бўлмайдими? Наҳот онанинг кўнглини билишмаса?

Келишса, ухлаб қолмай, деб Зарифа хола эшикка занжир солмайди, баъзи кечалари мижжа қоқмай чиқади. Яхшиям Меҳри хола бор, оғзи тинмайди, кеч кирганини билантирмайди, Зарифа хола айтса, тунаб қолади, айтмаса ўз уйига чиқиб кетади, бир зумда ҳовли ҳувиллаб қолади, ҳар гўша ютаман, дейди. Зарифа хола, ўзини чарчатиш учун бўлса керак, алламаҳалгача телевизор билан чалғийди, телевизорнинг дастури ҳам ниҳоят тугайди, Зарифа хола кичкина лампочка шуъласида китоб ўқишга тушади, бироқ сергакликни йўқотмайди — эшик тақиллаб қолиши мумкин. Ниҳоят бир куни эшик тарақлаб очилди. Оқшом ёки кечаси эмас, саҳарда очилди, кўзи илинган Зарифа хола, бундай пайтда фарзандларини қутмагани учунми, Меҳри хола кирди, деб ўйлади ва шошмай, тўзғиган сочларини кафти билан сидириб, бошига рўмол танғиди. Одатда, Меҳри хола товуш бериб, нимадандир ёзғириб киради, бу гал товуши ҳам, бидирлаши ҳам эшитилмади, водопровод кранининг шовуллаши қулоққа чалинди. Зарифа хола таажжубланиб ҳовлига тушди — Ёдгор эгилиб вашилаётган сувни ичар, телпаги қўлида эди. Зарифа хола ўғлини таниб бўшашиб кетди — бирон кориҳол юз берган, деган хаёл дилидан ўтди, аксинча бу алпозда, саҳар чоғи кириб келмас эди.

— Ёдгор! — дея чўчиб-ҳадиксираб чақирди Зарифа хола.

— Ассалому алайкум, ойи, — деди юзини ювгач, қаддини ростлаб Ёдгор. Унинг кўзлари қизарган, қирилмаган юзи озгинлашган, нам сочи пешанасига ёпишган, афтидан кайфи бор эди, тун бўйи ухламаган кўринади.

— Омонмисан, болам? — дея девордаги миҳдан сочиқ олиб, Зарифа хола ўғли томон йўрғалади ва унга сочиқни тутар экан: — Нега дом-дараксиз бўлиб кетдиларинг? — деб кўзларига тикилди.

— Мана, келдим-ку, — деди Ёдгор, онасига қарашдан кўзини олиб қочиш учун бўлса керак, юзини артгандек сочиқ билан тўсиб.

— Хотиннинг қани, уканг нимага қадам босмай қўйди? Тинчликми? Ё бирон нарса бўлди? Нега саҳарда келдинг?

— Нима, мумкин эмасми саҳарда келиш? — жавобдан қочиб ҳужум-ҳимоя қўллади Ёдгор.

— Нега мумкин эмас? Мумкин. Ўз уйинг, доим мумкин. —

Зарифа холанинг гумони бежиз эмаслиги тасдиқланаётгандек кўринди, чунки Ёдгор саволга тўғри жавоб бериш ўрнига чалғитаяпти, ўйлади Зарифа хола. — Барнохон қани, нега ўзинг келдинг? У-чи?

— Эҳ! — дея Ёдгор қўл силкиди ва нам сочиқни онасига суқди. — Ётаман.

— Тинчликми? Айт мундоқ, — ўшқириброқ деди Зарифа хола, ўғлидан домангирланиб.

— Тинчлик, тинчлик.

— Йўқ, тинчлик бўлса, мунақа ғойиб бўлиб кетмасидиларинг! — деди Зарифа хола қатъий тусда. — Нима бўлди?

— Ҳеч нарса!

— Қайната-қайналаринг келишувди, сенлар йўқсанлар, уйига бориб кўрармиз, деб шаҳарга жўнашди, бу ерда бир кеча, бир кундуз кутишиб. Боришдимми?

— Мен қатган билай, ойи, боришган бўлса боришгандир, қўйинг. Ётаман.

— Вой, шўрим қурсин, нима бало бўлди? Нега билмайсан? Уйингга боришади-ю, сен билмайсанми? Қаёқларда тентираб юрипсан?

— Кейин айтаман, ойи, ҳозир қўйинг.

Ёдгор бурилиб ўз хонасига кириб кетди.

— Хонанг совуқ, меникида ёта қол, болам, — деди Зарифа хола дийдираб, ўғлининг ортидан. Ёдгордан садо чиқмади, фақат шкаф очилгани эшитилди. Унда ичилган-ичилмаган шишалар бор эди, йиғиштирганида Зарифа хола ўзи кўрган.

Ичса, хуни бўйи ухлайди, ўйлади Зарифа хола ва ўзича, бири-биридан кунук тахминлар тўқий бошлади? Ўғли бирон нарса деса, онасининг кўнгли кўникармиди? Ҳарқалай, нима бўлмасин, — яхшими, ёмонми? — ошкор, лўнда, аниқ бўлгани маъқул, киши ўшанга яраша чораланади, ё чап беради, ё ечимини излайди. Энди Ёдгор қачон уйидан чиқади, қай кўйда чиқади, чиққанида ҳам барини айтадимми, ёки онасини аяб мижговланадимми? Зарифа хола хўрсиниб, чорпоя четига ўтириб қолди. Яна тахмин, гумон, шубҳаларга берилди, аммо бирон қарорга кела олмади. Қанақа қарорга ҳам келар эди, ҳеч нарсадан хабари йўқ-ку. Сабр-тоқат билан кутиши, ўғлини авраши, “қўйнига қўл солиб кўриши” деганларидек, силкитиб кўриши керак, зора бирон нарса тўкилса. Балки ҳали ҳам кечмасдир, бузилган нарсани тузатиш чораси топилар.

Зарифа холанинг тинкаси қуригандек оёқ-қўли бўшаши, аранг ўрнидан қўзғалиб, эшикка ҳалқа ташлаб келди — Меҳри хола кирмай қўя қолсин, Зарифа холанинг наздида, у ҳеч нарсадан воқиф бўлмай тургани маъқул, арзимас воқеадир, нима кераги бор подадан олдин чанг кўтариб? Меҳри холанинг тилида боғичи йўқ, ичида гап турмайди, орзидаги донни пуфлагандек, билганини оқизмай-гомизмай сочиб ташлайди, гоҳо,

гоҳо эмас, доим "безаб" айтади, яъни албатта ўзидан анча-мунча нарсаларни қўшади, камни кўпайтиради, кўпни оширади, "дўндиради". Зигирдек хабар, маҳаллани айланиб чиққунича, қовоқдек, қовоқдек нарса тандирдек шишади, масалан, биров тумов бўлса ўлдига чиқарилади, тумов бўлган одам тириклигини ўзи исбот қилиши керак. Кўп "янгиликларни" Зарифа хола Меҳри холадан эшитади, эшитганининг кўпини Меҳри холанинг шахсий "ижоди", деб билади, керагини ўз идроки билан саралаб олади. Шунинг учун Меҳри хола ҳозирча ҳеч нарсани билмай тургани маъқул, бироқ эшик тақиллатиб келса бурилиб кетмайди ҳам, тақиллатаверади, токи биров очмагунича. Очмаса, биронта болани девор оширтиради балки уйдаги одам ўсал бўлиб қолгандир, ўзи эшик очишга мадори йўқдир, билиш керак ахир, қараб-нетиш лозимдир, ёрдамга муҳтождир, ётадими шўрлик шифтга гўлайиб?

Зарифа хола қўшнисини эслагани чакки бўлмади, сал хаёлини чалғитди, аммо барибир яна ўша гулғулали, чалкаш ўйлар тўрдек ёпирилиб кела бошлади. Зарифа хола хуноблигини аритишни билмас, қўли ишга бормас, элак қидириб ошхонага кирса, нима учун киргани эсидан чиқар, атрофга аланглаб, қайтиб чиқар, ўзини қаёққа қўйишни билмас эди. Меҳри хола кириб кела қолгани ҳам маъқул, оғир, адаш хаёлларини тарқатар, дея Зарифа хола бориб эшикни очиб қўйди. Ёдгор ухлаб ётипти, Зарифа хола қўшнисига сирини очмайди, ўзи билмагач, нимани ҳам айтади? Маҳаллага ёйилади, деб хавотир тортмаса ҳам бўлади. Балки биргаллашиб бирон таомга уннашадими — сомсами, қатламами, холвайтарми? Бир юмуш билан овунишади, Меҳри хола сўнгги "хабарларини" "дўндиради", радиодек, қулоғини бураб қўйса гапираверади, Зарифа хола нари-бери йироқлашса ҳам, оғзи тинмайди. Шўрлик Меҳри, илиқ ўйлади Зарифа хола ўртоғи ҳақида, шу ўйлашнинг ўзида ситамни, хаёлларини, тиш оғриғидек бир зумга бўлса ҳам унутгандек бўлди, сергаплигини айтмаса яхши, бегараз аёл, шу валдираш билан ўзини алдайди, йўқса унинг оиласида муроса қилиш учун, келинларига бас келиш учун тили сих, қўли мих бўлиши керак. Гапдонлиги келинларига уч пул, икки оғиз ортиқча сўзласа "ўчириб" қўйишнинг уддасидан чиқишади. Аслида Меҳри хола бу ҳовлида яшайди, деса ҳам бўлади, олдинлари ётиб қолишга унамас эди, энди Зарифа холанинг болалари кам келадиган бўлгандан бери ётиб қоладиган ҳам бўлди. Ҳафталаб уйига чиқмаса ҳам уйдагилардан биронтаси буни изламайди. Буни Меҳри холанинг ўзи ҳам сезади, шунинг учун мутлақо уларга ўзи ёпишмайди.

Бугун, мана, қуёш ҳам чиқди, ҳаммаёқ ёришди, Зарифа хола нонушта тайёрлаб, устига сочиқ ёпиб қўйди, бироқ негадир ҳамон Меҳри холанинг шарпаси, бидири эшитилмади, бунга ўрганиб қолган Зарифа хола, керакли нарчасини йўқотгандек, безовталана бошлади. Эрталабки қилинадиган барча юмушларини бажариб

бўлди: сигирни соғди, подага ҳайдади, сутни сепаратордан ўтказиб, қаймоғини олди, сутини пиширди, товуққа дон, итга суюк берди, телевизорда "Ахборот" тинглади, ҳатто сомса учун ҳамир қориб қўйди, лекин "ён қўшни, жон қўшни" сидан ҳамон дарак йўқ. Меҳри хола билан Зарифа хола шу қадар иноқлашиб кетишганки, кўплар буларни опа-сингил дейишади, тўйми, азами бирга боришади, ҳеч ким биронта маърақада буларни бири-бирисиз кўрмаган, бири бора олмаса, иккинчиси ҳам бормади. Меҳри хола Зарифа холага "бирга ўламиз", агар олдин ўлсангиз, ўлдираман", дейди, кулишади. Биттаси зарурат юзасидан — нафақа пули олишгами, синган кўзойнагини тузатишгами отланса, иккинчиси ҳам боради, нечундир бора олмаса, икки кўзи эшиқда бўлади, бир неча марталаб кўчага чиқиб келади. Меҳри хола "сафаридан" қайтгач, ўз уйига эмас, тўппа-тўғри Зарифа холаникига кириб келади, оқизмай-томизмай кўрган-кечирганларини сўзлаб беради. Ёдгор уни "Дўрмон радиоси" дейди.

Интиқ бўлиб ўтиравериш Зарифа холанинг жонига теғди чоғи, Меҳри холаникига ўзи чиқди. Хужрадек келадиган пастқамгина, лой томи устига шифер парчалари ташланган уйчада чирок ёқилмаган, иккала ўғил ўз томонини девор билан ажратиб олишган, уйчанинг саҳни супадек тор. "Шу ҳам менга кенг", кулиб дейди Меҳри хола. Иккала ҳовлидан қолдирилган дарча ойлаб очилмайди, нариги томондагилар гоҳо-гоҳо бир коса овқат чиқаришади. Меҳри хола кўринмаса, косани деразанинг ташқи томонидаги тоқчасига қўйиб кетишади, қайтгач, Меҳри хола дераза тоқчасидаги косани бир пайқайди, бир пайқамайди, бузилиб қолган таомни қўшни итига ташлаб, ювилган косани дарча ёнида тахланган фишга қўяди — барча алоқа шу.

Зарифа хола деразадан уй ичига мўралади, қоронғи бўлгани учун ҳеч нарса кўринмади. Ичкарига кирди, чироқни ёқди, тўшақда ётган Меҳри хола қаддини ростлаш учун гимирлади.

— Қимирламанг, — дея Зарифа хола унинг олдида чўккалади, қўлини унинг пешанасига қўйди. — Иситмангиз борга ўхшайди, ўртоқ. Шамоллаган кўринасиз. Тура олсангиз — юринг, бизникида ётасиз.

Шуни кутгандек, Меҳри хола эътироз ҳам билдирмай, отлана бошлади.

— Ўзим чиқаман, айланай, ҳали ювинганим ҳам йўқ, намозим ҳам қанда бўлди.

— Ўшатга ювинасиз, юринг. — Зарифа хола ўртоғининг қўлидан тутди. — Қайноқ суг ичираман, дори бераман, ётасиз эркатой бўлиб. Қасал бўлиш нимаси? Тағин "бирга ўламиз", дейсиз, шунақа бўладими?

Шундан кейин Меҳри холанинг дарди аригандек бўлди, тетиклашди.

— Одам қариса, жичча иситма ҳам мадорини қуритар экан, олдинлари мунақа дардга парво қилмасидик.

— Қариликка кўникипсиз, дуруст, — деди Зарифа хола киноя билан. Бундан бир неча йил аввал Меҳри хола ёшини Пайғамбар ёши, девди, ўшандан кейин неча йил ўтди ҳам, невараси туғилиб, ҳозир иккинчи синфга боради, Меҳри хола ҳамон "Пайғамбар ёшидаман", дейди. Зарифа холанинг кинояси шунга ишора эди.

Меҳри хола барибир бўш келмай, деди:

— Ҳа, энди Пайғамбар ёшига етган хотинни учи кетиб пучи қолди, деса ҳам бўлаверади, айланай.

— Мўлтонсиз, ўртоқ, ҳали ҳам тил бермайсиз, — дея ҳовлига жилди Зарифа хола.

Уйга чиқишгач, Зарифа хола ўртоғини ўраб-чирмаб, доридармон қилди, қорнини тўйғазди, бир зумда курси ўрнатиб, тагига электриситкич тикди, устига кўрпа ташлади — сандал бўлди. Ёнига Меҳри холани ётқизиб, атрофини кўрпа билан ўради, ҳаял ўтмай "сандал" иссиқ бера бошлади, беморнинг илик-иликлари яйради.

— Японлар ҳалиям танчада ўтиришар эмиш, — деди Меҳри хола, ҳузур қилиб. — Биздагилар, "ўтмиш сарқити", деб олдириб ташлашди шундоқ жонроҳатини.

— Кўп гапирманг, қувватингиз кетади, — деди Зарифа хола, Меҳри холанинг бетоблигига қарамай, қатъий овозда. — Ётинг, ухланг. Иситмангиз тушсин.

— Хўп, айланай, хўп, — дея Меҳри хола кўз юмди, бироқ қовоқ пардаси остидаги кўз соққалари қимирлар, аёл яна нимадир дегиси келар, афтидан гапга тўймаган кўринар эди.

Зарифа хола халақит бермасин, деб чироқни ўчириб қўйди, бу — тамом-вассалом, жим ётиш керак, дегани эди.

Ўз хонасида "бўкиб" ётган Ёдгор уйғонди, кайфи тарқаган, аммо калласи ғум, кўзи қапишган, оғзи қуруқ, чанқоқдан ичи "ёнар" эди, бироқ сув ичгани ташқарига чиқишга ботинмади, онаси кўрса саволга тутади. Ёдгор яна қўл силтайдими? Ахир она сўрагандан кейин бир тайин нарса айтиши керак-ку, алдагани билан бугун бўлмаса эртага очилади. Нима деб жавоб беради? Хотинимни укам олиб қўйди, ёки хотиним Жасур билан илакишипти, калитни ташлаб чиқиб кетдим, дейдими? Иснодқу. Айтишга қандай тили боради? Шикоят қилган бўлиб чиқади. Қачонгача пайсалга солади? Акасиникига борувди, Қудрат акаси Москвага, Ленинградгами докторлик диссертациясини тутатиш учун кетипти, кеннойисига "ёрилмади", истиҳола қилди. Муяссар кеннойиси идрокли, вазмин аёл, аммо ўз хотини устидан шикоят қилиш нолойиқ нарса, аразга ўхшаб қолади. Шу алпоз Ёдгор уйдан чиқиб кетгандан бери мавҳум-муаллақ бўлиб юрипти, аламини ароқдан олаяпти. Институт омборида ётиб юрувди, уни ҳам худо кўп кўрди: хўжалик бўйича ректор муовини Ёдгорни бир-икки марта кайфда учратиб, омбор калитини олиб қўйди. Афғон қатнашчиси, ногирони бўлгани учун Ёдгорни ишдан ҳайдашга ботина олишмаяпти, бироқ уни биронта бошқа ишга — монтерликми, слесарликми вазифасига тайин қилиш билан

чекланишса керак, унда ҳам ичмаса. Ичида нима дард кечаёт-ганини ҳеч ким билмайди. Ёдгор нуқул ичади, қанақадир қаланғи-қасанғи шериклар топиб олган, нуқул ногиронлик гувоҳномасини рўкач қилади, омборни ҳам узил-кесил топширмаган, қанча мулк унинг бўйнида. Ревизия қилинса нималар бор, нималар етишмайди — ўшанда маълум бўлади. Талон-тарож қилинган бўлса, балки иши судга ошириладими? Аммо Ёдгор бу томонини ўйламайди, ўйлашга вақти ҳам йўқ, дарди — ичиш, ичишга пул топиш. Қанча нарсаларни, чойшабдан тортиб духоба креслоларгача арзон-гаров пуллаб юборди. Ахир бир кунмас-бир кун ҳисобот бериши керак, нима важ кўрсатади? Унча-мунча нарсаларни пахта теримига ағдаради, синди, ёмғирда қолди, ўғирлашди, деб қутулар, лекин духоба кресло пахта теримига олиб борилмайди-ку, у қаёққа кетди, дейишса нима деб жавоб беради? Ҳозирча Барно билан кечган воқеа Ёдгор учун шунчаки важ, баҳона, ичиш, таралабедод учун сабаб, хизмат соҳасидаги маъсулияти нима бўлиши билан иши йўқ. Худо нимани раво кўрса шу. Пешанамда борини кўраман, қисматдан қочиб қаёққа борардим, дейди Ёдгор ўзини юпатиб, кам бўлмайди ногиронлик гувоҳномаси бор. Бу гувоҳнома ҳар қанақа амалдан кучли, ҳеч ким кўндаланг туша олмайди, тушса ўзи панд ейди. Бундан Ёдгорнинг кўнгли тўқ.

Умуман, бўлиб ўтган можаро Ёдгорга маълум тарзда ёқади ҳам — жабрланувчи сифатида озор чекиш, аламда қоврилиш, андуҳ-надомат, изтироб, миннат — нақадар мароқли.

Шу каби пўкак, уйдирма далиллар билан Ёдгор ўзига таскин берар, ҳатто маълум эътиборга, имтиёзга даъво ҳам қилар, адолатли эканига шак ҳам келтиргиси келмас эди. Аммо барибир тугун ечилиши керак. Албатта, Ёдгорнинг тили узун — қилгиликни бошқалар қилиб, азобини бу тортаяпти, ҳамма тош "уларга" (Ёдгор "уларнинг" номларини ҳам атагиси келмайди) тегади, бироқ теккани билан нима наф, Ёдгор уйдан, севимли хотинидан айрилди, четга "пуф сассиқ" бўлиб чиқиб қолди, шулар деб ичкиликка ружу берди, ётиб юрган жойидан маҳрум бўлди, ишидан бўшаш — ҳайдалиш бўсағасида туришти. Фалати-ку. Ҳам "улар" беҳаё иш туттишди, ҳам уйга, бировнинг уйига эга бўлишди. Бу қанақаси? Нега энди калитни ташлаб чиқиб кетиши керак эди? "Кўшмозор бўлларинг", деб уларни ҳайдаса, ҳаққи йўқмиди? Биров таъна қилармиди?

Ёдгор тўлғаниб, чап ёнига ўтирилди, сигарет ёндирди, лекин ўқчиб, сигаретини кулдонга мижирлади. Ичи алғов-далғов бўлиб кетди, бир лаҳза бурун "бошоғриқ" қилмоқчи эди — бу ҳам энди кўнглини айнитди.

Ёдгор чалқанча ётар, бугун дунё кўзига хунук кўринар, дили ором топмас, ўлгиси келар эди. "Ничево, деди ўзича Ёдгор, бир оздан кейин ўтиб кетади, жазаси — икки қултум ароқ, кўзим мошдек очилади. Яна бир ухласам, енгил тортаман. Кейин

ҳамма гапни ойимга айтаман: келинингиз билан айтишиб қолдим, ажрашаман, икковини "кўтар халта-тўрвангни", деб уйдан ҳайдайман. Жасурнинг ҳовлиси бор, ўша ёқда гумдон бўлишсин, қорасини кўрмай. Мен ҳам одамман, қирчиллаган йигитман. Қанақа соҳибжамоллари йўқ эмас, уй тайёр, ўзимнинг номимда, уйланиб оламан биронта "кетворганига". "Бу" куйиб ўлсин! Жасур бўлса ҳавойи, узоқ биттаси билан яшай олмайди, албатта "буни" тепади кетига. Юради кейин тентираб, подадан ажраган бузоқдек жавдираб. Хиёнат қилиш қанақалигини билиб қўйсин, қанжиқ!"

Ёдгор шаҳардаги уйига етиб борганида кун кечкирган, кўча чироқлари ёқилган, ҳаво совуқ, уйи қоронғи эди. Ҳар эҳтимол, деб эшигини қоқди, ичкаридан ҳеч ким овоз бермади. Калитини ташлаб кетганига энди пушаймон бўлди. Қаёққа боради? Ўшатта бўлишлари мумкин, деган тахмин билан Жасурниқига йўл олди, етиб боргунича қиш куни адо бўлди, қоронғи тушди, тунга айланди.

Ёдгор чироғи ўчирилмаган дахлизга кириб, йўталди. Ичкари хоналар қоронғи эди, ҳеч кимнинг товуши эшитилмади. Ёдгор пальтосини ҳам ечмай холодильник эшигини очди, чала ичилган шишани олиб, оғзидан ичди, лабини артиб, шишани столга қўйди, яна ичиши тайин эди. Бир зумда баданига ором югурди. Сигарет тутатиб, сими ирғиган креслога ўтирди, бирпас ўтиргач, ичкарига мўралагиси келди ва ўрнидан турди. Ҳозир "уларни" жиноят устида ушлайди, иккалови дағ-дағ титраб, устларига адёл тортишади, ялинишади. Ёдгор эса... Ёдгор қолгани нима бўлишини ҳали билмас, вазият нимани талаб қилса, шунга қараб муомала қилишни мўлжаллаб бўсағада тўхтади, ичкарига разм сола бошлади.

— Ёдгор! — деган бўғиқ-хира товуш эшитилди. Бу Жасурнинг овози эди. Қўрқиб кетди чоғи, овози аянчли чиққандек бўлди. — Сенмисан? Нима гап? Қандай кирдинг? Ит нега вовилламади?

— Эшик очиқ экан. Ит таниди.

— Уф, ўтакамни ёрдинг, — деди Жасурнинг овози. — Шарпа бериб кирсанг бўлмайдимми? Қўнғироқ бор-ку.

— Чироқ ёқ!

Жасур пийпаланиб чироқни ёқди. Жасур танҳо эди.

— Жазманинг қани? — дағал товушда деди Ёдгор Барно йўқлигига қувнашни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай.

— Қанақа жазман? — эловлаб сўради Жасур. Унинг сочлари ҳурпайган, юзи гижим, кўз-қовоқлари шишган эди, у негадир, — қўрқувданми, совуқданми қалтирай бошлади.

— Барно? — сўқир тикилиб деди Ёдгор.

— Қаттан биламан, — Жасур "Сен билишинг керак, хотин сеники", деб писанда қилмоқчи эди, бироқ бунақа даъвони ўта сурбетлик бўлишини фаҳмлаб ўзини тутди. — Уйидадир.

Айтса сир фош бўлади, айтмаса бир ой мобайнида Барно билан бирга бўлган, Жасур чап беришни ўйлади. "Билдим, дединг —

тутилдинг, билмадим дединг — кутулдинг" таъбирида усул кўлашни маъкул кўрди:

— Кайфинг борга ўхшайди, Ёдгор. — Чекинган бўлиб деди Жасур, — ёт, эртага гаплашамиз.

— Йўқ! Ҳозир гаплашамиз! — қатъий деди Ёдгор жойидан жилмай.

— Нимани гаплашамиз? — деди Жасур ўзини гўлликка солиб.

— Нималигини яхши биласан! — дея Ёдгор ортига қайтиб ароқ ютиб келди.

Жасур ҳушёр торта бошлади. Боши қотиб қолди. Гап оғир бўладиган кўринади, акасининг шашги хунук, нима бўлганида ҳам ишни жанжалга олиб бориш керак эмас, ўйлади Жасур ва апил-тапил кийинди.

— Кепсан, яхши бўпти, — деди Жасур тетик овозда. — Бир ўзимни қаёққа кўяримни билмай ётувдим. Жаз-жуз қиламиз, ичамиз, отамлашамиз. — Бу ичувчи одамни қарорсизлантиришнинг энг оддий усули эди, Ёдгор қармоққа илинганини ўзи сезмай қолди. Аммо ҳамон важоҳатини бермаса-да, бу шунчаки омонат ниқоб эканини ўзи ҳам тан олар эди. Дарров лаққа тушиш ҳам ўхшамайди-да.

— Мен кетаман, — деди Ёдгор йўлига жиловини бермагандек ўжарлик билан.

— Бўлмаса мен ҳам кетаман, — деди Жасур ҳам йўлига. — Ётаманми битта ўзим ҳайҳотдек ҳовлида.

Ёдгор "кетаман" деганига пушаймон бўлди — ширин таом, ичкилик, иссиқ уй бу ерда қолиб, қаёққа боришади ярим тунда?

— Қаёққа борасан? — деди Ёдгор ўсмоқчилаб.

— Қаёққа, десанг шу ёққа-да, — деди Жасур соддалик билан.

— Менинг борадиган жойим йўқ, — деди Ёдгор аразлагандек. — Калит меңдамас.

— Нега бўлмаса "кетаман", дединг?

Ёдгор жавоб топа олмай, ижирғанди. Кетгиси йўқлиги сезилиб қолди. Бироқ буни фаҳмласа-да, Жасур билинтирмади, қайтага хурсанд бўлгандек ўзини кўрсатди:

— Бир кеча минг кеча эмас, дейдилар. Шетга маишат қиламиз — вассалом! Нима дединг? — Жасур иккала кафтини мароқ билан ишқади.

Ёдгор аранг ўзини кўндирган бўлди.

— Битта ўзим бўлганим учун овқатга ҳам уннамовдим, — деди Жасур тийрак ғайрат билан. — Биргалашиб ясаймиз. Бўптими?

Ёдгор елка қисди.

— Жуда соз! Қарайликчи, холодильникда нима бор экан? Хўш?.. Ихм! — дея нималар борлигини кўздан кечириб, Жасур акасига қаради. — Жигар бор экан, ҳаш-паш дегунча тайёр бўлади. Қани ечин, мана тахта, мана пичоқ, мана жигар-пиёз! Мен газ ёқаман, қозонга ёғ қуяман. Сариф ёғда пиширамиз, мазаси вў бўлади! Унғача ўн граммдан симириб оламиз! Лаббай!?

Ёдгор, мийиғида жилмайиб, розилик аломатини билдирди, ечиниби, қўлига пичоқ олди, Жасур қадаҳларга бир ҳўпламдан ароқ қўйди, уриштириб ичишди, бодринг важишди. Ҳаммаёққа нур ёғилгандек бўлди. Бир зумда пиёз жазиллай бошлади, қозонга жигар карчлари ташланди, яна қадаҳ айланди.

— Мана, — деди Жасур, — қозонга тушди-пишди, жигар шунақа нарса. Ҳозир сузаман. Маза қиласан.

Қўрқувдан бўлса керак, одатда, биров билан иши йўқ, фақат ўзини биладиган Жасур, худбинлигини унутиб, гапдон бўлиб кетганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. У акасининг кўнглини топиб гапирар, ялтоқланар, хушомад қилар, гўл, анойи, соддадил Ёдгор, ширин рағбатдан эрир, ишшайар, ўзи ҳам укаси шаънига мақтовлар айтар, зўр рассомлигини мақтар, айниқса, бу ерда Барно йўқлигига иқрор бўлгач, ҳатто ўз гумонлари ўринсиз кўринар, балки ораларида ҳеч нарса ўтмагандир, мен аҳмоқ, ўз шубҳаларим билан соф одамларни айбдорга чиқариб ўтирипман, айб ўзимдадир, қилган ножўя ҳаракатим учун кечирим сўрашим лозимдир, деб ўйлар, ўйлаган сайин кўпроқ ишонар, ҳозир Барнони ҳам, Жасурни ҳам тозага чиқаришга тайёр эди. Айниқса — Барнони! Ёш, сеvimли хотинининг номига ўзи доғ тушириб ўтирипти. Оқибатда Ёдгорнинг ўзи ҳам издан чиқиб кетди, сарсон бўлиб юрипти; оиласи бузилди, деса бўлади. Ҳатто Барно билан гаплашиб ҳам кўрмади, бечора умуман беайбдир, ахир Ёдгор кўзи билан кўрмади-ку. Агар барибир Барно тўнини тескари кийиб, ўжарлик қилса, кечирмаса, иш ажралишга бориб тақалса, Ёдгор далил сифатида шубҳасини келтирадими? Нима вaж кўрсатади? Ўзи бeбурд бўлиб қолади-ку, устига-устак укасини бадном қилади. Қозон ёпиклигича қолавергани маъқул эмасми? Бугун онасига "ёрилгани" чакки бўлди — шунча пайт миқ этмай келиб, масала энди равшанланадиган вақтда, оғзидан гуллаб қўйиши хато бўлди. Энди онасига ҳам тушунтиришга, мастликда алжипман, кўнглингизга олманг, бу шунчаки гумон, унутинг, гуноҳ ўзимда дейиши керак бўлади. Аммо барибир онаси ҳам фулғулага тушиб қолди, ахир келини бир ойдан бери Дўрмондаги уйга қадам босмайди — бежиз эмас-ку. Буни нима, деб таърифлаш мумкин? Аразми? Бўлса бордир. Ундай экан, нега учиб бормади, ўглингиз калитни итқитиб кетди, қорасини кўрсатмаяпти, аралашинг, деса бўлар эди-ку. Димоқ-да, боласидан аразлаган одам, онасига борармиди? Э, бу нарсалар — майда-чуйда, уқтирса, тушунтирса, мусаффо бўлиб кетади, гина қолмайди...

Чўкиб ўтирар экан, тузуккина ичган Ёдгор ўзигами, Барно билан Жасургами раҳми келиб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Жасур эҳтиётлик билан ичар, хушёрликни сақлашга уринар эди, негаки агар иккалови маст бўлиб қолишса, жанжал чиқиши, жанжал ёмон оқибатга олиб боришини, акаси жиловсиз, биринчи ҳиссиётга бериладиган одам, бирон гап ёқмаса,

суриштириб ўтирмайди, пов этади — ёнади, ҳамма нарсани яксон қилади, шунинг учун зийрак бўлиш керак. Ахир мундоқ олиб қараганда, иллат тайин-ку, акасининг зардаси, шубҳа бўлса-да, асосли-ку. Ғараз кўтарса, панд берса, ҳамма нарса очилади, қуруқ-хўл аён бўлади, барибир ҳақ чиқади. Жасур авваллари вазият кўнгилсиз йўлга киришини англаб, "севаман", деган иборани ҳам рўкач қилиш, шу билан ўзини ҳам, Барнони ҳам ҳимоя қилмоқчи бўлиб юрувди, бироқ кеча оралари бузилди, энди Барно ҳам аразда, тумтайиб юрипти. Мана, у кетганига атиги бир кун ўтди, Жасур ўзини қаерга қўярини билмай тўлғанаяпти, сурункасига ичаяпти, жудо бўлиш, тўғйироғи айрилиш Жасурнинг Барнога бўлган туйғуси чин эканидан далолат бермоқда. Фақат ҳомила масаласи алоқаларига раҳна солди, холос. Балки бориб ялинса, тушунтирса, хатосини бўйнига олса, Барно юмшар, қайсарлик қилмас. Жасур икки ўт орасида қолгандек бўлди. Ҳай, майли, Барно кечирар ҳам, аммо унда акаси нима бўлади? Бутунги "иноқ" суҳбатдан кейин Жасур яна Барнога ёпишадими? Мана, акаси йиғлаб ўтирипти, балки шубҳалари уйдирма эканига ўзи пушаймон чекаётгандир? Демак, эртага хотинини топиб, арз-додини айтади, кечирим сўрайди, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишади, Жасур четда қолади. Нега четда қолиши керак? Ғализ ишга қўл урди, урдасидан чиқди, севгисини исбот қилди, авради, "Севаман, сенсиз тура олмайман, ўзимни ўлдираман", дея баландпарвоз аҳду паймон қилди, энди ҳаммасига чизиқ тортиш керакми? "Боласи меники бўлса бўла қолсин, — асабда ўйлади Жасур, — балки менадир бола. Ўз зурриётимдан тонишим ҳам яхши эмас. Барно ёлғон гапириб нима қилади, аёл киши сезади, деди, ростдир".

Жигар-кабобнинг ярмиси ҳам ейилмади, бир шиша тутади, иккинчиси очилди, Ёдгор кафти билан юзини тўсганича жимиб қолди, бир зумдан кейин хуррак ота бошлади, ака-уканинг суҳбати узоққа чўзилмади, улар негадир Барно ҳақида сўз очишмади — Ёдгор ё эсидан чиқарди, ёки хотини билан укаси орасида ўтган муносабатни ўзининг гумонига йўйди, ёки "зиёфат" таъсирида бу масалани умуман кўтармасликни маъқул кўрди; Жасур эса, тили қисик бўлгани сабабли, бу можарони титкилашдан чўчиди, ўзининг дахли йўқ тусда кўрсатиш қулайроқ туюлди, сир акасининг мастлигида очилса, у ҳеч нарсадан тоймайди. Бир кунмас-бир кун, Жасур билан Барно орасидаги алоқалари узилса-да, масала барибир фош бўлади, иккаловими ёки онаси ва Барно иштирокида — ҳушёр пайтларида очилгани тузук, адибади билан тугайди, ҳарна-да. Мана акаси Барнони излашга тушипти, ҳатто "қатталигини сен биласан", деб Жасурга писанда қилди, демак, хотинини кўнглидан чиқармапти, пойига тушипти, албатта топади, балки яна муросага келишади, Барно айбини бўйнига олмаса, ҳатто иноқ ҳам бўлиб кетишади, ўйлади Жасур, мен бир адашдим, ҳиссим баланд келди, майли, ўз йўлимни

кўрарман. Ҳирсимни қониктирдим, бас, агар ёпиқ қозон ёпиқлигича қолса, даъво қилмайман, ҳеч нарса бўлмагандек индамай юравераман.

Жасур ичкаридан ёстиқ билан адёл олиб чиқиб, Ёдгорни ёнбошлатди, устини ўраб қўйди, акаси уйғонмади ҳам.

Агар Ёдгор хотинининг дилига йўл топса, ўйида давом этди Жасур, гумонга берилдими, деб тавба-тазарру қилса, Барно кўнади ҳам, кўнмай қаёққа ҳам борар эди, қорнида боласи бор. Қолаверса, Барно уни меңдан афзал кўради, ҳақиқий мард йигитлигига шак келтирмайди, айниқса, Ёдгор лом-мим, демай, калитни ташлаб чиқиб кетганидан кейин, унинг мартабаси янада ошди. Барибир Барнонинг кўнгли унда, менга шунчаки, вазият ўзига қарши бўлгани учун ён бераяпти, аслида кўз очиб кўргани Ёдгор, мен кучоқлаганимда, кўзини юмиб олади — эрини тасаввур қилади чоғи. Ёдгор ота бўлишини эшитса, Барнони бошига кўтаради, эшиб бўйнига ўраб олади, еру кўкка ишонмайди, гиргиттон бўлади. Мен-чи, мен? Ҳатто боласини тан олмадим, шундоқ иноқ севишганлар орасига тушдим, раҳна бўлдим. Агар, айтайлик, Барно билан менинг муносабатим қарор топди ҳам, ҳатто танлаш керак бўлса, мени танлади ҳам дейлик, адолат билан айтганда, акамнинг хасмини тортиб олиб кечирган ҳаётимни ҳаёт, деб бўладими? Буткул азоб, уқубат-ку! Бир умр ўзимни койиб ўтаман, ўкинч-пушаймонимни кўрган Барно мен билан бахтли бўладими? Шунинг учун Барнони зудлик билан топишим, эринг гумон қилганидан пушаймон, келса, тумтайма, дейман! Вассалом!

* * *

Жасур билан айтишган кеча Барно катта йўлга чиқиб, ўткинчи машина тўхтатди, шаҳардаги уйига етиб олди; хоналар бўм-бўш, одамни ютаман, дегандек эди. Барно чироқларни ёқди, кўрқуви ариди. Ярим тун бўлишига қарамай, ғубордан пок бўлиш ниятида ваннага илиқ сув тўлдириб, ярим соатча ётди, бадани ором олгандек бўлди, бироқ ички нохушлиги аримади. Бир ой бурун ҳаёти шинам, нурли эди, эртами-кечми эри уйига шошиб-ютоқиб келар, Жасур бўлмаса, уялмай-нетмай ишқий рақсга тушишар, Жасур балконда бўлса, хонани ичидан қулфлаб, кўрпа ичида мусобақа ўйнашар эди, энди мана совуқ тўшақда бир ўзи танҳо ётипти; ҳеч кимни бу билан иши йўқ — эри калитни полга ташлаб, зарда қилиб юрипти; ҳамма балони бошлаган укаси тонаепти, Барно пуф-сассиққа чиқиб, шумшайиб қолди. На онасиникига бора олади, на келин бўлиб тушган қайнонасиникига. Устига-уштак ҳомиладор. Ёдгор билса, у ҳам укасидан кўради. Бир ўзи сўппайиб қолди. Ётоққа бориб яшаса, бир-икки ойдан кейин қорни сезила бошлайди, нега иккиқат нарса уйида турмай, ётоқда яшаяпти, деган гумон туғилади. Нима қилсин экан? Аборт қилиб, ҳомиладан қутулсинмикан? Барно ҳам шу уй дафтарига ёзилган, яшашга ҳаққи бор, ақалли ярмиси буники-ку.

Ажрашишса, уйни иккита бир хоналикка айрибош қилишади, Ёдгор ўз уйига, Барно ўз уйига эга бўлади, мустақил яшайверишади. Шунинг учун болани сақлаб қолгани маъқул. Барнонинг ўзи машғулотларда эшитган — агар биринчи ҳомила тўхтатилса, аёл бошқа бола кўрмаслиги ҳам мумкин. Шунча маломатга учраб, ҳам боласиз ўтиши керакми? Бола бўлса ҳарна овунчоқ, ўзи тарбиялайди, ўстиради, она-бола яшайверишади. Балки ўғил, балки қиз бўлар, аҳамияти йўқ. Қиз бўлса, тез орада онасининг пинжига киради.

Барно хаёл кетидан эргашар, мўлтираб ётар, кўзига уйқу келмас эди. Техникумдаги топшириладиган имтиҳонлардан қутулиб, гувоҳнома олиши, яшаш ўз зиммасига тушса, келажакни ўйлаши керак, қорни қаппаймай туриб, она-отасини кўриб келиши керак. Сезишса улар бирон нарса дейишмайди, қайтага хурсанд бўлишади, фақат ёлғиз боргани учун таажжубланишади, сўрашади. Барно нима деб қутулади? Қайним билан илакишиб қолдим, эрим ташлаб кетди, ҳозир яккаман, қорнимдаги бола кимданлигини ўзим ҳам билмайман, дейдимиз? Балого қолади-ку. Отаси бунақа иснодни кўтара олмайди, ё қизини ҳайдайди, ё ўзи уйдан чиқиб кетади, одамларга кўринмаслик учун ўша ўрмон-тоғида юради. Укаси билан онаси сўшпайиб уйда ўзлари қолишади. Ҳамма хонадоннинг тинчи бузилади — онасиники, Зарифа холаники, ўзиники, эриники, Жасурники — ҳаммасиники. Ҳатто — Қудрат акасиники ҳам.

Агар бир фавқулодда тасодиф юз бермаса, бу чигални ечиб бўлмайди, ҳамма нарсани бошидан бошлашга тўғри келади. Бошлаганда ҳам бўлажак қисмат қандай тус олади, айтиш қийин. Ҳарҳолда беғубор бўлади, деб бўлмайди, шунчаки кўникиш асосида чатилган нурсиз, жилдираган турмуш бошланади, унақа ҳаётдан кўра тул ўтгани афзал. Миясига яна шум хаёл оралади, бироқ юрагининг остида эндигина бунёд бўлаётган тирик жонга раҳми келди, кўзи қиймади, завод бўлишдан чўчиди, шу ўй овтутгандек, дили таскин топди, кўзи илинди.

Автобусдан жой олгач, ойна орқали қор ёғаётган ташқарини кузата бошлади, хаёлидан бўлиб ўтган воқеалар губори аримас, айниқса, кўзига Жасур ёмон тусда кўринар, Барно, ҳамма кусур ўшанда, деб ўйлар, қасос олгиси келар эди. Нега ўша куниёқ дод солмади, милиция чақирмади? Уйдан отилиб чиқиб, қўшнисига айтмади? Жасурнинг авзойини, Барнонинг аҳволини кўриб, улар воқиф бўлишар, гувоҳлик беришар, шўрлик жувонни маломатдан сақлашармиди? Жилла курси, ўша заҳотиёқ эрини топиб, арз-дод қилса, юзи қора бўлмас эди-ку. Ака-ука юзкўрмасга чиқишар эди. Нима бўпти, қилмишига яраша жазода, нега Барно азобини тортиши керак? Ҳали ҳам бирон чора кўриш кечмас, кеч бўлса ҳам номусини ҳимоя қилган, вазият қурбонига айланган чиқади. Нега лаллайиб ўтириши керак?

Барно кейинги бекатда автобусдан тушиб қолди. Энди нима қилиши керак? Шижоатда қайнаб туришига қарамай, Барнонинг тайин режаси йўқ эди. Қаёққа борсин? Милициягами? Нега шу пайтгача индамадингиз, шикоят қилмадингиз, дейишмайдими? Демак, ўзингиз ҳам кўз сузгандирсиз? Сўроқ-тергов қилишса, шунча пайтдан бери Жасур билан гумашта бўлиб келганини айтишга мажбур бўлади, айб яна ўзига тушади, қайтага номи булғанади.

Барно бир зумда бўшашиб қолди, қасди омонат туюлди, ўзига қаҳри ортди. Қайтага Жасурни оқлай ҳам бошлади: икки ёш ичидан берк хонада нима қилиши мумкин? Енгил кўйлак кийган чиройли қиз хонама-хона ҳилпираб, у ёқ-бу ёғини кўз-кўз қилиб юради-ю ёш, кучга тўла йигит пўссайиб ўтирадими? Чўқийди-да! Ёдгорнинг гумон қилиши табиий, этида кўйлагидан бўлак ҳеч нарса бўлмаса, эри нима деб ўйлаши керак? Жунбишга келади-да. Тагин ҳам жанжал кўтармади, ўзини босди, қий-пичоқ бўлиши ҳеч гап эмас эди. Шунисига ҳам шукур. Фақат Барно Жасурнинг тўрига ўралашиб қолгани чатоқ бўлди, ён бермаслик, биринчи ҳодисадан сўнг, калитни қўлидан тортиб олиб, ўзини чиқариб юбориши керак эди. Жасур лом-мим дея олмай қолар эди, шу билан Барно унинг шилқимлигидан ҳам, ўзидан ҳам фориф бўлармиди? Кўнгли бўшлик қилди, зино жозибала туюлди, сеҳрига бас кела олмади. Натижада жазосини тортаяпти.

Энди қаёққа боради? Яна эрининг уйигами? Уйи ҳам Барнонинг кўзига совуқ кўрина кетди, яқиндагина қандай иштиёқ билан парда, пичоқ-вилка, биллур қадаҳлару чиройли гудонлар, кийим учун илмоқлар, чироқ-қандил ва яна алақандай йилтироқ нарсалар сотиб олувди, Ёдгор телевизор олиб келаман, духоба креслода ўтириб томоша қиласан, девди — ҳаммаси барбод бўлди.

Интиқ, ташна-соғинч билан қизини кўриш, севиниш учун ота-онаси келди, зинада ўтириб кетишди, қизи буңдан беҳабар, билмайди ҳам, Жасурнинг тузоғидан бўшамайди.

Бу ёқда қайнонаси ўзини қаерга қўйишини билмай, тўлғаниб юрипти, Ёдгорнинг қаёқларда юргани номаълум.

Ичиб юрган бўлса ажабмас, тахмини айнан эканини ўзи ҳам билмай, ўйлади Барно.

Хаёллар оқимида Барно уйига етиб келганини ҳам сезмади, лоқайд эди, қўлини калит бор чўнтагига солди, бироқ олайми-олмайми, кирайми-кирмайми деган саросимада иккиланиб бир лаҳза жойида туриб қолди.

Ҳаммаёқ оппоқ, битта-битта йирик қор ёғар эди. Барно кафтини очди, иссиқ этига ёпишган қор бир зумда эриб, томчига айланди, кафтига теккан жойини жизиллатди.

Ёдгор уйғониб, бир неча пайт қаердалигини аниқлай олмай ётди. Сўнг қаддини бир оз кўтариб, атрофга аланглади. Ташқарида қор ёғар, ҳаммаёқ оққа бурканган, нарсалар хира кўринар, эртами, кечми билиб бўлмас, тун бўйи печка ёқилмаганидан хона совиб қолган, Ёдгор қаердалигини энди пайқади; бироқ Жасурнинг шарпаси сезилмас, ичкари хона қоронғи, у ухлаётган бўлса керак, кеч ётгандир, деб ўйлади Ёдгор ва столдаги чойнакка чўзилиб, жўмрагидан совуқ чой ичди — ичига роҳат оралагандек бўлди. Чойнак ёнида сўзлар ёзилган бир парча қоғоз, қоғоз устида калит ётар эди.

"Сени уйғотишга кўзим қиймади, ўзинг топиб нонушта қил. Шаҳар уйи калитини қолдираяшман, энди менга керак эмас, машгулотларга шу уйдан қатнайман. Кечроқ қайтаман. Агар уйдан чиқмасанг, печкани ёқиб қўй, олови ўчмасин. Кетсанг — дарвозани қулфлаб, калитини рақам ортига тикиб кет.

Жасур".

Ёзувни ўқиб чиққач, Ёдгор қоғозни ҳам, калитни ҳам ўрнига қўйди, яна бир бор атрофни кўздан кечириб чиқди, туриб печка ёқишга эринди, яна ётди.

Қаёққа шошади, ишининг тайини йўқ, омбори берк, бир неча кундан бери ишхонасига қадам босмайди ҳам. Балки ўрнига бошқа одам тайинлашгандир.

Ёдгор яна совуқ чой симирди, кўзи яна қоғозга, устидаги калитга тушди. Бу — ўз уйингга кетавер, мени ҳоли қўй, дегани бўлса керак, деб ўйлади Ёдгор, аммо гапга парво қилмади. Ичкиликдан кўнгли хира, ўқчигиси келар, ичи чирик нарсага тўладек, ҳазар қилар, тезроқ "кўзи очилишини" истар, бироқ бу дард дарров аримаслигини ҳам билар эди — охириги пайтларда бу каби аҳволга тез-тез тушадиган бўлиб қолиш одатга айлана бошлаган, бундан қутулишнинг чораси нимадалигини ҳам билар, "бошоғриқ" учун бир қултум ичса, кўзи очилар, бироқ бир қулт билан чеклана олмас, уланиб кетар, яна аҳволи тангликка тушар эди.

Ёдгор ичкилик илинжида холодильник томон қаради, унда ароқ бор, бир қултум ютса — олам гулистон, бироқ ўзини тута олармикан, ҳарқалай Жасурнинг акаси, у келишига бўкиб ётса, хунук бўлмасмикан, деган андишага борди, ўзини нима биландир чалғитиш ниятида аранг ўрнидан турди, печкага олов ёқди; мадори йўқ, оёқлари қалтирар, яна чилпарчин бўлиб ётгиси, ётса тургиси келар, ўзини қаёққа қўйишни билмас, чеккиси келар, чекса баттар кўнгли айнишидан чўчир эди.

Дераза ойналари хиралаша бошлади, демак, дахлиз ичи илипти, Ёдгор ўзини мажбурлаб ўрнидан кўзгалди, дераза олдига бориб, ташқарига тикилди — шамол хуружи қор зарраларини худди докадек чайқалтирар, ерга кўндиргиси келмагандек

чирпирак қилар, жим-жит бўлганидан Чимёнга қатнайдиған поезд тепловозининг бўйиқ гудоги шернинг ғарғарасидек қулоққа чалинар эди.

Ёдгор бемақсад ҳолда укаси ётган хонага кирди, ўрин йиғиштирилмаган, мижиқ ёстиқнинг ўртаси чуқурча, пардалари очилмаганидан хона ҳамон нимқоронғи, нарсалар шарпа бўлиб кўринар эди. Ёдгор чироқ тугмасини босди, уй ёришди, файз киргандек бўлди. Ёдгор бу ҳовлига неча марта келган бўлмасин, ичкари хоналарига кирмаган, дахлиздан нари қайтган, лекин барча жиҳоз татар кампирдан қолганини билар эди. Кенг тахта кароват, шифонер, икки қанотли ойна-трюмо, бахмал аврали курси, девордаги гилам — ҳаммаси уйнинг нархига кирган эди.

Ёдгорнинг назари трюмодаги мойбўёқда ишланган аёл тасвирига тушди, бир қарашда ўзига ром қиладиган гўзал қиз туман орасидан сирли, мафтункор, кишини гулғулага соладиган виқорли назар билан тикилиб турар, соч толалари пешанаси аралаш қошларига эгилган, қиёфасидан ишғол қилиб бўлмайдиган ва шунинг билан бирга ҳимоясиз, тиниқ, мўрт ва ожиз, "ишғол қилиб бўлмайдиган"дек туюлган аломатлари шунчаки ниқоб бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши ҳуркович юзига тортган ҳарир эди. Ёдгорнинг юраги қаттиқроқ ура кетди — тасвирда Барнонинг қиёфаси эди. Ёдгор яқинроқ келиб, расмга разм солди, томоғига нимадир қадалгандек бўлди, кўзи намланди. Наҳот шу малоика, ҳушсуврат нарса Ёдгорнинг ҳасми бўлган? Наҳот шундай парийваш, соҳибжамолдан жудо бўлиб юрипти? Бунга қандай чидаш, кўникиш мумким? Қанақадир жирканч гумони билан уни ҳам, ўзини ҳам азобга солиб юрипти, ахир ўзи, Ёдгорнинг ўзи шундай беғубор, мусаффо, тиниқ зотни ўзининг ғализ тахмини билан бировнинг — майли, укасининг — қучоғига ташлади.

Ёдгор тасвирга тикилар, Жасур қандай чизди экан, деб ҳайратланар, укасининг маҳоратига қойил қолар, аммо шу тасвирдаги кўз илғар-илғамас ифодасида укасининг муайян завқи, висол ташналиги, ишқий суқини яшира олмаётганини ҳам сезмай иложи йўқ эди. Асарга Ёдгорнинг ҳам ҳаваси, ҳам ғаши келди, қизгангандек рашки кўзғади, гумони бежиз эмаслигига яна ишона бошлади.

Кеча икковига шубҳа қилгани асоссиз, ўзининг тахмини оқибатида туюлган тухмат, деб фараз қилиб, уларни оқлашга, ҳатто ўзини айбдор билишга ҳам тайёр эди, бироқ энди, кайфи тарқагач ва айниқса, расм таъсирида ғарази ўринли эканига ишонч ҳосил қила бошлади.

Мен калитни улоқтириб, уйдан чиқиб кетдим, ўйлади Ёдгор, нега бу ҳаракатимдан Барно таажжубланмади? Бир ойдан бери бадарга бўлиб юрипман, агар пок бўлса, нима сабабдан орқамдан чопмади? Суриштирмади? "Нега бунақа қилдингиз? Қанақа хусуматингиз бор? Айтмай-нетмай, калитни ташлаб, чиқиб кетдингиз? Ҳатто "бу уйга оёқ босмайман", деб зарда қилдингиз?

Нима учун? Нима ёқмади? Нимадан домангирсиз? Айтинг, билишим керак!" демади? Ҳар бир ҳалол киши шунақа қилган бўларди, Барно лом-мим, дея олмай, писсайиб қолди. Тили қисик, демак, қадамини қинғир босган. Балки тойигандир, балки Жасурнинг жодусига чап бера олмагандир, илингандир, ҳатто аввалига ўзини тортгандир ҳам, аммо бу бошқа масала, гап-натижада, бас кела олдими, кела олмадими — бўлар иш бўлди! Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Шунинг учун рўпарамга кела олмаяпти — тили қисик.

Қандай иноқ, бахтли эдик, хаёлида давом этиб ўйлади Ёдгор, битта жон, битта тан эдик, бири биримизни ҳеч қанақа бало-қазо ажрата олмайдигандек эди, кўз тегди. Силлиқ кечган нарсадан огоҳ бўлиш керак, албатта дарз кетади, синади. Нега мунақа бўлди, деб ўзинг таажжубланасан киши; одам ўзини тутиши, табиат ато қилган омад-саодатдан эсанкирамаслиги, зийрак бўлиши керак, акс ҳолда албатта бир касофатга учрайсан, бугун борлигинг яксон бўлганини ўзинг билмай қоласан. Ҳеч қандай роҳат-фароҳат ўз-ўзидан этагинга тушмайди, ҳамма нарсанинг қиймати бор, ниманидир садақа-нисор қилиш керак, текин, беқаров нарса бўлмайди, фақат азоб, алам, уқубат, кулфат, фалокат, офат текин ва қиммат бўлади. Тақдир мурувватига берилиш хавфли, албатта бирон жойингдан тешиб чиқади, текинга фақат булбул сайрайди, ёмғир ёғади, мундоқ қараганда — бу ҳам текин эмас. Сергак бўлишим шарт эди, чалғидим, кўлимдаги қушни учириб юбордим. Иллат ўзимда. Жасурни йўлатмаслигим керак эди, мен эса унга раҳм қилиб, қулай шароит яратиб бердим, тотли бурдани ўзим оғзига солиб қўйдим — ғажийди-да. Энди сабаб қидиришдан нима фойда? Иллат ўзимда экан, деб миқ этмаслигим, кўникишим, ёки шашгимдан қайтмай, бўлак йўл излашим керак.

Ёдгор шу топда сергаклана бошлади, кайф-сафо ҳам кўзига хунук кўриниб кетди, аҳволи танг эканини англагандек бўлди. Ўзини тутишга, қинғир сўқмоқдан чиқа олишига қурби етармикан, иродаси дош берармикан? Ёки ҳозирги идрок шугъласи бир лаҳзали ёришиш ёлқиними? Бу каби тетикланиш, ҳушёр тортиш Ёдгорнинг дилида баъзан туғилиб туради, бир зумгина порлаб, тезда ўчади, яна ғизғижон, таралабедод бошланади — на юрар-турарининг тайини, на лафз-даҳанининг саботи бор, бесарусомон, беқарор бўлади-қолади. Умуман Ёдгор қоида деган нарсани жини кўтармайди, тартибдан тартибсизликни афзал кўради, дилидаги тилида, ҳар бир муаммонинг дастлабки ечимини танлайди, хато чиқса, парво қилмайди, эртага нима қиларини билмайди, бу кун ўтса бас; тўй-маросимга ё эрта боради, ё кеч қолади, лақма эмас, аммо бировнинг гапига дарров ишонади, қарз берса, унутади, олса — қўшиб беради; ҳамма билан тез танишади, тез унутади, дўст тутишса, қулга айланиб қолади, бир зумда ёнади, бир зумда ўчади, кек сақламайди, бунга душманлик қилган кимса узр сўраса, унга қўшилиб ўзи ҳам узр сўрайди, дўстига айланади — довул боласи.

Ёдгор қоғоз устида калитга тикилди, ёзувни яна бир марта ўқиб чиқди, хаёлга ботди. Жасур акасини уйғотмай кетипти, балки кун бўйи ухлайди, деб ўйлагандир, балки Барно билан учрашиш учун шаҳардаги уйга жўнагандир. Бироқ калитни ташлаб кетипти, акаси уйғонса ўз уйига боргиси келиши мумкин-ку, унда яна иккалови қўлга тушади, наҳот Жасур шуни ҳисобга олмаган бўлса? Бориш керак, қатъий ўйлади Ёдгор, Жасур калит керак эмас, дегани шунчаки акасини чалғитиш, зийраклигини тўсиш усулидир. Бостириб борса — устидан чиқади, калит бор, шубҳалари тасдиқланади, гумонлари беҳуда эмаслиги аён бўлади, масала ўз-ўзидан ҳал бўлади. Албатта уларни бир тўшақда кўра олмайди, Ёдгор тикир-тикир қилиб қулфини очгунича, улар дарҳол бири-биридан четланишади, лекин иккови бир хонадонда бўлишининг ўзи исбот, энди Ёдгор жанжал кўтарса ҳам, даъво қилса ҳам — туҳмат эмас. Хотини яна аввалги алфозда бўлса, биринчиси-ку, майли, тасодиф эди, бу галгиси-чи? Ҳаммаси борганида аён бўлади. Ёдгор жанжал кўтармайди, ўзини тутати, икковини ҳайдайди, холос, уйда ўзи яшайди.

Ёдгор тахминига ишонди, шартта ўрнидан туриб, пальто-теллагини кийди, тахта уйчасидан бошини чиқариб турган ит ирилламади ҳам, фақат қизғиш, сўқир кўзлари билан меҳмонни кузатиб қолди, кеча Ёдгор ит борлигига эътибор ҳам бермовди — таниб қолган кўринади.

Ёдгор дарвозани қулфлаб, калитини Жасур айтганидек рақам тирқишига тикиб қўйди.

Ёдгор уйига етиб боргунича назарида бир дунё вақт ўтганидек бўлди, автобус секин юраётгандек, бекатлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетгандек туюлди. Бироқ етиб келгач, уйига отилиб кириш ўрнига, негадир оёғи тортмас, ўзи нимадандир ҳайиқар, асабийлашар, бир қарорга кела олмай қийналарди. Кўнгли айниса ҳам сигарет тутатди. Ўзини босиши керак, акс ҳолда иш пачава бўлиши мумкин.

Кўнгли беҳузур бўлса-да, Ёдгор чидади, нафасини ростлади ва шошмай зинадан чиқди, товуш эшитилармикан, деган ниятда ичкарига қулоқ солди, бор эътиборини йиғди, лекин ичкаридан ҳеч қандай садо чиқмади, жимжит эди.

Ёдгор эшикка калит солиб очди, табақани итарди; юраги урар, бутун вужуди қулоққа айланган, таҳликада бўсағада ҳайкалдек турар, қилт этган товушни эшитишга қодир эди, лекин ҳеч қандай овоз, ҳатто шарпа ҳам қулоғига чалинмади.

Ичкари хонада ухлаб ётган Барно эшик тикирини эшитиб, кўзини очди. Эшик очилди, ялоқланиб Жасур келди чоғи, деган гумонда Барно жим ётди, овоз ҳам бермади, ҳужумга шайланди; ҳозир Жасур кирса Барно рўйихуш бермайди, жўна, уй меники, ҳаддинг йўқ, деб ҳайдайди. Жасур ялинади, аммо Барно бас келмайди, айтганида туради, кетмасанг қўшнани чақираман, деб

пўлиса қилади. Ростдан ҳам гумдон бўлмаса, Барно жанжал кўтаради, қўшнига югуради, қавушини тўғрилаб қўяди. Ишқилиб, иродаси етсин-да, яна "сайрашига" учмасин, калака бўлмасин. Худо ўзинг ёрлақа, журъат бер! Шарманда қилма!

Бироқ эшик очилишга очилди-ю, негадир ёпилмади, ҳатто совуқ ҳаво тўлқини оралагани сезилди. Нега эшик ёпилмади? Ёки ёпилганини Барно саросимада пайқамадимикан? Пайқамай бўлмайди, ёпилганида эшикнинг қулфи қарсиллайди, қулоғи офир киши ҳам эшитади. Қадам товуши ҳам эшитилмади. Агар Жасурнинг қўлида халта-тўрва бўлса, ақалли қадам товуши келарди, нега эшитилмади?

Барно оёғига шиппагини илиб, коридорга чиқди, чиқди-ю қотиб қолди — қўққайиб остонада Ёдгор турар, қовоғи уйилган, нияти ёмон кўринар эди. Ичи дағ-дағ титраса-да, Барно ўзига бепарво-лоқайд тус беришга уринди, дақиқали эсанкирашни эплаб олди.

— Сизмисиз? — беписанд ва ранжли оҳангда деди Барно эрининг пайдо бўлишидан таажжублангандек. — Совуқ кираяпти.

Барно ортига бурилиб, жойига ётди, калити йўқ эди, демак, Жасурдаги калитни олган, ёки Жасурнинг ўзи берган, деб фараз қилди.

Ёдгор отилиб хонага кирди — Барно девор томонга ўтирилиб бир ўзи ётар, эрининг келиши ёқмагандек эди. Араз, деб ўйлади Ёдгор, хотинининг бир ўзи ётганидан хурсанд ёки хафа бўлишни билмай балконга чиқди. Жасурнинг даҳмазалари йиғиштирилган, бу ер саришта эди. Укасининг йўқлигига иқрор бўлиб, Ёдгор коридорга тисарилди, пальто-телпагини ечиб, қозикқа илди — шундагина эшикни беркитди.

Ёдгор ваннада юз-қўлини ювди, артинди, ошхона столидаги чойнак совуқ эди, вақт пешин бўлиб қолди, Барно нонушта ҳам қилмаган кўринади. Ёдгор газ плитасини ёқиб, чой қўйди, кейин Барно ётган хона бўсағасида тўхтаб, кесакига суянди, Барно миқ этмай ётар, аламини ютар, Ёдгор нима деб гап бошлашини билмас, Барнодан садо чиқишини кутар эди — садо чиқмади, Ёдгор кўзи билан кўрмаса-да, йиғлаяпти, деб ўйлади, бироқ жимликни бузишга, биринчи бўлиб гап бошлашга ботина олмади ёки гурури йўл бермади. Ёдгор бир чойнак иссиқ чой олиб чиқиб, Барнонинг ёнига қўймоқчи ҳам бўлди, лекин ялинаяпти, деб ўйламаслиги учун жойидан жилмади.

Барно ётган жойида ҳадиксирай бошлади; Жасур калитни қайтариб берган бўлса, демак, уларнинг орасида гап ўтган, нималарни гаплашишди экан? Агар сир очилган бўлса, энди Ёдгор жанжал кўтаради, агар Жасур айтмаган ёки Барнони аяб, айбни ўзига олган, кечирим сўраб ёлворган бўлса, унда... Бу ёғи нима кечишини Барно фақат тахмин қилиши мумкин. Энг енгил йўли — Барно билан Жасур учун албатта — ҳайдалиш қисмати эди. Унда ҳам Барно энди Жасурга ораларида бўлиб ўтган можародан кейин

ипини тутқазмайди, у ёғи нима кечса, пешанасидан кўради. Барнонинг бир кўнгли, зора юмшаса, деб ҳомиласини Ёдгорга айтмоқчи ҳам бўлди, бироқ вазият қандай тус олишини билмаган, фош қилиш хавфли — агар ака-ука ўртасида жанжал кўтарилган бўлса, бу хабар Ёдгорни умуман кутуртириб юборади, бола Жасурдан бўлган, деб баттар ғазаби ошади. Айтмади. Тўсатдан айтиб ҳам бўлмайди, ҳали гап умуман бошлангани ҳам йўқ, Ёдгор гап очсин-чи, шунга қараб муомала қилади. Балки ҳомила ҳақида оғиз ҳам очмас, Жасур айтмаган бўлса, балки аборт қилдирар, қозон ёпиқлигича қолар. Лекин этагини қоқиб, чиқиб кетган, “қадам босмайман”, деган, бир ой мобайнида гумдон бўлиб кетган Ёдгор барибир келди-ку, калитни ҳам тортиб олипти, ахир нимадир, деб қайтиб келганини айтиши керак-ку. Бундай қайсар, ҳамиятли одам ўз шаштидан қайтипти, демак, бир сабаби бордир ахир — ё ноҳўя ҳаракат қилганидан мулзам, ёки дарбадар юриш жонига теккан, ёки мудаоси орани очиқ қилиш, уйини қайтариб олиш. Яна қанақа ваз бўлиши мумкин?

Қаққайиб туравериш Ёдгорга ноқулай туюлди, Барнодан садо чиқар, деган тахмини оқланмади — ранжигани рост шекилли, агар гуноҳи бўлганида, аразламас, нозу фироқ қилмас, йиғламас эди. Демак, қусур ўзида экан — Ёдгорда.

Ёдгор ошхонага чиқиб, чой дамлади, аммо иссиқ бўлгани учун ичгиси келмади, бирпас ўтирди, сиқилиб яна Барно ётган хонага чиқди, орқасини ўтириб ётган Барно устида жим туриб қолди — тоқати қолмаётганини, ҳатто Барно сезди.

— Тобинг йўқми? — деди Ёдгор ниҳоят, жимликка чидай олмай.

Барно индамади, лекин эри шундан баҳона топишидан чўчиб, овоз берди:

— Йўқ, — Барнонинг жавоби тасдиқдек қабул қилиниши мумкин эди. — Соғман, — деди бегона товушда ва айни бир пайтда эрининг овозида ёвуз ният сезмади. Бир қур гап ўзидан чиқмаганидан Барно мамнун бўлди, индамагани, тумтайгани хато бўлмаган экан, мана энди Ёдгор ён бера бошлади, яхши бўлди, акс ҳолда, валдираб ўзини ўзи тутиб берарди. Энди айбини ўзига олмаса ҳам, Ёдгорга ёлғон гапирса ҳам бўлаверади. Ёлғон гапириш яхши эмас, албатта лекин Жасур бор сирни яширган бўлса, Барно, ҳатто ҳимоя тарзида гапни очса, Жасурга нисбатан сотқин чиқади. Муҳими — сир очилмапти, майли, энди муомала шу йўсида кетаверсин, агар бир кунмас-бир кун очилса — Худо пошшо, пешанасида ёзилганини кўради. Буни савоб-ёлғон дейишади. Барно ҳушёрлана бошлади.

— Соғ бўлсанг, нега тумтаясан? Эрни шунақа кутиб олади-ми? — ёзғириб деди Ёдгор. Бу гапи Барно режалаган тахминини янада мустаҳкамлади.

Шунча кунлардан бери адои-тамом бўлиб юрган, хотинини бир зум ҳам унута олмаган, ютоққан Ёдгорга Барно салгина ён

берганида, Ёдгор дарҳол унга ташланиб, бағрига босар эди, бироқ хотини, ҳатто эри томон ўгирилмади ҳам, беҳақ, адолатсиз равишда ёлғиз ташлаб кетилган айбсиз айбдор, бенаво тусда қолишни, қолибгина қолмай, “қўрққан олдин қўл кўтарар” таъбирида миннат ҳам қилиб кўради, ёзғиради.

— Қизиқ-ку, — деди Барно қадини ростлаб, — ўзингиз қалитни улоқтириб чиқиб кетдингиз, “қадам босмайман”, дедингиз, бир ой дом-дараксиз бўлиб кетдингиз, кийимларимни ҳам опкелиб бермадингиз. Ўзим Дўрмонга боришга орият қилдим. Ойингиз сўраса, нима дер эдим? Тагин таъна қиласиз. — Барно кўзига ёш олди, юзини четга бурди. — Бошимдан нималар ўтганидан хабарингиз ҳам йўқ.

— Нима ўтди? — эловлаб сўради Ёдгор.

— Э, айтмайман, кейин ўзингиз кўрасиз, — деди Барно аламданми, талтайибми — Ёдгор тушунмади.

— Кейин? Қачон? Нимани?

— Қорнимни, нимани бўлариди.

— Қорнингга нима қилган?

Барно, ўзини тута олмай, мийиғида кулди, ўртадаги таҳлика аригандек бўлди.

— Нимамиш, — энсаси қотгандек тўнғилади Барно. — Хотин эри билан бир кўрпа остида ётгандан кейин нима бўлиши мумкин?

Ёдгор турган жойида қотиб қолди: севиниши керакми, йўқми — билмас, бу хабар, чақмоқ каби кўнглини ёлқинлатиб, ўтди-кетди, абгор дили таскин топгандек бўлди.

Шу пайтгача кўзлари тўқнашишидан ҳайиққан Барно Ёдгорга тикилди — эрининг юзи сўлғин, киртайган кўзлари носоғлом йилтарар, соқоли бир неча кун қирилмаганидан қариб қолгандек кўринар, умуман, қиёфаси ертўлада яшовчиларниқига ўхшарди — шишинқираган лаблари қонсиз, киприклари ёпишган, эти гижим эди. Оғзи сассиқдир, деб ўйлади Барно ва негадир, эрига ачинди.

— Ваннага киринг, ювиниб чиқинг, соқолингизни олинг, — дея Барно ўрнидан кўзғалиб, пахмоқ халатини кийди. — Мен овқатга уннайман, сиз чўмилиб чиққунингизгача пишади.

Ёдгор ала нималар деб, хотинининг кўнглини олмоқчи бўлиб турувди, гапи оғзида қолди, хотинининг маслаҳати маъқулроқ кўринди, қолаверса, унинг гапини икки қилмагани тузук — ип аранг уланди, пуф, деса узилиб кетиши мумкин.

Хотини гапидан айниб қоладигандек Ёдгор дарҳол ваннага йўл олди. Барно Ёдгорнинг ювиб-дазмолланган ички кийимларини бир тах қилиб, ваннадаги курсига ташлаб чиқиш учун кирганида чала ечинган Ёдгор хотинини маҳкам қучмоқчи ҳам бўлди, бироқ ой мобайнида пайдо бўлган ётсираш ҳолатини расмий жиҳатдан, рўза тутгандек, тоқат билан ўтиши, чидаб бериши лозим эди, бу шартли синовга Ёдгор матонат билан бардош беришга аҳд қилди. “Сабр таги олтин”, дейдилар ўйлади Ёдгор, атайин ўзини тийиб, режаси шундай бўлиб чиқди ҳам — заррача хато, чалғиш, янглишишни

айтмаганда. Шу митти хато, атиги учта ҳарфдан иборат имло адашиши оқибатида янгидан тикланаётган бино болалар қураётган ўйинчоқ минорадек қулади. Ёдгор ювиниб чиққанида ошхона столида мазали таом, помидор-бодрингдан аччиқ-чучук, олманор, ҳатто пўкаги очилмаган бир шиша кутар эди. Эр-хотин, худди янги келин-куёвдек, тановулга ўтишди, қиттак-қиттак ичишди ҳам. Ҳамма нарса фаровон, жозибали кўринди, аввалги гализ, искирт кўринган воқеани атайлаб тилга олишмади; шундай латофатли, ҳамжиҳат ўтиришни фараз билан иркит қилишдан нима фойда?

Бир оздан сўнг Барно индамай ичкари хонага чиқиб кетди, ҳадеганда келавермагач, Ёдгор хабар олиш учун ўзи кўзғалди, ичкарига киргач, ўз кўзига ишонмади — Барно кўрпага ўралиб ётар, кўзлари сирли йилтирар, рухсори алланечук жозибадан жилваланар, ўзига маҳлиё ётар эди. Ёдгор апил-тапил ечиниб, кўрпа остига кирди Барнонинг силлиқ ва илиқ баданини қамраб олишга, домига тортишга тайёрдек эзди, силади, гижимлади, ўпди, шунча ўрашмасин, эгмасин, букмасин, қайирмасин, ўлжа камлик қилгандек, овчининг иштаҳасини оширар, шаддодаштирар, авжига миндирар, ўқиртирар, ўлжанинг ўзи эшилар, инграр, таманно энтикар — кўзларига ҳеч нарса кўринмас эди...

Кейин толиқиб ухлаб қолишди.

Коридор томондан эшик жиринглагани эшитилди.

Барно чўчиб уйғонди ва шоша "акангиз!" деб лозиму халатини ишташга тушди, дарров кийиниб, жиринглашда давом этаётган эшик томон ошиқди — Барно негадир даф-даф қалтирар, калта қирқилган сочлари юзига сочилган, кўзларини тўсар, юраги ҳаприқар, оёқлари яланг эди.

Ёдгор сал бошини кўтариб, Барнонинг ортидан тикилди — нима деди Барно? "Акангиз!" дедими? Қанақа акаси? Акаси нима қилади ҳозир? Акаси эшикма-эшик юрадиган одам эмас-ку, гапи бўлса телефон қилади, ўзи келмайди. Нега Барно, ҳали эшикни очмай туриб, "акангиз!" деб хитоб қилди, шошилди, типирчилаб қолди? Акаси келса, нима бўпти? Шунақа ховлиқиши, одам ўзини йўқотиб қўйиши керакми? Нега, умуман, "Ака" деган сўз дарров хотинининг миясига келди? Эшик жирингласа, албатта акаси келган бўлиши шартми? Балки қўшни жиринглаттандир, ёки Жасур? Жасур жиринглатган бўлса, келиб юрган уйи, нега бунинг учун хотини эсанкираши керак? Таажжуб.

Барно у ёқ-бу ёғини сийпаб-тўғрилаб, эшикни очди — ўн тўрт ёшлардаги бола, нималардир солинган халтасини ерга қўйиб, эшик олдида турар эди.

— Қатик оласизми?

— Уф-ф, — деди Барно бўшашиб. Негадир унинг хафсаласи пир бўлди, ҳатто жаҳди чиқди. — Йўқ. Керак эмас. — Барно тисарилиб, эшикни ёпди, хонага қайтди.

Ёдгор иккала тирсагида ётар, афтидан Барно киришини

кутар, кўзларида ажиб аломат изғир, хавотир кўринар эди.

— Ҳозир нима дединг? — ўсмоқчилаб сўради Ёдгор ётмоқчи бўлиб турган хотинига тикилиб.

— Қачон? — тушунмай сўради Барно, шошилишда нима дегани эсида ҳам йўқ эди.

— Эшик жиринглаганида?

— Нима дедим? Қатик сотувчи бола экан, йўқ, дедим.

— Олдин, — деди Ёдгор, хотинидан домангир бўлиб, назарида Барно Ёдгорни атайин калака қилаётгандек туюлди. — Чиқиб кета туриб? Эсла.

— Нимадир дегандирман-да, қаттан билай, — деди Барно, ўша топда тилига келган хитобни эслашга уриниб, "акангиз!" деган сўзи ялт этиб эсида чақинди, Барно довдираб қолди. Охирги пайтларда мутгасил Жасур билан бўлиб, тик этса чўчиб тушар, Ёдгор келди, деб ваҳималанар, дарҳол ўзини эпақага солишга, тез кийинишга, лоқайд тус олишга одатланиб қолган эди. "Акангиз!" хитоби ҳам ўша ҳадикнинг аломати бўлиб, чиқиб кетган сўз оғзига келадиган биринчи ибораси эди. Энди ўзи туғдирган қалтис вазиятдан чиқиб олиш чорасини ахтариши керак. — Қўйинг, қотиб ухлаган эканман, қатиғи бошидан қолсин, уйқуни ҳаром қилди.

— Йўқ! — қатъий деди Ёдгор. Унинг бир ой мобайнида чеккан азоб-аламлари яна қайтиб, битта шу "Акангиз!" сўзига жо бўлгандек туюлди, барча шубҳа-гумонлари бежиз эмас экани янғидан аён бўла бошлади. — Эсла, уйғонишинг билан менга нима дединг? Қанақа сўз ишлатдинг?

— Қаттан билай, зловлаган пайтда одам нима дегани эсида турадимиз? — Барно муғамбирлик қўлашга ўтди.

— Бир сўз айтдинг, бу сенга одатий сўз, эсла!

— Хўш, нима дедим?

— "Акангиз!" дединг. Кимнинг акаси? Жасурнингми? Акаси мен — эрингман, ёнингда ётипман. Нега унақа дединг?

— "Укангиз!" дегандирман, сизга шунақа чалингандир, да-даси, — дея ҳали туғилмаган бола номидан мурожаат қилиб, Барно Ёдгорни эритмоқчи бўлди.

— Доғули! — деди Ёдгор хотинига тик қараб. — "Дадаси", дейсан тагин. Бир ой йўқ бўлиб кетдим, нимадан аразладингиз, демайсан ҳам! Чунки кўрқасан, биласанки, гап кўзғалса, нағмаларинг очилиб кетиши мумкин.

— Қанақа нағмаларим? — бўш келмай сўради Барно ранжиган бўлиб.

— Ўзинг яхши биласан, муғомбирлик қилма. Энди ҳаммаси аён, гумоним асоссиздир, деб ўйловдим, бежиз эмас экан. Тилингдан тутилдинг, шубҳаларимни ўзинг тасдиқладинг. Боланг ҳам ўшаникидир?

Барно таъналар остида кесак бўлиб турар, эътироз билдиришга

ожиз, важ-бахонаси бўлса, ҳозир тилига келмас, ҳатто ўзини ҳимоя қилиш, Жасур номаъқулчиликларини рўқач қилиш ҳам беҳуда кўринар, ҳозиргина бўлиб ўтган осудалик, "ҳуш овоз-қўш овоз" онлари тушдек туюлар, кўзи тинар, кўнгли беҳуда бўлар, дунё кўзи олдида ёвуз, шафқатсиз, бебурд, бемаъни тусда гавдаланар, бу юнди гирдобидан қутулиш чорасиз кўринар эди. Барно серрайиб туриши ҳам ишмас.

— Ўзимни бир бало қиламан, — деди Барно тик турган ҳолда ҳисси товуш билан. — Болани ҳам.

Барнонинг бу қилиғи ҳам Ёдгорга маккорлик бўлиб кўринди, муғамбирлик қилаяпти, мени кўрқитмоқчи, деб ўйлади, ишонмади. Ҳатто Барно ҳушидан кетиб, қулаганида ҳам Ёдгор парво қилмади, айёрлик, деб ўйлади, ҳушсиз ётган хотинини гиламдан олиб тўшакка ётқизиб қўймади ҳам. Ўзини бир бало қилиб қўйса, ўзига ҳавола, бу айбига иқрор бўлиши, аҳволи танглиги, бўлак чора топа олмагани, ҳийласи фойда бермагани, ўйлади Ёдгор ношудликка берилмай. Агар ўзига қасд қилса, тергов бошланади, қорнидаги ҳомиласи аниқланса, жиноий иш қўзғалади, тергов сабабини ахтаради — ёш жувон, ҳомилали бўла туриб, шу мудҳиш чорага боришти, ҳатто бўлажак зурриётини ҳам аямапти, демак, шу тадбирни қўллашга кимдир итарган, жувоннинг бўлак иложи қолмаган, гуноҳкорини топиш, аниқлаш керак, деган қарорга келади — албатта биринчи бўлиб эридан, яъни Ёдгордан бошлашади. Ёдгор билмайман, дейдими, тонадими? Укасини рўқач қиладими? Жасур, хабарим йўқ, билмайман деб тескари кўрсатма берса, терговчи унга айб қўя олмайди. Жасур улар учун қайини холос, эрининг укаси, нега айбни ундан кўришлари керак? Барибир гап айланиб Ёдгорга тўхтайтиди.

Ёдгор ошхонага чиқиб, сигарет тутатди, икки олов орасида қолгани аён эди, бирон йўл ахтариш кераклигини ўйлади. Қанақа "йўл" бўлиши мумкин, гапни ўзи қўзғайди-ку. Демак, яна айб ўзига тақалаяпти, ягона чораси — кечирим сўраш, хато мендан ўтди, дейиш ёлбориш. Аслида Барно эрининг даъвосига тўғри жавоб ҳам бермади, рози ҳам бўлмади. Индамагани айбини тан олиш эмас-ку. Шуниси мавҳум-да, ундоқ деб ўйлаш ҳам мумкин, мундоқ деб ҳам. Ёдгор яна аросатда қолди. Хотини эрининг гумонини инкор қилса ҳам бир нав эди, қилмади. Бу албатта одамни шубҳага солади-да, ҳатто ишонтиради. Мана энди, устига-устак ҳушидан кетиб ётишти. Ўзини бир бало қилиб қўйса, Ёдгорнинг боши маломатдан чиқмайди-қолади. Айбдорга айланади, балки қамалиб ҳам кетади. Балки ростдан ҳам "укангиз!" дегандир? Қўрққан кўзга қўш кўринади, деганларидек сўзи "акангиз!" деб туюлгандир, балки Ёдгор шунақа эшитилишини ўзи кутгандир. Энди ёзғиришнинг фойдаси йўқ, иллат ўзида.

Ёдгор сигаретасини ўчириб, ичкари хонага чиқди. Барно ҳушига келиб, гиламда фаромуш ўтирар, ўта лоқайд эди, эрининг кирганига парво ҳам қилмади — унинг учун масала узил-кесил ҳал эди.

Ёдгор "Тур", деб, хотинининг иккала қўлтигидан олувди Барно Ёдгорнинг қўлини итариб ташлади. Ёдгор жаҳл қилишни ҳам, кўникишни ҳам билмай серрайиб қолди.

— Тур, жойингга ўтиб ёт, — деди Ёдгор, шунақа дейишга ўзини мажбурлаб.

Барно секин туриб хонадан чиқиб кетди, у сал гандираклар эди. Бир оздан кейин ваннадан сув шовуллагани эшитилди. Ювиниб чиққач нима қилар экан, ўйлади Ёдгор. Агар тумтайишда давом этса, ё кетишга отланса ижозат бермайман, қўйиб юбормайман. Қаёққа боради? Шаштидан қайтариш керак, ўзини канал-паналга ташлаши ҳам мумкин. Ҳозир ҳолати танг, ҳамма нарсага қодир.

Ёдгор барибир ҳақиқатни била олмади. Бир карра уйини ташлаб кетиб, яна қайтиб келди. Бу гал ҳам кетиб, яна қайтса, субутсиз бўлиб қолади, Барно ҳурмат қилмай қўяди. Ҳурматсиз эркакнинг гапи ўтмайди, итдан фарқи қолмайди. Аввало, гумон қилдингми, кетдингми — даф бўл, қорангни кўрсатма, ўйлади Ёдгор, шубҳанг бўлса, имон бўл, қўлидан ушла, ўз кўзинг билан кўр, кейин даъво қил. Ҳар гал, хотининг башангроқ кийинса, жанжал кўтарсанг, кўчада биронта йигит қараса рашк қилсанг, телефон жирингласа, эшик тақилласа гашинг келса, унақада ҳаёт бўладими? Дўзахга айланади-ку. "Укангиз!" бўлса, бўла қолсин, аслида шу машмашани бошлаши керак эмас эди. Нима бўлди натижаси? Ҳеч нарса ўзгармади, қайтага аламзадалик тушди. Энди бунга ямаш — чагиш учун ўзи бўйин эгиши керак. Энг ёмони — сув лойқаланди, орага совуқлик тушди, қириб ташлаб бўлмайди-ку, соядек юраверади, одатга айланди. Ҳар гапга димоқ-фироқ, тумтайиш, ён бермаслик, баланд келиш, қонун сўқиш, ўҳ-ҳў!.. Майли, ювиниб чиқсин, қарайди Ёдгор, хотини юмшаган бўлса, киборлик қилмаса, ўшанга қараб, ўзини тутуди, муомала қилади.

Барно ваннадан кўзлари қизариб чиқди — ё сувдан бўлган, ё йиғлаган — устида халат, сочлари ҳўл, қовоғи чимирилган, бегонага ўхшарди, индамай ошхонага кириб, чой қўйди, нималаргадир уннади, кейин тараддуди сезилмади. Шунисига ҳам шукур. Яна бир оз ўтгач очилар, деб Ёдгор фараз қилди ва ўзи ҳам ваннага кириб кетди — вақт ўтиши лозим эди.

Ваннадан чиққанида Барно каравотда ўраниб ўтирар, дафтар-китобини варақлар, ниманидир ёзар, қош қорая бошлагани учун Ёдгор чироқни ёқиб қўйди, Барно дафтаридан бошини кўтармади ҳам. Ёдгор ваннада ювинаётган пайтида нимадир деб гап бошлаш, сал бўлсада, орага тушган зидликни аритмоқчи эди. Барно эътибор бермагани учун айнади, тиловат қилаётган одам олдида депсингандек, жимиб тургач, қайтиб ошхонага чиқди, нима билан ўзини чалғитишни билмади, кўзи чала ичилган ароқ шишасига тушди — ҳам ичгиси келди, ҳам негадир орият қилди, кайфи ошса, яна машмаша бошланишидан ҳайиқди, бироқ қанақадир жасорат

ҳам керак эди, ароқдан бўлак нима далда беради — ярим пиёла ютди, ҳеч нарса чайнамади ҳам, чекди. Зум ўтмай бадани ором топди, кўзи очилгандек бўлди, дадиллашди. Иш бунақа бўпти, марокланиб ўйлади Ёдгор ва яна ароқ ҳўплади, кўзлари йилтирай бошлади. Бояги саросимаси тарқагандек бўлди, олам кўркем бўёқларга тўлди.

Бирон соатлар ўтгач, Ёдгорнинг гимир-симири эшитилмай қолди, Барно дафтар-китобларини йиғиштириб, хонасидан чиқди — коридор ҳам, ошхона ҳам чироқдан ёруғ, Ёдгор кўринмас, столдаги ароқ шишаси йўқ эди. Барно чироғи ёқилмаган балконга мўралади — Ёдгорнинг шарпаси кўринди, у ёпинмай йиғма каравотда ухлар, бўш шиша ағанаб ётар эди. Барно шу ердаги сандиқ устидан жун аёл олиб, Ёдгорнинг устига ташлаб қўйди, чироқни ёқмади.

12

Бадий ўқув юртини муваффақиятли тугатгач, Жасурни имтиҳонсиз Театр ва рассомлик институтига қабул қилишди; номи чиқа бошлаган ва ҳақиқатдан ҳам қобилиятли талаба бўлиши институт учун алоҳида бир шукуҳни билдирар, бунақалар орасида Жасур ягона бўлмай, расмий гувоҳнома олиш учун бошқа таниқли шахслар ҳам ўқир эдилар.

Шу кезларда Жасур Самад исмли меъмор билан Рассомлар уюшмасида танишиб қолди. Жасур ҳам, Самад ҳам уюшма аъзолигига ўтмаган бўлишса-да, иккалови ўз соҳасида кўзга кўриниб қолган умиди ёшлар эди. Уларнинг танишиши ва иноқлашиб кетиши Самаднинг ташаббуси билан бошланди.

— Асарингиз кўз олдидан кетмайди, — деди Самад Жасурга кунларнинг бирида.

— Қайсиси? — камтар жилмайиб сўради Жасур Самад билан танишгач.

Самад ҳам талаба бўлишига қарамай, қайсидир лойиҳаси танловда голиб чиққан, ҳатто "Кичкина шедевр" деб аталган лойиҳаси асосида "Ёшлар саройи" қурила бошлаган, Жасур ёш меъморнинг номини орқаворотдан эшитган, ўзини биринчи марта кўриб туриши эди.

— "Тумандаги қиз", — деди Самад. Ёшлигига қарамай, сочига оқ оралаган, қошлари туташган, кўзлари йирик, сўқир, бурни пичоқдек, ранги зоҳил, пешанаси кенг, ҳатто кўргазма залида ҳам тинмай чекадиган бу йигит биринчи кўринишиданоқ, балки асарини мақтагани учундир, Жасурга ёқди. — Агар номида адашган бўлсам, кечиринг.

Гап Сижжақда пайтида Барнонинг қиёфаси акс эттирилган туманли тасвир ҳақида кетаётганини Жасур дарҳол англади.

— Тўғри, — деди Жасур бошқа нима айтишни билмай.

— Мундоқ, қараганда — тоғлик бир қиз, атрофи туман, — дея

Самад кўрган асарини эслай бошлади. — Аммо... юракни энтиктирадиган, одамни ўзига ром қиладиган нималаридир борки, киши маҳлиё бўлмай иложи йўқ. Гўзал.

— Раҳмат, — деди Жасур иймангандек бўлиб.

— Устахонангизда бошқа полотнолар бордир, — деди Самад кўришга интиқланиб.

— Бор, хомаки. Битмаган, чала нарсани кўрсатишдан чўчийман, — деди Жасур янги танишининг истагига қандай муносабат билдиришдан андиша қилиб. — Пала-партиш мулоҳазалар одамни совитади, ишга қўл бормай қолади.

— Тўғри, — деди Самад хижолат чекиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Жасур барибир танишининг мақтовидан дили яйраб. — Кафега чиқайлик, ўшатта гурунглашамиз.

Шундан сўнг улар иноқлашиб кетишди, Самад оғайниси чизган ҳовли лойиҳасига унча-мунча ўзгаришлар киритди, баъзан қурилиш ишларида ҳам қатнашди, бузилган бино ўрнида ҳаммомнинг томига ўхшаш бошқа қурилма пайдо бўла бошлади. Лекин ҳали гал келмагани учун қинғир-қийшиқ дарахтлар тарвақайлаган боғнинг таги ҳамон майсазор, соққадек мевалари думбул-ғўра бўлган, сўлим-салқин эди. Жасур ўртоқларини бир-икки марта чақириб, "ис чиқариш" қабилада ўтириш уюштирди — кўзи сўйилди, пиво, арақ шишалари, қимиз меши ариққа чўктирилди, жигар-думба кабоблар ҳиди анқиди, темир ўчоққа ўрнатилган қозонга гўшт тушди, рубоб-доира жўрлигида хониш-тароналар янгради, эрлари етагида келган қиз-жувонлар таманно эшилишди, гаштига чидамаган йигитлар ўринларидан сапчиб зарб бўронининг усулида ўйноқилашишди. Шу таралабедодга Самад бир қиз билан келди, аввал-охир Жасур Самадни бу хушсурат қиз билан учратмаган эди, анқайиб қолди, сир бермади, маъшуқаси деб ўйлади, лекин бир гал ўйинга тортди, қиз ўртага тушмади, Жасур музам бўлди, бу босиқ, майин куладиган сирли нозанинга қизиқиши ошди. Айни чоғда ўзининг танқолигидан ўкинди, ақалли Барнони таклиф қилмаганидан пушаймон бўлди. Барно Ёдгор билан ажрашиб кетган, таклиф қилса айбга кирмайди, лекин ҳозир Барнонинг икки ёшли болакайи бор, еру кўкка ишонмайди, зиёфатга келишга унамайди — Барно Умаровлар зотини дилдан ўчирган, ҳеч қанақа гапга учмайди. Айб Жасурнинг ўзида, ўзи бевурдлик қилди, ўзи ҳам баҳраманд бўлмади, акасига ҳам ато қилмади. Ҳозир шундай фикрлар аламзада — шаккок йигитнинг дилини тирнаб ўтди. Аламини босиш учун ароқ кўтарди, шодлик ниқобига ўранди.

Рақсдан толиққан меҳмонлар майсазорнинг у ер-бу ерига ташлаган шолча-кўрпачаларга ағанашди, кимдир ичкилик тўлдирилган қадаҳлар ва пишлок билан безатилган патнисни давра бўйлаб айлантириб чиқди, хордиқ олувчилар, бирин-кетин ароқ симириб, жимиб қолишди, кимдир мудрай бошлади.

Ёйма креслода ўтирган Самад ўрнидан қўзғалиб:

— Гал Нозимахонга! — дея тантана билан эълон қилди, қиз эътироз билдириб, қўлларини шاپалоқ қилди, Самад эътибор бермади. — Гал эълон қилинди, меҳмонлардан илтимос тушди, саза ўлмасин, марҳамат! — дея машшоқларга имо қилиб, жойига ўтирди. Қарсақлар чалинди.

Нозимахоннинг юзига ранг югурди, у ноилож созандаларга қаради, нимадир деб шивирлади, шу он чалғув янгради, дебоча тугагач, савт бошланди: Нозимахоннинг хаста, ҳатто ожиз нафаси алақандай тил билан ифода қилиб бўлмайдиган ширага, дардга, шикаста ғурбатга, нолага эга бўлиб, дилни тилка-пора этгувчи латофатга тўла эдики, бу ижрони кўшиқдан кўра кўпроқ хониш, хиргойи, нола дейиш ҳам мумкин эди. Бунинг устига байтнинг матни қайғу, фироқ, ғусса тараннумидан иборат бўлиб, куй билан калима муштараклигининг тимсоли эди:

*Боққа кирсам, боғ шамоли кокилимни ёзади,
Уйга кирсам, ғариб онам юракжинамни эзади...*

Ашула шу қадар таъсирчан эдики, йигитлардан бири чидай олмай "Дод!" деб юборди.

Тузуккина кайф қилган Жасурнинг кўзига Нозимахон малоика бўлиб кўриниб кетди, Жасур бошини четга буриб чайқала бошлади. Ҳозир унинг учун дунёда шу хониш қилаётган соҳибжамол нозаниндан юксак ҳеч нарса мавжуд эмас эди. Бехос унинг дилида ўртоғига нисбатан ғаш, ҳасад уйғона бошлади, гўё Самад бу фусункор зотга номуносибдек туюлиб, қиз ўзининг ситами билан йигитдан нола қилгандек кўринди, қизга Жасурнинг раҳми келди, кўзлари билан ўртоғига ўқрайди. Бироқ Самад Жасурнинг нигоҳидан хусумат топмади, кайфда одам неча турланади — бир киши ўта ҳушчақчақ, бири лапашанг, яна бири жанжалкаш, бошқаси жиззаки, гап кўтармайдиган, бадғумон, аразчи бўлади.

Жасур бир бу паривашнинг нурдек покиза қиёфасига, бир Самаднинг афтига тикилар, нега шундай суҳсур нарса Самаддек беўхшов йигитга сурайё бўлиб юрипти, деган саволга жавоб ахтарар, ижирғанар, дилида ғалаён уйғонар, ҳозир ҳаммани ҳайдаб, ягона қизни олиб қолгиси келар, шу йўсин билан бечора-мазлумани қутқара оладигандек туюлар эди. Ким ўзи бу қиз, Самаднинг жазманими, кўнгли овунчоғими? Балки хотиндир, жуфти ҳалолдир? Фарзандлари ҳам бордир? Нега бўлмасин? Самад ургутлик, у ерда эрта уйланишади, эрта бола кўришади. Табиий ҳол. Ўн саккизга энди кирган йигитларнинг фарзанди борлари учрайди.

Жасурнинг хаёлларини бўлиб, қарсақлар янгради, ҳушига келиб, Жасур ҳам чапак чалди.

— Офарин! Қойил! — деган хитоблар эшитилди.

— Ҳаммани сел қилиб юбордингиз! Раҳмат!

— Барака топинг! Тўймадик, яна битта эшитайлик!

Майкачан ўтирган йигит сарпойчан юриб келиб, Нозима олдиға яхлит пул ташлади, бошқалари ҳам шундай қилишди.

— Мунақа қиладиган бўлсаларингиз, айтмайман, — деди Нозима норози тарзда атрофга аланглаб.

— Хафа бўлмаңг, миннатдорчилигимизни ахир ифода қилишимиз керак-ку! Топган чорамиз шу-да! Кечиринг.

— Қойил!

— Яна битта эшитайлик, интизор қилмаңг, — деди ариққа оёғини тушириб ўтирган йигит.

Самад ўртадаги пулларни дасталаб, четга ташлаб қўйди ва Нозимага қараб "айтинг", дегандек имо қилди. Машшоқлар савол назари билан Нозимага тикилишди.

— Майли, — деди Нозима ўзини мажбурлаб. — Авжига чиқа олмасам, кулмайсизлар.

— Куладиган чиқса, ўзим танобини тортиб қўяман, — деди биринчи бўлиб пул ташлаган йигит ҳазил қилиб. — Канал яқин, чайқаб келаман, кулмайдиган бўлади. Бошланг.

— Томоқни хўллаб олиш керак, ашуланинг гашти ўткирроқ сезилади, — деди ариқ лабидаги йигит.

— Давай!

Яна қадаҳ айланди.

"Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим". Орқа томондан пул ҳаводор қилган йигитнинг товуши эшитилди, Нозимахон кўз қири билан у ёқ томон боқиб, йигитнинг куй шайдоси, шинаванда эканини англади ва машшоқларга қараб олди. Машшоқлар "Дугоҳ" талаб қилинаётганини дарҳол сезиб, Нозимахон қараш билан куйни бошлаб юборишди.

Яна сеҳр тўла ғурбатли, мискин куй ўз таронасини тўкишга тушди, яна дилрабо оҳанг қалбарини маънос тўрларига чулғай бошлади...

13

Омад Ёдгордан юз ўтиргандек иши борган сайин чигаллашар, етишмовчиликларни тафтишчи талан-тарожликка йўяр, материалларни судга ошириш пайида эди. Бироқ пахта теримидаги можаролар, талабаларнинг намоёиши Ёдгор ишлаётган институтга ҳам юқишидан чўчиган ректор Ёдгорнинг Афғон қатнашчиси, уруш ногиронлигини назарда тутиб, унга чора қўллашдан ҳайиқди, "Ўз ҳисобингиздан отпуска олинг, кўринмай тулинг, вазият қалтис", деди. Ёдгор ариза берди ва шунча пайт ўтишига қарамай, уни йўқлашмади, гўё ҳеч кимнинг у билан иши йўқдек эди. Ёдгор танг аҳволда қолди — бебилиска топишга ўрганган йигитнинг ногиронлик нафақасидан бўлак даромади бўлмагани учун моддий жиҳатдан камчилик сеза бошлади. Қарашиб турадиган Қудрат акаси Москвада яшаяпти, укаси Жасур

институтда ўқияпти, талаба, унинг устига ичади, расмлари учун тушган пулни совуради, қолаверса, Ёдгор ҳеч қачон Жасурга ялиниб бормади, кўришга кўзи йўқ, Барнога илакишган, деган гумон дилидан аримайди. Шу сабабли Ёдгор, ҳар қанча кўникишга уринмасин, шубҳали “воқеа” кўз ўнгидан ўтаверар, ором бермас эди. Ёдгор чидай олмай, беш ойлик ҳомиладор Барнони ташлаб, уйдан чиқиб кетди, бир йилча сандирақлаб — бир ҳафта-ўн кун акасининг квартирасида, тўрт-беш кун Дўрмондаги онасининг уйида яшаб юрди. Ҳарчанд онаси сўрамасин, Ёдгор ўзи аниқ билмагани учун Барно билан ажрашиш важини айта олмас эди. Ёдгор “Бир-биримизга мос келмадик”, деди холос ва гапдан қочадиган, онасининг тергашига чап берадиган бўлиб қолди, Дўрмонга оёғи тортмай қўйди.

Тўрт ойдан кейин Барнонинг кўзи ёриди, бола туғилганини Ёдгор, ҳатто билмади ҳам. Олти ой ўтгач, Ёдгор фарзанд кўрганини орқаворотдан эшитди, ўзини аламзада ҳисоблаб, шунда ҳам бориб хабар олмади. Онаси писанда қилди — фарзанди туфайли ярашиб кетишар, деб ўйловди, Ёдгор парво қилмади. “Тукқан экан, айтса бўлмасмиди?” дея айбни хотинига ағдарди. Ўзига яраша димоғли Барно беш ойлик ҳомиладорлигига қарамай, уйдан чиқиб кетган, эрига ялингиси келмади, бўйни ёр бермади. “Бола ўзимники, боқиб оламан”, дея тумтайиб юрди, ҳатто алиментга ҳам ариза бермади, янги ишга кирган ишхонаси икки йилгача эмизикли боласи борлиги учун нафақа тўлади; икки йил ўтгач, Барно болақайини яслига топшириб, ўзи ишга чиқди. Топиш-тутиши катта бўлмаса-да, она-болага етар, Сижжақдан бир отаси келиб унча-мунча нарса: ёнғоқ-бодом, асал, ёғ, сузма, кийик гўшти, тухум, пати юлинган жўжахўроз ва ярим-бир ойга еттулик пул ташлаб кетар, онаси ҳам шу йўсинда ҳафта ўтмай келиб турар эди. Бироқ на отаси, на онаси не сабаб билан қизи эридан ажрагани ҳақида билишмас, Барно можарони яширар, айб ўзига бориб тақалишидан чўчир, шунинг учун эрини “Ўта гумончи экан, рашк қилмаган одами қолмади, ҳатто укасидан ҳам қизғанди, уйдан чиқариб юборди”, — деди. Онаси бу важга кўнса-да, дилида алланечук шубҳа уйғонди, лекин сути қочади, деб ўйлаб қизига ҳеч нарса демади, ҳатто эрининг: “Куёвнинг укаси шўхроқ кўринади, бирон қалтис иш қилмаганмикан?” деган эҳтимолини радга чиқариб: “Йўғ-э, акасига хиёнат-хусумат қиладимиз, кофир эмас-ку”, деб эрини қайтарди. Барнонинг дадаси куёвнинг қўйнига кўл солиб кўрмоқчи бўлганида, онаси яна: “Тажанг йигит экан, уришиб кетасизлар, қўйинг”, дея жанжалнинг олдини олди — асл сабаб чиқиб кетишидан ҳайиқар эди. Жанжал қоронғилигича қолди, бироқ бир кунмас-бир кун сир фoш бўлиши мумкин эди.

Аслида жанжал-можаро бўлгани ҳам йўқ. Шубҳалари тасдиқ бўлишидан ҳадиксираб юрган Ёдгор ошкор гап очишдан чўчир,

хусумат фош бўлса, ораларидаги омонат муносабат нима билан тугашига фаросати етар, тугун ечилса, кўп нарсалар аён бўлишини, гап ёйилишини, натижада ўзи мулзам аҳволда қолишини, таниш-билишлари кўзида майна бўлишни истамас эди. Индамай, "хуржунини кўтариб" уйдан чиқиб кетса, билган-эшитганлар "муросаси келишмапти", дейишади-қўйишади, ёпиқ қозон ёпиқдигича қолаверади. Ёдгор шарманда-шармисор бўлмайди, обрўйини йўқотмайди, "қисмат", деб пешанасига ёзганини кўриб кетади. Худо ато этса, бошқасига уйланади, болачақалик бўлиб кетади, бу аянчли турмуши унутилар.

Бироқ унутилмади. Ёдгор алам билан бўлса-да, кўз очиб кўрган рафиқасини севар, сурурли пайтларини муттасил эслар, хотинининг майин ва жўшқин, эҳтиросга бой қиёфасини хаёлидан ўчириб ташлай олмас, қаерда бўлмасин, нима қилмасин — Барнонинг акси-жамоли Ёдгорнинг дилидан аримас, азоб берар, изтиробга солар эди ва бундан кейин Ёдгор бу каби зотга етиша олмаслигини тахмин қилар, насиб этмаслигини ҳам англай, бу ёпишқоқ, аримас, ҳаловатсиз, энка-тинкани парчаловчи зуғумдан қутулиш, овозини ўчириш-тийиш чораси битта эди — бошқасига уйланиш, оз бўлса-да, шу йўсин билан дайди-демона алфоздан қутулиши мумкин эди.

Ёдгор паришонликда бир йил тентираб юрди, ўзи билан ўзи гаплашадиган, бўлар-бўлмасга газаби келадиган ва бесабаб куладиган одат чиқара бошлади. Онаси Зарифа хола энди келини билан ўғлининг муросаси ямалмаслигига иқрор бўла бошлади ва "Энди бўлмайдиганга ўхшайди, шундай юравериш йигит кишига ярашмайди, уйлан", деди фарзандига ичи ачиб. Ёдгор қўл силтади, аммо баралла "Йўқ!" ҳам демади. "Ё ўзинг топ, ё менга йўриқ бер, ким кўп — эрга тега олмай юрган қиз-жувонлар кўп, тош отсанг — қизга тегади, ахтарайми?" сўради Зарифа хола, тақдирга тан бериб. "Билмадим", деди Ёдгор, бу онасига "Майли", дегандек туюлди, ҳеч қанча вақт ўтмай, "келин" ҳам топилди. Қурт боқиш пайтида тут шохидан қулаган йигит ўлимидан кейин икки ойлик келин маълум одатга биноан яна бир йил куёвникида яшаб келаётган экан, шуни уч маҳалла наридан Меҳри хола топиб келди. "Кўрасанми?" деб Ёдгорнинг райига қарашди. Ёдгор "Йўқ", деди, Зарифа хола Меҳри холага эргашиб, совчиликка жўнашди.

— Қизнинг ота-онаси олдидан ҳам ўтиш лозимдир, — деди йўл-йўлакай зипилаб кетаётган Меҳри холадан Ёдгорнинг онаси.

— Қиз бировнинг хасми, кимми қўлидан дон еса, ўшанинг измида бўлади, — деди Меҳри хола эгилиб кетаётган қаддини бир оз ростлаб. — Қайнона ҳам она, ўзи чиқарса, савоб бўлади.

— Фаши келмасмикан?

— Фаши келса, бизга нима. Бир умр олиб ўтира олмайди-ку. Қутулганидан хурсанд бўлади. Барибир бирёқлик қилиши керак-ку.

— Шўрлик, — деди Зарифа хола ҳали ўзи кўрмаган “келин”га ичи ачиб.

— Нега ачинасиз, айланай? — туюқиб деди Меҳри хола. — Нима у, бозордан қайтган қисирми? Ҳали кўнадими, йўқми? — бу ёғини ўйланг.

— Нега кўнмайди?

— “Хотин қўйган болалик йигитга тегмайман”, деса иложингиз қанча? Шумшайиб келаверасиз.

— Тилингиз курсин, ўртоқ, — деди Зарифа хола дили оғриниб. — Нега мандан қизғанасиз? Ўзингиз топдингиз-ку.

— Ёзғирманг, айланай, тилнинг суяги йўқ-да.

Зарифа хола ранжитгиси келмай кулиб қўя қолди.

— Мусичадек эди, — деди Меҳри хола ўзини гапдан тия олмай.

— Ким? — англамай сўради Зарифа хола.

— Келинингиз-да, Барнохон. Муроса-муомалали нарса. Ҳусну жамоли-чи, кўрганнинг суқи киради. Ёлчиса бўларди, шуни Ёдгор сассиққа чиқарди. Энди бунақасини чироқ ёқиб ҳам топа олмайди.

— Эр-хотин орасидаги нарсани ким билсин, — деди Зарифа хола Меҳри холанинг гапини тасдиқлашни ҳам, ўғлини ҳимоя қилишни ҳам билмай. — Энди ёзғиришдан нима фойда?

— Одам ачинади-да, айланай. Ойна синса аттанг қиласан, бу оила-ку, эссиз-да.

Зарифа хола совчиликка боришдан айнибми, иссиқдан толиқибми, бўлак юргиси келмай қолди, ёнроқ соясидаги тўнкага бориб ўтирди, елпинди. ҳозир ўзига ўзи ҳам, Меҳри холанинг валдираши ҳам ёқмай кетди, қанақадир пушаймон, афсус, норозилик юрагини сиқди, ҳаёти бебурд-беҳуда кўринди, ўзини ночор ҳис қилди, лекин Меҳри холага сир бермади. Меҳри хола, подадан адашган сигирдек, офтобда турар, хира кўзи яхши кўрмас, кафтини соя қилиб, атрофга аланглар эди, Зарифа холанинг ўртоғига раҳми келди.

— Мен бетаман, келинг, дам олинг, — дея Зарифа хола ҳассаси билан ўртоғини чақирди.

— Оз қолди, айланай, етиб ола қолайлик, — деди Меҳри хола қайтгиси келмай. Зарифа хола бир зум жим қолиб, ўрнидан кўзгалди.

Иккала кампир қоқилиш-тойишдан асраниб йўлга тушишди ва кунботарда яна шу йўлдан қайтишди, яна шу ерда тўхтаб, дам олишди.

Шунгача қўллари банд келган Меҳри хола қуда томон ушлатган тугунни титкилаб чиқди: нон, сомса, чак-чак солинган экан.

— Янги куёвнинг ҳам оғзи тегсин, деб беришипти чоғи, раҳмат, — деди Меҳри хола, бироқ негадир Зарифа холанинг энсаси қотди. Афтидан, нимадандир кўнгли тўлмагандек эди. Нимаданлигини ўзи ҳам билмас эди. Балки уларнинг дарҳол рози

бўлишганиданми ёки дастурхонлари ҳаддан зиёд мўл бўлганиданми — ҳар нечук кампирнинг дилида аллақандай губор қолгандек бўлди, келинни тезроқ гумдон қилиш, ундан тезроқ қутулиш учун тиришишни яшира олмаганликлари сезилишими, хуллас, нимасидир Зарифа холага эришроқ туюлди, ботмади.

— Келин муборак энди, — деди Меҳри хола тугунни четга қўйиб. — Нон ушатилди, фотиҳа тортилди.

— Қуллуқ, — деди Зарифа хола, ҳеч қандай мамнунлик сезмай, расмий тусда.

— Энди тўй ҳаракатига тушасиз, айланай, — деди Меҳри хола ўртоғини рағбатлантириш мақсадида.

— Иккалови турмуш кўрган, тўйга бало борми? — Зарифа хола ҳамон дилини тўсиб турган нарсани арита олмас эди.

— Келинингиз лампашишадеккина экан, — деди Меҳри хола, худди сути кам сигирини харидорга сукқандек, бева қизни ўртоғига ишқаб.

— Лампашиша? Бу қанақа таъриф бўлди? — ваши келиб сўради Зарифа хола.

— Ёриққина, очиққина экан дейманда, — деди Меҳри хола, гўё ўртоғи айниб қоладигандек. — Чой тутганда қўли титради, пайқадингизми, айланай?

— Пайқадим. Тортинчоқ кўринади, — деди Зарифа хола ён бериб.

— Куёвнинг қўйнига тушсин, гижинг бўлиб кетади, кейин...

— Алжиманг! — қатъий тийди Зарифа хола ўртоғининг гализ ҳазилини.

— Бўпти, туринг, куёвдан суюнчи ундирайлик, — деди Меҳри хола ўрнидан жилиб. — Хизмат беминнат бўлмайди, кетдик.

Бу, албатта, Меҳри холанинг ҳазилларидан эди, гапига Зарифа хола эътибор ҳам бермади — ўзини юпатиш, чалғитиш, кўнгилни қитиқлаш усули бўлиб, аслида кампир камсуқум, гаплари эса ҳаёт зуғумига чап бериш, тақдирни калака қилиш амали эди.

Иккала кампир, айниқса, охирги пайтларда ёлғиз қолиб, бир-бирига суяниб, бир-бирисиз на чой ичишар, на овқат ейишар, ҳаммомга ҳам бирга боришар, биттаси бўлмаса, ҳовли хувилаб қолар, иккинчиси қидиришга тушар, кечалари ҳам бир хонада ухлашар, Меҳри холанинг овзи ярим тунгача тинмас, унинг жаврашида Зарифа хола алаллагандек, кўзи сузилар, сўзлаётган нарсаларининг ярмига ҳам бормай уйқуга кетар, эрталаб Меҳри хола "Тун бўйи пистакўмир пуфлаб чиқдингиз", деб Зарифа холани мулзам қилмоқчи бўлар, Зарифа хола "Сиз эрталабгача жавраб чиқдингиз, уйғониб қарасам, оғзингиз очиқ", дея ҳазил йўлига ўчакишар эдилар. Меҳри хола "Ризқимиз узилса, бир кузда жон берамиз", дейди нуқул, албатта, бу гап Зарифа холага эриш туюлса-да, у Меҳри холанинг бунақа қалгис ибораларига ўрганиб кетган, парво қилмайди.

Келин билан куёв никоҳ куни кўришишди. Келин тул қолганига энди бир йил тўлган, куёв аввалги оиласини ташлаб кетганига ҳам бир йилдан сал ошган, иккови ҳам тўй кўрган, турмуш қурган — тўй қилишмади, тўй қилишга имконлари ҳам йўқ эди, маҳалла чолларидан тўрттасини чақириб, ош-сув қилишди — вассалом.

Бошиданоқ келин Ёдгорга ёқмади. Истараси иссиққина бўлишига қарамай, Ёдгор келинни нуқул Барнога таққослар, Барно олдида бу келин унга сўпоқ туюлар гапидан ҳам, юриш-туришидан ҳам, овқатидан ҳам камчилик топар, рўйишуш бермас, келин бирон нарса деса, тўнғилаб жавоб берар, отини умуман атамас, "Ҳой", "Эй!" деб чақирар, иши тушмаса гапирмас, кўп ҳолларда онаси орқали муомала қилар, "Айтинг, уни қилсин, бунини қилсин", дер, кечалари орқа ўтириб ётар, келиннинг "пиқ-пиқ" йиғлаганини пайқаса-да, парво қилмас, эрталаб туриб уйдан чиқиб кетар, кеч қайтар эди.

Бир куни Ёдгор ва Меҳри хола йўқлигида Зарифа хола:

— Хомушсиз, айланай, эт-бетингиз оғрияптимми? — деганида Зумрад ўзини тутта олмай йиғлаб юборди. — Нима гап, айланай, нега йиғлайсиз?

— Ўғлингиздан сўранг, — дея келин юзини ҳовучлаб ўз хонасига чопди.

Зарифа хола серрайиб қолди ва кечқурун Зумрад эт-бетни йиғиштириб ухлагани кириб кетганида, чорпояда ёнбошлаб ўтирган ўғли мудрай бошлади. Зарифа хола Меҳри холани уйга киргизиб, Ёдгорни туртди.

— Кир, жойингда ёт.

Ёдгор қаддини ростлаб, уҳ тортди, юзини ишқади.

— Нима бўляпти ўзи, болам? — деди Зарифа хола чорпоя четига ўтириб. — Нега қовофинг очилмайди? Бирон нарсадан хафамисан?

— Йўқ, ўзим, — деди Ёдгор очилгиси келмай.

— Кундузи хотининг йиғлади, дилини оғритдингми?

— Нега оғритар эканман?

— Қаттан билай — нега? Шўрлик бир гапингни иккита қил-маса, овқатингни пиширса, киригини ювса, атрофингда парвона бўлса — яна нима керак? Биттасини-ку думини тутдинг, энди навбат бунгами?

Ёдгорнинг тайин важи йўқлигидан ҳамма иллат олдинги хотинини унута олмагани, қўмсаш оқибати бўлгани учун қониқарли далил келтиришга ожизлик қилди, чакана гапга ўтди:

— Чой ичса томоғи филқ этади, ўз оёғига ўзи қоқилади, эснаганида увилайди, кечаси тишини ғичирлатади, алаҳлайди, тушида кулади, — деди.

— Ўзинг-чи, ўзинг? Бенуқсонмисан? — тажанг бўлиб сўради Зарифа хола. — Ичасан, ўдағайлайсан, хуррак отасан, овқатни хўриллаб ичасан, рўмолчангга ботинка артасан, қулоқни

қоматга келтириб акса урасан, у индамайди-ку, чидайди-ку. Чой ичганида ҳамманинг томоғи гилқ этади. Шуни рўкач қилиш инсофданми?

— Нима қил дейсиз?

— Муроса қил, у уйингга келиб ўтириб олгани йўқ, — деди Зарифа хола туюқиб. — Ўзинг йўриқ бердинг, биз унаштириб келдик. Бировнинг арзандаси, қийшиқ-маймоқ, жамалак-жинни эмас, ойдек нарса, шунақаси сендақа ховлиқмага тушиптими, шукур қил. — Зарифа хола айбларни қалаштириб ташлаганидан ўзи ҳайиқиб кетди, вазиятни юмшаттириш учун ёлборишга ўтди: — Қачон қуюласан, болам? Хотин олиб, хотин қўйиш — ариқ хатлаш эмас. Умр савдоси. Вазмин, мулоҳазали бўлиш керак, болам. Шу шўрликни тақдири сенинг қўлингга, гуноҳга ботма, болам, хушёр торт, кўзингни оч, шайтоннинг гапига учма. Бор, кириб ёт, ўйла, жуфти ҳалолинг, елкасини сила, дилига озор берма — қайтади, Худонинг қаҳрини келтирма, болам, тур.

Ёдгор, йўқ, демай хотинининг ёнига кириб ётди, дори ичгандек, истаб-истамай кучди, бурчини бажарди, ҳатто баҳра олгандек бўлди, бирок барибир бу муштараклик қанақадир илиқ сувдек суст, эҳтироссиз, расмий, заиф, "аввалги"сига мутлақо ўхшамас эди. Дарвоқе, Барно билан алоқалар ҳам охириги пайтларда тахминан шунақа ҳаяжонсиз, ўчли, ғаразли ўтадиган бўлиб, кўпинча Барно ҳомиласини баҳона қилиб, Ёдгорни силкиб ташлар, ҳатто туриб кетар, ваннага кириб, соатлаб чиқмас эди. Бу нарса, албатта, совушга олиб келмай иложи йўқ эди. Аслида шундай бўлиб ҳам чиқди. Энди Барно эрини жирканиш билан эслар, задалик шу қадар эдики, эр зоти деганда сесканадиган бўлиб юрди.

Бироқ барибир табиат ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Барно ҳали ёш нарса, энди йигирма икккига кирди, йигитлар қараганида юраги шувиллаб кетади, юзига қон уради.

Айниқса, ҳомиладан бўшаганидан кейин ранги тиниқлашиб, кўз-қошлари пориллай бошлади, бир оз эт битиб, кўзга яқин бўлиб қолди, болакйини яслига топшириб, ишга чиққанида, ҳамма маҳлиё бўлиб, атрофида ўралаша бошлашди. Ёш профессор уни ўзига ассистент қилиб олди, Барно секин-аста амалда жарроҳлик малакасининг сирларини ўрганди, тузуккина ҳалфалик қилиш қўлидан келадиган бўлиб қолди. Шу тўққиз ой давомида Барно жарроҳ ҳаёти билан махсус қизиқмади, бинобарин Ёдгордан совиган, унинг фавқулодда хулқидан ихлоси қайтгани учун умуман эркакларни кўргиси келмай юрар, аммо Ботир қанақадир бошқача, на Ёдгорга ўхшар, на Жасурга, сирли, камгап, қаттиқ, талабчан бўлиб, аслида майин, андишали, камтар, хатони кечирар, ҳеч кимнинг дилига озор бермас, шунинг учун бўлса керак, танноз, чиройли, ўзи машина ҳайдайдиган хотини олдида тили қисикроқ, кўринар, соатлаб хотини машинасида келишини касалхона дарвозаси ёнида кутар, хотини келгач, писанда ҳам қилмас эди.

Ҳамшираларнинг гапига қараганда, хотини аллақандай машҳур академик олимнинг қизи экан.

Ёш бўлишига қарамай Ботир Рустамов доцент, медицина институтида дарс беради, талабалари Ботирнинг операцияларига келиб туришади, Ботир қўлидан жарроҳлик пичоғи билан нима қилаётганини ниқоби остидан муфассал айтиб боради — буни Барно деярли ҳар куни кузатади.

Негадир Барно, айниқса, охирги пайтларда, ўзи сезмаган ҳолда Ботирга раҳми келадиган, ичи ачийдиган бўлиб қолди, бир куни бир литрли шиша банкада дадаси келтирган тоғ асалини Ботирнинг тумбочкасига олиб кириб қўйди, бироқ Ботир: "Чой ичганда, биргалашиб еймиз, холодильникка қўйинг, раҳмат", деди; ғамхўрлик Барно томонидан билдирилгани ёқса-да, бунга алоҳида урғу бермади, хурсандлигини Барнога айтмади, аммо дилида алланечук мамнуният пайдо бўлганидан ҳам қувонди, ҳам ҳадиксиради. Ботир ҳам Барнонинг турмуши қанақа эканини, икки яшар ўғилчиси борлигини, эри билан ажрашганини анкета орқали ҳам, ишга қабул қилинаётган пайтидаги ўзаро суҳбатидан ҳам билар, ёш болалик бўлгани учун Барнони майда-чўйда ишга аралаштирмас, тезроқ уйга боришга рухсат берар, боласи ҳақида сўраб-суриштириб турар, ёрдам керак бўлса ийманмай айтишини сўрар, шундан нарига ўтмас, ўтишдан истиҳола қилар, ҳайиқар эди.

14

Кузнинг мўътадил, иссиқ ҳам совуқ ҳам эмас вақтида — икки-уч ой аввал Жасурнинг ҳордиқ чиқариш учун келган ошналари яна, уларнинг ибораси билан айтганда, "таширф буюришди". Бир ҳафта бурун ваъдалашилган йиғилиш сентябрь ойининг охириларига тўғри келди; харажатларни меҳмонларнинг ўзлари кўтаришди, ҳаммалари ўз машинасида — ким "Жигули"да, кимдир "Москвич"да, яна биттаси "Запорожец"да, ҳар қайсиси хоҳлаган пайтида кетиши мумкин эди. "Запорожец"ли йигит эрталаб харажат қилиб келиб, қозонга уннай кетди — қолганлари, яъни беш нафар йигит пешинда пайдо бўлишди. Ҳаммалари мавсумбоп, башанг кийинишган, ўзига тўқислиги сезилиб турар, фақат Самад одмироқ кийинган эди. Бироқ хотин-халажсиз келишди, мақсад фирт эркакча ўтириш ўтказиш эди. Нозимахон келармикан, деган ниятда интиқ-интизор бўлиб юрган Жасур умиди пучга чиқиб, бўшашиб қолди, аёлларсиз, айниқса, Нозимахонсиз зиёфат-ўтиришнинг ҳеч қандай файзи йўқ эди, бироқ ҳолатини сездирмади, номига бўлса ҳам "меҳмонларга" эътибор кўрсатди, ҳатто ясатилган стол атрофидаги курсиларга илтифот билан ошналарини ўтқазди, шишаларни очди; қадаҳ айланди, сўзлар айтилди, икки рюмкадан ортиқ ичишмади; Жасур ҳайрон бўлди. Сочи тўкила бошлаган, қош-кўзлари

ўткир йигит (оти Жасурнинг эсида йўқ) яна битта стол сўраб, дастурхон ёпилган столни четроққа ўрнатди, дастурхонга тахи бузилмаган икки пачка карта ташлади. Жасур пирра ёки бошқача ўйин ўйнар эканмиз, деб ўйлади, бироқ стол атрофига Самаддан ташқари тўрт йигит ўтирди, томоша қилиш учун иккита курси қўйишди. Биринчи бўлиб карта пачкаларининг бири йиртилди, тарқатувчи ўртага минг сўм банк қўйди, карталарни чийлаб, шерикларига қаради — бу 21 очколик ўйин эди; Жасур аёллар келмаганини шунда тушунди. Демак, булар хилватгина жой, деб карта ўйнагани шу ерга келишган экан.

— Сиз, Жасурбек, томоша қиласиз, қадаҳ тутасиз, чўтал тушади — агар рози бўлсангиз-да, — деди карта сузаётган йигит табассум билан Жасурга юзланиб. — Ўйнайман, десангиз майли, сизга ҳам карта бераман. Ютиб олишингизга шубҳа йўқ, ўтмас пичоқ қўл кесади, деганларидек карта албатта сизга келади.

Жасур нима дейишни билмай елка қисди, Самадга қаради.

— Мен ҳам, — деди Самад ҳаваскорларга хос завқ билан.

— Бўпти, — дея банкачи биттадан карта улашиб чиқди.

— Менга битта, — деди чап томонда ўтирган йигит.

— Қанча? — сўради банкачи картани узатмай туриб.

— Юз сўмга. Ўзизникини очиб қўйинг.

— Марҳамат, — дея банкачи картасини ағдарди — “Валет” эди.

Карта берди.

Иккала картани кўзига яқин тутиб, рақам кўргач, карта олувчи:

— Яна битта, — деди.

— Марҳамат. — Банкачи яна битта карта узатди.

— Ўзизга олинг, — деди олувчи, картасини кўриб чиққач.

Банкачи бепарво тарзда иккита карта олиб, устига “Валет” қўйди, карталарини кўриб, яна биттасини очиб ташлади. — “Туз” чиқди.

— Юз сўм сизники, Равшанбек, — деди банкчи табассум билан.

Равшанбек тах ичидан иккита элик сўмлик суғуриб олди.

— Сизга-чи, Мансуржон? — дея яна табассум билан навбатдаги ўйинчига юзланди банкачи.

— Биттадан бошлайверинг, — дея Мансуржон дастурхон узра кафт ёстади. Банкачи карта устидан биттасини олиб, Мансуржоннинг кафти остига суқди.

Шу алфоз ўйин бошланиб кетди. Самад бир гал, Жасур икки гал ютди — бири элик сўм, икинчиси юз сўм. Ўртадаги банк бир шишар, бир камаярди; ниҳоят чироқ ёқилди ҳам, ўйинчилар даврдан айрилишни ишашмас, ўйин борган сайин қизиб борар, нариги столга бориб, тамадди қилиб келишга ҳам вақтни аяшар, югуриб ўтиб бир қадаҳ ароқ билан гўшт ямлаб келишар, яна ўйинга шўнғишар, нариги столда дугор динғиллатиб, хиргойи қилиб ўтирган “Запорожец” эгаси баъзан қадаҳлар ва зирали қазии парраклари қўйилган патнисчани олиб келиб, давра айлантирар,

юттанлардан ўн сўм-беш сўм чўтал ундирар, яна бориб машқини давом эттирар эди.

Ўтириш охирида чўнтагидаги чўтал бир даста пул бўлди. Ошпаз санагани ҳам йўқ, ирими шунақа бўлса керак, уйга бориб санайди, аммо ким кўпроқ "чўзганини" албатта эслаб қолади. Ҳусанбой бунақа ўтиришларнинг доимий қатнашчиси, ўзи ўйнамайди, фақат таом-ичкиликка қарайди, ўйинчиларга хизмат қилади, жанжал чиқса, босади, айтишиб қолганларни муросага келтиради, кимнингдир пули тугаб қолса, судхўрлик қилади, яъни процентга қарз беради, қарз бериш усули ҳаммининг олдида бўлади — кейин тона олмаслиги учун гувоҳ бўлишлари шарт.

Меҳмонлар кайфлари бўлишига қарамай, соат бирда тарқалишди, бундан кеч ўтиришмайди. Уйларига етиб олишга кўзи етмаганларини Ҳасанбой "Запорожец"да элтиб қўяди, бунга ҳам ҳақ олади, уйларига эсон-омон етиб олишга кўзи етганлари ўзлари кетишади. Бировнинг чўнтаги тўлади, бировнинг ҳамёни қуриydi; баъзан ўртадаги банк ғарам бўлиб кетади, қўли баланд келгани ҳаммасини сидириб олади, омадсизи қарзга ботади, машинада келиб, пиёда қайтганлар ҳам учраб туради.

Кундузи аёллар келмаганидан хафсаласи пир бўлган Жасур маннун эди — ярим кунда уч юз сўм ютиб олди — нимаси ёмон? Бир ҳафта уста-мардикор ишлатишга етади, чала иморат битади; омадинг келса бас, ўйнаб-кулиб уч юз сўмни ютиб олиш осонгина машқ экан. Аслида бу йигитлар, ўзига тўқ, пулдор, такаббур, ўзларини жамият "қаймоғи", деб билишади; бири спорт буюмлари омборларининг бошлиғи, иккинчиси катта бир корхонанинг таъминот бўлими мудир, яна бири савдо бошқармасининг масъул ходими — ҳаммаси ёғли-даромадли жойларда ишлашади, пул булар учун — чепуха, қўлнинг кири, минглаб ундиришади. Самад таништирганида, Жасур буларга баланддан қараган, аммо уларнинг ширин-чучмал муносабати, ҳотамтойлиги, сахийлиги Жасурни чалғитгани, Жасур секин-аста улар муҳит-доирасига кириб қолганини ўзи сезмай қолган — мўл зиёфатлар, қўл соҳилларига сафарлар, ўйин-кулги, куй-ашула, баҳра, лаззат — яна нима керак? Аёллари шампан, эркаклари коньяк отишади, биронтаси маст бўлмайди, зийракликни йўқотишмайди, ким нима қилаяпти — кўз кири билан кузатиб туришади, таралабеда қанча авжига чиқмасин — идрокни йўқотишмайди, ҳадикни ошкор қилишмайди, хатар чиққудек бўлса, саросимага тушишмайди, дарров ўчиришга киришишади, ҳеч қачон жанжал-можарога боришмайди, доим эҳтиётда бўлишади, аслида бир-бирларини севишмайди, тил учуда мулозамат қилишади, тўй-азаларида фаол қатнашишади, ёрдам зарур бўлса дарҳол қўл чўзишади, биронтаси чалинса, талафот кўрса ичида ҳузурланишади. Шунақа "мураккаб" кишилар. Самад қандай булар билан танишди, иноқлашди — Жасур учун қоронғи. Балки Самаднинг шуларга мойиллиги бежиз эмасдир,

ўзида шунақа "гўзал" яшаш истаги бордир, ҳавас қилардир, аммо Самаднинг қўли анча калта бўлиб, уларнинг панасида дон чўқиш мароқлидир? Нозимахон билан келиши тасодиф эмасдир? Ким билади. Ҳарҳолда у гўзал, гулдек нарса ашула айтгани, ҳаммани сел қилгани ҳеч кимнинг хотинига ёқмади. Уйларига қайтгач, қанча жанжал кўтарилди экан, фақат ўзлари билишади. Ҳасад, рашк — иккинчи феъл. Уни гунг қилиш мумкин, битириб бўлмайди.

Жасур билан Самад ҳали йиғиштирилмаган стол атрофига келиб ўтиришди. Жасурнинг димоғи чоғ эди, у дастурхондаги нознеъматларга ишора қилди.

— Эрталаб туриш қийин бўлади, — деди Самад ичкиликдан бош тортиб. — Ярим гун, ёта қолайлик.

— Ихтиёрингиз, — дея Жасур ўзига ароқ қуйиб ичди.

Самад ҳомуза тортиди.

— Кўнглингизга келмаса, бир нарса айтардим, — деди Жасур сигарет туташтириб.

— Хўш? — сал жонланиб сўради Самад.

— Нозимахон сизга ким?

— Танишим. — Самад янада сергакланди. — У ҳам уруглик. Нимаиди?

Жасур айтайми-айтмайми, деб бир зум ўйланиб қолди.

— Расмини ишласам, нима дейсиз? — ниҳоят сўради Жасур.

Самад меъмор бўлгани туфайли, ижод нималигини билади, шунинг учун "Нега?" "Нима учун?" деб сўрамади, рассомнинг назари Нозимага тушиптими, демак, қанақадир ижод илҳомини шу билан боғлаяпти.

— Ашула айтганидан руҳландингизми? — сўради Самад бегараз. — Ўзи оддийгина нарса.

— Оддийгина? Шуниси яхши-да, — деди Жасур андак қизишиб. — Орден таққан мироблар, депутатлар, тушунасиз, жонга тегди. Мен майин, сипо, сиз айтган, "оддийларни" маъқул кўраман. Гўзалликни шунақалардан ахтараман.

— Нозима ўқийди. Қўли тегармикан? — деди Самад. Гапи қизгангандек чиқди. Шунақа таассурот туғилмаслиги учун илова қилди: — Мен барибир айтаман, кўндириб кўраман.

Ваъдаси Жасурга мавҳум туюлди, Жасур гап бошлаганидан пушаймон бўлди, қалтисликни ичкиликка йўйди. Самад бунни пайқади, мулзамликни аритиш учун деди:

— Ўзиз гаплашиб кўринг, расмларингизни кўрсатинг, рози бўлмай қаёққа боради. Сиздек рассом тасвирини ишлайди-ю, йўқ дейдимми?

— Устахонам йўқ, нарсаларим ҳар ёнда, — дарров рози бўлиб, деди Жасур, — бир қисми шу ерда, қолганлари кўргазма залининг эҳтиётхонасида.

— "Туман" шу ердами? — сўради Самад Барно тасвири туширилган расмни назарда тутиб.

— Йўқ, опкелиб қўяман, — деди дарҳол Жасур умидланиб ва оғзига келган: “Шу ерда кўрасизлар” гапини айтмай: — Шу ерда кўриш ҳам мумкин, — деди. — Бошқалари ҳам бор, иккита-учта. Шунчаки манзаралар. Қаерда?

Самад тушунмади:

— Нима қаерда?

— “Нима” эмас, — деди Жасур тўмтоқ гапидан хижолат тортиб, — Ким?

Самад уйқу вафлатидан уйфонгандек ўртоғига тикилди.

— Ким?

— Нозимахон, — деди Жасур ўзини лоқайд кўрсатиб, — Қанақа ўқишда ўқийди?

— Пединститутда ўқийди — мактабгача тарбия бўлими бор, аниқ номи қанақалигини билмайман, учинчи курсда ўқийди, бир ойдан бери Мирзачўлда, пахтага жўнатишган, яқин-орада келиб қолишади.

Жасур эртасигаёқ мальбертини елкасига илиб Мирзачўлга жўнади. Пединститут талабалари жойлашган қишлоқни топгунича ярим кун ўтди. Етти йиллик мактабнинг бир қаватли биноси “П” усулида қурилган бўлиб, қачонлардир оҳақ билан оқланган деворларини ёмғир ювиб, баъзи жойлари палахса-палахса бўлиб кўчган, хом гишталари кўриниб турар, пойдевори зах, пастқам деразаларининг ойнаси синган, кўзларига ёстиқ тиқилган, латта илинган, фанер қоқилган, томи қамиш билан ёпилган, ичидаги хоналарига пол қоқилмаган, парталар бир четда қалашган, ҳеч қачон қуримайдиган зах ерига похол ёйилган, устида тўшак-кўрпачалар ёнма-ён тўшалган, деворларга кино ва эстрада артистларининг расмлари қоқилган, иккита чопон кийган бетоб қиз мўлтираб ётишар, навбатчи билан Жасур кирганида, улар ўтирилиб, устларига жун аёл тортишди.

— Жойлари ана, — дея қизлардан бири Нозимахон ўрнини кўрсатди ва Жасурга синовчан назар билан тикилиб қолди. — Даладалар. Еттинчи бригада.

Раҳмат айтиб, Жасур билан навбатчи хонадан чиқиб кетишди.

— Еттинчи бригада қаёқ томонда? — сўради Жасур сигарета туташтириб.

— Бу томонда, — деди навбатчи йигит Жасур келган, икки томонида яккам-дуккам тераклар экилган йўлни кўрсатиб. — Беш чақирим. Борасизми?

Жасурнинг боргиси келар, лекин дабурустдан талабалар ичига кириб бориб, Нозимахонни ҳам, ўзини ҳам мулзам қилишдан ийманар, баҳона ахтарар, нима қилишни билмас эди.

— Қайдам, — деди Жасур мужмал. Жасур атайин келганини Нозимахон билишидан оринар, ўзини манзара чизиш учун келган рассом, учрашув ғирт тасодифдек чиқишини истар, аммо шунинг билан бирга барибир нияти пайқалиши муқаррар эканини ҳам инкор қилмас эди. Шунинг учун биринчи бўлиб ўзи

дуч келишини истар, унда учрашув ғаразсиз, табиий чиқишини чамалар, мақсади мумкин қадар кечроқ аён бўлишини хоҳлар эди. Ҳарҳолда ўйлади Жасур, ўзини бир оз лоқайд кўрсатиши, бу ерларга келиб қолиши ҳам, учрашиши ҳам тасодифдан бошқа нарса эмаслиги деб йўл тутиши лозим. У ёғи нима бўлади — вазиятга ҳавола. Қалтислик туғилса, шунчаки номига битта-иккита эскиз чизади-да, келган йўлига қайтиб кетаверади. Тиришса, Самадга нисбатан хиёнат бўлиб кўринади. Самад кеча аниқроқ айтмади-да, масала мавҳумлигича қолди, Жасур дангал сўрашдан орийат қилди. Бироқ Самад “Ўзидан сўранг”, деди, бу — очиқдан-очиқ мулоқот қилавер, дегани. Бир қишлоқлик бўлишгани учун Самад Нозима билан шунчаки танишдир, бегона шаҳарда ўз юртдошига кўрсатиладиган оддий ғамхўрлик, авайлаш-асраш туйғусидир?

— Ана, арава келди, — деди навбатчи йигит йўлга қараб. — ҳозир дала шийпонига овқат олиб боришади. Хоҳласангиз, сиз ҳам юринг, ярим соатлик йўл.

Улар темир ўчоқларда тушлик овқат тайёрланаётган “ошхона” томон жилишди. Аравакаш от қўшилган аравадини ўчоқ олдида тўхтатиб, ўзи сакраб тушди, ошпаз йигитлар ва Жасур билан мулозаматли кўришди. Аравага овқат солинган флягаларни орта бошлашди.

— Овқатга-а! — дея навбатчи йигит бақирди ва мактаб биносидан далага чиқмаган бетоб талабалар, шарпадек чиқа бошлашди — ҳаммаларининг қўлида коса-кострюллар, ёғоч-алюмин қошиқлар бор эди.

Флягалар ортилган арава дала йўлига тушди, Жасур шошмай арава орқасидан юрди.

— Аравага чиқинг, — деди аравакаш, — гаплашиб кетамиз.

Жасур аравага чиқиб, шотисига ўтирди ва ярим соат ўтар-ўтмас “шийпонга” етиб боришди. “Шийпон”, дейилиши шунчаки ном бўлиб, канал бўйида ўсадиган икки жуфт толдан бўлак ҳеч нарса йўқ, сал нарида темир тарози турар, юзи аралаш рўмол танғиган қизлар кирза этикларда пайкалдан шошмай чиқиб келишар, пахтазор эгатларининг олис-яқинида бири эгилиб, бири туриб терувчи талабаларнинг телпак кийган, шарф ўралган бошлари қорайиб кўринар, фақат разм солганда, уларнинг ғимир-ҳаракати сезилар, ҳуштак-қаҳқаҳалар эшитилар эди.

Жасур аввалига альбомини очиб, қалам билан кўринган нарсаларни қоғозга тушира бошлади.

“Шийпонда” ҳали тўртта-бешта қиз-йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ, улар тарозига фартуқларини қўйиб, пахта торттиришар, табелчи дафтарига ниманидир ёзар, даладан талабалар чиқиши жадаллашар эди, пахта торттирганлари канал томон ювиниш учун кўтарилишар, ювиниб келганлари алюмин мискаларини тутишар, ошпаз йигит бир чўмич суюқ овқат қуйиб, навбатдагисига қарар эди.

Пул берса ҳам Жасур бунақа овқатни емас эди, ачиган карамнинг ҳидидан қочиш учун у сепойини четроққа ўрнатиб, холст-матосини мустаҳкамлаштирди. Жасур Нозимахон важидан келганини ҳеч кимга айтмади, талабалар кўлларида чала ичилган мискалар билан рассом атрофини қуршашди, Жасурдан нималарнидир сўрашди, бироқ Жасур ўқтин-ўқтин пайкал томон назар ташлар, мўйқалами шунчаки матога бўёқ суркар, биринчи қарашда нималигини ҳеч ким аниқлай олмас, Нозимахон эса ҳамон кўринмас, Жасур негадир асабийлашар эди. Уч йил бурун бўлса ажабмас, деб ўйлар, идиш-товоқларини карам шўрвага тутиб турган талабалар ҳолатида қандайдир маҳбуслик аломатлари кўринар, ўқиш-машқларидан айрилиб, бу далаларда эгилиб юрганлар олдида негадир ўзини айбдор сезар, сиқилар, чораси йўқлигидан хуноб бўлар эди. Ҳукумат яхши тўласа, деҳқонларнинг ўзлари пахтани йиғиштириб олишади-ку, нега талабаларни билимдан айириш керак, деҳқонлар шаҳар бозорларида пиёз-сабзи, қовун-тарвуз, картошка-карам сотишга мажбурлар. Талабалар теримга жалб қилиш тадбири, акасининг айтишича, деҳқонларга бериладиган маблағдан ўн чандон қимматмиш. Бу қанақа иқтисод? Ўқишдан ажратиш, овқат, транспорт ва айниқса, қанчадан-қанча ёшларнинг касалга чалиниши — ким бунинг ҳисобини қилади? Ким жавоб беради? “Меҳнат fronti!” деб қариллашади. Қудрат акаси “геноцид”, дейди, ёмон сўз бўлса керак.

— Мана, Афзалова терган, — дея бир нимжон йигит ярим фартук пахтани тарозига қўйди. — Ёзиб қўйинг.

Жасур Нозиманинг фамилиясини билмас эди, лекин қанақадир ички сезги билан пайқадики, Афзалова — ўша Нозимахон, чунки далада ундан бўлак ҳеч ким қолмаган, ҳойнаҳой ўша Нозимахон, деб ўйлади ва тахмини хато чиқмади — тез орада ўзи ҳам кўринди: юзида офтоб-чангдан сақлайдиган докадан ниқоб, боши пешанатомоқ аралаш дурра билан тангилган, устида спорт кийими — онаси ҳам танимаслиги мумкин эди. Бироқ ҳеч нарсага парво қилмай келаётган виқорли қиз Нозимахон эканига Жасур шубҳа ҳам қилмади. Дока остида яширинган қош-кўз, бурун-лаб, юз чизиғи Нозимахоннинг Жасурга таниш қиёфаси сезилар, ниқоб остидан ҳам кишини маҳлиё этар, алақандай сир ёйилар, кўзи тушган одамда пардани очиб кўришдек завқ уйғотар эди; бундай ниқоблар бошқа қизлар юзида ҳам бўлиб, ҳамма бунга ўрганиб кетган, ҳеч ким эътибор бермасди ҳам.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора, бири товоқ-қошиқ ювар, бири овқатланар, кўплар тарвуз ёриб ейишар — Афзалова пайкалдан чиққанига эътибор ҳам беришмади; қиз юзидаги ниқобни ечиб, Жасурнинг ёнидан канал томон ўтиб кетди; Жасур ҳозир бошқача кийимда бўлгани учундир — танимади ҳам, янги одамга бир қиё боқмади-да, йўлида давом этди, ҳатто Жасурнинг умидли

табассуми ҳам қизга таъсир қилмади. Жасур серрайиб қолди, мулзам бўлди. Неча юз километр йўл юриб, шу қиз, деб келса-ю, қиз ҳатто танимаса — ғалати вазият туғилди. Бирон совға олиб келмаганига энди пушаймон бўлди, Самад бериб юборди, деб топширар, шу баҳона билан таниш эканликларини эслатар эди.

Юз-қўлини ювиб қайтаётганида Нозимахон кетидан Жасур, "Самад салом айтиб юборди", деб овоз берди, Нозимахон ўтирилиб Жасурга савол назари билан тикилди.

— Самад?

— Ҳа, Самад, — деди Жасур ўзини бепарвороқ кўрсатиб.

— Танийсизми?

— Сизни ҳам танийман. Айниқса, ашулангиз эсимда.

Нозимахоннинг дилида қизиқиш уйғонди.

— Ҳа-а... — Нозимахон Жасурни эслай бошлади. — Сиз ўшанда йиғловдингиз, а? Исмингиз эсимда йўқ, кечирасиз.

— Жасур, — деди Жасур исмини айтиб, йиғлаганидан мулзам бўлди.

— Ҳа, ҳа! Жасур, — деди Нозимахон. — Ҳаммомга ўхшаган бино қурдираётган эдингиз, битдими?

— Битай деб қолди. — Қизнинг ҳаммом билан солиштириши Жасурга ғализ ботди, лекин у ранжиганини сездирмади. Ўшанда жуда мароқли бўлувди, ҳали ҳам ёдимда. — Жасур бу рағбатли иловаси билан Нозимахон ўтиришнинг маркази бўлганини таъкидламоқчи бўлди, бироқ бунга қиз эътибор бермади, унинг учун оддий ҳол эди.

— Самад юриптими? — деди Нозимахон ноқулай вазиятни аритиш учун.

— Юрипти, келмоқчи эди, иложини топа олмади, — деди Жасур ёлғон сўйлаб. Самад салом йўллагани ҳам йўқ, қолаверса, Жасурнинг бу ёқ томонларга отланганини билмайди ҳам.

— Уларни пахтага жўнатишмадимми?

— Жўнатишгандир, — деди Жасур ўзи тўқиган афсонани оқлаш ниятида. — Самадни олиб қолишди, еттинчи ноябргача қурилиши битиши керакмиш.

Нозимахон сал жонлангандек кўринди, Жасур Самад ҳақида гап очганидан пушаймон ҳам бўлди, бироқ бошқа важи ҳам йўқ эди, энди тоқат қилишга мажбур эди.

— Ижод қилгани чиқибсиз-да, — деди бир оз сукутдан кейин қиз Жасурнинг эскизига ишора қилиб. Жасур бўйинини қашлади. — Дастурхондай жой, на дарёси, на тоғи бор, — деди қиз атрофга ғаш назар ташлаб. — Нимаси сизни маҳлиё қилди?

— Ҳар бир жойнинг ўз фазилати бўлади, — деди Жасур. — Гап кўра билишда. Биёбонни шунақа тасвир қилиш мумкинки, ўнта тоғдан виқорли кўринади, — дея гўё бу нафис мулоҳазасидан уялгандек Жасур бошқа мавзуга ўтди: — Овқат совиб қолади, бориб енг.

— Овқатим ёнимда, — деди Нозимахон дўнг чўнтагини шапатайлаб, — Бўтқасини емайман. Сиз-чи?

— Қорним очгани йўқ, — деди Жасур бироқ карам шўрва татигиси ҳам келмаганини айтмади.

— Туш пайти, бирга тамадди қилиб оламиз, — дея Нозимахон Жасурнинг хоҳишини ҳам сўрамай чўнтагидан пакетни олди, иккинчи чўнтагидан кофе қуйилган кичик термосчани чиқарди. — Қопқоғидан ичамиз.

Жасур йиғма стулчасини очиб, қулайроқ ерга қўйди.

— Ўтиринг, — деди Жасур ўзи тикка қолиб. Нозимахон йиғма стулчага ўтирди ва иккала тиззасида термосни қимтиб, пакетни очди, орасига пишлоқ тиқилган ноннинг бирини Жасурга узатди, иккинчисини тишига қисиб, қопқоққа кофе қуйди, "Шакари ичида", дея кофе қуйилган пластмасса қопқоқни Жасурга узатди. — Аввал ўзингиз, мен кейин, — деди Жасур ўнғай-сизланиб.

— Сиз меҳмонсиз, олинг.

Ийманиб, Жасур кофени олди ва ҳеч нарчасиз келганидан хижолат бўлди. "Шаҳардан қуп-қуруқ келиб, бу шўрликнинг ризқини яримта қилаяпман, эшшакман", деди ичида Жасур, ўзидан ўкиниб ва қизнинг олдида ўзини сўтак ҳис қилди. "Агар қолсам, тумандан харажат қилиб келаман, қолмасам, ташлаб кетаман".

Тамадди тутади. Нозимахон кўкрак чўнтагидан фильтрли сигарет чиқариб, Жасурга тутди. Зиёфат куни Нозимахон чекмовди — ғалати кўринди.

— Менда ҳам бор, — дея Жасур ёнидан дарҳол сигарет олди ва кўпроқ Нозимахоннинг бу ҳаракатидан хавотирлангандек, атрофга қараб олди. — Меникидан чекайлик.

Нозимахон Жасур тутган пачкадан битта сигарета суғуриб, туташтирди, Жасур гугурт тутишга улгурмади.

Нозимахон икки бармоғи орасига сигарет қимчиб, икки-уч марта чуқур тортди. Унинг авзойида чекишини атрофдагилардан яшириш, бирон ишни хуфия қилиш нияти умуман сезилмас, қиз ҳеч кимдан тап тортмагандек, ҳатто писанд қилмагандек кўринди Жасурга ва шу, мағрурдек туюлган хулқи Жасурни нафақат хафсаласини пир қилмади, аксинча ҳавасини уйғотди. Шундай виқорли, сулув қизнинг дала бўйлаб заҳда юриши Жасурга гайритабиий кўринди, қутқариб олиб кетгиси келди. Жасур беихтиёр Нозимахонни Барно билан таққослай бошлади. Албатта, иккалови гўзал ва гўзаллигини биладиган аёллар, бироқ Нозимахоннинг маслағи, ўзини мустақил тутиши, икир-чикир, фисқу фасоддан баландлиги уни Барнодан юқори қўяр, бунақа зот майлига муносиб бўлиш, етишиш ўта маҳол туюлар, агар етишса — буни омад, бахт дейиш ҳам мумкиндек эди. Нимаси билан Самад шундай, қиё боқмайдиган қояни ишғол қилди экан?

Тафовут ҳаддан зиёд даражада-ку. Балки ораларида ҳеч нарса йўқдир? Шунчаки бир юртли бўлганликлари учун иноқдирлар, холос? Самад тайин бир нарса демади, мужмал гап билан чекланди, бу — айтармикан? Авзойидан айтиши ҳам мумкин, ориятни ўзича тушунади, сохта ибо, ясама иффат — умуман риёкорлик бунга ётдек кўринади. Қанақадир овруполик хулқ. Наҳот орамизда шунақалар ҳам бор? Жасур талмовсирагандек бўлди, ўзи учун Нозимани муяссар бўлиб бўлмайдиган даражада сезди, ҳатто дилига таҳлика, чекиниш туйғуси ҳам оралагандек туюлди.

Жасур чала ишланган мато ўрнига янгисини кўйиб, кўмир қаламда Нозимахоннинг тасвирини чиза бошлади. Қиз буни сезди, бироқ қиёфасини ўзгартирмади ҳам, ҳатто чекаётган сигаретасини ташламади.

Агар қиз билан Самаднинг ораларида бирон илиқлик бўлса, Нозимахон Самадни умуман суриштирмаган, тортинган бўлар эди, у эса қуруққина, Жасур "салом айтиб юборди", дегани учун сўради-қўйди. Масала барибир очилади, Жасур шошмасликка қарор қилди. Ягона чораси — қизнинг юрагига йўл топиши қолди. Икки-уч марталаб бўлса-да тасвирини ишлаши, расм жуда таъсирли чиқиши, шу орқали қизнинг ҳавасини уйғотиш, уйғотгач, Жасур ўз майлига буриши мумкин — ўшанда ҳам бурилса. Энг муҳими — Самад билан аҳду паймони бўлмаслиги шарт, акс ҳолда Жасурнинг ўзи панд еб қолади, номи булғанади.

15

Ёдгорнинг хотини Зумрад ҳомиладор бўлишига қарамай, чидай олмади, уйдан чиқиб кетиш пайига тушиб қолди. Шу қарорга келгач, у ҳам эрини тўғатмай қўйди — эрталаб ишига кетар, кеч қайтар, эри уйда бор-йўқлиги билан қизиқмас, Ёдгор шаҳрдан қайтмаса, ҳатто суриштирмас, унча-мунча уй юмушларига уннар, ўқувчилар дафтарларини текширишга ўтирар, қайнонаси Зарифа хола билан муносабати совуқлаша бошлаган, жуда кам гапирадиган Зарифа хола бирон нарса сўраса, қисқа-тўмтоқ жавоб берадиган бўлиб қолди. Келинининг бундайлигини Зарифа хола ўғлининг хулқидан кўрар, бироқ қанча "йўлга солмасин", ўғли тил учида кўнса-да, амалда бўйин товлар, ҳаёт йўсини ҳам, хотинининг қилмиш-атвори ҳам унга ёқмас, эриш туюлар, кўз ўнгидан Барнонинг қиёфаси кетмас, ишининг тайини бўлмагани учун Афғон жамоа ташкилотига бориб жанжал кўтарар, пул ундирар, аламини ичкиликдан олар, пули йўқ пайтида акасининг уйдан чиқмас, уч-тўрт кун мобайнида "ўзига келар", яна пул ахтаришга тушар, Афғонда бирга хизмат қилган ошналаридан қарз олар, ўша куниёқ олинган қарзни ўша ошналари билан совураар, икки-уч кунлик ғизғизондан кейин яна

чўқар, жимиб қолар, аммо хотинидан пул сўрамас, онаси берса, индамай чўнтагига солиб кўяр, яна ҳамма нарса бошидан бошланар эди.

— Ул-бул нарса кўтариб кел деб пул берсам, сен ичиб келасан, ё гумдон бўлиб кетасан, — дея ёзғирарди Зарифа хола. — Менда пенсиядан бўлак ҳеч вақо йўқ. Сигир қисир, сути тортилиб қолган, емига ҳам етмаяпти. Жонга тегди. Ё қара молга, ё сот. Кун сайин озби кетяпти. Маърагани-маъраган.

“Сотайлик” дейишга Ёдгорнинг тили бормай юрувди, гап онасининг ўзидан чиққани маъқул бўлди, қассоб чақирса, нархини айтади, ё ўзи сотиб олади, бироқ Толиб қассоб чамалаган нарх Зарифа холага жуда кам кўринди, “Сотмайман”, деб айниди. Мол сотилмай қолди, пода ман қилингани сабабли, сигир хонаки бўлиб, олдига нима ташласа бир зумда шипшийдон қилар, яна маърар, қулоқни қоматга келтирар эди. Шунда Зарифа хола битта ўн беш яшар болага пул бериб, ўт юлдирадиган бўлди — бола велосипеда алақаёқлардан ўт ўриб келар, асқотар эди.

Лекин Зарифа холанинг азоб-изтироби бунда ҳам эмас, уни хуноб қилган нарса ўғлининг хулқи, келини билан мурасаси, тўғрироғи мурасаси ёмонлигида эди. Ёдгорнинг бунақа қилиғидан ориниб, Зарифа хола келинига ширин сўйлашга, ҳатто хушода қилишга ҳам мажбур бўла бошлади, бироқ Зумрадхон қайнонасининг кўнглини сезса-да, бу нарса эрининг совуқ муносабатини қоламас, Зумрадхон ҳам икки-уч кун онасиникида қолиб кетадиган, охири пайтларда қолиб кетгани учун кеचирим ҳам сўрамайдиган бўлиб қолди. Бир кунмас-бир кун ип узилиши тайин эди. Нима бўлмасин, омонат ип узилмаслигини сақлаб қолиш керак эди, акс ҳолда оилага доғ тушади, ўғли бебурд-бетайинга чиқади, одамларнинг ихлоси қолади, иснод бўлади, Ёдгор шу кўйга ўрганиб, хотин алмаштириш одат тусига киради.

Бироқ Зумраднинг тумтайишини қай йўсин билан қайтариш мумкин? Унинг айби нимада? Келин бўлиб тушганидами? Ахир ўзлари сўраб боришди-ку, ёқмаса, нега совчи қўйишди? Ёдгорга тегиш Зумраднинг ухлаб тушига ҳам кирмаган эди, ўпоқ-сўпоқ бўлиб нима қилди. Қайтса, онаси кўксидан итармайди, қайтага тўғса, боласига қарайди, беминнат яшайди, қачонгача эрининг қош-қовоғига қараб яшаш керак?

Умуман, Ёдгор нимасига кеккаяди? Топиш-тутишининг тайини йўқ, фироқ қилади, ичади, ҳафталаб ювинмайди, оёғи сассик, рўмолчаси билан ботинкасини артади, мастлигида қарияларга салом бераман, деб муккаси билан тушади, афт-ангори яра-чақа, кўзи қизил, овози хирилдоқ... Хотини чиройлик экан, нега мураса қилмади? Унинг ҳам жонига теккан-да, бўлмаса — иккиқат нарса — эрини ҳайдайдими? Зумрадхон ўзи учун ваз кўринган ҳамма далил-нуқсонларни йиғиб қараса, эри умуман ушлашга ҳам ҳазар қилинадиган бир палидга чиқди-қолди. Зумрадхоннинг шаштига куч қўшди.

Бир куни эрталаб уйдан чиқиб кета туриб қайнонасига:

— Ойи, тузингизга рози бўлинг, — деди. — Сизни кўзим қиймаяпти, лекин ўзиз кўраяпсиз, бошқа чидаш мумкин эмас. Ман энди қайтмийман. Ўшатта бўламан, ўшатта туғаман. Ўғлингиз энди изга тушмайдиганга ўхшайди. Олдинги келинингиз унаса, яраштириб қўйинг, эсидан чиқара олмаяпти. Менга жавоб.

— Ихтиёрингиз, қизим, — дейишга мажбур бўлди Зарифа хола. — Алоқаларингиз ямалмади. Сизда айб йўқ. Ўз раъингизга қаранг? Ҳомилалик нарсасиз, қутулиб олинг. Ёдгор ҳам, Жасур ҳам изидан чиқиб кетишди, қандай қайриш лозим, ақлим етмайди, тўзим берсин. Олдинги ҳовлига қайтманг, ўянли бўлади.

— Қайтмайман, уларга ҳам бегонаман. Онам бор, сингиларим оёқ-қўлли, умри билан берса, бола эрка ўсади.

— Ниятингизга эришинг, қизим, биздан ёзғирсангиз — майли, ҳаққингиз бор.

— Ёзғирмайман, — деди Зумрад кўзига ёш олиб. — Пешанам шунақа экан. Хайр.

Ёдгор кечкурун келганида уйи қоронғи эди, дарров сезди.

Онаси бир коса овқат қўйди, Ёдгор сўрамаган ҳам. Бу гал кайфи йўқ эди. Овқатдан бир оз татиб, хонасига кириб кетди, чироқ ёқмади. "Газсантехмонтаж" трестда электриклик вазифасини бажаради, Афғон қатнашчиси бўлгани учун уни дарров ишга олишди, ҳатто ётоқдан жой ҳам беришди. Аввал ҳам Ёдгор электриклик ишини бажаргани туфайли бу юмуш унга таниш, қолаверса, трестнинг вазифаси асосан газ-сув ўтказиш бўлиб, электриклик шунчаки ёрдамчи хизматга кирар, иш ҳам унча кўп эмас, Афғон қатнашчиси учун қўшимча даромад берадиган масъулиятсиз вазифа эди. Фаза нималигини билса кифоя, қолганини ўрганиб кетади, дейишди трест раҳбарлари. Албатта, кўп сафдошлари орасида Ёдгорнинг иши амал эмас, даромади ҳам ойлик маоши холос, ўз вақтида даъво қилганида, Ёдгор ногирон, тузукроқ иш беришар эди. Кўп танишлари шу ҳуқуқидан фойдаланиб, биттаси бозорком, иккинчиси омбор мудир, яна бири экспедитор бўлиб ишлашар, топиш-тутишлари ҳам шунга яраша эди. Ёдгор институт можаросидан қутулиб қолганига ҳам шукур қилади, яна нима керак? Қамалиб кетиши ҳам мумкин эди. Хайрият, иши судга оширилмади, хайфсан эълон қилишди — вассалом.

Ёдгор шифтга тикилиб ётар, хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмас, дили хуноб эди.

Бироқ янги ишга чалғигани учун Ёдгор тез-орада кўп нарсаларни унутди, яна ҳоҳолайдиган, унча-мунча омадсизликларга парво қилмайдиган бўлиб қолди. Бир куни будқасида Парда Турсуннинг "Ўқитувчининг йўли" номли китоби ётган экан, Ёдгор бошқа юмуши бўлмагани учун шу китобни ўқиб чиқди, ўқиб чиқа олганидан ўта шодланди, ким билан суҳбат қурмасин, қанақа

даврага тушмасин, албатта "Сиз шу китобни ўқиганмисиз? Ажойиб нарса экан!" дея кўпларнинг бошини қотириб юрди. Гап Ёдгор ҳақида кетса, ҳатто Ёдгорни танимайдиганлар ҳам "Ўқитувчининг йўли"ми? — деб унинг довдирлигини эслашадиган, мазах қилишадиган бўлиб қолишди. Бу гаплар Ёдгорнинг кулоғига етса, етса-да у бунга парво қилмас, ҳатто китобни газетага ўраб, кўлтиғида олиб юриш одатини чиқарди. Ким биландир гаплашса, албатта "Ўқитувчининг йўли" тилга олинар, далил сифатида Ёдгор кўлтиғидаги китобни чиқарар, ҳатто ўқиб чиқиш учун вақтинча бериб турар, ҳафталаб-ойлаб китоб олган танишини топа олмас, бир неча марталаб уйига бориб, эшигини қоқар, китобни олмагунича кўнгли ўрнига тушмас эди. Ётоқхонада илиқишиб қолган Кларага ҳам ўқиб чиқишни айтди, лекин у "Ўзбекчага тишим ўтмайди", дея китобни олмади ҳам.

Ёдгор Москвадан кўчиб келган Қудрат акасига ҳам китобни мақтади:

— Албатта ўқиб чиқинг, ака.

— Ўқиганман, чакки эмас, лекин дунёда қанақа яхши китоблар бор, — деди Қудрат ака, — битта китоб ўқиб чиққанинг кифоя эмас, китобга ҳавасинг ошипти, яна ўқи, тасаввуринг ошади.

— Айниқса, боланинг онаси дарахт остида ўлиб қолади-ку, ўша боб жуда таъсирли ёзилган, йиғлаб юбордим. Эсингизда бўлмаса, ўқиб бераман.

— Йўқ, керакмас, эсимда, — дея Қудрат ака аранг қутулди. — Сен менга бошқасини айт: иккита хотиндан ажралибсан, — иккалови билан ярим йил туриб-турмай — иккови ҳам ҳомиладор экан. Энди учинчиси билан яшаётганмишсан. Буниси ҳам ҳомиладорми?

— Тўрт ойлик, — деди Ёдгор яширмай.

— Буниси ҳам "пуф-сассиққа" чиқадими?

— Китобни топиб бердим — русчасини, барибир ўқимади.

— Шунинг учун уни ҳам думини тугмоқчимисан? — сўради Қудрат ака энсаси қотиб. Ёдгор индамади. "Демак, буниси билан ҳам ажрашмоқчи", деб ўйлади Қудрат ака. Китоб ўқимаганини укаси важ қилиб кўрсатиши Қудрат акани қондирмади, қондирмадигина эмас, дилида аланечук гулгула уйғотди — ақли жойдамикан? Руҳи силжимаганмикан? Далиллари ҳуда-беҳуда. Жиддий одам бунақа баҳона келтирмайди. Аслида укаси ҳовлиқмароқ эканини билар ва бу хусусиятини хулқидан, феъли-атворидан, деб фараз қилар эди, бироқ ҳозирги гапи — даъвоси Қудрат акани ўйлантириб қўйди. Укаси Жасур ҳам қолипга сифмайдиган ҳаракатлар қилишга қодир. Наслий нарса эмасмикан? Дадаси ҳам довдирроқ, пала-партиш, мантиқсиз ҳаракат қиладиган одати бор эди. Онаси эридан шикоят қилар, ёзирар эди. Демак, бу ўзгаришларнинг томири бор, ген таркибида сақланиб қолган экан-да, айниш жараёни бежиз эмас экан-да. "Балки бу жараён менда ҳам кечаётгандир, фақат сезмаёт-

гандирман?" Одатда, бунақалар руҳида кечаётган ўзгаришларни пайқашмайди, ўзларининг амал-ҳаракатларини мутлақо тўғри, деб билишади, эътироз-танқидни кўтаришмайди, фақат мақтовни тан олишади. Ким мақтаса ўша энг яхши, одил одам. Ҳатто ашаддий душмани дўстига айланиши мумкин. Мақтаса, кўкларга кўтарса, рағбатлангирса бас. Ёдгорга ўхшаб ўта худбин, баъзи ҳолларда сентиментал, хаёлпараст ва талантли бўладилар. Даҳо-генийлар бунақалар орасида тез-тез учраб туради.

Айни бир пайтда хотини уйда йўқлигига Қудрат ака хайрият қилди, укасининг бу йўсиндаги "далилларини" эшитса, хаёлига нималар келиши мумкин эди.

Ёдгор акасининг дилига гулгула солиб, уйдан чиқиб кетди. Қудрат акасининг мулоҳазалари, укасини "исканжага" олиши Ёдгорга ёқинқирамади, ҳафсаласи пир бўлди, анча пайтларгача қорасини кўрсатмай юрди. Клара билан муросаси ҳам ғашини келтирадиган бўлиб қолди. Аввал, биринчи танишган кезлари Клара — кўзи мовий қиз — кўп жиҳатдан Ёдгорга жуда ёқиб юрди. Ақли-хуши, феъл-атвори, суҳсурлиги — ҳаммаси йигитга маъқул тушди, Ёдгор "уйлансак", демади, "Бирга яшасак, турмуш қурсак, алоҳида хона беришармиш", деди, Клара узоқ ўйлаб ўтирмай, дарров рози бўла қолди, ҳатто Ёдгорнинг бурунги турмушини суриштирмади ҳам — унга барибир эди. Ваъда қилинган хонани олишди. Бироқ ошхона ҳам, туалет ҳам, душ-ванна ҳам — умумий эди. Бола туғилса, анча ноқулай бўлади, қийналишади, балки ижара излашга тўғри келар.

Клара тукқан бола қизча бўлиб, қуйиб қўйгандек Ёдгорга ўхшар, фақат эти оқ, кўзлари онасиникидек мовий эди, исмини Ёдгор Комила, Клара Камила деб аташар, истарали қизча чиқди.

Кунлардан бир куни Май байрами муносабати билан ётоқ ҳовлисида кеча ўтказилди — Ёдгор динамиклар ўрнатди, чироқлар улади; пул йиғишиб, столларга ноз-неъматлар тортишди, зиёфат тугамай танцага туришди — ўзбекча, русча қўшиқлар янгради, рақсга тушишди; бир рус йигити Кларани танцага тортди, Ёдгор тиззасида Комила билан қолди. Рус йигити танца пайтида Кларанинг қулоғига нималардир дер, Клара бошини орқага ташлаб кулар, танца зарбида айланишар, қизнинг юзи — ҳаракатданми, шампанданми ёки йигитнинг сўзлариданми — қизарган, ёйилиб кетган сочлари ҳилпирар, юз-кўзини тўсар, Клара эса завқ-мароқдан атрофдаги ҳеч нарсани кўрмас, унга ҳозир шу гирдибоддан бўлак ҳеч нарса керакмасдек эди. Ёдгорнинг кўнгли ғаш тортди, Кларанинг шодлиги унга ғализ ботди, қўлида боласи билан бориб, уларни айириб юборгиси, ҳатто йигит билан олишгиси ҳам келди. Ўзини тутди, тўла стакан ароқ қуйиб ютди, лабини енги билан артди, яна жойига ўтирди. Эрининг авзойидан ҳайиққан Клара, кавалерини ташлаб, Ёдгорнинг ёнига келди, боласини қўлига олди. Ёдгорнинг табиати айний бошлаган,

ҳозироқ жўнаб қолиш керак эди, Клара эрининг тирсагидан тутди — Ёдгор чайирлик қилмади, йиғилганлар томонига ўқрайиб бағрига бола босган Клара билан хоналарига кириб кетди. Бироқ ярим соат ўтар-ўтмас, Ёдгор базмга қайтиб чиқди, Вадим билан орани очиқ қилиши керак эди. Ёдгор мушт кўтариши биланоқ забардаст Вадим Ёдгорни қўллари аралаш маҳкам кучиб олди, Ёдгор ҳарқанча типирчилмасин, қўлидан ҳеч нарса келмади, фақат Вадимнинг бурнига калла қўйиб, тумшурини қонатди. Вадим шунда ҳам уришмади, Ёдгорни четга итариб, ювингани кетди. Базм тўхтаб қолди.

Ёдгор нафратини нима қилишини билмай, хонасига қайтди, Кларанинг юзини моматалоқ қилиб, чиқиб кетди. Комила бифиллаб қолди.

Ўз номидаги уйда уч яшар ўғилчаси билан Барно яшайди, акасининг уйи энди банд, сал аразлаб чиқиб кетганига анча бўлди, Ёдгор ётоқхонада жанжал кўтарди, Кларанинг юзига мушт туширди (аёл кишини биринчи марта уриши эди), ҳамманинг кўз ўнгида яшаши ноўрин, истиҳола қилади, қаёққа боради? Бир ҳафта бўлса ҳам онасиникига бориб туришга, ўша ердан ишига қатнашга мажбур. Зарифа холанинг бунга кўзи учиб тургани йўқ, борса яна ёзғиради. Ёдгор бир соатча тунги кўчаларда санғиб, яна ётоққа қайтгиси келди, келди-ю жанжал чиқишидан чўчиди — ётоқдагилар Ёдгорни ўртага олиб, хулқини “муҳокама” қилишлари, ҳатто милицияга топшириши ҳам мумкин, безорилик қилгани учун ишдан бўшатишлари муқаррар, йўқ, ётоқхонага қайтиб бўлмайди, ижара олмаганига Ёдгор пушаймон чекди, ҳамма гап ораларида ўтар, ҳеч ким буларнинг турмушига аралаша олмас эди. Энди битта чора — Дўрмонга қайтиш, онасининг таъналарига чидаш, босди-босди бўлмагунича, ўша уйда писиб ётиш, ҳатто Қибрайданми, Дўрмонданми биронта иш ахтариш эди.

Дўрмонга бора-боргунча Ёдгорнинг кўз ўнгида Клара билан Вадимнинг танца тушгани, Вадимнинг гапларига Кларанинг кулганлари нари кетмади. У йигитни Ёдгор аввал-охир кўрмагани, қатган пайдо бўлди, ким уни қақирган, нега бировнинг хотинига ёпишади, йўлдан уради — Ёдгор билмас, Кларага ҳам, Вадимга ҳам бўлган нафратини тия олмас эди. Мана, жаҳл устида чиқди-кетди, балки уларга шу керақдир, ҳозир ҳеч ким ҳалал бермайди, ўтиришгандир апоқ-чапоқ бўлиб? Ҳамма иллат Кларада, кўз сузмаса, йигит илакишмасмиди? Тўғри, Клара туққандан кейин, этига жир битиб, ҳусни янада очилиб кетди, кўзга яқин бўлиб қолди; “даҳага” кирган пайти, ўнта йигитга бас келади, балки Ёдгор Кларага камлик қилаётгандир?

Ёдгор шу йўсиндаги хаёллар билан ўзини қайрар, уларга гижгилар, ўч олгиси келар эди. Аммо Вадимдан қандай ўч олади, азамат йигит, қўққисдан қўли тегиб кетса, одамни қулатади. Айғир! Кўп қизларни шунақалар йўлдан оздиради-да. Бироқ Кларанинг ўзи ёқимтой, ширин нарса-да, кўча-қўйда хотини би-

лан кетаётган кишилар ҳам албатта унга кўз ташлайди, дили кетади.

Эшик тақиллаганини эшитиб, энди кўзи илинган Зарифа хола ҳовлига чиқди.

— Ким?

— Мен, — деди Ёдгор эшикнинг ортидан ва йўталди.

— Тинчликми? — деди Зарифа хола эшик илмоғини очиб.

— Тинчлик. — Ёдгорнинг овозидан тинчлик аломати сезилмади.

— Нега ярим кечаси келдинг?

— Келдим-да, ўз уйим, ҳаққим йўқми?

— Агар ажалимдан беш кун бурун мени адо қилмоқчи бўсанг, муродингга етасан, — деб Зарифа хола тўнғиллади ва эшикка илмоқ солди. — Қорнинг қанақа? Бирон нарса ейсанми?

— Қорним тўқ, зиёфатдан келаяпман, — деди Ёдгор негадир онасига киноя қилгандек.

— Демак, биронта можаро чиққан, — деди дарҳол онаси.

Ёдгор онасининг таънасига индамади, лекин эртага барибир айтишга мажбур бўлади — айбни кимдандир кўриши керак-ку. Яна ёзғириш эшигади, яна ўзини оқлайди. Нима ҳам деб ўзини оқлайди? Хотиним нотаниш йигит билан танца тушди, муштлашдим, уйдан чиқиб кетдим, дейдими?

Онаси ўғлининг важига кўнмайди, айбни ўзига тўнкайди, яна хуноб бўлади, фифони чиқади.

— Ярим йилдан буён қадам босмайсан, ишқал бўлмаса, бутун ҳам келмасдинг, — дея онаси ўз хонаси томон кетди.

“Ўз уйимга ҳам сизмай қолдим, — ўйлади Ёдгор бир ўзи қоронғи ҳовлида, — онам ҳам безийди”.

16

Агар иш тивиз бўлса, Ботир Рустамов енгилроқ операцияларни — йиринглашган яра, ҳатто аппендицит билан келтирилган беморларни ёрдамчи ассистентларига топширар, мураккаб касаллар билан — мияни, юракни, ҳатто ўтни, буйракни, ёмон шишларни — ўзи операция қилар эди.

Барно ҳам ўндан ортиқ операция ўтказди, қўли келиб қолди, биронта шикоят олмади, ҳатто ординатор-қўмақдошлари ҳам уни доктор дейдиган бўлиб қолишди.

Меҳнатида фаолиятли босқич бошлангани Барнони қувонтирар, бироқ махсус маълумоти йўқлиги унинг имкониятларини чеклар, Барно институтга кириш зарурлигини сезар, шу билан бирга уч ёшга кириб қолган ўғилчаси Акмалнинг тарбияси, болалик бўла туриб, ўқишнинг урдасидан чиқа олишини ҳам ўйлар, кўзи етмас эди. Тўғри, амалий жиҳатдан маълум тажриба орттирди, ҳатто медицинага оид журнал-мақоаларни доим ўқиб боради, лекин бу машғулотлар кўпроқ ҳаваскорликни эслатади, Барнога эса мунтазам, тартибли ва энг муҳими — назарий сабоқ

керак. Тиббий муолажа охирги пайтларда илдамлашиб бормоқда, махсус малакасиз, илмий ихтисоссиз бир қадам ҳам босиб бўлмайди, мутахассис тор тажриба доирасидан чиқа олмайди.

Бир гал Барно навбатчилик қилган куни профессор кабинетида алламаҳалгача чироқ ўчмади, бирон нарса керакмикан, деган хаёлда Барно кабинет эшигини очди — Ботир Рустамов иккала оёғини чалиштириб креслода ўтирар, кўзлари юмуқ, бармоқлари орасидаги сигаретдан толадек тутун тарқалар, кули тўкилай дер эди. Барно оёқ учида юриб, профессорнинг бармоғи орасидаги сигаретни авайлаб олди, кулдонга эзғилади.

— Эшикни очиб қўйинг, — деди Ботир Рустамов кўзи юмуқ ҳолда. Барно дарров англади.

— Эшик очик. — Не сабабдан профессор уйига кетмай бу кабинетда қолганини, мудраб ўтирганини аниқ билмаса-да, Барнонинг кўнгли ниманидир сизди — ҳойнаҳой уйида биронта жиддий можаро ўтган, акс ҳолда доктор сир бой бермас эди.

— Оғир касал келса, мени чақиринг, — деди Ботир Рустамов ҳамон кўзини очмай, — барибир ухламайман.

Барно “хўп”, дея кабинетдан чиқиб кетди ва профессорнинг “ухламайман”, дейишига қарамай, бир оздан кейин ёстиқ келтириб, диванга қўйди.

— Раҳмат, — деди Ботир Рустамович жойидан қимирламай.

— Соат икки бўлди, — деди Барно докторга қарамай, — икки соатдан кейин хўроз қичқиради. — Бу — “ухлаб олинг”, дегани эди, Ботир Рустамов индамади, “хонада якка қолдиринг”, деганимикан, Барно тушунмади, шунақа бўлса керак, деб ўйлади. ҳозир якка қолиш керақдир, асабий, нималарнидир миясидан ўтказаяпти, чоғи, майли, халал бермаганим маъқул. Эрталабгача доктор хаёлидан аримади — аҳволи танг кўринадди, бирон қарорга кела олмаяпти, шекилли.

Барно Ботир Рустамовнинг рафиқасини уч-тўрт марта машинасида кўрган — жуда чиройли, дид билан кийинадиган, тамонно жувон; ҳеч ким икки фарзандли жувон демайди, пардози сезилмайди, вазни олтмиш килодан ошмайди ҳам, камаймайди ҳам; қизи етти, ўғли беш ёшда, ўзбек тилида гаплашишмайди. Докторнинг оила ҳаёти ҳақида Барно ҳамширалардан эшитгани шу; умуман, улар теварак-атрофидагилар билан унча аралашимас, ўзларига муносиб эътибор-нуфузли одамлар билан мулоқот қилишар эмиш.

Ботир Рустамовнинг қўл остида ишлайдиган ходимлари билан муносабати текис, ҳаммага одоб доирасида қарайди, шунинг билан бирга ораларидаги масофани ҳам сақлайди, фақат сезишича, Барно учун андак истиснога йўл қўяди, буни Барно фаҳмласа-да, суиистеъмол қилмайди — кабинетига дабдурустан киравермайди, арзимас гапга тутмайди, четроқ туришни маъқул кўради. Бу тундаги ботиниши — навбатчилик вазифасидан келиб чиққан дадиллик, холос.

Бир куни ишдан кейин Барно касалхона дарвозаси ёнида одати бўйича машина кутиб турган Ботир Рутамовни кўрди — доктор ўн дақиқача аввал чиқиб кетган эди. Барно, индамай автобус бекатига ўтиб кетишни эп кўрмай, Ботир Рустамов билан яна хайрлашаётган чоғида таниш машина келиб тўхтади. Ботир Рустамов илдам бориб, машина эшигини очди. Рулда қорамтир кўзойнак таққан хотини ўтирар, у ҳиссиз равишда бир лаҳза Барнога тикилиб тургач, машинасини ҳайдаб кетди. Жувоннинг ўткир назарини Барно, ҳатто қорамтир кўзойнак орқали ҳис қилди, кўзи санчилгандек бўлди. Барно одобсиз, ноҳўя иш қилгандек қизариб кетди, аранг ўзига келиб, автобус бекатига кетди. Жувоннинг таъқибли нигоҳи ҳали-ҳали Барнонинг дилидан кетмайди, ҳатто кўрқади. Ўшанда жувоннинг кўзлари "Таъвия, сўқир кўзга сурма" дегандек туюлди, Барнонинг кўнглида унга нисбатан беихтиёр адоват уйғонди, нечундир докторни у жувонга рашк қила бошлади.

Яна бир ҳодиса бўлиб ўтди. Қиш палласи, бироқ ҳамон қор ёлмаган, хира кунларнинг бирида Барно коридор деразасида турган гулдонларга сув қуйиш учун графин кўтариб келди. Ботир Рустамов дераза орқали ташқарига қараб сигарет тутатиб турар эди, Барно гулларга сув қуя бошлади, иккинчи операциядан кейин хурург дам олаётгани учун Барно индамади.

— Расмингизни кўрдим, — деди Ботир Рустамов ташқаридан кўзини узмай. — Журналда. Исмингиз ёзилмапти, ўша сизми? Барно қизариб кетди.

— Гўзал, — деди яна Ботир Рустамов завқини ошкор ифода қилишдан тортиниб.

Барно бошини кўтармай гулларга сув қуяр, раҳбарининг мақтови дилига малҳамдек ёқар эди.

— Хатлар келгандир?

— Келди, — деди Барно гапни чўзмай.

— Рассом маҳоратли экан, танисангиз керак, албатта? — деди Ботир Рустамов ва Барно унинг овозида алланечук ҳавасга ҳам, ҳасадга ҳам ўхшаш оҳангни пайқади.

— Умаров. — Барно атайин ўзини унга дахлсиз кўрсатиш учунми рассомнинг исмини атамади, фақат фамилиясини айтди ва тахмини ростлигини Ботир Рустамовнинг кейинги саволидан англади.

— Қарими? — деди Ботир Рустамов.

— Йўқ, қари эмас, — деди Барно лоқайд оҳангда.

— Ёш бўла туриб, шундай маҳоратли, эҳтиросли экан, қойил. — Ботир Рустамов шу каби холис баҳоси билан ёш рассомнинг қобилиятини тан олишга мажбур эди.

Нега Ботир Рустамов гапни дабдурустан айни шу мавзудан бошлади экан, аввалига Барно тушунмади, кейин ташқаридаги рутубатли, хира ҳаво эслатган бўлиши мумкиндир, деб ўйлади. Шу

билан суҳбат тугади. Тугади-ю, Барнонинг дилини қалқитиб ўтди. Яна бир нарсага Барно эътибор берди: Ботир Рустамов сигаретини чекиб бўлиб, қолдигини гулдон тупроғига эзгилаб ўчирди. Ўчирдигина эмас — қанақадир қайсар ўжарлик билан уриб-суқиб ўчирди, бармоқлари учи тирноқлари аралаш лойга булғанди. Ботир Рустамов қўлини ювиш баҳонасида ижирганиб, ўз кабинетига кириб кетди.

Барно қўлидаги графин билан доктор орқасидан қараб қолди. Доим вазмин, ички туғёнини ҳеч қачон ошкор қилмайдиган, тоқатли Ботир Рустамов ҳозир саросимасини, асабини жиловлашга иродаси етмаётгандек кўринар, танг аҳволда қолганини эплай олмас, урдасидан чиқишга ожизлик қилар, ожизлигини яширишни ҳам истамагандек эди.

Нега рассомнинг ёшини сўради? Нима учун Барно уни таниш-танимаслиги ҳақида сўради? Аён нарса — албатта танийди-да, расмини ишлаган рассомни танимайдими? Нима мақсадда ўсмоқчилаб суриштирди? Балки ўзи танимайдиган бир рассомга гаши келаётгандир? Қизганаётгандир? Қизганса, у — ўтмиш-ку. Ҳозир нима аҳамияти бор? Афтидан, ҳозир ҳам алоқа давом этаётгандир, деб фараз қилгандир. Гаши-алами шундан бўлса ажабмас. Агар ҳозир алоқалар ипи узилганини билса, кайфияти ўзгарар, умид уйғонар. Бироқ нимага умид? Ботир Рустамов оилани, ўзига тўқис, хотини гўзал, кимларнинг дилини алғов-далғов қилмайди? Нега дили ёришмайди? Нега? Балки... Барно тахминга борди, бироқ тахмини рост чиқиши одида чўчиди ҳам. Унинг назарида бунақа бўлмайди, чунки бўлиши мумкин эмас. Хом хаёлга берилмаслик, фалақдан тушиши, қаттиқ ерни сезиши керак. Бироқ дилига оралаган майл, ҳиссиёт, алланечук тўлганиш, гаштли-ситамли зориқиш, хаёлини ҳеч қўйиб юбормайдиган аччиқ ва тотли интиқ — бунақасини Барно олдин кечирмаган, аммо кечиришдан чўчир, ҳайиқар, шунинг билан бирга кечинмалар ипини қўйиб юборишни ҳам истамас эди. Аввалги туйғулари жисмоний, эҳтиросли бўлса-да, бу каби беминнат, осуда ва тиниқ эмас эди — Барно уч яшар фарзандли, жуфтлик завқини сурган жувон, гангиб қолди. Ҳозирда унинг учун доктордан юксак ҳеч нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Лекин худбинлик, эришиш ва висол иштиёқи Барнони қизиқтирмас, Ботир Рустамовнинг борлиги унинг учун катта саодат эди. Албатта, у қўл чўзса, Барно уни итармайди, аммо ташаббус ҳам кўрсатмайди. Юлиш, чангал солиш, ямлаш — Барно учун ёт нарса.

Бироқ докторнинг оиласида нима ҳол юз берди экан? Нега касалхонада тунади? Нега авжи паст? Дикқат? Асабий? Ўзини тута биладиган Ботир Рустамов учун бу ҳолат фавқулодда ҳодиса. Ёрилармикан? Айтармикан?

У куни — касалхона дарвозаси олдига Назокатхон келиб, эрини машинасига миндириб кетгач, бир оз жимликдан сўнг, бир қараш-да оддий, шунчаки юриш чоғида гаплашиб кетадиган “суҳбат” бошланди. Авваллари ҳам Назокатхон эрини олиб кетар, ҳеч қачон машинадан тушмас, кўп ҳолларда Ботир Рустамов ҳамкасабалари, талабалари қуршовида бўлар, Назокатхон бунга эътибор бермас эди, бу гал эса Ботир Рустамов билан Барнодан ташқари — дарвоза орқали кириб чиқадиغان одамлардан истисно — атрофда ҳеч ким йўқ эди.

— Ёнингизда турган ким? — дея бепарвогина сўради Назокатхон ўшанда қора кўзойнак таққан нигоҳини йўлдан узмай.

— Қиз? — дарров тушунмай сўради Ботир Рустамов. — Ходимимиз, ассистент.

— Янги келганми? — билмагандек деди Назокатхон.

— Бир йилдан ошди, енгил операцияларни энди ўзи ўтка-заяпти.

— Ҳм, қобилиятли экан-да.

— Ҳа, уқувли, — деди доктор хотинининг гапидаги кинояга эътибор бермай.

— Чиройли экан.

— Муолажа қиладиган врач чиройли бўлгани маъқул, — деди Ботир Рустамов, — беморлар хунук, исқирт докторларни ёқти-ришмайди — психологик аспект.

— Профессорлар қуршови нозанинлардан иборат бўлиши ҳам психологик аспектми?

— Аҳамияти йўқ, “нозанин” бўлса-ю, вазифасини ёмон бажарса, ишга зиён. Биз малакани биринчи даражали, деб биламиз.

— Ҳам вазифасини удаласа, ҳам гўзал бўлса — яхши экан-да, — яна ўсмоқчилаб сўради Назокатхон. — Хаёлни олиб қочмайдиган.

— Нега бунақа гапларни бошладингиз? — деди доктор хотинининг саволлари тагида ғараз пайқаб. — Биринчи йил ишлашим эмас-ку. Нега бутун мунақа қизиқиш уйғонди?

— Уйда айтаман, — деди Назокатхон асабий жилмайиб. — Қизишманг.

Уйда ёланган тарбиячи болалар — Дурдона ва Лутфиёр билан инглиз тилидан машқ ўтказар эди, Назокатхон унинг борлигида эри билан можаро ўтказишни эп кўрмади, гап кейинга қолди. Лекин хотинининг феълини билган Ботир Рустамов барибир ишқал чиқишини кутар, аниқ айби аёллар билан боғлиқ эканини тахмин қилар, таъна Барнога бориб тақалишини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Бир неча кундан кейин, ҳеч ким йўқлигида Назокатхон эрининг олдига бир даста фото ташлади.

— Қайсиниси жазманингиз? — деди Назокатхон.

Ботир Рустамов расмларни кўриб чиқди — ҳаммасида Барно билан ўзи бўлиб, бирида Барно докторнинг пешанасидаги терни дока тампон билан артаётган, алақайси шифокорнинг туғилган куни муносабати билан ташкил этилган зиёфатида ёнма-ён ўтиришган, яна бир суратда Барно Ботир Рустамовга чой узатаётган пайтлари акс эттирилган бўлиб, бунда гумон қиладиган ҳеч қандай далил, исбот йўқ, лекин баҳона топмоқчи одам ўзича талқин қилиши ҳам мумкин бўлган оддий суратлар эди. Бу томонидан Ботир Рустамовнинг кўнгли мутлақо тўқ, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, чунки бу аснода Ботир Рустамов Барнога ихлоси бўлса-да, бирон шама ҳам қилмаган эди. Ботир Рустамовнинг газабини ҳақли равишда кўзгаган нарса бошқа ва безиллаб юрган юрак учун далда, далда ҳам эмас — важ, айбнома эди.

— Бу — шипионлик, — деди у қатъий, — жосуслик. Демак, изимга айғоқчи қўйипсиз. Гап сурат олган айғоқчида ҳам эмас, пул берса, унақаларни ёллаш қийин иш эмас. Гап сизнинг разил усулингизда. Аввало, бу суратларда сизнинг гумонингизни тасдиқловчи биронта исбот йўқ. Бу суратларни нима қилмоқчисиз, далил сифатида судга топширасизми ё мени шарманда қилиб, ўч олмақчимисиз? Мақсадингиз нима?

Назокатхон авзойини бузмай, эрининг газабли гапларини эшиттар, бироқ далиллари омонат бўлгани учун хужумга ўтишдан чўчир, заиф шубҳалари билан эрини чўктира олишига кўзи етмас эди.

— Мен-ку — майли, — деди Ботир Рустамов изтиробда, — лекин шу тутуруқсиз гумонларингиз билан бир бева, бегуноҳ, покиза аёлнинг бошига маломат ағдариш, номига доғ тушириш инсофданми? Нега тахмин-шубҳаларингизни чин, деб ўйлайсиз? Нега андиша қилмайсиз? Инсоф, орият, андиша сизлар учун бегона, ёт нарса, чунки кўлларингиз узун, ҳамма нарсага етади, наинки низо бўлмасин, ютиб чиқасизлар! — Ботир Рустамов бир неча йиллар мобайнида юрагини ўртаб келган аламини, фурсатдан фойдаланиб, тўқа бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. — Дадангиз...

— Дадамга тегманг!

— Тегаман! — деди Ботир Рустамов ўшқириб. — Сиз ўша одамнинг наслисиз, дадангиз учун сиз ҳам жавоб беришингиз керак!

— Дадамда нима гуноҳ?

— "Нима гуноҳ?!" Тарихни ағдар-тўнтар қилиб кўрсатган ким? Йилт этган нурни ўчирган, асл ҳақиқатни айтиш эмас, айтмоқчи бўлган одамларнинг оғзига қулф солган, кўпларини "халқ душмани", "хиёнатчи" тамғаси билан қамоқларда чиритиб юборган ким? Сизнинг дадангиз!

— Ўзингизчи?!

— Нима мен?

— Нега кувёв бўлиб, бағримизга кирдингиз? Маслагингиз ўзга экан, нега совчи қўйдингиз? Ёш, умидли, чиройли олим эдингиз, нега бошқасини топмадингиз?

— Топмадим, чунки сизни севар эдим! Сиз учун бу мавҳум тушунча, лекин сизга қанақа туюлмасин, дунёда шунақа эзгу нарсалар ҳам бор!

— Йўқ! — қатгий деди Назокатхон эрининг гапини бўлиб. — Сизга дадамнинг мартабаси керак эди. Унинг панасида силлиққина илмий карьера қилиш муқаррар эди, муддаонгизга эришдингиз ҳам! Энди дадам қариди, замонлар ҳам ўзгарди, энди унга ҳужум қилиш ҳам мумкин. Авваллари дадам бор жойда, чурқ эта олмас эдингиз, оғзига қарардингиз. Чунки чўққига чиқиб олдингиз, у киши энди сизга керак эмас. — Назокатхоннинг кўзларида ёш йилтиради. — Совчиларни юбордингиз, одам қўйдингиз, лекин бирон марта мени кинога таклиф қилмадингиз. Сизга фақат дадамнинг розилиги керак эди. Мени кўникиб кетади, деб ўйлагансиз.

— Армонингиз бор экан, нега чидадингиз? Ахир сиз танноз, эркатой қиз эдингиз, ота-онангиз раъингизга қарашар эди. Балки сизда ҳам кўнгил қўйган йигит бўлгандир. Эски наमतни қоқсанг, чанги чиқади. Агар мақсадингиз бурнимни ерга ишқаш бўлса, адашасиз. Қилган амалингиздан кейин мен бу уйда тура олмайман. Сиз мени ранжитганингиз йўқ, сиз мени ҳақорат қилдингиз. Ютади, деб ўйлагандирсиз, маълум маънода ҳақсиз, ютиб келдим — энди ўтмайди. Сиз билан бир уйда эмас, бир кўчада юришдан ҳазар қиламан. Асл қиёфангиз очилди. Биламан, мени исканжага олиб кўрасизлар, қайирасизлар, букасизлар, тўғаноқ бўласизлар — ҳаммаси синалган усуллар. Майли, пешанамдан кўрдим, фитнадан кейин бир дастурхон атрофига ўтириш мен учун — ўлим.

17

Жасур Мирзачўлда бир ҳафта қолиб кетди, талабалар баракида ётиб юрди. Унинг қалам билан чизган, мойбўёқ билан ишлаган расмлари пахта теримидаги ёрдамчи талабалар ҳаётининг турли жиҳатларини акс эттирувчи туркумга айланди, ҳатто хомаки чизмалари ҳам эътиборга эга бўлиб, бу асарларни "меҳнат fronti", ёки "дала жавлонлари" дейишдан кўра кўпроқ азоб-уқубатларнинг ёрқин ифодаси, деб талқинлаш тўғри эди. Ариқ суви, берч нон, ифлос хожатхона, тумов-ичбуруғ, ойлаб ҳаммом-мурча йўқлиги, зах ётоқхона, ёмғир-лой, изғирин— ҳаммаси матога тушди. Шу билан бирга талабаларнинг хушчақчақ дамлари, кулги-хушнуд пайтлари, гулхан атрофида ўтиришлари, ашула-рақслари, рубоб-доира чалиш онлари ҳам аксини топди. Бироқ Жасур учун энг муҳими, дилини энтиктирадиган машғулот

Нозимахоннинг иккита-учта ажиб эҳтирос ва мароқ билан ишланган тасвири бўлиб, буларни Жасур чет-четда, пана-панада ифода қилишни, бегоналар назари тушишини истамас эди.

Аввалига Жасурнинг машғулотларига унча эътибор бермай юрган Нозимахон мойбўёқда бажарилган ишларини, шу жумладан, ўзининг зўр маҳорат билан ишланган тасвирини кўргач, Жасур ҳақиқатда талант эгаси эканига иқрор бўлди. Асарлар аранг кўз илғар, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган майллар мослиги услуби билан кишини ўзига ром қилар, алланечук оҳанграбо шайдоликка тортар, сирли, мавҳум тараннум одам қалбида ошифта, мазлум завқ уйғотар, хаёлига чўмдираар эди.

Нозимахон ўзининг ҳусну хусусиятлари қанақалигини англаб, шунинг учундир фазилатларини кўз-кўз қилмас, ҳатто табиат ато этган жозибасидан истиҳола қилгандек эди. Жасур қизнинг тасвирини ҳаяжон билан чизар экан, унинг руҳи-атворидаги муҳим, аммо кўзга ташланмайдиган хислатини илғаш, ўша қиррасини очишга интилар эди. Жасурнинг фаросати бўйича қизнинг устун феъли — ўйлаш, мулоҳаза қилиш, дарров ҳукм чиқармаслик, синчик назар, ўрганишга, тагига етишга бўлган мойиллиги эди, шунинг учун Жасурни учала мойбўёқ билан ишлаган тасвирида ҳам, хомакиларида ҳам Нозимахоннинг қиёфаси мунгли, ўйчан, ҳатто лоқайддек чиқди: иккинчи расмдаги ҳали рухсориға тарқалмаган, аммо лаҳза ўтмай тарқалиши ва шу билан лабларига қўнган заҳотиёқ қизнинг жамолида шавқли ёлқин нурланиши мумкин эди.

Нозимахон учала расми ювош қабул қилди. Бу осойишталик қизнинг асосий хислати бўлгани учун Жасур хижил бўлмади. Ҳодисаларга жуда ҳам баянда баҳо бериш Нозимахоннинг нақлига тафовут эди. Лекин расмларда тугён борлиги, яхши малака билан бажарилгани қизни бефарқ қолдирмади.

— Яхши чиқипти, — деди Нозимахон. — Бу унинг эътирофи эди. — Бошқаларнинг ҳам расмини ишланг, қўлингиздан келар экан.

Бир ҳафта мобайнида Жасур атайин Нозимахонни кўриш ниятида келганини айтмади — вазият имкон яратган чоғларда ҳам тили бормади, ўзини тутди. Танишиш ибтидодан бошланади, Жасур ҳатто ичмади. Бироқ муносабатлари тенг эҳтиром, лутф чегарасидан нарига ўтмади, Жасур Самад ҳақида билиш учун қилган ожиз уриниши, шамаси ҳам натижа бермади — Нозимахон Самадни узук-юлуқ билгандек, мавзу унга қадалганда, авзойи ўзгармас, афтидан бу тўғрида гап очишни истамагандек кўринар эди.

Жасур эрталаб Гулистонга кетиб, кечга томон қайтиб келди. Лимон, сариғ ёғ, анор, бодом, пишлоқ, дудланган балиқ ва яна алланималар солинган рюкзаги тўла ва оғир эди.

Ўша кеча хайрлашиш дастурхони тузацди; Нозимахон эрталаб уйғонганида Жасурнинг қораси кўринмади — у сахар пайти

жўнаган кўринади. Қиз-йигитларнинг кўз олдида тап тортмай Жасур билан гаплашадиган Нозимахон, у кетганини эшитиб, таажжубланмади ҳам, бироқ кечгача Жасур келтирган сигаретлардан чала тўлдирилган фартукка ўтириб чекди. Унга чекиш ҳам ярашар, бироқ тўғри келган жойда тутатавермас, хиват ҳам қидирмас, оз ва соз чекар эди. Курсдош қизлар билан тенг муносабатда бўлса-да, улар орасида дилкаш дугонаси йўқ, уларнинг висир-висир гапларига аралашмас, Нозимахон кўпроқ йигитлар билан тил топишар, шунда ҳам маълум чегарани сақлар, йигитлар Нозимахонга қалтис учуриқ, ғализ сафсата қилишмас, сал чўчиб туришар, ножўя, беҳуда ҳаракатдан ўзларини тийишар, ҳушёрликни йўқотишмас эди. Нозимахон нима фандан бўлмасин, ёмон ўқишни тасаввур ҳам қилмас, ҳатто физкультура машқларини ҳам сабот билан бажарар, бу, албатта, қизнинг аллақандай жиддийлигидан эмас, ёмон ўқиш, юзаки, чала билим олиш эътиқодига тўғри келмас, баъзи ҳолларда савияси ўқитувчиникидан қолишмас, ўқитувчи билмаган ўткир тафсилотларни келтирар, шунинг учундир, ўқитувчилар бир-икки синов-суҳбатдан кейин Нозимахон билан маълум ҳадикда гаплашишар, малакаларини оширишга уринишар эди. Манбани варақламай, қўлланма билан чекланадиган баъзи ўқитувчилар айрим нозик тавсифларни Нозимахондан билиб олар, Нозимахон шоир-ёзувчи ҳақида ижоди билан бафуржа танишиб мулоҳаза юритар, уларнинг асарларини ўқиб чиқмай туриб, сийқа-юзаки фикр билдиришдан орият қилар эди.

Жасур Тошкентга қарама-қарши кайфиятда қайтди, анчамунча расмлар ишлаб келди. Баъзиларидан кўнгли тўлмади. Баъзилари шу қадар иштиёқ билан бажарилган эдики, рассом шундай нарса яратишига қодир эканига ўзи ҳам амин эмас эди. Ҳар бир ижодий асар азоб, гумон-шубҳасиз, изтиробсиз юзага келмайди, Жасур шу каби кечинмалардан холи эмас, бироқ қоғоз-матого тушириб келган тасвирларининг битта-иккитасини дангал кўрсатса ҳам бўлади. Булар, шубҳасиз, Нозимахон кўефаси акс эттирилган ишлар. Бу асарлар шов-шувга сабаб бўлиши аниқ.

Иккинчи томондан — Жасур Нозимахон баҳонасида Мирзачўлга борди, бироқ тайин туйғу билан қайтиш ўрнига, дилида алланечук нохушлик билан келди. Яқинлашиш кайфияти, ҳатто тескари чиққандек туюлди — узоқлашгандек кўринди. Албатта, Жасурнинг фаросати етади: Нозимахонни ҳужум билан, маҳорат ёки мартаба билан таслим қилиб бўлмайди. Ман-ман, деганлар панд ейиши мумкин. Унинг дилини ишғол қилиш учун хоҳиш кифоя эмас. Бошқа нимадир керак. Бу “нимадир” оддий нуфуздан зиёд, принцип-эътиқодлар бадалига шаклланадиган тиниқ мафкура, ақида, мушоҳада. Бунақа сифатлардан йироқ кишининг саватига Нозимахон зинҳор тушмайди. Тўғрироғи бунақалар Нозимахондек малоикага шарпа ҳам эмас. Пуч хаёл.

Уни оғдирмоққа уринган одамнинг тиришиши аравада кетаётганнинг игнага ип ўтказиши билан баробар. Аммо зарур хоссаларни Жасур қаердан олади? Ҳали ёш, талаба. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини татиб ҳам кўрмаган, шунчаки эҳтирос-завқ билан яшайдиган, эътиқоди шаклланмаган йигит бўлса. Бироқ дилида уйғонган ҳақиқий туйғу тошқинини қандай элайди? Севиш гуноҳ эмас-ку. Нега чекиниши, "қоя" олдида ўзини ночор сезиши, ташаббусни бошқаларга сийлаши керак? Майли, керак бўлса, Нозимахон даражасига интилади, муносиб бўлиш усулларини қидиради, лекин ўзини чўқитмайди, ўртадан қочмайди. Агар Нозимахоннинг дилига мос кимса дуч келса, унинг "авжи" Жасурниқидан бале бўлса, Жасур четга чиқади, мағлубиятини тан олади, ғов бўлмайди. Бу йўлда ғов бўлишнинг ўзи беҳуда қилмиш, баттар разил кўринади. Нозимахоннинг дилини ишғол қилишнинг ўзида шавқ бор. Чўққига интилишнинг ўзи сурур, ўзи ҳаяжон.

Жасур, уйига ютоқиб келди, ювинмай-нетмай холодильникни очиб, чала ичилган шишадан ароқ қуйиб, ҳозир ичмаса бирон дарди кўзғайдиган бемордек, апил-тапил ичиб юборди. Зум ўтмай баданига ҳузур югура бошлади, ўзини ҳамма нарсага қодирдек ҳис қилди, дунё кўзига жозибали кўрина кетди.

Эрталаб уйғонганида, тунги ўтиришнинг дастурхони йиғиштирилмаган, йигитлар ҳали уйғонишмаган, Жасурнинг калласи гунг-ғовак, оғзи қуруқ эди, дастурхондаги нарсаларни пайпаслаб, шампан шишасидаги ичкиликни оғзига қуйди, бир онда "кўзи очилди", ҳушига кела бошлади. Ҳали қуёш чиқмаган, дераза ортидаги нурсиз манзара мағзава сепилгандек ғуборли, туманга чўккан эди. Жасур шундай, кийимини ечмай, ухлаб қолгани учун дарҳол ўрнидан турди, пойабзали ҳам оёғида эди — отланиш ҳам керак эмас, этюднигини елкага илиб кетверади, йўл-пўлда юз-қўлини ювиб олади. Бу аҳволда уни ҳеч ким, айниқса, Нозимахон кўрмагани маъқул, бугун эрталаб кетишини кеча айтган, ўша хайрлашишга ўтаверади, уйғотиш ноўрин.

Жасур пахтада ишлаган чала-бутун нарсаларини қайтадан қурилайётган иморатнинг битта хонаси девори остига териб чиқди — кўплари маъқул кўринди, хомаки чизилган эскизларини ҳам шу турда кўргазмага қўйса бўлади, деб ўйлади, чалалигининг ўзида маълум экспрессия бор.

Лекин кўргазмага асар танловчи комиссия фақат иккита асарини тавсия қилади, холос. У ҳам бўлса Нозимахоннинг тасвири туширилган битта расм ва дала шийпонидаги ошпаз талабанинг сурати.

— Бошқалари Освендумга ўхшайди, — деди комиссия раиси, Меҳнат шижоати йўқ. Шахтёрларни ҳам мунақа чизишмайди. Базмлар моховлар рақсини эслатади.

— Мен борини чиздим, — деди Жасур таҳликага тушиб.

— Атайин шунақа услуб танлагансиз, — деди раис. — Жасурнинг эътирозини эшитгиси келмай. — Лекин "Нозима" яхши чиққан. Аъло деса ҳам бўлади. Қўлингиздан келар экан-ку.

Жасур саросимада институтга бориб, Зафар Маликни топди ва бўлган можарони унга оқизмай-томизмай айтди.

Зафар Малик эътирозчи, инкор қилувчи, расмий фикр-эътирофга зид мулоҳаза билдирувчи киши бўлса-да, охири пайтларда, Барнога нисбатан кўнглида тугган ниятлари рўёбга чиқмагани учунми — Жасурнинг шикоятини рағбат-иштиёқсиз эшитди. Бироқ шижоат-импульсга мойиллиги барибир вазминлигини енгди. Қолаверса, янги яратилган асарни биринчи бўлиб кўриш ҳам танқидчини гижгижлатди.

— Кўриш керак, — деди Зафар Малик ва сержун билагидаги соатига қаради. — Қаерда?

— Кўргазма залининг омонатхонасида, — деди Жасур жавдираб.

— Кетдик!

Улар бир зумда Зафар Малик машинасида кўргазма залига етиб боришди.

— Мунақа жононларни қатган топасан? — иштиёқ билан сўради Зафар Малик Жасурнинг "Мирзачўл таассуротлари" деб номланган чизмаларини кўриб чиққач. — "Нозима" одамни эсанкиратай дейди. — Зафар Маликнинг дилида шу ондаёқ маълум режалар пайдо бўла бошлади. — Талабами?

— Ҳм, талаба, — деди Жасур ийманиб.

— Шундай хурилиқо дала-дашда юриптими судралиб?

— Юрмай, нима қилсин? Талаба-ку.

— Чораси кўп. Справка олсиниди, — деди Зафар Малик қатъий.

— Тўшақда ётган беморларга ҳам справка беришмаяпти-ку.

— Пахта одамдан азиз-да, — деди киноя билан Зафар Малик ва сергакланиб: — Ижодингизда янги қирра-памфлет пайдо бўлипти, — деди. — Мен буни, адашиш, демайман, лекин олқишламайман ҳам, услуб яхлитлигига чалкашлик олиб киради. Ҳозирча ижод йўлидаги изланиш белгиси, деб қарайман. Ўткинчи нарса. Кимдир буни ачиниш, шафқат туйғуси, деса, кимдир шум ният, фараз, дейди. Ёндошишга боғлиқ. Иккала усулда ҳам диққатни тортувчи хусусиятлар бор. Маҳорат сезилиб турипти. Айниқса, портретларда. Иштиёқингиз аниқ. "Тумандаги нозанин" ҳам шунақа эди. Дарвоқе, таништираман, деган эдингиз, ваъдани унутдингиз, чоғи. Ё қизгандингиз. Буни ҳам қизганасизми?

— Нега қизганар эканман, домла? — деди Жасур ранжиган-дек. — Улар мулк эмас, ўзига-ўзи. "Тумандаги"ни кўрмаганимга уч йилдан ошди. Буниси умуман йўлатмайди.

— Сизни йўлатибти-ку, — истехзо билан деди Зафар Малик.

— Мен шунчаки... четдан.

— Четдан мунақа батафсил ишлаб бўлмайди, — деди Зафар Малик Жасурнинг гапига ишонмай. Англадики, қизганмоқда.

Мавзуни ўзгартирди: — Иккита-учтасини сотиб олишади, комиссияда борман. "Нозима" ҳақида бирон нарса ёзаман. Фақат яна кўришим, англашим, ҳазм қилишим керак. Натура билан сўйлашсам, — "натура" дея Зафар Малик Нозимахонни назарда тутди, яна бир марта Жасурни оғдиришга уннаб кўрди, — яхши бўлар эди. Қанчалик дил туйғулари тўла аксини топди экан шуларни пайқай олишим керак. Таҳлил ўшанда тўла бўлади. Ўзи кўрдими?

— Кўрди албатта, кўрмай бўладими?

— Хўш, нима деди?

— Мутлақо ўзгармади, тузук, деди, холос. — Жасурнинг бу гапи Нозимахонни нари суриш, авайлаш, Зафар Маликнинг панжасига тушурмаслик учун қўллаган тадбири эди. Дуч келса, Нозимахон Зафар Маликнинг тўрига тушиши муқаррар экани, жодусидан қутула олмаслиги аниқ эди. Шунинг учун қизни унга раво кўриб бўлмайди, Зафар Малик олдида Жасур ношуд туюлади, қиз ундан бўлак ҳеч нарсани пайқамайди. Лекин Зафар Маликнинг майлини ҳам қайириб бўлмайди, ўчакишса, Жасурни мажақ қилиб ташлайди. Жасур унга чўт эканми? Чалғитиш керак: — У пахтада. Қачон қайтади — билмайман. Қаерда туради, оиласи қанақа, турмуш қурганми-йўқми? Суриштиришга юрагим дов бермади. Жуда ғурур, дедим-ку.

— Майли, — деди Зафар Малик нохуш тарзда, йигитнинг чап бераётганини фаҳмлаб ва иши борлигини баҳона қилиб, жўнади.

Кўргазма залининг зинасида Жасур якка ўзи қолди, Зафар Маликка учраганидан, маслаҳат сўраганидан афсуслана бошлади.

18

Техникумни бирга тугатган дугонаси Наима телефонда Барнони Янги йил кечасига таклиф этди. "Феруза ҳам бўлади", деди, лекин Барно ийманди: ўғилчаси ҳар оқшом соат ўнда ухлаши керак, қандай ёш боласи билан ярим тунда уйга қайтади? — бу биринчидан. Иккинчидан — иккала дугонаси эрли, уларнинг орасида Барно сўппайиб ўтирадимми? Эп кўрмади.

— Бизникида ўтказа қолайлик, — деди Барно баҳона ахтариб. — Сизларда қайнона бор, болаларингизга қараб туришади.

— Мен Феруза билан гаплашиб кўрай, — деди Наима, — рози бўлса, телефон қиламан.

Икки кундан сўнг "Феруза рози, сарф-харажат биздан бўлади", деди Наима. Янги йил кечасини Барноникида ўтказиш улар учун ҳам қулай эди.

Барно қанақадир масала билан Ботир Рустамов кабинетига кирди ва расмий гап тугагач, эшик олдида тўхтади:

— Ботир Алимович, — дея журъатсиз юзланди, — бир нарса сўрасам майлими? — Доктор бир ҳафтадан буён шу хонада тунар эди.

— Майли, сўранг, — деди доктор.

— Янги йил кечасини қандай кутиб олмақчисиз?

— Тайинли режа йўқ, кўрамир, — деди Ботир Рустамов ўнғай-сизланиб. — Нимайди?

— Иккита дугонам билан бизникида ўтказмоқчимиз, — деди ётиғи билан Барно, — Эрлари билан келишади. Агар бошқа режа бўлмаса, бирга бўлинг, демоқчи эдим.

Ботир Рустамовнинг юрагидан тош қулагандек бўлди — унинг ўзи Барно билан яқинлашиш йўлини чамалаб юрар, қулай пайтини кутар, кабинетида дил изҳор қилиш ноқулай туюлар эди. Мана энди мавриди келадиганга ўхшаши қалбида алланечук эзгулик уйғотди, аммо дарҳол розилик беришни эп кўрмади. Майли, ўйлаб кўрайчи, — дея Ботир Рустамов мавҳумроқ жавоб берди, бироқ Барнохон аёл бўлатуриб, эркакни уйга таклиф қилиши, миш-мишдан чўчимаслиги, маълум маънода шаддодлиги Ботир Рустамов ўйида довжоракликдек туюлди. Доктор Барнохоннинг феълида яна бир очиқ хислат борлигини пайқаганидан мамнун бўлди. Барно докторнинг хотини Назокатхондан соддароқ туюлса-да, ўзининг беғуборлиги, самимийлиги ва энг муҳими — мутлақо риёкорликка ўхшаш нопокликлардан озод экани дилини руҳлантирди. Агар Барно Ботир билан бирга бўлишга рози бўлса, буни омад, деб санаш мумкин.

Янги йил кечасига ҳали уч кун бор, аммо шу уч кун Ботир Рустамовга жуда узоқ туюлди, ҳар қанча ўзини иш билан чалғитмасин, кўнгли интиқ бўлган он узоқ кўринар, вақт имиллаб ўтгандек, дили хаприқтирар эди.

Ниҳоят Янги йил кирадиган кун ҳам етиб келди.

Ботир Рустамов бир даста анвойи гул, шампан виноси, шоколад қутиси, апельсин ва зайтун меваси солинган идишни Барнонинг уйига жўнатди, ўзи соат ўн бирдан ошганда кириб борди. Меҳмонлар йиғилишган, эски йилни кузатиш тараддуида эдилар, Ботир Рустамовни илтифот билан кутиб олишди.

Меҳмонлар Янги йил базмидан кейин тарқалишди. Ботир Рустамов тунаб қолди. Биринчи январь дам олиш куни бўлишига қарамай Ботир Рустамов эрталаб касалхонага жўнади — беморлар учун дам олиш куни бўлмайди, қайтага — Янги йил кечаси ўтгани сабабли касаллар сони ошади ҳам. Ҳойнаҳой бўлимида вазият тивиз, қўл-қўлга тегмаётган бўлиши ҳам мумкиндир. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Навбатчи шифокор нечта касал келиб тушгани, нечта операция ўтказгани, ким нобуд бўлгани ҳақида ҳисобот берди, ҳозир иккита стол банд эканини, яна иккита касални операцияга тайёрлашаётганини, уч-тўрттаси энгил жароҳат билан тушганини айтди.

— Ҳаммасиники жанжал-пичоқвозликдан, кўпи машина авариясида рўй берган, — деди навбатчи, — фақат биттаси оғир, юрак зарби тушиб кетган, чора кўрдик, лекин столга ётқизганимиз йўқ, кушеткада ётипти.

— Столга олинглар, мен ҳозир халат кийиб чиқаман, — дея Ботир Рустамов кабинетни томон йўл олди. У ерда хотини Нозимахон кутиб ўтирганини Ботир Рустамов биларди, чунки касалхона дарвозаси ёнида машинаси турганини кўриб ўтди. Бир ярим ҳафта мобайнида хотини қадам босмовди, мана ахир келипти. Бунинг иккита, йўқ — учта сабаби бўлиши мумкин: ё ярашиш ниятида келган, ё Янги йил арафасида ҳам уйига бормагани хотинини хавотирга солган, ёки — буниси эҳтимолга яқин — фото-туҳматларни суратга олган айғоқчи кеча Ботир Рустамов қаёққа кетганини айтган. Бироқ айғоқчи қаердан билади? Балки Барноникига совға олиб борган ҳайдовчидан билгандир. Бир кеча Ботир Рустамов ғойиб бўлиши дарҳол ваҳима уйғотган. Токи эри ўз кабинетига ётиб юрар экан, ташвишсиз эди, лекин бир кеча бошқа жойда, айниқса, Барноникида тунаши — шу заҳотиёқ Назокатхонни чўчитган. Чўчитибгина қолмаган. Энди хотини гап бермайди, ҳужумга ўтади. Қатта ётдингиз? деса, Ботир Рустамов нима важ кўрсатади? Қаердадир тунаганини айтиши керак-ку! Вокзалда эмас-ку. Барибир гап яна Барнога бориб тақалади. Ботир Рустамов кабинетни томон яқинлашар экан, шу тахминларни хаёлидан ўтказиб борди, ҳужумга ҳозирланди, далил ахтарди. Бироқ далил ахтаришидан нима фойда? Агар айғоқчи айтган бўлса, Ботир Рустамов Барнонинг уйида қолгани аниқ, даъвога қандай чап бера олади?

Назокат кабинет ёнидага креслода ўтирар, эри яқинлашгач, ўрнидан кўзгалмади ҳам.

— Мен сизни Янги йил билан табриклаш учун келганим йўқ, — деди у чиройли кўзларини эрига тикиб.

— Сезиб турибман, — деди Ботир Рустамов кабинет эшигини очиш учун чўнтагидан калит чиқариб, — авзоингиздан.

— Нега уйга, ўз уйингизга бормадингиз?

— Орамиз очик, деб ўйловдим, — деди Ботир Рустамов ўзини тутишга уриниб.

— Қатта ётдингиз?

— Айғоқчингиз айтган бўлса керак — биласиз.

— Фарзандларингиз алламаҳалгача кутишди, — деди Назокатхон ва кўзига келган ёшни яшириш учун кўзойнагини тақиб олди. Хотинининг кўзига ёш олишини Ботир Рустамов биринчи кўриши эди. — Дадамга нима дейман?

— Нима дер эдингиз? Борини айтинг.

— Шаштингиздан қайтмайсизми? — Назокатнинг даъвосида ўкиниш оҳанги ҳам сезилди.

— Бу нарса аслида етилиб қолувди, — деди Ботир Рустамов

вазминликни йўқотмай, — бугун бўлмаса, эртага рўй бериши мумкин эди. Мумкин эмас — муқаррар эди.

— “Бу нарса”, деганингиз нима, анови манжалақи билан илакишганингизми? Нима?

— Турмушимиз, — қатъий деди доктор. — Кўза аллақачон дарз кетган эди, ниҳоят синди. Сиз гумон қилган нарсалар шунчаки важ, туртки бўлди. Мен сўзимни қайтариб олмайман.

— Сўзингиз қатъийми? — дея Назокатхон ўрнидан турди.

— Қатъий, — деди Ботир Рустамов ва негадир хотини ўзининг кучоғида ётган дамлари кўз ўнгида гавдаланди. Ҳамда кўзойнаги остида беихтиёр милтиллаган ёши Ботир Рустамовни саросимага солди. Йиғлашга қодир экан, ўйлади Ботир Рустамов, демак, заррадек бўлса-да, дилида нимадир қолипти. — Отга қамчини ўзингиз урдингиз.

— Қанақа от? Мен чаваңдоз эмасман.

— Мен бошқа маънода дедим — айғоқчи қўйганингизни айтмоқчиман.

— Қилиқларингизни индамай ютишим керакмиди?

— Столда бемор ётипти, — деди Ботир Рустамов ўзини жанжалдан тутиб. — Беш дақиқа кечиксам, ўлиб қолади.

— Пушаймон бўласиз? — таъкидлаб деди Назокатхон.

— Нимадан? Бемор ўлиб қолсами?

— Нимаданлигини жуда яхши тушунасиз, — деди Назокатхон ва қўлқоп кийган бармоғи билан юзидаги томчини артди. — Битта манжалақини деб ҳамма нарсани барбод қилишни Худо ҳам кечирмайди.

— Худони ўртага солманг, — деди Ботир Рустамов жаҳлда, — ўзингиз барбод қилдингиз. Дарвоқе, у ким?

— Тушунмадим.

— Шпион? Исковчи? — Назокатхон гангиб қолди. — Ўйлаб туринг, — дея Ботир Рустамов хонасига кириб кетди.

Назокатхон ёллаган аёл номини айтмасликка ваъда берган эди, бироқ фото-расмларни кимдир туширгани тайин, эрининг қуршовадигилардан бири экани шубҳасиз, энди унинг номини сир сақлаш мушкул эди. Ботир, албатта, судга бермайди, унақа одам эмас, бироқ бу машмашага отаси аралашса, қизи куёви ортидан айғоқчи қўйганини билади, қизи томонини ола олмайди, хуноб бўлади, айб Назокатхоннинг ўзига қулайди, номи фитначига чиқади, отаси тутоқади, куёвини айблаш ўрнига, қизини қоралашга мажбур бўлади, танг аҳволга тушади, шу важ билан нобуд бўлса, қизи бир умр ўзини кечирмайди. Тадбири хато эканига Назокатхон энди иқрор бўла бошлади, шу топгача ўзини мутлақо одил деб келган сервиқор Назокатхон ўйланиб қолди — беҳуда қилмишининг оқибати жуда хунук натижа билан яқунланишини англади. Назокатхон зотининг тили узун, қўли доим балаңд келиши бу гал гумон эканига дили шубҳа қолдирмади.

Нима қилиши мумкин? Қай йўсин билан қалтис вазиятни сақлаб қолиши керак? Ялиниш, ўтиниш, узр сўрашдан бўлак чора кўринмас, айблаш усули, хужум қилиш фойда бермаслиги муқаррар, қайтага ўзи шарманда-шармисор бўлиши аниқ эди. Лекин Назокатхон, ҳамиша баладдан тикилган малика — қандай чўк тушади? Бу дегани, энди доим эрининг кўзига қараш, унинг измида бўлиши, хоҳишига бўйсунуши, ихтиёрни эрига топшириши? Қандай Назокатхоннинг бўйни ёр беради? Ақл бовар қилмайди. Бироқ шундай қилмаса, ҳамма нарса вайрон бўлади — оиласи бузилади, ўғил-қизи тирик етим, ўзи бева, ота-онасининг бусиз ҳам омонат соғлиғи ва энг муҳими — оила мартабаси — нуфузига путур етади. Шунча укубат, талафот эвазига эрининг пок-нопоклигини текшириш керакмиди? Бошқа йўриғи бўлиши мумкин эди-ку. Нега пинагини бузмайдиган, ғурурназар Назокатхон шундай бебурда ишга қўл урди? Нега гумон ортидан юрди? Одатдаги зийрак-тетик, вазмин атвори Назокатхонга хиёнат қилди? Ақл-фаросати қаёқда эди? Энди ағанай бошлаган дарахтга тирговуч кўйиб бўлармикин? Тирговуч нимжон бўлса, дарахт босиб қолиши ҳам мумкин. Қаттиқ қайнаган қозон оловни ўчиради. Аттанг.

Ботир Рустамов халатини кийиб кабинетидан чиқиши биланоқ Назокатхон барча ҳамиятини унутиб, эрининг кўксига отилди, маҳкам кучоқлаб, юз-кўзини унинг томоғига босди, унсиз йиғлай бошлади. Бу унинг оддидаги узри, сўнгги чораси эди.

Ботир Рустамов иккала қўли ёнида осилганича нима қиларини — итариб ташлашни ҳам, афвийтни қабул қилишни ҳам билмас, атрофга аланглар эди.

— Вақтим тугади, Назокатхон, кечирасиз, — дея Ботир Рустамов хотинининг қўлларини авайлаб ўзидан айирди. — Касал ўсал, нобуд бўлса гуноҳимни юва олмайман. Омон бўлинг. Пайимга тушманг, сўнгги илтимосим.

Назокатхон дарҳол янги тусга — тўғрироғи одатий қиёфага кириб олди — иззат нафси поймол қилинганини сездирмаслик учун яна аввалги виқорли ниқобга ўралди, шарт бурилиб, учмайдиган ўткир кўзларини дераза ортидаги қорли манзарага тикди. Шу онда у ҳеч нарсага қарам эмас, мағрур, пўстини ташлаган илондек беғубор ва қоядек метин, муздек совуқ эди. Бой бериш, ютқазуш, мағлубиятга учраш унинг руҳига бегона заифлик, нима йўллар билан бўлмасин, қолиб чиқиш унинг маслағи эди. Энди эрининг ҳаётини дўзахга айлантиради, ўзидан кўрсин.

Ҳозир Назокатнинг дилида эрига нисбатан жаҳл ҳам эмас, нафрат ҳам эмас, адоват ҳам эмас — фақат қасос ўти ёнар, ўч олмагунча Назокатхон тўймас-тинчимас, паңд бериш усулларини ўйлар эди.

Ётоқхона ҳовлисидаги жанжалдан кейин Ёдгор ярим йилдан ортиқ у ерда қорасини кўрсатмади. Ишхонасига маош олиш учун борганида "Аллақачон бўшатишгансиз, кадрлар бўлимидан меҳнат дафтарчангизни олинг", дейишди, Ёдгор эътироз ҳам билдирмади, Дўрмонга қайтди, Қибрайдаги почтага ишга кирди. Бозор-чойхонада уни кўрганлар, Парда Турсуннинг "Ўқитувчининг йўли" китоби ҳақида бўлар-бўлмасга гапи билан суқилавериши сабабли, уни "ўқитувчи" деб мазах қилишар, "суҳбатидан" қочишар эди. Ёдгор янги мавзу топди: "Нега одамлар қовун-тарвуз сўйишдан олдин дум томонини чойнак қопқоғи каби шаклда кесиб олишади, мунда қанақа хислат бор?" деган савол билан одамларнинг жигига тегадиган бўлиб қолди. Энди Ёдгор одамларга почта ёки пенсия олиб борса, "Қопқоқ келди", дейишади, калака қилиш учун шундан гап очишади, Ёдгор жон деб баҳсга берилади, одамлар эшикларини беркитиб олишса, анчагача ташқарида овози тинмайди.

Ёдгорнинг Кларага дили қўмсар, қизчаси Комилани кўргиси келар эди, гина эсидан чиққандир, деб бир куни қишда қўғирчоқ олиб, шаҳарга жўнади. Клара хона эшигини ичидан қулфлаб, киргизмади.

— Икки кун олдин келганингда, уйга қўяр эдим, — деди Клара ичкаридан. — Янги йил кечаси Камилла билан бир ўзим сўпайиб қолдим. Энди киргизмайман, тошингни тер!

— Хонани менга беришган-ку, — деди Ёдгор ваз ахтариб.

— Иккиқатлигимда беришган, хона бизники, — деди Клара.

— Комилага қўғирчоқ олиб келдим, — деди Ёдгор ниҳоят.

Клара бир дам индамай тургач, эшикни очди.

Комила ухлаб ётар эди, Ёдгор қўғирчоқни ёнига қўйиб, Афғонистондан кийиб келган шинелини ечди ва илмоққа осди. Илмоқда эркак кишининг курткаси ҳам бор эди.

Ёдгор Кларани қучмоқчи бўлувди, Клара Ёдгорнинг қўлини итариб ташлади.

— Куртка кимники? — деди Ёдгор Кларанинг ҳаракатидан ранжиб.

— Меники, — деди Клара Ёдгорга қарамай.

— Эркакларники-ку.

— Нима қипти? Кир ювганимда кияман. Ташқари совуқ.

Ёдгор Кларанинг гапига қоникмади.

— Ёлгон, — дея Ёдгор стулни суриб, ўтирди. — Жазманинг-ники.

— Жазманимники бўлса нима? Сен билан рўйхатдан ҳам ўтмаганмиз. Саккиз ойдан бери қаёқда эдинг? Энди даъво қилишга ҳаққинг йўқ. Милиция чақираман.

— Қизимчи?

— Қизингдан хабар олдингми? Касалхоналарда ётиб чиқдик. Сен бизга бегонасан. Камила гапира бошлади, сени танимайди ҳам.

Ёдгор столи муштлади, қизча уйғониб йиғлай бошлади, Клара болани олиб, бағрига босди.

— Жўна! Яхшиликча кет! Одам тўплайман!

Ёдгор ўрнидан туриб, Комилага қаради, бола баттар йиғлаб юборди.

— Гўдакни кўрқитма! Чиқ уйдан!

Ёдгор шошмай эшик томон юрди.

— Шинелингни ол.

Ёдгор қайтиб, шинелини кийди, ilmoқдаги курткани юлиб, йиртиб ташлади, улоқтирди.

— Мана сенга жазман! Мана сенга ўйнаш!

Болани кўксига босиб Клара, дағ-дағ қалтираганича, эшик томон жидди.

— Тўхта! Ўзим кетаман! — деди-да, Ёдгор остонага тупуриб тепди, эшикни қарс ёпиб, чиқиб кетди.

Комиланинг йиғиси анчагача тинмади.

Ёдгор Дўрмонга қайтиб кетди. У онасига Клара билан боласини олиб келиб таништиришни ваъда қилиб кетувди, ҳовлига гўлдилаб, ким биландир айтишиб кирди. Совуқдан қотиб тараша бўлган кирни онаси дордан олиб букар, аранг тахлар, ўглининг авзоини кўриб, яна юраги сиқилди.

— Қани хотининг? — деди Зарифа хола ишини тўхтатмай.

— Э-э! — деб Ёдгор кўлини силтади ва қиров боса бошлаган сўри четига ўтирди, бир зум ўтмай яна туриб, юра бошлади. — Ничево. Почтада битта жувон бор, Сожида. Эри Афғонистонда халок бўлган экан. Яхши нарса, бухгалтер. Гапирса, қизариб кетади. Уятчан-да. Ўшани оламан. Мана, ўлган эрингиз ўрнига менман, мен ҳам Афғонистондан ярадор бўлиб келганман, дейман. Хурсанд бўлади. Меҳри хола чиқа олмай қолди, ўлиб қолса, келин сизга далда бўлади.

— Нафасингни иссиқ қил, Меҳри холанг ҳали тетик, кун исисин, яна оддек бўлиб кетади.

— Айтаман-да.

— Тавба, аёллар ҳам қизиқ. Суриштирамай-нетмай тегаве-ришади, — ўзи билан ўзи гаплашгандек деди Зарифа хола. — Энди буниси неча ойга чидарикин?

— Чидайди, — деди Ёдгор қатъий ишонч билан. — Чидамай қаёққа борарди?

— Совчиликка бормайман, юзим шувут бўлгани бас, — деди онаси иккиланиб.

— Олдин кўндирай, борасиз. Бормасангиз иш битмайди.

Ўзиз биласиз-ку. Расамати шунақа-да. Битта отаси бор экан. Совчи келмаса, ижозат бермайман, деб туриб олади.

— Ўзинг ичкүёв бўлиб борақолгин-да.

— Сизни ёлғиз қолдириб-а?

— Бир ерликмиз-ку, келиб турасизлар.

— Майли, "Отамни ташлаб кета олмайман", деса, кўнарман.

Зарифа хола ўғлига бир қараб, истеҳзоли кулиб қўйди. Ўғлининг "кўнарман", деган гапи таъсир қилди чоғи.

— Хотин керак бўлса, кўнасан, албатта. Зора тинчиб кетсанг. Отаси нима, бетоб эканми?

— Қайдам, пенсионер экан, қайсидир пунктда қоровул эмиш.

— Клара деганинг тамомми? Думини тутдингми?

— Ўзи тугди.

— Албатта-да. Ярим йил қорангни кўрсатмадинг. Қамалиб кетган, деб ўйлаган-да. Бошига урадими тутуруқсиз эрни?

Ёдгорнинг фигони яна кўтарилди.

— Сиз қаттан биласиз бошқага текканини?

— Мен "тегди", деганим йўқ. Гапингга қараб айтяпман-да.

Ёдгор хато қилганини англаб, ўзини оклашга тушди:

— Менам "тегди", деганим йўқ. Илмофида эркак кишининг курткаси осиглиқ экан. Меники тутиб кетди.

— Яна урдингми?

— Урганим йўқ, боласи уйғониб кетди, бўлмаса туширардим тумшуғига.

— Қуйилмайдиган кўринадан, болам. Энди уйланасанми, йўқми, менга барибир. Ўзинг ўша ёқда урдасидан чиқавер. Аралашмайман. Изза бўлиш жонимга тегди.

— Совчиликка-чи? Ким боради?

— Меҳри холанг тузалсин, ўшани юборасан.

— Меҳри хола қачон тузалади? Ўлиб қолса-чи?

— Яна алжияпсан.

— Касал-ку, ойи. Шу ёшда касалга чалинган одам...

— Бас!

— Сожидани биров илиб кетади, ойи. Отаси қари, ҳовлиси катта.

— Шу пайтгача илиб кетмапти-ку, — деди Зарифа хола ўчакишиб. — Демак, бозори касоддир-да. Чулдир-чақаси бордир.

— Боласи йўқ, боласи бўлганида, ўзим ҳам оғиз очмас эдим.

— Айблидир.

— Кўзойнак тақади. Шу айбми? Ўзингиз бир кўринг, этагидан қўйиб юбормайсиз.

— "Нечанчи уйланиши?" дейишса, "тўртинчи" дейманми? — гаши келиб сўради Зарифа хола. — Беш йилда тўртинчи уйланишинг. Тагин нечта бўларкин?

— Шу охиргиси, — деди Ёдгор ишонч билан, лекин онаси ишонмади, чунки хотин қўйиб, хотин олиш ўғли учун одатга

айланиб қолган, бунисидан ҳам бир баҳона топиб, кавушини тўғрилаб қўйиши эҳтимолдан холи эмас эди.

— Учта хотиндан учта бола, — деди Зарифа хола ёзғириб. — Биттаси сени танимайди.

— Қачон борасиз? — деди Ёдгор гапга гап бериб.

— Гапни битириб кел, бориш қочмайди.

20

Кўргазмага Жасурнинг еттита иши қўйилди. Комиссия "яроқсиз" қилган нарсаларнинг энг "чатоқлари" ҳам ўрин олди, ўрин олибгина қолмай, маълум даражада шов-шувга ҳам сабаб бўлди. Шу топгача бу йўсинда "қора" матолар — агар топилса ҳам — кўргазма мақомига мос тушмас, бир рассом билиб-билмай топширса, дастлабки танловининг ўзида суриб ташланар, фақат "ижобий" тусда, яъни соцреализмга "муносиб" расмлар етакчи ҳуқуққа эга бўлиб, асосан шу турдаги "асарлар" деворларга осилар ва томошабинлар ҳам шу қоидага ўрганиб қолишган, ҳеч қандай фавқулодда нарса пайдо бўлишини кутишмас ҳам эди. Шунинг учундир, кўргазма мажмуасида Жасурнинг "нобоп", "кир", "хунук", "ғализ" чизмалари ҳаммани эсанкиратиб қўйди, кўпларнинг рашига тегди, висир-висир, баъзида очикдан-очик, айниқса, қулай жойлашиб олган, барча асарлари албатта кўргазмаларга қўйиладиган намояндалар томонидан ғазаб билан қарши олинди, ҳатто рассомнинг ҳеч кимда эътироз туғдирмайдиган, ўта маҳорат билан бажарилган ишлари ҳам, масалан, "Нозима" — уларнинг кўзига кўринмади. Бу асарларнинг кўргазма мажмуасида пайдо бўлиши Зафар Малик ташаббуси билан амалга оширилгани, қолаверса, нуфузли газетада босилиб чиққан катта мақоласи ёш ижодкорни "тошбўрон" қилишдан сақлаб қолди, айниқса, унинг Москвада нашр қилинадиган "Культура" газетасида чоп этилган талқинли маълумоти барча машғум айбномаларга чек қўйди, илғор фикрловчилар дилида қизиқиш уйғотди, Жасурнинг номи оғизларга тушди. Аввалига ҳурпайиб олган Маданият министрлиги Жасурнинг кўп матоларини сотиб олди. Рассомнинг ҳамёнига пул тушди. Жасур чала қолган иморатини тезлаштирди, асосан апрель ойининг охирига бориб бино битди, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган йўсинда кўзга ташланди.

Жасур уйининг битиши муносабати билан ўша жойда зиёфат берди, аслида кўпроқ уйнинг битиши эмас, тортишувда голиб чиққани учун уюштирилган маросим бўлиб, Жасур устозининг елкасига Бухородан келтирилган зар тўнни ташлади.

Май ойининг ўрталари, дарахтлар гулдан кейин барглarga ясанган, ўн метрли мовий ҳовуз, бир сидра майсазор, майсазор ораларида юнон атлетларининг оқмармар оёқлари, маъбуда

бюстлари, соябонли хаюнчақлар, нари-бегида келинчақдек ибо билан эгилган мажнунтолар, кўм-кўк осмон, оппоқ булут ғарамлари, хулласи — гўзал макон. Ҳатто бир неча марта бу ерга келган Зафар Маликнинг ҳам оғзи очилиб қолди.

Жасур эндигина Москвадан кўчиб келган акаси билан келин-ойисини ҳам таклиф қилди, улар бу ўзгаришни биринчи кўришлари эди. Москвада бунақа жойларни кўп кўрганликларига қарамай, улар ҳам лол қолишди.

Биринчи қадаҳни эълон қилган Зафар Малик:

— Жаннатмакон жой! Баҳор! Эгасига монанд! — деб сўз очди. — Жасурбекнинг гуллаган фасли! Тасанно!

Расмий тавсия ўтгач, меҳмонлар — аёл-йигитлар — ҳар ер-ҳар ерда ўрнатилган тўқима стол-стулар томон тарқалишди, дарахтлар соясидаги гўшалар сўлим-салқин, мусаффо эди. Магнит лентасига ёзилган ашула-куй бошланди.

Меҳмонларнинг кўпи кўргазмада бўлишган эди, шунинг учун Нозимахонни дарҳол танишди. Зафар Малик эса Нозимахонни кўргазма очилишида кўрган, бир-икки оғиз гаплашган, ҳозир улар гилос тагида қўйилган хивич креслоларда ўтириб чақчақлашишар эди. Нозимахон пушти шифондан бели хипча, кўкси очиқ кўйлак кийган бўлиб, пардоз-андози аранг сезиларли, расмидагидек кўҳли, пешанаси оша қош-кўзларига эгилган малласифат бир тутам сочини шабада ҳилпиратар, у серкиприк кўзларини юмиб, халақит берган соч толаларини оқ нафис бармоқлари билан орқага олиб ташлар, силлиқ бўйнида ҳам, қулоғида ҳам, бармоқларида ҳам ҳеч қандай безак йўқ, ҳусни безакка муҳтожмасдек эди. Зафар Малик қизни хушнуд қилиш мақсадида тинмай сўйлар, ўзи хохолаб кулар, Нозимахон эса арбобнинг иштиёқига босиқ табассум қилар, ҳазил сийқа туюлса, назарини четга олар, нари-бегидагиларга хомуш тикилар, лоқайд кўринар, шу билан бирга атрофдагилар бунга синовчан ҳавас билан қараётганликларини пайқар, қиз-жувонлар нигоҳида яшириб бўлмайдиган ҳасад борлигини ҳам сезар, пинагини бузмас эди.

Жасур, ҳадылар орасида дутор ҳам борлигини эслаб, сумбатдор "саройига" кириб кетди ва зум ўтмай олиб чиқиб, Нозимахонга узатди.

— Чалишни биласизми? — илҳомланиб сўради Зафар Малик.

— Чалишни ҳам, айтишни ҳам, — деди Жасур Нозимахонни рағбатлантириб.

— Офарин! — деди Зафар Малик. — Худо ҳимматини аямаса, шунақа — ҳамма фазилатларни беради.

Нозимахон дуторни тиззасига қўйди.

Жасур магнитофон олдидаги йигитга ишора қилди, у магнитофон овозини ўчирди.

Нозимахон Жасурга бир тикилиб олди-да, дуторни созлай

бошлади. Ҳамма жимиб қолди, ҳатто кўра қозон устида гимираётган кабобчи-ошпазлар ҳам қад ростлаб, тик туришди.

Нозимахон "Ёввойи тановар"ни ўзининг ўкинч ва ғуссали хаста овозида айта бошлади. Ашула хиргойи усулида бўлиб, дилнинг нозик, аламдийда жойларига ҳам баҳра, ҳам ситам, ширин азоб бағишлар эди.

Зафар Малик Нозимахоннинг бир парда териб даста бўйлаб сузган бармоқларига, зарб ураётган момик чангалига, бир товуш туғдираётган томоғига, ҳазин оҳанг таралаётган оғзига, сўзлар ясовчи лабларига суқ билан тикилар, сеҳрида эрир, бир бошини чангаллаб тўлганар, бу шертус одамнинг сел бўлиши бошқаларга ҳам ўтар, юқар, улар ҳам, хотинларидан тортинмай, чайқалишар эди. Қани энди бу забун куй тугамаса-ю тотли қийноқ давом этаверса...

Ашула тугагач, бир неча дақиқа сукунат қарор топди, сўнгра меҳмонлар, уйғониб ҳушига келгандек, қарсақ чалиб юборишди.

Нозимахон, худди ҳеч нарса бўлмаганидек, осойишта тарзда дуторни ёнидаги гилос тупига суяб қўйди.

Ғала-ғовур, ичиш бошланди.

— Тўймадик! — дея кимдир наридан товуш берди. — Яна битта эшитайлик! Адои-тамом қила қолинг энди!

Меҳмонлар, айниқса йигитлар, бу хитобга ҳаяжон билан қийқиришди.

Нозимахон Жасурга кўз ташлади, у мўлтираб, нигоҳини қиздан уза олмай турар, унинг ҳам назарида илтижо бор эди.

Нозимахон, авзойини ўзгартирмай, яна қўлига дуторни олди, бошини эгиб, бир бармоғи билан торларни қитиқлагандек, дами етадиган куйни ўйлади ва "Муножот"ни чала бошлади. Меҳмонлар худди шуни кутгандек, яхшироқ эшитиш учун, оҳиста-оҳиста яқинлашиб, ким кўрпачага, ким майсага чўнқая бошлашди.

Бу ашулани, одатда, икки усулда ижро этишади. Нозимахон Барно Исоқова йўлини танлади, яъни секин, майин усули бўлиб, тарона ўта ғуссали, шикаста ва рангларга бой эди.

— Биринчи қарашда, — дея Зафар Малик, ашула тугагач, Нозимахоннинг қўлини кафтига олди, қиз арбобнинг бу ҳаракатига ғаши ҳам келмади, қувонмади ҳам, — қиёфангиз кибор кўринади. Аммо қайтараман — биринчи қарашда. Асарни дастлабки таассурот билан талқин қилиб бўлмайди. Уни синчиклаб томоша қилиш лозим — ўшанда сири очилади. Йўқ, очилмайди, ўша сирни кўнгил илғайди, сезади. Назаримда ғурур, кибор остида яна бир муҳим туйғу ётипти. Мен шуни пайқадим. — Зафар Малик қиз ҳозир "Нимани?" деган савол беради, деб фараз қилди, бир лаҳза жимиб қолди, бироқ Нозимахон ҳамон қўлини тортиб олмай, чидам билан унга тикилишда давом этди. — Бу туйғу — алам. Нимадандир қаноатланмаслик, исёнга мойиллик аломати. Синдром. Хафақон. Бунни хасталик дейишга тил бормайди, дард

эмас. Заковатнинг товушсиз, унсиз ғалаёни, деса аниқроқ бўлади. Шундай эмасми? — Зафар Малик оқ аралаш сочларини тўлқинлантириб эгилди, қизнинг қўлини лутф билан ўпиб, тиззасига қўйиб қўйди ва савол назари билан қизга тикилди.

Четроқда ўтирган Жасур бир устозига, бир Нозимахонга тикилар, дили тўлганар, ғаши келар, Зафар Маликнинг гаплари Нозимахонга малол гуюлаётгандек кўринар, Нозимахон тезроқ жавоб айтиб, таҳликага чек қўйишини истар, қиз эса эгилишни, ён беришни истамас, худди унинг кучини синамоқчидек вазмин турар, чиройли ибораларга чалғимас эди.

Зафар Малик саволини қайтарди.

— Қайдам, — деди Нозимахон. — Кўнгли тинч бўлишининг ўзи тўхташ. "Бахтдан дилим ёрилса майлига". Биласизми буни ким айтган?

— Нозим Ҳикмат, — дея дарҳол жавоб берди Зафар Малик.

— Тўғри, — деди Нозимахон ва ҳиссини фош этмай, табассум қилди.

Жасур ҳозиргина устози қизнинг қўйини бука олмаётганидан, йўриғига солишга уринса-да, уддасидан чиқмаётганидан ичида шодланиб турувди, бироқ Зафар Малик жавоби билан Нозимахонни панд едириши, панд едиришгина эмас, маълум маънода унинг қизиқишини уйғотишга қурби етгани Жасурнинг дилига ботди. Энди Зафар Малик оз бўлса-да, эришган ютуғини қўйиб юбормайди, чирмаб ташлайди. У бунақа машққа моҳир. Энди Жасурнинг қўлидан нима ҳам келар эди? Айб ўзида. Авваламбор қизни ўз измига сола олмади, кўрғазма залига таклиф қилиб, арбоб билан ўзи таништирди, мана бугун ҳовлисига олиб келиб, ашула айттирди, ихтиёрига топшириб қўйди. Ким бунақа инъомдан юз ўтиради? Унинг устига қиз синчков, унақа-бунақа нарсага учмайдиган, ён бермайдиган тантиқ бўлса. Албатта, Зафар Маликнинг жавоби Нозимахон учун заковатнинг оддий ифодаси, тасанно айтишга арзимас ҳам, лекин билимдонлик, донолик унинг учун аҳамиятсиз, пуч нарса эмас. Жасур сезган: Нозимахон онгни ҳамма нарсадан балан қўяди, ким бўлмасин, ёшидан қатъи назар, шунақа инсонга қизнинг ихлоси уйғонади, у билан мулоқот ўрнатишдан орият қилмайди, хусни, мартабаси қизиқтирмайди. Мумтоз бўлса бас. Бу мезонга мувофиқ ким? Албатта, Зафар Малик-да. Зафар Малик биронта ножўя, қалтис, ғализ сўзи билан энсасини қотирмаса, уни ишғол қилиши, оғдириши, қўлга олиши мушкул эмас. Қизнинг кўнглига йўл топган, уни ўзига ром қилган одам дилини эгаллайди. Шу топгача Нозимахон бирон киши измига тушганини Жасур пайқамаган, бўлмаса бунга тикилганлар, доғида куйганлар қанча! Жасурнинг фараз қилишича, Самад қизнинг андозасидан умуман йироқ, уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Лекин Жасурнинг ўзи қизнинг маслағига мувофиқми, мосми? Қизни маҳдиё қилиш нияти ўзига керагидан кўп бино

қўйиш эмасми? Мана масала, жумбоқ, муаммо, бир-бирига зид хаёлларга берилиб ўйлади Жасур. Тузук, кимдир қизни оғдирди ҳам, лекин у билан қандай алоқа қилади? Ахир уни қучоқлаш, ўпиш, эгаллаш ҳам керак-ку. Қандай йўлайди? Биронта ҳаракати бачкана кўринса — тамом! Минг тавалло қилсин бефойда, қиз қайрилиб ҳам қарамайди. Демак, у билан муроса қилиш учун бир умр ҳадиксираб ўтиши, доим зийрак бўлиши шарт? Ҳаёти ҳаминша синов остида, бир зум бўшашса, ип узилади-кетади. Мутгасил саросимада яшашдан кўра осойишта, жимгина, одми умр кечириш афзал эмасми?

Жасур ҳали Нозимахонга дилини очмай туриб, чекина бошлади. Нега? Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Агар Зафар Малик қизнинг пайига тушиши маълум натижа берса-да — унинг қармоғига қанча бунақалар илинган — биронтаси билан нафақат бирга яшаш режаси туғилган, ҳатто алоқалари узоқ давом этмаган ҳам. Оиласи мустаҳкам: хотини, институтда ўқийдиган ўғли, узатилган қизи, икки ёшли невараси бор. Зафар Малик шунақа, ишқибоз одам, қаримагунча қуйилмайди. Жасур шундай қиз унинг тузоғига тушиб, типирчилашига бефарқ четдан қараб туриши керакми? Тўғри, номи чиққан санъатшунос, ўз ҳунарини аъло даражада бажарадиган мутахассис, унинг бир сўзи ўлдириши ҳам, тирилтириши ҳам мумкин. Агар талашадиган бўлса Жасур ҳам панд ейди. Бироқ Жасур энди уяда ётган патсиз палапон эмас, асари пухта бўлса, уни, Жасурни энди мажақ қилиш осон эмас, янгича фикр юритадиган санъатшунос қиз-йигитлар етилиб келаяпти, уларнинг кўпи шу профессорнинг шоғирдлари, лекин ижод маҳсулига улар бошқа, принципиал нуқтадан ёндошишади; улар учун фақат ғолиб чиқиш эмас, адолат ақидалари муҳим, наҳот ўшанақа илғор йигитлар йиртқич усулларга лоқайд қараб туришади?

Нега "ўлжани" Жасур ўз қўли билан Зафар Маликка топшириши, қанақадир имтиёз учун майдондан қочиши, қўшмачилик қилиши керак? Майли, Нозимахон — мағрур, гўзал, ҳур санам, балки унга Жасурнинг қулочи етмасдир, лекин ўртадан қочиш ҳам фазилат эмас-да. Жасур шу бугуноқ орага аниқлик киргизиши шарт, акс ҳолда ўзининг журъатсизлиги туфайли судралиб юраверади. Агар Жасур шу ишни бугуноқ қилмаса — тамом, кафти очиқлигича қолаверади, елканни тўлқин суриб кетади. Бироқ Нозима ҳаддан зиёд чайир, уни синдириш мушкул. "Тошингизни теринг", деса Жасурнинг қўлидан нима ҳам келарди? Йўл бўшатади, четга чиқади, алами билан қолади. Лекин бутунги кундек фурсат-имконият бўлмайди; ҳозир Жасур шуҳрат супасида, қўлини чўзса нимагадир етадиган пайти. Шу вазиятдан фойдаланиб қолмаслик — гуноҳ. Ландовурлик.

Кечга яқин меҳмонлар тарқала бошлашди.

Зафар Малик ҳамон қизни олдидан қўйиб юбормас, миясини гангитар, аврар, оғзи тинмас, афтидан, қармоғига илнтираёзган эди.

Майли, Жасур бир ваз топиб, Нозимахонни чалғитиши, четга чақириб, дилини очиши керак. Бўлмаса, арбоб албатта қизни машинасига ўтқазиб, олиб кетади.

— Нозимахон, шу ерда экансиз, фурсатдан фойдаланиб, расмингизни чизмоқчиман — илҳом келиб қолди, — деди Жасур сигарет туташтираётган қиз томон эгилиб.

— Кеч бўлаяпти, — деди қиз атрофга аланглаб.

— Улгураман! — қатъий деди Жасур. — Агар улгурмасам... Электр нури қайтага яхши — объектни тўплайди.

— Мана шу иллатингизни, — деди қаёқдандир пайдо бўлган Зафар Малик қизнинг сигаретига ишора қилиб, — мен маъқулламайман. Ярашмайди. Айниқса, сизга ярашмайди, бўтам.

Қиз ўзгарганини Жасур дарҳол сезди. Нозимахон ҳар қандай аралашини, айниқса, шахсий ҳаётига суқулишни малол олади. Бу, Жасурнинг назарида, домласининг адашиши, қалтислиги эди. Бунақа нарсани қиз зинҳор кечирмаслигини Жасур яхши билар, ичида рўй берган такаллуфсизликдан мамнун бўлди. Зафар Малик шунча тиришқоқлик билан ўрнатган биносини ўз қўли билан бузди. Бироқ Нозимахон бунга қандай қараркин?

Нозимахон Зафар Маликка лоқайд назар ташлади-да, ҳеч нарса эшитмагандек, юзини ўгирди. Зафар Малик ўзининг хатосини англамади ҳам.

— Жўнамаймизми энди? — деди у ўзини ўта ғамхўр кўрсатиб.

— Йўқ, — юмшоқ қатъият билан жавоб берди қиз.

— Келишувдик-ку, — саросималаниб деди устоз.

— Бир оздан кейин ўзим кетаман, — деди Нозимахон Зафар Маликнинг гапига парво қилмай.

— Шунақами? — деди у тушунмай. — Ихтиёрингиз. Менга рухсат экан-да?

— Рухсат, — деди Нозимахон пинагини бузмай.

— Бўпти, майли, — деди Зафар Малик мижровлик билан. — Сиз билан яқиндан танишганимдан гоят мамнунман.

Жасур бир қизга, бир домласига қарар, можаро тезроқ тугагини тоқатсизлик билан тилар эди.

Нозимахон Зафар Маликнинг илтифотига жавоб ҳам бермади.

Зафар Малик ноҳўя иш қилиб қўйганини фаҳмламас, қизнинг тўсатдан айнишини Жасурдан кўрар, ўзига нисбатан тил бириктиришди, деб ўйлар эди.

— Сизга ҳам ташаккур, — деди Зафар Малик Жасурга. Жасур домласининг такаллуфида кек борлигини пайқади.

— Хафа бўлмай кетсангиз кифоя, домла, — деди Жасур. У ҳозирги истеҳзога биноан жавоб бердими, йўқми, Зафар Малик англамади.

— Хафа бўлиш қаёқда! Ғоят хушнудман. Раҳмат!

Жасур устозининг бу гапларида яна киноя сезди.

“Энди қўймайди, — деб ўйлади у, — ўчини олади. Домла мунақа нарсаларга бефарқ қарайдиган инсон эмас. Албатта панд беради, муродига етмагунча тинчимайди”.

Зафар Малик, зарда қилгандек, шахдам қадамлар билан юриб ҳовлидан чиқиб кетди, Жасур уни кузатиш учун ортидан ошиқди. Нозимахон, сигаретини ташламай, майсазорда турган тўқима креслога бориб ўтирди.

— Кетди, — деди Жасур қайтиб келиб. Кўнгли хижиллигини тарқатиш учун кўра ёнидаги курсида турган шишадан ароқ қуйиб ичди, Зафар Малик хаёлидан кета бошлади. Ичкилик дилига ором берди. Жасур иккита қадаҳга шампан қуйиб, Нозимахонга биринчи узатди, ўзи майсага ўтирди. — Сиз билан пахтада ичувдик, — деди Жасур қўлидаги қадаҳ билан пастдан баландга, қизнинг томоқ-юзига тикилиб. — Ўшанда хайрлашмай кетворувдим, ҳалиям мулзамман. Гина қилмадингизми?

— Гина қилиш одатим йўқ, — деди Нозимахон ва қадаҳни қаерга қўйишни билмай атрофга қаради.

Жасур тиззасига чўккалаб ўз қадаҳини чўзди, қизники билан уриштириб ичди, бўш биллурни майсага ташлади. Нозимахон ҳам қадаҳини чала бўшатиб, майсага ташлади. Икковлари кулишди. Қандайдир илиқлик сезилди.

Бугун Самад ҳам маросимга келган эди, негадир унча кўзга ташланмади, жим келиб, жим кетди, Жасурнинг дили шубҳадан фориг бўлди — демак, ҳақиқатда ораларида гумон қиладиган иноқлик сезилмади. Жасур бундан мамнун бўлди, фақат арбобнинг ҳаракатлари дилида доғ қолдирди. Мана, у ҳам даф бўлди.

Жасур синаш учун авайлаб шундоққина юзи олдида турган Нозимахоннинг оппоқ оёғига кафтини қўйди, оҳиста силади. Четни кузатаётган Нозимахоннинг нигоҳи ўзгармади, оёғини тортиди. Бу раддиятми ёки уялиш аломатими — Жасур тушунмади. “Тегманг”, деса, Жасур англар эди, бироқ Нозимахон чурқ этмади. Бугунги шод тантана, кимсасиз боғ гўшаси, икки ёш қалб танҳолиги, хилват вазият, Нозимахоннинг бошқалардан ажраб бу ерда қолиши, буларнинг ҳаммасини қай йўсинда талқин қилиш мумкин? Висол иштиёқи эмасми? Балки шулар қизнинг унсиз ижозатидир? Нега оёғини тортиб олди? Бу “Ҳадингиздан ошманг”, деган огоҳлантиришими ё ифбат далдасими? Агар бунақанги нияти бўлмаса, қиз итариб ташлайди, жўнаворида. Нега хатти-ҳаракатида қатъийлик сезилмайди? Албатта, йигит бефарқ эмаслигини, майли борлигини, Мирзачўлга бориши ҳам бежиз

эмаслигини қиз сезмаган бўлиши мумкин эмас, аёллар зийрак, айниқса, бу аснода. Бироқ нега мунча истиғноли, лоқайд, дахлсиз? Балки ҳиссиздир? Нега унда Зафар Малик олдида намойишкорона бу ерда қолди. Агар дили берк бўлганида, бу қадар дадил ҳаракат қилмаслиги керак эди.

Жасур журъат қилишга ботина олмай шундай зид ўйлар тўрида пийпаланар, маълум қарорга кела олмас, таваккал қилиб, қиздан маҳрум бўлишдан ҳайиқар, жасорати етмас эди.

У эмаклаб бориб, бояги шампан шишасини тишига сиқиб келди — далда лозим эди. Кўкат орасида ётган биллур қадаҳларни йиғиштириб, ичимлик қўйди ва боя, қадаҳларни улоқтиришган пайти — энг қулай лаҳзада имконият қўлдан кетганига пушаймон чекди.

— Чирмов қадаҳ қиламиз, — деди Жасур қадаҳларни ярим тўлдириб.

— У қанақаси? — самимий таажжубда сўради қиз.

— Қўлларимизни чалиштириб ичамиз, — деди Жасур иштиёқ билан. — Брудершафт, дейишади. Майлими? Розимисиз?

— Қайдам, розидирман, — деди Нозимахон иккиланиб ва сирли жавоб учун табассум қилди. Бу розилик аломати эди.

Табассумига ўрганмаган Жасурнинг юраги орзиқиб кетди. Қадаҳ ушлаган қўлини Нозимахоннинг тирсагидан ўтказиб: "Симиринг", деди, ўзи ҳам қўли имкон берган тарзда қадаҳга чўзилиб шампанни охиригача ичди. Қиз ҳам бошини эгиб, қадаҳни лабига олиб борди.

Жасур ва ундан кейин Нозимахон қадаҳларни улоқтиришди.

— Энди тартиб бўйича иккинчи қисмини бажариш керак, — деди Жасур қўлини ажратмай.

— Қанақа у иккинчи қисми? — андак таманно билан сўради Нозимахон.

— Мана бунақа, — дея Жасур лабини қизнинг лабига босди.

Нозимахон ўзини тортмади. Бундан рағбатланган Жасур қизни қучоқлаб, юзи-кўзидан ўпа кетди, қиз ўтиргани, ўзи тик тургани ноқулай туюлиб майсага ағанашди.

Қуёш чўккан, чироқлар ҳали ёқилмаган, оқшом ҳавоси салқин — иккала тана чирмашишиб юмалашди, тўймай ўпишишди, кўкатни эзишди, пайҳон қилишди.

Кейин чўмилишди. Ҳаво мусаффо, кечга томон шабадали бўлгани учун, сув илиқ туюлар, ҳали кўк осмон тиниқ сувда мовий товланар, баданлар эшилиб-тўлганиб сузар, сувдан чиққилари келмас эди.

— Қорин очмадими? — деди Жасур бассейннинг нариги томонидан.

— Очди! — деди сув сатҳидан Нозимахоннинг боши.

Жасур қирроққа чиқиб, оёғига шиппак илди ва яланглигича бориб, қўрага гўшт санчилган сихлардан терди, бир оз елпигач,

уйдан катта пахмоқ сочиқ олиб чиқиб, бассейн зинасида тўхтади ва жунжикаётган Нозимахоннинг оппоқ этини сочиққа ўраб, бағрига босди. Қизнинг лаб-даҳани титрар, киприк-сочи хўл, юзи товук этидек кўкимтир эди.

Жасурга бу онлар энг юксак сурур бағишлади. У бахтли эди. Бир соат аввал Жасур қизни маълум тажрибага эга, шунча шайдолар қуршовида номус-иффатини сақлаб қолиши гумон бўлиб кўринувди, тахмин тасдиқланмади. Шунинг ўзи йигитга бир дунё мамнуният берди. Демак, қиз ўз ифтихори учун энг муқаддас бўлган нафосат-омонатини ишониб Жасурга топширипти-да. Бундай нисорни қадрламаса, Жасур кўр бўлсин. Наҳот Жасур шундай илтифотга эришди? Наҳот? Жасур шундай эътирофдан лол, гаранг, ҳатто маълум маънода бировнинг дахлсизлигига тажовуз қилгандек, мулзамлик чеқди. Тавба. Ҳеч қандай огоҳлантириш, шарт қўйиш, сўз олиш, қасам ичириш, даъво-масъулият юклаш — ҳеч нима қилмади. Бу ўзи қанақа вужуд? Шак-шубҳасиз, тентак қиз эмас, тўқимаси ўта нафис, онги теран, зийрак малоика. Шундай мавжудот, санамсифат яратма ҳайқмай ўзини шу аснога топшириптими, демак, бунда қанақадир ҳиммат, журъат мавжуд. Қандай бу олийликни Жасур қадрлай оларикан? Иродаси, тафаккури етармикан? Монанд бўла олармикан? Оғир синов, қийин имтиҳон, мушкул бурч, вазифа. Жасур шу каби миннат-дорчилик ҳиссида сузар экан, беихтиёр мана шундай жойи борлигидан, касби орқали ҳурматга эга бўлганидан ва энг муҳими, Нозимахон каби гўзал, хушбичим зотнинг эътиборига муносиб чиққанидан беҳад шодланди, у бир соат аввал бундай баҳрага эга бўлишини ўйлашдан кўрқар ҳам эди. Балки устози хато қилмаганида бу саодат қаёқда эди. Қиз бўлган ҳодисага урғу бермади, табиий қаради.

Жасур чап қўлини қиз елкаси, ўнг қўлини тиззаси остидан олиб, даст кўтарди, майсага ўрнатилган шезлонгга элтиб ётқизди ва шамоллаб қолмаслиги учун шампан қуйиб берди, ичкаридан жун адёл олиб чиқди, кўк, сариқ, пушги, яшил шиша кийдирилган чироқларни ёқди; қизнинг кўзлари юмуқ, пинақда эди.

Жасур қизнинг нам оёқлари аралаш баданига жун адёл ташлади ва хийла кўксини очди: қиз иягини ёнига буриб пинақда ётар, оппоқ томоғи, бир жуфт анордек таранг кўкраги йигитнинг дилини қўзғаб юборгудек бўлди. У дарҳол расмини чиза бошлади.

Қиз эргалаб уйғонганида ҳамма нарса шудрингдан жимирлар, ҳаво салқин, қуёш дарахтлар ортида ярқирар, оёқ томонидаги майсага ташланган матрасда чипор кўрпага ўраниб Жасур ухлар, чироқлар ўчирилмаган эди.

Қиз оҳиста туриб, кийинмай-нетмай, ўзини бассейннинг тиниқ сувига ташлади. Ҳамон илиқ сув қизга мўъжиза кўринди. Ўн

дақиқа сузиб-шўнғиб, қиз сувдан чиқди, совуқдан жунжикиб ўрнига югурди, сочиқ-адёлга ўраниб олди, ўйга толди.

Уч йил бурун Ургутга донғи кетган, Оренбург, Иркутск шаҳарларига машиналаб узум юборувчи Мурод боғдорникидан совчилар келишди. Нозима унинг Нажим исмли ўғлини бир неча марта кўрган, чўғдек қоматли йигит, Хўжадда ўқир, "Волга" машинасида қатнар, кўпларнинг ҳавасини тортар, йигитмисан-йигит эди. Совчилар нон ушатишди, фотиҳа қилишди, бироқ бир ой ҳам ўтмай унаштириш бузилди — йигитнинг Хўжадда кўз остига олган қизи бор экан, Нажим унга ваъда берган экан. Лекин Нажим тўй бузилишига бошқа важ кўрсатишти; эмишки, бўлажак келин оврупача кийинармиш, демак, оила турмушига ярамас эмиш. Баҳона заиф бўлишига қарамай, фотиҳа билан яқунланган унаштириш бузилди, мискинликка учраган Нозима энди Ургутда қолиши мумкин эмас эди, Самад кўмагида дарров Тошкентга жўнади, институтга кирди. Қиз "ичимдагини топ" қабилида индамас бўлиб қолди, унаштириш бузилгани уни тушкунликка солмади, ўқишга, китоб мутолаасига берилди, Нажимнинг сервиқор, машғум қиёфасини унутди. Шундай қиз бўлатуриб, рад этилдими, демак, бошқа йўсин қўллаши, мутлақо эркли бўлиши, бу бировга эмас, биров бунга боқиши шарт, деган қарорга келди. Хато қилмади. Бироқ ўқишини ёқтирмайди, аламзада пайтида кирган эди. Ўзи ҳам бир оз чизади, меъмор бўлишни истайди. Самад ваъда берган. У истеъдодли меъмор, акс ҳолда талаба пайтидаёқ проекти қабул қилинмас эди. Нозима, ҳатто таниш бўлмаган Нажимни баъзан эслайди. Ота-онаси қанча ёзгиришмасин, қиз йигитни мутлақо айбламайди ҳам, аксинча, унга нисбатан ғойибий эҳтиром ҳис қилади. Агар бир йигит машғуқасига ваъда бериб, сўзидан тонмаптими, демак, вафодор экан-да. Бунақа инсон ҳар қандай рағбатга, эътиборга мувофиқ. Агар у ота-онаси унаштирган мутлақо нотаниш қизга уйланса, ёрига жафо қилса — адолатми? Қанча одамларимиз шундай тор, худбин майлдан фориг бўлишади? Демак, Нажим нафақат одамийлигини сақлаб қолди, у Нозимани ҳам қусурдан, бировнинг бахтига завол бўлиш гуноҳидан асради. Бунақа йигитни ёмон дейишга тил борадими? Йўқ, албатта. Демак, Нажимга ғойибона меҳр қўйиши, нимасинидир илғаш бежиз эмас экан-да, демак, Нозиманинг интуицияси хатосиз, аниқ экан-да. Жасурда адашмадимикан? Жасур, шубҳасиз, истеъдодли йигит, бироқ маслаги қай даражада пок экан? Синов пайти келса Нажимдан оғишмайдиган бўла олармикан? Қизнинг сезгиси бу саволга аниқ жавоб бера олмас, қиз бир оз ўзини оқимга ишонди, таваккал қилди. Агар тахмини ўзини оқламаса, на илож, ўкинмайди. Қисматнинг бир кўриниши, дея кўникади. Ҳамма нарсани аниқ ҳисобига бориб бўлмайди-ку, умуман ҳисоб билан яшашнинг ўзида қандайдир нопоклик бор.

Нозимахон этида сочиғи оёқ-сонларини яширмай офтобда турган тўқима креслога бориб ўтирди, бу ер иссиқ бўлгани учун сочиқни майсага ташлади, яланг қолди, чеккиси келди, бироқ оч қоринга чекмас, олдин бирон нарса чайнаб олишга одатланган эди. Жасур кеча қўйган кабоб ўчиб қолган кўрада бужмайиб ётар, Нозимахоннинг иштаҳасини тортмади. Кофе ичгиси келди, аммо қандай тайёрлашни бу бегона хонадонда билмас эди, ялангоёқ учуда майса босиб, йиғиштирилмаган зиёфат столига яқинлашди. Дастурхонда ҳамма нарса — қошиқ-санчқи, қулупнай, нон, чала ейилган қовурма, гилос, шоколад, ликоп-рюмкалар қалашиб ётар эди, қиз қоғози йиртилмаган шоколадни танлаб, ялғироқ аврасини йиртди, бир бўлак синдириб, оғзига солди. Кейин яна оёқ учуда юриб, матрасда чипор кўрпачага ўралиб ухлаётган Жасур устида тўхтади. Ўзига ўрин қилиб, бир ўзи ухлапти, Нозимахонни уйғотмапти, ёнига тортмапти. Демак, аяпти. Уйғотса, Нозимахон тушиб ётарди, қайтага совқотмас эди, иссиққина бўларди. Жасур ўзини тийишти, суллоҳлик қилмапти. Биринчи синов учун бу қилмиши чакки эмас. Иснодди кўринади.

Нозимахон бир лаҳза Жасурга тикилиб жилмай турди. Энди муносабатлари қай тусда кечаркин? Жасур қизни ўз майлига оғдирди, муддаосига эришди. Одатда, бунақа ишда қўли баланд келган, ташаббус кўрсатган томон ўз йўриғини ўрнатишга уринади, қизни бўйсундира олгани учун ўзини етакчи, деб ҳисоблайди, ихтиёрини бажарган қиз жўр, қарам бўлади, етакчи измидан чиқмасликка, унинг таъби билан ҳисоблашишга мажбур, энгил ғалабага эришган томон ожизадан айниши, ҳатто уни энгилоёқликда айблаб, итариб ташлаши ёки ғойиб бўлиб қолиши ҳам мумкин. Жасур қанақа усул қўлларикин? Агар димоғи кўтарилса, Нозимахон писанд қилмайди, йўлатмайди, орани беркитади. Ялиниб, унинг бўлар-бўлмас хоҳишига қараб яшамайди. Шунинг билан бирга муносабатларини расмийлаштиришни ҳам талаб қилмайди. Хужжат бўлгани билан оралари совуқ кечса, унақа расмийлаштиришдан нима наф? Майли, истаса, хотиним, деб эълон қилаверсин, тўй ҳам керак эмас. Агар ўзи расмийлаштиришни маъқул кўрса, майли, Нозимахон қарши эмас, фақат ҳамма нарса самимий бўлиши шарт; сохта алоқа, айниқса, мажбурий бурч энсасини қотиради. Агар Жасур бошқа бировга кўнгил қўйса, Нозимахон лом-мим, демайди, ўзи кўнгил қўйса ёки ихлоси совиса ҳам шу, ҳеч қанақа куч уни қайтара олмайди.

Нозимахон Жасурнинг ёнидаги бир даста ватман қоғозига кўзи тушди, кўргиси келди. Олиб, варақдай бошлади. Атиги учта қорама бўлиб, учаловида Нозимахоннинг очиқ кўкраги, ухлаб ётган пайти тасвирга туширилган эди. Иштиёқ, ҳирс билан чизгани сезилиб турипти. Мастликда расм ишлаши қизга маъқул тушмади, қоғозларни яна ёнига тўп этиб ташлади. Жасур уйғониб кетди ва

бир лаҳза гаранг ҳолда серрайиб қолди — Нозимахон турар эди. Жасур хушига келар-келмас қизнинг оёқларига ёпишди, қизни йиқитиб, кўрпасига ўради.

— Гуноҳқор бўлишни хоҳламайман, — деди Жасур негадир гулдираб.

— Нима демоқчисиз? — тушунмай сўради Нозимахон.

— Тайёр ўлжани олмаслик — гуноҳ, — деди Жасур.

Нозимахон қиқирлаб кулиб юборди.

Жасур қизни оғритмай юлқий бошлади, бироқ ҳали бу машқни синамаган Нозимахон оғриқ сезди.

21

Ёдгор Сожидахонникига ичкүёв бўлиб кирди. Қайнатаси кечаси қоровулик қилар, кундузлари ухлар, унинг бор-йўқлигини Ёдгор сезмас, кун иссиқ бўлишига қарамай шинелини, телпагини кийиб хотини билан почтага кетар, одамлар унинг кийимини кўриб, таажжубланар эдилар. Қишда, уйланиш арафасида бир ҳодиса рўй берди: Ёдгор дўкончадан сигарет сотиб олганида, дўкончи "чақа йўқ", деб қайтимага лоторея билетини суқди, Ёдгор олишга мажбур бўлди. Янги йил муносабати билан лотореянинг охирги тури ўйналди, Ёдгорга мотоцикл чиқди. Ҳеч қачон бунақа омадга ўрганмаган, олган лоторея билетлари бирон марта ютмаган Ёдгорнинг ўти ёрилай деди.

— Пойи-қадамнинг қутлуғ келди, — деди Ёдгор Сожидага уйлангач. — Лотореяга мотоцикл чиқди.

Ёдгор хотинини баттар яхши кўриб кетди.

— Туморимсан, — деди Ёдгор.

Кейин, мотоцикл кўлига теккач, икки ой мобайнида Дўрмон билан Қибрай йўлида намоёншкорона ўқдек учиб юрди, Ёдгор бормаган жой қолмади — иши бўлмаса-да, шамолни кўмсаб, Чорвоққа, Чирчиққа, Чимёнга, ҳатто Тошкентга бориб келди, бир велосипедчини ариққа қулатди. Бола жароҳат олмагани учун, штраф билан қутулиб кетди-ю, одамларни жиғига тега бошлади. Одамларнинг ҳайқариши, милиция ходимининг хуштаги уни тўхтата олмади. Йўл назорати ходимлари Ёдгорнинг ҳайдовчи ҳужжатини олиб, икки-уч кун ҳужжатсиз ҳайдаганидан кейин, мотоциклини олиб қўйишди. Ёдгор ёлворди, Афғон иштирокчилари жамияти берган ҳужжатни рўкач қилди, мотоциклини сотаман, деди. Мотоцикли қайтариб берилди, ўзи ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Мотоциклини сотди, пулнинг бир қисмини онасига, яна бир қисмини хотинига берди, қолганини ўзи ишлашди, пул бир ой мобайнида тугади, Ёдгор онасига, хотинига берган тегишларини ҳам секин-аста олиб, уни ҳам совурди. Ёдгор яна мотоцикл ютиш ниятида ўнталаб-

йигирматалаб лоторея билетларини сотиб олишга тушди, бироқ биронтасига ютуқ чиқмади, Ёдгордан омад юз ўтиргандек бўлди. Шунда у бир нарсани эслай бошлади: мотоцикл ютганида ҳаво совуқ, ўзи шинел-телпак кийган эди, омадини ўша кийим билан боғлаб, шинел-телпагини яна кийди, иссиққа чидади, ҳатто термос ютиб олди. Бу Ёдгор учун белги эди, иримчи бўлиб қолди — ўша пайтда кийган пойафзалини ҳам топиб кийди, бироқ ютуқ чиқмади. Жазирама кунлари ҳам Ёдгор шинел-телпақда гоҳ бозорда, гоҳ чойхонада, гоҳ магазинда пайдо бўлар, ўзи билан баҳс қилар, кўнглида кимнидир мот қилар, голиб чиққач, мазах билан ҳоҳолаб кулар, одамларни ажаблантирар эди. Энди ким рўпара чиқмасин, Ёдгорни четлаб ўтишга, гапига чап беришга интилар, у билан тўқнаш келмасликни маъқул кўрадиган бўлиб қолишди.

— Иснод! — деди Сожидахон хуноб бўлиб. — Турқингизга қаранг! Нима деб одамларга тушунтираман? Ҳамма сизни мазах қилаяпти! Соқолга бало борми? Дарвешга ўхшайсиз.

— Ўшанда соқол қирмай борувдим, балки сеҳр шундадир, — деди Ёдгор бўш келмай ва ойнага қаради.

Эрининг сасиб кетганига чидай олмай Сожидахон:

— Ўшанда душга тушувдингиз, пок эдингиз, — деди. — Ўзим ёқувдим.

Ёдгор душга тушганини эслай олмади, лекин кунига икки-уч марталаб чўмилишга тушди, ҳид аримади, Ёдгор бунга парво қилмади, девоналарча кўчаларда жовулашдан қолмади, одамлар унга "лоторей-дарвиш" деган ном қўйишди, милициядагилар унинг хулқи айниганини гумон қилиб, жиннихонага топширишмоқчи бўлишди, лекин Ёдгор ногиронлик гувоҳномасини кўрсатиб, қутулиб кетди, аввалги асносини ташламади. Ташлашга онги ҳам, иродаси ҳам етмас, ўзининг айниганини тан олмас, руҳий соғлом ҳисоблар эди.

Изза бўлавериш Сожидахоннинг жонига тегди, эри элиб берадиган почтани ўзи тарқатадиган бўлиб қолди, иккиқат бўлишига қарамай Ёдгорни уйдан ҳайдади. Шу алфозда Ёдгор яна онасиникига қайтиб келди, бироқ онаси бунақа фарзанд уйида бўлишини истамас, ўзи ундан чўчир, жазава пайтида бирон ножўя иш қилиб қўйишидан ҳайиқар, ундан қутулиш йўлини ахтарар эди.

— Мажбурий чора кўриш керакмикан? — деди Қудрат ака ўз ташвиши билан онаси келганида.

— Мажбурий? — гумони тасдиқланишидан чўчиб деди Зарифа хола.

— Бошқа иложи йўқ, ойи, — деди Қудрат ака изтиробда. — Ёдгорингиз айнигани тайин. Афғонистон контузиясимикин? Уни даволаш керак. Эркинликда қолдириш хавфли. Бошимизга маломат солиши мумкин.

— Бир гаплашиб кўр, болам, — деди Зарифа хола, — зора инсофга кирса.

— Гаплашиб кўрдим, ойи, — деди Қудрат ака танг бўлиб, — гап кор қилмаяпти. Нуқул ўзиникини маъқуллайди.

— Даф қил, болам, уйда қолишидан кўрқаяпман. Меҳри холанг соф бўлганида, ўшаникига чиқиб кетар эдим. Тутганини кўрмагансан, ҳеч нарсадан тоймайди, уйга ўт қўйиб юборади. Ютуғи йўқ билетларни сотдинг, деб лоторея сотадиган дўкончига пўписа қилипти, ойнасини чил-чил сиңдирипти. Ҳаммани жинни дейди, ўзини доно билади. Мелиса ходими сояда кепкасини ечиб ўтирган экан, постда ечиб ўтириш нотўғри, деб унга закон сўқипти. Ҳамма безор бўлган. Бир иложини топ, болам. Тўртта фарзанди бор, учтасини кўрмаган, эсига ҳам олмайди.

Зарифа хола қақшаб, пойма-пой ёзғириб, ўғлининг уйдан чиқиб кетди, Қудрат ака онасини автобус бекатигача кузатиб борди.

— Жасур безиллаб қолган, — деди йўл-йўлакай Зарифа хола нолиб. — Дуч келишса, албатта жиқиллашишади. Ярим йилдан буён йўламайди. Билсам, ҳовлисига учраб ўтардим. Тўй қиламан, уйланаман, девди, тўйи ўтиб кетгандир.

— Тўйидан хабарим йўқ, — деди Қудрат ака, — баҳорда борувдим Муяссархон билан. Хурсанд бўлиб қайтдик — қурилиши битипти, чиройли. Бир ҳовли меҳмон, зиёфатчилик. Уйини ювипти. Кўп совға келди. Тўйдан оғиз очмади. Ким экан келин бўладиган?

— Айтмади. Балки айнигандир-да, у ҳам ҳуйлик, — деди онаси. — Машина олармиш.

— Машина олармиш? Иши тузук, чоғи. — Қудрат ака севинчини яшира олмади. — Писанд қилмовдик, яхши рассом эмиш. Шериклари айтишди. Расмлари ҳақиқатда яхши. Ишқилиб оғири тушмаяпти-ку, шунга ҳам шукур. Тўй қилса, бизга айтар ахир.

— Бирон таннозни танлаган бўлса, ҳамма нарса битгандан кейин айтади, — гаши келиброқ деди Зарифа хола. — Писмиқ-да. Ичаяптими?

— Ичаяпти, — деди Қудрат иккиланиб. — Ҳаммаси ичади.

22

Айни кун қизиган пайтда Нозимахон кириб келди. Ҳовли худди бошқа иқлимдагидек салқин, майсалар орасидан майда фавворалар отилиб турар, манзара мутлақо бўлак эди. Ухлаётган бўлса керак, ҳовлида Жасур кўринмади.

Нозимахон кўйлагини ечиб ташлади, тери қуригач, оёқ учуда бассейн зиналарида юриб, томоғигача сувга тушди. Офтобда тургани учун сув илиқ эди. Нозимахон роҳатланди, сувни шалоплатмай сузди, кейин сочиққа ўраниб, тўқима креслога ўтирди, сигарет туташтирди.

Уй томондан трусичан Жасур кўринди. Уйқудан кўзлари шишинқираган, бир лунжида ёстиқғижими из қолдирган, у аввалига Нозимахонни пайқамади. Гилос панасида чекиб ўтирган Нозимахон йўталди. Шунда Жасурнинг кўзи тушди: секин кела бошлади — ялангоёқ эди, қадами эшитилмади.

— Қачон келдингиз? — деди Жасур ва уйқудан кейин бўладиган лоҳасликда кўкатдаги кўрпачага ағанади, бир лаҳза чалқанча ётди. Ниҳоят уйқуси тарқади чоғи қадини ростлаб, сочини, соқолини қашлади. Нозимахон Жасурнинг нимадир дейишини фаҳмлаб, индамай ўтирди.

— Ўғридек яшаяпмиз, — деди Жасур Нозимахон томон қараб. — Ойим ҳам, акаларим ҳам ҳали сизни кўришгани йўқ. Ақалли танишиб олинглар.

— Нима деб мени таништирасиз?

— “Шу қизга уйланмоқчиман”, дейман. Тўй ҳаракатига тушишади.

— Қорнимни қаппайтириб тўйда ўтиришим қанақа бўларикин?

— Ҳали сезилмайди-ку.

— Тўйда сезилади, — деди Нозимахон беписанд. — Ҳозир уч ойлик. Олдиришга кўзим қиймаяпти. Баҳридан ўт, десангиз, ўтаман.

— Йўқ увол. Никоҳ ўқитамиз. Ҳаром туғилмасин.

Нозимахон ўйланиб қолди.

— Албатта, икки-уч йил ўзимиз учун яшасак, чакки бўлмас эди. Илож қанча? Балки бола файз киритар. Кейин шунақа фикрга борганимиздан мулзам бўламиз. Туғилаверсин. — Жасур шундай деб бассейнга калла ташлади, пишқириб сузди. — Тўйга тайин гап айтмадингиз! — деди Жасур сув сатҳидан.

Нозимахон келиб, бассейн қирғоғига ўтирди, оёқларини осилтирди. У иккиланар, бир қарорга кела олмас эди. Бундоқ қараганда ўз она-отаси олдида ҳам, қайнона-янгалари олдида ҳам юзи очиқ бўлгани маъқул, бироқ Жасур билан ғайриқонуний яшашига қанақа важ келтиради? Уларга эриш туюлмайдами? Эриш туюлганидан Нозимахон ҳайиқмайди, бироқ улар билан мураса қилмай яшаш ҳам ғалати. Жасур қариндошларидан ор қилиши мумкин.

— Никоҳ, — деди Нозимахон ҳамон иккиланиб. — Танишгани олиб борганингизда “Никоҳдан ўтиб қўйдик, узр”, дейсиз, аввалига тумтайишади, кейин кўникиб кетишади. Хоҳласангиз, ойнгизникига ҳозир борамиз.

— Йўқ, — деди дарҳол Жасур, — ҳозир борсак ётиб қолишга тўғри келади. Алоҳида-алоҳида жой солиб беришади. Сизсиз ёта олмайман.

— Унда эртага борамиз, — деди Нозимахон кўниб. — Кечга яқин қайтиб келамиз.

— Эртага ошналар келишмоқчи, — деди Жасур, — ҳордиқ чиқариб кетишади.

— Яна қиморми? — деди Нозимахон, бунақа “ошналар” олдин ҳам бир-икки марта келишган эди.

— Шахмат, чўмилиш, бир оз қимор, — деди Жасур. — Нима бўпти? Улфатчилик.

— Яна битта шунақа улфатчилик бўлса, изимни топа олмай-сиз, — деди Нозимахон осойишталик билан.

— Шуниси охиргиси.

Нозимахон жавоб бермай ўрнидан турди, халатини кийди.

Хотинининг раъйи билан ҳисоблашмасликка Жасурнинг иложи йўқ эди. Нозимахон талашиб ўтирмайди, дилига зид нарса қилинса, шартта бурилиб кетворади. Феъли шунақа. Лекин бир ҳафта бурунги йиғилишда Жасур тузуккина ютқазган, реванш олиш учун Жасурнинг ўзи уларни уйига таклиф қилди; бирон гал уйида ўтган ўйинда Жасурнинг қўли паст келмаган, ютқазмаган. Шунини ирим қилиб, Жасур уларни чақиришга қарор қилди. Бу гал албатта қўли банд келади, у кунини бой берганини нафақат қайтариб олади, балки мўмайроқ ютади ҳам — анча кўзи пишиб қолган. Шериклари асосан тўрт кишидан иборат бўлиб, улар маълум келишув-аҳдга риоя қиларлар, доим янги иштирокчиларни жалб этарлар, бу иштирокчилар, одатда, яхши пул ишлайдиган даромадли шоир, рассом, режиссёр, тўйга борувчи яллачи-артистлар бўлиб, аввалига уларга ютуқни берарлар, улар қиморнинг гаштига ўргангач, аста-секин “сиртмоқ” торайя бошлар, бир-икки марта ютқазган иштирокчи омадсизлигини тасодиф деб билар, яна қўли банд келишига ишониб, ўйинга баттар берилиб, ҳатто учрашувларни ўзи уюштирар, “улар” “Қўйинг, бир-икки гал ўйнаманг, ҳозир қўлингиз паст келаяпти, омадингизни кутинг”, деб янги пишган ўйинчини аяган ҳам бўларлар, ўйинчи баттар иштиёққа кирар, “улар” “аранг” рози бўлишар, охир-оқибат ўйинчини шилиб кетишар, мўмайгина ўлжага эга бўлишар эди. Айни пайтда Жасур шунақа “қурбонлардан” эди. Уларнинг қайси бири, ҳатто “Ўйин пайтида ичманг, ҳисобдан адашасиз”, ҳам деди, бироқ Жасур учун ўйиннинг мароқи ичкилик билан боғлиқ бўлиб, кайф пайтида ютқазishi у қадар фожиали кўринмас, алами эртасига, ҳушёр тортган палладан бошланар, йигит мағлубиятига чидамас, ўч олиш пайига тушар, “уларни” қидирар, ўйнашга мажбурлар, “улар” Жасурнинг сўзидан гўё ўта олишмас, кўнишар, яна шилиб кетишар эди.

Бу гал ҳам ўйин шу оқибат билан тугади. Жасур бор-йўғини бой берди, машинага атаб қўйгани ҳам кетди, ҳатто чўталчи-ошпаздан қарз ҳам бўлиб қолди. Нозимахон билан тўй қилиш у ёқда турсин, никоҳдан ҳам ўтмади. Фикри-зикри қиморда, Жасур бўлак нарса ҳақида ўйламас, ижод мутлақо уни қизиқтирмас, дарди яна ўйнашда, қўлдан кетган маблағни ютиб олишда бўлиб қолди.

Нозимахон Жасурнинг аҳволи танглигини атворидан сезар, бироқ кўлидан ҳеч нарса келмас эди. Тўғри, охириги ўйиндан кейин Жасурнинг ваъдасига кўра, бу ҳовлида бирон марта ҳам "сеанс" бўлмади, Жасур бошқа жойларда уюштириладиган ўйинларда қатнашиб келадиган бўлди, лекин ҳар гал ижирганиб қайтар, Нозимахон Жасурнинг бой бериб келганини дарҳол сезар, огоҳлантирар, олдини олар, бироқ жазавага кирган йигитга ҳеч қанақа гап қилмас, гашига тегар, Жасур ўч олиш пайдан қайтмас, тушларида ҳам қимор ўйнаб чиқар эди.

— Ойимникида яшаймиз, — деди бир куни Жасур хотинига.

— Нега? — фулгулада сўради Нозимахон. Улар бир неча марта бориб Зарифа хола билан танишиб келишган, Жасурнинг онаси Нозимага ёққан, қорни кўриниб қолган Нозимахон аёлниги дилида хижиллик қолдирса-да, Зарифа хола кўника бошлаган эди.

— Ҳовлини ютқазиб қўйдим, — деди Жасур негадир ишшайиб. — Тонсам, пайимга тушишади, омон қўйишмайди.

Жасур субутсиз, иродасиз, заиф одамлигини Нозимахон англади.

— Ойингизникида ўзингиз яшанг, — дея Нозимахон уйдан чиқиб кетди.

Жасур сўппайиб бой берилган уйда якка ўзи қолди ва шериклари йиртқич эканига амин бўлди. Бироқ энди кеч, ҳамма нарса қўлдан кетган эди. Ҳатто Нозимахон ҳам оро кирмади. Лекин малакаси, касби ҳали ўзида эди, шунга ишониб, онасиникида кун кечира бошлади, акасининг найрангларига ҳам парво қилмайдиган бўлиб қолди.

Жасур ҳар куни институтга қатнар, машғулотларни қанда қилмас, ўқишдан озод бўлиши билан бир шиша ароқ олиб, онасиникига жўнар, охиригача ичиб, барча изтироблардан фориг бўлар, эртасига яна шу машқ қайтарилар, баъзида битта-иккита нарса чизар, аммо чизган нарсалари ўзига ёқмас, ижирганар, баттар тажанг бўлар, яна ичкиликка берилар, шу алфозда куни ўтар эди.

Жасур Нозимахондан жудо бўлганига кўника олмас, аламини нимадан олишни билмас, орқасидан истаб бориш фойдасиз эканига ақли етар, энди хотини унинг йўриғига кирмаслигини англади, ичини ер, қасдини шишадан олар эди.

Жасур кунлардан бир куни Нозимахон ижара оладиган уйга борди. Ҳар нечук хотини ҳомиладор аҳволда чиқиб кетди, куни нима кечаётган экан? Қорни ҳам дўмпайиб қолгандир, хабар олиб қўйиш бурчи, кўнгли юмшар, кечирар.

Нозимахон Жасурнинг қиёфасини кўриб кўрқиб кетди, лекин билдирмади. Жасурнинг кўзлари чўккан, юзи қонсиз, озгин, қўлидаги гулдаста қалтирар эди. Ҳарқалай осуда дамларни бирга ўтказишган — Нозимахоннинг ичи ачиди, лекин гулни олмади. Жасур Нозимахоннинг қорнига кўз ташлади.

— Чала туғилди, нобуд бўлди, — деди Нозимахон лоқайд тусда. Жасур бош ирғади, — тушунди. Қуюқ сочи кўзини тўсар эди. Нозимахон уни Мажнунга ўхшатди. Йигитнинг кўзи ёшланди. Нозимахон Жасурни ичкарига "киринг" демади.

Жасур бир лаҳза депсиниб турди-да, гулини эшик тутқичига қистириб, ортига бурилди, ташқарига чиқиб, скамейкага ўтирди, чекди.

Бир оз ўтгач, Нозимахон келиб скамейканинг нариги четига ўтирди.

— Сени унута олмаяпман, — деди Жасур негадир "сен"га ўтиб.

Нозимахон индамади, лекин йигитга далда кераклигини сездди. Бироқ Нозимахон ҳозир бошқа институтга кириш пайида эди, иккиланди.

— Расм чизаяпсизми? — анча сукутдан кейин сўради Нозимахон.

Жасур қўл силтади. Бу адо бўлиш аломати эди.

— Майли, — деди Нозимахон хўрсиниб. — Ижара оламиз. Яшаб кўрамиз.

Жасурнинг юраги шувиллаб кетди. Нозимахон томон сурилиб, қўлини чангаллади, ўпди, ёшини сурқади.

— Онамникига борамиз, — деди Жасур энтикиб.

— Йўқ, бормаймиз, — деди Нозимахон. Жасурнинг онаси Нозимахоннинг қорнини пайқаган эди, энди борса мулзам бўлади.

— Нима қиламиз, қаерда яшаймиз? — деди Жасур қувончли саросимада.

— Ижара топиш керак, — деди Нозимахон.

— Топилгунча шу ерда яшаб турсак-чи?

— Йўқ, уй бекаси бор. Эриш кўринади.

— Майли, эртагаёқ ижара қидиришга тушаман.

Нозимахон олдинги "амалларига чек қўйиш" ҳақида Жасурдан сўз олмоқчи эди — тили бормади. Ўзи шу аҳволга тушиб қолипти, баттар хўрлаб нима қилади. Ҳарҳолда қобилиятли йигит, тойди; қўл чизиш керак, яна кўкара бошласа ажабмас.

— Ўтира туринг, уйга кириб чиқаман, — деди Нозимахон ва жавоб кутмай ўрнидан турди.

Жасур якка қолди, сигарет туташтирди. Нозимахоннинг далдаси унга ҳаёт ато этгандек, Жасур энди бирмунча тетик кўринар, дилидан юк ариган, кўзларидаги ёш бахт ва умид аломати экани муқаррар эди. Энди тезроқ ижара топиши, милт этган саодатни қўлдан чиқармаслиги керак. Институт атрофида яшайдиган одамлар кўпқаватли бинодаги икки-уч хонали квартираларини ижарага топширишади, ҳовлили уй ҳам топилади, унча қиммат ҳам эмас — ҳозир яҳудийлар оммавий равишда Исроилга кетишмоқда, кўп уйлар арзон-гаров сотилмоқда, биронтасини олса, жойлик бўлиб қолади ҳам. Жасур хаёлига

шундай режа келганидан шодланиб кетди, бироқ уй қанча арзон бўлмасин, унга етарли маблағ топиш маҳол, қарз кўтаришга тўғри келади.

Нозимахон қайтиб келиб ўтирди, қўлидаги қизил қутичани Жасурнинг тиззасига қўйди — бу гавҳар қўзли тилла кулон бўлиб, Нозимахон ҳомиласи муносабати билан қилган ҳадяси эди. Нега қайтарди?

— Ҳали таққаним йўқ, — деди Нозимахон. — Асқотар.

— Совға-ку, — деди Жасур гангиб.

— Мен мунақа нарсаларга ўч эмасман, — деди Нозимахон тасалли бериб. — Ҳозир сизга керак. Фақат... — Нозимахон "Қиморга тикманг", демоқчи эди, айтишни эп кўрмади.

— Нима "фақат"? — сўради Жасур, бироқ Нозимахон айтмоқчи бўлган мулоҳазасини англаб, деди: — Хавотир бўлманг, энди у кўчага кирмайман.

Жасурнинг аҳди заиф кўринса-да, Нозимахон ишонгиси келди.

— Соврани қайтариб олмайман, — деди Жасур. — Бу нарса сизники. Ўзим топаман, хунарим бор.

— Ҳозирча ишлатиб туринг, кейин яна берарсиз, — деди Нозимахон кўнгил учун. — Менда бўлса, ётади. Фойдаси тегсин. Мулзам бўлманг.

Ҳақиқатда жой топилди: икки хона, бир дахлизли ҳовли торгина бўлса-да, шинамгина, ошхона, ванна, ҳатто уч метрли бассейни ҳам бор эди. Уй эгалари қутичадаги қимматбаҳо буюм эвазига жойни беришди, кулонни сотишга эҳтиёж ҳам қолмади. Энг муҳими янги уй Нозимахонга маъқул тушди, фақат эгалари қолдирган жиҳоз — каравот, гилам, стол-стул, диван, этажеркалар, яъни эгаларига буюрмаган қақир-қукурлар орасида яшашни истамади. Эгалари нарсаларни текин-гаров қўшнига топшириб, хоналарини бўшатиб беришди. Жасур енгил-елпи таъмирлашга тушди, аввалига полга ташланган тўшақда ётиб юришди. Иноқлик бўлгач, камчилик сезилмади.

— Унча-мунча жиҳоз олсак, — деди Жасур осуда турмушига умид билан тикилиб, — ойимни, акаларимни чақирамиз. Хурсанд бўлишади. Агар жоиз топсангиз, сизнинг ота-оналарингизни ҳам айтамиз. Қудалар танишишсин. Қолаверса, ўзим ҳам уларни танимайман. Қизлари тиниб-тинчиганини кўришса, улар ҳам хурсанд бўлишади.

Нозимахон жилмайиб қўйди, холос.

Нозимахоннинг қариндошлари, асосан акаси, баъзида ота-онаси Тошкентга келиб, қизидан хабар олиб кетишади, пул, озуқа қолдиришади. Отаси ҳам, акаси ҳам рифрежераторларда узоқ шаҳарларга узум олиб бориб, улгуржи сотиб келишади. Улар тўкис, ўз боғидан чиққан узум камлик қилса, хўжаликлардан кўтара сотиб олишади, шу савдо орқали данғилама уй-жой куришган, танқислик нималигини билишмайди. Бироқ Нозимахон

унаштирилган хонадон никоҳдан бош тортганларидан кейин синглисига ҳам совчи келмади. Бундоқ қараганда, синглиси уларга мос, ўрта мактабни тугатиб, уйда ўтириб қолди, юмуш бажариши аъло, лекин бекор қилинган унаштириш сарқити ҳамон оила фаровонлигига кўланка ташлар, ҳатто укаси Жамолиддинга ҳашаматли уй қуриб берилганига қарамай, келин топилиши қийин кечар эди. Булар топган жой пайсалга солар, рози бўлишга тайёр оилани булар тўғатмас эди.

Мана, тўрт йилдан ошди, Нозимахон Ургутга қадам босмайди, гўё куйган этагини кесиб ташлагандек, у томон Нозимахон тақдиридан узилган, соғинчини ҳам уйғотмас, Нозимахон бошқаларга ўхшаб туғилган ерини таърифламас, Ургутли эканини, ҳатто айтмайди ҳам.

Жасур газ плитасини айвонга ўрнатиб, ҳовлидаги ошхонани ўзига устахона қилиб олди. Дераза ортидаги сояси куюқ, барги кўп тўкиладиган дарахтни кестирди, хонаси нурга тўлди, бассейнга барг ҳам тўкилмайдиган бўлди.

Жасур устахона деворларига ўзи учун аҳамиятли асарларини осиб чиқди.

Нозимахон Жасурнинг ҳамма асарларини кўрмаган эди, Барнонинг тасвири туширилган расм эътиборини жалб қилди, юраги жиз этди.

— Бу ким? — деди Нозимахон ҳаваси келибми, ҳасад қилибми? — ўзи ҳам англамай.

— Барно, — деди Жасур вазмин товущда, лекин юраги дук-дук ура бошлади.

— Исми ҳам эсингиздами?

— Эсимда, — деди Жасур тортинмай.

— Нега аввал кўрсатмовдингиз?

— Мавриди келмовди.

— Ҳозир қатта?

— Билмайман, — деди Жасур соддалик билан. — Уйидадир.

— Уйи қаёқда?

— Тоғда.

— Тоғда?

— Ҳа, тоғлик қиз эди.

— Расмини иштиёқ билан чизган экансиз.

— Рост, — деди Жасур. — Шов-шув бўлган. Юзлаб хат келган.

Ҳатто шайдолари қишлоғига ҳам боришган.

— Сиз-чи? Сиз ҳам шайдо бўлганмисиз? — ўсмоқчилаб сўради Нозимахон, бироқ қизиққанидан ўзи ор қилди.

— Акамга теккан, — деди Жасур. — Ўзи топган-да.

— Келинаянгизми?

— Ҳа, келинаям.

— Нега тоғда, дедингиз?

— Ажрашиб кетишган.

- Шундай гўзалдан-а?
- Тақдир.
- Боласи борми?
- Бор. Акмал.
- У ҳам тоғдами?
- Йўқ, шаҳарда.
- Кўриб турасизми?
- Кўрмаганимга анча бўлди. Энди у бизга бегона.

Нозимахон ҳеч қачон Жасур билан бунча узоқ гаплашган эмас эди, ўзидан ўпкалади. Бироқ Жасурнинг дилида алланечук ўкинч қолганини ҳам пайқади, индамади, гапни чувалаштиргиси келмади.

23

Ҳаётида юз берган ўзгаришига Барнонинг ўзи ишонгиси келмас, осмондан тушганга ўхшар, аввалги турмуши ҳозиргисига нисбатан қанақадир бўтана, кир, шилта кўринар, Барно хурсанд бўлишидан ҳам чўчир эди. Ботир Рустамовнинг муомаласи равон, ҳисси жўшқин, самимий, гализсиз бўлса-да, дилидаги зил аримас, камайиш ўрнига кун сайин уни баттар эзар, паришон қилар, ўзи дардини айтмас-ёрилмас, лекин Барно сезар, асқата олмас, ҳатто унинг кўнглида кечаётган изтиробни сўрашга ҳам ботинмас эди. Барно Ботир Рустамовнинг хотинини клиника коридорида кўрганидан бери юраги ғулғулада, тасалли топа олмайди. Нима деганда ҳам Ботир Рустамовнинг шундай нозанин хотини, иккита фарзанди бор, улардан кескин ажралиши осон кечмайди, Барно буни тушунади. Тушунибгина қолмай, агар Ботир Рустамов оиласига қайтса, Барно ҳатто шод бўлади, бировнинг уяси бузилгани учун — айбдор бўлмаса-да — ўзини ўсал сезади. Ботир Рустамов авзойидан билдирмаса ҳам клиникадагилар раҳбарнинг аҳволини сезишади, баъзилари Барнодан кўришади. Барно иш пайтида ўзини мумкин қадар нари тутади, Ботир Рустамовга яқинлашмасликка уринади, муносабатлари расмий тусдан нарига ўтмайди. Лекин барибир — Барно ғаш қарашларни ҳар қадамда пайқайди, ўзини дахлсиз тутишга ҳаракат қилади. Албатта, бу вазиятдан қутулиш қийин эмас — бошқа ишхонага ўтиб кетса бас, висир-висирдан, ёвуз қарашлардан узоқ бўлади, бироқ бу тадбир иллатни бартараф қилмайди, қочди деган гап тарқалади. Умуман, Барнонинг эндиги ҳаёти қанча мароқли-гаштли кўринмасин, тагида аллақандай диққи бор, омонат туюлар, Барно бировнинг калишини кийиб юрганга ўхшар эди. Бу мутаносибликни эпақайга солиш учун, Ботир Рустамов кўнса, умуман клиникадан бўшаб, четроқдаги бошқа бир муолажа муассасида ишлашлари керакдек туюлар, бироқ бу тадбир ҳам муаммони ечмас, қайтага улар васвасага тушган ҳисобланишлари

мумкин. Бошқа шаҳарга жўнашса, балки қулоқлари тинчир, лекин бўлак жойда медицина амалиёти Тошкентдагича эмас, илмий-изланишлар деярли йўқ, иккалови шунчаки жарроҳга айланишади-қолишади. Бироқ Тошкентда яшаши уқубатга айланмоқда. Айниқса, охириги пайтларда икки-уч операция ўлим билан якунланди. Назарий жиҳатдан ҳам, тажрибада ҳам бунақа ҳодисалар учраб туриши мумкин, этга пичоқ теккач, омон чиқишининг ўзи мўъжиза. Лекин Ботир Рустамов ҳам, ходимлари ҳам бунга мўъжиза, деб қарашмайди, юрак тўхтайдими, мия фаолияти ишдан чиқадими, буйрак, ўпка, жигар, қон ва ҳоказолар — одамнинг вужудида кераксиз ҳужайра бўлмайди, биронтаси тўсилса, вассалом, бири иккинчиси билан боғлиқ, қолганлари ҳам "оқсай" бошлайди. Вақтида пайқаш, "гуноҳдор" ҳужайрани тирилтириш, ишга солиш — врачнинг бурчи. Бунақа малакаси йўқ давочининг қўлидан аппендицит билан келган бемор ҳам операциядан чиқмаслиги мумкин. Бунақа ношуд врачлар йўқ, бўлганида ҳам икки-уч йиллик тажрибаси бўлмаганини операция столига қўйишмайди ҳам. Янги ишга олинган врачни энг камида ярим йил синамагунларича — дипломи бўлса-да — касални топширишмайди. Лекин шунга қарамай, операция столида тажрибали хирурглар пичоғидан ўлганлар ҳам учраб туради. Яқинда шунақа воқеадан сўнг мархуманинг эри клиникада жанжал кўтарди.

— Кўричақдан ўттиз яшар жувон ўлиб кетиши — бу қанақаси? — ўзини тута олмай ўшқирди у. — Тирик кириб, ўлиб чиқди.

— Гап кўричақда эмас, операция пайтида инсулт бўлипти, узр, докторлар билмай қолишипти, — деди Ботир Рустамов.

— Операцияни нега уқувсиз одамларга топширдингиз? — деди нотаниш киши бас келмай. — Нега ўзингиз қилмадингиз?

— Кўричакни бошқалар ўтказишади, — деди Ботир Рустамов.

— У эмас, бу эмас — қўлимга хотинимнинг мурдасини қайтариб бердинглар. Учта боласига нима дейман?

— Ҳақиқатда инсулт экан, ўзим операция қилдим.

— Жони узилгандан кейин қилган операциянгиздан нима фойда? Хотинимни тирилтириб беринг! Бўлмаса судга ариза топшираман!

— Ахир тушунинг...

— Йўқ, тушунмайман!

— Кўричакни тез кесиб ташламаса, ёрилиб кетиши мумкин эди, хирург шошилган.

Эркак эшикни қарс ёпиб, кабинетдан чиқиб кетди.

Клиниканинг энг мулоим, нуқул кулиб гапирадиган ҳамшираси (фото суратларни олган) бўлган можарони оқизмай-томизмай Назокатхонга етказди. Назокатхон учун бу хабар жуда аҳамиятли эди, манзилини олиб, мархума чиқарилган уйга

ошиқди, унинг тул қолган эри билан ярим соат гаплашиб қайтди.

Ботир Рустамов пўписага аввал эътибор бермади — агар ҳар бир нобуд бўлган бемор учун даволовчи суд олдида тик туриб жавоб бераверса, ким бу иш билан шуғулланади? Бироқ тергов ишлари борган сайин қатъийлашгани, бу тадбир аллақандай хусумат билан олиб борилиши Ботир Рустамовни хавотирлантира бошлади. Агар иш судга бориб тақалса, Ботир Рустамов даъвочини ким шайлантираётганини албатта билиб олади. Судга бормасданоқ билди — бунда хотини ва қайнотасининг қўли бор. Қайнотаси мартабали киши, қўли ҳамма нарсага етади, ҳеч ким унинг гапини иккита қила олмайди. Бу — қасос, ўч, унинг тўрида чувалашиб қолиш ҳеч гап эмас. Демак, интиқом бошланипти-да.

Ботир Рустамов бугун ишдан эрта қайтди, хаёли паришон эди. Барно бир соатдан сўнг навбатчиликка кетиши керак, унғача Акмални боғчадан олиб келиши, кечки овқатни тайёрлаши керак эди, Ботирнинг таъби хиралигини пайқашга пайқади-ку, атайин бунга хаёлини тўпламасликни маъқул кўрди. Агар тошиб кетса, эрининг ўзи айтади.

Ботир Рустамов апил-тапил ювиниб балконга чиқди, ўша томондан товуш келди.

— Чақирдингизми? — сўради Барно ҳам балконга чиқиб. Ботир Рустамов валати ижирғанар, қўлини ёнига урар, оқ оралай бошлаган нам сочини бармоқлари билан тарар эди.

— Йўқ, гапирдимми? — деди у мулзам бўлгандек.

— Товушингизни эшитдим.

Ботир Рустамов истеҳзоли жилмайди.

— Автобус бекатида бир кишини учратдим, — деди у юришдан тўхтаб. Барнонинг юраги орқасига тортиб кетди — бир кориҳол юз берган, деб хавотирга тушди. — Тузуккина кийинган, қирқ ёшларда. Мени тўхтатиб, пул сўради, эллик сўм, паспортини кўрсатди, асакалик экан. Уч кундан кейин қайтариб бераман, деди. Зарур бўлиб қолган экан, ўзиники етмапти.

— Хўш?

— Бермадим, — деди Ботир Рустамов.

Барно нотаниш кишига пул қарз бермагани тўғри-нотўғри эканини фаросат қила олмади.

— Пулингиз йўқмиди?

— Ҳамма гап шунда-да — пулим бор эди. Лекин бермадим. Эллик сўм!

— Нега тажанг бўлаяпсиз? Бермапсиз-бермапсиз-да, нотаниш кишига нега пул бериш керак?

— Балки муҳтождир? Гушунар, деб менга мурожаат қилди. Мен пулим бўлатуриб бермадим. Йўқ дедим. Алдадим. Узр сўради. Мени одам деб сўрашга журъат қилди, мен бермадим. Эллик сўм! Албатта қайтариб берар эди. Бермаса, садақа эди. Агар эллик сўм

ўша одамга асқотса — майли, савоб бўларди. Мен бермадим. Қизгандим. Аҳволини тушунгим келмади. Олчоқлик қилдим. Ахир ҳаммамиз ҳам шунақа вазиятга тушишимиз мумкин. Нега бермадим? Қандай ухлайман? Бекатга чиқай-чи, балки кетмагандир, — дея Ботир Рустамов ичкарига отилди, бир зумда кийиниб, кўчага ошиқди.

Барно эрининг изтиробини тушунар, бу унинг виждон азоби эканини англайди, лекин бу саросима остида бошқа ҳадик борлигини фараз қилар, ситами охириги пайтларда рўй бераётган машмашалар оқибатида эканига шубҳа қилмас, эрига ичи оғрир, бўлаётган воқеаларда ўзини айбдор сезар эди.

— Йўқ, кетиб қолишти, — деди Ботир Рустамов қайтиб келиб. — Нега бунақа қилдим? Нега бермадим? Энди у одам нима деб ўйлайди? Элик сўм кўп пул эмас-ку, нега қизгандим?

— Қўйинг, ўзингизни еманг, бўлар иш бўлди, — деди Барно. Ботир Рустамов хўрсиниб ечина бошлади.

Барно ювиниб-тараниб навбатчилик қилиш учун клиникага кетди, энди эрталаб келади. Акмални боғчадан Ботир Рустамов олиб келди. Акмал секин-аста Ботир Рустамовга ўргана бошлаган, ётсирамайдиган бўлиб қолган, лекин ярим йил ўтишига қарамай Ботир Рустамовни ҳали "дада", демас, онаси қистамас, баъзан: "Дадаси овқат тайёр, чиқинг" ёки "Дадаси, сизни телефонга!" деб, "Ботир ака", дейишга тили бормас, ишхонада "Ботир Алимович", деб мурожаат қилар эди. Акмал зийрак бола бўлиб, Ботир Рустамов уни ёқтира бошлади, шахмат ўргатди; уч филдиракли велосипед олиб берганида, Барно: "Раҳмат демайсанми дадангга", деганида Акмал Ботир Рустамовнинг бўйнидан кучоқлаб: "Раҳмат... дада", деди ва "дада" деганидан ориниб, велосипедга чалғиди. Энди баъзан-баъзан Акмал "дада" дейдиган бўлиб қолди.

— Сиз ишда эдингиз, Акмал боғчада, — деди қайси бир куни Ботир Рустамов Барнога, — бир киши эшик жиринглатди. Бошида телпак, устида шинель, соқоли қирилмаган, қўлида газета — "Боланинг отасиман", деди. "Қайси болани?" сўрадим мен. У Акмалнинг исмини эслай олмади. "Уй ҳам менинг номимда", деди у, сизни сўради. "Ишда", дедим, менинг ким эканимни сизди чоғи. Бир кунмас бир кун келади, деб юрардим, мана ахир келди. Авзойи ғалати, жуда ғалати, кўзлари бежо, уйимга ҳам, хотинимга ҳам, боламга ҳам эга бўлиб олдинг, дегандек писанда сиздим. Энди у бизни холи кўймайдиганга ўхшайди, бошқа жой қидиришимиз керак.

Ботир Рустамов Акмалнинг отаси ҳақида Барно хижолат тортмасин деб бирон марта сўрамаган эди, бу галдан кейин ҳам суриштирмади, суриштириб ҳам нима қилади, гап чувалашади, кўнгилсиз тафсилотлар чиқади, дили вазир бўлади. Барно ҳам эрининг олдинги турмуши ҳақида оғиз очмади; атрофидагилар орқали у оиладаги вазият, хотинининг феъли қанақа эканини

билади. Шу кифоя. Бироқ ўгли билан қизи бор, Ботир Рустамов уларни соғиниши, кўргиси келиши шубҳасиз, учрашишадими, йўқми — Барно билмайди, билишни истамайди ҳам. Ота фарзандларини кўришида иллат йўқ, бироқ хотини билан узил-кесил бўлишгани аниқ. Ҳатто Назокатхон эрининг пайига тушганини, одам кўйиб, судга жалб қилиш ўчида юрганини ҳам билади. Ботир Рустамовнинг сўнги пайтадаги тажанглиги шундан. Уларга бас келиб бўлмасмиш, манаман, деганларни чалишар эмиш. Агар Ботир Рустамов панд еса, кесилса Барно ўзини кечирмайди, негаки Назокатхон эрининг "тойишини" Барнодан кўраётган эмиш. Барнода нима айб? Ақалли учрашишгани ҳам йўқ, Ботир Рустамов янги йил кечаси уйда ухлаб қолди, холос. Аслида айб ўзида — Назокатхонда, шундай мўмин эри ортидан пойлоқчи кўйиб, суратларини олдириб нима қилар эди? Эрини ўзи гижгижлади, игарди. Балки оиласини ташлаш Ботир Рустамовнинг хаёлига ҳам келмагандир? Тўғри у Барнога бошқача қарар, лекин шундан нарига ўтмаслиги ҳам мумкин эди. Янги йил кечаси ётиб қолиши ўчакиш оқибатидир?

Барно Ботир Рустамовни Сижжакка олиб бориб, она-отаси билан таништиришни ҳам ўйлади, бироқ журъат қила олмади — турмушлари Барнога ҳали ҳам омонат, ўчакиш натижасидек кўринар, ота-онаси олдида изза бўлишдан хавфсирар эди. Барно Ботир Рустамовга гард юқишини истамас, ҳатто вазият тақозоси билан хотининикига қайтиш тўғри келса ҳам, ёзфирмас, қайтага шукур қилар эди. Ботир Рустамов тинч бўлса бас. Бироқ бостириб келаётган воқеалар бундай эзгуликни тан олмас, қасос ўчи ҳамма нарсадан кучли эди.

Икки ҳафта олдин Акмал акса уриб қолди, Барно боласини боғчага юбормади, ўзи ҳам ишга чиқмади, боласига доридармон берди. Айни шу куни қишлоқдан Барнонинг дадаси келиб қолди. Барно ишга бормагани маъқул кўринди, дадаси ишдан қайтгунга қадар ҳовлида кутиб ўтирар эди. Акмал ҳам уйда, ҳар гал отаси келганида неварасини кўра олмай қайтар эди. Барно отаси келтирган совға-саломни — асал, қарта, балиқ, майиз-бодомларни жой-жойига қўйиб, дастурхон ёзди, оловга қозон қўйди.

— Уннама, Ўрмон хўжалигига учрашим керак, — деди дадаси, — ўшатган нари қайтаман. Чой кифоя.

Барно жаз-жузни бошлади.

— Аянг велосипед олиб берипти-да, — деди дадаси невараси билан яқинроқ танишиш мақсадида.

— Аям эмас, — деди Акмал велосипед эгаридан тушмай.

— Ким?

— Дадам, — деди Акмал нечундир тугилиб.

Қизи билан куёвнинг оралари бузилганини дадаси аллақачон билар эди.

— Ярашдинларми? — суюнишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай сўради Барнодан дадаси.

— Йўқ, уч марта уйланипти-ку, — деди Барно, у дадаси анчадан бери келмагани учун оиласида рўй берган ўзгаришларни айтмаган, ўзи қишлоғига бора олмаган, улар хабарсиз эдилар.

— “Дадам” деяпти-ку боланг? — тушунмай сўради дадаси.

— Бошқа киши, — деди Барно ийманиб — дадаси бунга қанақа қарашини қизи билмас эди.

— Шунақами? — деди бир оз саросимага тушиб. — Ўзи қанақа, тайин одамми? Сени чув туширмайдими? Касби-кори борми?

— Профессор, — деди Барно. — Доктор. Хирург.

— Қарими? — ҳадиксираб деди дадаси.

— Ўттиз беш ёшда.

— Ўттиз беш ёшда профессор бўладими?

— Бўлар экан-да, — деди Барно ифтихорини аранг яшириб.

— Қалай, омонат эмасми?

— Кўз тегмасин, — деди Барно ва негадир кўзи намланди.

— Расмийми? Рўйхатдан ўтдинларми? Тўй-пўй-чи?

— Ҳали хотинидан расмий ажрашганича йўқ.

— Демак, омонат экан-да? Айт, ажрашсин. Нима қиласан номингга доғ тушириб. Ё оиласига қайтсин, ярашсин.

— Қайтмайди. Иноқмиз. Олдинги турмушим балчиқ экан. Энди тушундим.

Дадаси хўрсинди.

— Пул-мулинг борми?

— Ишлаяпман-ку. Рўзгоримиз тўқис, — деди Барно суҳбат мавзуи ўзгарганидан мамнун бўлиб. — Қайтага мен бераман.

— Керакмас, боланг бор. Ўзингга асқатсин. Энди мен жиламан. — Дадаси янги куёви билан учрашишдан негадир ҳайиқар, орият қилар, четроқда бўлишни маъқул кўрар эди.

— Ишингиз битмаса, қайтинг, — деди Барно дадасига. — Ботир Алимович билан танишиб кетасиз.

— Танишиш қочмас, ишим зарур, — дея дадаси ўрнидан турди. — Турмушингни тайин қилиб ол, қонуний бўлсин. Бунақа яшаш... — Дадаси сўз топа олмади. — Онангга айтсам, яна қон босими кўтарилиб кетади. Шўрлик кўз тиккани-тиккан, ўзи кела олмайди, сен чиқиб бормайсан.

— Ботир Алимович билан бирга борамиз, — деди Барно. — Уч киши бўлиб.

— Олдин расмийлаштир, кейин — марҳамат.

Дадаси, худди зинадан куёви билан тўқнаш келадигандек, илдам юриб, пастга ошиқди, қизи берган бир жуфт қазини ҳам олмади: — Онангга мумкин эмас, босими ошади, — деди. — Мен ҳам ўч эмасман. Увол бўлади.

Дадаси келиб-кетганини яшириб бўлмайди, барибир Ботир

Рустамов билади, янги куёви билан танишиш истаги йўқлигидан ичида ўпкалайди, Барно дадаси қайтиб келишини, Ботир Рустамов билан юзма-юз кўришиб, Сижжакка таклиф қилиши лозимлигини айтмаганидан, гапида туриб олмаганидан пушаймон бўлди. Энди эри сўраса, “Нега дадангиз ўзини олиб қочди?” деса, Барно нима важ кўрсатади? Ботир Рустамовнинг ўзи охирги пайтда қанақадир тушқун аҳволда юрипти, энди қайнотаси кўришишни ҳам хоҳламай кетворгани ўлгани устига тепган бўлади. Барно ҳадикка тушди, хатосини тузатиш йўлини ахтарди, лекин бирон йўсин топа олмади. Ҳатто Ўрмон хўжалиги бошқармасига бориб, дадасини топиши, нима бўлмасин, эри билан таништириб, кейин кетишига ижозат беришни ўйлади. Бироқ бошқармадан дадасини топа олармикан? Дадасининг бошқармага бориши шунчаки важ, янги куёви билан кўришмаслик баҳонаси бўлса, аллақачон Сижжакка жўнаб қолди, Барно бошқармада унинг изини ҳам топа олмади. Нега дадаси куёви билан кўришишдан бўйин товлади? Нимани андиша қилди? Балки қизи, рўйхатдан ўтмай, ўзининг раҳбари билан норасмий яшаб юриши кўнглида мулзамлик уйғотдими? Ёки айнан шу қалтис вазият туфайли дадаси янги куёвини тахликага солишдан орият чеқдими?

Ҳарқалай, Барно саросимада қолди. Дадасининг келганини эрига айтиши, аммо кетганини ҳам тутуруқли далил билан оқлаши керак. Акс ҳолда гумон уйғонади, гумон бор жойда шубҳа туғилади, иш чалқашади, шу баҳона бўлиб, орага саросима тушади.

Бироқ Ботир Рустамов ҳозир ўзининг ташвишлари билан овора — Барнонинг дадаси келиб-кетганига эътибор берадими, йўқми, бу ҳам гумон. Балки умуман писанд қилмас, ҳозир мияси бошқа ташвишлар билан банд.

Ботир Алимович метродан чиқиб, анҳор томон йўл олди. “Тез ёрдам” машинасининг ҳайдовчиси шу ерда уй борлигини, уй эгалари Ленинградда яшаб қолган қизиникига кўчиши сабабли жойни ижарага қўйиб кетишмоқчилигини профессорга айтган, Ботир Алимович ҳайдовчи билан бирров кўриб кетишган, уй ҳовлили бўлиб, уч хонадан иборат шинам, Бешёғочдан ўтадиган канал бўйида жойлашган жой, атрофида катта кўчалар бўлмагани учун шовқин кам, серсоя, канал яқинлиги туфайли ҳаво иссиқ пайтида ҳам бирмунча салқин, осойишта эди.

— Агар Ленинградда туриб қолсак, бу жойни сотишга тўғри келади, — деди ўзбекча чопон кийган уйнинг эгаси рус тилида. — Балки ўзингиз оларсиз. Болалар боғчаси, мактаб, магазин, метро бекати яқин, қулай жой. Ҳамма жиҳозу идиш-анжом қолади, фойдаланишдан жирканмасанглар — марҳамат.

Жой Ботир Алимовичга маъқул кўринди. Албатта, бу ҳовли ўзи яшаган уйдек дангиллама эмас, аммо шуниси профессорга қулай, ўзгаларнинг гашини келтирмай ими-жимиди яшаш аини мудао эди. Ҳозирги яшаётган икки хонали квартираси —

Барнонинг олдинги эрининг уйида туришни Ботир Алимович ўзига эп кўрмас, айниқса, бир ой бурун келган тасқара шилқимлик қилаверса, киши безор бўлади. "Уйимни бўшат, хотин ҳам, бола ҳам меники, сен бегонасан", деса ўртага совуқлик тушади. Ботир Алимович Барнонинг собиқ эрига қатъий эътироз билдира олмайди — расмий жиҳатдан у ҳақ. Барно ҳам мулзам бўлади. Муносабат жанжалга бормай туриб, уйни тарк этиш, калитини қўшнига ташлаб кетиш маъқул. Булар қаёққа кетиб ғойиб бўлишганини "тасқара" билмайди, хиралик ҳам қилмайди.

Баъзан Ботир нима учун шундай покиза, хушрўй хотини бетайин одам билан топишгани ҳақида сўрагиси келади, бироқ дилига озор етказишдан чўчиб, индамай қўя қолади. Ботир Алимович ҳақиқатдан Барно билан яқинлашишини ўзи учун саодат деб билар, ўзини сервиқор хотини билан таққослаганида, Барно маъюс ва дилдор кўринар, Ботир, ҳатто ундан айрилиб қолишдан ҳам ҳайиқар, тезроқ ҳозирги квартирасидан қочиш, аҳил ва тотув рўзгорини авайлаб қолиш йўлини ўйлар эди. Шунинг учун янги топилган жой Ботир Алимовичга ҳар жиҳатдан қулай кўринди, ҳатто ижарани кўлдан чиқармаслик мақсадида уй эгасига гаров ҳам берди.

— Икки ҳафтадан кейин жўнаймиз, — деди чопон кийган киши гаров тўловини олгач. — Агар илгарироқ кетсак, калит ёнқўшнимизда бўлади, кўчиб келишингиз мумкин.

Ботир Алимович мамнун тарзда уй эгалари билан хайрлашиб, кўчага чиқди, канал бўйлаб кета бошлади. Қоронғи тушган, чироқлар шуъласи сув сатҳида чайқалар, осмон тўла юлдузлар милтирар, салқин ҳаво осудалик берар эди.

Ботир Алимович қирғоқ бўйидаги бўш скамейкага ўтириб сигарет туташтирди. Охирги пайтдаги машмашалар қанчалик ғурбат бўлмасин, йигит уларни йўлатгиси келмади, осмонга тикилди. Унинг хаёлига ёшлиқдаги ўртоғи тушди. Ёз палласида ўртоғи ота-онаси билан далага кўчиб кетишар, аҳён-аҳёнда ўртоғи Ботирни далага олиб кетар, улар сойда чўмилишар, томга жой тўшаб, юлдузларга тикилишар, ният қилишар, юлдуз учишини кутишар, учишини кўргач, ухлаб қолишар эди.

Сув сатҳида чайқалаётган юлдузлардан кўзини узмай Ботир ярим соатгача қимир этмай ўтирди, юлдуз учгандек бўлди. Юлдуз учдими ёки шамол чалкаштирдими — Ботир англай олмади. Бироқ юлдуз учди, деб ўйлагиси келди, дили таскин топди.

ИРОДА

Институт ректори кабинетига киргач, котиба Махсума столда қолдирган бугунги газеталарни варақлай бошловди, махсус телефон жиринглади, Асрор Шамсиддинов дарҳол телефон дастасини олди; бу телефон кам жирингласа-да, ректор ҳар гал ҳадиксирар, "Алё!" ўрнига "Лаббай!" дер, оғзига дори ташлар эди — телефон қилувчилар расмий такаллуф сақлашса-да, фармойишни англатар эди.

— Лаббай! — деди Шамсиддинов саросимада.

— Салом алайкум, — деди телефондан келган овоз.

— Валайкум ассалом... Эшитаман...

— Асрор Мўминович, сиз билан бир масала юзасидан гаплашиб олишим зарур, — деди овоз номини атамай.

— Марҳамат, қандай масала?

— Телефон орқали айта олмайман, — деди телефондаги овоз. — Юзма-юз гаплашганимиз маъқул. Ҳозир бораман, марҳамат, ўрнингизда бўлинг.

Нотаниш кишининг мулоим овози қатъий эди.

— Ярим соатдан кейин дарс ўтишим керак талабалар кутишади... Лекциям бор.

— Домла, — деди телефондаги овоз, — гапни кечиктириб бўлмайди: марказий газетада босилган мақолани ўқигандирсиз.

— Қанақа мақола, қайси газетада? — сўради ректор ҳалигача газеталарни ўқиб чиқмаганидан хижолатланиб. — Ҳали қўлим теккани йўқ...

— Олиб бораман, ўзингизда бўлатуринг. Лекция қочмас.

— Майли, — деди ректор, ижирганиб, — агар масала зуд бўлса...

— Зуд, — деди овоз ва телефонда қисқа қўнғироқ эшитилди.

Профессор хўрсиниб телефон дастасини кўйди ва Махсумани чақириб, лекцияси қолдирилишини айтди, чой буюрди. Бу куннинг бошланиши ректорга ёқмади. Телефон қилган одам, номини айтмаса-да, у қайси идорадан эканини ректор тахмин қилди; гўпинча номини айтмаган одам кадрлар бўлими бошлиғи билан гаплашиб кетар, ҳар хил можаро билан ректор бошини қотирмас эди. Бу гал жиддийроқ гап бор кўринади. Қанақа масала бўлиши мумкин — ҳатто телефон орқали айтиш ҳам мумкин бўлмаса. Марказий газетада мақола босилган бўлса, ҳойнаҳой шу институт ҳақида бўлса бордир, танқид қилингандир; қайси соҳада камчилик учрамайди? Одам бор жойда нуқсон, рафлат бўлади.

Шамсиддинов стол четида турган бир даста газеталарни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Шу пайт, кабинет эшиги очилиб, остонада қора шляпа кийган, тахминан ўттиз беш-қирқ ёшли киши кўринди, у эшикни қоқмай кирди ва эшикни зич беркитиб, ректорга сохта табассум қилди. У оддий галстук таққан, қора плашда, сочига оқ оралай бошлаган, узун қонсиз юзидаги лаби қорамтир кўринар, таг тишларига кумуш қопланган, расмий шахс экани сезилиб турар эди.

Шамсиддинов — ҳали қуюқ сочида қораси қолмаган, пухта-семиз киши — гўё аранг қўзғалгандек, ўрнидан турди, бироқ "меҳмон" истиқболига чиқмади, тиззаси хийла қалтирарди.

— Келинг, — деди у, асабини сездирмаслик учун расмий жилмайиб ва "меҳмон" билан кўришди. "Меҳмоннинг" кафти иссиқ эди. — Ўтиринг.

"Меҳмон" плашини ечмай стол ёнидаги стулга ўтирди, унинг кулранг кўзлари бежо кўринди, афтидан тоқатсизланар эди.

Улар сўрашишди. "Меҳмон" ректорга таниш кўринди, лекин қачон ва қаерда кўрганини профессор эслай олмади.

"Меҳмонга" профессор салобатли кўринди.

— Хизмат? — деди профессор телефон аппаратини нарироқ суриб.

— Кечирасиз, Асрор Мўминович, — деди "меҳмон" плаш тугмаларини ечиб, — сизни ишдан қолдиришга тўғри келди...

— Ҳечқиси йўқ, иш юзасидан бўлса — бемалол, — деди Шамсиддинов "меҳмоннинг" "узридан" сал тетиклашиб.

"Меҳмон" костюми чўнтагидан букланган газета олиб, ректорга узатди:

— "Труд" газетаси, иккинчи бетда — мақоланинг номи "Офат", — деди "меҳмон" ўзини ранжиган кўрсатиб.

Ректор кўзойнак тақиб, газетани варақлади, иккинчи бетдаги "Офат" сарлавҳали мақола қуюқ қора рангда терилган бўлиб, ҳажми саҳифанинг тўртдан бир қисмини эгаллаган, остига муаллифнинг номи — Жавлон Мухторов имзоси қўйилган эди. Ректор Жавлон Мухторовни яхши билар, шу институтни аъло битиргач, уни ўқитувчиликка олиб қолишган, Жавлон тиришқоқ мутахассис бўлиб, унга ректорнинг ўзи ҳомийлик қилган, унинг дониш ҳамда ўжарлигини профессор билар, шундайлардан яхши олим чиқади, деб ўйлар эди. Жавлон мақоласини бу ерда нашр қилинишига кўзи етмаптими, марказий газетга юбориптими — демак, жиддий масала кўтаргани муқаррар. Жавлон беҳуда, пуч нарсага қўл урмайди, исбот қилиб бўлмайдиган муаммони ўртага ташламайди.

Шамсиддинов мақолани ўқиган сари берилар, "меҳмондан" узр сўрар, тезроқ ўқиб чиқишга тоқатсизланар эди. Ниҳоят мақола тугагач, ректор бошини кўтариб, кўзойнагини ечди, бир лаҳза сукут қилди. Мақола долзарб масалага бағишланган бўлса-да, уни баралла айтиш хатарли эди — Жавлон журъат қилипти. Бироқ

у кўтарган муаммо расмий доираларда ошкор айтилмас, бундай иллат борлигини тан олишмас, унга бўлакча тус беришар эди — мақолани ҳимоя қилиш, оқибатда муаллифнинг ҳақ эканини эътироф қилиш кўнгилсиз натижалар чиқариши шубҳасиз эди.

— Хўш? — деди Шамсиддинов ўзини дахлсиз кўрсатишга уриниб.

"Меҳмон" ректор томонидан мақолага нисбатан норозилик билдиришини кутгани учунми, андак эсанкираб қолди. У Шамсиддиновдан муносабат билдиришини истар, муносабати эътирозни англатиши керак эди.

— Шунга лоқайд қараб бўладими? — деди "меҳмон" жавдираб.

— Ҳар бир шахс — тўғрими, хатоми — ўз фикрига эга бўлгани маъқул, — деди профессор миждовланиб ва ўз фикрини очик айтишдан чекланиб. — Маълум маънода муаллиф журъат қилгани эътиборга лойиқ. Кимдир ахир айтиши керак эди-да.

— Жиддий гапираяпсизми? — деди "меҳмон" таажжублангандек.

— Муаллиф шу нарсаларни ўйлаб топмаган-ку, — деди профессор аранг ботиниб, — кўзи билан кўрган. Талабаларимиз пахта теримига Мирзачўлга боришган, ётоқлари — молхона, шиптир, балчиқ, ерга похол ташлашган, туйнуқлар ойнасиз, кечалари совуқ, ҳожатхона очик-елвизак, оёқ қўйиб бўлмайди. Қизларнинг аксарияти энди туға олмайди. Пахта баргини тўкиш учун далаларга самолётдан дори сепишади, заҳарни шамол учиради, қари-ёш шу ҳаводан нафас олишади, заҳарланган мол сутини ичишади, соғлом одам қолмаган, деса бўлади. Қанчалари ўлиб кетаяпти. Ҳеч бирига тўғри диагноз қўйишмаяпти, ариқ сувини ичган деб, айбни ўлганларга тўнкашаяпти. Пахта плани одамнинг жонидан баланд. Мен масалани тағин сипаришлаб айтдим. Омма ялписига қирилаяпти. Ўзи эккан пахтадан одамларнинг ўзлари нобуд бўлишмоқда. Ҳеч ким миқ этмайди. Аза чиқмаган ҳовли қолмади. Мозорлар гўрга тўлиб кетган. Ўзим кўриб келдим. Офат. Пахта баргини тўкиш учун бошқа чора қўллаш керак.

— Қандай чора? — истехзо қилгандек деди "меҳмон".

— Шу мақола ўн йил аввал чиқиши керак эди, — деди ректор ижирганиб. — Шу пайтгача бирон чора топилган бўлар эди. Дорини эгат оралаб, трактордан сепиш керак, зарари камроқ бўлади. Мақола кеч босилди, энди ундан наф йўқ. — Шамсиддинов икки пиёлага котиба келтирган чойдан қуйиб, бирини "меҳмонга" тутди, иккинчисини столга қўйди. — Майли, мен Жавлон Мухторов билан гаплашаман. Аммо нима важ келтираман? Идиот бўлиб кўринаман.

"Меҳмон" чойни хўпламади ҳам. У хаёлидан нималарнидир изар, эътироз билдиришга ҳеч қандай важи йўқ эди. Шамсиддинов назарида "меҳмон" маълум топшириқни бажариш учун келган, ихтиёр ўзида бўлса, у умуман бу чалкаш масалага

аралашмаган бўлар эди. Лекин унинг хўжайинларига ҳам кимдир тепадан "кўрсатма" берган, бажармай бўладими? Ахир гап республиканинг шаънига бориб тақалаяпти, газетада босилган мақола кераксиз раво қўзғашни муқаррар. Энди мақоласи марказий газетада чиққан муаллифни жавобгарликка ҳам тортиш қийин бўлади.

"Меҳмон" ректордан бирон тасдиқ чиқишини кутувди, у аксига шоғирди томонини олди, у ҳам ўзини адолатпарвар кўрсатди.

Шамсиддинов, бошқа гапиришни истамагандек, жим ўтирар, яна жазавога берилиб кетишдан ҳайиқар, унинг чурқ этмай ўтиришини "меҳмон" пушаймонга йўяр, мартаба-имтиёзлардан маҳрум бўлишини мулоҳаза қилар эди. Субҳон Пардаев ("меҳмоннинг" исми-шарифи шундай эди) ишни институт ректоридан бошлаганидан пушаймон бўла бошлади, бундай тадбирни аслида ими-жимиди ўтказиш лозим эди — Жавлон Мухторов биринчиси эмас, мунақалар кўп бўлган, "томирини тортиб қўйиш" мумкин, манман деганларни асфаласофилин қилишган. Топшириқ бўлса-бас, айб қўйиш қийин эмас, типирчилаб қолишади. Бироқ марказий ахборотда мақоласи эълон қилинган унсурни исканжага олиш маҳол; мақолани маҳаллий матбуотда босилганда ҳам бир нав эди, лекин бу ерда бунақа мақола нашр қилинмайди — ким ўз этагини ўзи очади?

Пардаев сохта табассум қилиб, ректор билан хайрлашди. Унинг "сухбатдан" қониқмаганлиги авзойидан билиниб турар эди, ректор беихтиёр ҳадикка тушди — энди, оқизмай-томизмай, ўтган гапларни раҳбарларига етказди, Шамсиддинов ҳам "қора рўйхатга" ёзилади, "тагига сув қуйиш" бошланади. "Мен ҳеч нарсани билмайман" деса — олам гулистон эди, демади, ўзини таҳликага қўйди. Шамсиддинов ижирғанди. Бироқ шу нарсаларни кўра туриб, индамай кетиш ҳам... Қандай айтмай бўлади? Соғлом жамиятда бундай огоҳлантириш учун ташаккур билдиришади. Биз эса миқ этмаймиз, ҳар балога кўникаверамиз, кўлимиз кўкрагимизда, ўзимизни нуқул айбдор тутамиз, тепсалар раҳмат деймиз, қуллуқ қиламиз, ўйлади Шамсиддинов, эътироз билдиришдан номус қиламиз...

Шамсиддинов ўзи ўтирган кабинетни кўздан кечириб чиқди, ҳамма нарса унга омонат кўринди, ўзини бу ерда ўтириши тасодифдек мўрт туюлди, энди унинг пайига тушишлари муқаррар эди.

Шамсиддинов Жавлонни топтириб, у билан гаплашиб кўришни чамалади, ҳатто котибани чақирдиш учун қўнғироқ тугмасига қўл чўзди, бироқ алланечук андиша уни тўхтатди, таптидан қайтди: нима дейди Жавлонга? "Чакки қилипсан", дейдими табриклаш ўрнига. Умуман, Шамсиддинов Жавлон олдида ўзини қандай тутиши керак? Ҳаммаслак сифатидами ёки айбловчи ёки холис тусдами?.. Шамсиддинов Жавлон учун нафақат илмий раҳбар, балки бутун институт бошлиғи, қўл остидаги жамоани —

талабадан тортиб, ўқитувчи-профессорларгача — мафкуравий ахлоқини кузатиш тўғридан-тўғри бурчи ҳисобланади. Бўйсунувчилар билган номаъқулчиликларни қилаверишса, итоат этишмаса, интизом қоладими? Тартиб бузилса, биринчи галда Шамсиддиновни жавобгарликка тортишади. Ҳар хил ҳодисалар юз беради, албатта, масалан, талабалар орасида уриш-жанжаллар, мунозаралар — бусиз ўтмайди, пахта терими пайтида қиз талашилар, ўзаро низолар, ҳатто қурбонлар бўлади, зах-совуқ далаларда дард орттирган талаба-қизлар ичида қазо қилганлари ҳам йўқ эмас, бироқ бундай фожиа содир бўлишига ректор жавоб бермайди, масъул доиралар бу каби фожиалар сабабини аниқламайдилар, аниқлаш шарт бўлса, айбни марҳумдан кўришади, фалокат “ёпди-ёпди” усули билан рўйхатдан ўчирилади. Фарзандларидан жудо бўлган ота-оналар “доа” деб қолаверишади, чурқ этишса, уларнинг ўзларидан иллат қидиришади, пўписа билан тинчитишади. Қайси ночор ота-она миқ эта оларди, пешанасидан кўради — чидайди. Судга бергудек бўлса, ўзи панд ейди. Биронта суд заҳардан ўлган одамни оқлаган эмас, номига “расмий” диагноз рўқач қилиб, айбни ўлганнинг ўзига ағдарган...

Шамсиддинов ўйлаган сари мудраб этган хотиралари хаёлига хуруж қилар, лўнда далиллар суқар эди. Бироқ профессорнинг бу далилларига ким кулоқ соларди, қайтага изза бўлади, изза ҳам эмас — ўзини фитначидек ҳис қилади: аллақандай аросат, жирканч вазиятда қолгандек сезди, ҳадиксирар, бу қалтис муҳитдан чиқа олмасдек хуноб бўлар эди... “Меҳмон” исмини ҳам айтмади, қаноатланмай кетди, унинг хонадан чиқиб кетишининг ўзида норозилик сезилди. Шубҳасиз, у юртда осойишталик бўлишини, қонунга зид амаллар бўлишини, балки истамасдир ҳам — Асрор Мўминовичнинг келтирган далилларини рад қилмади, ёки қила олмади, айтишмади, ҳатто тоқат қилиб ўтирди — инкор қилиш учун мақола келтирган сабаблар асосли эди. Қорани кўриб туриб, қандай “оқ” дейди? Деса — маразга чиқади. Кўкрагига олтин юлдузлар таққанлар” айта олмаган (айтишни фараз ҳам қилмаган) ларзали сўзларни шу оддий йигит айтишга журъат қилди, журъат ҳам эмас, бурч деб ҳисоблади, жим қараб туришни муносиб билмади — қачон бошқалар шу йўсинда ўйлай бошлайди? Қачонгача сохта нарсаларни чинга йўямиз? Нуқсонни, мағлубиятни ютуқ, ғалаба деб хитоб қиламиз. Ўз оёғимизга ўзимиз болта урамиз, шундан баҳра оламиз. Яшашимиз адаш эмасмикин?

Шамсиддинов кўзойнак тақиб, мақолани яна ўқиб чиқди ва яна бир хусусиятини пайқади: мақола холис баён қилинган, фаразгўйлик сезилмайди. Айб қўйиш қийин. Энди кимлардир Жавлонга “баракалла” дейишади, маслақдошлари табриклашади, яна кимлардир четлаб ўтишади.

Олдин оддий шогирд кўринган Жавлон энди Асрор Мўминовичга метин туюлар, профессор Жавлон билан тўқнашишга чўчир, учрашишса, албатта хушоматда бўлиши шартдек

кўринар, зирапчадек оғритар эди. Бироқ Жавлон билан учрашмай бўладими? Йўқ, албатта. Асрор Мўминович у билан учрашишдан ўзини тортса буни Жавлон сезади, раҳбаридан ихлоси қолади, риёкор экан, деб ўйлайди. Олтмиш бешдан ошган, неварали, нуфузли профессор учун номига доғ текказиш мутлақо лойиқ эмас, қариганида ҳалол ҳалқумини ҳаром билан булғаш ярамайди. Тўғри, амал йўлида кимнидир мақташга, нотўғри фикрни қўллашга вазият мажбур қилган, лекин у заифлигини профессор сийлаш ва тан бериш кўйига йўяди, тоймаслик учун одам мутлақ бўлмоғи керак. "Ҳатосиз одам — утопия. Ҳатони тан олиш — одиллик, ҳатони тузатиш — мардлик", дейди профессор.

Шамсиддиновнинг анча-мунча ишлари борлигига қарамай, бўлиб ўтган ҳодиса ҳаёлидан кетмас, бошқа ишлар билан шуғулланишни истамас, дунё кўзига қоронғи кўринар, боши ғувиллар, уйига кетгиси келар эди. Бироқ учинчи қаватдан пастга тушгунича ходимлар билан дуч келишдан, улар гапга тутишидан, қўё мақолани ўзи ёзгандек, ҳайиқар эди. Қолишни ҳам истамас, қабулига профессорлар кирса, албатта мақолага муносабатини қандай билдиради? "Жуда соз, баракалла", дейдими? Ёки "Ҳали ўқиганим йўқ", деб қутуладими? Қабулга кирганлар, мақолани ўқиган бўлсалар, батафсил мазмунини айтиб беришади — ректор ҳойнаҳой нимадир дейиши керак бўлади — нима дейди?

Шамсиддинов тахланиб ётган газеталарни йиғиштириб, стол ғаладонига жойлаб қўйди, бироқ унинг бу яширинча ҳаракати номуносиб туюлди, газеталарни яна ғаладондан олиб, стол четига қўйди. Нима ўйласа шуни айтади. Бинобарин, профессор-педагоглар орасида ҳам дадил фикр юритадиганлари кам эмас. Биронтаси эътироз билдирса, мақолани зарар деб топса, ўзини қандай одамлигини ўзи фош қилади, унақалар билан ади-бади қилиб ўтирмайди.

Шамсиддинов бир тахминда тўхтади: юқори доиралар дарҳол Жавлонга чора қўллаша олмайди — бу очикдан-очик жўн усул, ўч олиш, ҳақиқатга адоват, жазо. "Институтда сиёсий-тарбиявий тадбирлар суст" деган важ билан ректорни вазифасидан озод қилишади, нафақага жўнатишади, кейин Жавлоннинг "думини туғишади", ёки бирон маккор усул билан жавобгарликка тортишади. Синалган "усуллар" кўп. Биронта талабага Жавлон устидан шикоят аризасини ёздиришади, тинтув ўтказишади. Жавлон чўнтагидан ёки шкафидаги китоблар ортидан гиёҳ моддасини "топишади", "гўё ашёвий далил" чиққани учун "ишини" судга оширишади, айбланувчи қанча типирчиламасин эътиборга олишмайди. "Айбдорнинг" кўлидан ҳеч нарса келмайди, суд бошлиғига тепадан "кўрсатма" тушган бўлса бас, "уларга" суд айтган муддат берилади — вассалом. Ўтгиз еттинчи йиллар фожиасини саккиз ёшли Асрорнинг ўзи кўрган, ўтгиз уч ёшли дадаси миллатчиликда айбланиб, отилиб кетган; энди отишмасанда, узоқ муддатга қамашлари эҳтимолдан холи эмас. Шамсиддинов

давлат бошига Андропов келганига умид билан боқар, маломат қандай тус олишини билмас эди — қонун моддаларини хоҳлаганча талқин қилиш ва қўллаш мумкин, жиноий айб топиш қийин эмас.

Шамсиддинов аросатда қолди. Майли, маъмурий амал унинг буткул вақтини банд қилиб, анча-мунча илмий ишларига қўли тегмас эди, нафақага чиқаришса, ёки педагоглигида қолдиришса, қайтага яхши; бошлаб қўйган чала риёзий ишларини тартибга солади, битиради, ёшларга мўлжаллаган китобини ёзиб тугатади, нашр килдиради, неваралари билан шуғулланади.

Шамсиддинов ўзи телефон қилиб, машина чақирди ва соатига қаради: ўн дақиқадан сўнг кўнғироқ чалинади — танаффус бўлмайд туриб ректор бинодан чиқиши маъқул, акс ҳолда, пастга туша туриб кимлар биландир тўқнаш келади, гапга тутилиб қолади — ҳозир кўпларнинг қўлида Жавлоннинг мақоласи босилган газеталар бўлиши мумкин, одамлар орасида шов-шув кўзгалган бўлиши муқаррар, "ҳали ўқимадим" деса, улар газета суқишади, гапга тутишади.

Шамсиддинов пастга тушганида "Волга" турар, ҳайдовчи йигит машинани артар эди — у ректорни кўриб таажжубланмади, одатда, Асрор Мўминовични Фанлар Академиясига, маориф вазирлигига, Марказкомга чақириб-йўқлаб туришар, унинг ташрифлари кунлик вазифасига кирар эди. Асрор Мўминович индамай машина орқасидаги ўриндиққа ўтириб, эшигини ёпди. Ўтиратуриб, ректор борадиган жойни айтар эди, бу гал индамади.

— Қаёққа юрай? — деди ҳайдовчи машина моторини ўт олдириб.

Шамсиддинов биронта идорани айтса, у ерга киришга мажбур бўлар, ходимлар мақола ҳақида сўз очишлари аён эди, мулзам бўлишини истамади. Нима деб қутулади? "Муаллифга танбеҳ берамиз", деса ренегат бўлиб чиқади, мақолани маъқулласа давлатнинг махфий фармойишига хилоф қилган бўлади, "Билмайман", деса ҳеч ким ишонмайди. "Муҳокама қиламиз", дегани дуруст, бу иборани ҳам ундоқ, ҳам мундоқ тушуниш мумкин.

Шамсиддинов машинада анча индамай ўтирди. Ҳайдовчи моторни ўчирди, бўлак савол беришга ботинмади. Айни топда Шамсиддиновнинг юраги бетоб бўлса-да, уйига қайтиб "ичиш", маст бўлиб ухлаш хаёлига келди — уйқусида ўлиб қолишини ҳам истади. Бироқ бу ожизлик аломати эди, хаёлини ҳайдади, уч йил аввал ташлаган эди — чеккиси келди. Ҳайдовчидан сигарет сўради. Ҳайдовчи анграйиб қолди, сўрамай-нетмай сигарет қутисини тутди, гугурт қақди. Асрор Мўминович ўта саросимада кўринди. Ҳайдовчи хўжайинини ёлғиз қолдириш ниятида, машина эшигини омонат ёпиб, нари кетди. Хўжайинни нимадандир хуноб бўлгани аён эди — ҳеч қачон Асрор Мўминович тигиз аҳволини сездирмас, машинада яшириниб ўтирмас эди — қайтадан чекди, демак, чатоқ ташвиш чиққан, чорасизлигидан эзилаётти.

"Офат" номли мақола институтда шов-шув кўтарди; фақат институтда бўлмай, бутун республика ва мамлакат миқёсида қизгин муҳокамага сабаб бўлди — айниқса, пахта етиштирадиган қўшни республикаларда катта мунозарага айланди, мақола муаллифи Жавлон Мухторов кўплаб хат ва телеграммалар ола бошлади; пахта баргини тўкиш, пахтани машинада териш учун об-ҳаво бузилмай туриб йиғиштириб олиш ва план бажарилгани ҳақида рапорт бериш, шунга яраша ҳақ олиш, мартабага эришиш, мукофотга даъво қилишнинг ягона ва қулай чораси бўлиб, дефолиация оқибатида юзлаб-минглаб қишлоқлар экинзорлари, ёшу қарига қарамай одамларнинг, молларнинг, ҳатто эмизикли оналар сутида захар моддалари борлиги аниқланиши, деярли битта ҳам оила самолётлардан сочиладиган дори туфайли ойига уч-тўрт марта аза очишларига унча эътибор берилмас — "уруш қурбонсиз бўлмайди" таъбири билан ғалабага эришиш олий мақсад саналар, аҳолининг сони кескин камайишини тилга олишмас, фидойиликка йўйишар, жабр кўрганлар норозилик билдиришдан қўрқар эдилар. Кимлардир Жавлонни дадил мақоласи учун табриклар, "Офарин", "Баракалла", "Қойил", дер, кимлардир: "Ҳаммаёққа наъра солиш жоиз эмас, ватанпарвар бўлиш керак", дер, хуллас — муносабат ҳар хил эди.

Жавлон Мухторов ишлайдиган факультет декани Зайниддин Мусаев чоп этилган мақолага танқидий ёндашди:

— Ёшсиз-да, укам, ўзингизни кўрсатмоқчи бўлибсиз, — деди. — Юртни ўйламапсиз. Нима қилардингиз арининг уясига чўп тикиб. — Ҳамманинг оғзида мақолангиз. Муддаонгизга эришдингиз...

— Шунча безориликни ўз кўзим билан кўриб, индамай ўтиришим керакмиди?

— Безориликларни бартараф қиладиган масъул доиралар бор.

— Улар ҳамма нарсани сийпаб кўрсатишади, — деди Жавлон жижирганиб. — Халқ қисматини ўйлашмайди. План бажарилса бас. Орденлар олишади. Яна бир мақола ёзмақчиман.

— Яна?! Бу камми?

— Расмий қоғозда ўнта совхоз бормиш, йўқ совхозлар учун миллион-миллион маблағ олишармиш, ҳатто қоғозда пахта топширишармиш, — деди Жавлон, худди бу воқеага алоқаси йўқдек, бепарво тарзда.

— Йўф-э! — деди Мусаев таажжубланиб.

— Бу масалани охиригача ўрганганим йўқ, албатта, ўрганаман.

— Нима қиласиз бошингизни қотириб? — деди Мусаев ҳадиқда. — Ҳеч ким "раҳмат" демайди, ўзингиз чув тушиб қоласиз. Нимаики топилса, шу юртга оқаяпти, республикамиз — бой давлат.

— Қинғир даромад, — деди Жавлон ватман қоғозини найчалаб.

— Қанчаларнинг ёстиғи қурийди, — деди Мусаев ўзига-ўзи айтгандек.

— Рискимиз ҳалол бўлиши керак, — деди Жавлон ва гапи андак расмий чиққани учун тажанглашди.

— Домлангиз билан гаплашдингизми? — сўради Мусаев иягини қашиб. У институт ректори Шамсиддиновни назарида тутган эди. — Маъқулладими ё таъна қилдимми?

— Ҳали гаплашганимиз йўқ, — деди Жавлон ва плашини кия бошлади.

— Мақолани Москвага юборишдан олдин маслаҳатини оловмидингиз? У кишини ҳам ўсал қилиб қўйишингиз мумкин-ку, — деди Мусаев. — Энди сиздан ихлоси қолади.

— Мақолани ихлос учун ёзганим йўқ, — деди Жавлон ва "Хайр" демай декан хонасидан чиқиб кетди.

Мусаев бармоқларини эзиб, қирсиллатди. Унинг назарида эндигина фан номзодлигига эришган Жавлон Мухторов ўз истиқболига чизиқ тортгандек кўринди, ҳатто ранжиди. Энг чағоғи шунда эдики, Жавлон битта аччиқ мақоласи билан республикадаги вазиятни ўзгартира олмас, қоронғи хонага тош отгандек самарасиз эди. Танбеҳи Жавлонга қор қилмаган бўлса-да, ёш олимни койиши жоиз кўринди, тергов-тафтиш қилинса, Мусаев "огоҳлантирганман", "танбеҳ берганман" деган ваз келтиради — "маънавий қиёфасини" албатта муҳокама қилишади, маъмурий чоралар кўрилади, деканни ҳам исканжага олишади. Ректор ҳам омон қолмайди. Ўрнига бошқа кишини ўтқазиниши (Мусаев ичида шу амални кўзлаб келар эди), нега Жавлоннинг мақоласи туфайли лавозимдан бенасиб бўлиши керак? Балки Жавлонга иснод келтирадиган далилларни очиб ташласа айби ёпилар — масалан, Жавлон икки йил яшамай, бир ёшли боласи билан хотинини ташлаб, уйдан чиқиб кетди; бешинчи курсда ўқиётган Сурайё исми қиз билан илакишиб юрипти — бундай хулқ муаллим-устоз деган номга муносибми?

Сурайёни Жавлон биринчи курсдан ўқитар эди. Янги келганида Сурайё соддагина қиз бўлиб, нуқул бурчақда жим ўтирар эди, бироқ сессия охирида ўтказиладиган имтиҳонларда яхши баҳолар олди, Жавлоннинг иккита-учта саволига бурро жавоб берди. Келаси беш йил мобайнида қиз, етилиб, сулув соҳибжамолга айланди, ҳар гал Жавлон Сурайё билан машғулот ўтказганда, дили жиз этадиган бўлиб қолди. Бироқ икки йил бурун уйланган хотини Зарифа истараси иссиқ бўлса-да, отасининг измидан чиқмас, Жавлон билан отаси орасида мунозара чиқса, Зарифа отаси томонини олар, ўзини кибор, Жавлонни менсимагандек тутар эди. Бу ҳовлида Жавлон, қишлоғидан келгач, бир хужрасини ижара олиб яшай бошлади, Зарифанинг адаси Ғафур акага унча-мунча ёрдами ҳам тегадиган бўлди: молга терт қорар, кўчатларга сув берар, молхонанинг томини қураб — хуллас, қараб

турмас, юмушдан бўйин товламас, дарсларига ҳам вақт топар эди. Фафур ака Жавлонни бегона қилгиси келмади, қизи Зарифани никоҳ қилиб берди; Жавлон оила аъзосига айланди, бир йил ўтар-ўтмас қиз кўришди. Бироқ шундан кейин ҳам Жавлонга дастёр деб қараш давом этди. Шу орада Жавлон институтни тугатди, уни институтда олиб қолишди. Жавлон диссертация ёзишга киришди. Ҳам институтда машғулотлар олиб бориш, ҳам диссертация ёзиш энгил кечмади — Жавлон эрта кетар, бўш пайгини кутубхоналарда ўтказар, уйига кеч қайтар эди. Бир куни — куз охираб қолган пайти эди — Фафур ака ҳовлидаги ёнғоқни қоқиб беришни сўради — бир туп ёнғоқ тупидан уч қоп ёнғоқ териб олишди; Фафур ака Жавлонга ёнғоқнинг икки қопини бозорга олиб чиқишни буюрди.

— Бозорга чиқишга вақтим йўқ, — деди Жавлон, — бир ойдан кейин диссертациям ёқлашга кўйилади.

Ҳеч қачон гапи ерда қолмаган Фафур акага куёвининг эътирози қаттиқ ботди, Фафур ака қайрилиб, ўз хонасига кириб кетди.

Кечқурун Зарифа эрининг олдига таом кўя туриб:

— Адамни ранжитибсиз, — деди, — сизни ўғлидек кўрардилар...

— Ишим бошимдан тошиб ётипти, ёқлаш куни тайинланган, — деди Жавлон кўлидаги қошиқни овқатга солишни билмай. — Бозорда ёнғоқ сотиб ўтиришимни эп биласанми?

Зарифа жавоб бермай қизчаси Санобарни чўмилтириш учун қайрилиб кетди, йўл-йўлакай унинг "кўрнамак" дегани эшитилди. Жавлон кўлида бўш қошиқ билан қолди. Унинг бу хонадонда туриши ўринсиз кўринди: Жавлон зарур китоб-қоғозларини катта портфелга жойлаб, индамаганича ҳовлидан чиқиб кетди, аспирантлар ётоғига бориб тунади, анчагача ухлай олмади: хотинининг "кўрнамак" сўзи дилини ўртар, ўйлаган сари қаттиқ ботар, беш ёшли қизчаси кўзидан ўтарди.

Жавлон, диссертация ёқлагач, унга илмий даража белгилашди. "Болалар дунёси", аталмиш кўп қаватли уй ортидаги биноларнинг бирида бўшаган икки хонали квартира беришди. Хонадони ҳар жиҳатдан қулай эди — магазинлар, айниқса, трамвай-троллейбус ва метро бекатлари яқин, гавжум жой эди. Танҳолигини айтмаса, Жавлон ёлчиб яшар, расмий равишда хотини билан ажрашган бўлмаса-да, қизчаси Санобар учун муттасил почта орқали пул юбориб турар, Зарифа эрини ахтармас, отасидан истиҳола қилар эди.

Жавлон янги уйига жиҳоз, телевизор, холодильник ва бошқа керакли анжомлар олди — муҳими, мустақил бўлди, бошқанинг измидан, қош-қовоғига қараш мажбуриятдан қутулди. Хаёлидан Сурайё аримас, лекин ҳали оила кўрмаган қизга кўнгили билдиришга ботина олмас, суҳбат қилганида Сурайёнинг ғалати қарашини сезса-да, табассумдан нарига ўтмас эди. Ҳали

ажралмаган оиласи, беш яшар қизчаси бўла туриб, талабасига севги изҳор қилиш ўнғайсиз туюлар, шу билан бирга етилиб қолган ҳусндор, кўзга яқин қизнинг "бозори чаққон" бўлишини, ота-онаси тезроқ қизини кимгадир унаштириб қўйишини, қизи ота-онаси гапини ерда қолдиришни эп кўрмай, рози бўлишини ҳам, натижада йигит севгилисига етиша олмаслигини ҳам англаб, масалани орқага суриш хавfli эканини эътироф қилар, шошилишдан ҳам чўчир эди. Қизнинг ихлосига Жавлон гумон қилмаса ҳам, унинг эътироз билдириши мумкинлигини ҳам ўйлар эди. Сурайё домласининг оиласи, беш яшар қизчаси борлигини билар, аммо оиласи бузилишини истамас, бироқ унинг кўнгли борлигини сезар, номига ўзини мажбурлаб, бепарво кўринишга интилар, интилса-да, нуқул ички тугёни фош бўлиб қолаётгандек туюлар, сирини яширишга иродаси етмас эди. Жавлон севги изҳор қилса-да, хотини билан ажрашса-да, ота-онаси қарши туришини, оила кўрган фарзандли йигитга қизини раво кўришларига кўзи етмас эди. Сурайё онасига: "Совчи келса, рози бўлманг", деди, онаси розилик бериб юборса, "нон ушатилса", кейин муаммо туғилиши тайин, ота-онаси юзи шувут бўлишини хоҳлашмайди, Сурайёни кўндиришга уринишади. Сурайё уйини тарк этган Жавлондан тезроқ изҳор сўзларини эшитишни кутар, Жавлон эса иккиланар, пайсалга солар эди. "Офат" номли мақоласи босилиб чиққач, Сурайё ўзида йўқ хурсанд бўлди — шундай таваккалга қодир йигит, туйғуга келганда, журъат қила олмас, нималарнингдир андишасига борар, ҳадиксирар, мижғовлик қилар, Сурайёнинг ғашини келтирар эди — шу чоққача, ҳатто Сурайёнинг қўлини ушламади ҳам.

— Мақолангиздан қувнадим, — деди бир гал Сурайё самимий тарзда. — Лекин кўрқаман.

— Нега? — деди Жавлон, мақоласи учун маломатга қолиши эҳтимол эди. — Нега кўрқасиз?

— Неғалигини биласиз, — деди Сурайё таваккал қилиб. Таваккали шубҳасиз чиқди.

Жавлоннинг юзи ловуллаб кетди.

— Талабамсиз, бирон нарсага даъво қила олмайман, — деди Жавлон изтиробда. — Ахлоқий жиҳатдан...

— Қилинг, — қатъий деди Сурайё.

— Нима? — ҳадиксираб сўради Жавлон далда сезиб.

— Даъво.

— Мен оила кўрган йигитман. Сиз ҳали...

— Аҳамияти йўқ, — деди Сурайё ва бўш аудиториянинг деразаси орқали ташқарига боқди. — Ҳиссиёт икир-чикир билан ҳисоблашмайди.

Жавлон, карахт бўлгандек серрайиб қолди.

— Раҳмат, — деди у, аранг тили калимага келиб. — Дилимдагини айтдингиз. Сиздан кутувдим, раҳмат... Юким тушди... Юзингиздан ўпсам майлими?..

Сурайё кескин бурилиб, Жавлоннинг бўйнидан қучди. Бу қизнинг рухсати эди. Шижоатини Жавлон нотўғри тушунмасмикин?

Шу пайт аудиториянинг эшиги очилиб ёпилди, севишганлар талпинишмади — ҳозир улар учун ҳеч қандай андиша чикора эмас эди.

— Ёлғиз тураман, — деди Жавлон бўса аралаш. — Бугун меҳмоним бўласиз.

— Жоним билан, — деди Сурайё. — Қачон десангиз.

— Ҳозир! — деди Жавлон сеvimлиси айниб қоладигандек.

— Буюринг, — деди Сурайё: унга ҳозирги дафъа аҳамиятли эди — маълум маънода ўзи ташаббус қўлади ва хато қилмади — акс ҳолда йигит андиша тузоғидан қутула олмас, дилини очишга орият қилар, ҳиссиётлари сўниши мумкин эди. Жавлон уйини, оиласини тарк этибдими, қайтмайди, унақа йигит эмас. Жавлоннинг оиласидан кўнгли совушида Сурайёнинг иштироки йўқ, айби севишида. Иккита интиқ юрак муродига ета олмай ҳаёт ўтказиши — гуноҳ. Бу фикрдан уни ҳеч ким айнита олмайди. Жавлон билиб қўйиши шарт: Сурайё туйғусига хиёнат қилмайди.

Ҳақиқатда, Жавлон Сурайёнинг шиддати олдида, ҳатто андак эсанкиради ҳам. Аммо ташаббус қиздан, бундоқ қараганда — талабасидан чиққанига мулзам бўлмади ҳам, арқон учини унга раво кўрди, ўзини эркин сезди.

Йўл-йўлакай Жавлон бир қучоқ гул, шампан шишаси, мева ва шоколад қутуларини харида қилди, уйи эшигига етгач, чўнтагига имо қилди. Сурайё бир қўлини Жавлоннинг чўнтагига солиб, калит чиқарди, калитни Жавлонга узатди.

— Ўз қўлингиз билан очинг, — деди у. — Калит сизники.

Сурайё мийиғида жилмайиб, калит билан эшикни очди.

— Киринг, — деди.

— Йўқ, аввал сиз киринг, — деди Жавлон.

Улар бирин-кетин хонага киришди, эшик қирс этиб ёпилди, ичидан калит буралгани эшитилди...

Кейин Жавлон Сурайёни уйига таксида элтиб қўйди. Бу — Сурайёнинг биринчи марта уйига кеч қайтиши эди. Унинг дили бир томондан матлуб яйрар, иккинчи томондан ношаръий ишга ўз ихтиёри билан борганидан жичча мулзамланар, бироқ севганига етишганидан роҳатланар эди. У Жавлон тақдим қилган гулдастани қўйиб, ичкарида кийимини алмаштирди, онаси олдига чикди. Хайринисо опа хамир ёяр, пешанаси тердан йилтирар, енглари шимарилган эди.

— Тинчликми, қизим, кечроқ келдинг? — деди онаси қизи келганидан тинчланиб.

— Тинчлик, — деди Сурайё ва гапни нимадан бошлашни билмай сукут қилди. — Мени бир йигит кузатиб қўйди.

Онаси ялт этиб қизига қаради:

— Қанақа йигит? — зловланди Хайринисо опа.

— Яхши йигит, — деди Сурайё, — сизга ёқади. Лекин...

— Нима "лекин"?

Сурайё Жавлон тўғрисида барча билганларини онасига айтди. Унинг товушидан йигитга ихлоси борлиги сезилди.

— Дадангга ҳам айт, отанг билсин, — деди онаси.

— Ўзингиз айтинг, мен учун ноқулай, — деди Сурайё ва чучу-вара туғишга киришди.

Сурайёнинг онаси қирқ беш ёшли Хайринисо опа мактабда она тилидан дарс берар, кўп китоб ўқир, мулоҳазали, сипо аёл, отаси Шокир ака трамвай-троллейбус депосида директор муовини бўлиб ишлар, ҳайдовчидан чиққан камгап одам бўлиб, уйда ҳам сомон шляпасини ечмас, икки пиёла мусаллас ичиб, гулларни қайчилар, хомток қилар, ҳасайни узуми сархил етишар, май ойигача турар, укаси Тўлқинни тиндирмас, саккизинчи синф ўқувчиси Тўлқин яхши хомток қилар, отаси айтмаса-да, ўзи билиб юмуш топар — хуллас, ўртача, камсуқум оила эди.

Хайринисо опа, ишларини саранжомлаб, ётиш учун хонага кирганида эри Шокир ака креслода телевизор кўриб ўтирар эди.

— Ўчиринг, гап бор, — деди Хайринисо опа турмакланган сочини ёйиб.

— Қанақа гап? — дея Шокир ака андек саросимада хотинига тикилди. — Совчи келдими? — Шокир ака қизидан ҳадикда юрар, қизи онасига: "Совчи келса, рози бўлманг", деганини билар эди.

— Бир йигит қизингизнинг қўлини сўрапти, — деди Хайринисо опа бир дам иккиланиб тургач.

— Қўлини нима қилади? — деди Шокир ака безовталаниб ва телевизор товушини ўчирди.

— Шунақа ибора бор, — деди Хайринисо опа. — Сурайёга оғиз очипти.

— "Оғиз очипти?" Кўнгли бор эканми?

— Шундайдир-да, қизингиз бир даста гул билан келди, — деди Хайринисо опа ўзини холис кўрсатиб.

— Қизинг: "...рози бўлманг", дегани бежиз эмас экан-да...

— Мен ҳам шуни гумон қилувдим, — деди хотини.

— Ўзи қанақа экан? Таг-туғлими?

— Фан кандидати экан, яқинда қанақадир мақоласи Москвада эълон қилинипти, — деди Хайринисо опа, бу гал андак ифтихор билан.

— Ёзувчимишми? — деди Шокир ака алаҳлагандек.

— Қайдам.

— Қари эканми?

— Ўттиз ёшдамиш, — деди Хайринисо опа бўлғувси куёвининг ёши аҳамиятга эга эмасдек. — Лекин...

— Хўш? — деди Шокир ака эловлаб. — Нима "лекин"?

— Икки йил олдин турмуши бузилган экан, — деди хотини муаммони ҳал қилиш мажбуриятини эрига ташлагандек.

— Хотини буларни яшаттирмайди, ҳаётлари жанжалда ўтади, — дарҳол деди Шокир ака.

— Беш ёшли фарзанди ҳам бор экан...

— Тўғри келмайди, — қатъий деди Шокир ака, — рози бўлмасин.

— Раҳбари экан, — деди Хайринисо опа, — “бошқага тегмайман”, деди қизингиз.

— Боши очиқ ўтсин, хотин қўйган куёв керакмас.

— Яхши кўрармиш.

— Ким?

— Қизингиз.

— Астафирилло!

— “Ёқтирмай теккандан кўра, ёлғиз ўтган маъқул”, дейди қизингиз. — Хайринисо опанинг гапида майл борлигини эри сезди.

— Соф қиз уйланиб чиққан йигитга кўнгил қўйиши — эшитганлар нима дейди? Уятга қоламизми?

— Қизингиз ўжарлик қилаёпти, қандай унатаман, ўзини бир нарса қилиб қўйса додимизни кимга айтамиз?

— Шу қадар шайдоми?

— Қайдам...

Шокир ака анча индамай қолди.

— Қуловимга чалишувди, — деди Шокир ака бошини қашиб, — эртага ўша газетани топтириб, мақоласини кўраман. Шов-шув бекорга чиқмайди.

Сурайё қўшни хонадаги жойида ётаркан, ота-онасининг асабий мунозарасини эшитар, сўзлари ноаниқ бўлса-да, маъносини пайқар, тахмин қилар, ўз кўнглида уларнинг эътирозига важ ўйлар эди. Ҳойнаҳой улар Сурайёни оғдиришга уринишлари муқаррар эди. Сурайё нима дер эди, аҳд қилдик, йигит илмли, қайсар, ўз эътиқодига эга, ўзим унга ихлос қўйдим, йигит адашиб уйланган экан, бугун бўлмаса эртага оиласи бузилиши турган гап экан, ахир этагини қоқиб уйдан чиқиб кетипти, икки йилдан буён танҳо яшайди, икки хонали уйи бор, дейди. Ота-онаси учун бу далиллар қониқарлимас, албатта, бўлар иш бўлди, бошқа чора йўқ, улар рози бўлишмаса Сурайё уйни тарк этишга мажбур бўлади, унда алоқалари узилади. Уларга шундай хотима керакми? Уйдан қизи чиқиб кетган оила деган гап иснодли, ота-онаси унгача боришмайди, бир мурасага келишади, бироқ барибир ўртага қанақадир совуқлик тушади, бунга сезган Жавлон бу хонадондан оёгини тортади. Балки тескариси чиқар: Жавлон фаросатли йигит, ёқса ўғилга айланади, Тўлқинга кўмак беради, қайнотасининг оғирини енгил қилади. Олдин қайсарлик қилганлари учун ота-онаси афсус чекишади...

— Йигит омонат экан, — деди Шокир ака эртасига, ишдан қайтгач, гўлдилаб.

Хайринисо опа дазмол босаётган эди, эрининг гапидан юраги шувиллаб кетди, индамади. Шокир ака, ҳаво етишмагандек, даҳлиз деразасини очиб, ҳовлига тикилди. Ҳойнаҳой эри йигитдан гап очиши сезилар, Шокир ака нимадан гап бошлашни билмас, бармоқларини қарсиллатар эди.

Хайринисо опа мактабда "Офат" мақоласини ўқиб чиққан, мақолада келтирилган далиллардан лол қолган, муаллифнинг жасоратига ёқа ушлаган, шу йигит куёви бўлишини тилар, ундан андак ҳадиксирар, куёв бўлса, унинг саловатидан чўчир, негадир қизини аяр эди.

— Ўқидингизми? — деди Хайринисо опа жимликка тоқат қила олмай.

— Ўқидим, — дея Шокир ака бошини қашиди. — Энди уни омон қўйишмайди. Қизингнинг бир оёғи турмада бўлади.

— Ҳақиқатни ёзипти, — деди хотини кўзини дазмолдан олмай. — Қамашса, ўзлари ўсал бўлишади.

— Ўсал бўлишмайди, "пахта ҳам жанг", деган важ билан чора кўришади, — деди Шокир ака чамалаб қўйган ғазабини жиловлаб. Унинг демоқчи бўлган гапи тузумни қоралашми ёки мақола муаллифи томонидан йўл қўйилган хатоми — хотини англамади. — Майли, қамашса масала ўз-ўзидан ҳал бўлади. Қизинг ҳам тинчийди.

— Қандай тинчийди?

— Қўлидан нима келарди? — деди Шокир ака мамнун бўлгандек. Кўникиб кетади.

— Кўникмайди, — деди Хайринисо опа. — Кутади.

— Неччи йилга қамалса, шунча кутади? Умри ўтиб кетди-ку!

— Бошқасига тегмайман, деяпти қизингиз. Ўн йил бўлса ҳам кутади. Боши очиқ ўтишга тайёр, — деди Хайринисо опа хўрсиниб.

Институт ректори Шамсиддинов Жавлон Мухторовнинг мақоласига қандай муносабат билдиришни билмас, давлат лавозимида бўлатуриб, мақола марказий ахборот воситасида чиқишига расмий жиҳатдан салбий баҳо бериши ва бундай "сиёсий ожизликка" танқидий ёндашиши лозим эди, акс ҳолда Шамсиддинов ишончини оқламаган раҳбар сифатида амалидан четлатилиши, ахлоқий танбеҳ билан жазоланиши зарур эди. Бироқ Жавлон Мухторов жонкуяр фуқаро сифатида содир этилган нуқсонни бартараф қилиш чорасини кўрипти, адолатли мақола ёзиб огоҳлантирипти — унга ташаккур билдириш ўрнига қоралашса, айб қўйишса, исканжага олишса — бунақа бедодликка қандай чидайди? Шамсиддинов аросатда қолди; ҳатто Жавлонни чақириб у билан мақола хусусида суҳбатлашмади. Чақирса, албатта муаллифни табриклашга, жасоратига қойиллигини ифода

қилмоғи керак эди. "Бекор ёзипсан, чатоқ иш бўпти, бу сенинг бурчинг эмас, сен олимлик юмушингни бажаравер, самолётдан дефолиация қилиш, одамларнинг қирилиши, теварак-атроф заҳарланиши ва бу офатни бартараф қилиш бўлак шахслар зиммасида" ва ҳоказо деса, қанақа субути қолади? Қотилларнинг бирига айланади — қирқ беш йиллик илмий, инсоний фаолияти барбод бўлади, сурбетга чиқади, шунақа тамға билан меҳнатини яқунлайдими? Йўқ. Ариза бериб, лавозимидан бўшаши керак, ақалли номусини булғамай кетади. Ҳеч ким таъна қила олмайди... Бироқ ўтирган курсисини бўшатиб берса, ўрнига биронта суллоҳ амалпарастни, расмий доираларнинг фармонларини "лаббай!" деб бажарадиган гумашта тайинланади — унда ҳеч ким миқ эта олмайди, вазият баттар тус олади.

Асрор Шамсиддинов ишидан бўшатилишига, ўзига нисбатан маъмурий чора қўлланилишига шубҳа қилмас, мулзам бўлишни ҳам хоҳламас эди. Уйига боргач, хотинига қон босимини ўлчатди — 180 га — 90 эди. Сабоҳат опа эрининг томирига укол қилди, кўк чой дамлаб, ётқизди. Нима сабабдан эрининг қон босими кўтарилганини билар, миясига қон қуйилиб, инсулт бўлишидан чўчир, мақола ҳақида офиз очмас, эрининг хаёлини бошқа нарсаларга чалғитишни истар эди.

Сабоҳат опа фан номзоди, шифокор бўлгани сабабли, Асрор Мўминович жилмай ётиши заруригини, диққат бўлиши хавfli эканини билар эди. Икки соатдан сўнг эрининг қон босими 150—70 га тушди, энди эхтиёт бўлиш керак. Сабоҳат опа телевизорни ўчирди, телефонни дахлизга олиб чиқди, эрини гапга тутмади, уйку дорисини ичирди. Профессор барибир узоқ ёта олмади, ўзини енгил сезгач, ўридан туриб кетди, гулларни қаллаклади, тўрт-беш бош қолган узумни узди, хотини ишда пайтида институтга телефон қоқиб, вазиятни сўради, Жавлон Мухторовнинг ўз талабаси Сурайё Ҳамидова орасидаги муносабати муҳокамага қўйилганини котиба жувон Махсума айтди.

— Қанақа муносабат? — деди Асрор Мўминович тушунмай.

— Кимдир уларни бўш аудиторияда кўрган экан, оқизмай-томизмай факультет декани Зайниддин Мусаевга айтипти, эртага муҳокама бўлади.

Бу каби муҳокамалар, аввало, институт ректори рухсатига биноан ўтказилиши керак, декан бундай ваколатга эга эмас, ўзбошимчалик қилипти. Балки ректор, яъни Шамсиддинов вазифасидан озод қилингандир — бу тадбир эҳтимолдан холи эмас. Унда Шамсиддиновни лоақал огоҳлангиришлари лозим эди, бемор профессорни сўрамай-нетмай бўшатишадими? Бўшатишса-да, Махсума дарҳол айтар эди, у индамади. Ҳойнаҳой, декан ўзини кўрсатиш учун ректор йўқ пайтда вақтдан фойдаланмоқчи бўлган. Кимдир Жавлон билан талаба Ҳамидовани якка кўрган экан — нима бўпти, машғулот ўтишаётгандир. Муносабатлари

илиқ бўлса — Жавлон оиласидан ажрашган, ҳали ёш — турмуш қуришмоқчидир, ўртада муҳаббат бордир. Бунга аралашшига деканнинг нима ҳаққи бор?

— Махсумахон! — деди Шамсиддинов телефонга. — Мусаева айтинг, бир соат ичида менга телефон қилсин. — Телефонда "Хўп", деган котибанинг овози эшитилди. Шамсиддинов телефонни жойига қўйиб тажанглашди, ўзини қаерга қўйишни билмай, дахлизнинг у бошидан-бу бошига юра бошлади. Кўк чой дамлаб ичди, ўзини нимага чалғитишни билмай, кабинетига кирди, чала ётган ишларини кўздан кечиришга тушди, ишга берилиб кетди, бир зумда Сабоҳатхоннинг тақиқини унутди — у қўлёзмалар билан шуғулланишни ман қилган эди. Бироқ Мусаев телефон қилгунича профессор тоқат қила олмас, вақтни "ўлдириш" керак эди. Вақт эса бир соатдан ўтган, ҳамон телефон жирингламас эди, ректор котибага яна телефон қилди.

— Алё! — Махсуманинг товуши эшитилди.

— Мусаевни топдингизми? — сўради профессор.

— Топдим, айтдим, кўнғироқ қилмадимиз? — деди Махсума.

— Йўқ, — деди профессор асабийлашиб. — Телефонини беринг.

Махсума дарҳол Мусаевнинг телефони рақамини айтди.

— Раҳмат, — деди профессор ва телефонни босиб, Мусаева телефон қилди. — Мен, Шамсиддиновман. Махсума сизга телефон қилдимиз?

— Қилди, ҳозир сизга телефон қилмоқчи бўлиб турувдим, — деди Мусаев. — Соғлигингиз дурустми?

— Дуруст, — деди профессор Мусаевнинг гапига ишонмай. — Эртага қанақа мажлис ўтказмоқчисиз?

— Навбатдаги, — деди Мусаев худди аввалдан жавоб топиб қўйгандек.

— Қандай масалани кўрмоқчисиз? — деди Шамсиддинов аранг ўзини босиб.

— Ахлоқий, — деди Мусаев бепарво тарзда.

— Нега, ректор бўла туриб, мен мажлис чақирганингизни билмайман? Нега маслаҳатлашмадингиз?

— Юқоридан кўрсатма беришди, — деди Мусаев.

— Нега мени бохабар қилмадингиз?

— Бетоб экансиз, безовта қилгим келмади, — деди Мусаев аввалги тусда.

— Мажлисни бекор қилинг, — деди профессор кимнинг масаласи мажлисга қўйилганини сўрамай. Юқоридан кўрсатма тушганини, Жавлонга нисбатан чора қўллаш бошланганини тахмин қилди.

— Кечирасиз, Асрор Мўминович, мажлисни бекор қила олмайман, — деди Мусаев ётиғи билан.

— Нега?

— Мухторов устидан ариза тушди, — деди Мусаев. — Министрликка ҳам ёзипти, буйруқ қилишди.

— Аризани ким ёзган? — деди Шамсиддинов тахмини тўғри чиққанидан мамнун бўлишни ҳам, бўлмасликни ҳам билмай.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — деди Мусаев. — Институтда ахлоқий интизом бузилган. Мен, декан сифатида, бу масалага лоқайд қарай олмайман.

— Институт муҳотида ахлоқий интизом бузилишига мен жавоб бераман, — деди Шамсиддинов асабий тарзда. — Ё мени вазифамдан озод қилишганми?

— Ҳозирча йўқ, — деди Мусаев бир зум сукут сақлаб.

Шамсиддиновнинг бу тахмини ҳам ўзини оқлагандек бўлди.

— Ҳозирча бўлса, токи мен институт ректори эканман, менинг райимсиз мажлис тайинламанг, тайинлаган бўлсангиз — бекор қилинг.

— Ким, деб сўрамадингиз, айтийми? Интизомни бузган ким маънода...

— Қанақадир айғоқчи келтирган гумонга таяниб иш кўриш ўринсиз.

— Гумон эмас...

— Аниқладингизми? — деди профессор тоқатсизланиб.

— Албатта, — деди Мусаев негадир шодланиб. — Ўзи иқрор бўлди.

— Иқрор бўлса, нега яна титкилаш керак? Тўхтатинг.

Мусаев бир неча дақиқа индамади. Буни бўйсунмаслик деб таҳлил қилиш ҳам мумкин эди. Шамсиддинов хайрлашмай телефон дастасини жойига қўйди. Кайфияти бузилди, кимларгадир телефон қилгиси келди. Бироқ ўзининг вазияти мавҳум эканини англаб, шаштидан қайтди — шикоят қилгандек кўриниши мумкин. Мусаев билан ҳам ижирғаниб гаплашди — заифлик аломати. "Мажлисни ўзим ўтказаман", дейиши, Жавлон билан талаба қизни ҳимоя қилиши, хўрловдан сақлаши лозим эди, чатоқ бўлди. Тунука томга ёнғоқ тўкилар, шохи тарновга суйкалар, танг аҳволни баттарлаштирар эди.

Профессор оғзига дори солиб, шима бошлади.

Жавлон билан Сурайё мажлисда қатнашишга рози бўлишди.

Мажлис қатнашчилари мақола муаллифи Жавлонга алланечук ҳурмат билан боқишар, журъатига қойил қолишар, мажлисда уни қутлашар, деб ўйлар эдилар, бироқ Мусаевнинг вазмин тарзда айблашга киришиши ҳаммани ажаблантирди. Факультет бўйлаб Жавлон ва талаба қиз ҳақида тарқалган гапни эшитишган, эътибор беришмаган эди, Мусаев уларнинг муносабатига салбий тус берди, "ғализлик, ахлоқий бузуқлик", деди. Мажлис қатнашчилари саросимада қолишди.

— Қилмишингизга қандай баҳо берасиз? — деди Мусаев Жавлон билан Сурайёга тикилиб.

— Сизнинг таърифингизни ифво, деб биламан, — деди Жавлон ўрнидан турмай. — Ахлоқимиз тоза.

— Нега бўш аудиторияда талаба қиз, яъни Сурайё Ҳамидова билан кучоқлашдингиз? Нега оила кўрмаган ифбатли қизни йўлдан оздирдингиз? Бу — ахлоқий тубанлик эмасми?

— Мутлақо, — деди Жавлон ўзини йўқотмай.

— Қайси маънода — "мутлақо"? Иқрор бўлишми, ёки инкорми?

— Инкор маънода, — деди Жавлон. — Бўш аудиторияда талаба қизни кучган бўлсам нимаси айб? Ҳаммаларингиз олдида мен Сурайёни ўпишим мумкин, очиқ бўлади. Биз бир-биримизни севамиз — ҳарқалай мен шунга аминман.

— Севамиз, деб ҳар қандай разил ниятни оқлаш мумкин, — деди Мусаев заҳарханда жилмайиб. — Мажлис қатнашчилари фикрини билайликчи: кимда сўз бор, — дея Мусаев стол атрофида ўтирган муаллимларга қаради. Уларнинг орасида қораловчилар борлигини Мусаев билар эди. — Сафаров домла, сиз нима дейсиз?

— Нима десамикин? — деди Сафаров кўзини яширгандек, столга бош эгиб. — Албатта, ўз қўлида сабоқ олаётган талабага нисбатан ахлоқсизлик қилиш — тарбия интизомига хилоф ҳаракат. Ихлоси қанақа бўлмасин, домла ўзини қинғир ишдан авайлаши лозим. Севаман, деб ҳамма ўқитувчилар талабаларига тажовуз қилаверса — яхшими? Мен бу усулни қувватламайман, аксинча, қоралайман.

— Хўш, қандай чора кўришни тавсия қиласиз? — деди Мусаев. — Шундай домла коллективимиз аъзоси бўлишга муносибми?

— Йўқ, — деди Сафаров.

Хонага жимлик чўқди. Сурайё қўл кўтарди.

— Марҳамат, — дея Мусаев Сурайёга сўз берди.

— Мен бу мажлисни газетада босилган Жавлон Юсуповичнинг мақоласи муҳокама қилинади, қутланади, деб ўйловдим, — деди Сурайё ғазабини яширмай. — Бу — фитна, суд-ку. Суд қилишга нима ҳаққингиз бор? Сизлар мусаффо туйғуни айбламоқчисизлар! Биз бир-биримизни севамиз. Шахсан мен Жавлон Юсуповични яхши кўраман, уни севишдан, унга сазовор бўлишдан бахтлиман. Сизлар олчоқ, ғаразли муддаоларингиз билан туйғуни яқсон қилмоқчисизлар! — Сурайё ўзини тута олмай, четга қаради. Қатнашувчилар эловлаб қолишди. — Сизлар ахлоқ ўрнатиш важида институтда назорат ўрнатмоқчисизлар! Гийбатга расмий ҳуқуқ бермоқчисизлар! Бу мажлис эмас — қабиҳлик! — Сурайё шартта туриб, хонадан чиқиб кетди.

Мусаевнинг кабинетига сукут чўқди. Одамлар саросимада қолишди.

— Бу жазава, — деди Мусаев Сурайё чиқиб кетган эшикка тикилиб. — Ўз бузуқлигини оқлаш усули!

Жавлон ҳам индамай хонадан чиқиб кетди. Сурайё коридорга орқа қилиб, деразадан ташқарига тикилиб турар, кўзлари нам эди.

Жавлон унинг ёнида тўхтади.

— Раҳмат, — деди.

Мусаев кабинетда қолганлар жим ўтиришар, кимнинг тарафини олишни билишмас, юқоридан тушган кўрсатмага биноан Жавлон билан Сурайёнинг хулқи ҳақида бир ечимга келишлари лозим эди, бироқ айбланувчиларнинг ўзи барча гумонни чиппакка чиқаришди, тўғрироғи — тасдиқлашди, кабинетда ўтирганлар, ҳатто фаромуш бўлишди.

— Резолюция чиқаришимиз керак, мажлис якуни шарт, — деди Мусаев. — Ҳамидованинг газаби бизга далил эмас. Қиз нарса, уялмай "севаман", дейиши — ориятсизлик. Ҳамма, "ўлдим-кўйдим", деяверса институтда интизом қоладими?

— Резолюцияни Сафаров баёнотига қараб чиқарсак, масала бир томонлама бўлиб кўринади, — деди кўзойнакли доцент Муродов.

— Мажлисида жим ўтирдингиз-ку, — деди Мусаев бўш келмай.

— Жавлон Юсупович ҳам, Ҳамидова ҳам туйғулари пок эканини тасдиқлашди — яна қанақа далил керак?! — деди доцент қолишмай. — Шахсан мен уларга айб қўя олмайман. Ҳиссиёт масаласи — нозик нарса, унга аралашининг ўзи ўринсиз. Севгини олқишлаш ўрнига бузуқликда айбласак, табиат қонунини инкор қилган чиқамиз. Қани энди бошқа қизларимиз ҳам мўлтирамай, ўз ишқини шунақа эъзозласа. Бошқа гапим йўқ. — Доцент Муродов кирдикор бежиз эмаслигини, ҳужум асида Жавлон Мухторовнинг мақоласи туфайли қўлланган чора бўлиб, бўш аудиторияда фош этилган "ахлоқсизлик" "айбланувчиларни" жамоа кўзида шарманда қилиш, "улардан" қутулиш усули эди — мақола институтнигина эмас, бутун республикани ларзага солди, ҳеч ким лоқайд қолмади, раҳбариятнинг ўз халқига нисбатан ёвузлик амалига қаратилган даъво бўлди — ким ўз айбини тан олади — "шаллақилик" қилган унсурни тартибга чақириниш, шу йўсин билан бу каби бузгунчиларнинг олдини олиш эди. Ҳойнаҳой, доцент Муродовнинг тахминича бу тадбир юқоридан айтилган, Мусаев, ректорлик умидида, топшириқни бажараяпти, холос. Резолюцияни шунга мувофиқ чиқаради, ўзини ташаббускор кўрсатади.

Мажлис яна қирқ дақиқа давом этди, овозлар иккига бўлиниб кетди.

Жавлон Мухторов бу ҳодисадан кўркмаса-да, дили ранжир, негадир сабабини ўзининг илмий раҳбари ва институт ректори Шамсиддиновдан гумон қилар, гаплашини ўзини оқлаш билиб, у билан учрашини истамас эди. Устига-устига, тоби қочиб, уйда ётганмиш. Айни вазиятда уни кўриб келиш ҳам Жавлонга

ноқулай сезилар, ҳимоячи қидиргандек кўриниши мумкин, ректорнинг ўзи Жавлонни йўқдамас, ақалли мақоласини танқид қилишни ҳам муносиб билмас, гўё Жавлон мақоласини ёзмагандек эди.

Институт ректори бўлатуриб, марказий матбуотда шогирди мақоласи чиққани Шамсиддинов билмайдами? Билади, албатта. Нега унда муносабат билдирмайди, лоақал илмий раҳбар сифатида Жавлонга ақалли ёзгириши керак эди — шогирди мақоласини яширинча бостирганидан ранжигандир? Нега ўзини тортди? Жавлон ўзи Пардаев мақола босилган куниёқ институтга келганини, Шамсиддинов билан суҳбатлашганини билмас, ректор Жавлонни ҳимоя қилганидан беҳабар эди. Шамсиддинов Жавлон кўзида мард туюлар, унинг чурқ этмаслиги, мажлис ишида қатнашмаслиги шогирдини ажаблантирар, Жавлон унинг қабулига киришдан — бетоб эмиш — кўриб келишга ҳам боришдан тортинар эди. Шамсиддинов ишга чиқмаганига бир ҳафтача бўлди, институтда “Ректорни бўшатишармиш”, деган висир бошланди. Шамсиддинов — академик, профессор, ректорликка муҳтож эмас, қайтага бемалол илмий ишлари билан шуғулланади, бўшатишса койинмайди ҳам, бинобарин Жавлон билан гаплашиши лозим эди, нега ўзини панага олди? Хайрихоҳ бўлганида очиқ айтар эди — Жавлоннинг мақоласи ўзига қалтис кўрина бошлади; агар Асрор Мўминовични мақола туфайли ишдан бўшатишса, демак, уни оғир вазиятга Жавлон қолдирган бўлиб чиқади. Аввал, мақола чиқмасдан бурун, Жавлон тинчгина яшаб келаётган эди, ҳамма маломат кейин бошланди: мажлис уюштирилди, ректорни вазифасидан бўшатишар эмиш, Жавлон кўргани боришга телефонда ректорнинг хотинидан ижозат сўровди, Сабоҳатхон опа: “Домла бетоблар, қон босимлари баланд, у кишини безовта қилиб бўлмайди, сабр қилинг”, деди, Жавлоннинг мақоласидан оғиз очмади — наҳот ўқимаган бўлса? Мумкин эмас. Балки Сабоҳатхон опа эрининг касалини Жавлоннинг мақоласидан кўраётгандир?

Сурайё камсўз қиз эди, Мусаев ўтказган мажлисдан сўнг у анчагача ўзига кела олмади; ҳеч нарса унинг маъюслигини тарқата олмас, фақат Жавлоннинг “Раҳмат” дегани унинг қоронғи дилида юлдуздек учқунланар эди. Улар, кўчага чиққач, Жавлоннинг хонадонига пиёда кетишди, деярли гаплашишмади: мажлисни эслаш азобли эди. Уйга киришгач ҳам карахтлик аримади — иккалови мағзавада ювингандек, нимадандир ҳазар қилишар, Жавлон ўзини Сурайё олдида гуноҳкор сезар эди.

— Мен касалман, шекилли, — деди лимон кесаётган Сурайё ўзига-ўзи айтгандек. Ортида турган Жавлон жойидан жилиб, қизга разм солди. — Ҳеч нарса мени севинтирмайди. Танҳоман.

— Ёнингизда мен борман, — деди Жавлон қизнинг рухсорида уқубат сезиб.

— Танҳолик — ёлғизлик эмас, — деди Сурайё ўйчан. — Ҳамма — маълум даражада танҳо. Ҳатто Зулқарнайн, минглаб лашкарлари бўлишига қарамай, танҳо бўлган. Танҳолик — бедаво дард, тузатиб бўлмайди.

— Мен ҳам танҳоманми? — деди Жавлон нималарнидир миясидан ўтказиб.

— Сиз ҳам, — деди Сурайё ва бир паррак лимонни Жавлоннинг оғзига солди.

— Энди тетикман, — деди Жавлон сохта ғайратланиб.

Сурайё унга қараб жилмайди. Сурайё, чиройли бўлмаса-да, истараси иссиқ, дилбар қиз бўлиб, табассумдан очилар, ғусса рухсорига жиддийлик берар, одамни ҳадиксиратар эди. Қиз шаштини қайтармас, қалбаки ибони жини кўтармас эди. Шундай зотта Жавлон муносибмикин? Қиз билан ўта эҳтиёт бўлиш лозим, Жавлоннинг бир сўзи ғализ кўринса, эшикни қарс ёпиб, чиқиб кетади, ҳеч қачон афсус қилмайди. Яна ажабли томони шундаки, қиз муносабатларини расмийлаштириш ҳақида оғиз очмади — шундай қизнинг ота-онаси қанақа одамлар экан? Бундай хулқни тарбия билан сингдириб бўлмайди — антиқа экан, беш йил ўқув пайтида Жавлон шуни пайқаматди. Тўғри, ғурурли эканини сезган эди — аъло баҳо қўйганида ҳам Сурайё ўзгармас, танбеҳ адолатли кўринмаса, иқрор бўлмас эди.

Улар чой ичишга ўтиришди.

— Столингиздаги чизма ниманинг модели? — сўради Сурайё чой ҳўплаб. — Аввалги гал келганимда ҳам кўрувдим, машинами?

— Машина, — деди Жавлон завқсиз оҳангда. — Шунчаки хом хаёллик.

Сурайёга Жавлон фикрини айтгиси келмагандек кўринди, бу гапни бошқа қўзғатгиси келмай, Сурайё индамай қўя қолди.

— Машина бензинда, газда эмас, ҳавода юради, — деди Жавлон жим ўтиришни эп кўрмай. — Кинетик қувват билан, — бу нималигини Сурайё билгани учун Жавлон “кинетик қувват” ҳақида гапирмади. — Баллонга ҳаво тўлдириб, босим билан шлангдаги сувдек ҳавони махсус туйнукдан чиқарилса, ҳаво машинани итаради, натижада ҳаракат пайдо бўлади. Фақат мотор ўрнига баллон ўрнатилади. Текин ёқилги. Ёқилги ҳам эмас, динамик хосса. Ёнмайди, демек, ҳавони бузмайди; юрган йўлида керакли мосламалари билан ҳавони тўплайди — ҳаво ҳаммаёқда бор, тугамайди; ишлатилган ҳаво тўла миқдорда қайтариб берилади; совутиш учун антифриз керак эмас, баллонлар мотордан оғир эмас, фақат ичи ҳаво билан тўлдирилган, ҳавонинг эса оғирлиги йўқ. Нега шу пайтгача шундай қулай манбадан фойдаланилмаган — ажабланарли.

— Агар шу лойиҳа жорий қилинса, талай муаммолар ечилар, транспорт воситалари тубдан ўзгарар эди, тўғрими? — деди Сурайё ҳаяжонини сездирмай.

— Қайдам, балки мен эътибор бермаган говлар бордир, — деди Жавлон, — акс ҳолда ҳаводек жўн воситадан алақачон фойдаланишган бўлар эдилар.

— Ясаб кўрсатсангиз бўлмайдами? — қизиқиб сўради Сурайё.

— Шароитимиз йўқ, — деди Жавлон, ўрнидан туриб, стол галадонидан резина пуффак олди, уни ҳавога тўлдириб, қўйиб юборди, пуффак ичидаги ҳавони пуфлаб деворга тегди.

— Авиацияда ҳам қўллаб бўлар экан-да?

— Ҳамма соҳада, — деди Жавлон. — Вертолёт вазифасини парраксиз бажариши мумкин, тикка ҳам учади, қиммат аэродромларнинг ҳожати қолмайди, миллиард-миллиард маблағлар бошқа соҳаларга ишлатилади.

— Фантастикага ўхшайди!

— Космик кемалар фазога чиқиб олиши учун юз тонналаб ёқилги сарф қилади, "Ҳавомобиль"нинг корпусидан бўлак оғирлиги йўқ, — деди Жавлон илҳомланиб. — Ҳавонинг отилиб чиқиши ҳисобига учади.

Сабоҳатхон опа нимёруғ кабинетида китоб варақлаб ўтирган эрига кўк чой киритиб, столга қўйди. Хона шкафлари китоблар билан тўлган, столда ҳам китоблар тахланиб ётар эди. Хотини кирганини профессор пайқамади чоғи, лекин пиёладаги чойдан бир хўплаб, ўқишда давом этди.

— Бир ҳафтага чиданг, домла, қон босимингизни аранг туширдим, — деди Сабоҳатхон опа эридан ўпкалаб. — Дори ичадиган вақтингиз бўлди, юринг, — деди ва столдаги чироқни ўчирди. Шамсиддинов хотинига нохуш қаради. — Биласиз-ку, шуғулланиш сизга мумкин эмас.

— Ҳозир чиқаман, — деди профессор тутмаларини қадаб.

— Мен боғчадан неварангизни олиб келаман, сиз хонангизга кириб ётинг. Телефон жирингласа, олманг.

— Бўпти, — деди профессор ва ҳали қуюқ, оқара бошлаган сочини панжаси билан йиғиштирди.

Сабоҳатхон опа хонадан чиқиб кетди, газ плитасида қайнаётган товуқ шўрвани милтилатиб, кофтасини кийди. Болалар боғчасигача беш дақиқали йўл эди.

Сабоҳатхон опа беихтиёр ўғли ҳақида ўйлай бошлади.

Институтдан кейин энди бир йилча ишлай бошлаган ўғли Хуршид Чимёндаги геологлар партиясида бўлиб, ойига бир-икки марта Тошкентга келиб кетар, охири келганида Боғистондаги ошнаси қанақадир тўйга олиб боргани, тўйда бир қиз ўйинга тушгани ҳақида гапириб берди, исми Матлуба экан, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар экан — шунга совчиликка борасиз, деди. Сабоҳатхон опа ҳанг-манг бўлиб қолди, ўғлининг гапи томдан тараша тушгандек бўлди. "Гаплашдингми? — деди онаси ҳадиксирагандек. — Неччи ёшда экан? Ота-онаси кимлар

экан?" "Улгурмадим, — деди Хуршид, — тўй кечаси мен Чимёнга қайтишим керак эди. Эртага соат ўн иккида Боғистоннинг охирги автобус бекатида кутаман. Машинада чиқиб боринг". "Мунча шошилинч? Даданга ким қарайди?" — деди онаси эловлаб. "Бир кунлик иш — борасизу келасиз, — деди Хуршид, — соат учларда қайтиб келасиз". "Йўқ, ўғлим, тўхта, — деди Сабоҳатхон опа гангиб. — Даданг тузалиб ишга чиқсинлар, совчиликка бориш қочмас. Ҳовлиқма". "Гап битта — эртага соат ўн иккида мен сизни Боғистонда кутаман, бормасангиз ўртоғимнинг онасини киритаман!" — деди Хуршид ва рюкзagini олиб жўнаворди. Сабоҳатхон опа саросимада қолди, эртага совчиликка боришга апил-тапил бўлгани учунми, ёки бу тадбирни эридан яширгани учунми — оёғи тортмас, лекин бормаса ўғлининг ўзи "ишни" эплаши мумкин, унда онасидан домангир бўлиши тайин эди. Эртасига соат ўн ҳам бўлмай, Сабоҳатхон опа, эрига керакли дориларни ичириб, ишига учраб келишни айтди, ўзи йўл-йўлакай магазиндан битта торт олиб, Чимён йўлида "Москвич"ни ҳайдаб кетди. Йўл таниш, Чимёнга дам олиш учун бир неча марта оила аъзолари билан чиқишган эди, адашмай кетди ва ўнта кам ўн иккида Боғистоннинг автобус бекатига етиб борди — Хуршид газета-журнал будкаси ёнида сигарет чекиб турар, таниш машинани кўргач, соатига қараб қўйди ва тўхтаган машина эшигини очиб, онасининг ёнига ўтирди.

— Келмассиз, деб ўйловдим, — деди Хуршид. — Қойил!

Сабоҳатхон Исроиловна гинеколог бўлгани туфайли ишига ҳеч қачон кеч қолмас, бошқалардан ҳам шу интизомни талаб қилар, операцияга кеч қолса беморнинг жони узилиши мумкин кўринар эди.

— Рулга ўзинг ўтир, — деди Сабоҳатхон опа ўғлига ва машинадан чиқиб, Хуршид ўтирган жойни эгалади, сумкасидан ойнача олиб, юзига қаради, упалади. Хуршид машинани ҳайдаб кетди ва бир тор кўча олдида тўхтади.

— Ҳув ана, икки тавақали эшик, ўн биринчи ҳовли, — дея Хуршид наридаги хонадонни кўрсатди. — Мен шу ерда сизни кутаман.

Сабоҳатхон опа қутисини олиб, тиззасига қўйди. У ҳеч қачон совчиликка бормаган, ўзини қандай тутишни, нима дейишни билмас эди.

— Нима деб кираман? — деди у ўғлига қарамай. — Ассалому алайкум, совчи бўлиб келдим, дейманми?

— Совчилар келганда, нима дейиш керак, шуни айтасиз-да, — деди Хуршид ҳамма нарсани осон чамалаб. — Насибага совчилар келганида нима дейишган қудаларингиз?

— Улар Насиба рози бўлганидан кейин келишган, — деди Сабоҳатхон опа сиқилиб. — Дабдурустан кириб борсам, ғалати бўлмасмикин? Ариқ хатлаш эмас, ўзинг гаплашдингми? Кеча

сўрашга ҳам улгурмадим, шарт-шурт айтдинг-у, жўнавординг. Қизнинг оти нима?

— Матлуба, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлар эмиш. Билганим шу, — деди Хуршид.

— Балки боғчага боришинг, қиз билан учрашишинг маъқулдир, у сени танийдими?

— Бу ерда танишиш шарт эмас, — деди Хуршид. — Унаштирилгандан кейин танишишади. Бу ерликлар бир-бирини кўп кўришган.

— Сен бу ерлик эмассан, қатган сени танийди?

— Кейин онаси айтади, — деди Хуршид иккиланмай. — Тошкентга келин бўлиб тушиш бу ердаги қизлар учун фахрли. Севиб қолипти ўғлим, десангиз кифоя.

— Сени танитай, а? — деди Сабоҳатхон эсанкираб.

— Шу қизни олмасам, уйланмайман, — деди Хуршид.

— Қиз чиройлими? — деди Сабоҳатхон бўлак важ топа олмай.

— Чиройли, — деди Хуршид.

— Ҳусн — ташқи қиёфа, ичи қоронғи, бирон дарди бўлса-чи?

— Мен фақат шуни дейман, — деди Хуршид.

Сабоҳатхон опа, маломатга қолгандек, машинадан чиқиб, ўғли кўрсатган ҳовли томон кета бошлади. Хуршид машинани сада панасига қўйиб, сигарет туташтирди, радиодан мусиқа қидирди, бироқ тоғ оралиғида бўлгани учун овоз ғувиллар эди, Хуршид радиони ўчириб, ўйга берилди: тўрт кун муқаддам у шу қишлоқдаги бир хонадоннинг тўйида бўлган, назарида тўй ажойиб ўтган, эркаклар бу томонда аёллар у томонда ўтиришар, тўй қизигач, аёл-эркаклар аралаш рақсга тушишган, малоикасифат қиз эшилиб, нозу карашма билан хиромон ўйнаган, Хуршид чалакайф кўзларини бир нуқсонсиз латиф нозаниннинг хушбичим қоматидан ола олмаган, шайдосига айланган эди, исми ҳам Матлуба экан. Нозаниннинг мафтункор қиёфаси эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам Хуршиднинг хаёлидан аримади, йигитни буткул маҳлиё қилди, маҳбус этди. Кўзига беқиёс ва мумтоз туюлади. Бошқа нарса Хуршиднинг онгига кирмас, унга етишиш йигитнинг муддаосига айланганди. Ҳозир ҳам унинг хаёли ўша қиз билан банд эди.

Сабоҳатхон опа ўғли айтган эшикни тақиллатди, эшикни ҳовлида ўйнаётган тўққиз ёшли қизча очди — унинг сочлари тўзғиган, қош-кўзлари чўғдек, силлиқ юзи терлаган эди.

— Салом, қизим, — деди Сабоҳатхон опа қизчага табассум билан. — Кирсам майлими? Уйда ким бор?

Қизча эшикни қўйиб юбормай йўл бўшатди. Сабоҳатхон опа кофтаси чўнтагидан бир плитка шоколад олиб, қизчага тутди, қизча олар-олмаслигини билмай серрайди. — Ушла, қизим, е, отинг нима?

— Музайяна, — дея қиз шоколадни олди.

— Уйда ким бор? Матлубахоннинг уйи шуми?

— Шу, — деди Музайяна. Сабоҳатхон опа Матлубани кўрмаган бўлса-да, сингилчаси туфайли қанақа эканини тасаввур қилди. — Опанг уйдами?

— Апам боғчада, момом уйда, — дея қизча дарвозахонадан отилиб, йўлга нисбатан пастроқ ҳовли бўйлаб, шифер томли, сомонсувоқ қилинган дахлизли уй томон югурди. Қизнинг онаси чамаси қирқ ёшли хушсуврат аёл ичкаридан чиқиб, оёқларига шиппақларини илди ва илдам нотаниш меҳмон аёл томон йўрғалай бошлади, яқинлашар экан аёл, дарвозахонадан пастга тушиб келаётган "меҳмонга" тикилди: аввал-охир бунақа посон аёл остона хатлаб бу ҳовлига кирмаган эди, мезбон дарҳол район амалдори деб, ўйлади, сурилиб кетган дуррасини тўғрилаб жилмайди.

— Ассалому алайкум, — деди меҳмон аёл хушомад билан ва уй бекаси билан қадрдонларча кўришди — район амалдори бўлганида бунчалик хушмуомала бўлмас эди, адашди чоғи, деб ўйлади мезбон аёл хафсаласи пир бўлганини сездирмай.

— Омонмисиз?

— Мана, аzza-базза келдим, — деди Сабоҳатхон опа сохта шодланиб.

— Хуш келипсиз, — деди мезбон ўзини ўсал сезиб. — Марҳамат.

Сабоҳатхон опа қўлидаги қутини мезбон аёлга тутди:

— Тошкентдан, арзимас нарса.

— Вой, овора бўлиб нима қилар эдингиз? — деди мезбон аёл одатий ибора ишлатиб.

— Овораси йўқ, — деди Сабоҳатхон опа.

— Қани, ичкарига юринг, — деди аёл, — омин қилайлик. — Аёл тавозе билан ён юриб, меҳмонни ичкарига даъват қилди ва Музайянага қараб: — Аканга айт, чой қўйсин, — деди.

Нарироқдаги ишқом остида иккита ўғил бола ўзаро тожикча сўзлашиб, узумга қўнмоқчи бўлган чуғурчуқларга тош отиб, ўзбек тилида "йўқол!" дея қушларни ҳайдашар, қушлар париллаб, теракка қўнишар, хипча шохларида тебранишар эди.

— Чойга уннашмасин, хўжайинимни ёлғиз қолдириб келганман, — деди Сабоҳатхон опа одоб йўлига. — Бир зумлик вақтим бор, айланай.

— Аzza-базза кепсиз, бир пиёла чойсиз қайтасизми, йўл узок, дам олиш ҳам керак, — деди мезбон ҳам одоб йўлига.

Улар бирин-кетин пардасиз деразалари очиқ айвонга чиқишди.

Уй бекаси чорпояга қўйилган хонтахта атрофига кўрпача тўшади, рўпарама-рўпара ўтиришди, фотиҳа қилишди. Аёл хонтахтага дастурхон ёзди...

Машинада ўтирган Хуршид руддаги қўлига иягини тираб ўтирар, кўзини онаси кетган томондан узмас, тезроқ яхши хабар келтиришини кутар, вақт унга чўзилганга ўхшар, тоқатсизланар эди. Бироқ ўн беш дақиқа ҳам ўтмай, дарвоза олдида онаси

кўринди. Одатда вазмин қадам босадиган онаси шошилиброк келар эди.

Сабоҳатхон опа машинага ўтириб, эшигини қарс ёпди.

— Ҳайда, — деди у ҳеч нарсани айтмай. Хуршиднинг юраги шувиллаб кетди.

У машинани ўт олдириб, келган йўлига тушди. Онаси жавоб айтишга шошилмас, тумтайган кўринар эди.

— Хўш, гап қандай ўтди? — сўради Хуршид кўзини йўлдан олмай.

— Изза бўлдим, шарманда қилдинг, — деди онаси. — Йигирма тўртга тўлдинг, қачон ақлинг киради? Қачонгача санамай саккиз, дейсан?

— Унамадими? — деди Хуршид ҳадиксираб.

— “Унамадими” эмиш! Узатилганига тўрт ой бўпти. Нега сўраб-суриштирмадинг? Юзимни шувут қилдинг-ку! Отангга айтсам, жони узилади. Сен шунақа бетайин жиннимисан?!

— Жинниман! — деди Хуршид ўжарлик қилиб.

— Жинни бўлмасанг, бировнинг қонуний хотинига ошиқ бўлармидинг?

— Мен ўшанга уйланаман! Вассалом.

— Бошида эри туриб, қиз сенга тегармиди? Ҳомиласи бўлсачи?

— Барибир! Уйланаман! Севиб яшаймиз! — деди Хуршид.

— Эри билиб қолса, сени чавақлаб ташлайди. Булар тоғлик одамлар. Хотинига оғиз очма, уни ҳам пичоқдан ўтказди. Бир ер — бир гўр бўласанлар.

— Майли, — деди Хуршид. — Қисматим шу бўлса — розиман! Матлубасиз ҳаёт менга керак эмас!

— Нега гариллайсан, болам?! Қиз билан, ҳатто сўзлашганинг йўқ, нимага умидвор бўлаяпсан, ахир?! Жўна, деса, нима деган одам бўласан?!

— Оёғига йиқиламан, кўндираман, Венецияга олиб бораман. Бу қишлоғида у нимани кўрапти? Мағзавадан боши чиқмайди.

— Шаштингдан қайт, болам, ҳамма нарса барбод бўлади, кулфат тушади, — деди Сабоҳатхон опа куйиниб. — Мусибат устига мусибат, фожа бўлади.

— Мен Чимёнда қоламан, — деди Хуршид, — уч чақирим йўл қолди. Экспедициямиз шу ерда, кела туриб кўрсатувдим. — Хуршид машинани йўл четига тўхтатди, моторни ўчирмади. — Рулга ўтинг, айтган жойимда тўхтатасиз, фақат бегоналар олдида менга панд берманг.

— Сен барибир шаштингдан қайтмаяпсан, ўғлим, биз у ерда қандай тинч яшай оламиз? — деди Сабоҳатхон опа ёлворгандек. — Фожа бўлишини кутамизми? Кунимиз дўзахга айланди-ку! Қайт, болам, тақдир билан ўйнашма.

— Пешанамдан кўрдим, — деди Хуршид. — Чекинмайман.

— Хотин олиш эчки олишмас, ўғлим. Сен тутган йўл хатарли. Ҳушингга кел. У йигит ҳам севиб уйлангандир, нима қиласан бировнинг турмушига рахна солиб?! Бу севги эмас, гуноҳ, йиртқичлик!

— Ҳайданг, — деди Хуршид қайсар товущда.

— Сен худбинсан, — дея Сабоҳатхон опа йиғлаб юборди, — айтганингдан тоймайсан. Агар гапимга кирмасанг, оқ қиламан...

Сабоҳатхон опа ўз калити билан дарвозани очиб, машинани дарвозахонада ўчирди, қайта дарвозани ёпиб, ҳовлига кирди. Профессор қўлида газета билан дахлиздаги юмшоқ креслода мударар, столдаги чойнаги илиқ эди — афтидан яқинда уйқуга кетган кўринади; профессор кўзойнагини ечмапти ҳам. Сабоҳатхон опа эрини уйғотмади, оёқ учида ичкарига кириб, кийимини ўзгартирди. Суриштирмай-нетмай, ўғлининг қистовига берилиб, аллақачон узатилиб кетган қизга совчи бўлиб бориши ўзига ўта беҳуда кўринар, устига-устак Хуршиднинг қайсарлиги тентаклик эканидан мулзам тортар эди. Энди ўғли қизга илакишса, қизнинг эри Хуршидни омон қўймаслиги мумкин, ўлдирмаса-да, адабини бериб қўйиши турган гап эди. Энди онаси тинмай шу ҳақда ўйлайди, куни дўзахга айланади. Дардини кимга айтади? Отасининг аҳволи мунақа, мушукули ўзига етарли, сал тажанг бўлса, юрагини ушлайди. Масалани узил-кесил ҳал қилмай жўнаворгани чакки бўлди, ўкиниб ўйлади Сабоҳатхон опа. Хуршидни у ердан олиб кетиши, бўлак экспедицияга ўтказиши керак, кориҳўл бўлмай туриб. Сабоҳатхон опа яна изига қайтгиси, ўғлини эпакча солгиси, иложа бўлса, экспедицияларга юборилишини келишмоқчи бўлди, нега ўша ерда эканида шу фикр хаёлига келмади? Хуршид шаштидан тонмайди, албатта бирон шумлик чиқаради. Жанжал билан иш битириб бўладими? Маломатга қолган қизнинг кўзига Хуршид — қанақа изҳор билдирмасин — бало бўлиб кўринади. Дадаси барибир билади, нега айтмадинг, деб ёзгиради, айтсанг чорасини кўрардим, олдини олган бўлардим, дейди. Қандай чорасини кўради, болани ўз ихтиёрига ташлаб қўйган, барча вазиятдан ўзи чиқсин деган — мана оқибати. Айтса, соғлиги кўтармайди. Чалкаш иш. Учидан тортсанг, тугунга айланади. Жонли нарсани чопиб бўлмайди.

Сабоҳатхон опа ҳовлига тушиб, ювилган нарсаларни йиға бошлади.

Шу пайт кўча эшик кўнғироғи жиринглади — Сабоҳатхон опа юраги шувиллаб кетди — телефон жирингласа ҳам Сабоҳатхон опа чўчиб тушар, кўнгилсиз хабардан чўчир эди. Сабоҳатхон опа эри мудраётган дахлизга ҳадиқда назар ташлаб, эшик очишга ўтди, қўллари қалтирагандек бўлди. Қўрқа-писа эшикни очди — остона олдида бир ҳовли нарида турадиган қўшнисини чевар Қундуз опа турар, унинг қўлида бир товоқ анжир қуёш нурида товланар, Қундуз опа жилмаяр эди.

Сабоҳатхон опа оғир хўрсинди.

— Келинг, — аранг деди у ва энгил тортиб, Қундуз опа билан бир қўлда ачомлашиб кўришди.

— Оғзингиз тегсин, деб келувдим, — деди Қундуз опа анжирни кўрсатиб. — Охиргисини уздик — бир дунё ҳосил терилди.

— Раҳмат, — дея Сабоҳатхон опа анжирли товоқни олиб орқасига чекинди. — Ўзингиз ушланг, қўлим банд. — Сабоҳатхон опа товоқни қўшнисига тутиб, ўзи эшикни бекитди. — Юринг.

Улар ҳовлига қўйилган стол атрофига ўтиришди, Сабоҳатхон опа қўлидагиғиғим нарсаларни ёнидаги стулга жойлаб, устидан қўли билан босиб қўйди, омин қилишди.

— Асрор акам бардаммилар?

— Шукур, — деди Сабоҳатхон опа. Қўшниси бирон илтимос билан келгандир, деб ўйлади Сабоҳатхон опа, акс ҳолда кирмас эди — қўл машинкасидан бошини кўтармас, буюртмага кийим тикар эди. Сабоҳатхон опа чой дамлашга қўзғалди.

— Чойга овора бўлманг, опа, — деди Қундуз опа мезбоннинг билагидан ушлаб. — Ман бир зумга. — Унинг кўзларида нотинчлик кўринди.

— Тинчликми? — дея Сабоҳатхон опа яна жойига ўтирди. — Тўйга айтиб чиқдингизми?

— Тўйга десам ҳам бўлади... — деди Қундуз опа ва мақсадига қандай ўтишни билмай бир лаҳза каловланди. Сабоҳатхон опага қўшниси пул қарз олишга чиққандек туюлди.

— Қудангиз ким? — деди Сабоҳатхон опа чеҳраси ёришиб. Бироқ Қундуз опанинг авзойи бўлакча эди.

— Ўзим, — деди Қундуз опа.

— Тушунмадим, айланай, очикроқ айтинг. Пул керакми?

— Йўқ, — деди Қундуз опа. — Гап тўнғичим ҳақида...

— Хўш?

— Текканимдан кейин беш йилгача, биласиз, бўйимда бўлмади, — деди Қундуз опа айбдордек. — Қўрмаган чорамиз қолмади. Ўшанда чақалоқ олувдик, ҳозирги Ўткир — ўша. Кейин ўзим ҳомила кўрдим. Ўткир йигирма учга кирди. Уйлантириш ҳаракатига тушиб, бир-иккита жойга совчиликка ҳам бориб келдим. Ўткир: "борманг", деди. "Нега?" десам, сингисини айтди. "Вой! Синглинг-ку!" десам, "Яхши кўраман", деди. Дадаси билса, чопиб ташлашдан тоймайди. Ман Ўткирни ҳайдашни ҳам, кўнишни ҳам билмайман.

— Нафиса неччига кирди?

— Ўн тўққизда, — деди Қундуз опа қизини ёш кўрсатиб. — Биламан, ака-сингил қондош эмас, лекин ўғлим, деганман. Уни ҳайдасам, Нафисага тегиб қўйган бўлса, кимга бераман? Иснод-ку.

— Нафиса нима деди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, дейди писмиқ. — Қундуз опа рўмол-часи билан бурнини чимдиди. — Қорни дўмпайса, қандай одамларнинг кўзига қарайман? Шунини кўриб беринг, опа, дўхтирсиз. Соғмикин?

— Кўриш қочмас, — деди Сабоҳатхон опа хўрсиниб. — Ҳомиласи бўлса, унда нима қиласиз?

— Ҳайдайман, — деди Қундуз опа ўйлаб ўтирмай. — Нонимним еб, тузлуғимга тупурди, кўрнамак.

— Унда Нафиса ўзини нобуд қилиб қўйиши мумкин, агар кўнгли бўлса.

— Бор-да, кир ювса, биринчи галда униқини ювади, дазмол уради. Сўрасам, миқ этмайди. Тили қисиқ-да. — Қундуз опа яна бурнини чимдиди. — Тушунаман, иккалови вояга етишган, лекин синглисига шунақа ғализ қараши яхшими? Айтинг, яхшими? Ёт ётлигини қилди. Жўжа боқсам, товуқ бўларди. Қайнаса ҳам қовушмас экан.

Сабоҳатхон опа беихтиёр ўғлини ўйлади ва буларга, ҳатто ҳаваси келди: қани энди бу хонадонда шунақа бўлса. Юрипти ўғли бегона кўчаларда қоврилиб. Қанақа йигит! Куёв қилса арзигудек йигит...

— Уларни ажратишга тушсангиз, баттар ғавғо чиқади, — деди Сабоҳатхон опа ҳам бир қарорга кела олмай. Қандай чора қўлашмасин, ота-она таскин топиши мушкул кўринди. — Бу шароитда бирон маслаҳат бериш қийин. Ўткирни ҳайдасангиз, қизингиз зада бўлади.

— Ўғлим куёвимга, қизим келинимга айланадими? Қандай отасини кўндираман? Эшитса, шайтонлаб қолади. Бола олишга аранг унагудим... Ўткирни чақалоқлигида эмизувдим... — Қундуз опа, ўзини тута олмай, йиғлаб юборди.

— Анжирдан татиб кўринг, — деди Қундуз опа энтикиб.

Сабоҳатхон опа битта анжирни эзғилаб оғзига солди.

— Нафиса кирсин, гаплашиб кўрайчи, — деди Сабоҳатхон опа.

Қундуз опа, ўрнидан туриб, дахлизга салом берди — зинада пижамали профессор кўзойнагини этаги билан артиб турар эди.

— Укол қилишим керак, — деди Сабоҳатхон опа.

— Сизни гапга тутдим, узр, — деди Қундуз опа ва ўтирмай икки қадам жилди...

Жавлон билан Сурайё ҳар куни учрашишар, деканатда бўлган "савалаш" бу икки қалбни бир-биридан безитиш ўрнига жиқлагандек, улар муносабатларини сохта ифғат билан яширишмас, муҳокама овозаси тарқалгач, намойишкорона бўлмаса-да, иноқликларини махфий тутмас эдилар. Мажлиснинг айбловчи хулосаси ҳам уларга кор қилмади. Бироқ институт ректори ҳамон ишга чиқмас, унинг муовини маъмурий чора қўллашга, масалан, Жавлон Мухторовни талабаларга дарс олиб

боришдан четлатиш, Сурайёни институтдан ҳайдаш, дипломдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқаришга ботинмас эди. Бинобарин, ректор Шамсиддинов Мусаевга мажлисни бекор қилинишини талаб қилипти. Демак, декан тасдиқламоқчи бўлган қарор ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Лекин марказий матбуотда чоп этилган мақола шунчаки эмас, мақолани "юқорида" ҳам муҳокама қилишган, улар шубҳасиз маъқуллашмаган, шунинг билан бирга мақолани чиппакка чиқариш — сиёсий адашиш, танқидий писанд қилмаслик аломати — бундай ожизлик учун қанчадан-қанча мансабдорлар амалидан маҳрум бўлиш ҳақи йўқ эмас, ҳатто аниқ эди. Шу жиҳатни Жавлон фаросат қилар эди. Бироқ уни бошқа айб билан қоралашлари эҳтимол эди — деканатда бўлган муҳокама шу режанинг ифодаси эди. Барибир Мусаев бу топшириқнинг уддасидан чиқа олмади — мажлис иккига бўлиниб кетди. Мусаев маълум даражада, қанча уринмасин, ўзи паңд егандек бўлди. Бундай масалани маъмурий усул билан ҳал қилиб бўлмайди. Мусаевнинг таъбирича, пахтада ўз шароитидан норози талабалар даъвосига сиёсий тус бериш, исёнга чақириш илҳомчиси сифатида Жавлон Мухторовни кўрсатиш мумкин. Унда Мухторов ҳеч қанақа далилни рўкач қила олмайди — суд кимнинг дўмбирасига ўйнайди — ҳаммага аён. "Салласини келтир, деса, калласини келтиришга" тайёр Мусаев, ўзини зийрак кўрсатиш ниятида, ташаббусини ҳаддан ошириб юборди; Жавлоннинг мақоласи босилиб чиққач, кўпчилик ўқитувчи-домлалар ёрдамчи талабаларга шароит яратилмаганидан тортиб, дефолиация оқибатида заҳарланиб, ариқларда оқиб келаётган қушлар, ҳатто ўлакса каламушларгача гапира бошлашди. Ҳавони заҳарлаш усули билан пахта баргини тўқиш жуда қалтис чора бўлиб, пахта режаси учун ўз халқини қурбон қилиш хиёнат экани, ҳатто тузум фидокорлари онгида ғазаб уйғотар, Жавлоннинг ҳаракати уларга журъатдек кўринар, Жавлонни сийлагиси келмаганлар ҳам унга хайрихоҳ қарар, ичида "баракалла", дер эди. Фақат Жавлоннинг ўзи деканатдаги мажлис мисолида ўзига нисбатан хатар сезар, агар бирон баланд мансабдор кек сақласа, синалган усуллар воситасида "овозини ўчиришга" муваффақ бўлишидан чўчир эди. Сурайё эса Жавлоннинг қалтис аҳволини пайқамас, унга довжурок деб қарар эди.

Жавлон ҳам, Сурайё ҳам ўз ниятларига эришишди, ҳатто жуфтлик сурурини кечиришди, аҳволи мўрт эканини, бугун-эрта ўзига нисбатан жазо қўлланиши мумкинлигини билган Жавлон севгилисини маломатга қолдириши виждонданми? Неча йилга уни камашади — беш йилгами, ўн йилгами — қўйилган "жиноятига" боғлиқ. Сурайё, албатта, "кутаман", дейди, ўзини декабристлар хотинидек тутати, бироқ қанча кута олади? Жавлон, балки қийновдан ўлиб кетар, бўшаб қайтса-да, қай аҳволда келади? Соғлом қайтса бир нав; яроқсиз, ожиз, аянчли келса — шунча

кутган ардоқли муштипарига малол тушмайдами? Унда жўрликка кўшимча ташвиш ортади. Жавлонга қолса, у бировга тегиб кетгани маъқул — унинг доғида юрганлар қанча. Жавлон Сурайё билан илиқлашганидан пушаймон чека бошлади. Таҳлика солиб турган хавфдан огоҳ қилиши лозим эди. Беш яшар фарзанди, ҳали расмий тарзда ажрашмаган хотини бўла туриб, бир покиза қизни йўлдан уриши — қанақа ахлоққа сиғади? Қиз эса "Раҳмат", деди. Сурайё Жавлоннинг олдинги оиласи, қизчаси борлигини, Жавлон уларга почта орқали мунтазам пул, ўйинчоқлар юбориб туришини билади, ҳатто ўзи "қизингизга", деб кўғирчоқ ҳада қилган. Агар Жавлон оиласига қайтишни маъқул кўрса, Сурайё қаршилик кўрсатмайди, қайтага қувватлайди, лекин у ерда бахтли бўлмаслигини ҳам билади. Сурайёга қолса, Жавлон яна бошқа қизгами, жувонгами кўнгил қўйгани маъқул. Киши муттасил бир нарсага фидо бўлаверса кўникади, ҳиссиёти хиралашади, ихлоси қолади. Жозиба қолмайди. Кўникувчилар мингта, завқдилар кам. Жавлон — завқли.

Жавлон ҳар гал ўз мулоҳазаларини Сурайёга айтгиси келар, бироқ қандайдир андиша уни тўхтатар, ҳатто расмий равишда олдинги хотини билан ажралиб, Сурайё билан содир бўлган муносабатларига юридик тус беришни айтишдан ҳам ийманар эди. Бундай идоравий, расмий тадбирларга Сурайё парво қилмас, умуман унинг учун бўлак қадриятлар муҳимроқ эди. Жавлон билан Сурайё анҳор бўйидаги скамейкада ўтиришар, куз офтобининг сўнгги нурларида мириқишар, суҳбатлашишар, шунда ҳам Сурайё аҳамиятли нарсаларни ўртага ташлар, Жавлоннинг мулоҳазасидан қатъи назар, ўз фикрида қолишни истар, баъзан фикрини қўққисдан ташлар эди. Сурайё, юмуқ кўзли юзини қуёшга тоблаганича, анча жим ўтирди, унинг мияси турли хаёллар билан банд экани шубҳасиз эди, у кўзларини очмай:

— Тургенев асарларини ўқиганмисиз? — деди.

— Албатта, — деди Жавлон авзойини ўзгартирмай.

— Овчи бўлган экан, — деди Сурайё.

— Биаман.

— Одамга, табиатга шу қадар эътибор билан қарайди.

— Тўғри.

— Шундай қалам соҳиби, паррандани отиши, кейин итга ташлаши... Парранданинг палапонлари инида онаси қурт олиб келишини кутишаётгандир, овчи Тургенев эса уни отиб ўлдирди, жўжалари очлиқдан ўлишди — бу қанақа мурувват, гуманизм? Парранда қанақа гуноҳи учун ўлдирилди? Учгани, қуш бўлгани учунми? Чехов ўлдирмас эди.

— Сиз Тургеневни, паррандани айтасиз, — деди Жавлон. — Бир кунда дунё бўйича юз миллион, балки кўпроқдир, мол ўлдирилади, одамларнинг иштаҳасини қондириш учун. Қўй, балиқ, чўчқа, товуқ, роз, буларни қўшинг — онгли ўлдирилади.

Хуршиднинг қўли бўшаса, Боғистонга ошиқар, болалар боғчаси панжараси ортидан ҳовлига тикилар, ҳаво илиқ кунлари Матлуба болаларни ҳовлига олиб чиқар, Хуршид оқ халат кийган тарбиячи қиздан кўзини узмас эди. Кунларнинг бирида Матлуба панжарага яқинлашди, у ерда одати бўйича Хуршид индамай мотоциклида ўтирар эди.

— Бировни кутаяпсизми? — деди Матлуба майин табассум билан.

— Сизни, — деди Хуршид.

— Мени?

— Тўйда ўйновдингиз, — деди Хуршид жойидан жилмай.

— Ўйнаган бўлсам, нима бўпти, ҳамма ўйнайди, гуноҳми?

— Чиройли ўйнагансиз, — деди Хуршид. — Шайдо бўлиб қолдим.

Дабдурустандан айтилган гапдан Матлуба эсанкираб қолди.

— Яқинда турмушга чиққанман, — деди Матлуба атрофга аланглаб. — Эрим бор.

— Биламан, — деди Хуршид.

— Билиб қолса, изингизни қуритади, — деди Матлуба. — Аямайди.

— Барибир келавераман.

— Кетинг, — деди Матлуба. — Турмушимни бузманг.

— Сизни кўрмасам, тура олмайман.

Матлуба бегона йигит билан панжара ортидан бўлса-да, гаплашиб туриши бу ерликлар учун иснод эди, у бир зум жавдираб йигитга тикилиб тургач, шартта бурилиб, нари кетди.

Хуршид ҳамон мотоциклида ўтирар, қизнинг жавобини олдиндан таҳмин қилгани туфайли саросимага тушмас, биринчи марта малойикаси билан гаплашганидан ўта мамнун эди.

Матлуба йигит билан қолишни эп кўрмай, ичкарига кириб кетди, бир оз муддат ўтгач, деразадан қаради. Нотаниш йигит, парво қилмагандек, жойида сигарет тутатиб ўтирар, афтидан кетиш нияти йўқдек эди.

— Учинчи марта келиши, — деди хонани сидиришга кирган энага аёл. — Боғча бекилмагунича туради.

Хуршид сумкасидан пакет чиқариб, худди ҳайвонот боғида-гидек, панжара тешигидан болаларга жвачка улашди. Болалар панжара симларига юзларини ботириб “ҳимматли” амакига тикилишди — ҳаммасининг оғзи қимирлар, кўзлари чакнар эди.

“Ошиқмиш”, деб ўйлади Матлуба ранжигандек, лекин деразадан нари кета олмади. “Турмушли жувонга ошиқ бўлиш бетамизлик-ку, ўйлади Матлуба аччиқкланиб: тўйдан олдин қаёқда эди?” Сўнгги жумласи ялт эта хаёлига келганидан Матлубанинг ўзи номусланди. Лекин кимдир шайдо бўлишдан аёлнинг дилида қанақадир ҳурлик уйғонди. Матлуба ҳар қанча ўйини ҳайдашга тиришмасин қалбида мудраб ётган интизорлик

юрагини гулгулага солар, ором бермас, Матлуба бунга эътибор бергиси келмас, хаёлини йиғиштиришга уринар эди. Ким у? Қаёқдан пайдо бўлди? Нега тинч-тотув турмушига рахна солмоқчи?

Ишдан кейин уйига қайтгач, Матлуба бўлиб ўтган воқеани эрига айтмади: Сайфилло тез эди, йигит келишини қўймаса, фалокат рўй бериши мумкин эди, йигит қатнашдан безор бўлмаса, Сайфилло барибир эшитади, хотини индамаганидан фигони чиқади, хотинини ҳам, йигитни ҳам тинч қўймайди, бир бало қилади. Матлуба йигитни беҳуда қайсарлик қилишига барҳам беришни сўрайди, зора кўнса.

Бироқ йигит деярли ҳар куни келар, шундан хавфсираб, Матлуба болаларни ҳовлига олиб чиқмас, энагалар: "Ана, хушторинг яна келди", дейишар, жвачкага ўрганган болалар хархаша қилишар эди.

Охирги марта Матлуба елкасига плашини ташлаб, ҳовлига чиқди. Шивалаб ёмғир ёғар, йигит мотоциклида ивиб ўтирар эди. Матлубанинг, ҳатто раҳми келди. У жиддий тусда панжарага яқинлашди.

— Безор бўлмадингизми? — деди Матлуба бир қўлини пешанасида пана қилиб.

— Йўқ, — деди Хуршид.

— Қаранг, ивиб кетибсиз.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Хуршид бепарво тарзда.

— Кетинг, илтимос, — деди Матлуба. — Мен эрлик нарсаман.

Шарманда қилманг.

— Кетмайман, — деди Хуршид. — Кўнмасангиз, ўзимни пичоқлаб ташлайман.

— Вой, хушторлик ҳам шунақа бўладими?

— Бўлади, — қатъий деди Хуршид.

— Сизни деб эрим мени яксон қилади. Пушаймон бўласиз.

— Ажрашинг.

— Ҳо! Эрим учта қўй сўйиб менга уйланган! — деди Матлуба.

— Нархингиз учта қўйми?

— Сарпо қилган.

— Ишқ ҳамма нарсадан зиёд.

Матлубанинг ўпкаси тўлди, кўзлари ёшланди.

— Сиз менга завола бўласиз, — деди Матлуба бурнини чимдиб.

Хуршид индамади.

— Кетинг, ўтинаман, ҳаётимни бузманг, — дея Матлуба қайрилиб изига кетди.

— Тўхтанг, — деди Хуршид ва ич чўнтагидан пакет чиқарди.

Матлуба ортига қайтди. Хуршид панжара орасидан пакетни узатди. Уларнинг қўллари бир-бирига тегди.

— Келавераман, — деди у.

Матлуба то ичкарига киргунича Хуршид қизнинг ортидан тикилиб турди.

Матлуба деразанинг ҳарири орқали ташқарига назар ташлади: йигит жойида ўтирар, ёмғир бир авжига олар, бир сусаяр, мотоциклида шлем кийиб ўтирган йигит парво қилмас, нуқул чекар эди. Қаердан ҳам Матлуба тўйга бора қолди, бормаса, ўйинга тушмаса, йигит ҳам буни кўрмаган бўлур эди, энди йигит шилқимлигини қўймайди, эри шумлик қилиб, бирон кулфат чиқаради. Эри, аслида, вазмин, мулоҳазали йигит, лекин рўй бераётган ҳодиса ҳар қандай сипо кишини ҳам динидан чиқаради — бошида эри бор жувонни чалгитиш диёнатданми? Эрига айтмасликнинг ўзи айб, Матлуба яширган чиқади, демак, кўнгли қалтис экан, деб ўйлайди эри. Эри Сайфулло ҳовли этагигача келган Чорвоқ омборининг бўйига қайиғини боғлайди — нариги қирроққача бир чақиримча келади, ўша ердаги станцияда ишлайди, қайиғида қатнайди, ўқтин-ўқтин кайфда қайтади: улфатлари қўймайди, чоғи. Қоронғида келган пайтлари бўлган, қайиғини пала-партиш боғлайди, ювинмай-нетмай уйқуга кетади. Укаси Сирожиддин қайиқни тортиб қўяди, акс ҳолда кечаси тўлқин келса, қайиқни суриб кетиши мумкин. Эри аранг эрталаб туради, чала-пулча ювиниб, қайиғига ошиқади, Сижжакка жўнайди, якшанба кунлари ҳам боришни қанда қилмайди, яна кайфда қайтади. Иморатга ҳам, экин-тикинга ҳам қарамайди, ҳамма юмушни дадаси билан укаси эплайди. Эри ишга бормаган куни ўзини қаёққа қўйишни билмайди, кўл бўйидан Сижжакка тикилади. Мана бу мотоцикли йигитни сурбет, деб ҳам бўлмайди — мулойим. Бирон марта Матлубани чақиртирмади ҳам. Келади, мўлтираб ўтиради. Онасини совчиликка олиб келипти — наҳот эрга текканини билмаса? Нима қилса пайига тушмасикин? Қарғаб ҳам бўлмайди, ишқи учун қарғайдими? Ўзи даф бўлмаса!

Матлуба ҳар куни касофатни кутадиган бўлиб қолди — ишқилиб Сайфулло билан дуч келишмасин, албатта кориҳол чиқади, қий-пичоқ бўлади. Бироқ йигит шаҳид бўлишга тайёр. Ишқ шу қадар кучли нарсами ўлишга рози бўлса? Йигит эрининг олдида мард кўрина бошлади. Сайфулло "яхши кўраман" деган иборанинг кўчасига ҳам киргани йўқ, мундоқ гаплашмайди ҳам; иши битгач, орқасини ўгириб ухлайди. Матлуба иккала йигитни беихтиёр хаёлидан ўтказа бошлади. Мотоцикли йигит алақандай профессорнинг ўғли экан, ҳозир Обираҳматда геологик ишлар олиб боришаётган эмиш, уран қидиришаётганмиш. Шундоқ келишган йигит, наҳот энди Тошкентдек жойда бирон қиз топилмади? Унақа қизлар қанча! Башанг кийинишади, чекишади, сочларини алламбало турмаклашади, машина ҳайдашади, ўйлади Матлуба. Матлуба оддий қиз, Чирчиқдаги техникумни битирган, шу чоққача бирон марта театрга тушмаган. Тошкентга борган албатта, лекин трамвай-троллейбус, автобус, метро, кўпқаватли универмаглар — боши оғриб келган.

Жавлоннинг марказий матбуотда эълон қилинган мақоласи юқоридагилар назарида республиканинг кўксига санчилган тикондек бўлди, лекин муаллифни юртига нисбатан хайрихоҳ-сизликда айбаш, танбеҳ қўллаш қўпол кўринибгина эмас, танқидга тоқатсизликни англатиши мумкин, бошқа йўсин билан идрокка чақиринг йўлини ишташар эди. Муаллиф партия аъзоси бўлганида, унинг "мурватини" бураб қўйиш мумкин эди. Ахлоқий хайфсан натижа бермади, қайтага нуфузини оширди. Яна қандай чора қўллаш мумкин? Докторлик ишини чиппакка чиқариб бўлмайди. Ягона чора — амал бериш. Амал тегса, имтиёздан маҳрум бўлишга чўчийди, итоаткорроқ иш тутади, ҳамда мафкурий жиҳатдан унинг эътиқоди эътироф этилгандек кўринади. Бироқ унга қанақа мансаб бериш мумкин? Кафедра мудирлиги ёки декан лавозими? Проректорлик ўрнини таклиф қилишинми? Жавлон Мухторов — оилали, ихтирочи, маъмурий лавозимга кўнмайди. Лаборатория ваъда қилиш керак. Қимматга тушади, лекин ёш олимнинг орзуси шу, хурсанд бўлади, икир-чикирларга аралашмайди, миннатдорлик билдиради. Анови талаба қизни ҳам унутади.

Унутиш қаёқда! Жавлон билан Сурайё қайтага аҳилроқ яшай бошлашди. Бироқ хотини ўқтин-ўқтин телефон қилар, телефонни фақат Жавлон кўтарар, Зарифанинг асабий гапига совуққина, аммо мулойим жавоб қайтарар, барча талабларини бажарар, Зарифа эрининг итоатидан баттар повиллар, жанжал чиқара олмас эди. Ҳамма нарсани дадаси бузди, икки қоп ёнғоқни сотишга мажбур қилмаганида, Жавлон балки оиласини ташлаб чиқиб кетмаган бўлармиди. Кўзига қизчаси ҳам кўринмади, тирик етим бўлиб қолди. Шуниси Жавлонга алам қилади. Жавлон олдинги уйига оёқ босмайди, ҳар ҳафтада ақалли бир марта боғчага совға олиб бориб, қизчаси билан кўришиб келади, беш ёшли Санобар нима учун уйга келмаслигини билмайди, онасидан сўраса, у тайин гап айтмайди. Санобар дадаси боғчага келганини айтса, онаси йиғлайди, шунинг учун дадаси берган совғани боғчасида қолдириб келади. Лекин бир кунмас-бир кун нима бўлганини онаси айтиши керак. Унда ўзи айбдор бўлиб чиқади. Зарифа эрига икки хонали турар жой берилганини билар, эри билан ярашгиси, унинг уйига кўчиб ўтгиси келар, бироқ ғурури имкон бермас, ялингандек туюлар, Санобарни кўзи қиймас эди. Неча марта телефонда гаплашишмасин, эри бирон марта оила алоқасини тиклаш ҳақида лом-мим демади. Агар Зарифа эри қанақадир қиз билан илакишганини билса, чидаб ўтирмайди, албатта жанжал кўтаради. Бироқ Жавлон Сурайё билан бўлган муносабатини расмийлаштириши ҳам лозим, акс ҳолда унинг ота-онаси мулзам бўлишади. Лекин Сурайё бу ҳақда офиз очмас, ҳатто Жавлонни қонуний хотини билан ораларини очиқ қилишини ҳам эслатмас — гўё муносабатлари омонатдек, хотини билан яна

ярашиб кетишларига қарши эмасдек кўринар эди; Жавлоннинг беш ёшли сеvimли қизчаси бўла туриб, уларни айириш инсофдан эмаслигини тан олгандек эди. Жавлон Зарифа билан ажрашиш тадбири енгил кечмаслигини англа, ярашишни эса хаёлига ҳам келтирмас, Сурайё унинг учун ягона эди.

Жавлон Сурайёнинг диплом ишига кўмаклашар, Сурайё уйига кеч қайтар эди, дадасига онаси қизи ҳақида айтишга мажбур бўлди.

— Қизим, — деди дадаси кунлардан бир куни, — институтингни тугатайпсан. Нега онангга: "Совчи келмасин", дединг?

— Аям билади, айтмадимми?

— Айтди, уйланиб чиққан йигитмиш-ку, — деди дадаси. — Қандай тўй қиламиз?

— Тўй қилмаймиз, — деди Сурайё. — Йигит ҳали ажрашган эмас.

— Тўйсиз тегасанми? Иснод-ку. Совчи ҳам қўйгани йўқ.

— Хотини ажрашишга рози эмасмиш — қизчаси бор.

— Сен хотини устига тегасанми?

— Нима қил дейсиз? Жавлонга қолса, эртага уйланишга тайёр.

Сўхбат отасига ҳам, қизига ҳам таскин бермади. Бироқ Сурайё Жавлон билан ораларидаги ишқни эркин, деб фаҳмлар, шундай ҳиссиёт икковларига ато этганидан шодланар, сунъий расмиятчилик ошиқча муаммо бўлиб кўринар эди. Жавлон хотини билан қонуний никоҳда етти йил яшашипти, оқибати қандай тутагани аён. Чин туйғуга асосланмаган никоҳ — омонат. Бироқ Жавлон билан бўлган алоқани мустаҳкам ҳам деб бўлмайди — ҳамма нарса рўй бериши мумкин, аммо улар ишқнинг ҳақиқий тантанасини кечишди. Ҳеч қанақа бўлак етишиш бунга тенг кела олмайди.

Профессор Шамсиддинов, дахлиздаги қандилда куйган лампочкани ўзгартира туриб, тойиб кетдими, боши айландими, Сабоҳатхон опа билмас, у нафақасини почтадан олиб, уйига қайтганида студдан йиқилган эри дахлиз полида ҳушсиз ётар, оғздан оққан кўпик лунжида қотиб қолган, профессор ухлаётгандек кўринар, аранг нафас олар, хўриллар эди. Сабоҳатхон опа, жуда кўрқиб кетса-да, дарҳол қон босимини ўлчади, укол қилди, лекин жойидан кўзғатмади, устига иссиқ адёл ташлаб қўйди, ҳатто боши остига ёстиқ ҳам тикмади — қимирлатиш мутлақо мумкин эмаслигини шифокор сифатида яхши билар эди. Ҳозир тез ёрдам келади, улар нимани тайинлашса, шунга яраша тегишли амалиёт қўллашни чамалаб қўйди. Профессор гиламда ётар, мутлақо қимирламас, четдан қараганда, хотини уни қулайроқ ётқизмагандек кўзга ташланар эди. Ёрдамга келган шифокорлар Сабоҳатхон опанинг қўллаган ишини тўғри деб топишди, улар ҳам беморни силжитишмади, қимирлатишса, медицина замбилига солиб, хонага киритишса, қулай каравотга ётқизишса, беморнинг

илиниб турган жони узилиши эҳтимол эди. Сабоҳатхон опа қизига ҳам телефон қилмади — у келса ваҳима кўтарилиши мумкин эди. Сабоҳатхон опа кечаси гиламга ўрин солиб, эрининг ёнида ётди, анчагача кўзи илинмади. Мусибат шунақа, ёпирилиб келади, ўйлади Сабоҳатхон опа, муҳими саросимага тушмаслик, тавсияларни пухта бажариш керак. Эрининг миясидаги қон томирлари ёрилган бўлса-да, секин-аста тузалиши мумкинлигини билар эди. Оҳ-воҳ қилса, йиғласа, одам тўпласа, дардга ҳеч қандай фойдаси тегмайди, киши ўзини ушлаши зарур...

Профессор эртасига ҳам уйғонмади. У ҳамон оғир нафас олар, бўғиқ хириллар, лаблари хийла очиқ эди. Сабоҳатхон опа товук гўшти қайнатиб, уч-тўрт қошиқда эрининг оғзига шўрва қўйди, кейин ўғли билан қизига телефон қилди: Худо кўрсатмасин, эрининг жони узилса, фарзандлари бошида туришлари лозим кўринди. "Болангни қолдириб кел, — деди Сабоҳатхон опа қизига, — даданг ҳушсиз ётипти, шовқин бўлмаслиги керак". Насибанинг "Ҳозир бораман", деган товуши телефондан эшитилди.

Сабоҳатхон опанинг кўнгли қизидан тинч, куёви ҳам жиддий йигит эди, фақат ўғли девонасифат, хаёлпараст ва ўжар чиқди. Онасининг бошига ҳали кўп савдо солади. Совчиликка бориб Сабоҳатхон опа изза бўлиб келди — эрга теккан қизга ошиқ бўпти. Ҳаётни билмайди, пулнинг ҳисобига бормади, биров қарз сўраса, текинга беради — муҳтожлик кўрмай ўсди-да... Мана энди сарсон бўлиб юрипти, кошки нияти ушалса, ўзи паңд ейди: хотинига ола қараган одамни эри соғ қўярмиди? Бир касофат чиқади. Қайсарлиги бошига етади. Сабоҳатхон опа унга ҳам куяди. Нега ўғли бунчалик худбин? Кўнглига келган нарсани қайтармайди...

Кўча эшик жиринглади — Насиба бўлса керак, деб ўйлади Сабоҳатхон опа ва шошмай эшикни очди, қизи билан қучоқлашиб кўришди.

Улар дахлизга чиқишди. Насиба полда хириллаб ётган дадасини кўриб дадасига ачинди, хўрлиги келди, ўпкаси тўлди. Дадаси ёнига чўкиб, пешанасига илиқ кафтини қўйди. Қизининг кўзида ёш кўриб, онаси бармоғини лабига босди. Насибанинг гуссали юзи чиройли, пешанаси оша қошига қайрилган сочи қуюқ эди.

Тушга яқин Хуршид ҳам келди. У мотоциклини дарвозахонага киритди, афтидан иш жойидан ошиққан кўринди. Унинг авзойи бузук, қиёфаси таҳликали эди.

— Тирикми? — деди у ҳадиксираб.

— Вой, нафасингни олсин, — деди онаси. — дахлизда, қимирлатмадим.

Хуршид дахлиз томон юрди ва дераза орқали ичкарига разм солди: иссиқ жун аёл ёпилган дадаси тинч ётгандек кўринди.

Кун очик ва илиқ бўлгани учунми ёки дахлиздаги жимликни бузмаслик учунми, Сабоҳатхон опа ҳовлидаги столи тузади, қизи келтирган лимон-апельсинларни, қаймоқ ва уй нонларини пакетдан олди, пиёлаларга чой қуйди.

— Ишларинг қалай? — деди Насиба укасига.

— Ўртача, — деди Хуршид ҳам овозда.

— Тилло топилдими? — деди Насиба киноя қилгандек.

— Биз тилла қидирмаймиз — бошқача ашё, — деди Хуршид чой хўплаб.

— Боғистонга қатнаяпсанми? — деди онаси ёзғиргандек.

Насиба онасининг киноясини уқмади — онаси Хуршиднинг қалтис қилимиши ҳақида ҳам совчиликка борганини ҳам қизига айтмаган эди.

— Боғистон қатта? — сўради Насиба.

— Ўша тарафда, Чорвоқни сув билан тўлдиришганда тепага кўчган қишлоқ, Хуршид Обираҳматда ишлайди, — деди Сабоҳатхон опа гина қилгандек. — Қолганини ўзи айтсин, — онаси ўғли томон ишора қилди.

Насиба укасига савол назари билан тикилди. Хуршид индамади, мавриди йўқдек кўринди. Бироқ Сабоҳатхон опа ўғлини "у ёқдан" айнитгиси келар, Хуршидни хатардан сақлагиси келар, ҳозир кўндирмаса натижаси хунук бўлишидан кўрқар эди.

— Сен ҳам тушунтир, қизим, — деди Сабоҳатхон опа ёлвориб.

— Нимани? — деди Насиба ҳеч нарсани тушунмай.

— Боғистонда бир қизни кўрипти, мисли йўқ гўзалмиш, шунга ошиқ бўлипти.

— Ошиқ бўлса нимаси ёмон?

— Яқинда турмушга чиққан экан, — деди Сабоҳатхон опа ўпкалаб. — "Ўзим кўндираман", девдинг, кўндирдингми? Эшитдим, кунора қатнармишсан, бу бировнинг инини бузиш дейилади, ўғлим, кўзингни оч, астафирилло қил. Ўзинг ҳам нобуд бўласан, бизни ҳам чинқиртирасан. Ўша йигитнинг ўрнига ўзингни кўйиб кўр. Нозанин хотинингга биров қиё боқса, чидайсанми?

— Вой, ая, нималар деяпсиз! — деди Насиба гангиб. — Шу гаплар ростми?

— Афсуски, рост, — деди Сабоҳатхон опа, — кўзига шу қиздан бошқа ҳеч нарса кўринмайди, оқибатини ўйламайди. Ҳар куни ишхонасига боради, қиз қиё боқмайди ҳам. Эри эшитса, калласини олиб, ёнига қўяди. Айт, ўғлим, шу ростми?

— Мен Матлуба билан гаплашдим, — деди Хуршид ўзини оқлаш йўлини қидириб.

— Хўш?

— Йиғлади, — деди Хуршид бир лаҳза сукут қилиб. — Ёлворди. "Изимга тушманг", деди.

— Сен яна нимани кутувдинг?! Албатта ҳайдайди-да. Чиндан севсанг, қизни авайлар эдинг, — деди Сабоҳатхон опа.

Онасининг танбеҳи Хуршидга олдинги галдаги гапининг такрорига ўхшади, у душга тушишни баҳона қилиб, ичкарига кириб кетди, Сабоҳатхон опа ўғлининг ички кийимларини бериш учун ўрнидан турди:

— Шунақа, қазим, ҳеч қанақа ўтитга кўнмайди уканг, завол борлигини тан олмайди.

— Бошқа, узоқроқ районга ўтказиш керак, — деди Насиба ҳайратланиб. — Бошлиқларига чиқинг, қараб ўтирасизми, — мурдаси келади.

— Чиқаман! — деди илҳомланиб онаси. — Қамалса ҳам кошкийди — касри ҳаммага урмай туриб. Отаси бир аҳволда ётипти, узилиши мумкин, боласининг парвойи фалак...

Матлубанинг қайнонаси Мунира хола, одати бўйича саҳар туриб, сигирини соғди, сутни қайнатди, ҳовли этагига тушди: Сайфиллонинг қайиғи кўринмади. Сайфилло келса, қайиқ қирғоқдаги дарахтга боғланган бўлар эди, ишида тунаб қолипти, дахлизда плаши ҳам, этиги ҳам кўринмади. Мунира хола кўлга тикилди. Осмон энди ёриша бошлаган, нариги қирғоқ кўринмас эди. Мунира хола сигирни ечиб, подага ҳайдади, бошқа юмушларига уннаб кетди. Шу пайт эри ҳам уйғониб, ҳовлида юз-кўлини ювди, артинди. У ҳам ўрнида қайиқ йўқлигини пайқайди; қорли чўққилар яллиғланар, тонг кунга айланар эди.

Кўлнинг ўртасида кема чайқалар, ўғлининг қораси кўринмас эди. "Қайиқда ухлаб қолгандир", деб ўйлади Сайфиллонинг дадаси ва кенжа ўғлини уйғотиб, уч девор нарида яшайдиган Умаржонникига юборди — у оила ҳам кўл бўйида яшашар, Умаржон моторли қайиғида инспекторлик қилар эди. Ҳамид апил-тапил ювиниб, Умаржонникига югурди, бир неча дақиқадан сўнг ўша томондан қайиқнинг тариллагани эшитилди, кейин кўкимтир тутун пуркаб, моторли қайиқ кўринди, ўша томондан кўл ўртасида қалқийётган Сайфиллонинг қайиғи томон сирғала кетди. Жалил ака қайиқдан кўзини узмас, юраги така-пука урар эди.

Сайфиллонинг қайиғини шамол суриб кетмаслиги учун Умаржон симга лангар боғлаб, кўлга ташлади ва яна қайиғида Ҳамид билан қайтиб келди.

— Хўш? — деди Жалил ака эловлаб, — Сайфилло қани?

— Йўқ, — деди Умаржон қайиғидан тушмай. — Фаввослар бригадасини чақираман, сув остини қидиришади, — деди Умаржон ва Жалил аканинг довдирашига парво қилмай махсус аппарат орқали қутқарув командасига сигнал қила бошлади.

— Балки Сайфилло нариги қирғоқдадир, қайиқ ечилиб кетгандир, — деди Жалил ака саросимада. — Ичган бўлса, тунаб қолгандир...

— Ҳозир Ҳамид билан ўша ёққа борамиз, — деди Умаржон аппаратини жойлар экан.

Умаржон бошқа сўз айтмай қайиғи моторини юргизди, қайиқни буриб, нариги соҳил томон суза кетди.

— Нима гап? Сайфилло қани? — Мунира хола эловлаб сўради ва супургисини нарига итқитди. — Ҳамиджон қани?

— Ҳовлиқма, — деди Жалил ака, унинг ўзи ҳам гулгуладан қалтирар, нуқул телпагини ечиб, кал бошини силар, шундай қилса, бир тайин жавоб келадигандек. — Нариги қирғоққа кетишди. Сайфилло тунаб қолган бўлса олиб келишади.

— Қайиғида йўқми?

— Йўқмиш, — деди Жалил ака Умаржондан ёзғиргандек.

Мунира хола келини Матлубани уйғотиш учун нариги хона томон чопди.

— Шошма, ваҳима солма, Умаржон келсин, кейин, — деди Жалил ака.

Мунира опа келинининг хонасига кирганида Матлуба кенг тўшақда ёлғиз ётар, сочлари юзини тўсган, уйғоқми, ухлаяптими билиб бўлмас эди.

— Матлубахон, тулинг, қизим, етти бўлаяпти.

— Ҳозир, — дея Матлуба эловлаб уйғонди. — Ухлаб қопман. Ўринни йиғиштириб чиқаман.

Мунира опа бошқа гап айтишга юраги дов бермай, хонадан чиқиб кетди:

— Мастлик қурсин, — деди у эшикни ёпа туриб.

Мунира хола ҳеч қачон келинини уйғотиш учун бу хонага киришни эп кўрмас, Сайфилло билан Матлуба барабар уйғонишар, тез нонушта қилишар, Сайфилло қайиғида нариги қирғоққа, Матлуба болалар боғчасига ошиқишар, Сайфилло нариги қирғоқда тунаб қолса, Матлубанинг ўзи уйғонар, зинҳор ишига кечикиб бормас эди. Бу гал қайнонаси ўзи кириб келинини уйғотди, "Мастлик қурсин", дея ғудирлади, келини ёлғиз ётганига ажабланмади ҳам — баъзан эри нариги қирғоқдаги станцияда тунаб қолишига ўрганиб кетишган эди, нега бу гал қайнонаси уйғотиш учун кирди, авзойи ғалати кўринди? Бирон нохуш ҳодиса рўй берган кўринади. Матлуба дарҳол эрини ўйлади — тўнтарилиб кетган бўлса-чи? Матлуба ҳовлига чиққанида гумони тасдиқланди: қайнотаси у ёқдан бу ёққа асабий юрар, кўлга тикилган, кўл ўртасида эрининг қайиғи қўлларини ёзгандек, эшакларини икки тарафга ташлаб, қалқир, атрофида ҳеч ким кўринмас эди.

Матлуба шоша-пиша юзини чайиб, ошхонага кирди: қайнонаси юмуш билан ўзини овутгандек кўринар эди.

— Тинчликми? — деди Матлуба хавотирда.

— Сайфилло қайиғида йўқмиш, — деди Мунира хола ташвишли оҳангда. — Умаржон билан Ҳамид нариги қирғоққа кетишди. Зора тунаб қолган бўлса.

Матлуба нима дейишини билмай бўсағада қаққайиб қолди. Шу лаҳзада унинг хаёлига мотоцикли йигит келди, Матлуба шундай хаёл келганидан ўзи мулзам бўлди, ўйини ҳайдади, орқасига

қайтди. У нима қиларини билмас, гангирар, бу хонадонда ўзини ортикча ҳис этарди. Ишига бориши керак, бироқ уйда шундай воқеа бўла туриб, ишига кетиши қалтис туюлди, йиғлай деса, ҳали воқеа охиригача аниқланмаган, парво қилмаса, бегонадек кўриниши мумкиндек эди. Бундай ноаниқ вазиятда нима ҳам қила оларди?

— Боғчага бориб, ишга чиқа олмаслигимни айтиб келаман, — деди у ошхонада гимирлаётган қайнонасига.

— Майли, болам, ихтиёрингиз, — деди Мунира хола тўзғиган сочини дурраси тагига тиқиб.

Матлуба пардоз қилмай, уй кийимида кўчага чиқди, ани топда ўзига оро бериш номуносиб туюлди, ҳатто калишини ечиб, пошнаги туфлисини киймади. Фақат ҳар эҳтимолга қарши рўмол ўраб олди — мотамсаро кўриниш учун.

Матлуба боғчадан қайтиб келганида ҳовли этагида резина форма кийган ғаввослар, Умаржон, Ҳамид ва унинг дадаси Жалил ака асабий ҳолда мунозара юритишар, Мунира хола уларга яқинлаша олмагандек ҳовли ўртасида тиззаларини шাপатилар, ғаввосларга ёлворар, улар Сайфиллони атайин чўктириб юборгандек, тортинишар, яна сувга тушиб қидиришга тайёр эдилар.

— Йўқ, холажон, топа олишмади, — дер эди Умаржон, ўртага тушганидан, дарҳол Сайфиллони қидира бошлаганидан ва қидируви натижа бермаганидан нолиб. — Қаранг, сув лойқа бўлиб кетди. Қидириш шунча бўлади-да.

— Энди нима қиламиз? — деди Жалил ака бир Умаржонга, бир ғаввосларга термулиб. — Сичқон эмас-ку, одам!..

— Кутамиз, сув юзига ўзи чиқади, — деди ғаввосларнинг бригадири.

— Қачон?

— Мен моторда айланиб юраман, чиқса... — Умаржон Сайфиллони "жасад" дейишга тили бормади, — қайиқда олиб келаман. Чиқади.

— Унгача бизнинг аҳволимиз нима бўлади? — деди Жалил ака Умаржонга тожикчалаб.

— Кутишдан бўлак чора йўқ, — деди Умаржон ҳам тожик тилида ва ҳовли ўртасида байбайлаётган Мунира холага кўз ташлади. Аёл шайтонлагандек ерга чўккалар, аламидан тўлганар, ёқасини тортқилар эди. Умаржон қутқарувчиларга нимадир деб, ўзи қирғоқ бўйида турган қайиғи томон кетди, моторини ўт олдириб, кескин бурилиш қилди, кўл бўйлаб сузиб кетди, қайиқ ҳаракатидан тўлқинланган сув қирғоққа урилди. Ғаввослар ҳам тўлқинда чайқалаётган моторли қайиғи томон бирин-кетин жила бошлашди. Ҳовли ўртасида Мунира хола жазава қилар, кўча эшиқдан қўшнилар ҳадиқда кириб келишар, нима бўлганини англаша олмас, Матлуба аёллар билан кўл учида кўришар, воқеани баралла айтишга ботина олмас эди...

Жалил ака ташвиши билан якка қолди, у бир неча дақиқа муштини кафтига уриб, у ёқдан бу ёққа юрди — қандай тадбир қўллашни билмас, хотини, қўшнилари кирганига ҳам эътибор бермай, нолир эди.

— Ҳали умид бор, — деди Жалил ака тожик тилида қарахт турган қўшниларга, — чатоқ бўлса, сув юзига чиқса, хабар қиламиз... — Жалил ака уларга "Чиқиб кетинглар" дея олмади. — Тур, ичкарига кир, — деди хотинига.

Қўшнилар бирин-кетин кўча эшиги томон жилишди.

Матлуба яна ҳовли ўртасида қўққайиб қолди. Боя Матлуба ишига бориб келишни айтганида, қайнонаси: "...ихтиёрингиз", деди, ўшандаёқ бу сўз Матлубага ғалати туюлди. "Энди эринг йўқ, тўрт томонинг қибла", дегандек таъсир қилди. Мана ҳозир ҳам гўё Матлуба бу ерда йўқдек, ҳеч нарса демай қайнотаси хотинини ичкарига олиб кириб кетди. Матлуба дарахт остидаги чорпоя четига омонат ўтирди. У ота-онасини содир бўлган ҳодисадан хабардор қилиши керак, ҳарҳолда куда-анда, лекин ҳозироқ айтиши лозиммикин? — ҳали эрининг жасади топилгани йўқ. Чиқмасачи, топилмасачи?.. Ўликсиз аза очишадими? Яхшиям ҳалигача ҳомила тортмади, акс ҳолда боласи етим бўлиб туғилар, бир йилгача аза тутишга мажбур бўлар эди.

Матлуба ўрнидан туриб, ошхонага кирди, чой дамлаб, қайнонаси-қайнотаси олдига қўйиб чиқди. Эрининг укаси Ҳамид кўл бўйида чўнқайиб ўтирар, у ҳам бу оилага бегона кўринар эди, на отаси, на онаси унга бирон юмуш буюришди. Ҳамид ҳам мактабига бормади.

Қундуз опа эри билан маслаҳатлашиб, тўй қилмасликни маъқул кўришди. Тўй қилса нима дейди? "Қизимни ўғлимга узатаяпман", дейдими? Ўткирни икки ҳафталик чақалоқлигида боқиб олганини биров билади, биров билмайди, кўплар ўз ўғли, деб ўйлайди — ўз фарзандидек ўстирган. Бегоналигини қайси бирига айтади? Билмаганлар таажжуб бўлишади. Ўткирнинг ўзи боқиб олинганлигини ўн тўрт ёшида билган. Қўни-қўшни барибир болага айтади. "Нега яширдинглар?" дея ёзгиради Ўткир, орага совуқлик тушади, Ўткир "Онам ким, қани у?" дейди, ичикади, истай бошлайди: беихтиёр ётсирайди. Қундуз опа беш йилдан сўнг ўзи ҳомила тортиб, Нафисани туққан бўлса-да, Ўткирдан тоймади, ўз фарзандидек, ҳатто ундан зиёд боқди, ажратмади, иккала боласига барабар меҳрини улашди, велосипед олиб беришди. Ўткир ўн тўрт ёшга тўлганида, боқиб олганликларини айтишди. Ўткир ишонмади — ота-онасининг ғамхўрлиги шунчалик эди. Ўткир Нафиса билан тил топишиптими, майли. Ота-онаси қаршилиқ билдиришса, шунча машаққат билан боққан боласи Ўткирдан воз кечишга, уйдан чиқариб юборишга мажбур бўлишади, писмиқ Нафиса, бўйига етган қиз, ўзини бир бало қилиб қўйиши мумкин. Ими-жимида уларни никоҳдан ўтказиб,

дадасига завод берган Паркент кўчасида бўш турган икки хонали квартирага жойлашса, у уй ҳам қаровсиз қолмайди, маҳалладагилар ҳам пайқашмайди. Янги жиҳоз олишса бас, яшайверишади.

Ўткир икки йилдан кейин институтини тугатади, ишлай бошлайди, Нафиса техникумни битириш олдида, хоҳласа ишлайди ёки, худо фарзанд берса, боласига қарайди — оилани ўзлари тебратишади. Онаси ҳам, отаси ҳам қараб туришмайди, қўлдан келганича ёрдамни аяшмайди. Эри-хотин, албатта, катта ҳовлида хувилаб қолишади, лекин Ўткир билан Нафиса бу ҳовлида яшаши — зинҳор!

— Даданг билан маслаҳат қилдик, — деди Қундуз опа қизига тақдирга тан бергандек. — Паркент кўчасидаги квартирамизда турасизлар.

Нафисанинг кўзлари чарақлаб кетди. Онаси тумтайганидан қизи ҳам ўжарлик қилар, онаси билан Нафиса ҳам, Ўткир ҳам кам гаплашишар, эрталаб кетиб, кеч келишар, Гагарин боғида учрашишар, ота-онаси кўнишига умид қилишмас, Нафиса ҳомила тортиш билан ота-онасини унатишни ўйлар эди — мана кўнишипти. Нафиса билан Ўткир, ҳатто ижара олиб чиқиб кетишни мўлжаллашар, аҳду паймонидан кечмас эдилар. Жанжал билан чиқиб кетгандан кўра, уларнинг розилигини олишса олам гулистон эди, ташаббус онасининг ўзидан чиқиши айтилган эди. Миннатдор бўлишлари керак. Нафиса шу кунгидек, техникумида машғулотлар тугагач, Ўткирнинг институтига боради, ота-онаси розилигини айтади, Ўткир дўпписини осмонга отади. Бироқ бир зумдан Ўткир ўғилдан кўёвга айланиши андак ётсирашни талаб қилар, шу бугуноқ бўш квартирага ўтишга тайёр эди.

— Жуда соз, — деди Ўткир аранг қувончини яшириб, Нафисага. — Калитни беришса квартирада тураман.

— Мен-чи? — деди Нафиса худди Ўткир бегоналашиб кетадигандек.

— Энди бир хонадонда никоҳсиз туришимиз ўнғайсиз, — деди Ўткир мулоҳаза қилиб. — Шубҳаланишади. Ақалли никоҳ ўқитайлик. Тўй бўлмаслиги муқаррар.

— ЗАГСсиз никоҳ ўқилмасмиш, — деди Нафиса.

— Иккаламиз ариза берсак, — ЗАГС қайд қилади, бир ой кутиш керак, — деди Ўткир.

— Вой-бў! — Нафисага бир ой йил кўринди.

— Расмий жиҳатдан мен сенга акаман, Нафиса, — деди Ўткир. — ЗАГСдагилар зотимизни текширишади. Мен сенга қондош эмаслигимни исбот қилишим керак — биласан-ку.

— Аямда туғруқхона берган справка бор, — деди Нафиса.

— Ҳужжат борлигини биламан, — деди Ўткир, — ака-сингилдек йигирма йил яшадик, уларга қалгис туюлади-да...

— Туюлса туюлар, — деди Нафиса ҳеч қандай ровни писанда қилмай. Она-отасини кўнишга мажбурлагач, бу расмий гувоҳнома

чикор? — Граждан никоҳда яшайверамиз, кейин рўйхатдан ўтказишга мажбур бўлишди.

Насибанинг хаёлига Сабоҳатхон опанинг ўғли ҳақида: "Қамалса ҳам кошкийди", деган фикри яна келди. Ҳеч бир она ўз фарзандига бундай жазони тиламайди, ўйлади Насиба, лекин Хуршидни у турмушли қиздан айиришмаса, кўнглини қолдиришмаса, мусибат содир бўлиши муқаррар. Тўрт-беш ой қамоқда ётса, Хуршид қизни унутиши мумкин кўринди Насибага. Қамоқ қулай чора эмас, албатта, уйлантиришса, совчиликка боришса, қамоқда ётиб чиққани фош бўлса, ҳеч ким қудачиликка кўнмайди. Бироқ бундан бошқа чора йўқ, Хуршид девоналигини ўзи сезмаяпти, унга ўша қиздан бўлак тимсол йўқ, ўзи ҳам етиша олмайди, бошида эри бор қиз унармиди, офат билан тутади.

Насибанинг қўшниси прокурор, хотини француз тилидан дарс беради, Насиба билан дугонадек. Эри Исом ака билан гаплашиб кўрса, ундан маслаҳат чиқиши мумкин, зора бир важ топиб, Хуршидни қаматса — оламгулистон бўлар эди. Насиба Исом аканинг идораси қаердалигини билади, ўша ёққа борса-чи?

— Ая, мен бир жойга учраб келишим керак, — деди Насиба онасига. — Машина калитини беринг, ярим соатда қайтаман. Кейин айтаман. Миямга бир режа келди.

— Калит ана, дахлизда, ўзинг биласан, борақол, — деди Сабоҳатхон опа жонланиб. — Уканг ҳақидами?

— Ҳа, — деди Насиба ва дахлиз тумбочкасида ётган машина калитини олиб чиқди. — Хуршид чўмилиб чиққунича улгураман.

Бир зумда машинанинг мотори ўт олди, Насиба дарвозани очиб, машина рулига ўтирди, ҳайдаб кетди, дарвозани Сабоҳатхон опа ёпиб қўйди ва эри ётган дахлизга чиқди. Профессор ўрнида тинч ухлар, нафаси ҳам аввалгидек бўғиқ эмас эди. Сабоҳатхон опа эрининг ёнига ўтирди, қўлини унинг кафтига қўйди:

— Дадаси, кўзингизни оча оласизми? — деди Сабоҳатхон опа эрининг юзи томон эгилиб. Профессор миқ этмади. — Агар гапимни эшитаётган бўлсангиз, қўлимни сиқинг.

Бемор заиф бармоқлари билан хотинининг қўлини сиқди.

— Вой, садақангиз кетай, эшитдингиз-а! — деб юборди Сабоҳатхон опа ҳаяжонланиб. — Қўлимни сиқдингиз! Энди ўзингизга келасиз! Бу менман, хотинингизман. Насиба ҳам, Хуршид ҳам шу ерда. Насиба қизчаси Гулшанни олиб келади, кўрасиз. Кўзингизни оча оласизми?

Эри ҳеч қандай ишора билдирмади. Майли, толиқмасин, бармоқларини қимирлатди — шу ҳам катта гап.

Сабоҳатхон опа ваннахона эшиги олдида тўхтади, ичкаридан сув товуши эшитилмас эди.

— Хуршид, чўмилиб бўлдингми?

— Кийинаяпман, — деган ўғлининг овози эшитилди.

— Чиқа қол, болам, яхши хабар айтаман.

— Ҳозир!

— Даданг бармоқлари билан қўлимни сиқди! — деди Сабоҳатхон опа тоқат қила олмай. — Қайнатилган товуқ бор, қовураман. Соғингандирсан, болам, чиқа қол!

Сабоҳатхон опа газга това қўйиб, қайнатилган товуқни нимталай бошлади. Эрини жойидан жилдирмагани тўғри чиқди, мана, хотинининг гапини эшитди, қўлини сиқди. Энди кўзини очса, гапирса, ичкаридаги каравотига ётқизади. Яна бир-икки кун сабр қилиши лозим.

Қўнғироқ жириглади, Сабоҳатхон опа газни пасайтириб, дарвоза томон ошиқди: машинада Насиба ўтирар эди. У машинани дарвозахонага киритиб, машинадан чиқди.

— Прокурорни аранг унатдим, — деди Насиба онасига.

Сабоҳатхон опа дарвозани беркитиб, қизига тикилди:

— Қанақа прокурор?

— Қўшнимиз, — деди Насиба, — гаплашдим, Хуршидни қамашади.

— Қамашади? Нега? — тушунмай сўради Сабоҳатхон опа.

— Ўзингиз айтдингиз-ку. Қамоқда бўлса, Хуршид анову қизни унутади. Қиз унгача бола кўради.

— Вой, Насиба, мен шунчаки айтувдим-да, — деди Сабоҳатхон опа гумонсираб. — Ўз ўғлимизни ўзимиз қаматамизми? Хуршид сезиб қолса, домангир бўлади.

— Бошқа йўли йўқ, ая, қараб ўтирсак, ўлиги келади, — дея Насиба чарм қўлқоп кийган қўлини онасининг елкасига қўйди. — Фақат ўзига айтманг.

Сабоҳатхон опа жавоб бермади — у саросимада эди.

— Дадангнинг кафтига қўлимни кўювдим, бармоғини қимирлатди, — деди Сабоҳатхон опа ўзини овутиб.

Жавлон ишлайдиган институтнинг учта лабораторияси, бинонинг ичида бўлиб, уларда, майдон бўлмагани учун, катта синовлар ўтказиш мумкин эмас эди. Расмий ташкилотлар Жавлонга лаборатория бериб жазолашни маъқул кўришди: тажрибалари билан овора бўлиб, мақола муаллифи энди "ёзувчилик" қилмайди, деб ўйлашди, электро-лампа заводи тажриба полигонидан лаборатория ажратишди. Муаллиф орзу қилган лабораториясига етишгач, миннатдор бўлади, итоат сақлайди, деб ўйлашди. Жавлон бу хабардан, ҳақиқатда, мамнун бўлди. Энди у синовларини мукамал ўтказиш имкониятига эга эди. У ўша куниёқ Сурайё билан лаборатория жойлашган полигонга бориб, қалитни олиб келди.

— Мен ҳам лабораториянгизда ишласам, ярайманми? — деди Сурайё хонадонларига киргач. Жавлоннинг ихтироси унга ҳам ёқар эди.

— Ярайсиз, албатта, — деди Жавлон ва яхши кайфиятда бўлса керак, қизни кучоқлаб, бағрига босди. — Нафақат лабораторияга...

Онангиз билан танишиб келмоқчиман. Розилик олсам, рўйхатдан ўтамиз, кафедра тўй қиламиз, қонуний бўласиз...

— Қонуний бўлсам қизиги қолмайди-да, — деди Сурайё. У ҳазил қилдим, жиддий айтдим Жавлон тушунмади. — Сири йўқолса, завқи кетади. Вазифамни бажариш бурчга айланса, мажбурият бўлади.

— Қоида шунақа, рия қилмасам, ота-онангиз кўзига қарай олмайман, — деди Жавлон.

— Улар ҳам шунақа дейишяпти, — деди Сурайё. — Майли, менсиз гаплашинг. Ойимни огоҳлантириб қўяйми?

— Йўқ, тасодиф бўлсин.

Жавлон бир неча бор Сурайёни кузатиб боргани туфайли, у қиз яшайдиган уйни билар эди, бориб эшикни тақиллатганида, ҳовлида Сурайёнинг онаси ҳам, отаси ҳам бор эдилар. Афтидан, улар Жавлон келишини кутгандек туюлди, ажабланишмади. Айвондаги стол меҳмонга мўлжаллаб тузатилган, ҳатто қалпоқ кийдирилган чойнак иссиқ эди.

Дастурхонга қўл очишди.

— Хуш келипсиз, — деди Сурайёнинг онаси расмий мулозамат билан. Аёлни Жавлон кампир тусида тасаввур қилар эди, у Жавлоннинг кўзига ёш кўринди, ҳали жувон, деса бўлади — сочи қисқа, хушрўй, кийими замонавий; дадаси жинси шим кийган, кўзойнакли, сочи хурпайган — Жавлон уни ҳам намозчи мўйсафид қиёфада тасаввур қилган эди — улар билан келишиш мумкиндек туюлди.

— Мен Жавлонман, Сурайё айтгандир, — деди Жавлон бир аёлга, бир унинг эрига қараб.

— Москва газетасида мақола бостирган муаллиф сиз бўласизми? — деди Сурайёнинг дадаси.

— Ҳа, мен, — деди Жавлон айб қилгандек.

— Шартга айтибсиз, — деди Сурайёнинг дадаси ифтихор билан. — Лекин сиздан ўч олишади.

— Мажлисда айблашди, — деди Жавлон унинг гапини тасдиқлаб.

— Қизимиз нима бўлади, сизга чора қўллашса?

— Менга лаборатория беришди, — деди Жавлон.

— Бу яхши, — деди Қуддус ака. — Лекин оилангиз бор экан... — Жавлон уйланиш ҳақида оғиз очмаган бўлса-да, бу мавзунини мезбон очганидан хурсанд бўлишни билмай, иккиланди.

— Ажрашаман, — деди Жавлон. Оиласи билан ажрашмай туриб, бу ханадонга қизини сўраб келиши Жавлоннинг ўзига ҳам ноқулай кўринди.

Сурайёнинг отаси ҳам, онаси ҳам тайин жавоб беришмади, қизи билан бу йигитнинг никоҳига ижирганиб кўнишлари сезилиб турар, "гуноҳни" Сурайёдан кўришар, ягона фарзанди Сурайё бўлгани туфайли, унинг "қайсарлигини" кўтаришга мажбур эдилар. Лекин "...Қизчангиз ҳам бор экан, оилангиз билан

тил топинг" ҳам дейишди. Жавлон уйига фаромуш қайтди, назаридан қизчаси аримади. Бироқ унинг фикрича, "Икки қайикда туриб бўлмайди", тугунни узиш зарур эди, бинобарин Сурайёга хиёнат қила олмайди. Бироқ Сурайёнинг бирон марта "Ажрашинг" демагани Жавлонга ғалати кўринар, эркин муносабат сақлашларини афзал кўриши Жавлонни гангитар эди. Жавлон, ҳаёт баланд-пастини кечирган одам, ўзини негадир, домласи бўлишига қарамай, суст сезар, иродасиздек кўринар эди — агар жиловини топшириб қўйса, унинг измидан чиқа олмаслиги мумкин эди. Эркин, бўйсунмай яшаш афзал, албатта, лекин аёлни чўри саналган жамиятда бу анъанадан фориг бўлиш маломат билан тенг эди.

Жавлон эртасига хотини билан ажралиш ҳақида ариза бериб келди. Суд, албатта, дарров қарор чиқармайди, ярашиш учун уч ой муҳлат беради. Уч ой катта муддат эмас, тезда ўтади-кетди, барибир ажралишади, қизчасига нафақа тайинлашади. Хотини ҳам ёш, энди йигирма олтига кирди, оила тузар...

Бир ярим километрли кўлнинг қуйи қисмида Сайфиллонинг жасади сув устига чиқди. Икки кундан зиёд сув остида ётган жасад шишиб кетган, таниб бўлмас эди — чўнтагидаги ҳужжатидан, тугмалари узилиб кетган кийимидан аниқлашди. Бундай ҳодисалар бўлиб туради, айниқса, ёзда. Чўмилишга чиққан болалар чўқади, қидирув бригадаси ишсиз қолмайди; кўл бўйига ўрнатилган огоҳлантириш белгиларига риоя қилинмайди, узоққа сузиб кетишади, орқага қайтишга қувватлари етмайди, томирлари тортишади, бригада тез чақирилса, баъзиларини қутқариб қоладилар.

Сайфиллонинг ажали юзасидан жиноий иш кўзғатилмади: кайфда ухлаб қолгани, ўзи сувга ағангани, чўккани қайд қилинди.

Икки кун давомида аза оча олмай, байбайлаб юрган ота-онаси ниҳоят қора кийишди, йиғи очишди.

Матлуба ҳам азада, сўшпайиб қолгандек ўзини сезди. Яхшиям ҳомила тортмаганидан шукур қилди — туғилмаган фарзанд она қорнидалигида етим бўлиб қолар эди. Матлуба одат бўйича бир йил мобайнида аза тутиши керак эди, бироқ у, бир ой ўтар-ўтмас, тортина бошлади, ўзини бегона сезди, ишига чиқишга қарор қилди. Қайнона-қайнотаси эътироз билдиришмади. Матлуба баъзан деразадан ташқарига кўз ташлар, мотоцикли йигит кўринмас эди — мусибат юз берганини эшитган бўлса келишга юраги дов бермагандир, деб ўйлади Матлуба. Матлуба боғча болалари тарқагач, ўқтин-ўқтин ўз ота-онаси уйига ўтар, тушган уйига тунаш учун қайтар, ёлғиз ётар; шундан бўлак ҳеч нарса уни бу хонадон билан боғламас, Матлуба ўзини ортиқча сезар, эрга туриб, нонушта тайёрлар, ишига ошиқар эди. Айниқса, шанба-якшанба кунлари Матлуба ўзини нима билан овутишни билмас,

турли важ топиб, уйдан чиқиб кетар, онасиникига, узатилган дугоналариникига борар, шу йўсин билан вақтни ўтказиб, қайнонасиникига кеч келар, баъзан кечки овқатга ҳам қарамай, хонасига кириб кетар, узоқ китоб ўқир, ухлаб қолар эди. Марҳумнинг йигирмасы, қирқи ўтди, йилига яна ўн ойча муддат бўлиб, келини чурқ этмас, эрта туриб ишига кетар, афтидан, бу уйга оёғи тортмас эди.

— Келинимиз бу уйга оёқ босгиси келмаяпти, чоғи, — деди бир куни қайнотаси хотинига. — Энди боши очиқ, хоҳласа тураверсин, малол келаётган бўлса ихтиёри, онасиникида яшасин. Балки, жойи чиқса, узатишар.

— Бир йил аза тутиши керак-ку, — деди хотини.

— Бир йил ўтмагунича, бу уйга совчи қадам босмайди, у уйга бориши мумкин, халал бермайлик, — деди эри мулоҳаза тортиб. — Ўзига ҳавола, тўсма. Истаса, сепини ҳам олиб кетсин, энди ўғлинг қайтмайди. Ёш нарсага тўғон бўлмайлик. Ўзига айт, ўзи ҳал қилсин. Уқдингми?

— Уқдим, — деди хотини. — Ҳасмига уй-айвон тушган, қандай ажратаман, дадаси? Товон сўрасачи?

— Қўйди-чиқдида товон сўрайди, — деди эри ўйга ботиб. — Жон, деб чиқиб кетади, товон сўрамайди, озод бўлганига шукур қилади.

Хуршид эрталаб уйғониб, нонушта қилди, онаси Сабоҳатхон опа ўғлига дадаси бармоқларини қимирлатганини шодланиб айтди, Хуршид ҳам қувнади ва онаси тайёрлаб қўйган кийимларини орқа ўриндиққа боғлади, Обираҳматга қайтишга отланди.

— Телпак кийиб ол, ҳаво совуқ, — деди онаси. Хуршид теллагини кийди, каскаси бошига сиғмади, каскасини ҳам орқа ўриндиққа боғлади.

— Катнашни тўхтатдингми? — деди онаси.

— Қанақа қатнашни? — деди Хуршид саволни тушунса-да.

— Қанақалигини биласан, — деди Сабоҳатхон опа. — Қизни мулзам қилма, ўғлим.

Хуршид индамай мотоциклини кўчага олиб чиқди, моторини ўт олди.

— Борма, ўғлим — иснод, — деди онаси. — Даданг билса, яна инспектор бўлади. Иккинчисига бардош бера олмайди. Ўйла, болам.

Ўғлидан яна садо чиқмади. У мотоциклига ўтириб, ҳайдаб кетди. Катта йўлга чиққач, уни инспектор тўхтатди. Хуршид йўл четида тўхтади, мотоциклдан тушди.

— Правангиз борми? — деди инспектор қўлини чаккасига ниқтаб.

— Бор, — деди Хуршид.

— Кўрсам бўладими?

— Қоидани бузмадим-ку, — деди Хуршид ва ич чўнтагидан хужжатини олиб инспекторга тутди.

— Қаёққа йўл олаяпсиз, Шамсиддинов? — деди инспектор ҳужжатни варақлаб.

— Узоққа, Обирахматга, юз километр, — деди Хуршид гўё “юз километр” ибораси уни жавобгарликдан қутқара оладигандек.

— Тўғри, узоқ, — деди инспектор. — Шунча масофага каска киймай бормоқчимисиз?

— Каска сизмади, — деди Хуршид бепарво тарзда бошидаги телпака ишора қилиб.

— Каска киймай мотоцикл ҳайдаш мумкин эмас, — деди инспектор мулоим товушда.

— Каска ана, телпаксиз юрсам бошим шамоллаши мумкин.

— Яна қайтараман, — деди инспектор қатъийроқ товушда, — каскасиз мотоцикл ҳайдаш ман қилинади, қондани бузиш ҳисобланади, сиз қондани буздингиз.

— Бўпти, кийиб оламан, — дея Хуршид ўриндикқа боғланган каскани еча бошлади.

— Сиз қондани буздингиз, Шамсиддинов, мен протокол тузиб, ҳайдов воситангизни вақтинча ГАИ ихтиёрига топширишга мажбурман.

— Каскам бор-ку, телпак устидан сизмади, мана, кўринг, — дея Хуршид телпаги устидан каскасини кийди, бироқ каскаси телпака бошига сизмади. — Тасмаси ҳам қадалмайди.

— Сизга мен қондани шу моментгача бузиб келдингиз, демоқчиман, ҳужжатингизни ГАИдан оласиз. — Инспектор протокол ёзишга киришди.

— Шошманг, протокол тузманг, мана штраф ўрнига, — дея Хуршид инспекторга пул суқди.

— Яна битта жиноий хиёнат қилдингиз, пора суқиб, мени ҳам хиёнат қилишга оғдирмоқчи бўлдингиз, ҳозир гувоҳ чақириб, протокол тузаман, — деди инспектор ва тротуарда кетаётган бир кишини хуштак чалиб чақирди.

Хуршид инспектор бармоқлари орасидаги ҳужжатини юлиб олди, инспекторни итариб ташлади. Инспектор йўл ёқасидаги гулзорга йиқилди, Хуршид унга қарамай мотоциклини кескин ҳайдаб кетди. Инспектор ўрнидан туриб, қаёққадир телефон қилди.

Кейинги постда иккита инспектор йўлнинг қоқ ўртасида турар, улар телпак кийган мотоциклчини пайқашни билан дасталарини кўтариб, мотоциклчини тўхтатишди. Хуршид қўлга тушганини, энди қутула олмаслигини англади...

Профессор Шамсиддинов хушсиз ётгандек туюлар, баъзан чап қўли бармоқларини хийла қимирлатар, буни пайқаган Сабоҳатхон опа беморнинг қўлини силар, ёш сизғиган юзини юмшоқ салфетка билан артар, қон босимини ўлчар эди. Қон босими ўртача, юраги бир маромда урар, фақат уйғонмас эди.

— Дадаси, кўзингизни оча оласизми? — деди Сабоҳатхон опа эрининг қулоғига.

Профессорнинг чап қовоғи қимирлагандек бўлди, кейин кўзи очилди, нигоҳи хира эди, ўнг кўзи очилмади. Сабоҳатхон опа эрининг ўнг кўзини бармоғи билан оҳиста очди; унинг кўзлари шифтга тикилган, хотини томон қарай олмас эди. Профессор кўзини юмди, ўнг кўзи очиқлигича қолди, Сабоҳатхон опа, ўнг қовоғини силаб, очиқ кўзини бекитиб қўйди. Сабоҳатхон опа шунга ҳам қувнади — эри ўз ихтиёри билан, биттасини бўлса-да, кўзини очгани яхши нишона эди. Сабоҳатхон опа тухум илитишга турди. Ичкаридан телефон қўнғироғи эшитилди. Сабоҳатхон опа декча остидаги оловни пастлатиб, ичкарига ошиқди. Телефондан қизи Насибанинг товуши эшитилди. "Хуршидни ҳибсга олишипти", деди Насибанинг товуши.

— Вой! Нега? — Сабоҳатхон опа дарҳол шум ҳодисани ўйлади.

— Тўхтатган инспекторга қўполлик қилипти, — деди Насиба.

— Қўполлик?

— Ҳа. Гулзорга итариб қочипти, — деди қизининг бепарво товуши. — Жиноий иш кўзгашармиш.

— Вой, нега жиноий?

— Ўзингиз: "Қамалса кошки эди", дедингиз-ку, — деди Насиба. — Мана ниятингиз ушалди. Тўрт-беш ой ётсин, анови тожик қизни унутади.

— Уф, ўтакамни ёрвординг, қизим...

— Ўғлингизни қутқаришга уринманг, чиқса, яна ўша ёққа чопади, кейин нима бўлади, тахмин қилиш қийин эмас.

Сабоҳатхон опа қизи эслатган сўзларни азбаройи чорасизлигидан айтган эди, Насиба тўғридан тўғри тушунипти. Майли, ўйлади Сабоҳатхон опа, зора ўғли шаштидан қайтса. Ҳар дамда "Нима бўлди экан?" дея ҳадиксираб ўтиргандан кўра, ҳибсда бўлгани маъқул, ўғли кўз олдига бўлади, лагерга жўнатишса ҳам майли, хатардан четроқ туради, ҳуқуқий органлар ўғлини сақлаб қолишади. Дадаси ўзига келиб, сўраса, экспедицияда дейиш мумкин. Аммо қамалиб чиққан йигитга келин топиш қийин кечади. Майли, ўғлига аталган биронта қиз топилар... Ўғли ҳозир бирон зах, нимқоронғи ҳибсхонада ётгандир, ачинаиб ўйлади Сабоҳатхон опа, бу ишкаликни ўз қизи Насиба уюштирганини билмас, айбни инспектордан кўрар эди. Инспектор дағал гапирган, шаънига теккан бўлиши мумкин, бўлмаса расмий ходимни гулзорга итарармиди? Хуршид безори эмас, биров гашига тегмаса, ғазабга тушмасди...

Суд Жавлон ва унинг хотини ярашиши учун белгилаган уч ойлик муҳлат ўтди, улар ярашишмади, хотинининг эътирозига қарамай, суд уларни ажратди, қизчаси учун нафақа тўлаш бурчини Жавлонга юклашди, улар расмий тарзда ажрашишди; ўша кунийёқ "озодлик" ҳодисасини Сурайё билан Жавлон кафедра нишонлашди, шампан ичишди, иккалови, зафар қучгандек,

Жавлоннинг хонадонига келишди, тантана давом этди. Ҳали улар расмий эр-хотин бўлишмас-да, пинҳонийлик гашт бағишлар, бунда қанақадир шахвона латофат бўлиб, улар бири бирини "аяшмади", лаззат жазавасига берилишди. Бир ой ўтгач, кафеда йигирма кишилик тўй ўтказишди. Энди улар қонуний эр-хотин эдилар, ҳатто никоҳ ўқитишди. Бироқ Сурайёга бу эркинлик расмий туюлар, алланечук завқ асносига барҳам берилгандек, жўн нарсага айлангандек кўринди. Энди эри истаган пайтидаёқ унинг измини бажаришдек бурчга айланиши Сурайёга ғализ ботар, уларнинг махфий асрор-мўъжизаси остона ортида қолгандек, хоинликка ўхшар, Сурайё энди аввалги сурурни кутмас, алоқаларига қундалик бурч деб қарар эди. Никоҳ кунига бир ой бўлмай Сурайё Жавлонга узоқ тикилиб қолди.

— Нима гап? — деди Жавлон ажабланиб.

— Ажрашайлик, — деди Сурайё аллақандай рағбат билан. — Махфий учрашсак, видолашсак — иштиёқимиз кучаяр эди. Соғиниш керак...

Жавлонга Сурайёнинг гапи жумбоққа ўхшаб кўринди. Айрилиқ, албатта, жозибали нарса, бироқ сунъий равишда бундай вазиятни танлаш унга сохта туюлди.

— Ишда ҳам, уйда ҳам доим биргамиз, қанақадир энтиқиш йўқ, — деди Сурайё узр сўрагандек. — Алоқамиз русумга айланиб қолиши мумкин.

Туман суди иш жойидан узрли сабабсиз кетгани, каскасиз мотоцикл ҳайдагани ва энг муҳими хизматни бажариш чоғида расмий ходимга жисмоний зарар етказгани сабабли Хуршидни икки йил муддатли озодликдан маҳрум қилди, муҳлатнинг ярмини шартли танбеҳ белгиси билан чеклади, беш ойдан сўнг намунали хулқи туфайли қамоқдан илова билан чиқариб юборишга қарор қилди. Хуршид бу ишда опасининг ҳам қўли борлигини билмас, ўзи ҳам, онаси ҳам айбни тан олишар, жазонинг одиллигига шубҳа қилишмас, Насиба икки йиллик жазо муҳлатини асоссиз билар, сохта жиноятга шунча чора қўлланишини адолатсиз ҳисоблар эди. Сабоҳатхон опа ҳар гал ўғлини кўргани борганида дадасининг тузала бошлагани, ҳассада бўлса-да, юришга интилаётганини айтар, фақат ўғлининг ўжарлигидан, ҳибсдан чиққач, яна эри бор қизни излаб бориш фикридан қайтмаслиги фигон қилар, онасига қолса, ўғли кўпроқ вақт қамоқда бўлишини истар эди. Хуршид уйига қайтгач, йўлақда турган мотоциклини кўрди, бир соат ичида чўмилиб чиқди, охор кийинди, дадаси билан кучоқлашиб кўришди, кейин каскасини бошига боғлаб, Обираҳматга отланди.

— Энди борсанг, иккиқат жувонни кўрасан, — деди Сабоҳатхон опа, шу гапи билан ўғли режасидан айнир, деб ўйлаб.

Хуршид индамай уйдан чиқиб кетди — биринчи кунёқ онаси билан тортишгиси келмади. Онаси серрайганича эшик остонасида

қолди. Яна ташвиш чекди. Одам шунақаям ўжар бўладими? Ушлаганини узиб олади, ўжар.

Хуршид бир соатда Обираҳматга етиб борди, лекин экспедиция ишлаётган томонга бурилмади, тўғри Боғистонга ўтиб кетди, болалар боғчаси панжараси нарёғидаги дарахт соясида тўхтади. Боғча майдонида болалар кўринмас, уйку пайти эди, Хуршид болаларга атаб келтирган елим пакетни панжара симига боғлаб, мотоциклига ўтирди, кута бошлади, сигарет туташтирди. Бир оз вақт ўтгач боғча биноси зинасида таниш энага кўринди. У челагини ерга қўйиб, панжарага яқинлашди. Хуршид мотоциклидан тушмай, энагага салом берди, энага бир ортига қараб олиб:

— Яна келдингизми? — деди ва тўзғиган сочини рўмоли тагига яширди. Хуршид жилмайди, унинг оғзидан ҳовур аралаш сигарет тутуни чиқди — ҳаво салқин, нари-беридаги дарахтлар гулда, нафармон осмондаги оқ булутлар қуёшни бир очар, бир тўсар, тўсганида шамол кўзғар, гуллар ҳавода паррак бўларди.

— Матлубахон тинчми? — деди Хуршид табассум билан.

— Тинч, — деди энага аёл. — Азада.

Хуршид Матлубанинг ё онаси, ё отаси дунёдан ўтгандир, деб ўйлади, йўлига қўлини юзига тортди. — Кими вафот этди?

— Эшитмадингизми? — деди энага.

— Йўқ, мен курортда эдим, — деди Хуршид, бироқ унинг киноясини энага уқмади.

— Сайфилло кўлда чўқди, — деди энага.

— Ким у?

— Эри-да, ярим йил бўлди, — деди энага.

Хуршид негадир ўзини айбдордек сезди.

— Мен уни танимасдим, — деди у ўзини оқлагандек.

— Энди келишни тўхтатинг, уят бўлади, — деди энага.

Хуршид, энаганинг гапига парво қилмагандек, кўл томон назар ташлади.

— Чақиринг, Матлуба чиқсин, таъзия билдираман.

— Болалар уйғонганда чиқади.

— Кутаман, — деди Хуршид ва сигарет қолдигини ерга ташлади.

Энага бир зум Хуршидга тикилиб турди, кейин қайрилиб, бино томон кетди. Хуршид болалар уйғонишини кута бошлади, бир соатча вақт ўтди. Шамол бир хуруж қилар, бир тинар, қуёш мўралаганда, манзара ловуллар, узокда трактор товуши эшитилар эди. Ниҳоят, зинада болалар кўринди, улар мотоциклда ўтирган йигитни кўриб, панжара томон чопишди, Хуршид панжарага боғланган пакетни ечиб, болаларга сақич улашди, қийқириқ кўтарилди. Матлуба, энага билан гаплашди шекилли, ҳамон ҳовлига чиқмас, афтидан дераза ортидан кузатар эди. Болалар ўйинга берилиб кетишди, ҳавода оқлушти барглар учар, янги йил арчасини эслатар, фақат қорқиз кўринмас эди. Ниҳоят оқ халат кийган Матлуба кўринди, у атай Хуршид томон кўз ташламай,

қичқираётган болаларга қараб, панжара томон кела бошлади. Улар эски танишдек, бир-бирига одатланиб қолгани учун, зўраки жилмайишди. Матлуба ғойиб бўлиб қолган йигитни эсдан чиқара бошлаган эди, унинг пайдо бўлиши қизнинг кўнглини яна алғов-далғов қилгандек бўлди. У ўзини лоқайд тутишга уринар, бироқ ҳаяжонини яшира олмас, йигит яна келгани — шу топгача исмини билмаса-да — бежиз эмаслиги қизга қониқишдек тасалли бағишлар, йигитнинг ташрифисиз дунё унинг кўзига жозибасиз кўринар, аммо Матлуба бу туйғуларни ҳайдар, ҳатто қўрқар эди.

— Эшитдим, — деди Хуршид эрининг вафотини назарда тутиб. Матлуба бу сўзга эътибор бергиси келмади, йигит ҳозирок кетишини хоҳлади.

— Бу ерда турманг, менга гап тегади, — деди Матлуба сохта жиддийлик билан.

— Мен сизни Тошкентга олиб кетаман, — деди Хуршид. — Институтга кирасиз, бизникида турасиз. Венецияга борамиз.

Матлуба, йигитнинг гапига парво қилмагандек, нари кетди.

— Эртага яна келаман, — деди Хуршид ва мотоциклини ҳайдаб кетди. Матлуба унинг орқасидан қарамади — унинг гапини ўйлар эди. Исмини ҳам атайлаб сўрамади, сўраса кўнгандек кўриниши мумкин, нима қилади умидвор қилиб? Дадаси, онаси билса, кўчада учрашдинг, деб исканжага олишади. Агар йигит ўз айтганидан қолмаса, Матлуба: “Совчи юборинг, ихтиёрим ўзимда эмас”, дейди. Институтга киргазиб қўяр эмиш — олий маълумот олиш Матлубанинг орзуси эди, Венецияга олиб борармиш шояд нияти амалга ошса. Умуман, тузукка ўхшайди йигит, бўйи-баста келишган, мулоҳазали. Энди Матлубани ким ҳам олар эди, тўрт ой яшаб-яшамай, эри чўкиб ўлди, пойқадами хосиятли эмасдир. Лекин чўғдек қиз, қараганнинг кўзи ёнади, лекин хотинликка олишмайди. Улар одмирок, уй юмушларини бажарадиган қизларни танлашади, чиройли хотиннинг шайдоси сероб бўлади, деб, қизганишади... Венецияга ҳам олиб борар эмиш — Венеция қаёқда! Юз чақирим наридаги Тошкентга атиги бир марта борган, метрога тушган, боши оғриб келган. Онаси яна совчиликка келишга рози бўлармикин? Улар эрга тегиб чиққан қизни келин қилишмайди, ўз зотидан қидиришади. Келин қилишса-да, юзига солишади, келиннинг боши писандадан чиқмайди. Бу ерда унда баттар, тракторчим олмайди. Тошкентликка тегишдан бўлак чораси йўқ, чоғи... Барибир, бу ернинг урфи бўйича йил ўтиши керак...

Аввал Жавлон сиқилган ҳаво отилиб чиқиши ва шунинг натижасида — худди катта босим билан шлангдан чиққан сувдек — ташқи ҳавони ва ҳаво жойлашган идишни итаришини назарий тарзда кашф қилган бўлса, лаборатория теккач, амалда синаб кўриш имконига эга бўлди: бир литрли баллонни босим билан ҳавога тўлдирди, баллонга тўртта филдиракча ўрнатди, бир ярим километрли текис асфальт йўлга қўйиб, баллонча клапанини очди, баллонча жойидан салчиб, борган сари тезлаша кетди ва

кийиллаганича бир ярим километрли масофани беш секундда ўтиб, тўсиққа урилди. Бу яхши кўрсаткич эди. Жавлон билан Сурайё бири-бирини кучоқлаб ирғишлашди. Тўсиқда турган йигит байроқ кўтарди. Демак, у ҳаво клапанини тўсипти.

— Беш секундда бир ярим километр! — хитоб қилди Жавлон.

— Ура! — деди Сурайё. — Альтернатив ҳаракат!

Жавлон телефонни қулоғига босди.

— Баллонда қанча ҳаво қолди? — ҳовлиқиб сўради Жавлон.

— Яримдан кўп, — деди телефондаги инструктор товуши. — Тўсиққа урилгандан кейин икки-уч секунд уни ўчиришга кетди. Индикатор 112 да тўхтапти.

— Демак, 112 да тўсиққа урилипти, — деди Жавлон ҳаяжонда. — Тўсиқ бўлмаса, тезлиги 150 дан ошиши мумкин. Қайтинг!

Инструктор йигит мотоциклида тўсиқдан қайтиб келди ва орқа ўриндиққа боғланган баллонни ечиб, Жавлонга кўрсатди. Ҳақиқатда, индикаторнинг мили 112 да тўхтаган, фақат филдиракчалари қийшайган эди.

— Эртага янги филдиракчалар ўрнатамиз, — деди Жавлон илҳомланиб. — Тўсиқни олиб ташлаймиз, шу бир ярим литр ҳаво билан қаергача етиб бораркин. Тезлиги неччида тўхтаркин. Ўн километрли масофани бир литр ҳавода босиб ўтса — эксперимент қониқарли чиқди, дейиш мумкин. Юринглар, холодильникда бир шиша шампан кутаяпти, нишонлаймиз. Биринчи ғалаба!

Улар лабораторияга қайтишди. Сурайё журналга кўрсаткичлар рақамларини ёзиб қўйди. Жавлон панфиллатиб шампан шишасини очди, стакан, кружка, пиёлаларга кўпиртириб шампан виносини қуйиб чиқди, таранг-туринг уриштириб ичишди. Эртанги синов натижалари яхши чиқишига Жавлон шубҳа қилмас, кейинги кун тезроқ келишини Жавлон тоқатсизлик билан кутар, ихтироси беҳуда эмаслигидан ичида қувонар, ҳаяжонини аранг яширар эди. Кашфиёти рўёб бўлгунича — ўҳ-ҳў! — қанча синовлар олдинда турипти. Ҳозир эса кичкинагина баллонни синаб кўришди; катта баллонлар ўрнатилган машиналар қандай натижа кўрсатаркин? Чийиллаши кучаяди. Ҳеч қандай ёқилғисиз, экологияни бузмай, ҳаво босими билан ҳаракатланиши — гирт фойда. Нега олимлар шу пайтгача — муңдоқ олиб қараганда — текин ҳаводан фойдаланиш чорасини ўйлашмаган? Балки ўйлашгандир... Ҳозирги ёқилғи таъминоти билан шуғулланадиган станциялар ўрнида, худди вулканизациядек, ҳаво тўлдирилган баллонлар сотилади ёки машинага ўрнатилган баллонларни қаттиқ босимда ҳаво билан тўлдирилади ёки ҳаракат пайтида ҳаво олиш мосламаси яратилади, бу ёғи — техник чоралар, самаралиси қўлланади... Чийиллашини йўқотиш, ақалли пасайтириш йўлини ахтариш керак. Бу моделни тепловоз ўрнига ишлатилса, йигирма вагон юкни тортади; троллейбусларга ўрнатилса, электр қуввати, симлар тежалади; автобуслар, машиналар кунига неча минг тонна ёқилғи сарф қилади, ҳаво эса текин, агар ҳаракат пайтида

машиналар ўзини-ўзи ҳаво билан таъминласа, маблағ фақат идиш ва ҳавони, тўпловчи компрессор учун сарф бўлади, баллон билан компрессор бир марта ўрнатилади, ўн йиллаб хизмат қилади, нефть маҳсулотларисиз ҳаёт кечириш мумкин бўлади, оғир саноат тубдан ўзгаради. Оқибатда об-ҳаво тозаланади, музликлар эриши тўхтайтиди... Бироқ республика маъмурияти — ўта консерватив, янгиликка ўч эмас, Москва синовидан ўтказилмаган кашфиётни жорий қилишга эринади, ўйлади Жавлон, ҳаёлининг поёнига ета олмай, унинг овозини ўчириш учун лаборатория беришди, "тинч қулоғим — тинч жоним" таъбирида. Нечталаб илмий-текширув институтлари, цехлари, лабораториялари бор, биронта ихтиро маҳсулини чиқаришмаган, қозон билан қасқондан нари ўтишмайди, қанчадан-қанча ихтирочилар, инженерлар бор, кунлари бекорга ўтаяпти, катгароқ иншоот қурилса лойиҳасини ҳам, қурилишини ҳам москвалик инженерларга топширишади. Трактор заводи маҳсулот қисмларини Россиядан келтириб ййғади. Бунақада илм ривож топадими? Шунақа бўлиши — балки Москванинг сиёсатидир. Чиқаяпти-ку у ёқда самолётлар, сув лайнерлари, тепловозлар, поездлар, вертолётлар, телевизорлар, компьютерлар ва ҳоказолар... Нега шунча потенциали бор Ўзбекистон ўшанақа саноатга эгамас? Фақат хом ашё етиштиради? Бунда ирқий тафовут амалиёти қўлланмасмикин? Ҳарқалай, лабораторияга эга бўлганидан Жавлон мамнун: консерваторлар ихтиёримга нима берганликларини ўзлари ҳам тушунмасалар керак, балиқни сувга ташлагандек. Бу йил Жавлон учун омадли келди: мақоласи босилди, шов-шув қўзғади, сиқиқ вазиятни тарк этди, сеvimли кизга етишди — уйланди, мана энди ихтироси синовдан ўтаяпти, биринчи намунаси чакки эмас, модели тажрибаси лойиҳа тўғрилигини исботлади. Ишқилиб, кўз тегмасин-да...

Эртасига баллончани тузатишди, ҳаво сиқишди, янги филдиракча ўрнатишди, тўсиқни олиб ташлаб, баллончани қўйиб юборишди, ортидан инструктор билан Жавлон мотоциклда ошиқишди. Бир ярим литрли сиқиқ ҳавода баллонча кечаги масофага нисбатан икки баробар зиёд йўл босди, тезлиги 215 га етди, инерция кучи билан салкам уч километр масофани етти секундда босиб ўтди. Энди рули ва тўхтатиш мосламаларини ўрнатишга, йўл бошидан аппаратни назорат қилиш мумкин бўлади. Бу янги хабарни энди устози Шамсиддиновга айтса бўлади, балки яхши хабар бемор кайфиятини кўтарса ажабмас. Сурайёни ҳам олиб боради: "Келинингиз", деб таништиради. Шу пайтгача Сабоҳатхон опа, хаста эрини авайлаб, ҳеч кимни қабул қилмас эди, зора бу гал киритса — ташрифи қувончи-ку. Ҳақиқатда, Жавлоннинг режаси ўйлаганидек бўлиб чиқди, Сабоҳатхон опа уларни очиқ чехра билан кутиб олди. Афтидан, бемор эри зерика бошлаган, суҳбатга ташна эди; ўзи гаплаша олмаса ҳам қулоқ солишга қобил эди.

— Домлани толиқтирмаймиз, тезда турамиз, — деди Жавлон

эшикни очган Сабоҳатхон опага кўлидаги пакетни топшириб. — Бу қизча келинингиз бўладилар, Сурайё...

— Вой, айланий, гулдек экансиз, бахтли бўлинглар!

Сурайё кўзларини сузиб, келинсалом бажарди.

— Зиёда бўлинг, жонгинам! Қўшақаринглар!

Сурайё Жавлонга қиё боқиб, жилмайди.

— Қани, дахлизга марҳамат, домла телевизор кўраяптилар, ҳар куни ярим соатдан.

Меҳмонлар дахлизга чиқишди. Юмшоқ креслода оқ сочи ҳурпайган профессор телевизор кўриб ўтирар эди, у ўрнидан турмай, меҳмонларга чап лунжи билан жилмайди; ўнг кўзи очик, чап кўзи пирпирар, профессор чап кўлидаги рўмолчани қилпиратди: саломлашди, чоғи. Жавлон устозининг қўлини иккала кафти орасига олиб, уни олқишлаган бўлди. Профессор нуқул ярим лаби билан жилмаяр, кўзини артар, гиламда ётган қўлтиқтаёқ ва ҳассани чап оёғи билан нари итарар, ўз наздида ўтирган жойини саришта қилар эди.

Сабоҳатхон опа столга дастурхон тузди, пакетдан лимон, ширмой нон, шиша банкада қаймоқ олиб қўйди. Чой тортди. Телевизорни ўчирди. Профессорнинг ҳолини сўрашни Жавлон эп кўрмади, бемор аҳволи аён эди, унинг эътиборини касалига қаратиб нима қилади.

— Келинингиз, — деди Жавлон устозига Сурайёни кўрсатиб. — Сурайё. Талабам. Ҳам ассистентим.

Профессор ҳурпайган бошини силкитиб, шогирдини табриклади.

Сабоҳатхон опа ичкаридан шифон рўмол чиқариб, Сурайёнинг бошига ёйди, стол четига кумуш сервиз жойлаштирилган қутини, Жавлоннинг олдига олтин соат қўйди.

— Таклифингизни бажара олмадик... — деди Сабоҳатхон опа. — Домлангиз билан гаплашинг, эшитадилар...

— Бугун, домла, синов ўтказдик, — деди Жавлон сал баланд овозда. — “Ҳавомобиль” ўзини яхши кўрсатди. Бир ярим литр ҳавода уч километр юрди — етти секундда. Тезлиги 215 га чиқди.

Профессор табассум қилиб, кафтини Жавлоннинг тиззасига уриб қўйди ва нимадир гўлдиради, афтидан олқишлади чоғи. У суҳбатга нўноқлигидан хижолатланар, бир томони шол эканидан мулзамланар эди. Шуни билган хотини ҳеч кимни эрига яқинлаштирмас, Жавлон билан Сурайёнинг ташрифни профессор касалидан кейин биринчи истисно эди. Бемор шогирдининг муваффақиятидан мамнун бўлса-да, андак асабийланиши сезилар эди.

— Айтадиганимни айтдим, опа, — деди Жавлон узр оҳангида, — бизга энди ижозат берсангиз, домла чарчамасинлар.

— Майли, келганларингиз учун раҳмат, — деди Сабоҳатхон опа дарҳол кўниб.

— Домла тузалиб кетсинлар, — деди Жавлон.

— Иншоолло, — деди Сабоҳатхон опа тортиниб.

— Совғалар учун раҳмат, — дея Жавлон қўзғалди. Сурайё ҳам туради.

— Буюрсин, — деди Сабоҳатхон опа.

— Хайр, домла, соғайиб кетинг.

Улар маъзур сўраб, ҳовлидан илдам чиқиб кетишди.

Ярим соатдан сўнг Хуршид келди ва ичкарига мотоциклини киритмай, онасини дарвозахонада гапга тутди:

— Гап бор, ая, — деди Хуршид ва пишлоқ, сосиска солинган пакетни онасига узатди.

— Олдин даданг билан кўришиб чиқ, болам, кетганингга бир ҳафта бўлди, — деди Сабоҳатхон опа ўксиб.

— Хўп, — дея Хуршид йўл-йўлакай каска ва қўлқопини ечиб, дахлизга чиқди, креслода ёнбошлаб мизғиётган дадасини кўриб, ҳовлига тушди. — Бевовта қилмадим, дадам мудраётган эканлар.

— Хўш, қанақа гапинг бор? — деди онаси супургисини ташлаб.

— Яна совчиликка олиб бораман, кийининг, — деди Хуршид тоқатсизланиб.

— Яна ўша ҳовлигами? — деди онаси ижирғаниб.

— Матлуба уйига қайтипти, беш ой бўпти.

— Вой, нега? — деди Сабоҳатхон опа эловлагандек. — Ажрашиптими?

— Эри кўлда чўкипти.

— Йили ўтсин, унгача бориш хунук кўринади, болам, — деди онаси.

— Ўзи айтди, — деди Хуршид қайсарлик қилиб.

— Гаплашдингми?

— Гаплашдим, рухсат тегди. Отланинг.

— Дадангни қандай ташлаб кетаман, болам? — ёзғирди онаси.

— Насибага телефон қилинг, келсин, — деди Хуршид.

— Йўқ, даданг уйғонса мени сўрайди.

— Бўлмаса совчиликка Насиба борсин, — деди Хуршид.

— Кўнармикин? У урф-одатларни яхши билмайди.

— Кўндиринг, — деди Хуршид. — Кўнмаса, совчиликка ўзим бораман.

— Ўзинг боришинг иснодсизликка ўтади.

— Хўш, нима қил, дейсиз? Қиз чиройли, биронтаси илиб кетади. Ҳар кун ғанимат. Нима дейишни қизингизга ўргатинг.

— Уф-ф! — Сабоҳатхон опа ошхона томон кетди, телефонда гаплаша бошлади. — Гаплашдим, — деди Сабоҳатхон опа ошхонадан чиқиб. — Машинада борасизларми?

— Йўқ, мотоциклда, — деди Хуршид ва қўлқопи, каскасини кия бошлади. — Омин!

— Куруқ қўл билан кирмасин, айт, торт олсин, — дейишга улгурди Сабоҳатхон опа, ўғли мотоциклда сапчиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Сабоҳатхон опа совчиликка борганини Насиба айтишга эп кўрмовди, бугун телефонда айтди, ўғлининг қайсарлигидан ўпкалади, қизини аранг кўндирди. Лекин

келиннинг онаси ҳали йили чиқмаган азали қизини узатишга рози бўладими, йўқми — бу ҳам жумбоқ эди. Сабоҳатхон опага улар рози бўлишмаслиги маъқул эди, Насиба ҳам шумшайиб келиши мумкин. Насиба келмади, қош қорайганда телефон қилди.

— Бориб келдим, Хуршид қайтиб кетди, — деди Насиба телефонда.

— Нима дейишди?

— Зўрға рози бўлишди, фақат битта шарт қўйишди, — деди Насиба.

— Қанақа шарт?

— Қиз ҳали азадан чиқмаган экан, "Тўй бўлмайди, бу ерда ғализ туюлади, ўшатта қиларсизлар", дейишди. Кўндим. Келаси ҳафтага Хуршид келини олиб келади.

— Мунча тез? Даданг соғайсин, юрадиган бўлсин, унгача келин ҳовлимизда шарпа бўлиб юрадими?

— Қудаларнинг шарти шунақа, "ўқишга жўнатдик", дейишармиш. Хуршидга қолса, эртага олиб келади.

— Оббо! — Сабоҳатхон опа қалтис аҳволда қолди. — Қизни кўрдингми?

— Йўқ, — деди Насиба. — Совчи боришини Хуршид келинга айтган чоғи, ишидан келмади. Қоронғи тушмай туриб жўнавордик.

Уч кундан кейин Хуршид экспедициясидан телефон қилиб:

— Эртага келингизни олиб бораман, — деди.

Сабоҳатхон опа саросимага тушиб қолди, Насибага телефон қилди:

— Насиба, эртага уканг келини олиб келар эмиш. Хуршид гапимни эшитмай, трубкани қўйиб қўйди, — деди. — Нима қилишга ҳайронман. Бир келиб кет, гаплашайлик...

— Бўпти, бораман, — деди Насиба.

"Энди эрига нима дейди? — Сабоҳатхон опа ўйлашиб қолди. — Эрга тегиб чиққан бир қиз ҳовлимизда юрса, дадаси асабийлашади, яна қон босими кўтарилади. Шу авзо билан қандай келинига қарайди? Оринади, "Ўғлингиз бир нозанини севиб қопти, дейишсинмикин? Қизнинг ота-онаси қаршимиш, қиз билан Хуршид онт ичишипти. Ўғлингиз ўша қизни олиб келмоқчи, кўнасизми, дадаси? Кўнамсангиз, қиз шўрлик чўрига айланади-қолади. Чиройли эмиш. Ўғлингиз қанақа қайсарлигини биласиз, ўшандан бошқаси керак эмасмиш. Рози бўлмасак, ижара олиб туришармиш, тўйга розимисиз? Келин кўриш ҳам яхши хосият, дадаси..."

— Дадангга шундай, десам, гуноҳ бўлмасмикин? — деди Сабоҳатхон опа Насиба келгач.

— Келсинчи, кўрамиз Хуршиднинг диди қанақалигини, — деди Насиба. — Инжиқ тантиқ бўлса, ўзимиз ижарага чиқариб юборамиз. Дадамга айтмай туринг.

— Ҳарқалай унча-мунча тайёргарлик кўриб қўйиш лозиммикин? — деди Сабоҳатхон опа калава учини топа олмай.

— Лозим, албатта, — деди Насиба.

— Сўрамадингми, сепи бўлармишми?

— Сўрамадим, — деди Насиба. — Сепига муҳтож эмасмиз. Бир хона ажратиб берасиз, тураверишади, жиҳоз етарли. Барибир дастахон ўртада бўлади.

— Насиба яна бир томонини ўйла, — деди Сабоҳатхон опа сирли оҳангда.

— Қанақа томонини — тўйними?

— Йўқ, — деди Сабоҳатхон опа, — тўйгача бўлган пайтни айтаман. Келин шу ерда, тайёр, уканг ҳар куни қатнайди. Улар қандай тунашади? Алоҳидами ёки тўйгача қизни бирон қариндошиникида сақлаймизми? Тўримга тушди, деб уканг кечаси қиз ётган хонага оёқ учида кирса...

— Кирса — ҳасми, шунинг доғида қамалиб чиқди, ўзимиз қаматдик, — деди Насиба. — Билса, бизни кечирмайди. Оёқ учидами, ошкорми — кираверсин. Барибир янга керак бўлмайди. Тўйни тезлатиш керак. Бизга қиз ёқадими-йўқми, қаланғими, қасанғими, аҳамияти йўқ. Ўғлингизга ёқса бас. Маҳаллада никоҳ ўқийдиган домла борми?

— Бордир, — деди Сабоҳатхон опа. — Қундуз опадан сўрайман. Яқинда ўғли билан қизини никоҳ ўқитиб, ижарага чиқариб юборди.

— Ўғли билан қизини? Бу қанақаси? — сўради Насиба серрайиб.

— Ўғлини бир ҳафталигида туғуруқхонадан боқиб олган экан, — деди Сабоҳатхон опа. — Ўғли ётлигини билиб, Нафисага илакишипти.

— Шунақами? — деди Насиба ҳайратланиб. — Ўғли ўзиники деб ўйлардим.

— Ўзиникидек боққан, ҳамма шунақа деб ўйларди, — деди Сабоҳатхон опа ранжиб. — Қизим, келин келишидан чўчипман, унинг устига мотоциклга мингашиб келса, одамлар нима дейди? Бошқалар келинни "Чайка"да олиб келишди. Ижара олақолайлик, базм ҳам ўша ёқда ўтади, ўшатдан гумдон бўлишади. Даданг яна пирт этиб ҳушидан кетса, ўнглана олмайди, илиниб турипти. Ижара олсак, келинни кафедан нари ўшатга туширар эдик. Пойқадами хосиятсиз бўлса, касри урмасин, болам, кўнглим тортмаяпти.

— Совчиликка бориб келганимдан кейин шунақа дейсиз, ая, кўлимдан нима келади? — деди Насиба тутоқиб. — Майли, Хуршидга телефон қиламан, бизникига олиб келади, келин болалар боғчасида ишлар экан, Гулшанга қарайди. Ўғлингиз ҳам ёпишмайди. Никоҳни ўшатта ўқитамиз.

— Ҳа-я! — дея хитоб қилди Сабоҳатхон опа. — Нега шу чора эсимизга олдин келмади? Хуршидга телефон қил.

Чора топилгани Насибани руҳлантирмади. Уйда чиройли қиз

юрса эри ўзини қандай тутаркин? Шайтон оздирмасмикин? Насиба ишдалигида, эри бирон нарсани баҳона қилиб, уйга келиши мумкин, Гулшан боғчада, хонадон ичида ўтган воқеани ким билади? Насибага борган сайин муаммо кўпаяётгандек туюлди, у ўз уйини айтганидан пушайман бўла бошлади. Бироқ бу чора ўзидан чиққани сабабли шубҳасини очмади — тили қисқ эди. У укасига телефон қилиш учун ошхонага кирди...

Уч кундан кейин Матлуба, яхши кийиниб, уйдагилари билан хайрлашди, кийимлари солинган тутунни қўлига олди. Онасининг кўзлари ёшланди.

— Қисматинг шунақа экан, — деди онаси. — Эринг андишали бўлса, ичмаса, бошингга шунча кулфат тушмасмиди, иложимиз қанча, чидаймиз, қизим. Бахтинг очилсин.

Матлубанинг ҳам ўпкаси тўлди, лекин пардози суркалиб кетмаслиги учун ўзини йиғидан тийди. У одамлар кўзида Хуршиднинг мотоциклига мингашиб кетишни эп кўрмай, қишлоқдан нарироқда учрашишни келишишган эди, Матлуба орқасига қарамай, ўша томон кета бошлади. Хуршид қанча ваъда қилмасин, унинг хонадони Матлубага бегона, улар қандай қарши олишаркин? Ҳарқалай Матлуба турмуш кўрган жувон, эркак нималигини билади. Хуршид эса ўспирин, қизга яқинлашмаган кўринади. Бироқ Матлубада айб йўқ, Хуршиднинг ўзи қўймади, мундоқ қараганда, Матлубани йўлдан урди, икки марта совчи юборди, ваъдалар берди. Шунинг билан бирга Матлуба қишлоғида ортиқ туришга бўйни ёр бермас, одамлар унга терс қарагандек бўлишар эди. Қайси гуноҳи учун Матлуба азият тортсин? Институтга кириш режаси айни муддао чиқди. Матлуба эрга тегиш учунгина шаҳарга кетаётгани йўқ, тул қолгач, келажагини ўйлаши лозим. Институтга кириб олса бас, Хуршиднинг она-отаси эгри қарашса, Матлуба Хуршиддан талоқ сўрайди, ётоқда кун кечиради. Ҳозир Хуршид Матлубани опасиникига олиб борар эмиш, тўй ўтгач, ҳовлига ўтишар эмиш. Тўйига на отаси, на онаси, на ука-сингиллари боришади, Матлуба бегонадек ўтиради. Энди ихтиёр уларда, нимани лозим кўришса, шуни қилишади, Матлубанинг қўнишдан бўлак иложи йўқ. Битта тутун билан кетаяпти, сепсиз тушади — бу ҳам можарога сабаб бўлиши мумкин. Марҳум эриникидаги сепидан Матлуба воз кечди...

Ҳу нарида Хуршид кўринди...

Улар шаҳарга етиб боришганда куюш тиккада эди, мотоцикл тўхташи билан Матлубага ҳаво иссиқ кўринди. Насиба ишига бормай, айвонда дастурхон тузаган, дастурхонда нозу неъматлар сероб, стол четида очилмаган шампан шишаси турар эди. Насиба келинни кўриб, анқайиб қолди — Матлуба гўзал эди. Насиба келин билан қучоқлашиб кўришди, пешанасидан ўпди:

— Ойдек экансиз, синглим, совчиликка борганимда, сизни кўра олмовдим.

— Қуллуқ, — деди Матлуба уялинқираб ва ўз қадами билан

келганидан мулзам чекиб, терлаган лаб тукларини мунчок тикилган қизил рўмолчаси билан артди.

— Хуш кўрдик! — деди Насиба кўнгли ором топгандек ва илиқ сув қуйилган идишни қўлга сув бериш учун қўлига олди: ирими шунақа эди.

— Мен қуяй, — дея Матлуба кўзани сўради.

— Сиз меҳмонсиз, — деди Насиба.

— Сувни кенжа қуйса яхши, — деди Матлуба. У “келин қуйса яхши, демоқчи эди, бироқ дархол бу сўзни айтиши даъвони эслатиши мумкиндек туюлди. Барибир шу амали келишлигини ифода қилишни билдирар эди. Матлуба буларга тикилиб турган Хуршидга боқди — хизматингизни бажаришга тайёрман дегандек эди. Хуршид хижолатланиб қўлини тутди, Насиба Матлубанинг билагига оппоқ сочиқ илди. Шу асно уларнинг учрашувига хислат кирди. Насиба Матлубанинг лутфидан чоғланиб, аввалги гумонларини эздан чиқаргандек бўлди.

— Тўй ўтгунга қадар анови хонада турасиз, қулф-калити бор, — деди Насиба айвон юқорисидаги эшикка ишора қилиб. Лукмаси “Ҳеч ким сизни безовта қилмайди” маъносини англатар, Хуршид учун ҳам у хонага кириш ман эканини билдирар эди. Матлуба зимдан Хуршидга назар ташлаб олди. Унинг дилидаги саросима аригандек бўлди.

— Хуршид, шишани оч! — деди Насиба. — Танишганимизни нишонлаймиз!

Бироқ барибир Матлуба алланечук ноқулайликдан халос бўла олмас, кутув сохтароқ кўринар, камтарроқ бўлишини, ҳатто камситилишини кутган эди. Насиба ҳусни афзал кўрар, сахий билар, хунуқларни ҳасадли ҳисоблар, шунинг учун бўлса керак Матлубани кўриши биланоқ маҳлиё бўлди-қолди. Матлубанинг эрга тегиб чиққани ҳам кўзига кўринмади. “Келининг борми, деса, бор дейишга арзийдиган”, деб ўйлади. Онасига ҳам телефон қилиб:

— Гулдек экан, — деди. — Қараб, кўзингиз тўймайди. Илат қидирманг, ая, дадамга ҳам айтинг, кўнгли кўтарилади.

— Эри ўлган жувонни келин қилиш-чи? — деди Сабоҳатхон опа.

— Ая, гинеколог докторсиз, биласиз-ку ифбат тушунчаси нисбий нарса, атавизм, — деди Насиба даллоллик қилгандек. — Пияниста эри билан уч ой ҳам яшамаган ғариб нарса, исқиртда ётган олмос...

— Оббо, — деди онаси, — мунча ишқайсан? Сотаяпсанми?

— Огоҳ қилаяпман, — деди Насиба ғайирлик билан Матлубанинг фазилатини ошириб уқтирганидан зил кетиб. — Кўчага чиқса, мингта мижоз топилади.

— Суқинг кирмасин, — деди Сабоҳатхон опа бўлак мақтовни эшитгиси келмай. — Домлани топиб қўйдим — никоҳ ўқийдиган. Хуршид олиб кетсин. Мен уйдан кета олмайман.

— Домлани мотоциклда олиб келадими? — деди Насиба.
— “Машинада олиб кетади, — деди онаси, — айтиб қўйдим”.
— Бугун никоҳдан ўтар экансизлар, — деди Насиба телефон дастасини бармоғи билан кўрсатиб. — ЗАГСгаям ариза бериб қўйинглар, тўйдан кейин ўтсангизлар ҳам бўлаверади ёки пул-мул билан тезлатиш мумкин. Дадам инсульт, десанг, кўнади.

Кечга томон Сабоҳатхон опа эри ётган хонага кирди — профессор шифтга қараб ётар, авзойи тузук, шогирди Жавлоннинг ихтироси ҳақида ўйлар эди. Сабоҳатхон опа эрига угра ичирди, лабини дока билан артди.

— Ўғлингиз никоҳдан ўтди, — деди Сабоҳатхон опа эрининг кўнглини кўтариш ниятида. — Келинингиз ҳурдек эмиш. Тўйга отланиш лозим. Розимисиз?

Профессор ғулдираб нимадир деди, чап лунжи билан жилмайди. Эри учун хафа бўлиш ҳам, шодланиш ҳам хатарли бўлиши мумкин эди — иккала туйғу ҳаяжон қўзғайди. Сабоҳатхон опа, оқшом шабадаси кирсин, деб бир дераза тавақасини очди, бўшаган косани олиб, дахлизга чиқди.

“Кўзим очиклигида тўйни ўтказишмоқчи, деб ўйлади Асрор Мўминович, фанимат пайтимда. Омонат эканман, чоғи...”

Эртаси тонгда Сабоҳатхон опа илиқ сувга сочиқ ботириб, эрининг юзини артишга ўтирди. Эрининг эти совуқ, унинг ўнг кўзи ҳамон очиқ, нафас олмас эди. Сабоҳатхон опа дарғол эрининг чап кўкрагини массаж қилишга киришди, бироқ тўхтаб қолган юрак ишлаб кетмади, афтидан, уйқусида жони чиққан эди.

Сабоҳатхон опа қизи Насибага телефон қилди, эловланмаслиги учун фожиани вазмин айтди. Юраги така-пука бўлиб, Насиба эрини, айвонда ухлаётган укаси Хуршидни уйғотди. Улар апилтапил туриб, чала ювиниб қўшнининг машинасида онасиникига ошиқишди.

Матлуба ўзига ажратилган хонасидан чиққанида ҳовлида ҳеч ким кўринмас, айвондаги ўрин чойшаби илон пўстидек ётар, дарвозахонада машина йўқ эди.

Матлуба таажжубланди, Насибанинг эшигини тақиллатишни эп кўрмади, беихтиёр ўтириб қолди. Қуёш чиқиб, кун ёришди, телефонда Насиба мудҳиш воқеани айтди. Матлуба нима дейишга лол, нуқул “Вой ўлай!” дер эди. У яна ўзини айбдордек сезди, пойқадами хосиятсиз келганидан мулзам бўлди, ҳатто тўй бўлишини истамди. Ҳақиқатда тўй бўлмади, аза пайти мумкинмас эди. Профессорнинг дафнига тумонат одам келди, Чигатой гўристонига кўмилди, газеталарда таъзиялар босилди. Йигирмаси ўтгач, Матлубани бу ҳовлига олиб келишди. Сабоҳатхон опа ўғли билан келини шаръий никоҳдан, ЗАГСдан ўтишига қарамай, келинини биринчи марта кўрди — Матлуба ростдан ҳам чиройли эди. Сабоҳатхон опанинг кўнгли юмшади, кафедра қирқ-эллик

кишилик ўтириш қилишди. Хуршид билан Матлуба эр-хотин бўлиб яшай бошлашди.

Матлуба биринчи тундаёқ: “Қадамим хосиятсиз келди”, деди. Хуршид:

— Бунақа примларга ишонмайман, — деди. У севимли ожизаси билан бир ёстиққа бош қўйганидан, унга эришганидан беҳад хурсанд эди.

Матлуба ярим йилдан кейин пединститутга талаба сифатида қатнай бошлади, бироқ икки ой ҳам ўқимаи “бошқоронғи” бўлди.

Тунда Матлуба эрининг қулоғига пичирлади. Хуршид:

— Вой, энди бирга ёта олмаймизми? — деди эловлаб. — Тўймадим-ку.

— Чидайсиз, — деди Матлуба эрқалангандек, таманно билан. У ҳомила тортганидан ич-ичидан шодланар, қувончини яширишга уннар, кўз тегишидан чўчир эди.

Сабоҳатхон опа келини ҳомила тортганини дарҳол пайқади, керакли тавсиялар берди, оғир юмушдан озод қилди, шифокорга кандасиз бориб туришни буюрди — ўзи келинини кўришни эп кўрмади. Ўғли билан келини ўртасида фарқ бўлишига қарамай, у Матлубага тенг қарар, зулм ўтказмас, юмушидан, муомаласидан иллат ахтармас, Матлуба учун янги турмуш шароити аввалгисидан фарқ қилар, ҳомилали келини асабийлашмаслиги учун унинг кўнглига қарар, кундузлари ҳам бир-икки соат ухлашни тавсия қилар, парҳезни бузмас эди. Матлуба эса бундай эътибордан тортинар, келиннинг биринчи бурчи хизмат қилишдан иборат, деб билар, қайнонасини рози қилишга, миннатдорлик билдиришга уринар, кўнгли тусаган таомни айтишдан ҳам уялар эди. Эгачиси Насиба Матлубани — ҳали қорни сезилмасдан аввал — бир-икки марта театр-концертларга, ҳатто аёллар салонига олиб борди, баланд пошнали қизил туфли, шаҳарбоп кийим-кечак кийдирди, узун сочини қирқтирди — Матлуба янада очилиб кетди; етти ойдан буён бормаган уйига куёвчақириққа эри билан борди, онаси кизини аранг таниди.

— Вой бў-ў! — деди онаси. — Посон бўлиб кетибсан!

— Қишлоқилигим билинмасин дедим, — деди Матлуба.

Қўшни қизлар ҳавас қилгани чиқишди.

Матлубанинг онаси куёвнинг елкасига тўн ташлади, кийиб бўлмаса-да, сарпо қўйди. Ўша куни Матлуба билан Хуршид тунаб қолишди. Эртасига уларни эшик олдида кузатишар экан, онаси машина юкхонасига асал, ёнғоқ, анор ва қаймоқ жойлаб:

— Жойингдан тинчигин, — деди ва орқасидан тикилиб қолди. Унинг кўзлари ёшга тўлган, таскин ёшлари эди.

МУНДАРИЖА

Паймона (роман)

3

Ирода (қисса)

240

УЧҚУН НАЗАРОВ

ПАЙМОНА

Роман

ИРОДА

Қисса

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2010

Муҳаррир *Қодиржон Қайумов*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Рассом Умир Холиқов
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Лидия Цой*
Мусахҳиҳлар: *М. Зиямуҳамедова, Ш. Хуррамова*

Босишга рухсат этилди 10.08.2009.
Бичими 60x90¹/₁₆. Офсет босма. Шартли босма табоғи 39,0.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 22,7. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 535. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**